Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКДЕМИЯСИ
БАДИИЙ АКАДЕМИЯ
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2022

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКДЕМИЯСИ
БАДИИЙ АКАДЕМИЯ
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ТЎРТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Алийбег РУСТАМИЙ

**ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ
МАЪНАВИЙ ОЛАМИ**

*** *** ***

Саидбек ҲАСАНОВ

НАВОИЙНИНГ ЕТТИ ТУҲФАСИ

*** *** ***

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ

**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ
КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР**

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шуҳрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шуҳрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

АЛИЙБЕГ РУСТАМИЙ

ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ


URST CURSE
AMITY.
OLAM AHLI BILINGIZKIM, ISH EMAS DUSHMANLIG,
YOR OLUNG BIR-BIRINGIZGAKIM, ERUR YORLIG ISH.

ТАҚДИМ

Тарих тақозоси билан Совет империяси қулаб, унинг таркибида бўлган миллатларга истиқлол йўли очилди. Бу ижтимоий қазо жараёни бўлиб, уни айрим шахс ва гуруҳлар тўхтата олмайдилар. Бошқа жумҳуриятлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз аҳолисининг нияти ва амалига яраша истиқлолдан баҳраманд бўлди. Истиқлолнинг камоли кўп жиҳатдан тил истиқболига боғлиқ. Чунки тил жамият ва ҳар бир шахс ҳаётининг ҳамма жиҳатини қамрайди.

Инсон – коинотнинг жуда кичкина, лекин энг мураккаб, энг мукаммал ва энг афзал мавжуди. Унинг мураккаблиги шундаки, оламдаги ҳеч бир нарса тузилиш, тартиб ва ишда инсончалик эмас. Мукаммаллиги шундаки, унинг жисмида бирор етишмаган муча йўқ ва унинг қўлидан келмаган иш йўқ. У жуда кўп куч талаб қиладиган ишларни қурол ясаб осонгина бажаришга қодир. Инсоннинг мана шу мукаммаллиги ҳамда нутқи ва ақли уни бутун маҳлуқотдан мумтоз айлаган. Башар аҳли қурол ишлата билиш туфайли табиий олам билан чекланиб қолмай ўзига маданий муҳит яратди ва бу билан тўхтовсиз ривож йўлини топди. Ўзга жондорларда, улар қурол ишлата олмагани учун, тараққиёт йўқ ва улар табиий имкон даражасидан ташқари чиқа олмайдилар. Шу ўринда масаланинг нозик бир томонига ўқувчиларимизнинг диққатини жалб этишим керак. Ўзга кишиларнинг ҳунари, санъати билан яратилган маданий маҳсулотдан тўлиқ фойдаланиш кишининг инсоний даражасини белгилашда мезон бўлолмайди. Ясовчи, яратувчининг инсонийлиги ҳунарсиз истеъмолчига нисбатан юқорироқ бўлади. Бугина эмас, инсонийликнинг бундан ҳам юксакроқ жиҳати бор. Бу кишининг маънавий жиҳатидир, маънавият ҳар бир кишининг ўзининг ва бутун жамиятнинг равнақи учун муҳимдир.

Тилнинг беқиёс аҳамияти шундаки, унда бутун табиий ва маънавий оламлар акс этади ва ҳар бир киши тил воситаси билан бу оламларни ўрганиб уларнинг ҳақиқатини англайди, ўзининг кимлигини ва тараққиёт доирасидаги бошланғич ва охирги нуқтани кўз олдига келтиради. Бу унда олий мақсадга эришиш иштиёқини туғдиради ва олий мақсад уни эзгу амалларга бошлайди. Эзгу амал унинг ўзига абадий саодат, элга осойишталик ва фаровонлик келтиради.

Ўзбекнинг асосий табиий билими маданий имконияти ва маънавий бойлигини йўқотиш мақсадида **эски ўзбек тили** деган ном берилган, аслида туркий деб аталган мумтоз ўзбек тилида акс этган. Шу тилда ёзилган улкан ва бебаҳо мероснинг минг йиллиги араб ёзувига асосланган турк хатида битилган. Совет даврида бу хатнинг таълимдан олиб ташланиши ялпи миллий саводсизликни келтириб чиқарди. Мустақил ижод соҳиби бўлмиш халқ миллий қадриятлардан ажралиб, тақлидчилик йўлига ўтди. Нима учун бугун олимларимиз, жумладан,, қаламкашларимиз маърузани ҳам, дарсни ҳам, ваъзни ҳам, хутбани ҳам **маъруза** демоқда, нима учун жирни ҳам, мойни ҳам, ёғни ҳам **ёғ** демоқда, нима учун буртуқол (оранж)ни **апелсин**, юсуфийни **мандарин**, сарвни **кипарис**, нахлни **палма**, барангни **картошка**, кўзбарани **петрушка**, пешбайни **фучер битими** демоқда. Чунки миллий саводдан маҳрум қилинганликлари учун меросдан фойдалана олмайдилар.

Бинобарин, мактаб ва ўзга таълим юртларида араб-турк ёзувини ўқитишни сусайтириш эмас,кучайтириш ниҳоятда зарурдир. Ўзбек тилининг совет лаҳжаси билан чекланган аҳоли жумҳуриятнинг истиқлоли ва равнақини таъминлай олмайди, ўзининг ватансеварлик ва миллатпарварлик бурчини ўтай олмайди. Мазкур ёзув фақат ўтмиш эмас, турли таҳқирлардан холи шарафли келажак калити ҳамдир. Қарамлик даврида курашиб қўлга киритил-

ган бу муҳим қуролни мустақиллик даврида йўқотишга ҳаракат қилиш оғир миллий жиноятдир. Буни яхши англашимиз керак.

Ҳозирги вақтда одоб, урфу одат, турмуш тарзига мутлақо зид амалларга рағбат пайдо бўлиб, маҳаллий бозорларга зарарли маҳсулотлар кириб келмоқда. Шарқ таълиму тарбиясидан ҳосил бўладиган фазилатлардан маҳрум ёшларнинг телекўрсатувлар таъсирида турли ножўя ҳаракатларга, ҳатто жиноятга мойил бўлишлари жамият келажаги учун ўта хатарли ҳодисадир. Бунинг олдини оладиган амалларнинг энг муҳими диний тарбияни йўлга қўйиб, мумтоз адабиёт таълимини боғча ва бошланғич мактабдан бошлаб юқори савияда амалга оширмоқдир. Бу ишга Навоийдан муносиброқ азиз зот жаҳонда йўқ.

Ушбу рисола мазкур эҳтиёж талаби ва Юсуфхўжанинг даъвати билан таълиф қилинди. Бу асарнинг савобини ота-боболарим, она-момоларим, сингилларим, иниларим, ўғлим, қизларим, завжам ва унинг ота-боболари, она-момоларига бағишлайман. ***Аллоҳумма-ағфир лаҳум би-раҳматика йо арҳам***.

Илмий ва шахсий ишларимда маъмурий ва моддий ёрдамини аямаган фазлу карам соҳиби академик Неъматуллоҳ Иброҳимга беҳад миннатдорчилигимни билдираман.

ДЕБОЧА

ТИЛ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Тилнинг моддий жиҳати товушдир, ёзувда ҳарф. Лекин ҳарф товушга нисбатан иккиламчи ҳодиса. Табиий тилларнинг ҳаммаси товушдан иборат бўлиб, ҳарф товушнинг замон ва масофасини кенгайтириш учун пайдо бўлган белгидир.

Товуш табиатан ҳаво тўлқинларидан иборат бўлгани учун у жонсиз табиий ҳодисаларга ўхшайди. Аммо тил товуши оғиздан чиқиб, қулоққа эшитилади. Мана шу айтилиш ва эшитилиш жиҳатдан у ҳар бир кишига хосдир. Аммо, тил якка шахсга хос туғма ҳодисаларга кирмайди. Чунки тил мавжуд бўлиши учун кўпчилик, жамият бўлиши шарт. Масалан, киши болаликдан одамлар орасида ўсмаса, у умуман тил билмайди. Одамлар орасида ўсганда миллатидан қатъи назар қайси халқ орасида ўсса, шу халқ тили унга она тили бўлади. Инглиз Арабистонда катта бўлса, араб тилини билиб, инглиз тилини билмайди. Агар араб Англияда улғайса, инглиз тилини билиб, араб тилини билмайди. Араблар орасида ўсган инглиз ўз халқининг тилини ўрганмоқчи бўлса, уни чет тил каби ўрганади. Инглизлар орасида вояга етган араб ҳам ўз халқининг тилини ўрганишни истаса, уни чет тилни ўрганган-дай ўрганади.

Демак, тил табиий ҳодиса ҳам, якка кишига хос ҳодиса ҳам эмас экан. Тил фақат бир жиҳати, яъни товуш томони билан табиий, яна бир жиҳати – нутқий қобилият томони билан якка шахсга хос. Аммо моҳият эътибори билан жамият маҳсули бўлиб, ижтимоий ҳодиса экан.

Тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Мавжудотнинг моҳиятини, ҳақиқатини билиш “маърифат” дейилади. Тилнинг илмий аҳамияти оддий билим билан чекланмай, маърифатни, яъни билишнинг энг олий мартабасини ҳам ўз ичига олади.

Дунёга келган ҳар бир бола ҳақиқий инсон бўлиб етишиш учун жуда кўп нарсаларни билиши керак. У ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб ва ўқиб ўрганади. Эшитиб ва ўқиб ўрганиш тил воситасида амалга ошади ва унинг имконияти чексиздир. Агар тил бўлмай, ҳар бир кишинииг тириклиги унинг ўз тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу кунгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яшаган ва бугунги моддий ва маънавий тараққиётга эришмаган бўларди.

Тилнинг биринчи маърифий аҳамияти шундан иборатки, тил туфайли жамият узвларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари тил туфайли билим аждоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган аждоднинг ишини янгидан бошламасдан, уни давом эттиради. Бу билан яна тараққиёт таъминланади.

Тил илм олишда замон ва макон ғовини ўртадан кўтаради. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Коинотнинг ҳамма еридаги маълумотни сўз билан ифодалаб, билмаганга билдириш мумкин.

Ҳар бир ўқувчи мактабда қанчадан қанча билим олади. Шу билимларни олишга тил туфайли муяссар бўлади. Акс ҳолда, ҳар бир ўргатилаётган нарсани, ҳеч бўлмаганда унинг суратини ўқувчига кўрсатиш керак бўлар эди. Бу, албатта, жуда кўп вақтни ва жойни талаб қилар эди.

Бугина эмас, биз тил туфайли сезги мучалари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз. Кўриниши, шакли бор нарсаларнинг акси онгимизга ўрнашиши мумкин, лекин

шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштирамиз. Худди шунингдек мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воситаси билан ўзгаларга тушунтирамиз.

Тилни ўрганиш ва ўргатишни жуда осонлаштирадиган яна бир жиҳати шундаки, у умумлаштириш хусусиятига эга. Сўз воситасида биз мавжудотни ўрганиб, умумий тушунчалар ҳосил қиламиз ва бу тушунчалар мавжудотнинг умумий хоссаларини ўрганишга, ҳатто уларнинг ҳақиқатини идрок этишга имконият туғдиради.

Тил туфайли биз ҳақ билан ноҳақни, яхши билан ёмонни бир-биридан фарқлашни ўрганамиз.

Шундай қилиб, тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга экан. Аммо тилнинг аҳамияти бу билан тугамайди. Унинг жуда улуғ бадиий аҳамияти ҳам бор. Тилнинг бадиий имконияти чексиздир. Тил имкониятининг чексизлиги ва аҳамиятининг ниҳоятда улуғлиги унинг ҳам моддий, ҳам маънавий оламни қамраб олганлигидадир.

Бадиийлик нима? Бадиийлик, бошқача қилиб айтганда, бадиият бу гўзалликнинг нутқий кўринишидир. Борлиқдаги гўзалликнинг кўринишлари жуда кўп. Масалан, фақат табиий гўзалликнинг сон-саноғи йўқ. Фақат тўрт фаслнинг ҳар бир фасли минг-минглаб гўзал нарсаларни вужудга келтиради. Мана, кўкламни олинг: оқ чойшабга ўралиб ухлаб ётган ер устидан сабо, яъни шарқдан эсадиган илиқ, табиатни уйғотувчи ел қор кўрпасини ер устидан кўтариб, уни кўк кўрпа билан буркайди ва бу кўк бағрида ранг-баранг чечакларни ундиради. Дарахтлар гуллаб, асаларилар гул ширасидан минг дардга даво асалларни ҳозирлашга киришади. Шовқин-суронлар ва замбарак овози бўлмаган тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган гулзорларда тун ярмидан тонггача булбул сайраб соф кўнгилларга лаззат бағишлайди.

Бутун мавжудотнинг, хусусан, инсоннинг тузилиши, юриш-туришида қанчадан қанча етуклик, жумладан,, гўзаллик бор. Аммо табиий гўзалликдан ташқари яна инсон вужудга келтирадиган сунъий гўзаллик ҳам бор. Ҳунарманду санъаткорлар буюмларга, иншоотларга гўзал тус берадилар. Уста деҳқонлар гўзал боғу роғларни вужудга келтирадилар. Куйчилар куй, ашулачилар ашула, рассомлар расм, ҳайкалтарошлар ҳайкал яратадилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси ва уларнинг гўзаллиги тил воситасида акс эттирилади. Бу тилнинг гўзалликни ифодалашдаги хизматидир. Аммо тилнинг ўзи ҳам гўзаллик моддаси сифатида сўз усталари томонидан ва умуман халқ тарафидан фойдаланилади. Чунки тил етук ҳодисалардан бўлиб, унда гўзаллик учун зарур бўлган ҳамма сифатлар мавжуддир.

Маълум бўлдики, тилнинг икки жиҳатдан бадиий аҳамияти бор экан. Биринчидан, тил табиат ва инсондаги мавжуд гўзалликни акс эттириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи гўзалликни вужудга келтиради. Шоир ва ёзувчилар ҳамда оддий халқ орасидаги миллионлаб чечанлар тил бадиий мазкур ҳар икки имконияти жиҳатларининг биридан ёки ҳар иккисидан бирдан фойдаланадилар ва шу билан ўқувчи ёки тингловчига ҳам лаззат бағишлайдилар.

Тилнинг гўзалликни ифодалаш ёки акс эттириш жиҳати қандай амалга ошади? Бунинг жавобини олиш учун аввал “гўзаллик нима?” деган саволга жавоб беришимиз керак. Чунки гўзалликни турлича тушуниш мумкин. Айниқса, инсондаги гўзалликнинг нимадан иборатлигини билиб олиш учун кўп билим ва тажриба лозим. Ҳозирги ўқувчи ўғил-қизларнинг кўпи ота-оналарининг, боғча мураббийлари ва ўқитувчиларнинг, матбуот ва адабиётнинг тарбияси натижасида ёмондан яхшини, хунукдан чиройликни ажратадиган бўлганлар. Лекин оз бўлсада гўзалликни, жумладан,, инсон гўзаллигини яхши тушуниб етмаган ёшлар, ҳатто қариялар ҳам бор. Гўзалликка тўғри муносабатда бўлиш ва уни тўғри тушуниш учун, биринчидан, ҳар бир нарсанинг маъносини ёки мазмунини эътибордан қочирмаслик ва

унинг фақат суръати ёки шакли билан чекланмаслик керак. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг шакли ва мазмуни бўлади. Мазмун бирламчи, шакл иккиламчидир. Масалан, кийимни оладиган бўлсак, унинг кўриниши шаклини, қулайлиги ва ўз вазифасига мувофиқлиги унинг мазмунини ташкил қилади. Кийим биринчи навбатда ноқулай эмас, қулай, соғлиққа зарарли эмас, фойдали бўлиши, тананинг ёпиладиган ерларини ёпиб туриши ва кишини ташқи муҳит таъсиридан, совуқдан, намдан, шамолдан ёки қуёш нуридан сақлаши зарур. Ундан кейингина у чиройлик шаклга эга бўлиши ва бу шакл унинг вазифасига хилоф бўлмаслиги лозим.

Баъзи йиртқич ҳайвонлар кўринишда уй ҳайвонига нисбатан кўркам бўлиши мумкин, аммо моҳиятан зарарли бўлгани учун у кишида ҳақиқий гўзаллик завқини уйғотмайди, аксинча, киши кўнглига даҳшат солади ёки уни жиркантиради.

Айрим заҳарли ўсимликлар рангдор гули билан, масалан, райҳонга нисбатан яхшироқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Аммо бу унинг табиатини билган кишига райҳонга нисбатан гўзал бўлиб туюлмайди.

Гўзалликни тўғри тушуниб, ундан баҳраманд бўлиш учун зарурий шартлардан яна бири шуки, ҳамма ҳолда ҳам гўзалликдаги табиийлик сунъийликка нисбатан устун туради. Инсон табиий гўзалликка сунъий гўзаллик қўшади, лекин унинг ўрни ва меъёри бор. Масалан, боғбон гулзор қилганда гулларни маълум бир тартибда жойлаштириб, ҳар тупни бутаб, унинг табиий гўзаллигига сунъий гўзаллик қўшади, аммо уни яна ҳам гўзал қиламан деб гулбаргларига нақш солмайди ёки бирор ўзга ранга бўямайди. Бунда унинг табиий гўзаллиги йўқолади ва у гул сифатида ўз қадрини йўқотади. Биринчи ҳолда, яъни гул тупларини бир-бирига нисбатан ва ҳар тупнинг шохларини тартибга солганда унинг табиий гўзаллигига зарар етмайди. Агар боғбонга бошқа ранг керак бўлса, у ўша ўзга рангни гулнинг табиий хоссасига айлантириши керак. Бунга у гулларни чатиштириш йўли билан эришади. Бунда гўзалликнинг табиийлигига путур етмайди. Биринчи ҳолда боғбон қалбакилик қилган, иккинчи ҳолда моҳирлик кўрсатган бўлади. Биринчи тақдирда у кулги бўлади ёки кишиларни ранжитади, иккинчи ҳолда ҳам маҳорати, ҳам янги нав гули билан ҳаммани хушнуд қилади ва бунинг натижасида ўзи ҳам шоду хуррам бўлади.

Энди инсондаги гўзалликка ҳам табиий нуқтайи назардан қарасак, ундаги гўзаллик қонуни ҳам ўша гулга оид қонуннинг ўзи. Гулбаргга нақш солиб, уни бўёқ билан бўяб бўлмаганидек кишининг баданига, айниқса, юзига ҳар хил шаклларни тушириб бўлмайди, уни бўяб ўзгартирилмайди, аъзоларнинг табиийлигини бузиш мумкин эмас. Аммо инсонда ихтиёр кучлилиги ва кишиларнинг гўзалликка муносабати турлича бўлгани учун баъзи шахслар мазкур қонунга хилоф ишларни қиладилар ва ўзларича оқилона иш қилдим деб ўйлайдилар. Аммо кейинчалик ўз қилмишларига ўкинадилар. Баданга қилинадиган нина-битиг ва нинанақшлар, упа-элик ва бошқа сунъий пардоз моддаларидан ортиқча фойдаланиш ва модапарастлик гўзалликнинг, айниқса, табиий гўзалликнинг моҳиятини англамаслик натижасида содир бўлади. Бундай амалларнинг энг қабиҳи – бу табиий аъзоларни сунъийлаштиришдир. Соғ тишни арралатиб, унга олтин қоплаш шу жумладан,дир. Афсус, минг афсуски, олтин тишни ҳусн деб билган ёшларимиз соғ табиий тишни металл билан алмаштириш табиий қўлни сунъий чарм қўл билан алмаштириш билан баробар эканлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Энди тилга қайтайлик. Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттирувчи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гўзалликни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд дедик. Биз тилга гўзаллик жавҳари сифатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратлантирадиган даражада етуклиги бор.

Қайси бир тилни олманг, ундаги товушлар юзга етмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўттиз битта товуш бор. Ўзбек тилига тарихан назар солган вақтимизда ёки шеваларни ҳисобга олганимизда кўпроқ бўлади, аммо қирқтадан ошмайди. Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз ясалиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин.

Тилнинг мана шу етуклиги унинг гўзаллигини ва ундан фойдаланувчининг, яъни сўзловчининг ёки ёзувчининг нутқий маҳоратини таъминлайди.

Бир нарсани ясаётганда ясовчининг маҳорати ва ясалган нарсанинг гўзаллиги нимада намоён бўлади? Хоҳ табиий, хоҳ сунъий нарсанинг кўрки унинг бўлакларининг бир-бирига нисбати борлигидан ёки мутаносиблигидан иборатдир. Масалан, бир уйнинг учта дераза-си бўлиб, ҳажмда ё шаклда, ё ўрнатилишида, уч турли бўлса, бу ҳол ўша уйни хунук қилиб қўяди. Агар ўртадаги дераза бошқача бўлиб, икки ёнидагиси бир хил бўлса, уйнинг кўрки бузилмайди.

Бир кишининг узвлари бир-бирига нисбатан катта-кичикликда, шакл ва ўрнашишда қанча мутаносиб бўлса, унинг ҳусни шунча ортиқ бўлади. Агар қулоғи катта, бурни кичик бўлса, икки қошнинг бири эгма, иккинчиси тўғри бўлса, икки кўзнинг бири юқорироқда, иккинчиси пастроқда бўлса, улар орасидаги нисбат бузилади, натижада ҳусн йўқолади.

Бадиийлик деб аталувчи нутқ ҳусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан, ёхуд ҳар икки жиҳатдан, муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўзлардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фасллар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Сўзларни маълум тартибга солиб мисралар, мисралардан байту бандлар, байту бандлардан назмий асарлар ижод қилинади.

ТИЛЛАРНИНГ ҚАРДОШЛИГИ ВА ШАКЛДОШЛИГИ

Тилшуносликда кўпчилик тан олган фикрга кўра дунёдаги тиллар орасида қардошлик мавжуд бўлиб, улар бир неча оила ёки шажарани ташкил килади. Ҳозир мана шу масаланинг тафсилоти билан танишинг.

Дунёда икки минг саккиз юзга яқин тил бор. Шу тилларнинг ҳаммаси бир тилдан келиб чиққан деган фаразия бор. Лекин бу фикрни тилшунослик нуқтайи назаридан исбот қиладиган даражада етарли далиллар йўқ. Агар Одам алайҳи-с-саломнинг Абулбашарлигини, яъни барча кишиларнинг биринчи отаси эканлигини тан олсак, мазкур фикр тўғри деб топилиши керак. Агар инсон бирдан ер курасининг бир неча ерида вужудга келган деб тахмин қилинса, ундан дастлаб бир тил эмас, бир неча тил мавжуд бўлган бўлади.

Тилшуносларнинг тилларнинг ўзига асосланган ҳолда чиқарган натижаларига кўра бир шажарага мансуб тиллар қадимда бир тил бўлган бўлиб, кейин халқларнинг кўпайиб бир-биридан ажралиши ва уларнинг тилида фарқ пайдо бўлиши натижасида турли тилларга айланган. Ҳар бир тил шажарасининг дастлабки биринчи тили **ўзак тил** ёки **бобо тил** деб аталади. Бобо тилнинг кўпайиши натижасида вужудга келган тиллар қардош тиллар деб ҳисобланади. Ҳинд-Аврўпа тиллари шундай қардош тил шажараларининг бири бўлиб, бунга Ҳиндистондан тортиб Аврўпадаги кўпгина тиллар мансубдир. Мана шунга асосан бу тиллар “Ҳинд-Аврўпа тиллари” деб аталган. Ҳар бир тил шажараси бир неча бутоққа ва ҳар бутоқ ўз навбатида бир неча бутоқчага бўлиниши мумкин. Ҳинд-Аврўпа тиллари қуйидаги бутоқларни ўз ичига олади: ҳинд тиллари, эрон тиллари, славян тиллари, болтиқ тилла-

ри, герман тиллари, роман тиллари, ёлғизлашган тиллардан грек, арман ва албан тиллари ҳам Ҳинд-Аврўпа тил шажарасидандир. Рус тили славян тиллари бутоғининг шарқий бутоқчасига мансуб. Бу бутоқчага яна украин тили киради. Инглиз ва олмон тиллари герман бутоғининг ғарбий бутоқчасига тааллуқлидир. Фаранг, яъни француз тили Ҳинд-Аврўпа тилларининг роман бутоғига, тожик тили, эрон тилларининг ғарбий бутоқчасига киради.

Ҳинд-Аврўпа тилларининг қардошлиги, яъни дастлаб улар бир тил бўлиб, кейин бир неча тилга айланганлигини тилшунослар қандай қилиб билдилар деган савол туғилиши табиий. Ҳозир мана шу сўроққа жавоб берамиз.

Бир тилдаги сўзларни бошқа тиллардаги сўзлар билан қиёслаганда шу тилларнинг ҳаммасида бор бўлган сўзларни учратамиз. Масалан, "самовар" деган сўзни олсак, бу сўз рус тилида ва яна қозоқ, қирғиз, ўзбек, тожик ва бошқа тилларда мавжуд. Лекин бу сўз ўзбек ва тожик тилларининг қардошлигига далил бўла олмайди. Чунки бу сўз мазкур тилларга рус тилидан ўтгандир. Буни **ўзлашма** ёки **иқтибос** дейилади. Ёки **дунё** сўзини олсак, бу сўз ўзбек, тожик, урду, ҳинд, пашту, форс яна ўзга кўпгина тилларда бор, лекин бу ҳам бу сўз мавжуд тилларнинг қардошлигига ҳужжат бўлолмайди. Чунки **дунё** сўзи бу тилларга араб тилидан ўзлаштирилгандир.

Аммо оға-ини, яъни ака-ука маъносидаги русча **брат** сўзини оладиган бўлсак, бу инглизчада **бразер**, немисчада **брудер**, форсчада **биродар**, санскритчада **бҳаратир** бўлади. Мана шу номи айтилган тилларнинг қардошлигига далилдир. Яна бир мисол, икки русчада **два** дейилади, паштуда **дувай**, немисчада **цвай**, инглизчада **ту**, тожикчада **ду** дейилади. Бу мисоллар мазкур тилларнинг қардошлигини, яъни улар ягона бир тилдан тарқаганини билдиради. Тилларнинг қардошлигини аниқлаган пайтда тасодифан бир-бирига ўхшаб қолган сўзлар ва ўзлашмалар, яъни бошқа тиллардан олинган сўз ва қўшимчалар ҳисобга олинмайди.

Араб, иброний ва ҳабаш тиллари хом-сом тил шажарасини ташкил қилади.

Энди мазкур жиҳатдан ўзбек тилига бериладиган маълумотга қулоқ беринг! Ўзбек тили туркий тилларга мансуб бўлиб, олтой назариясига кўра мўғул, тунгус-манжур, қура (корейс) ва япон тиллари билан биргаликда олтой тиллари шажарасини ташкил қилади. Олтой тилларини ўрол тиллари: фин, угор ва самодий тиллари билан қардош деб ҳисобловчилар ҳам бор. Туркий тилларнинг айрим тиллар билан қардошлиги масаласида бошқача тахминлар ҳам мавжуд. Лекин кўпчилик олтой назарияси тарафдоридир.

Олтой назариясига кўра туркий тилларнинг, жумладан,, ўзбек тилининг тарихи, олтой тилларининг қадимда бир тил бўлган олтой давридан бошланади. Тарихий ҳужжатларнинг йўқлиги сабабли бу даврнинг саналари номаълум, олтой бобо тили дастлаб тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига, турк-мўғул тили эса турк ва мўғул тилларига ажралган. Шундан сўнг милоддан аввалги учинчи асрдан мелоднинг тўртинчи асригача туркий тиллар тарихида хун даври бошланиб, туркий тиллар икки тармоққа – шарқий хун ва ғарбий хун тилларига бўлинади. Туркий тиллар тарихида хун даврининг алоҳида кўрсатилишига ўша даврда Марказий Осиёдан шарқий Аврўпагача бўлган ҳудудни ишғол қилган хун хоқонлигининг вужудга келиб, кейинчалик унинг иккига ажралиши асос қилиб олинади.

Сўнгра милоднинг бешинчи асридан ўнинчи асригача бўлган узоқ вақтни ўз ичига олган қадимги турк даври келади. Умумхалқ ўзбек тилининг тарихи олтой давридан бошланса, ўзбек ёзма адабий тили тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади. Лекин бу даврнинг адабий тили ва обидалари барча туркий халқларга тааллуқлидир.

Қадимги турк ёзувини Ибн Арабшоҳ "дулбарчин" деб, Маҳмуд Кошғарий "турк хати" деб атаган. Ҳозир бу ёзув **уйғур ёзуви** деб аталади. Қадимги турк тилига уйғур ёзувида ва қис-

ман моний, бираҳмон, суғд ва сурёний ёзувларида ёзилган обидалар киради. Урхун ва уйғур ёзувлари туркий халқларга хос ёзувдир. Тошга ўйиб ёзилган урхун ёзуви ёдгорликлари дастлаб Енисей ҳавзасида, сўнгра XIX аср охирида Мўғулистоннинг Урхун дарёси бўйида топилиб, бу ёзувни дастлаб даниялик тилшунос Томсен ва рус туркологи Радлов аниқлади. Ҳозирги пайтгача урхун ёзувида ёзилган кўплаб тош, идиш, асбоб, тангалар, китоб, китоб варақалари ва айрим қоғозлар ҳам топилган. Талас ва Енисей обидаларидаги ёзув Урхун обидаларига нисбатан ҳарфларнинг шаклий кўринишларининг кўплиги билан фарқ қилади.

Уйғур ёзувида ёзилган асарларнинг ҳаммаси ҳам қадимги турк даврига оид эмас, чунки бу ёзув XVIII асргача қўлланиб келган. Уйгур ёзувида Маҳмуд Кошғарий ўн саккизта ҳарф борлигини ва туркий тилларда мавжуд бўлган еттита товуш учун махсус ҳарфлар йўқлигини, унлиларнинг эса араб ёзувидагидек ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан ифодаланишини айтган.

Тиллар шакл, тузилиш жиҳатидан ҳам гуруҳларга бўлинади. Сўзлари ўзгармайдиган, сийғалари йўқ тиллар бор. Масалан, бу тилларда **мен бозорга бордим** деган гап **мен бозор бор** шаклида ифода қилинади. Булар **сийғасиз тиллар**дир. Ғарбда **оморф тиллар** деб аталади. Яна бир гуруҳни **иъробли** ёки **илтисоқий тиллар** ташкил қилади. Ғарбда булар **флектив тиллар** дейилади. Сўзнинг ўзгариши ва ўзгарадиган бўлак, ҳам **флекция** деб аталади. Бу тилларда сўз ва унинг сийғалари сўзнинг ўзгарадиган қисмини ўзгартириш билан ясалади. Масалан, араб тилида **ктб** ёзиш маъносидаги сўзларнинг ўзаги. Шуни **котиб** дейилса, ёзувчи бўлади, **китоб** ёзилган нарса ва китоб, **кутуб –** китоблар. Рус тили ҳам иъробли тиллар гуруҳига мансуб. Аммо бунинг иъроби араб тилидагидек мураккаб эмас. Араб тилининг иъроб бўлаги ҳам ўзак ичида, ҳам ташида мавжуд. Рус тилида бу бўлак сўз охирида бўлиб, у **тугама** деб аталади. Масалан, **книга** сўзини олсак, унинг **книг** қисми негиздир, **а** эса тугама бўлиб, мазкур сўзнинг турли сийғалари шуни ўзгартириш билан ясалади. **Книги** родительный бирлик, именительный, винительный кўплик ҳолатида бўлади. Агар нол тугама билан **книг** дейилса, родительный кўплик ҳолатида бўлади.

Учинчи гуруҳ **қўшимчали тиллар**дан иборат. Ғарбда бу гуруҳ **агглютинатив тиллар** дейилади. Қўшимчали тилларнинг ифода имконияти чексиздир. Ўзбек тили мана шу жиҳатдан қўшимчали тилларга мансубдир. Бундай тилларда, масалан, рус тилидагидек тугама, яъни сўзнинг ўзгарадиган бўлаги бўлмайди ва сўзнинг гапдаги муносабатлари асосан, қўшимча воситасида ифодаланади. Қўшимчали тиллар, жумладан,, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари бор. Ўзбек тилини иъробли ёки тугамали тил бўлмиш рус тили билан чоғиштирадиган бўлсак, булар орасида қўшимчали ва тугамали тиллар орасида мавжуд бўлган бир неча муҳим фарқни кўрамиз. Бу фарқларни билиш ҳам ўзбек тилидан, ҳам рус тилидан тўғри фойдаланиш учун жуда зарурдир.

Биринчи фарқ шундан иборатки, рус тилидаги от, сифат, сон ва баъзи олмошлар умумий сийғаларга эга, ўзбек тилида эса фақат от билан олмош орасида умумийлик бор. Рус тилида сифат ва сон отга хос сийғаларга эга. Масалан, “белый” сифатини ва “один” сонини оладиган бўлсак, буларнинг “белая”, “белое”, “одна”, “одно” деган жинс сийғалари бор, ундан ташқари буларнинг кўплик ва келишик сийғалари ҳам бор. Қўшимчали тил бўлган ўзбек тилида бундай эмас. Масалан, “оқ” ва “бир” сўзларининг кўплик ва келишик сийғалари йўқ. Агар булар отлашсагина уларга кўплик ва келишик сийғалари қўшилади. Рус тилида эса мазкур туркумлар отлашганда ҳам отлашмаганда ҳам уларда отга хос сийғалар мавжуд бўлади.

Рус тилида сўз ўзгариши нуқтайи назаридан бир неча сўз туркумида умумийлик бўлиши билан бирга ҳар бир туркумда шу туркум белгиси ва ясалиш нуқтайи назаридан ўзбек тилига нисбатан хослик мавжуд. Масалан, ўзбек тилидаги “олтин” сўзини олсак, бу сўз ҳам рангли филизнинг бир турини ва буюмнинг сифатини ҳам билдириши мумкин. Булар орасидаги маъно фарқи гапда ифодаланади. “Олтин” сўзи аниқловчи ўрнида келса, у аниқланмишнинг сифатини билдиради. “Олтин узук”, “олтин соат” деганда шундай бўлади. Ўзга ҳолларда у сифат эмас, нарсани билдиради. Демак, “олтин” сўзи нарса номи бўлса ҳам, ўзга нарсанинг сифатини билдириш учун ишлатилиши мумкин экан. Рус тилида олтинни билдирувчи “золото” сўзи шу кўринишда сифат билдириш учун ишлатилмайди. Русчада олдин унга сифат туркумига хос шакл берилади, яъни “золотой” деган сифат ясалади ва олтин узук “золотое колцо”, “олтин соат” “золотые часы” дейилади.

Ўзбек тилида сифат билдириш учун ясалган сўзларнинг ясовчисиз нарсага нисбатан кўлланиши оддий ҳодисадир. Масалан, “оқ” ва “сариқ” сўзларини ўзбек тилида тухумнинг оқ ва сариқ моддаларига нисбатан қўллаш мумкин. Аммо рус тилида “белый” ва “жёлтый” сўзлари мазкур моддаларга нисбатан шу кўринишда қўлланмайди. Бунинг учун аввал уларга “белок”, “желток” деб от шакли берилади. Лекин ранг билдирувчи сўзлар инсонга нисбатан қўлланганда рус тилида ҳам ўзбекчадагидек қўлланиши мумкин. Масалан, оқлар ва қизиллар “белые” ва “красные” дейилади.

Рус тилида сўз туркумларига оид кўрсаткичлар уларнинг туркум жиҳатдан муайян шаклларини ишлатишни талаб қилса, тугамаларнинг борлиги уларнинг бир туркум доирасидаги аниқлигини ҳам вужудга келтиради. Масалан, рус тилида “книга” деганда битта китоб тушунилади. Буни тугама “а” билдиради. Ўзбек тилида эса “китоб” деганда бирлик ва кўплик жиҳатдан бўладиган аниқлик мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам агар бир киши хоҳ бир дона, хоҳ минг дона китоб сотиб олса ҳам, у “китоб олдим” дейди. Русчада эса бир дона бўлса “Я купил книгу” дейилади, бирдан ортиқ бўлса “книги” деб кўпликда айтилади. Ўзбек тилида бундай ҳолларда бирлик ва кўплик тингловчига маълум бир китоб ёки бир неча китоб ҳақида гапирилгандагина шаклан акс эттирилади ва “китобни” ёки “китобларни олдим” дейилади. Ўзга ҳолларда китобнинг бир доналигини билдириш керак бўлса, “бир” сўзидан фойдаланилади.

Ўзбек тилининг рус тилидан фарқ қиладиган яна бир хусусияти шундан иборатки, ўзбек тилида сўз формалари ягона шаклга эга. Рус тилида эса ҳар бир форманинг бир неча шакли бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида отнинг ва айрим феъл формаларининг кўплиги “-лар” қўшимчаси билан ясалади ва бу қўшимчани истаган отга қўшиб унинг кўплигини ҳосил қилиш мумкин, аммо рус тилида кўплиги бир-бирига ўхшамаган сўзлар бор. “Стол” каби сўзларнинг кўплиги ноль ҳолдаги тугамани “ы”га айлантириш билан, яъни “стол”ни “столы” шаклига айлантириш билан ясалади. “Небо” сўзиники “небеса”, “знамя” сўзиники “знамена” бўлади. Ўзбек тилида бундай турли шаклларга эга бўлган кўплик йўқ. Рус тилида турланиш ва тусланишнинг ҳам турлари бор. Ўзбек тилида эса улар бир турдан иборат.

Яна бир хусусият шуки, тугамали тилларда қарама-қарши сийғаларнинг бири бўлиб, иккинчиси бўлмаслиги мумкин. Масалан, “молоко” сўзининг кўплиги йўқ, “деньги” сўзининг бирлиги йўқ. Ҳатто ўзга тиллардан кирган сўзлар тугама нуқтайи назаридан асл рус сўзларидан тубдан фарқ қилса, сийғасиз шаклда ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, “кофе” рус тилида турланмайди. Қўшимчали тилларда, жумладан,, ўзбек тилида бундай ҳолни учратмаймиз.

Яна бир хусусият тугамали тиллардаги баъзи формаларнинг шакли ёки бор-йўқлиги сўзнинг билдирмишининг турига боғлиқ. Масалан, русчада сўзнинг тушум сийғасининг

қандай шаклда бўлиши отнинг жонли ёки жонсиз нарсани билдиришига боғлиқ. Ўзга тилларга хос киши номларининг баъзилари эрлар оти бўлса, турланади, аёлларники бўлса турланмайди.

Яна бир хусусият шуки, тугамали тилларда, жумладан, рус тилидаги тугама бир неча сийғада бир шаклга эга бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда бир турланиш доирасида шаклдошлик мавжуд. Қўшимчали тиллар, жумладан, ўзбек тилида бу хусусият ҳам йўқ.

Дунёдаги барча тиллар табиатан ҳар қандай нарса ва ҳодисани, тушунча ва фикрни ифода қила олиш имконияти билан яратилган. Аммо шароит тақозоси билан тиллар турли даражада ривожланган. Тил тараққиётининг шароити ўлка табиати ва маданияти, аҳолининг маънавияти ва маърифатидан иборат. Туркистон, жумладан, Ўзбекистоннинг табиати гўзал ва рангбаранг, маданияти юксак даражада, маънавият ва маърифат олий мақомда. Бу шароит ўзбек тилининг луғавий бойлигини таъминлаган. Агар ўзбек тилининг сўз ва ибораларини замону маконда чекламасдан йиғилса, дунёдаги энг кўп сўзли луғатлардан улуғроқ луғат тузиш мумкин. Мазкур шароитдан ташқари ўзбек тилининг бойлиги ва етуклигини таъминловчи ўзининг ички воситалари бор. Бу унда сўз ва унинг шаклларини ясовчи қўшимчаларнинг кўплиги ва қоидаларнинг истисносизлиги ва таъбир соддалигидир.

Ўзбекчада бошқа тилларда муодили бўлмаган сўзлар кўп. Ҳазрат "**Муҳокамат ул-луғатайн**"да бундай сўзларнинг юстасининг рўйхатини ва яна бир нечасини изоҳ ва мисоллар билан берган. Ўзбек тилидаги қўшимчалар билан керак бўлган ҳар бир сўзни мавжуд ўзаклардан ясаш ва исталган маънони ифодалаш мумкин. Масалан, лифтни **узанги**даги "**узан**"га -гич қўшиб, "**узангич**", эскалаторни "**ўрлагич**", кранни "**кўтаргич**", экскаваторни "**ковлагич**" десак, ўзбекча таъбир бўлади. Яна, масалан, телевизорни "кўзгу"га қиёсан **телекўзгу** ёки **кўзгу** десак ҳам бўлади. Пилесосни **чангютгич** ва **чангҳўплагич** дегандан кўра **супурги**га қиёсан "**супургич**" десак, бу ўзбекча таъбир бўлади. Ўзбекча қўшимчаларнинг маъно фарқланишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин бу ўринда иккита мисол билан чекланишимга тўғри келади. Рус тилида **открытие** ҳам очишни, ҳам очилишни, **развитие** ҳам ривожланишни, ҳам ривожлантиришни билдиради. Ўзбек тилида булар орасида маъно фарқи **–ил** ва **–тир** қўшимчалари билан ифодаланган. Баъзи тилларда, масалан, кўйлакни ўзи тикса ҳам, бировга тиктирса ҳам **тикди** дейилади. Ўзбекчада буларнинг орасидаги фарқ қўшимча билан ифодаланади, **тикди**, **тиктирди**, ҳатто **тиктиртирди** бўлади.

Қоидаларнинг истисносиз бўлиши тил етуклигининг муҳим жиҳатидир. Масалан, ўзбекчада кўплик керак бўлганда исталган сўзга -**лар**ни қўшиш мумкин. Аммо араб тилида сўзнинг кўплик шакллари турлича. Кўплик **китоб**дан, "**кутуб**", **фозил**дан "**фузало**", **хабар**дан "**ахбор**" ва ҳоказо бўлади. Рус тилида ҳам шу аҳволни кўрамиз: **стол** - **столы**, **море** - **моря**, **знамя – знамена**, **небо - небеса** ва ҳоказо.

Яна таъбирнинг соддалиги ўзбек тилининг камолидан нишонадир. Камол мураккаблиқда эмас, соддаликдадир. Ернинг табиий йўлдоши ойнинг ўта соддалиги ва сунъий йўлдошнинг ўта мураккаблиги бунга далил бўла олади. Ўзбекчадаги таъбир соддалигига бир мисол билан чекланаман. **Уйдаги болалар**ни бошқа баъзи бир тилларда **болалар уйдалар** ёки **уйда топиладилар** деб таъбир қилинади. Бундан қайси таъбир афзаллиги яққол кўриниб турибди.

Мана шундай бой ва гўзал тил соҳиби бўла туриб қалам аҳли, жумладан, мухбирларнинг баъзилари "**тамаддун**" ўрнида "**цивилизация**", "**пешбай**" ўрнида "**фучер битими**", "**мафкура**" ва "**тушунча**" ўрнида "**менталитет**", "**тадбир**" ва "**ҳисса**" ўрнида "**акция**" ва ҳоказо сўзларни ишлатмоқдалар. Бу истиқлол ва ватанпарварликка зид амалдир. Чунки тил соф-

лиги миллат мустақиллигининг муҳим шартидир. Бу амал оқибатда ўзимизда ҳам, четда ҳам ўзбек миллатига паст назар билан қарашга олиб келади. Тилга ўзлиги, жумладан, ўз тилидан огоҳ кимсалар чет тиллардан етарли асос бўлган ҳолдагина фойдаланадилар. Бу масалада нотўғри йўл тутишнинг асосий сабаби илғорлик ва қолоқликни тушунолмасликдадир. Ҳолбуки, ғарб техникада илғор, маънавият, маърифат, санъат ва тилда шарққа нисбатан кўп орқада.

ҲАЗРАТНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

Турк тилининг умумхалқ тили нуқтайи назаридан бой ва етуклигини XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий намойиш қилиб, унинг араб тили билан бемалол рақобат қила оладиган тил эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Ҳазрат туркийнинг фикрий ва бадиий фазилатларини форс тили билан чоғиштириб баён қилади. Масалага юзаки қаралганда Навоий ўз асарини туркийни юқори кўтариб, форсийни қуйи тушириш мақсадида ёзган деган нотўғри хулосага келиш мумкин. Ҳақиқатда эса Ҳазратнинг “**Муҳокамат ул-луғатайн”** асари форс тилини камситиш учун ёзилган асар эмас. Шоир форс тилини юксак даражада ривожланган адабий тиллар қаторига қўшди. Бу тилда ўзи ҳам ижод этди, бошқа турк шоирларининг ҳам форс тилида ижод этишини қораламайди. Ҳатто **агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эди,** дейди.

Ҳазратнинг “**Муҳокамат ул-луғатайн”**ни ёзишдан мақсади форсийда ижод қилувчи турк шоирларига туркийнинг ҳар жиҳатдан бойлигини ва унда олий даражадаги бадиий асарлар яратишга ҳамма имкониятлар мавжудлигини назарий жиҳатдан исботлаб бериш ва туркийзабон халқдан чиқадиган санъат ва илм аҳлларини ўз халқи олдидаги элпарварлик бурчларини адо этиш учун туркийда ҳам ижод этишга даъват этиш эди. Навоий ўз даврининг илғор умумбашарчиларидан бири эди. Унинг бутун ижоди ва фаолияти фақат туркларга эмас, умуман инсон хизматига қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг чуқур билими, қўлидаги ўткир илмий ҳужжат ҳамда далиллардан суйистеъмол қилмади.

У шоир бўлишига қарамай “**Муҳокамат ул-луғатайн”**да форс ва ўзбек тилларини чоғиштираётганда мадҳ ва ҳажв ҳамда муболаға каби воситаларни мутлақо ишлатмайди, далилу ҳужжатларни бўрттирмасдан ўз ҳолича келтиради. Ҳазрат ўзининг туркий хусусидаги холисона фикрларини яққол қилиб кўрсатиш ва рад этиб бўлмайдиган даражада исботлаш учун уни ўзи мукаммал билган ва комиллиги тан олинган форсий билан чоғиштиришга қарор қилган. Бу тўғри ва ягона илмий услуб эди. Акс ҳолда Ҳазратнинг туркий тил ҳақидаги илмий ҳулосаларини ўзга тилни билмаган ҳолда ўз тилини мадҳ қилувчиларнинг фикридан фарқ қилиш қийинлашар эди. Шунинг учун ҳам инсоннинг маърифат касбидаги асосий қуроли бўлмиш таққослаш услубига бу ўринда мурожаат қилмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Ҳазратнинг туркийни таққослаш учун форсийни олишининг яна бир сабаби турк шоирларининг кўпроқ форсийда ижод қилишга мойилликлари ва туркийнинг фазилатларидан бехабарликлари бўлди.

Ҳазрат мазкур шоирларнинг форсийда ижод қилишларига бу тилда бой шеърий анъананинг мавжудлиги ва мутахассисларнинг кўплиги туфайли форсийда ижод қилиш осонлигини, аксинча туркийда қийинлигини сабаб қилиб кўрсатади. Бу ҳам жуда тўғри фикр. Бу билан Навоий масаланинг туб моҳиятни очиб берган. Чунки масалага юзаки қараган киши туркий ноқис бўлганлиги учун турклар бошқа тилга мурожаат қилишган деган хулосага

келиши мумкин. Аслида эса Навоий исботлаб бергандай нуқсон халқ яратган тилда эмас, балки шоирларнинг ўзида экан. Мана шуларни ҳисобга олиб, Навоий туркийнинг форсийга хос бўлмаган, лекин шоир учун муҳим бўлган баъзи хусусиятларини "**Муҳокамат ул-луғатайн"**да баён қилган.

Шундай *хусусиятлардан бири* туркийда умумий тушунчаларни англатувчи сўзлардан ташқари жузъий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг кўплигидир. Навоий форсийда муодили бўлмаган юзта феълнинг рўйхатини беради ва турли соҳаларга оид буюм, табиий ҳодиса, ҳайвон ва парранда исмларини келтиради ва уларнинг баъзиларига шеърий мисол келтириб, маъноларини тушунтириб беради. Ундан ташқари бундай туркий сўзларнинг айримлари форс тилида ҳам қўлланишини айтиб ўтади.

Иккинчи хусусият – туркийда шаклдош сўзларнинг кўплиги бўлиб, бу тажнис, ийҳом санъатлари учун зарурдир. Навоий от (исм), от (ҳайвон), от ("отмоқ"дан буйруқ) ва ит (кўппак), ит (йўқол), ит (итар) сўзларига мисол тариқасида иккита туюқ келтиради ва яна бир неча шаклдош сўзларни маъноси билан санаб ўтади.

Учинчи хусусият – туркийда форсийда бўлмаган, лекин нутқ учун зарур бўлган сийға ва таркибларнинг мавжудлигидир. Бу масалада ҳам Навоий тўғри илмий мақомда туриб, ортиқча фикрлар айтмаган. Масалан, туркийда отнинг махсус турловчилари бор, форс тилида йўқ. Лекин Ҳазрат туркийнинг бундай хусусиятлари ҳақида гапирмайди, чунки форсийда мазкур қўшимчалар билан ифодаланадиган маънолар кўмакчилар билан ифодаланади. Шунинг учун Ҳазрат туркийнинг наҳвий афзалликларига форсийда йўқ бирликларнинг ҳаммасини киритмасдан икки талабга жавоб берадиганларинигина киритган. Биринчидан бундай бирлик нутқ учун зарур бўлган бир маънони англатиши керак, иккинчидан, форс тилида шу маънони ифодалайдиган восита бўлмаслиги керак.

Тўртинчи хусусият – туркийнинг товуш хусусияти қофия учун форс тилиникига нисбатан қулайроқдир. Унлиларнинг қатордаги фарқи ва талаффуздаги яқинлиги қофияда бир турдаги сўзларни кўпроқ келтириш имкониятини беради, ҳамда сўз танлашда қофия талаби билан бўладиган маҳдудликнинг камайишига олиб келади.

Ҳазрат жаҳон тилшунослигида энг буюк ўринни эгаллади. У "**Муҳокамат ул-луғатайн"** асари билан дунё тилшунослиги тарихида биринчи компаративист, биринчи фонолог, биринчи типолог бўлди. Компаративистлик[1] тилларни қиёслаб қардош гуруҳларни ва гуруҳнинг бобо тилини аниқлашдан иборат.

Ҳазратнинг фикрига кўра араб тилидан ташқари асосий уч тил мавжуд бўлиб, дунёдаги ҳамма тиллар шулардан тарқаган. Булар турк, форс ва ҳинд тилларидир. Буларнинг вужудга келиши қуйидагича: Нуҳ тўфони натижасида Нуҳ ва унинг уч нафар ўғлидан бошқа ҳеч ким омон қолмайди. Нуҳ тарихий китобларда Абуттурк деб битилган Йофасни Хитойга, Абулҳинд деб аталган Хомни Ҳиндистонга ўрнаштиради. Абулфурус лақаби берилган Сомни Эрон ва Турон мамлакатларининг ўртасига волий қилди.

Ҳазратнинг мазкур тавсифи ҳақиқатдан йироқ эмас. Турк тилларининг олтой шажарасида илғор ўринни эгаллагани ҳаммага маълум. Ҳинд-Аврўпа шажарасида форс ва ҳинд тиллари шажара ўзагини ташкил қилган демакка асос бор. Замонавий тилшуносларнинг кучли бир гуруҳи ҳинд-аврўпа халқларининг Аврўпага Ҳазрат зикр қилган макондан Турон ва Юнон орқали ҳижрат қилганлар, дейди[2].

---

[1] Қаралсин: Т.В.Гамкрелидзе, Вяч.Вс.Иванов. Индоевропейский язык и индоевропейцы, II, Тбилиси – 1984. С. 895-949.

[2] Навоий ва ўзбек адабий тили. ТошДУ, Илмий асарлар, 475-чиқиши, Тошкент – 1975.

Фонологияда баъзи замонавий тилшунослар ҳам Ҳазрат даражасига етолмагани матбуотда қайд қилинган эди. Аммо туркча, жумладан, мумтоз ўзбек тилига хос қалин-ингичкаликни чўзиқ-қисқалик билан алмаштиришга бўлган ҳаракат давом этмоқда. Бу хато манбаларга асосланиб, мавзуга оид атамаларни нотўғри тушуниш натижасида содир бўлмоқда. Масалан, уларга кўра “**ишбоъ**” чўзиқликни билдиради. Ҳолбуки, Маҳмуд Кошғарийдан тортиб кейинги даврлардаги соғлом асарларда бу атама қалинликни билдиради. Бунда арабча имло қоидаси кўр-кўрона туркча талаффузга татбиқ қилинади. Шу кунларда шеърхонликка зид бу амални баъзи теленотиқлар телекўрсатувларда Ҳазратнинг шеърларини, масалан, **киши**ни **кииши** деб, кишининг ғашига тегадиган даражада бузиб ўқимоқдалар. Ҳазрат қиёсни[1] қанчалик моҳирона бажарган бўлса, чоғиштириш санъатини ҳам юксак даражада амалга оширган. Ҳазрат форс тилида йўқ юзта сўзнинг рўйхатини, ундан сўнг фақат туркчада мавжуд бўлган сўзларнинг аввал шеърий, сўнгра насрий баёнини берган.

“Муҳокамат ул-луғатайн”дан **вов** ва **йо**нинг форсчадаги талаффузига оид муҳим бир маълумотни оламиз. Дарий, яъни афғон форсийсида вов **у** ва **ў**ни йо **э** ва **и**ни билдиради. Эрон форсийсида вов фақат **у**ни, йо фақат **и**ни англатади. Масалан, **зўр** сўзи **зур**, **шер** сўзи **шир** деб айтилади. Ғарб ва Туркия олимлари Ҳазратнинг асарларини лотин ва кирил ёзувида кўчирганда Эрон талаффузини, афғон, тожик, ўзбеклар афғон талаффузини оладилар. Ҳазратнинг маълумотига кўра афғон талаффузи тўғридир.

Ҳазрат тилшуносликнинг истиқболи учун зарур бўлган ижобий бир фикрни баён қилган. Бу маънога оид бўлиб, унга муносабат тўғри бўлмаса, тилшунослик инқирозга учрайди. Замонавий тилшунослар орасида маънони инкор қилиб муваффақиятсизликка учраганлари бор. Замонавий тилшуносликдаги яна бир нотўғри ҳаракат ҳайвонларнинг қичқириқларини, ҳатто асалари рақсини тилшунослик мавзусига киритишдир. Ҳазрат бу масалада тўғри фикр юритиб, тилда маъно бирламчи ва ҳайвонларнинг хабарлашиш овозлари тилга оид бўлмайди дейди.

ТИЛ ВА ТИЛШУНОСЛИКДАГИ НУҚСОНЛАР

Тил жамиятнинг тарихини акс эттирувчи кўзгуси ва шу билан бирга унинг тараққиётини таъминловчи энг муҳим қуролдир. Агар бугунги фан натижаларини кўз олдимизга келтирсак, мазкур ташбиҳдаги кўзгу ўрнида инсон билими ва фаолиятининг ҳамма соҳасини сўз шаклида қамраган компьютерни кўрамиз. Тил компьютерининг эсхоналари халқ мияси ва китобларга ўрнашган. Бу азим ва мураккаб дастгоҳнинг ихтиёрини халқ адиб, жумладан, тилшунос деб аталган мутахассисларнинг қўлига топширган. Тилшуноснинг вазифасини китобдан ва халқ оғзидан замондаю маконда чекланмаган ҳолда ҳамма сўз ва қоидаларни тўплаб луғат ва қоидалар тўплами тарзида халқ ихтиёрига топширишдир. Минг йиллар бурун ёзилган бир асарни ўқиган ёки бир шева вакили иккинчи бир шева вакилидан эшитган бирор сўзни ўзбек тилининг алоҳида луғатидан тополмаса, тилшунос ўзини айбдор деб билиши керак.

Дунёдаги кўпгина тилшунослар мазкур вазифага амал қилдилар ва қилмоқдалар. Аммо бизда бунга зид амал авж олди. Бунинг бош омили умуман тарихни, жумладан, илму фан тарихини ва мумтоз адабиётни унуттириш ва унутиш бўлди. Тарихни унутиш ҳар бир халқ учун фожиа ҳисобланади. Чунки тарихига эътибор бермаган халқ ўзининг маданий

[1] Қардошликни аниқлаш учун қилинган таққослаш **қиёс**, умумийлик ва хусусийликни аниқлаш учун таққослаш **чоғиштириш** дейилади.

ва маънавий мустақиллигини йўқотиб, тараққиёт заминидан жудо бўлади. Минг йиллар давомида сайқал топган ўзининг миллий анъана ва расму одатларининг, юксак маънавий меросининг қадрига етолмайди ва ваҳшиёна хатти-ҳаракатларни маданий деб тушунади. Ўзининг миллий маданиятидан ажралган киши ўзга халқларнинг маданиятидан ҳам тўғри фойдалана олмайди. Унинг ижобий томонларини қолдириб, салбий томонларини олади. Ҳаммангизга маълум сабабларга кўра, бизнинг жамиятимиз ҳам мана шу дардга чалинди.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини қамраган бу ижтимоий дард тилимизни ва тил илмини ҳам фалаж қилди. Октябрь Революцияси кўринишда миллий тилларнинг ва миллий тилшуносликнинг тараққиётига катта йўл очгандай бўлди. Аммо шахспарастлик даврида Ленин ваъда қилган миллий сиёсат, жумладан, тил сиёсатининг поймол қилиниши натижасида дастлаб Совет давлатининг содиқ хизматчилари бўлмиш Евгений Дмитрович Поливанов, Ғози олим Юнусов, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек каби тилшунос ва адиблар йўқ қилиниб, уларнинг асарларини ўқиш ман қилинди. Шундан кейин ҳар соҳада бўлганидек тилшуносликда ҳам Иттифоқ миқёсида пир деб ҳисобланган бир шахсга сиғиниш бошланди. Сталин дунё бўйича ҳамма соҳанинг худоси бўлса, тилшуносликда Марр деган шахс ҳамма тилшуносларнинг доҳийси бўлди. У ҳамма тиллар “Сал, раш, бер, ион” деган тўртта сўздан вужудга келган, тил синфий, дастлаб тил бўлмаган, кейинчалик ҳам тил йўқолиши мумкин деган назарияни ясаб берди. Бунга амал қилиш Совет Иттифоқидаги барча тилшунослар учун мажбурий бўлди. Шунда бизнинг тишуносларимиз ҳам ота-боболаримиз от билан итнинг фарқига бормаган, бинобарин буларни бир сўз билан атаган, ўзбек тилидаги ҳамма қўшимчалар “чанг” ёки “чунг” деган сўздан вужудга келган, деган “илмий” асарларни нашр этдилар. Марчилик Совет тилшунослигини боши берк кўчага олиб келганидан кейин Сталин мазкур назариянинг хатолигини айтди, аммо ўзининг ҳамма тиллар бирлашиб, дастлаб зонал тиллар сўнгра дунёда бир тил вужудга келади, деган назарияси билан тилшуносликни ва тил сиёсатини яна иккинчи бир боши берк кўчага олиб кирди ва бугунги миллий англашилмовчиликнинг сабабчиси бўлди.

Бу ленинизмга суянган ғоялар тантанасининг натижаси шу бўлдики, тилчилар ўзларининг муқаддас вазифаси бўлмиш тил бойлигини сақлаб, уни ўқувчи ва толибларга ўргатиш ўрнига, норма, арабча-форсча, эски, ўзбекча эмас озарбайжонча, қозоқча, қирғизча деган баҳоналар билан ўзбек тилида қўлланиб келган сўз ва қоидаларни йўқотишни ўзларининг муқаддас бурчи деб тушунадиган ва мана шу илм моҳиятига мутлақо зид бўлган тушунчага таассуб билан амал қиладиган бўлдилар. Натижада ўн минглаб кундалик маданий ва маънавий ҳаётимиз учун зарур бўлган сўз ва тушунчалардан маҳрум бўлдик. Керакли сўз ва тушунчаларни билмаслик эса жамиятни тўғри ҳаёт йўлидан оздиради. Бунга минглаб мисол келтириш мумкин. Лекин иккита мисол билан чекланамиз. “Салам” деган сўз бор. Буни чет эл олимлари, аспирант ва талабалар билади. Бизда ўқитилмагани ва луғатлардан ўрин берилмагани учун ҳатто профессорларимизнинг аксари билмайди. Бу “салам” деган сўз олди-берди, жумладан, савдо ишида жуда муҳим бўлган бир амални билдиради ва унинг иқтисодий муомала учун аҳамияти улуғдир. Салам тайёр бўлмаган молни етти шарт билан олдиндан баҳосини тўлаб, тайёр бўлганидан кейин олишдир. Етти шартнинг биринчиси молнинг жинсини аниқ келишиб олиш, масалан, мева бўладиган бўлса, ўрикми, олмами. Иккинчи шарти навъини аниқ келишиш, олма бўлса, масалан, қирмизакми, оқ олмами, учинчи шарти васфа, масалан, йириклиги, қурти бор йўқлиги аниқ бўлиши керак, тўртинчи шарти молнинг миқдори, бешинчиси молни топшириш вақти, олтинчиси топшириш жойи ва еттинчиси баҳоси аниқ келишиб олиниши лозим. Агар мана шундай сўзлар луғатларга киритилиб, ўқувчи ва талабаларимизга ўргатилса эди, жамиятимиз бунчалик хору зор бўлмас эди.

Яна бир мисол, мавжудотнинг ҳар бирининг нималиги бор, қандайлиги бор. Унинг нималиги “зот”, қандайлиги “сифат” дейилади. Ҳар бир нарсанинг моддасини “жавҳар”, жавҳарга шакл берувчи нарсаларга “араз” дейилади. Бир нарса иккинчи нарсага сингса, бунинг жараёни “ҳулул”, сингувчиси “ҳолл”, сингдирувчиси “маҳалл” деб аталади. Мана шундаги “зот”, “жавҳар” ва “маҳалл” деб аталувчи учта бир-биридан фарқ қиладиган тушунча Европада бир сўз билан “субстанция” деб ифодаланади. Биз илм тарихини билмаслигимиз туфайли учта сўзни йўқотиб, мазкур тушунчаларни фарқламайдиган ҳолга келганимиз ва “субстанция” сўзини ўзбекчага таржима қилиш керак бўлганда ўрнига қараб уч хил қилиб таржима қилиш у ёқда турсин, уни таржима ҳам қилолмаймиз.

Илмий меросимизда “тасниф” ва “мусаннафот”, “таълиф” ва “муталлафот” деган сўзлар бор. Аммо биз ҳозир русчадан таржима қилганда “произведение”, “сочинение”, “трактат” каби сўзларнинг ҳаммасини бир сўз билан “асар” деб таржима қиламиз. Тарихни инкор қилиш, халқдан ажраш тилнинг маърифий ва бадиий аҳамиятига эътибор бермаслик натижасида тилчиларимизнинг ўзининг тили ҳам қаттиқ бузилди. Ўзакдош сўзларни “қариндош сўзлар” дедилар. Натижада инсон билан сўз орасида фарқ қолмади. “Тарихий сўзлар”-ни “тарихий лексик қатлам” дейдиган бўлдик. Оқибатда, кўмир билан сўз орасида тафовут қолмади. Сўздаги қўшимча маънони “бўёқ” деб атаб, маънодан бўёқни фарқламайдиган бўлдик.

Тилимизнинг тарихи ва тузилишига оид хусусиятлар унинг жуда қадимийлиги, ниҳоятда бойлиги ва мукаммал тузилишга эгалигини тасдиқлайди. Аммо совет даврида мактаб ва олий ўқув юртлари нутқимизга катта зарар етказди. Энди нутқимизни соғломлаштириш учун кўп иш қилишимиз керак. Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Сўз ва қўшимчалар имлосини адабийлаштириш. Бир вазндаги сўзлар ҳозир икки шаклда ёзилмоқда. “Олий” вазнидаги сўзларнинг баъзиси, масалан, “осий”, “ҳомий” шаклида тўғри ва баъзиси “қози”, “рози” шаклида нотўғри ёзилмоқда. “Мутафаккир” вазнидаги сўзларнинг баъзиси “мутакаббир” шаклида тўғри ва баъзиси “мутасаввуф” шаклида нотўғри, “такаббур” вазнидаги сўзларнинг баъзиси “тасаввуф” шаклида тўғри ва “таваккал” шаклида нотўғри, “қассоб” вазнидаги сўзларнинг баъзиси “қаллоб” шаклида тўғри ва баъзиси “фаол” деб нотўғри, “қалам” вазнидаги баъзи сўзлар “шафақ” шаклида тўғри, баъзиси “сабоқ” шаклида нотўғри ёзилмоқда. Нотўғри шаклларни “қозий”, “розий”, “мутасаввиф”, “таваккул”, фаъол”, “сабақ” деб тузатиб ёзишимиз керак. “Воқиъ”, тобиъ” шаклидаги сўзларни “воқе”, “тобе” деб ёзиш ҳам ҳеч бир жиҳатдан тўғри эмас. Кўпгина талаффузи яқин сўзлар бирлаштириб юборилган. Масалан, “адл” ва “адил” “адл” шаклида, “зод” ва “зот” “зот” шаклида ёзилмоқда. Буларни фарқлаш лозим. Масдар қўшимчасининг “-мак” шаклини “-моқ” шаклида ёзиш қоидалаштирилган. Адибларимиз “ўрмоқ”, яъни ўроқ ёки чалғи билан пичмоқдан “ўрмак” чирмаштирмакни, “урмоқ”дан “урмак” пуфламакни, “турмоқ”дан “турмак” ўрамоқни фарқлаганлар. Буларни биз ҳам фарқлашимиз керак. Ўзга қўшимчаларнинг манъ этилган шаклларини, масалан, “ишка”, “кечти”, “кеткан” деб ёзишга қаршилик қилмаслик зарур.

2. Сўзликларимизга киритилмай қолган сўз ва ибораларни киритиш ҳамда уларнинг маъноларини аниқ ва тўлиқ бериш. Бу борада қилинадиган иш беҳад кўп. Кичкина бир мисол келтираман. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “қаламдон” сўзига “қалам, перо, ручка солиб қўйиладиган қутича” деб изоҳ берилган. Ҳолбуки, ўзбек қаламдонида қалам, қаламтарош, қаламқат, лос ва абр сақланган. Хат санъатини вужудга келтирган бу ёзув қуролларининг ҳаммасини ва уларнинг номини ҳар бир ўзбек билиши керак. Шунда расм ёки

саҳнада саллали қаламкашларнинг қўлига пат тутқазиб қўйиш, “салла”ни шляпа билан алмаштириш билан тенглигини сезадиган бўламиз.

3. Ўзбек тили қоидаларига хилоф тарзда ясалган, нотўғри таржима натижасида вужудга келган ёки муодили борлигини билмаслик натижасида таржима қилинмай ишлатиладиган атама ва номларнинг аслини топиб ишлатиш, масалан, ўзбекча сўзлаганда “**сут билан савдо қилиш корпуси**” эмас, “**сутфурушлик**”, “**савдо маданияти**” эмас, “**савдо одоби**”, “**қатор**” эмас, “**раста**”, “**пассаж**” эмас, “**тим**”, “**майдаланган гуруч**” эмас, “**оқшоқ**”, **цитрус ўсимликлари**” эмас, “**гармсерий мевалар**”, “**мандарин**” эмас, “**юсуфий**”, “**апельсин**” эмас, “**буртуқол**”, ёки “**оранж**”, “**петрушка**” эмас, “**кўзбара**”, “**сельдерей**” эмас, “**жаъфарий**”, “**цивилизация**” эмас, “**тамаддун**”, “**интеллект**”, “**интеллектуал меҳнат**” эмас, “**ақл**”, “**ақлий меҳнат**”, “**менталитет**” эмас, “**тушунча**”, “**мафкура**”, “**дастур**” эмас, “**барнома**”, “**устувор**” эмас, “**авло**”, “**репрессия**”, “**қатағон**” эмас, “**босим**”, “**бостирув**”, “**транспорт**” эмас, “**маркаб**”, “**информация**” эмас, “**мухобара**”, “**тиш чўтка**” эмас, “**мисвок**”, “**тиш пастаси**” эмас, “**тишмаъжун**”, “**тиш парашоги**” эмас, “**тишурпоқ**”, “**натурал сон**” эмас, “**табиий сон**”, “**ромб**” эмас, “**муайян**”, “**фазовий фигура**” эмас, “**муҳажжама**”, “**зодияк белгиси**” эмас, “**бурж**”, “**қисқичбақа юлдуз туркуми**” эмас, “**саратон**”, “**мактаб-интернат**” эмас, “**ётоқ мактаб**”, “**ишчилар шаҳарчаси**” эмас, “**ишчиобод**”, “**студентлар шаҳарчаси**” эмас, “**толибобод**”, “**профессорлар массиви**” эмас, “**устодобод**” дейилса, каломимиз гўзал тус олади. Шу хилдаги ислоҳга муҳтож бўлган маъноси ноаниқ, қалбаки сўзлар ҳозирги матбуот саҳифаларида минглаб бор.

4. Сарфу наҳв китобларига киритилмай қолган сийға ва қоидаларни киритиш, ҳамда ҳамма сийғаларнинг маъно ва қўлланиш ҳолларини аниқлаш. Сийғаларнинг кўплиги жиҳатдан тилимизнинг ифода имкониятининг чексизлигини ҳозирча кўпчилик тасаввур қилолмайди. Масалан, “уй” деган сўздан ясаш мумкин бўлган янги сўз ва сийғаларнинг сони мингдан ортади, десак ишонмайсиз. Аммо бу туркий тилларга хос бир ҳақиқат.

5. Сўз ва унинг сийғаларини ҳолат тақозосига кўра ўз ўрнида ишлата билиш. Бу жиҳатдан бизнинг нутқимиз беъманилашиб кетган. Бунинг сабаби тил илми ва таълимида юксак даражада бўлган маоний илмининг назардан соқит қилинганлигидир. Тилшуносларимизнинг аксари “семантика”, “семасиология”, “сема”, “семема” ва “рема” деган сўзларни ғарбда пайдо бўлган янги илмий тушунчаларнинг номи деб билиб, шу атамалардан фойдаланадилар. Лекин буларнинг тарихини, ўтмишда олимларимиз қўллаган муодилларини ва бу ғарбча сўзлар билдирган тушунчаларнинг шарқда аллақачон маълум бўлганини билмаганликлари учун илму таълимдан амалий натижа ололмайдилар. Бинобарин, ўқувчи, толибнинг нутқи у ёқда турсин, ўз нутқларини тузатолмайдилар.

6. Каломимизни фасиҳу балийғ қилиб, бадиийлигини орттириш. Бу жиҳатдан мумтоз адабиётимиз фақат ўзбек учун эмас, ўзга халқлар учун ҳам туганмас хазинадир.

7. Ўзлашмаларга бўлган муносабатни соғломлаштириш. Ҳозирги баъзи ўртоқларимиз ўзбек тилини ҳозирги аянчли аҳволга келтирган араб ва форс сўзларини ўзбекчалаштириш ҳаракатини давом эттиришга ундамоқдалар. Тарихимиздан, илмий ва адабий меросимиздан, табиий, маданий ва маънавий бойлигимиздан жудо қилган, ҳамда жаҳон тараққиётидан маҳрум этган бу ҳаракат бугунги кунда ўта зарарлидир.

8. Маҳсулотнинг номи айтилганда “**маҳсулот**” сўзини ишлатмаслик. Масалан, гўштнинг ўзига “**гўшт маҳсулоти**” деб бўлмайди. Чунки бунда гўштдан тайёрланган бошқа нарсалар тушунилади. Қизиқ ҳолат, “**най чолғу сози**” дейдиганлар ҳам бор.

9. Бир нарсанинг номи айтилгандан сўнг унинг турини билдирувчи сўзни истеъмол қилмаслик. Масалан, **ғўза** авж олди дегандан сўнг **ўсимлик**нинг ривожи яхши деб бўлмайди.

10. **Институт**, **субъект**, **объект** каби сўзлардан суйистеъмол қилмаслик. Масалан, **маҳалла институти**, **тадбиркорлар субъекти**, **ошхона объекти** фойдасиз дабдабали таъбирдир. Иморат қурилиш вақтида қурувчига нисбатан объект бўлади, ишга тушганда объект бўлолмайди. Тил истеъмолида бартараф қилиниши зарур бўлган нуқсонларнинг баъзилари шулардан иборат.

НУТҚ ВА КАЛОМ

Инсонга хос ва уни ўзга жондорлардан мумтоз қилган нутқ, яъни сўзлаш қобилиятига моҳият ва унинг амалга ошиши нуқтайи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг бир неча жиҳати бор. Бу масала ҳақида замонавий тилшунослар орасида кенг тарқалган бир фикрга биноан сўзлаш вақтида фойдаланадиган воситалар, яъни сўз ва уларни бириктиришу талаффуз этиш қоидаларининг йиғиндиси “тил” деб аталади ва шулардан фойдаланиб айтилган гаплар йиғиндиси “нутқ” дейилади. Аммо бу масалага синчков ўқувчи талаби ёки илмий нуқтайи назардан қарайдиган бўлсак, бунинг кўпгина мунозарали жиҳатлари бор.

Замонавий ўқувчи илмдан самарали фойдаланиш ва ундан амалий фойдаланишдан ташқари уни назарий ривожлантириш учун ҳар бир масаланинг тарихини, олимларнинг шу масала ҳақидаги турли фикрларини яхши билиши ҳамда бу фикрларнинг тўғри ва илму амал учун фойдалисидан фойдасизини ажрата олиши зарур. Мазкур масала ҳақидаги турли фикрларни танқидий ўрганиб, тўғри хулосага келиш учун сўзлашиш нималардан иборат деган саволга аввал ўзимиз шу ҳодисанинг табиатига қараб жавоб топишимиз ва ундан кейин бу саволга илм аҳли энг қадимдан бошлаб шу кунгача қандай жавоб берганини аниқлашимиз мумкин. Лекин бунинг аксини қилишимиз ҳам мумкин, яъни аввал шу масала юзасидан айтилган фикрларни ўрганиб, уларни таҳқиқ этилаётган ҳодиса нуқтайи назаридан тўғри нотўғрилигини текшириб бир хулоса чиқаришимиз мумкин. Ҳозир биз биринчи йўлни тутайлик!

Ҳар бир киши туғилганда сўзлаша олмайди, лекин ўрганиб сўзлаш ва сўзлашиш қобилияти билан туғилади. Маълум муддатдан кейин бу қобилият ишга тушиб, бола катталарнинг сўзларига қулоқ солиб, сўз ўргана бошлайди. Аввал сўзларни чала талаффуз қилади. Бу баъзи товушларни аниқ уқмаслик ва айтиш малакаси йўқлиги натижасида содир бўлади. Бора бора бу камчилик йўқолади. Натижада у нарса ва ҳодисаларнинг отини ўрганади ва гап тузишни ўргангунга қадар ўз истагини якка сўзлар билан ифодалайди. Сўнгра қўшимчаларни, сўзни ишлатиш қоидаларини эгаллаб гап тузиб, аниқ қилиб сўзлай бошлайди. Оламда нарса ва ҳодисалар ҳамда инсоннинг маънавий олами чексиз бўлганлиги учун инсон умрбод сўз ва унинг маъноларини ўргана боради, лекин тўлиқ ўрганолмайди. Бошқача қилиб айтганда, бир киши бутун халқ билган нарсани ҳаммасини билолмайди. Чунки бир кишининг умри, унинг қудрати асрлар давомида миллионлаб киши вужудга келтирган ва кун сайин кўпайиб борадиган маҳсулотни ўзлаштиришга қодир эмас. Сўзловчи умрининг охирига қадар ушбу маҳсулотнинг кичик бир улушидан ўз фикри, истаги ва завқини ифодалаш, ўзга кишилар билан муомала қилиш учун восита сифатида фойдаланади. Ана шу халқ яратган маҳсулот бир нарса, ундан кишининг фойдаланиши иккинчи нарса, шу маҳсулотдан фойланиш натижасида яна учинчи нарса вужудга келади. Бу ҳар бир кишининг сўзлаш маҳсули бўлиб, бундан муайян бир мақсад кузатилади ва шу мақсад ўзга бир кишига ёки бир неча кишига билдирилади. Сўзлашнинг ўзи эса тинглаб англашни талаб қилади. Сўзланганни тингловчи ўқиши керак бўлади. Демак, сўзлаш воситалари, сўзлашув, тинглаб англаш ва сўзлаш маҳсули бор экан. Сўзлаш билан боғлиқ мазкур ҳодисаларнинг

мавжудлиги тилшуносларнинг кўпига маълум. Аммо буларнинг фарқланишининг илмий жиҳатдан керак керакмаслиги, керак деб топилганда уларнинг чегарасини аниқлаш масаласида олимлар ўртасида ихтилоф бор.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишим керакки, илмий мунозарада ёки турли фикрларни солиштирганда ҳақиқий ихтилофдан сўздаги ихтилофни фарқлаш керак бўлади. Чунки бир нарсани бир неча сўз билан ва бир неча нарсани бир сўз билан ифодалаш мумкин. Шунинг учун бир нарсанинг тавсифида қўлланган сўзлар эмас, ўша нарсанинг ўзи ва унинг сифатлари назарда тутилади. Албатта, сўзни тўғри нотўғри қўллаш мумкин. Бир сўзга нисбатан иккинчиси маъқулроқ бўлиши мумкин. Аммо сўзга оидини тавсиф этилаётган нарсага нисбат бериб бўлмайди.

Энди мақсадга кўчайлик. Сўзлаш воситалари ва сўзлашу тинглаш ёки сўзлашиш, ҳамда сўзлаш маҳсули бор дедик. Шарқ олимлари буларнинг биринчисини, яъни сўзлаш воситаларини “лисон”, “забон”, “тил”, иккинчисини яъни сўзлашишни “нутқ”, учунчисини, яъни сўзлаш маҳсулини “калом” деб атаганлар. Сўзлаш билан боғлиқ ҳодисаларни мана шу хилда учга бўлиш жаҳон тилшунослигида XIX асрга қадар давом этди ва ҳозир ҳам қисман давом этмоқда. Аммо XIX асрда тилшуносликда “психологизм”, яъни руҳиётчилик деб аталган оқим пайдо бўлгандан бери бу масала мунозарага сабаб бўла бошлади. Мазкур оқимни “психологизм”, яъни руҳиётчи деб аталишига сабаб, булар тил бирликларини аниқлашда сўзловчининг руҳий ҳолатини мезон қилиб олганлар ва шунга биноан тил ҳақиқатда фақат якка шахслар онгида мавжуд деб умумхалқ тилини инкор қилиб, каломни “тил” деб атаганлар. Тилни бундай тушуниш хато ҳисобланади ва ҳозир бу фикрни кўпчилик ёқламайди. XX асрнинг ўнинчи йилларига келиб мазкур масала юзасидан Женевалик олим Фердинанд де Соссюрнинг фикри кенг тарқалди ва бу хақда турли фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. XIX аср Аврўпа тилшунослари сўзлаш воситалари билан сўзлаш маҳсулини бирлаштириб, тил тушунчасини кенгайтирган бўлсалар, Фердинанд де Соссюр буларни яна фарқлаб, уларнинг мазмунини торайтирди, аммо сўзлашишнинг мундарижасини кенгайтирди. У тилни, яъни сўзлаш воситаларини онг билан чеклаб, унинг моддий, яъни товуш жиҳатини сўзлаш маҳсулига киритди. Бунинг шарҳи шундай:

Соссюрнинг фикрига кўра кишиларнинг онгида мавжудот ҳақида тушунчалар бор ва ҳар бир тушунча билан боғлиқ товуш тасаввури бор. Масалан, дунёдаги ҳамма кишиларнинг онгида “сув” ва “ичмак” деган тушунчалар бор. Шу билан бирга ўзбеклар онгида “с”, “у”, “в” товушларининг “сув” деб талаффуз қилинадиган тасаввури, тожиклар онгида “о” ва “б” товушларнинг “об” деб аталадиган тасаввури, руслар онгида “в”, “о”, “д” ва “а” товушларининг “вода” деб талаффуз этиладиган тасаввури бор. Соссюр ана шу тушунча билан товуш тасаввури ва улар орасидаги муносабат тилга таалуқли, қолгани сўзлаш маҳсулига оид дейди.

Шундай қилиб, Соссюр товуш ва унинг талаффузини тил таркибига киритмайди. Совет тилшуносларининг аксари бу назарияни тилни дематериализация, яъни моддийсизлантириш ва у материализмга зид деб баҳоладилар, баъзи тилшунослар уни маъқул топдилар ва айримлари бу фикрни ислоҳ этишни маъқул кўрдилар. Соссюр нутқ, яъни сўзлашиш тушунчасини кенгайтирди ва натижада тилшуносликда “нутқ фаолияти” деган атама вужудга келди. Соссюрнинг ўзи буни “лангуаж”, тиллашиш, яъни сўзлашиш деб атаган. Муайян шахснинг сўзлаганини парол, яъни “**сўзлам”** деб атади ва русчага “**реч**”, яъни “**нутқ**” деб таржима қилинди, натижада ўзбекчада ҳам “калом” атамаси ўрнида “нутқ” атамаси ишлатиладиган бўлди. “Нутқ” ўрнида эса тилшуносликда “нутқ фаолияти” истеъмол қилинадиган бўлди. Аммо бу атама рус тилшунослигида соссюрча мазмунда ишлатилиши билан

бирга академик Щерба таклиф қилган мазмунда ҳам қўлланади. Рус тилшунослигининг Ленинград мактабига мансуб тилшуносларнинг устози бўлмиш академик Шербанинг фикрига кўра “нутқ фаолияти” сўзлаш ва англашнигина ўз ичига олади. Соссюрнинг лангуажи эса сўзлаш ва англашдан ташқари “тил” ва сўзлаш маҳсулини ҳам ўз ичига олади.

Худди “нутқ” сўзи сингари русчадаги “речь” сўзининг ўзида фаолият мазмуни борлиги учун ҳозир рус тилшунослигида каломга нисбатан “речь” сўзи ўрнида “текст” сўзини ишлатишга мойиллик бор. “Текст” сўзи бу маънода қўлланганда сўзлаш маҳсулининг фақат ёзмаси эмас, оғзакиси ҳам тушунилади. Аммо “текст” сўзини “дискурс” деган атама маъносида қўлловчилар ҳам бор.

Дискурс тушунчаси тил билан муайян шахснинг сўзлаш маҳсули орасига унинг, яъни сўзлаш маҳсулининг ҳамма учун умумий бўлган жиҳатини акс эттирувчи оралиқ бир ҳодиса бор деган фикрга асосан пайдо бўлди ва шу оралиқ ҳодиса “дискурс” деб аталди. Тилнинг қўлланиши билан боғлиқ мана шундай ва яна бундан мураккаброқ назариялар бор ва мунозара ҳануз давом этмоқда. Бундай ечилмаган масалалар тилшуносликда кўп ва уларнинг ечими бўлғуси олимларнинг, яъни сиз бугунги ўқувчи ва толибларнинг зеҳнидадир. Аммо ҳозирча боболаримиз тушунчасидаги **тил – нутқ (калом)** илмий аниқ ва амалий қулайлигича қолмоқда.

Калом вазнли ва қофияли бўлса, “назм”, “манзум” ёки “манзума” ёхуд “тизим” дейилади. “Назм” сўзининг луғавий маъноси – ”тузиш”. Тизим “манзум” ёки тизилган нарса, яъни тизикдир. Назм нотиғини “нозим” дейилади. Назм маъносида “шеър” сўзи ҳам ишлатилади. Лекин “шеър” сўзининг луғавий маъноси сезик, туюқ бўлгани учун баъзи шарқ адиблари шеърда вазн ва қофия бўлиши шарт эмас, сезгирлик билан шоирона қилиб айтилган калом, сочма бўлса ҳам, шеърдир, дейдилар.

Каломда вазн ё қофия ёки ҳар иккиси ҳам бўлмаса, уни “наср”, “мансур”, “мансура” ёхуд “сочим” дейдилар.

Шарқ адиблари насрни уч турга бўладилар. Агар каломда вазн бўлиб қофия бўлмаса, уни “муражжаз” дейдилар. Агар каломда вазн бўлмасаю сажъ бўлса, уни “мусажжаъ” деб атайдилар. Агар насрда вазн ҳам, қофия ҳам бўлмаса, уни “орий” ёки “муарро” дейдилар.

БАЛОҒАТ

Балоғат ҳол тақозосига мос равишда чечанлик билан сўзламак ва ёзмоқдир. Ҳол тақозосидан мурод каломнинг вазият, тингловчи ва мавзуга мувофиқ бўлишидир. Шундай калом **балийғ** дейилади. Балоғат маънога тааллуқли. Калом ҳуснининг шакл жиҳати ҳам бор бўлиб, **фасоҳат** деб, фасоҳат билан адо қилинган калом **фасийҳ** деб аталади. Мукаммал ҳуснга эга калом балийғу фасийҳ бўлади. Бунинг учун каломда талаффуз ва қоида бузилмаслиги ва нотаниш сўзлар бўлмаслиги керак. Талаффуздаги нуқсон **танофур**, қоидадагиси **хилоф-и қиёс**, нотаниш сўз **ғаройиб** дейилади. Бу нуқсонлар калимага тегишли. **Боққа** ўрнида **боғга**, **келмакта** ўрнида **келмоғда** дейиш ҳам танофур, ҳам хилоф-и қиёсдир. Майдон ўрнида ишлатилган **ринг** сўзи, **қарз** ўрнида қўлланган **кредит** сўзи, **хотун** ўрнида айтилган **аврат** сўзи ғаройибдир.

Калом фасоҳати унинг қуйидаги ҳоллардан холи бўлишидир: **татобуъ-и изофа** (изофанинг кетма-кет келиши), **касрат-и такрор** (такрорнинг кўплиги), **заъф-и таълиф** (бирикма заифлиги).

Балоғат калом билан мутакаллимда бўлади. Каломдаги балоғат унинг фасийҳ бўлиши билан бирга мурод маъносига далолати равшан бўлиб, ҳол тақозосига мувофиқ бўлишидир. Мутакаллимдаги балоғат малака бўлиб, балийғ калом адосига қодирликдир.

Алфоз (лафз – сўз)нинг анвоъи (турлари): мутабойина, муттафиқа, муродифа, мутажониса. **Алфоз-и мутабойина** мустақил **ер**, **кўк** каби сўзлар. Ҳозирги тилшуносликда бу тушунча йўқ. **Муттафиқа** ҳозир **шаклдош** ва **омоним** дейилади. **Мутажониса маънодош** ва **синоним** деб аталади.

МАЪОНИЙ ИЛМИ

Илм-и маъоний муқтазойи ҳолга мувофиқлигини билдирган аҳвол ҳақида баҳс юритади. Баҳс мавзуси бўлган аҳвол, яъни ҳолатлар етти қисмдан иборат. Биринчиси **калом**, иккинчиси **муснад илайҳ**, учинчиси **муснад**, тўртинчиси **мутаммимот-и калом**, бешинчиси **қаср**, олтинчиси **адавот-и атфиййа**, еттинчиси **мусовот-и ийжоз итноб**. Булар қазиййа таркибига оид бўлаклар. Маъоний хориждаги, яъни онгдан ташқаридаги ҳодисаларга алоқадор бўлгани учун ўз мавзусини **қазиййа** деб атайди. Сарфу наҳвда бунинг муодили **жумла**дир. Аммо жумланинг воқеликка алоқаси йўқ. Шунинг учун бунга алоҳида илм сарфу наҳв ижод қилинган.

Маъонийда калом аввал иккига **ахборий** (дарак берувчи) ва **иншоий** (қўзғовчи, ундовчи) га бўлинади. Ахборий калом бирор воқеъани уч замоннинг бирида содир бўлгани ёки бўлмагани ҳақидаги хабардир. Иншоий калом талабий ва ғайри талабий каломларга бўлинади.

Иншойи талабий беш навъдир: 1) **амр** (қилишга буйруқ); 2) **наҳй** (қилмасликка буйруқ); 3) **нидо** (эй, ҳей, ҳў каби сўзлар билан ўзига қаратиш); 4) **таманно** (бўлмайдиган ишни орзу қилмоқ); 5) **истифҳом** (сўроқ). Иншойи ғайри талабий **таажжуб** ва **таражжо** (бўладиган ишга умид қилмоқ).

Муснад ва **муснад илайҳ**

Муснад гапдаги кесимга, **муснад илайҳ** эгага тўғри келади. Маъонийда буларнинг ўрни ва ўрин алмашиши, ҳазф, яъни тушириб қолдириш сабаблари, таъриф ва танкири (аниқ ва ноаниқ ҳолати) тавсиф қилинади.

Мутаммимот-и калом

Мутаммимот мутаммиманинг кўплиги. **Мутаммимот мутаммимот-и феъл** ва **тамйиз** (шубҳани кўтариш)дан иборат.

Қаср

Қаср – сифатловчининг сифатланмишнинг ва сифатнинг сифатланмишнинг ўрнини эгаллашидир. Масалан, **фалончи талабадир** деганда сифатланмиш сифатнинг, **талаба фалончидир** деганда сифатловчи сифатланмишнинг ўрнини эгаллган.

Маъонийда яна **адавот-и атфиййа** (боғловчилар), **васл** (қўшиш), **фасл** (айириш), **итноб** (муфассал қилиб таъбир қилиш), **мусовот** (баён қилинган маънонинг сўзлар билан тенг бўлиши) тавсиф қилинади.

БАЁН ИЛМИ

Бу илмда ифода воситаларидан **ташбиҳ**[1], **истиъора**, **кинойа**, **мажоз** ва **ҳақийқат** тавсиф қилинади.

Ташбиҳнинг рукнлари, яъни бўлаклари **мушаббаҳ, мушаббаҳ биҳ, важҳ-и шибҳ, одот-и ташбиҳ**дан иборат. Юз ойга ўхшатилса, ўхшатилмиш юз **мушаббаҳ**, ўхшамиш ой **мушаббаҳ биҳ**, нуронийлик **важҳ-и шибҳ** бўлади. Агар бунда **каби**, **дек** сингари сўзлар ишлатилса, улар **одот-и ташбиҳ** бўлади. **Баён**да ташбиҳларнинг бир неча тури, ҳамда **истиора**, **кинойа**, **мажоз** ва **ҳақийқат** зикр қилинади.

Иншо

Иншо талабий ва ғайриталабий бўлади. Иншойи талабий бир нарсани талаб қилмоқдан иборатдир. Иншо-йи ғайри-талабий **амр**, **наҳй**, **истифҳом**, **нидо**, **таманно**, **таражжо**, **таажжуб**, **мадҳ**, **замм**дан иборат. **Амр** – қил деб буюриш, **наҳй** – қилма деб буюриш; **истифҳом** – сўров; **таманно** – бўлмайдиган ишни орзу қилиш; **таражжо** – бўладиган ишга умид боғлаш; **замм** – **мадҳ**нинг зидди, ёмонлаш.

Яна **баён**да боғловчи ва кўмакчилар (мутлақ маънода), **ийжоз** (қисқа қилиб ифода қилиш) ва **итноб** (муфассал ифода) бор.

Бадиъ илми

Бунда санъатлар берилган. Лекин Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг мазкур асаридек мукаммал эмас.

ОДОБ ВА АДИБ

“Адаб” сўзининг биринчи маъноси ҳар бир ишда меъёрни сақлашдир. Ишни чегарадан чиқмасдан меъёри билан қилиш учун билим керак бўлгани учун “адаб” билим маъносини ҳам ўз ичига олади. Бинобарин “адаб” деганда ўқиб, ўрганиб, хушахлоқ бўлиб, муомала ва ишни ўрнига қўйиб бажариш кўникмаси тушунилади.

Адаб сарриштасин тутқил, адабдин яхши роз ўлмас
Адабсиз икки оламда билинг-ким, сарафроз ўлмас.

деганда шоир “адаб” сўзини мазкур маънода ишлатган. “Адаб ўрганмак”, “адаб ўргатмак” каби мураккаб феъллар таркибидан ҳам “адаб” сўзи мазкур маънодадир.

Адабсизни адабга келтириш учун баъзан тергаш ва баъзан жазолаш ҳам керак бўлади. Шунга биноан “адаб” сўзи таъзир маъносида ҳам қўлланади. “Адабини бермак”, “адабини емак” ёки “адабини олмоқ” деганда “адаб” таъзир маъносидадир. Мумтоз адабиётда “адабини бермак” ўрнида кўпроқ “адаб қилмоқ” ишлатилади.

Адабиёт сўзи мана шу “адаб” сўзидан унинг тарбиявий ва илмий маъноларини кўзда тутиб ясалган бўлиб, унинг луғавий маъноси адабга тегишли нарсалар, жумладан, асарлардир.

“Одоб” сўзига келсак, бу сўз аслан “адаб” сўзининг кўплигидир. Мумтоз адабиётда “адаб”нинг кўплиги сифатида қўлланади. Аммо ҳозир сўзлашувда унинг кўпликдаги маъноси

[1] Мазкур ифода воситалари Атоуллоҳ Ҳусайннинг **Бадойиъу-с-санойиъ** (Тошкент – 1981) асарида **бадиъ** илмига киритилган ва тавсиф қилинган.

уқилмайди ва қисман “адаб” ўрнида қўлланади. Ундан ташқари “одоб” сўзи инсон фаолиятининг айрим соҳаларига оид қоидалар ва уларга риоя қилиш маъносида ҳам ишлатилади. Масалан, “**турмуш одоби**”, “**кийиниш одоби**”, “**муомала одоби**”, дегандаги “**одоб**” ана шу маънодадир. Бу маънодаги “одоб” русчага “культура” деб таржима қилинади.

“Адаб” ва унинг кўплиги “одоб” сўзининг махсус илмий маъноси ҳам бор. Бу ҳолда мазкур сўзлар адабий илмларни, яъни тил ва адабиёт билан боғлиқ илмларни англатади. Бундан ўша илмларнинг адаб эгаллаш ва одобли бўлиш учун зарурлиги назарда тутилган. Аврўпада шу маънодаги адаб сўзи қаршисида луғавий маъноси “**сўз севиш**” бўлган “**филология**” атамаси қўлланилади.

Адабий илмлар маъносидаги одоб қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

Луғат илми.
Сарф илми.
Иштиқоқ илми.
Наҳв илми.
Маоний илми.
Баён илми.
Аруз илми.
Қофия илми.
Иншо.
Шеър фарзи.
Муҳозара.
Расмулхат.

Буларнинг аввалги саккизтаси *усул*, яъни адабий илмларнинг асосийлари, кейинги тўрттаси *фуруъ*, яъни адабий илмларнинг амалий тармоқлари ҳисобланади. “**Луғат**” деганда сўзнинг аниқ бир гапдаги махсус ҳолати эмас, тилдаги мутлақ жиҳати тушунилади. Ғарб тилшунослигида бу “лексика”, яъни луғавий бирлик деб аталади. “Луғат”нинг кўплиги “луғот”дир. Масалан, “Ўзбек тилининг луғоти” дейилганда шу тилдаги ҳамма сўзлар, “Ўтган кунлар” романининг луғоти” дейилганда шу романдаги ҳамма сўзлар назарда тутилади. Шунга биноан луғат илми тилнинг луғавий бирликлари ҳақидаги илмдир. **Сарф** сўзнинг ўзгариши ҳақидаги илмдир. Ўзбек тилида сўзни қўшимчалар ўзгартиради. Масалан, “китоб” сўзининг “китоблар”, “китобим”, “китобни” деган ва ҳоказо шакллари бор. Бундай сўз шакллари “сийға” деб аталади, “китоблар” кўплик сийғаси, “китобим” биринчи шахс, бирлик, эгалик сийғаси, “китобни” тушум сийғаси. Баъзи тилларда сўз ўзгариши сўзнинг ўзгарадиган қисмини ўзгартириш натижасида содир бўлади. Араб ва рус тилларида бу ҳодиса мавжуд.

Сарф русчада “**морфология**” деб аталади. **Наҳв** илми сўзларнинг гапдаги таркиб қоидалари ҳақидаги илм бўлиб, бу ғарбда “**синтаксис**” деб аталади. Сўз сарф ва наҳв мавзуси бўлганда “калима” деб аталади. **Иштиқоқ** сўз ясалиши ҳақидаги илм. Бу ғарбда “**деривация**” деб аталади.

Аруз назм вазнлари, қофия мисраларининг ҳамоҳанг қилиб тугатиш қоидалари ҳақидаги илм. **Иншо** турли мактуб, рисола ва ҳужжатлар ёзиш қоидаларидан иборат. **Шеър фарзи** шеърга баҳо беришдир. Бундаги “фарз” сўзи “фуруз” шаклида ёки унинг ўрнида “нақд” сўзи ҳам ишлатилади. “Танқид” сўзи “нақдлаш”, яъни баҳолаш деган маънодадир.

Муҳозара тарихий воқеа ва ривоятлардан, салафларнинг ҳикматли сўз ва адабий асарларидан ўз ўрнида фойдалана билишдир. **Расмулхат** ёзув санъати, ҳарф шакллари ва имло билимидан иборат.

Одобга тааллуқли мазкур адабий илм ва фанларни эгаллаган олим “адиб” деб аталади. Бу маънодаги адиб сўзи русчага “филолог” деб таржима қилинади.

МАТН ЖУМБОҚЛАРИ

Жаҳондаги ёзма мерос билан боғлиқ муаммолар, жумладан, нуқсонлар оз эмас. Булар билан дунё олимлари асрлар давомида шуғулланиб келмоқдалар. Бугунга келиб айрим жумбоқлар ечилган. Масалан, Урхун битигларидаги, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”идаги баъзи сўзларнинг ўқилиши ва маъноси аниқланди. Инглиз олими Ж. Клосон битигларни нотўғри ўқиш натижасида пайдо бўлган, аслида, йўқ сўзларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини ўзи тузган луғатларнинг бирига илова қилган.

Аммо ҳануз ҳам ҳал қилинмаган масалалар ва тузатилмаган хатолар талайгина. Масалан, француз олими Жиро **Тонюқуқ битиги**нинг иккинчи сатридаги бир иборани “қанын булмайин”, яъни хонини топмасдан деб, ўзгалар “қанын бўлмайин”, яъни хонли бўлмасдан деб ўқиганлар. Буларнинг қайсиси тўғрилиги ҳақида фикр эълон қилинмади. Шу битикнинг саккизинчи сатрида “**йағимиз тегра учўқ тегирди, биз шаг эртимиз**” деган жумла бор. С.Е.Малов шундаги “учўқ”ни “хищные птицы”, “шаг”ни “падаль” деб тушуниб, жумлани “душман атрофимизда йиртқич қушлар каби эди, биз уларга ўлимтик каби эдик”, деб таржима қилган. Ҳолбуки, бу жумлада душман учи, яъни илғори атрофимизда пайдо бўлди, биз эса шай, тайёр эдик, дейилган.

Тасарруф матндаги сўз, сийға, таркиб ёки тартибни онгли равишда ўзгартириб, баъзи қисмларни тушириб ёки орттириб кўчиришдир. Тасарруфдан ғараз тузатиш ёки бузиш бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда агар матнчининг илми ва ҳунари муаллифникига нисбатан ортиқ бўлса, ҳусн-и ният амалга ошиши мумкин. Лекин бу тақдирда ҳам тасарруф салбий амал ҳисобланади. Матнчи муаллиф матнини ҳеч бир ўзгаришсиз қолдириб, ўз фикрини ҳошияда бериши лозим. Агар улар замондош ва алоқада бўлсалар, матнчи тузатишни муаллифнинг ўзига ҳавола қилиши керак. Муаллиф буни маъқул кўрса, фикр эгасини зикр қилган ҳолда тузатишни матнга ўзи киритиши зарур. Агар матнчининг илмий ва адабий савияси муаллифникидан қуйи бўлса, унинг чекланган маълумотга асосланган тузатиши ҳақиқатда бузиш бўлиб чиқади. Бунда унинг нияти яхши бўлишига қарамай, амали бузғунчи матнчининг амали билан тенг бўлади.

Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр”ининг Ҳамд бобида шундай байтлар бор:

Минтақа бирла фалак-и ложувард
Сунъи бисотида икки тахта-йи нард.

Солмоқ учун тос-и сипеҳр ичра шайн
Ойу Қуйоштин қилибон каъбатайн.

Бу “Хамса” қўлёзмаларининг Абдужамил нусхасида шундай берилган. Аммо Султонали Машҳадий нусхасида “тос-и сипеҳр” иборасидаги “тос” сўзи “тоқ” сўзи билан алмаштирилган. Агар иборанинг ўзини назарда тутилса, бу ўзгариш маъқулга ўхшаб кўринади. Лекин

фалакнинг нардга, Қуёш билан Ойнинг каъбатайн, нарднинг икки шашқолига ўхшатилганини ҳисобга олинса, мазкур тузатишнинг ҳақиқатда бузиш бўлганлиги маълум бўлади. Навоийнинг "Маҳбубу-л-қулуб"ининг ҳамдаласи шундай бошланади:

"Ҳамд ангаким, зотиға ҳамд ончаким, сазовордур, айтса бўлмас ва сано ангаким, сифотиға сано ончаким ери бордур, битса бўлмас".

Қўлёзмаларнинг бир неча нусхасида "сифотиға" "эҳсониға" деб ўзгартирилган ва бунинг натижасида ҳам мазмун, ҳам услуб, ҳам сажъ (зотиға - сифотиға) бузилган. "Эҳсон"нинг бу ерда ўрни йўқлиги бир неча сатр қуйироқда "Хон-и эҳсони теграсида олийшаън шоҳлар ризққа сойил" деган жумладан, ҳам маълум.

Ҳусн-и ният билан қилинадиган тасарруфга ўқувчининг матнни тушуниш ҳолатини назарга олиш ҳам сабаб бўлади. Бунда матнчи ўқувчига нотаниш бўлган сўзларни таниш сўзлар билан алмаштиради.

Рашид Зоҳид билан Акрам Деҳқон "Мухтасар"ни нашр қилишда ("Чўлпон" нашриёти, 1994) матнни ўқувчига тушунарли қилиб бериш мақсадида тасарруф йўлини тутганлар. Буни ноширлар шундай изоҳлаганлар:

"Мухтасарул виқоя"нинг туркий таржималарини кўздан кечирар эканмиз, шунга амин бўлдикки, бу таржималарни қандай бўлса шундай, ўз ҳолича ҳозирги ёзувга ўгириш китобхонни мушкул аҳволга солиб қўяди. Аввало, шариат ўз ичига олган масалалар кўп соҳали ва кенг қамровлидир. Иккинчидан, ҳар бир масаланинг якуний ечими оят, ҳадис, ижмоъ, қиёс асосидаги ҳукм билан ниҳояланади. Бу ҳукмлар махсус маъно юклатилган фиққий истилоҳлар орқали баён қилинади. Бу нозикликларни янада кескинлаштирувчи жиҳат "Мухтасарул виқоя"нинг тилидир. Араб тилининг бой имкониятларидан етарли даражада фойдаланган Убайдуллоҳ ибн Масъуд асарнинг дебоча қисмида зикр этган мақсадига тўла эришган. Яъни "Мухтасарул виқоя" ўз номи билан мухтасар, ихчам шаклда бўлиб, ёдлаш учун қулай услубда ёзилган.

Араб тили воситасида эришилган бу муваффақиятларни, табиийки туркий тилда сақлаб қолиш қийин ва аксинча, туркий тилдаги фазилатларни араб тили беролмайди. Шунга кўра, тилларнинг ўзига хос имкониятларини унутмаган ҳолда "Мухтасарул виқоя"нинг туркий таржималарини кузатар эканмиз, барча таржима учун умумий бўлган ноаниқликларга дуч келдик. Баъзи таржималарда туркий ифода усули бузилган бўлса, баъзиларида форсий тилга хос бўлган изофа йўсини етакчилик қилади. Шуларни ҳисобга олиб, мазкур ишда бошқачароқ йўл тутилди.

Ўн бир йил "Мухтасарул виқоя" таржимаси билан шуғулланган Шаҳобиддин ибн Абдулазизнинг туркий таржимасини асос нусха сифатида танладик. Масалаларни бақадри ҳол арабий матн билан солиштириб, матндан ташқари айрим узундан узоқ шарҳларни қисқартирдик, баъзи масалаларни қайтадан таржима қилдик. Таржималарда тўла сақланган арабий жумла қурилишини иложи борича туркийга мувофиқлаштирдик. Лекин шунга қарамай, тақдим қилинаётган "Мухтасарул виқоя"нинг тили бугунги ўзбек тили қонун-қоидаларига тўлиқ мос келиши қийин. Чунки мазкур ишда юқорида айтилган каби асос нусха тилининг умумий руҳидан чиқмасликка жиддий эътибор берилди" (5-саҳифа).

Асос қилиб олинган таржимани ноширлар тасарруфсиз айнан бериб, ўз фикр ва изоҳларини ҳошияда бермаганликлари натижасида матн бузилган. Масалан, "рибо" сўзи, яъни судхўрлик "пора" деб берилган (169-саҳифа). Ноширлар "забоҳий"ни "қурбонликлар" (245-саҳифа), "азҳия"ни "қурбонлик" (246-саҳифа) деб берганлар. Ҳолбуки "забоиҳ" қурбонлик эмас, сўқим, сўйилган ва сўйишга яроқли жондор деган маънодаги "забиҳа" сўзининг кўплигидир.

Бузғунчилик тасарруфига шахсий, миллий такаббур ва адоват, сиёсий тазйиқ ёки қўрқув ҳам сабаб бўлади. Бирор шоирнинг обрўсини тўкиш мақсадида унинг шеърларини бузиб кўчириб тарқатиш ҳоллари бўлган. Баъзи нашриёт ходимларининг шахсий адоват юзасидан матн бузиш ҳоллари ҳозир ҳам учраб туради.

Миллий такаббур сабабли амалга ошадиган тасарруфга мисол келтиришдан олдин муҳим бир нуқтани баён қилишим керак. Ҳар бир киши қанчалик нодон ва умумбашарий қадриятлардан йироқ бўлса, у шунчалик ўзини оқилу билимдон ва ўз миллатини ўзга миллатларга нисбатан устун деб тасаввур қилади. Афсуски, соғлом фикрга эга бўлмаган жамиятларда бундай кишилар кўпчиликка ватанпарвар бўлиб туюлади ва бунинг натижасида мудҳиш фожиалар юз беради. Бундай ўз миллатини ҳалокатга олиб борувчи "ватанпарварлар" ҳамма миллатлар орасида бор. Аммо баъзида кўпроқ, баъзида озроқ, айримларида ашаддийроқ, айримларида мулойимроқ.

Менинг касбим илму таълим билан боғлиқ бўлгани учун миллий масала ҳақида ўз касбим нуқтайи назаридан ҳам асосан ёшларни назарда тутган ҳолда бир-икки оғиз айтишим лозим. Ҳар бир киши учун зарур бўлган, ҳамма даврларнинг ва ҳамма элатларнинг азизу буюк алломалари таъкидлаган ва тарих сабоқлари тасдиқлаган бир ҳақиқат бор. Бу жаҳон миқёсидаги дўстликдир. Инсоният саодати мана шу дўстликда. Муомала бобидаги амалларнинг энг яхшиси шундай дўстликни ривожлантиришдир. Бундай амал эгаси ҳеч бир миллатни ўзгасига нисбатан устун қўймайди. Бунинг аксини қилиш жаҳолатдир. Чунки ҳар миллатнинг яхшиси бор, ёмони бор. Айрим шахсларга қараб бутун бир миллат ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Ҳамма миллатда инсоният тараққиётига улуғ ҳисса қўшган кишилар бор, тўсқинлик қилган кимсалар мавжуд, бир жиҳатдан манфаат келтирган бўлса, иккинчи жиҳатдан зарар келтирганлар ҳам йўқ эмас. Бундай шахсларга баҳо берганда унинг миллатига қараб икки хил баҳолаш кўнгилнинг нопоклиги ва ниятнинг эзгу эмаслигидадир.

Бир миллатда олийқадр аллома ва моҳир санъаткорнинг мавжудлиги шу миллатдаги жоҳилу завқсиз кишиларнинг айбини ёполмайди. Бу ҳақиқатни англамаслик ҳам кишини тўғри йўлдан оздиради.

Шунинг учун ҳар бир олим ёки мухбир буюк бир шахснинг қайси миллатга мансублигини аниқлашга умрини сарф қилишдан олдин унинг меросини тўғри тушунишга озгина вақтини бериши керак. Бунга мисолни ўзбек олимларидан кўп йиллар давомида кўплаб келтирганман. Бунга энди тожик олимларидан ҳам биттагина мисол келтиришга ҳозир зарурат бор. 1987 йилда "Дониш" нашриёти Навоий академиясига мансуб олим ва санъаткор Зайнулобиддин Маҳмуд Ҳусайнийнинг Навоийга бағишлаб ёзилган мусиқага оид рисоласини нашр қилди. Тадқиқотчи ва ношир Асқарали Ражабов. Китоб Камол Айнийнинг тақдими билан бошланиб, сўнгра унда А.Ражабовнинг тадқиқоти, рисоланинг тожикча транслите-рацияси, А.А.Семеновнинг русча таржимасининг дастхати ва ниҳоят рисоланинг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар институтида сақланаётган қўлёзмасининг фотонусхаси берилган.

А.Ражабов "Оқсоқ Темурнинг золимлиги", "Абдулқодир Гўянданинг тожиклиги", Озарбайжон олимларининг "ноинсофлиги", турк котибларининг "қаллоблиги"ни исботу фош қилиш учун кўп вақту катта куч сарф қилиб, уларни танқид қилган. Аммо ўзининг бобоси ўз тилида ёзган китобнинг ҳатто номини тўғри тушуниб, унинг матнини тўғри кўчириб беролмаган. Китобнинг бошидаёқ мана шунча хатога йўл қўйган: "сунъи" сўзини "санъи", "бенаво рабуда"ни "бенаворо бурда", "саййид"ни "сайди", "роҳаш"ни "ромиш", "садовори буъду заллатанд"ни "сазовор би адади зилатану" деб бузиб берган. Ҳусайний ўз рисоласи-

нинг номини “Ин китоб ба исм-и “Қонун” мавсум шуд” бу китоб “қонун” номи билан аталди дейди. Бу ерда ийҳом санъати бор: ҳам куй қонуни, ҳам қонун чолғуси назарда тутилган. Бунга унинг ўзи китобга чолғунинг исмини қўйдим, деб янглишишнинг олдини олган. Аммо А.Ражабов китобнинг қийматини ошираман деб китоб номини “Қонуни илмий ва амалийи мусиқа” деб ўзгартириб Ҳусайнийнинг маҳоратини йўқ қилиб, обрўйини туширган. А.Ражабов рисоланинг бағишлов қисмида ўзидан “ниёзмандон” муҳтожлар деган бир сўзни қўшиб, Ҳусайнийнинг “китоб Навоийга бағишланди” деган фикрини “муҳтожларга бағишланди” деб бузиб берган. Навоийга айтилган шеърий мадҳия ҳам бепарволик билан кўчирилган.

Сиёсат билан боғлиқ тасарруфлар Совет даврига хос бўлиб, мустақиллик туфайли бунга барҳам берилмоқда. Лекин айрим шахслар юртбошимизнинг кўплаб танбеҳига қарамасдан бу тасарруфни давом эттиришга беҳуда уринмоқдалар. Мумтоз адабиёт намуналарини нашр қилишда босма хатоларга кўплаб йўл қўйилмоқда. Ҳазрат-и Навоийнинг ”**Арбаъийн”**ини нашр қилганимизда (“Мерос”, Т., 1991) 30 дан ортиқ хато билан чиқди.

Урхун ёзуви юқоридан пастга ва ўнгдан чапга қараб ёзилади. Юқоридан пастга қараб ёзилганда, ҳарфлар чап ёнига ётқизилган ҳолатда бўлади ва сатрлар ҳам ўнгдан бошланади.

Урхун ёзувининг имло хусусиятлари қуйидагича:

- Сўзлар, баъзан бирикмалар бир-биридан айиргич **:** билан ажратилади.

- “А” ҳарфи сўз бошида ва ўртасида кўпинча ёзилмайди. Масалан, **ат** (от) сўзи бир ҳарф билан, яъни ат ҳарфи билан, **қаған** (хоқон) сўзи уч ҳарф билан, яъни ақ, ағ ва ан ҳарфлари билан ифодаланади; **ал** (эл) сўзи л ҳарфи билан, **амгэк** (эмгак) сўзи ми, эг ва ак ҳарфлари билан ёзилади. Аммо сўз охирида доим а ҳарфи ёзилади.

- И ҳарфи сўз бошида, ўртасида, охирида ҳам ёзилади. Масалан, **иди** (эга) сўзи и, эд ва и ҳарфлари билан, **йыл** (йил) сўзи ай, и ва ал ҳарфлари билан ёзилади.

- ўқу ва ўку ҳарфлари ҳам сўзнинг ҳамма ўринларида ёзилади, лекин лаб уйғунлиги билан боғлиқ ўринларда биринчи бўғинда ёзилиб, кейинги бўғинларда кўпинча такрорланмайди. Масалан, **улус** сўзида ал ҳарфидан кейин ўқу ҳарфи ёзилмай бирдан ас ҳарфи ёзилади, **бодун** сўзида ҳам ад ҳарфидан кейин, **учун** сўзида ҳам чи ҳарфидан сўнг ўку ҳарфи ёзилмайди.

- Қўшимчаларнинг бошидаги ва ўртасидаги унлилар кўпинча ёзилмайди. Масалан, **оғланым**, **атым** сўзларида -ым қўшимчасидаги ы ва сыз ~ сиз ~ суз ~ сўз қўшимчасидаги унлилар имлода акс этмайди. Бу имло морфологик принципга асосланган бўлиб, қадимги туркий тил табиатига жуда мосдир.

- Ўзбек матнчилигидаги хато ва нуқсонларнинг тахминан 30 фоизи туркий ва форсий билан боғлик бўлса, қолган 70 фоизи арабча билан боғлик. Нашр этилган ва нашр этилаётган илмий, тарихий ва адабий меросимизга оид асарларнинг матнини кўздан кечирадиган бўлсак, дунё шарқшунослигига, жумладан, туркшунослиги нуқтайи назаридан уят ҳисобланадиган хатоларни кўплаб учратамиз. Хатолар китобнинг басмаласидан бошланади. Масалан, “Раҳмон” сўзининг “раҳман” деб “раҳим” сўзининг “роҳим” деб ёзилганини шу кунларда кўплиб учратишингиз мумкин. Биринчи ҳолда сўз шакли ва талаффузи бузилса, иккинчи ҳолда “раҳим” билан “роҳим” сўзлари орасидаги фарқ йўқолади.

Кўпгина илмий даражали олимларимиз “мутасаввиф” сўзини “мутасаввуф” деб “суфий” сўзини “сўфи” деб ёзмоқдалар. Ҳолбуки, арабчада “мутафаъъул” деган сўз вазнининг ўзи йўк, “ў” товуши ҳам йўқ. Баъзилар алиф-и мақсурадан бехабар бўлганликлари учун “тақво” сўзини “тақви”, “дунё” сўзини “дунйи” деб ёзадилар. Сўз вазнига аҳамият бермаслик натижасида “Маҳбубу-л-қулуб”даги “Мусайлима” “Муслима” деб ўқилган. “Хамса”да “Мадда зил-

луҳу” жумласидаги “зиллуҳу” гапнинг эгаси бўлишига қарамай “зиллаҳу” деб ўқилиб, тўлдирувчига айлантирилган (Алишер Навоий, Хамса, Порса Шамсиев тайёрлаган нашрдан қайта тузувчилар А.Ҳайитметов, М.Мирзаахмедова, Тошкент, 1985, 6-бет, XIII сарлавҳа). “Жазъ” сўзи арабчада “ч” йўқлигига қарамай, “чазъ” деб (90-бет, XIX сарлавҳа), “Мулк алами” “Малак олами” деб ўқилган (14-бет, XVIII сарлавҳа).

Матндаги нуқсонларнинг яна бир тури матнчиларимизда фалсафий, диний ва умуман илмий маълумотларнинг етишмаслиги натижасида содир бўлмоқда. Масалан, Навоий Низомийни “Ганжи яқин афсарининг гавҳари” (7-бет, 1-байт) дейди. Шу мисрага “бегумонлик хазинаси тожининг гавҳари” деб изоҳ берилган. “Ганжи яқин” бу ерда бегумонлик хазинаси эмас, маърифат ва идрок даражаларининг йиғиндиси илму-л-яқин, айну-л-яқин ва ҳаққу-л-яқин.

Ёзди фалак тоқиға килки қазо
Ояти “Ваш-шамс” била “Ваз-зуҳо”

Мазкур Хамса, 14-бет

деган байтига “Шамс” – қуёш, зуҳо – чошгоҳ вақти бўлиб, байтдаги “Ваш-шамс” билан “Ваз-зуҳо” қуръон оятининг дастлабки сўзлари, бу ерда қуёш чиқиши, кун ёйилиши тасвир этилган”, деган изоҳ берилган (405-бет, XVIII, 1-изоҳ). Ҳақиқатда эса бу ерда “Ва-ш-шамс” коинот ва ундаги мавжудотнинг яратилишини, “Ва-з-зуҳо” эса бу ижоднинг хулосаси бўлмиш комил инсонни билдиради.

Навоий Жомийнинг ҳақиқий сайри ҳақида шундай дейди:

Чунки таважжуҳда қуйи солса фарқ
Сойири равшан равиш андоққи барқ

Сайрдаким чархни айлаб хижил
Тай қилибон арз “катаййис-Сижол”

8-бет

Бунинг биринчи байтига тўғри изоҳ берилган бўлса ҳам, иккинчи байтга “бу сайрда фалакни хижолатга солади-ю, ерни эса худо айтган “катаййис-сижил” хат варақлари айланишидай айланиб чиқади” (404-бет, 4-изоҳ), деб ноаниқ изоҳ берилган. Навоий ишора қилган Анбиё сурасидаги 104-оятга яхшироқ эътибор берилса, матншуносларнинг хатоси маълум бўлади. “Ўша куни биз кўкни ҳам, худди битикли варақни ўрагандек аввалги яратилган ҳолига қайтарурмиз.”

– “маъно”, “тақво”, “лайло” каби сўзлардаги алиф-и мақсурани “о” ўқилиши керак бўлган ҳолларда ҳам “и” ёки “ий” деб бериш.

– йо-йи мажҳул, яъни “э”ни йо-йи маъруф, яъни “и” қилиб бериш. Масалан, “шеър”ни “ши:р”, “эш”ни “иш” шаклида беришмоқда. Бу амалнинг форсий сўзлардагисига ҳозирги Эрон форсийси, туркий сўзлардагисига Атил, яъни Волга бўйи туркларининг талаффузи асос бўлган. Аммо йо-йи мажҳулнинг ҳам форсийда, ҳам туркийда мавжудлигини Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да айтган.

– аниқлик кўмакчиси “ал-”ни суйистеъмол қилиш. Баъзи ўртоқлар ўзбекчада ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Бухорий тарзида нисба, ҳатто исмларни “ал-“ билан ёзиб, айтмоқдалар. Ҳолбуки, форсий ва туркийда нисбаларга “ал-“ қўшилмайди, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Котиб Хоразмий, Абулайс Самарқандий дейилади.

– қаратқич ва сифатловчилардаги “ал-”нинг талаффузини бермаслик. Масалан, “Маҳбуб ал қулуб”, “Алжомиъ ассаҳиҳ” дейиш ғарб тилларига хос бўлиб, ўзбекчада улар “Маҳбу-бу-л-қулуб”, “ал-Жомиъу-с-саҳиҳ” шаклида бўлади.

- вовни “у” деб ўқиладиган ўринларда ҳам “ва” деб ўқиш. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” эмас, “Фарҳоду Ширин”, “Лайлову Мажнун” бўлади.

- Қуръон тажвиди қоидаларини суистеъмол қилиш. Масалан, “Рабб” яъни парвардигорни “Робб”га яъни ўгай отага, фаълон вазнидаги “Раҳмон”ни тилда йўқ фоълан вазнида “Роҳман” деб берилмоқда.

Матндаги нуқсонлар котиблар, нашрга тайёрловчилар, нашриёт ва матбаа ходимларининг саҳви ва тасарруфи натижасида пайдо бўлади. Саҳв саводнинг чалалиги ва тил ҳақидаги маълумотнинг етишмаслиги, айрим ҳолларда эътиборсизлик натижасида содир бўлади. Саҳв ва унинг эгаси ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилиш учун мукаммал бир мисол келтирамиз. **Ўзбекистон адабиёти ва санъати**нинг 1982 йил, 17 сентябрь сонида Кибриё Қаҳҳорованинг “**Қилни қирқ ёрмагунча ...**” деган бошдан оёқ асоссиз танқидий мақоласи нашр қилинди. Мақолани ҳеч бир ўзгаришсиз келтирамиз.

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРМАГУНЧА

Ҳурматли ўртоқ муҳаррир!

Эътиборли адабиёт газетаси саҳифасида адабий меросимизни нашр қилиш билан боғлиқ жиддий масала кўтарилган мақолани ўқиб чиқдим. Мен классик адабиётимизни севаман. Навоий, Жомий, Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Лутфий, Бобир, Машраб, Муқимий, Фурқат сингари донишманд шоирлар бизга бебаҳо хазина қолдирганлар. Хазинани кўз қорачиғидек асраш, нашр этиш – катта ва муҳим масала. Шундай экан, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларимиз ҳақида рўй-рост фикр алмашиш келажакда қилинадиган ишларнинг муваффақиятини таъминлайди. Шу сабабли мутолаа чоғида пайдо бўлган мулоҳазаларимизни айтиб ўтишга журъат этдим.

К. ҚАҲҲОРОВА

Ҳофиз Хоразмийнинг икки жилдлик “Девон”ини қизиқиб қўлга олдим. “Девон” жуда чиройли безатилган, чиройли китобат қилинган. “Девон”нинг муқаддимасидаги “Адабий меросимизни тинимсиз излаш ва тўплаш жараёнида қўлга киритилган бебаҳо дурдоналар орасида фавқулотда учрайдиган “дурри ятим”лардан бири, ҳозиргача фан оламига маълум бўлмаган, ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намояндаси Ҳофиз Хоразмийнинг 37264 мисрадан иборат поэтик меросини ўз ичига олган қўлёзма девони Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан топилди”, деган сўзларни ўқиб ҳайратим янада ортди. Ҳавас билан “Девон”ни варақлашга тушдим. Кўзимга ғалати-ғалати сўзлар ташлана бошлади. “Девон”ни ўз вақтида форс-тожик сўзларига тушунмайдиган, аруз вазнини билмайдиган мирзо кўчирганлиги тобора равшан бўлди. Классик адабиёт, эски қўлёзма манбалар билан шуғулланадиган илм аҳлига маълумки, кўпинча хаттот ва мирзолар шоир ҳам олим ҳам бўлмаганлар ва бу ишга сабаби тирикчилик деб қараганлар. Шуни назарда тутиб, Ҳофиз “Девон”ини нашра тайёрловчилар матнни танқидий нуқтайи назардан чуқурроқ таҳлил қилишлари керак эди. Чунки адабий меросни ўрганиш, миллий бадиий маданиятнинг тараққиёт йўлларини аниқлаш адабий асар матнини тадқиқ этишдан, унга юксак илмий-танқидий муносабатдан бошланади. Асли, профессор А. Рустамов айтганидек, **матншунослик (текстология)** адабиётшуносликнинг пойдевори ҳисобланади. Афсуски, Ҳофиз Хоразмий “Девон”нини

нашрга тайёрловчилар улкан, бебаҳо, хайрли ишга қўл урганлару, лекин бошлаган ишларида етарлича илмий аниқликка эришолмаганлар. Матнга чуқур танқидий назар билан қараш зарурлигини эътибордан қочирганлар. Натижада тубандагича хатоликлар рўй берган:

13-ғазалдаги бу сатрга қаранг:

Фарқ йўлинға бос қадам, изда навони дам-бадам,
Хони *жаҳонда чунки йўқ ҳеч наволаға наво.*

Жаҳоннинг хони, яъни дастурхони ҳам бўладими? Жаҳон бўлгандан кейин ўз-ўзидан маълумки **фоний** бўлади.

93-ғазалда эса:

Ҳофиз сўзина қайда ниҳоят бўласидур,
Бу ишқи **худода дуо йўқ** *ҳадду ниҳоят. –*

деб кўчирганлар.

Муаллиф нима демоқчи, деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Аслида эса:

Ҳофиз сўзина қайда ниҳоят бўласидур,
Бу ишқи **худододға** *йўқ ҳадду ниҳоят. –*

бўлиши керак эди.

95-ғазалда:

Жон бериб жононаға, **жонона** *бўлдум оқибат,*

Жононага жон берган ошиқлар **девона** бўлиши, **афсона** бўлиши мумкин эди, наҳотки "жонона" бўлса?!

543-ғазалда:

Гар тўтисифат қанду шакар толиби бўлсанг,
Шакар лабни қилғилу *ширин бўла кўргил.*

"Девон"ни нашр қилувчилар, шу жумладан,, муҳаррир ўртоқ А. Рустамов ҳам "Бу сатрнинг маъносини чақиб кўрайлик", деб ўтирмай, қандай бўлса шундай ёзиб қўя қолибдилар. Маъносига кўра байт шундай бўлиши керак:

Гар тўтисифат қанду шакар толиби бўлсанг,
Шакар **лабини сўрғилу** *ширин бўла кўргил.*

501-ғазалда:

Ачи сўзни **ғамгин** *лаълингга сан ўгратма,*
Сучи сўз бирла равон нарх-и шакар арзон қил.

Нега энди маъшуқанинг лаби ғамгин бўлсин? Ошиқнинг лаби ғамгин бўлса ҳам кошки эди. Арузда радифдан ташқари муродиф бор. Масалан: қадду қомат, қошу кўз, шоду хуррам, ғаму андуҳ, лаълу лаб. Булар ҳамиша жуфт келади. Чаласавод котиб: "Ачи сўзни лабу лаълингга ўргатма", деган сўзни "ғамгин лаълингга", деб ўқиган.

162-ғазалда:

Халқа-халқа каманд-и **зулфу қадди**,
Сар устинда мор-и **бежондур**, –

деб ёзилган. Хўш, қандай қилиб, қад сар устида мори бежондай (ўлик илон) тўлғаниб туради. Аввало, "мори бежон" эмас, "мори печон", кейин сар устида қад эмас, кокул, зулф бўлиши мумкин. Котиб "зулфи каж"ни "зулфи қад" деб ёзган, нашрга тайёрловчилар "мори печон"ни "мори бежон" деб ўқиганлар.

396-ғазалдаги бир ҳарфий хато бутун байтнинг маъносини бузади:

Иқболу саодат эшигимга келур эрди,
Туш *бўлса манга тушда ўшул давлат-и бедор.*

Шоир: "Агар тушимда ёримни **тўшим**га, яъни бағримга боссам, иқболу саодат менга ёр бўлур эрди", демоқчи. Котиб яна "Девон"нинг бошидан охиригача "давлат" сўзини "навбат" деб ёзади.

918-ғазалнинг мақтаси:

Чун аёз-и хос бўлдум эшигинда Ҳофизо,
Ушбу дам мандин талаб қил **навбат-и Маҳмудни**.

Муаллиф Маҳмуд Ғазнавийни кўзда тутиб, "Эшигингда Аёзга ўхшаб хос хизматкоринг бўлдим, энди мендан Султон Маҳмуднинг давлатини талаб қилабер" демоқчи. Бу сатрнинг маъносига котибнинг тиши ўтмаслиги мумкин, аммо шарқшунос олимлар Султон Маҳмудни ҳам, унинг ҳозиржавоб қули Аёзни ҳам билишлари керак. Бундан ташқари нима учундир Аёз деярли ҳамма жойда кичик ҳарф билан ёзилган.

936-ғазалга қаранг:

Жонбахш шакарни лаб-и лаълини кўргали
Ёд айламади ошиқи ширин **замонини**.

Ошиқлар **ширин забон** бўлур эди. **Ширин замон** бўлишини энди билишим! Бу ҳам котибнинг "санъати". Худди шунингдек, 271-бетда, "мустаби ишқ" (аслида: мустажоб"), 271-ғазалда "тўтий-и жон" (аслида: "қути жон", яъни жон озиғи маъносида), 345-ғазалда ҳам "жон тўти" (аслида: "жон қути") бўлиши керак эди.

Бу "Девон"нинг фазилатлари ҳақида ҳурматли профессоримиз Н.Маллаев "Совет Ўзбекистони" газетасининг шу йилги 17 январь сонида батафсил мақола ёзиб, чунончи, шундай дейди: "Ҳамид Сулаймоннинг катта изланиш ва тадқиқотчилик фаолиятида Ҳиндистон экспедицияси, хусусан, шу кунга қадар жамоатчиликка номаълум бўлиб, асрлар сир сақлаб келган ўзбек адабиётининг нодир бир хазинаси бўлмиш Ҳофиз Хоразмий девонининг топилиши катта ҳодиса бўлди".

Дарҳақиқат, нашрга тайёрловчиларнинг бу ишлари таҳсинга сазовор. Ҳиндистондек йироқ бир ўлкадан "Девон"нинг фотонусхасини олиб келиш нина билан қудуқ қазигандек гап. Лекин афсус, минг афсуски, "Девон"ни нашр этишда ўша қилинган улуғ меҳнатга яраша иш тутилмаган.

“Девон”да яна шундай мисралар борки, уларни “дурри ятим” деб аташга бугунги кунда ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. “Девон”да такрор мисралар ҳам жуда кўп.

Агар бу такрорлар бири 20-, иккинчиси 30-40-саҳифаларда бўлса айтар эдикки, муаллиф “Девон”ни бир неча йил давомида тасниф этган, шунинг учун олдин ёзганлари хотирасидан кўтарилган. Лекин, бу такрорлар бирин-кетин келади. Ким билади, балки бу шеърлар шоирнинг машқидир. Фикримча, жуда кўп шеърлар бир ғазалнинг турли вариантларидир. Булардан ташқари “Девон”да ҳеч қандай изоҳ берилмаган, натижада илк нашр этилаётган асарнинг қиммати тузук намоён бўлмаган. Айтайлик, 438-ғазалда шундай дейилган:

Ёр эшигинда биза берса **бор**,
Йўқ бўлуб бор бўлур боримиз.

“Бор” сўзи форсчада қабул маросими, **боргоҳ** сўзи шундан олинган. Шоир айтмоқчики, агар ёр бизни қабул этса, яъни даргоҳига йўл берса, йўғимиз ҳам бор бўлур эди. 161-ғазалда шундай мисра бор:

Кўзи наргис, сочи сунбул, юзи гул,
Тани барг-и суман қадди **норвандур**.

“Норван” – гужум дарахти. Бундай сўзларга изоҳ бермасангиз, китобхон ўзимиз биладиган шоти деб тушуниши мумкин. Шунинг учун ҳам “Девон”ни нашрга тайёрловчилар озгина заҳмат чекиб, бу қабилдаги сўзларга изоҳли луғат беришлари зарур эди.

Назаримда, “Девон” котиби муаллифнинг қалами остидан нима чиққан бўлса, борига барака, деб ҳаммасини кўчирган қўйган. Зотан, “Девон”ни таҳлил қилиб ўтириш унинг вазифасига кирмас эди. Ҳозирги кунда биз нашр қилишдан олдин қўлёзмани ҳар томонлама ва пухта таҳлил этиб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқаргандан сўнг китобхонларга тавсия этсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кези келганда, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси хайрли иш бошлагани муносабати билан шуни айтиш керакки, бундай хато ва чалкашликлар фақат Ҳофиз Хоразмий нашрида юз бергани йўқ, фақат шу нашрда бўлса биз сўзни мухтасар қилиб, шу ерда нуқта қўйиб қолар эдик. Афсуски, кўҳна қўлёзмалар, адабий меросимизни нашр этишда пала-партиш уринишлар бўлмоқда. Бу борада прфессор Алибек Рустамов томонидан кўтарилган масала айни муддао. Чиндан Машраб “Девон”ини ҳам ўқиганда, кишини ҳайратга соладиган чалкашликларга дуч келамиз. Ваҳоланки, “Девон”нинг муқаддимасида шундай дейилган: “Танлаб олинган шеърлардаги текстологик қусурлар, котиблар нуқсонлари ва атайлаб қилинган “таҳрирлар” бошқа нусхаларга солиштирилиб, иложи борича тузатилди. Машрабнинг бир шеъри турли қўлёзмаларда ҳар хил вариантларда учрайди. Вариант фарқлари кўпинча текстни бузиш, сўзни нотўғри кўчиришлар туфайли рўй беради. Бундай ҳолларда поэтик савияси юксакроқ ва фикран мантиқ изчилроқ бўлган нусхаларга таянилади”.

“Девон”ни варақлаб чиққанда, бу сўзлар асоссиз эканлиги равшан бўлди. Ғазаллар, афсуски, унчалик мукаммал бўлмаган ва чаласавод котиб томонидан кўчирилган нусхадан олинган. Мен “Девон”ни Ҳ.Сулаймон номидаги Қўлёзмлар институти фондида сақланаётган 2263-, 2265-, 2775-, 2929-рақамли тўрт нусхаси ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган уч нусхага (инвентар рақамлари: 225-, 170-, 173-) муқояса қилиб чиқдим. Дарҳақиқат, матнлар орасида тафовут катта, аммо нашрга

тайёрловчилар бунинг фарқига боришлари керак эди. Ғалати томони шундаки, матнда кетган хатоларнинг ҳаммаси “Девон”нинг нашрида ўз аксини топган ва бунинг устига ноширлар ҳам анча-мунча ўзларидан қўшганлар.

Машрабнинг халқ орасида машҳур бўлган ва эски мактабларда алифбо ўргатишда фойдаланилган бир шеъри бор. Ўз вақтида шу матнни кўчирган шоир шеърнинг мақтас-ини (фақат икки нусхада) шундай ёзибди:

Пардаи исматда сақла Машраби бечорани
Дигари номаҳрамимни *ошни қилдим бугун.*

Аввало, алифбо бўлгандан кейин “а” ҳарфидан бошлаб, “ё” билан тугалланиши керак эди, “ё” қаёққа кетди? Бошқа нусхаларни ҳам бир кўрайлик демасдан шундай кўчирибдилар-қўйибдилар. Иккинчидан ,“дигари номаҳрамим” (бошқа бир номаҳрамим) деган ташбеҳнинг ўзи йўқ. Бир нусхада чаласавод котиб “дилбари номеҳрибон”ни “даҳони номаҳрамим” (номаҳрам оғзим) деб ёзибди.

Асли шундай:

Ё ёпиб айшимни исмат пардасиға машрабо
Дилбари номеҳрибонни *ошно қилдим бугун.*

Машраб ўзбек тилидагина эмас, балки форс-тожик, араб ва қалмоқ тилларида ҳам шеър таълиф этган. Нашрга тайёрловчилар бу шеърларнинг маъносига тушуниб етмай бутун-бутун бандларни ташлаб кетганлар. Мисол тариқасида форс-тожик тилида ёзилган битта ғазални келтираман. 49-саҳифада берилган шу шеър асли ўн байт, ундан фақат бештасини олишган ва бу беш байт ҳам олтита хато билан босилган (қавс ичида тўғрисини бердик):

Шўх чашми (Шўх чашмако) *ҳуснат аз бало нишон дорад,*
Абрўи ту дар мужгон – тир дир камон дорад.

*Осмон (***чархи каж***) номехоҳад айш дар бани одам,*
Жамъ шуд ду кас як жо фитна дар миён дорад.

*Дид моҳи нав (***вақти моҳи нав***) мардум рў ба осмон доранд,*
Ғарра аст дар олам ҳар ки нима ион дорад.

Шеърнинг мақтаи тамоман нотўғри кўчирилган:

Оташе зи ручсоаш бар **даҳони** *Машраб зад*
Ғунча шуд нигоҳжори фасли ин хазон омад.

Асли шундай:

Оташе зи рухсораш бар даҳони Машраб зад
Чун сипанд месўзад нолаву фиғон дорад.

Нашрга тайёрловчилар эса ғазални бутунлай бузиб таржима этадилар ва бунинг устига ғоят маънодор бошқа беш байтни тушириб қолдирадилар. Худди шундай чалкашлик

“Машраби Умам омади мастона бепарво” (165-бет) ғазалини кўчириш ва талқин қилишда ҳам содир бўлган. Яна “кўз учида ғамза” сўзи “кўчада ғамза” (255-бет), “тузди бу замон ишқ”ни “тузди бу имон ишқ” (257-бет), “қилурман қумридек нола”ни “қумридек минг бир нола” (279-бет) “қани Кайхисраву Дороб”ни “қани ганжу сури Дороб” (279-бет) деб нотўғри берганлар. Энди бир муҳаммасдан парча кўчирайлик:

Шариат шарбатин ичгон, тариқат ҳалқасин тутгон,
Ҳақиқат шоҳини **сургон**, **адолат кўзини ўйгон**,
Маломат **кўйида** *юргон, шарофат шавқини сургон,*
Жаҳон **майдонида** *юргон, муҳаббат* **йўлида** *куйгон,*
Суяр қўлларни изини **кўзумга** *сурганим беҳроқ.*

Бутун умри ҳақиқат қидириб, элма-эл юрган адолатпарвар шоир нима учун “адолат кўзини ўйгон” шахсларнинг қўлини кўзига сурар экан, деган савол туғилади. Наҳот шундай бўлса? Йўқ, ундай эмас! Банднинг асли мана бундай:

Шариат шарбатин ичгон, тариқат ҳалқасин тутгон,
Ҳақиқат шоҳини **севгон**, **адоват кўзини ўйгон**,
Маломат **мулкида** *юргон, шарофат шавқини сургон,*
Жаҳон **айвонида** *юргон, муҳаббат* **ўтига** *куйгон,*
Суяр қуллар изини **кўзларимга** *сурганим беҳроқ.*

Масъулиятсизлик шу даражадаки, нашрга тайёрловчилар ўзлари тушунолмаган сатрларни қатор нуқта қўйиб ташлаб кетаверадилар, ёки “қўлёзмада шеърнинг охирги мисраси йўқ”, деб изоҳ бериб осонгина қутулиб қўя қоладилар.

Такроран айтаманки, “Девон”да берилган ҳамма ғазалларда хато бор, уларнинг ҳаммасини бу мақолада кўрсатишнинг иложи йўқ. Лекин юқорида қисман кўрилган мисоллардан ноқ нашрга тайёрлашнинг илмий савияси қандайлиги аён.

Халқ маданиятининг бойлиги бўлган ўтмиш шоирлар, олимлар, муаррихларнинг асарларини нашр этишда бепарволикка, лоқайдликка, бош-бошдоқликка, ғайри илмий муносабатларга йўл қўйиб бўлмайди.

Бу девонларни янгидан чуқур илмий-танқидий асосда нашр этиш зарур.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА.

К.Қаҳҳорованинг бу мақоладаги талаблари ғайриилмий асоссиз даъволардан иборат. У қўлёзмани инкор қилиб, ўзининг хаёлий тахминларини таклиф қилади, сабаби у қўлёзмани ўқиёлмайди ва матнни тўғри тушунолмайди. К.Қаҳҳорова мен “мағзини чақмаган” бешинчи байтнинг мағзини чақиб **қилғилу** сўзини **сўрғилу** деб тузатади. Ҳолбуки, **қилғилу**нинг ўзи тўғри. Чунки **шакар лабни қилғилу ширин бўла кўргил** мисрасида Ҳофиз Хоразмий ширинсўз бўлиб, ширин, яъни ёқимли киши бўл, демоқда. Унинг савод даражаси арузга мутлақо алоқаси йўқ **радиф**, **муродиф** истилоҳларини арузга киритишидан маълум. К.Қаҳҳорованинг бу мақоласига илмий зарбани Фозила Сулаймонова **Ўзбекистон адабиёти ва санъати**нинг 1983 йил, 1 январь сонида босилган қуйидаги мақоласи билан берди:

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРГАНДА ...

Сўнгги йилларда республикамизда Октябргача бўлган адабий ва умуман маданий меросга қизиқиш, адабиёт, санъат, меъморчилик, фан тарихига оид тадқиқотлар яратиш, классик ўтмишнинг энг яхши намуналарини ҳозирги тарбиявий ишларга хизмат қилдириш борасида баракали ишлар қилинмоқда. Лекин худди ана шу фаолият ўз навбатида фан ва олимлар олдига янги проблемаларни ҳам қўйди, улар газета саҳифасидаги мунозарани бошлаб берган Алибек Рустамов мақоласининг охирида ва "Редакциядан" (№ 37) қисмида жуда тўғри баён этилди.

1975 йили профессор Ҳамид Сулаймон Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейи фондида 4298 рақам остида "Девони Ҳофиз ба забони туркий" номли қўлёзма борлигини аниқлади. Бу воқеа Ҳайдаробод сафарининг сўнгги куни содир бўлганди. Китобни батафсил тадқиқ қилиш имконияти бўлмагани учун Ҳофиз Шерозий "Девони"нинг ўзбекча варианти топилди, деган мулоҳазага борилди. Лекин устоз Тошкентга қайтгач, Ҳофиз Шерозий "Девон"ининг қўлёзмаларига муқояса қилгач, Ҳиндистон "Девон"и байтлари Тошкент "Девон"ларида топилмади. Демак, "Девони Ҳофиз ба забони туркий" эмас, балки бошқа туркигўй Ҳофиз "Девон"и топилгани аниқ бўлди. Тезликда Ҳайдарободга қўлёзма копияси буюртирилди. Изланишлар натижасида шоирнинг Хоразмлик экани ва XIV-XV асрларда яшагани аниқланди. Шунингдек, тарихда из қолдирган ва фанга маълум бўлган 156 та Ҳофиз тахаллусли шоир яшагани маълум бўлди. Аммо буларнинг биронтаси ҳам хоразмлик шоир Ҳофиз эмас эди. Хуллас, кўп изланишлар самараси ўлароқ ўзбек адабиёти тарихида янги бир саҳифа очилди – Хоразмда XIV асрда таваллуд топган ва ижодий камолотга эришган, ҳали фанга маълум бўлмаган шоир Ҳофиз "Девон"и топилди.

"Девон" қўлёзмаси 586 варақ, икки устунда, араб ёзувининг шикастий насх услубида кўчирилган. Китоб қачонлардир намда қолган, кўп варақларини доғ босган, варақлар бир-бирига ёпишиб, аксар ўринда текст чаплашиб кетган. Қўлёзма ўқилавериб уринган ва қоғозни қурт еб, ғалвир қилиб юборган. Китобнинг охирги варақлари йўқолган, кўчирилган йили, жойи, хаттоти номаълум. Бу эса қўлёзмага ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ана шу ягона манбага хилоф иш қилмасликни тақозо этарди.

К.Қаҳҳорова ўзининг "Қилни қирқ ёрмагунча ..." деган мақоласида Хоразмий нашри билан боғлиқ бўлган учта тилак билдириб, ўн тўртта хато кўрсатган. Тилакларнинг иккитасига қўшиламиз, лекин биттаси номаълум. У ҳам бўлса, бир-бирига ўхшаш ғазалларнинг бир вариантини олиб, қолганларини нашрдан тушириб қолдириш керак, деган таклиф. Бу таклифни, масалан, пушкиншуносларга айтиб кўрсангиз, фикримизнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қиласиз. Котибнинг хатосини тузатиб кетиш керак, деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Бунга К.Қаҳҳорованинг "тузатиш"ларининг ўзи жуда яхши мисол бўла олади. У ўз мақоласида шундай "тузатиш"лардан ўн биттасини берган ва ўз фикрига кўпчиликни ишонтира олган. Ҳолбуки, бу "тузатиш"ларга қўшилиш қийин.

Масалан, биринчисида, "хони жаҳон" ибораси "фоний жаҳон" бўлиши керак, дейилган. Бу фикрнинг хатолигига биринчи далили шуки, "фоний жаҳон" дейилганда вазн бузилади. Биринчи мисрадаги "фақр" сўзидан маълумки, иккинчи бўғин қисқа бўлиши керак. Иккинчи далил шуки, К.Қаҳҳорова вариантида фикр уйғунлигига ҳам халал етади.

Иккинчиси, "жонона" ўрнида "афсона" ёки "девона" бўлиши керак, дейилган. Бу калта ўйлаш натижаси, чунки ишқнинг охирги босқичида ошиқ (севувчи) маъшуқа (севилувчига) айланади, маъшуқ эса ошиққа. Фузулий "Ишқ агар комил бўлса, ошиқ қилур маъшуқни"

дейди. Бинобарин, Ҳофиз “жон бериб жононаға, жонона бўлдум оқибат” деганда ишқдан хабардор кишилар шоир девоналик босқичига кўтарилганлигини тушунади ва ҳеч кимни саводсизликда айбламайди.

Учинчиси, “қилғил” сўзи ўрнида “сўрғил” бўлиши керак, дейилган. Бунда ҳам “қилғил” тўғри, лекин нашрда “шакар” хато кетган.

Тўртинчиси, “ғамгин лабингга” ўрнида “лабу лаълингга” бўлиши керак деб, “Арузда (?) радифдан ташқари муродиф” борлигини эслатиб ўтган. Лекин бу ўринда “муродиф”-ни билиш кифоя қилмайди. Ташбиҳни ҳам билиш керак. Бундай мунозарали мисолларни К.Қаҳҳоровнинг бошқа “тузатиш”ларидан ҳам топиш мумкин.

Тўғри сўз алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган учта хато тўғри топилган. Булар “печон”, “Худодод” ва “мустажоб” сўзлари билан боғлиқ хатолардир. Булар К.Қаҳҳорова мақоласида “фақр” сўзи “фарқ” ва “чун” сўзи “бу” шаклида кетганлигига ўхшаган техник хатодир.

Лекин биз К.Қаҳҳоровадан мамнунмиз. Чунки унинг мақоласи Ҳофиз Хоразмийнинг улуғлигини, котибнинг саводи жуда яхши эканини, ноширлар ва редакторлар малакали мутахассис бўлиб, ҳалол меҳнат қилганликларини исботлашга жуда катта ёрдам берди. Ундан ташқари қилни қирқ ёрмагунча қилинган таъналар қилни қирқ ёрганда таҳсинга айланишини ҳам кўрсатиб беришга кўмаклашди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофиз Хоразмий девонининг топилиши ва кўп нусхада нашр этилиши ўзбек маданиятида жуда йирик воқеа бўлди. Албатта, бундай улкан ишни рўёбга чиқаришда айрим камчиликларнинг бўлиши табиий. Галдаги вазифа девонни ҳар томонлама мукаммал тадқиқ этиш ва бу соҳада турли мутахассисларни жалб этган ҳолда унинг бадиий-эстетик, илмий ва маърифий қийматини тўғри баҳолашдан иборатдир.

ҲАЗРАТ ШАХСИЯТИ

МАВЛИДИ[1]

Ҳазрати Навоий[2] сешанба куни қамарий ҳижрийнинг саккиз юз кирқ тўртинчи йили Рамазоннинг ўн еттисида, шамсий ҳижрийнинг саккиз юз ўн тўққизинчи йили Далвнинг ўн тўққизида таваллуд топган.

"Ҳижрий" сўзи "ҳижрат"дан нисбий сифат бўлиб, ҳижратга хос, тегишли деган маънодадир. "Ҳижрат" мутлақ маънода[3] ватандан ўзга ерга кўчишни, хос маънода Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг Маккадан Мадинага кўчишини англатади. Мусулмон таърихи[4] ҳижратдан бошланади. Ҳижрий таърихининг яратилиши шундай:

Ҳазрат-и Умарнинг халифалик даврида Йаман ҳокими Абу Мусо Ашъарий мазкур халифага бир мактуб йўллаб, Йаманга юборилаётган мактубларнинг таърихи кўрсатилишини илтимос қилади. Шунда Ҳазрати Умар (р.а.) саҳобийлар билан кенгашиб турли фикрларни тинглайди. Баъзилар таърихни Расулуллоҳ с.а.в.нинг вафот этган кунидан бошлаш керак, дейдилар. Мусибат куни билан боғлиқ бўлгани учун Ҳазрат-и Умар р.а.га бу маъқул бўлмайди. Яна бирлари таърихни рисолат буюрилган кундан бошлашни таклиф қиладилар. Ҳазрат-и Умар (р.а.) у вақтда мен залолатда эдим, куфр таърихим эсимга тушиб азобланаман, деб бу таклифни ҳам рад этади. Сўнгра Ҳазрати Алий (р.а.)нинг таклифи билан ҳижратни таърих боши қилиб оладилар. Чунки исломнинг зафару нусрати ҳижратда бошланган эди. Ҳижрат ялавочимиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг Макка кофирларининг изоси натижасида Мадинага кўчишидир. Ҳижрат таърихига мазкур йўсинда асос солинганда ҳижратдан ўн етти йил ўтган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Сафарнинг еттисида Маккадан чиқиб, Рабиъу-л-аввалнинг ўн иккисида Мадинага кириб келади. Аммо ҳижрийнинг йил боши қилиб Муҳаррамнинг биринчиси олинади. Бунга ҳижрат иродаси Муҳаррам бошида бўлганлиги ва бу ойнинг ҳаром ойларининг[5] энг машҳури бўлганлиги сабаб қилиб кўрсатилади[6].

Насроний таърихи милоддан бошланади. "Мелод" сўзи "мавлид"нинг маънодоши бўлиб, мутлақ маънода умуман туғилиш вақтини, хос маънода Ийсо а.с.нинг туғилиш вақтини билдиради. Бу тарих "мелодий" деб аталади. Мелодни Русияда Январнинг еттисида, Ғарбда Декабрнинг йигирма бешида насронийлар байрам қиладилар. Аммо мелодийнинг расмий йил боши қилиб Январнинг биринчиси олинган. Бу "Бессель йилига" асосланган.

---

[1] "Мавлид"ни "мавлуд" шаклида ишлатиш хато. "Мавлид" замон ва макон исми, яъни ўрин-пайт оти бўлиб, туғилиш вақтини билдиради. "Мавлуд" эса мафъул исми, яъни "-ган" маъносидаги сифатдош бўлиб, туғилганни ва умуман яралган, яратилганни билдиради. "Маволид-и салоса" деган тушунча бор. "Маволид" "мавлуд"нинг жамъи, яъни кўплиги, "салоса" "уч" дегани. Бундан мурод мавжудотнинг уч туридир: маъдан – ўсиш, ҳис ва ихтиёрий ҳаракатга эга эмас; ўсимлик – ўсади, аммо ҳис ва ихтиёрий ҳаракатга эга эмас; ҳайвон – ҳис ва ихтиёрий ҳаракатга эга. Инсон бу жиҳатдан ҳайвоннинг бир навъи ҳисобланади ва ўзга ҳайвонлардан ақл ва нутқ имтиёзи билан фарқ килади.

[2] Шоир тахаллусининг бу имлосига далилларни қуйида китобнинг "Тахаллус" фаслида келтирамиз.

[3] "Мутлақ маъно" бирор соҳага хос бўлмаган, чекланмаган маъно, чеклангани "хос маъно" дейилади. Ҳозир "мутлақ" ўрнида "кенг", "хос" ўрнида "тор" сўзлари ишлатилади. Аммо, бу мантиқан тўғри эмас. Бу ўриндаги "кенг" ва "тор" сўзлари "маъно кенгайиши" ва "маъно торайиши" дегандаги "кенг" ва "тор"га мувофиқ эмас. "Кенгайиш" ва "торайиш"да "кенг" ва "тор"нинг маъноларидан тўғри фойдаланилган.

[4] Бу ўринда "таърих" сўзи бирор ҳодисадан бошлаб олиб бориладиган йил ҳисобини билдиради. Оврупода бу "эра" деб аталади. "Таърих" русчадаги "дата" маъносида ҳам ишлатилади. Бу маънода асл маъноси "йил" бўлган "сана" сўзи ҳам ишлатилади.

[5] Ҳаром ойлари: Муҳаррам, Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа.

[6] Ғийосу-л-луғат, "Ҳижрий" моддаси.

Бессель йили Григорий тақвимига асосланган сунъий[1] қуёш йили бўлиб, унинг биринчи куни Декабрнинг ўттиз бири ёки Январнинг биринчи кунига тўғри келади. Бу йил ҳозирги астраномияда осмон жисмларининг ҳаракати ва ўрнини белгилашда ишлатилади.

Ҳижрий икки йил ҳисобига эга. Бири ойнинг ҳаракатига қараб белгиланади ва "Қамарий ҳижрий" ёки "Ҳижрий-и қамарий" деб аталади. "Қамар" Ойни билдиради ва Шарқ юлдузшунослигида истилоҳ сифатида ишлатилади. Ҳижрий йил ҳисобининг яна бири Қуёшга қараб белгиланади ва "Шамсий ҳижрий" ёки "Ҳижрий-и шамсий" дейилади. "Шамс" атама сифатида Қуёшга нисбатан қўлланади. Қамарий ҳижрий асосан динда, Шамсий ҳижрий фасллар билан боғлиқ табиий ҳодиса ва амалларда фойдаланилади.

Қамарийда қамарнинг ҳар бир янгиланиши бир ой ҳисобланади. Қамар 29,530588 кунда, яъни йигирма тўққиз куну ўн икки соату қирқ тўрт дақиқадан озгина ортиқ вақтда янгиланади. Тақвимда касрни бутлаб тоқ 1, 3, 5, 7, 9, 11 ойларни 30 кун, жуфт 2, 4, 6, 8, 10, 12 ойларни 29 кун қилиб олинган. Қамарий йил ҳам 12 ойдан иборат бўлиб, 354,3671 кун, яъни уч юз эллик тўрт куну озгина кам тўққиз соатдан иборат. Тақвимда касрни бутлаб, оддий йилни 354 кунлик, кабисали[2] йилни 355 кун қилиб олинган. Қамарий ҳижрийдаги кабисали йилларни аниқлаш учун йилни ўттизга бўлинади. Йил рақамини бўлганда 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26, 29 қолдиқ чиқса, шу йил кабисали йил бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг тавсиясига кўра Рамазон бошини аниқлашда Шаъбонга орттириладиган бир кун кабиса кунидир. Ҳозир кабиса куни Шаъбонга орттирилмаганда охирги ой Зулҳижжага орттирилади. Қамарий ҳижрийнинг ойлари қуйидагича:

Биринчи ойи Муҳаррам, 30 кунлик. "Муҳаррам"нинг луғавий маъноси "ҳаром қилинган", яъни "таъқиқланган". Жоҳилият даврида бу ойда уруш таъқиқланган. Шу важҳдан бу ойга "Муҳаррам" деб от қўйилган.

Иккинчиси Сафар, 29 кунлик. Бу ойнинг аталиш сабаби ҳақида икки фикр бор. Бирига кўра "сафар" "бўш" деган маънодаги[3] "сифр" сўзидан олинган. Бу ойда ҳамма урушга отланиб, уйлар бўш қолган, дейилади. Иккинчи фикрга кўра, "сафар" сариғлик деган маънодаги "суфр" сўзидан олинган бўлиб, ойга бу от қўйилган вақтда куз бўлиб, дарахт баргларининг сарғайганлиги назарга олинган.

Учинчи ойи баҳорнинг илк ойи деган мазмундаги "Рабиъу-л-аввал", тўртинчи ойи баҳорнинг иккинчи ойи деган мазмундаги "Рабиъу-с-соний" номи билан аталган. Бу ойлар от қўйиш вақтида баҳор бўлган. Буларнинг биринчиси 30 кунлик, иккинчиси 29 кунлик.

Бешинчи ойи илк қатқалоқ деган мазмундаги "жумода-л-увло", олтинчи ойи қатқалоқнинг иккинчи ойи деган мазмундаги "жумода-л-ахира"[4] деб аталган. Бу ойларга от қўйилганда ҳаво совуб, сув музлаган бўлган, дейилади. Буларнинг биринчиси 30 кунлик, иккинчиси 29 кунлик.

Еттинчиси улуғлаш ойи деган мазмунда "Ражаб" деб аталган. Бу ҳаром ойларнинг иккинчисидир. Бу ойнинг биринчи жумъа кечасидаги дуо ижобат бўлмай қолмайди.[5] Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қилинган бир ривоятга кўра жаннатдаги бир ариқнинг оти Ражабдур.

---

[1] Табиий йил боши Наврўздан бошланади.

[2] Йилнинг тақвимдаги муддати табиий йилникидан камайган кун ёки ойни тиклаш "кабиса" деб аталади. Қамарий ҳижрийда йил доирасида етишмай қолган кун кабиса қилинади. Баъзи халқлар, масалан хитой, япон ва қурияликлар қамарийни фаслий йилга мослаштириб ҳар тўрт йилда бир ойни кабиса қилиб, уни ўн уч ойлик қилиб оладилар. "Кабисали йил" ибораси "кабиса йили" тарзида ҳам ишлатилади.

[3] Ҳисобдаги "ноль" тушунчаси ва унинг аломати ҳам "сифр" дейилади. Бу атама "ноль"дан илгари ўзбек тилида ҳам ишлатилган.

[4] "Ахира" сўзи ўрнида унинг шу таъбирдаги маънодоши "сония" сўзи ҳам ишлатилади. Лекин, муҳаққиқлар "ахира"ни маъқул кўрадилар.

[5] Сайфиддин Йазыжы. Очиқламали ибодат раҳбари. Туркия диёнат вакфи. Анкара. 1992. 178 с.

Ражабда рўза тутган кишига шу ариқнинг чучук ва қордан оқ сувидан ичирилар экан[1]. Расулуллоҳ с.а.в.нинг меърожи Ражабнинг 27-сида бўлган.

Саккизинчиси тарқалиш ойи мазмунидаги Шаъбон. Бу ой 29 кунлик. Бир фикрга кўра бу ойда араблар сув излаб ҳар тарафга тарқалганлар[2]. Иккинчи бир фикрга кўра эзгулик, бандаларга ризқ кўплаб тарқалади. Шунинг учун бу "Шаъбон" деб аталган. Шаъбоннинг ўн бешинчи[3] кечаси барот кечасидир. "Барот" халоснома[4] дегани. Бу кеча хусусида Шаъбоннинг ўн бешинчи кечасини ибодат билан кечиринг, кундузи рўза тутинг. Чунки Тангри таоло бу кечада дунёда раҳмат билан тажаллий қилади, деган мазмундаги ҳадис келтирилади[5].

Тўққизинчиси Рамазон, 30 кунлик. Бу ойнинг аталиш важҳи ҳақида унинг куйиш ва ҳаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли тошлоқ, қумлоқ ернинг оёқни куйдирадиган даражада қизишини билдирадиган "рамаз" сўзидан олингани айтилиб, уч фикр баён қилинади: 1) бу ойда гуноҳлар куйдирилади; 2) рўза нафсни куйдиради; 3) бу рўза ойига от қўйилганда қаттиқ жазирама бўлган бўлиши мумкин[6].

Ўнинчиси Шаввол, 29 кунлик. Бу ойнинг номи кўтариш маъносидаги "шавл" сўзидан олинган. Бу ойда аҳоли сайр ва ов қилиш учун кўтарилган.

Ўн биринчиси Зулқаъда, 30 кунлик. "Қаъда" ўтириш, "зу-л-қаъда" ўтириш соҳиби дегани. Бунда аҳолининг ўтган ойдаги сайр ва овдан бўшаб, уйда ўтириши назарга олинган. Бу ҳам ҳаром ойлардан.

Ўн иккинчиси ҳаж ойи бўлганлиги учун "Зулҳижжа" деб аталган. "Ҳижжа" ҳаж қилиш дегани. Бу ой 29 кунлик. Кабиса куни орттирилганда 30 кунлик бўлади. Бу ҳам ҳаром ой ҳисобланади. Демак, уруш ҳалол бўлмаган. Ҳаром ойлар тўртта бўлиб, уларнинг учтаси Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам кетма-кет бирга келган, биттаси Ражаб ёлғиз келган. Хашъам ва Тай қабилаларига мансуб араблар бу ойларни ҳаром деб билмаганлар.

Қамарий ҳижрийнинг санасини милодийникига айлантириш учун уни 0,97 га кўпайтириб, 622 ни қўшиш керак[7]. Масалан, Ҳазрат қамарий ҳижрийнинг 844 йилида туғилган. Бу йилнинг мелодийнинг қайси йилига тўғри келишини билиш учун уни 0,97 га кўпайтирамиз, 818,68 чиқади. Бунга 622 ни қўшсак, 1440,68 бўлади. Мазкур ҳижрий санаси 1440 йилда бошланиб 1441 йилда давом этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ҳазратнинг таваллуди 1440-1441 йиллар орасида бўлган деб тахминий ҳисоб чиқарамиз. Бу ҳисоб сананинг ой, куни номаълум бўлганда қўлланади. Ой, куни маълум бўлганда махсус жадвалларга мурожаат қилинади. Бундай жадвалларнинг бирини гуржи олими Иосиф Орбели нашр қилган[8]. Жадвалларнинг яна бири "Мунжид" номи билан машҳур Дамашқда давомли равишда нашр қилинадиган "Ал-мунжиду фи-л-луға ва-л-аълом" (Тил ва номлардан қўлланма)да берилган. Бу жадвал Х.К.Барановнинг арабча-русча луғатида ҳам берилган. Бу жадвалларда ҳижрий мелодийнинг 622 йили июлининг ўн олтисидан бошланган. Аммо ҳижрийни июлнинг ўн бешидан бошлаш ҳам бор. Мазкур жадвалларга кўра Навоий туғилган кун февралнинг тўққизидир. Ҳазрат даврида ҳижрийни июлнинг ўн бешидан ҳисоблаш амалда бўлган бўлса, Навоийнинг таваллуди февралнинг саккизида бўлган бўлади. Бунга аниқлик киритиш учун ҳафта куни кўрсатилган саналарни олиб текшириш керак. Навоийнинг вафот са-

---

[1] Ғиёсу-л-луғат, "Ражаб" моддаси.
[2] Мунжид, Шаъб моддаси.
[3] "Мовароуннаҳр" нашрининг тақвимларида "13-кунига ўтар кечаси" (1413 йил тақвими), 13-14-кунига ўтар кечаси" (1419 йил тақвими) деб берилган.
[4] Шу кеча ибодати билан гуноҳ ва қийинчиликлардан халос бўлиш назарда тутилади.
[5] Сайфиддин Йазыжы. Мазкур асар. 179 с.
[6] Ғиёсу-л-луғат, "Рамазон" моддаси.
[7] Мелодий санасини қамарий ҳижрийникига айлантиришда ундан 621 ни айириб, 1,03 га кўпайтирилади.
[8] Орбели И. Синхронистические таблицы хиджри и европейского летоисчисления. Москва-Ленинград, 1961.

наси бирламчи манбаларга кўра қамарий ҳижрийнинг 906 йили жумода-л-ахира ойининг 12-си якшанба кунидир. Бу кун Орбелининг жадвалида мелодийнинг 1501 йили январининг 3-и шанба кунига тўғри келган[1]. Жомий ҳазратларининг вафот санаси Навоийнинг "Хамсату-л-мутахаййирин"ида жумъа куни 898 йил муҳаррамининг 17-си деб кўрсатилган. Мазкур тақвимга кўра бу қамарий ҳижрий санаси мелодийнинг 1492 йил ноябрининг 8 ига пайшанба кунига тўғри келган[2]. "Хамсату-л-мутахаййирин"нинг Академик нашрларида ҳам шу сана берилган[3]. Бобур 899 йил Рамазон ойининг 5-сида сешанба куни подшоҳ бўлдим, дейди[4]. Бу сана мазкур жадвалда 1494 йил июнининг 9-си душанба кунига тўғри келган[5]. Навоий шанба эмас, якшанбада вафот қилган. Бобур душанбада эмас, сешанбада подшоҳ бўлган, Жомий пайшанбада эмас, жумъада вафот этган. Бундан Жомий, Навоий ва Бобурга тегишли мазкур саналарда ҳижрий боши июлнинг 16-сидан эмас, 15-идан ҳисоб қилингани маълум бўлади. Демак, Ҳазратнинг таваллуд куни мелодийда февралнинг 9-си эмас, 10-си бўлган, вафоти январнинг 3-сида эмас, 4-сида бўлган, Жомийнинг вафот куни ноябрнинг 8-си эмас, 9-сидир, Бобурнинг жулус, яъни тахтга ўтирган куни июннинг 9-си эмас, 10-сидир.

Шу ўринда салафларимиз, жумладан, Ҳазратнинг йил фаслларининг муддати қарамлик даври натижаси ўлароқ ҳозир кенг тарқалган тушунчага тўғри келмаслигини айтиб ўтишимиз зарур. Шу кунларда оммавий ахборот воситаларида баҳор мартнинг, ёз июннинг, куз сентябрнинг, қиш декабрнинг биринчи кунидан бошланади, деган нотўғри маълумот бемалол тарқатилмоқда. Ҳолбуки, баҳор Наврўздан, яъни мартнинг йигирма биридан, ёз саратоннинг бири, яъни июннинг йигирма иккисидан, куз мезоннинг бири, яъни сентябрнинг йигирма учидан, қиш жадйнинг бири, яъни декабрнинг йигирма иккисидан бошланади.

Ҳар бир мухбир жамиятни чалғитмаслик учун йил ҳисоби ва тақвим фаслга мувофиқ ёки номувофиқлиги жиҳатидан фаслий ва ғайрифаслий бўлишини билиши керак. Фаслийда йил боши қилиб баҳорги ёки кузги эътидол олинади. Баҳор бошига асосланган фаслий тақвим куз бошига асосланганига нисбатан табиийроқдир. Кун билан туннинг тенглашган вақти **эътидол** дейилади. Бу тенглашиш йилда икки марта, баҳор бошида ва куз бошида содир бўлади. Милодий тарих ва ҳижрий-и қамарий ғайрифаслийдир. Чунки мелодийда йил боши январнинг биринчиси қишнинг ўн биринчи кунига, яъни жадйнинг ўн биринчисига тўғри келади. Ҳижрий-и қамарийнинг йил боши Муҳаррамнинг биринчиси эса турли фаслларга тўғри келади.

Ҳижрий-и шамсий эса фаслийдир. Чунки бунда йил боши Ҳамалнинг биринчиси, яъни баҳорнинг биринчи кунига тўғри келади. Бунга "янги йил" деб эмас, аниқ таъбир билан "Наврўз", яъни янги кун деган ном берилган. Демак, шамсий ҳижрийда баҳорнинг биринчи ойи "Ҳамал" деб аталади, унинг биринчи куни йил боши ҳисобланади ва у "Наврўз" деб аталади. Ҳамалда экиш-тикиш ишлари амалий тус олганлиги сабабли "ҳамал кирди – амал кирди" деган ибора қўлланади. Ҳамалнинг биринчи куни мартнинг йигирма биринчи, охирги куни апрелнинг йигирманчи кунига тўғри келади.

Баҳорнинг иккинчи ойи "Савр" дейилади. Саврнинг биринчи куни апрелнинг йигирма биринчи кунига тўғри келади.

---

[1] Орбели И. Мазкур асар. 133 с.
[2] Орбели И. Мазкур асар. 186 с.
[3] Жомий ва Навоий. – Т.: Фан. 1966. 142 с. 119-изоҳ.
[4] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ. 2002. 34 с.
[5] Орбели И. Мазкур асар. 186 с.

Кейинги ой “Жавзо” деб аталади. Жавзонинг биринчи куни майнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Жавзо кўклам фаслининг учинчи, яъни охирги ойидир.

Шундан кейин Саратон ойи келади. Саратон ёз фаслининг биринчи ойи бўлиб, унинг биринчи куни июннинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади.

Саратондан сўнг Асад келади. Асаднинг биринчи куни июль ойининг йигирма учига тўғри келади.

Ёзнинг охирги ойи “Сунбула” бўлиб, бунда ариқ ва дарёлардан тиниқ сув оқади. Шунинг учун “сунбулада сув тинади” дейилади. Сунбуланинг биринчи куни августнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Куз фаслининг биринчи ойи “Мезон” бўлиб, унинг биринчи куни сентябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Кейинги ой “Ақраб” деб аталади. Ақраб куз мавсумининг иккинчи ойидир. Ақрабнинг биринчиси октябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Ақрабдан сўнг “Қавс” келади. Қавснинг биринчиси ноябрнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Деҳқонлар орасида туруп ва кечки сабзи қавс сувини ичса, яхши бўлади, деган гап бор.

Қавсдан сўнг қишнинг биринчи ойи “Жадй” келади. Бу сўзда “д” ҳарфидан кейин “й” ҳарфи келади, “и” ҳарфи йўқ. Жадйнинг биринчи куни декабрнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади.

Жадйдан сўнг “Далв” келади. Далвнинг биринчи куни январнинг йигирма биринчи кунига тўғри келади.

Шундан кейин “Ҳут” бошланади. Ҳутнинг биринчи куни февралнинг йигирманчи кунига тўғри келади. Жадй, далв ва ҳут ойлари қиш фаслига оиддир. Қишнинг охирги ойи ҳутда деҳқончиликка тайёргарлик бошланади. Бинобарин, “ҳут кирди – деҳқоннинг ичига қурт кирди” дейилади. Чунки ҳут ойида деҳқонлар гап-гаштакларни йиғиштириб, шошилинч тарзда экиш-тикиш асбобларини тузатиб, уруғ, кўчатларни экишга ҳозирлай бошлайдилар.

Мазкур ой номлари бурж номларидан олинган. Ер курасини осмон қуршаб олган. Ерни қуршаган осмон ҳам кура шаклида тасаввур қилинади. Ернинг ўз ўқи атрофида ва қуёш атрофида айланиши ҳамда оғиши натижасида осмоннинг ва ундаги жисмларнинг ерга нисбатан ўрин ўзгартириши **кўринма ҳаракат** дейилади. Ернинг қуёш атрофидаги йиллик ҳаракати қуёшнинг айланадан иборат йиллик кўринма ҳаракатини ҳосил қилади. Қуёшнинг мана шу айланма ҳаракат йўлини **буржлар минтақаси** ёки **буржлар фалаги**, Ғарбда **эклептика** деб аталади. Айланани тенг ўн иккига бўлганда ўттиз даражали бўлаклар ҳосил бўлади. Бу бўлишнинг ноль нуқтаси баҳор эътидолига тўғри келади. Мана шу ҳар бир бўлакни қуёш бир ойда босиб ўтади. Ҳар бир ой ҳадди ақалл, яъни минимум йигирма етти кун ва ҳадди аксар, яъни максимум ўттиз икки кундан иборат. Мана шу ҳар бир бўлак “бурж” дейилади ва ҳар бир бурж шу буржда мавжуд бўлган юлдуз туркумининг номи билан аталади. Юлдуз туркумларининг ҳар бири бирор нарсанинг сурати шаклида тасаввур қилингани учун улар “суврат” деб аталади. Қадимги тилимизда “укак” деган сўз ҳам ишлатилган. Қўрғон атрофига деворга тақаб ёки девор устига қурилган буржларга ўхшатиб куёш ўтадиган осмон доирасидаги мазкур бўлаклар **бурж** ёки **укак** деб аталган. **Эклептика** сўзи эса тутилиш деган маънода бўлиб, қуёшнинг тутилиши унинг мазкур йиллик йўлида содир бўлгани учун уни **эклептика** деб атаганлар.

Ҳамал буржидаги суръат, яъни юлдуз туркуми қўчқор шаклида тасаввур қилинган ва осмон атласларида шу шаклда берилган. Шунинг учун бу буржни **ҳамал** ёки **қўзи** деб аташ билан бирга **кабш** деб ҳам атайдилар. **Кабш** қўчқор дегани.

Савр буқа дегани. Савр буржининг суръати буқа шаклида. Қадимги туркийда **уд** ёки **уй** ҳам дейилган. “Уд” ва “уй” қорамол дегани. Навоий, Бобур ва бошқалар қорамол, яъни сигир, буқа ва хўкизнинг умумий номи сифатида **уй** сўзини ишлатганлар.

Жавзонинг суръати эгизак иккибола шаклида, лекин **жавзо** сўзининг луғавий маъноси бели оқ қора қўйдир. Бундай қўй қора қўйлар орасида яхши ажралиб туради. Жавзо суврати ҳам бошқа суръатлардан аниқ ажралиб тургани учун шундай деб аталган, дейилади. Жавзони яна **тавъамон** деб ҳам атайдилар. Тавъамон эгизак дегани. Юсуф Боласоғуний **эрандиз** деган.

Саратоннинг суръати қисқичбақа шаклида. Саратон ва бунинг қадимги туркий номи **қўчиқ** ҳам қисқичбақа деган маънода.

Асаднинг суръати арслон шаклида. “Асад” арслон дегани. Юсуф Боласоғуний асад буржини “арслон” деб атаган.

Сунбуланинг суръати қўлига буғдой бошоғи ушлаб олган қиз шаклидадир. “Сунбула” буғдой бошоғидир. Юсуф Боласоғуний сунбула буржини “Буғдой бошоғи” деган. Арабчада “Узро” деган сўз ҳам сунбула буржининг суръатига нисбатан ишлатилади. “Узро” қиз дегани.

“Мезон” тарози дегани. Мезон буржининг суръати тарози шаклидадир. Юсуф Боласоғуний бу буржни “Улгу” деб атаган, бу ҳам тарози деган маънодадир.

“Ақраб” чаён дегани. Ақраб буржининг суръати чаён шаклидадир. Юсуф Боласоғуний бу буржни чазан, яъни чаён деган.

Қавснинг суръати белидан қуйи қисми от шаклидаги ёйдан ўқ отаётган одам шаклидадир. “Қавс” сўзининг луғавий маъноси ёйдир. Юсуф Боласоғуний бу буржни “ё” деб атаган. Арабча “Ромий” деган сўз ҳам ишлатилади. Бу “отувчи” деган маънодадир.

“Жадй” сўзи улоқни билдиради. Жадй буржининг суръати белидан пастки қисми балиқ думидан иборат шохли эчки шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни “Ўғлоқ”, яъни улоқ, эчки боласи деб атаган.

Далвнинг луғавий маъноси қовға, яъни қудуқдан сув чиқарадиган кўндан ишланган мешдир. Далв буржи қўлидаги идишдан сув тўкиб турган киши шаклидадир. Юсуф Боласоғуний Далв буржини “Кўнак” деган.

Балиқнинг каттасини “ҳут” дейилади. Ҳут буржининг суръати думлари бир-бирига тасма билан боғланган икки балиқ шаклидадир. Юсуф Боласоғуний бу буржни “Балиқ” деб атаган.

Ҳар бир буржнинг белгиланган ўз аломати бор. Кўпгина сувратлар юнонлар таърифида афсоналаштирилган. Лекин аслида улар табиий мазмунга эга бўлган деган фикр бор ва шу фикр тўғри бўлиши керак. Бу фикрга кўра мезон, яъни торозу, офтоб мезон буржига кирганда кун билан туннинг тенг бўлишини, сунбула буғдой бошоғининг етилиш даврини, ҳамал қўйларнинг қўзилаш даврини билдиради ва ҳоказолар.

Шамсий ҳижрийни милодийга айлантириш учун унга 621 қўшилади. Мелодийни шамсий ҳижрийга айлантириш учун ундан 621 ни айириш керак. Бунда шамсий ҳижрийнинг Наврўздан, яъни мартнинг йигирма биридан бошланиб, Ҳут охирида, яъни Мартнинг 20-сида тугашини ҳисобга олиш керак. Масалан, 2007 йил Мартининг 21 идан 2008 йил Мартининг 20 сигача шамсий ҳижрийнинг 1336 йили давом этади. 2007 дан 621 ни айирганда 1336 чиқади. Аммо 2007 йил Мартининг 21 ига қадар бўлган давр 1335 йилга тааллуқли бўлади. 2008 йил Мартининг 21 ига қадар бўлган давр 1336 йилга тегишли бўлади.

Хондамир Ҳазратнинг мучалини тахақуй, яъни товуқ йили деган[1]. Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғоти-т-турк” асарида мучал ҳақида қуйидаги маълумотни беради:

[1] Макориму-л-ахлоқ. Абдулғофир Баёний нашри. Кобул. 1931. 12 с.

“Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан [хоқон] қавми билан кенгашди ва айтди: “Биз бу тарихни [аниқлашда] қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин”. Улар “айтганингиздек бўлсин”, дейишди.

Хоқон овга чиқди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон сичқон бўлди. Шунинг учун йил бошини унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди ва уларнинг ҳар бири бир йил учун исм бўлиб қолди: Уд йили – сигир йили. Барс йили – барс йили. Тавишган йили – қуён йили. Нак йили – тимсоҳ йили. Йилан йили – илон йили. Йунд йили – от йили. Қўй йили – қўй йили. Бижин йили – маймун йили. Тақағу йили – товуқ йили. Ит йили – ит йили. Тонуз йили – тўнғиз йили[1].

Тўнғизга етгандан кейин, ҳисоб яна сичқондан бошланди. Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш олтинчи (466) йилнинг муҳаррам ойида илон йили кирган эди. Бу йил ўтиб, тўрт юз олтмиш еттинчи йил келса, от йили киради. Йил ҳисоби мана шу мен кўрсатган тартибда олиб борилади. Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор деб тахминлайдилар: масалан, уларча сигир йили бўлса уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади, чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар”[2].

Мучал йилларининг ҳозирги номи ва сирасини ёдлашга осон бўлиши учун қуйидаги назмда берамиз:

Мучал бошин билай десанг, **сичқон***дур,*
Сўнгра **сигир** *кейин* **барс***у* **қуён***дур.*
Кейингиси **балиқ**, *сўнгра* **илон***дур,*
Сўнгра **от***у* **қўй** *келмаги аёндур.*
Кейин **маймун**, **товуғ***у* **ит** *келгуси,*
Тўнғиз *билан мучал тамом бўлгуси.*

Маҳмуд Кошғарий мучал йилларининг номларида ҳозирги Сигир, Қуён, Балиқ, От, Маймун, Товуқни Уд, Тавишган, Нак, Йунд, Бичин[3], Тақағу деб берган.

Кейинги даврларда **уй**[4] шаклини олган **уд** сўзи қорамолни билдиради, яъни буқа, ҳўкиз ва сигирнинг умумий номи бўлиб, шу маънода уй шаклида Ҳазрат-и Навоий, Бобур тилида

[1] Йил номларини таржимон махсус ҳарфлар билан берган.
[2] Муталлибов С.М. Маҳмуд Кошғарий, Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк, Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. Т.1, - Т.: ЎзССР ФА, 1960. 330-332 с.
[3] Мазкур иқтибосда бу сўз “бижин” шаклида берилган. Аммо унинг тўғриси “бичин”дир: Кошғарий, Индекс, 71 с; Кошғарий, БА, жилд 1, 346 с.
[4] “Уд” ва “уй” қалин талаффуз килинади. Турар жой маъносидаги “уй” сўзи ингичка талаффузга эга.

ва бугунги туркий лаҳжаларнинг баъзисида, жумладан, қиргиз тилида ҳам қўлланади. “Тавишған” ёввойи қуённи билдиради ва бу сўз шу маънода ўзбек шеваларида ҳам “товушқан” шаклида ишлатилади. Туркия туркчасида ўз маъносида “тавшан” шаклида қўлланади, қуён эса “адатавшани” дейилади[1]. “Нак” тимсоҳ дегани. Бизда “Тимсоҳ” “Балиқ”қа, айрим ўзга ўлкаларда, жумладан, Хитойда “Аждар”га айланган. “Йунд” йилқи, “Бичин” маймун дегани. “Тақағу”[2] “товуқ” сўзининг қадимги шакли. Бу сўз хўроз ва макиён учун умумий номдир. Маҳмуд Кошғарий хўрозни **эркак тақағу**, макиённи **тиши**[3] **тақағу** деб беради. Бу сўз туркийда, жумладан, Ҳазратнинг тилида ҳам **товуқ** шаклида хўроз ва макиён маъносида қўлланган. Бобур ҳам “товуқ” сўзини хўрозга нисбатан қўллаган. У Ҳусайн Бойқарони “товуқ ҳам урушқа солур эди”[4], дейди.

Кишининг мучалини аниқлаш учун унинг туғилган йилига 9 ни қўшиб, 12 га бўлиш керак. Шунда қолдиқ мучал сирасини бирдиради. Ҳазрат 1441 йил февралида туғилгани ва мучал йили Наврўздан бошлангани учун унинг мучали 1440 ҳисобидан олинади. Бу санага 9 қўшилса, 1449 ҳосил бўлади, уни 12 га бўлинса, 9 қолдиқ қолади. Мучал сирасидан 9-ўринни олган йил Маймун йили бўлади.

Демак, Навоий сешанба куни Қамарий Ҳижрийянинг 844 йил Рамазонининг 17 сида, Шамсий Ҳижрийнинг 829 йилида Далвнинг 19 ида, мелодийнинг 1441 йилида Февралнинг 10 ида туғилган. Мазкур ҳисобга кўра Навоийнинг мучали Маймундир. Хондамирнинг унинг мучалини Товуқ дейишига қандай ҳисоб асос бўлган, буни аниқлаш керак.

НОМЛАРИ

Бу фаслнинг ёзилишига олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситаларида нисба, тахаллус, куня, лақаб, мустаор ва бошқа номларнинг қориштириб ишлатилаётгани сабаб бўлди. Бу ҳол Ҳазрати Навоийнинг номларини зикр қилишда ҳам кузатилмокда. Бинобарин, бу фасл мазкур нуқсонга барҳам бериш мақсадида ёзилди.

Ном маъносида мумтоз ўзбек тилида “алам” сўзи ҳам ишлатилади. Аммо **алам** туғ, ялов каби нишоналарга нисбатан ҳам қўлланади. Бу сўзнинг кўплиги **аълом**. Дард маъносидаги “алам” сўзи ҳам бор. Буларнинг арабча имлосида фарқ бор. Ном маъносидаги “алам” айн билан бошланади, дард маъносидаги “алам” алиф билан, араб тилининг ўзида ҳамза билан бошланади. Сўз бошидаги ҳамза араб тилидан бошқа тилларда тушиб қолади. Ўзбек тилида “масъул” дегандаги каби сўзларнинг ўртасида адабий талаффузда айтилади. Ҳамза сирғалувчи “ҳ”нинг портловчи жуфтидир. Айн ўзбек тилида ҳамза каби талаффуз қилинади. Араб тилида айн “қ” билан “ҳ” оралиғидаги товушдир. Аммо ўзбек тилида айн талаффузда ҳамзадан фарқ қилмайди. Баъзи туркий тилларда айн “ғ” деб айтилади. Масалан, қозоқчада “илм” “ғилм”, “муаллим” “муғаллим” деб айтилади. Уйғур тилида айн “ҳ”га ўтиши мумкин. Масалан, уйғурчада “ақиқ” “ҳақиқ”, “азим” “ҳезим” деб айтилади.

Ҳазратнинг ўз исми, яъни туғилганда қўйилган оти “Алишер”. Бу отнинг “Алий” қисмидаги “й” ўзак товуши бўлиб, уни тушириб, “Али” деб бўлмайди. “Алий”ни “Али”, “Ғаний”ни “Ғани”, “Солиҳ”ни “Соли”, “Муҳаммад”ни “Мамат” ва “Мат” шаклларида ишлатиш шеваларга хос бўлиб, адабий, хусусан мумтоз ўзбек тилида бунга йўл қўйилмайди.

---

[1] Русчаси “заяц” бўлган “товушқан”ни, русчаси “кролик” бўлган “қуён”дан ота-боболаримиздек фарқ қилганимиз яхши.

[2] Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг “тақуқ” шаклини ҳам сабт этган.

[3] Тиши – мода, урғочи.

[4] Бобурнома, 128 с.

“Алишер”нинг “шер” қисмини хориж олимларининг кўпчилиги ҳозирги форсий эътибори билан “шир” шаклида берадилар, чўзиқ “э”ни чўзиқ “и”га айлантирадилар. Бу ҳозирги форс тилига хос бўлиб, олдин бундай бўлмаган. Масалан, сут **шир** деб, арслон **шер** деб аталган. Ҳозирги Эрон форсчасида “шер”даги “э”нинг торайиши натижасида **шер** ҳам **шир** шаклини олган. Аммо дарий, яъни Афғонистон форсийси ва тожик тилларида “э” ўз ҳолича сақланган. Бу тилларда сут “шир”, арслон “шер” деб айтилади. Чўзиқ “и”ни билдирадиган **йо** ҳарфи **маъруф**, чўзиқ **э** ни билдирадигани **мажҳул**[1] деб аталади. “**Муҳокамату-л-луғатайн**”дан у даврнинг адабий форсийида мажҳул **йо** яъни **э** маъруф **йо**, яъни “и” билан бирлашиб “и”га айланмаган.[2] Шунга кўра **Алишер**ни **Алийшир** ёки **Алий Шир** шаклида ишлатиш тўғри эмас.

Тарбия ва таълим ривожланган жамиятда фарзандга от қўйишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки болага унинг ўзига мос исм қўйиш ота-онанинг муҳим бурчларидан биридир. Бу ҳақда Ҳазрат шундай дейди:

гар эрур атфолу иёлинг[3] сенинг
будур аларға дағи ҳолинг сенинг,

улча эрур тифлға[4] шойиста иш
балки кичикликта эрур парвариш

қатраға чун тарбият этти садаф[5]
эл бошиға чиққуча топти шараф

бириси қўймоқлик эрур яхши от
ким десалар етмагай андин уйат.

исмда кўп келди тафовут падид[6]
бири Ҳусайн ўлди, бириси Язид[7] (ҲА, 94)

От қўйишда турли мақсадлар назарда тутилади, аммо натижа доим кўнгилдагидек бўлмайди. Шу билан бирга кишининг баъзи хислатлари унинг исмида акс этади. Мана шу ҳолни ҳисобга олиб, Ҳазрат ўзининг “**Фарҳоду Ширин**” достонида Чин хоқони тилаб юриб ўғил кўрганда унга бир мақсад билан **Фарҳод** деб ном қўйганлари, аммо қазо нуқтайи назаридан бу исмнинг мазмуни ўзгача бўлганлиги ҳақида гапиради.

Хоқон ўз мамлакатига ворис туғилди деб шод бўлади ва унинг жамолида шоҳлик фари, яъни шоҳлик нури шавкатини ҳамда ҳиммату иқболу давлатни тасаввур этиб, унга Фарҳод

---

[1] Чўзиқ “и” араб тилида бор бўлгани учун “маъруф”, яъни тайин, маълум деб, чўзиқ “э” арабчада йўқлиги учун мажҳул, яъни нотайин, номаълум деб аталган.

[2] Айрим шеваларда “э” билан “и” “и” шаклида бирлашган бўлиши мумкин. Лекин адабий тилда Ҳазратнинг мазкур асардаги маълумотига кўра “э” ўз шаклини ўзгартирмаган.

[3] Эрнинг хотин ва фарзандларини билдирувчи бу сўз “аёл” шаклида ҳам қўлланади. Аммо тўғри шакли “ийол”дир.

[4] “Тифл”, кўплиги “атфол” бола дегани.

[5] Яъни садаф томчини дурга айлантирди.

[6] Келди падид – кўрилди, содир бўлди.

[7] Язид – Муовия ўғли умавий халифаларининг иккинчиси. Фисқу фужур ва зулмда машҳур. У қамарий ҳижрийнинг 61-йили муҳаррамнинг ашуроси, яъни ўнида Ҳазрат-и Алийнинг иккинчи ўғли Ҳусайнни Карбалода ўлдиради.

деган номни қўяди. Аммо **аласмо танзилу мина-с-само** яъни **исмлар кўкдан инади** ҳукми билан “Фарҳод” исми “Фироқу рашку оҳ ила дард”нинг бош ҳарфларидан иборат бўлади:

бу зебо базмнинг алхоннамойи[1]
бу янглиғ бўлди сўз достон саройи

ки чун Хоқонға тенгри берди фарзанд
бўлуб ул ҳадя била шоду хурсанд

жамоли бирла кўнглин айлабон хуш
отин қўймоқ сари бўлди рақамкаш

жамолидин кўрунгач фарр-и[2] *шоҳий*
бу фардин ёруди маҳ то бамоҳий[3]

қўюб йуз ҳиммату иқболу давлат
ҳамул фар соясидин топти зийнат[4]

бу жавҳарларға чун иснод[5] *топти,*
мураккаб айлагач Фарҳод топти

бу фарни ҳодий-и бахт эткач иршод
равон шаҳзода отин қўйди Фарҳод

ҳариру ҳулла ичра боғлабон чуст
мурассаъ маҳд ичинда тонгдилар руст[6]

бу навъ эрмас ота қўймади отин
ки кўргач ишқ анинг покиза зотин

анга фарзона[7] *Фарҳод исм қўйди*
ҳуруф-и маъхазин[8] *беш қисм қўйди*

фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард
бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард[9]

Борин устод-и ишқ эткач мураккаб[10]
тараккубдин бу исм ўлди мураттаб (ФШ, 34 с.)

---

[1] Алхоннамой – куйчи.
[2] Фар – нур. Бу ўринда вазн талаби билан “р” иккиланган.
[3] Маҳ то бамоҳий – кўк авжидан денгиз қаъригача. Айнан ойдан балиққача.
[4] Ифода муаммо тарзида: “юз”, “ҳиммат”, “иқбол”, “давлат” сўзларининг биринчи ҳарфига ишора. Булар “ҳод”-ни беради. “Соя” “ҳод”нинг “фар” орқасига қўшилишига ишора.
[5] Иснод – ҳужжатлаштириш.
[6] Ҳарир – ипак кийим; ҳулла – ёпиқ; мурассаъ – жавоҳир қадалган; маҳд – бешик; руст – маҳкам.
[7] Фарзона – билимдон.
[8] Ҳуруф-и маъхаз – олинадиган ҳарфларнинг манбаи.
[9] Бирор – биттадан; фард айламак – биттадан ажратиб олмоқ.
[10] Мураккаб этмак – таркиб бермак; тараккуб – таркиб топиш; мураттаб ўлди – ҳосил бўлди.

Ҳазратнинг шахсий оти Алийшер унинг зотига мувофиқ сифатларни билдиради. Отнинг "Алий" қисми рошид, яъни ҳақ йўлида собитқадам бўлган халифаларнинг тўртинчиси Ҳазрат-и Алийга мансуб. Расулуллоҳнинг амакиваччаси ва куёви ҳамда унинг тарбиясини олган Алий ибн Абутолиб мусулмонларнинг мушриклар билан бўлган жангларида қаҳрамонлик кўрсатган ва унга Ҳайдар, яъни арслон лақаби берилган эди. Шижоат, ҳарбий маҳорат ва баҳодирона амаллар Алийшерга ҳам хос эди. Ҳусайн Бойқаронинг саркардалари Ёдгор Мирзо эгаллаб олган қасрга ҳамла қилишга ботинолмаган бир пайтда Алийшернинг бир навкар билан қаср деворидан ошиб Ёдгор Мирзони асир олиши унинг қаҳрамонона амалиётидан биргина ҳарбий амал эди. Афсуски, бугунги фильм ва кўрсатувларда Ҳазрат фаолиятининг бу жиҳати акс эттирилмаётир.

Санъатчиларимиз Алишер ибн Баҳодирнинг баҳодир-лигини, шоҳсаворлигини[1], қурол ишлатиш маҳоратини, ҳарбий салоҳиятини ва шижоатини оммага намоён қилишлари керак. Алишер фаолиятининг бошқа жиҳатлари ҳам унинг исмига мос тушган. Буни биз Мавлоно Жомийнинг унга берган қуйидаги баҳосидан ҳам англашимиз мумкин:

муборак бар шаҳу аркон-и давлат
ғазанфар ҳайбатони шер-и савлат

батахсис он жавонмарди к-аш аз дер
насаб чун исм бошад шер бар шер

зи бас дар беша-йи мардий далир-аст
зи мардони жаҳон номаш ду шер-аст

яке дар аз диз-и Ҳайбар кананда
яке сарпанжа бо гўрон зананда (Куллийот, 2986)

Яъни:

Ғазанфар[2], икки ҳайбат[3] шерсавлат Алийшер шоҳ ва давлат аркони[4], яъни устунларига муборак бўлсин!

Хусусан, бу эр йигитким, қадимдан насаби исми каби арслону арслондир.[5]

Эрлик тўқайида ўша юракли бўлган учун жаҳон эрлари орасида оти икки шердир.[6]

Бири Ҳайбар қалъасининг дарвозасини қўпарувчи[7] шер, яна бири қулонларга панжа урувчи[8] шер.

Низомиддин Ҳазратнинг лақабидир. Лақаб кишининг фазилати ёки айбини билдиради. Айблов ноҳақ бўлиши ҳам мумкин. **Алқаб қўймоқ** деганда кишини ҳақиқатга тўғри келмайдиган айбни билдирувчи лақаб билан атамоқ тушунилади. Ҳазрат кўпдан кўп фазилатлар соҳиби бўлгани учун унга "Низомиддин" деб лақаб қўйилган. Бу лақабдаги

---

[1] "Савор" сўзи ҳозир сувор шаклини олган.
[2] Ғазанфар – эркак арслонларнинг арслони
[3] Ҳайбатони – "ҳайбат"нинг арабча иккилиги. Араб тилида кўпликдан ташқари иккилик ҳам бор. Ҳайбат кўнгилга хавф солиш. "Икки ҳайбат"дан мурод Ҳазрати Алий ҳайбати билан шер ҳайбати.
[4] Аркон – "рукн"нинг кўплиги. "Рукн" устун дегани.
[5] Навоийнинг ота-боболарининг баҳодирлардан эканлигига ишора.
[6] Алий – Ҳайдар, яъни шер+шер.
[7] Ҳазарат-и Алий Ҳайбар фатҳида ҳам қаҳрамонлик кўрсатган. Бу Ҳайбар Ҳижоздаги бир водий, яна бир Ҳайбар Покистон ғарбидаги уни Афғонистон билан боғловчи баланд қоялар орасидан ўтган тор дарадир.
[8] Ҳазратнинг хамсанавислар "панжасига панжа уриб" ғолиб келганлигига ишора.

ибодат[1] амаллари билан бирга муомала амалларини, ҳозир машҳур бўлган таъбир билан айтганда дунёвий ишларни ҳам ўз ичига олади. “Низом” тартиб, тизим дегани. Жамиятнинг ҳамма ишларини тартибга солувчи кишига “Низомиддин”[2] деган лақаб берилади.

Ҳазратнинг нисбаси **Ҳиравий**, яъни Ҳиротликдир, **ҳиравий Ҳирот**дан нисбий сифатдир. Нисба кишининг туғилган ёки турар жойини билдиради. Баъзан киши икки нисба билан аталиши мумкин. Масалан, “**Маснавий-и маънавий**”нинг муаллифи Мавлавийнинг бир нисбаси **Балхий** унинг туғилган шаҳри Балхга мансуб, иккинчиси **Румий** унинг турғун бўлиб қолган ўлкаси Румга[3] мансубдир. Бу нисбалар баъзан бирга **Жалолиддин Балхий Румий** деб, баъзан алоҳида **Жалолиддин Румий** ёки **Жалолиддин Балхий** деб тилга олинади. Нисбат қўшимчаси -ий, -вий билан ясалади. Масалан, **Хоразмий**, **Самарқандий**, **Ганжавий** деган нисбалар мавжуд. Нисба ясалганда баъзан товуш тушиши ёки орттирилиши ҳамда ўзгариши мумкин. Масалан, **Бухоро**дан **Бухорий**, **Ҳирот**дан[4] **Ҳиравий**, **Деҳли**дан **Деҳлавий**, **Хева**дан[5] **Хевақий**, **Марв**дан **Марвазий** бўлади. Охирги икки нисбада тарихан мавжуд бўлиб, кейинчалик тушиб қолган “з” ва “қ” товушлари нисбада тикланган.

Фоний ва **Навоий Ҳазратнинг** тахаллусларидир. **Тахаллус** кишининг шоирлик оти. Бу отни шоир ўзига ўзи ёки ўзгалар, кўпинча устозлар қўяди. Бу ҳолда **тахаллус** сўзининг ажралиш, алоҳида бўлиш деган маъносига асосланилган. Шоирлар бир-биридан тахаллуси билан ажралиб туради. Ўзбекча таъбирда нисба ва тахаллусга **аз-Замахшарий**, **ал-Ҳаким ат-Термизий** тарзида **ал-** қўшиш миллатни масхара қилиш билан баробар. “**Тахаллус**” сўзининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш деган маъноси ҳам бор. Бу сўз мана шу маъноси билан қасиданинг бир қисмига истилоҳ бўлган. Бу қисм қасиданинг муқаддимасидан мадҳга ўтиш байти ёки байтларидан иборат. Қасиданинг тахаллусгача бўлган қисми **ташбиб** деб аталади. **Ташбиб** сўзининг ёшлик, йигитликни сўзлаш ва ўт олдириш деган маънолари бор. Ташбиб кўпинча ишқ ва аёл васфидан иборат бўлгани учун қасиданинг бу қисмининг истилоҳига иккинчи, яъни ўт олдириш маъноси аталиш важҳи бўлган. Бунда ишқнинг кишини куйдириши эътиборга олинган. Энди қасида тахаллусидан шоир тахаллусига қайтайлик.

Алийшер Фоний тахаллуси билан форсий асарларини имзолаган. **Фоний боқий**нинг зидди бўлиб, унинг луғавий маъноси фано бўлувчи, **фано** йўқ бўлишдир. Бу **бақо**нинг зидди. **Фоний** ва **боқий** мазкур маънолари билан **дору-л-фано**, **дор-и фано**, **фано дори**, яъни йўқ бўлиш маскани ва **дору-л-бақо**, **дор-и бақо**, **бақо дори**, яъни боқий, йўқ бўлмайдиган маскан ибораларини киноя[6] тарзида дунё ва охиратга нисбатан қўллашга асос бўлган. Аммо тахаллусда **Фоний**нинг тасаввуфдаги истилоҳий маъноси эътиборга олинган. Бу маънода кишининг фоний бўлиши жисман йўқ бўлишни англатмайди. Фано мақомига эришган суфий, тариқат кишисининг фонийлиги ўзлигини йўқотиб, яъни

---

[1] “Ибодат” сўзи хос, махсус маънода исломнинг беш рукни – имон, намоз, рўза, закот, ҳажни билдиради. Мутлақ маънода бандаликни, яъни шаръан ҳаром қилинмаган ҳамма амалларни билдиради.

[2] Баъзи отлар муболаға учун сифатдош ўрнида қўлланиши мумкин. Масалан “одил” ўрнида жуда одил деган маънода “адл” сўзи ишлатилиши мумкин. Шу тарзда мазкур лақабда “Низом” сўзи “Нозим” ўрнида истеъмол қилинган. Навоийнинг отасининг исми “Ғиёсиддин”даги ёрдам, нажот маъносидаги “ғиёс” сўзи ёрдамчи, нажот бағишловчи маъносида “муғийс” сўзи ўрнида ишлатилган.

[3] “Рум” Туркия жойлашган Кичик Осиёнинг шарқча оти. Кичик Осиё “Аназул”, русча “Анатолия” деб ҳам аталади. Мавлавий Румнинг Куня шаҳрида муқим бўлган. Куня Рум салжуқийлари даврида (1081-1302) пойтахт бўлган. Мавлавий бу шаҳарда 1273-1307 йилларда яшаган.

[4] Ҳирот Ҳирий шаклига ҳам эга.

[5] Шу кунларда **Хева** телекўрсатувларда русча **Хива** шаклида берилмоқда. Бу халқни йўлдан оздиришдир.

[6] “Киноя”нинг ҳақиқий, яъни ўз маъноси бир нарсани ўз номидан ўзга ном билан аташ ва шу номдир. Унинг кесатиш маъноси мажозий, яъни кўчма маънодир.

ўзининг борлигини бутунлай ҳис қилмайдиган даражага етиб ҳақ таоло вужудига сингиб кетишидан иборатдир. Алийшернинг форсий тахаллуси шу маънодаги **Фоний**дир.

Алишернинг **Лисону-т-тайр**и туркийда бўлса ҳам **Навоий** эмас, **Фоний** тахаллуси билан тугаган. Бунинг сабабини алоҳида фасл қилиб баён қилган. Шоир қушларнинг наво қилишини ва китобнинг туркийда ёзилганини эътиборга олинса, унда тахаллус **Навоий** бўлиши муносиброқ эди. Аммо асардан мурод фано мақомига эришиш йўли бўлгани учун тахаллус қилиб **Фоний** олинди, дейди:

БУ КИТОБДА ТАХАЛЛУС ТАҒЙИРИНИНГ[1] УЗРИ

чун кичик ёштин манга бўлди насийб
назм адосида хаёлот-и ғарийб

шеър ҳар синфидинки қилдим ибтидо
турк алфози била топди адо

эйлаким[2] ҳар кимса неким қилғуси
баъзи ишта бор анинг бир белгуси

ким ўзи тахсисиға[3] имлодур ул
муҳри ё тавқиъ[4] ё тамғадур ул[5]

сафҳа дебосию[6] назм иншосидур
ким тахаллус нозими[7] тамғасидур

бу нишони бирла топти имтиёз
не варақким назм қилди аҳл-и роз[8]

ким бу **Саъдий** *ё* **Низомий***нинг дурур*
ё бу **Хусрав***нинг, бу* **Жомий***нинг дурур*

менки турк алфозига айлаб шуруъ[9]
назм топти табъу килкимдин вуқуъ[10]

чун саҳоб-и табъим ўлди дурфишон[11]
назмима эрди **Навоий***дин нишон*

---

[1] Тағйир – ўзгартириш.
[2] Эйла – “андоғ”нинг маънодоши. Буни кўпчилик **ўйламоқ**дан деб ўйлаб, **ўйла** шаклида ишлатмоқда. Аммо Ҳазрат тилидаги **эйла**нинг **ўйламоқ**қа ҳеч қандай алоқаси йўқ.
[3] Ўзи тахсисиға – ўзига тегишлилигига.
[4] Тавқиъ – қўл қўйиш ва имзо.
[5] Яъни баъзи ишларда ишловчи ўз маҳсулига белги сифатида ё муҳрини босади, ё имзо чекади, ё тамға босади.
[6] Сафҳа дебоси – дебо, яъни юпқа ипак матодек ипак қоғоз варағи. Қоғоз варақ шаклида ишлаб чиқарилган ва уста унинг бир четига ўз белгисини қўйган. Харидор шу белгидан унинг устаси кимлигини билган.
[7] Нозим – назм соҳиби, яъни шоир.
[8] Роз – сир.
[9] Шуруъ айламак – бошламоқ, киришмак.
[10] Вуқуъ топмоқ – вужудга келмак.
[11] Яъни табъим булути дур сочқач.

даҳр боғида бўлуб комим раво
комронлар топти назмимдин наво

форсий назм ичра чун сурдим қалам
назмнинг ҳар синфини қилдим рақам

файз еткач ул маонийдин манга
топти белгу назм **Фоний***дин манга*

чун **Лисону-т-тайр** *оғоз айладим*
турфа қушлар бирла парвоз айладим

мунда ансаб[1] эрдиким тузгач наво
бўлса назмимға **Навоий***дин адо*

ким наво қушлар тили алҳонидур
дилкаш афғони ҳазн достонидур

туркий услуб эрди ҳам бу достон
топқудек эрди **Навоий***дин нишон*

бу рақамда **Фоний** *айларга лақаб*
мустамиъ бўлғанға айтурмен сабаб

ким бу дафтар назмидин куллий мурод
чунки маржиъ[2] майли эрдию маод[3]

мунда фоний бўлмай иш ўлмас тамом
Фоний ондин топти назмим ихтитом[4]

ҳам бу дафтар ичра Шайх-и маънавий[5]
ким демиш қушлар тилидин маснавий

сайр ул қушларғаким фан айламиш
етти водий чун муайян айламиш

---

[1] Ансаб – муносиброқ.
[2] Маржиъ – дунёда бажо, яъни Аллоҳ таолонинг марҳаматидан умидвор бўлиб, бандаликни қилган бандани-нинг охиратда қайтиб борадиган ери. Бу ер Аллоҳ таолонинг ҳузуридир. Маржиъ Қуръон-и Каримнинг бир неча оятларида бор. Ҳуд сурасининг тўртинчи оятида “Ила-ллоҳи маржиъу-кум ва Ҳува ъало кулли шайъин қодийр”, яъни Борар ерингиз Аллоҳ ҳузуригадир, ва у ҳамма нарсага қодирдир, дейилган. Бандaнинг охирги мақсадга борарини қайтиш дейилишига сабаб, у дунёга Аллоҳ таоло ҳузуридан келган ва охиратда келган ерига қайтиб боради. Бақара сурасининг 156-оятида “Инно ли-ллоҳи ва инно илайҳи рожиъу:н”, яъни ҳақиқатан биз Аллоҳникимиз ва ҳақиқатан ҳам унга қайтгучимиз, дейилган.
[3] Маод – бу ҳакимлар истилоҳи бўлиб, махлуқнинг вужуд доирасининг бошланиш нуқтасига қайтиб келишидир. Мазкур нуқта доиранинг бошланишига кўра “мабда”, тугашига кўра “маод” деб айтилади. Қуйироқда бу мавзуга яна бир бор тўхташга тўғри келади. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни ўшанда берамиз.
[4] Ихтимом топмоқ – тугамоқ.
[5] Фаридуддин Аттор.

чектуруб қушларға кўп ранжу ано
сўнгғи манзил бўлди водий-и фано

гарчи бу икки таносуб ёр эди
назмима ҳам бу тахаллус бор эди

гар тахаллус мунда **Фоний** *айладим*
бу таносублардин они айладим

гар сабаб истаб биров қилса хитоб
шарҳ қилған сўз анга басдур жавоб

кимга бўлса мундоқ ишлар нийяти
бўлмас ул бўлмай замон амнийяти

бу замон амнийятин қилма гумон
собит ўлмай адл-и Доро-йи[1] *замон*

Алийшернинг туркий тахаллуси **Навоий**дир. Аслида имло ва талаффузи **Навоий** бўлган бу сўз **Навоий** шаклида оммалашган. Бунга "Наво"нинг араб сўзи эмаслиги ва у ҳамза билан тугамаганлигига ҳамда унинг арабча имлосида "Наво"дан сўнг ҳамзаю[2] **ё** эмас, икки **ё** ҳарфи ёзилганлигига эътибор бермаслик сабаб бўлган. Баъзи олимларимиз "Навоий"нинг асил имлосига хилоф равишда биринчи **ё** ҳарфини ҳамзага айлантирганлар. Охирида ҳамза бўлган араб сўзларидан нисбий сифат ёки от ясалганда унга "-йий" эмас, "-ий" қўшилиши хато ҳисобланмайди, масалан, "Саноъ"дан "Саноий" бўлади. Унда сўфий шоир **Ҳадиқату-л-ҳақиқа**[3] асарининг муаллифининг тахаллусини "Саноий" деб ёзиш хато эмас. Баъзилар бунда ҳам "и" билан "й" ўртасида яна бир "й" орттирадилар. Форсий ва туркийда араб ҳамзаси "о" билан "и" орасида "й"га айланиши ҳисобга олинса, бу имлони ҳам янглиш деб бўлмайди. Олимларимиз орасида **Навоий**даги охирги "й"ни тушириш тарафдорлари ҳам бор. Бу нотўғри амалнинг, яъни нисбий маъносини билдирувчи "й"нинг йўқотилишининг "тўғрилигига" вазндан мисол келтирилади. Тахаллус "Навоий"нинг "ий" қисми вазнда қисқа ҳижо ўрнида келади. Масалан, қуйидаги мақтаъ, яъни ғазалнинг охирги байтида шундай:

Навоий асра ниҳон ишқ нуктасин зинҳор
ки ишқ пири манга ёшурун бу нукта демиш[4]

Бунинг вазни мужтас-и махбур-и мақтуъ-и мусаббағ ва маҳзуф, мафоъилун фаъилотун мафоъилун фаълон (иккинчи мисра фаилун[5]) мафоилун рукни қисқа-чўзиқ-қисқа-чўзиқ ҳижолардан иборат. Байтдаги биринчи рукн "Навоий ас" ана шу "мафоилун" вазнида ўқилиши керак. Вазнда учинчи ҳижо қисқа бўлиши керак. Мана шунга асосланиб "й"сизчилар

[1] Ҳусайн Бойқаро. **Доро-йи замон** замондош деган маънода. Шу билан бирга бунда машҳур Эрон шаҳаншоҳи Доро ҳам назарга олинган. Бу ийҳом санъати.
[2] Ҳамза сирғалувчи "ҳ"нинг портловчи жуфти. Арабчада бу товуш сўзнинг бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам бўлади. Ўзбек тилида фақат ўртадагиси, масалан "таъсис" сўзидагиси талаффуз қилинади. Сўз боши ва охиридагиси эса талаффуздан тушиб қолади.
[3] Ҳадиқату-л-ҳақиқа – ҳақиқат боғи.
[4] Бадоиъу-л-васат, 206-ғазал.
[5] Бир шеърнинг ўзида мисра охиридаги рукнда "фоъилун" "фоъилон", "фаъилун" "фаъилон", "фаълун" ва "фаълон" бир-бири билан алмашиб келиши мумкин.

“Навоий”да “й” ортиқча дейдилар. Ҳолбуки арузда сўз охиридаги ундошни ундан кейинги унли билан бошланган сўзга ўтказиш қоидаси бор. Бу қоидага кўра мазкур рукн “На-во-йи-йас” деб тақтиъ қилинади, яъни ҳижоларга ажратилади. Агар байтда “асра” сўзи ўрнида бошқа ундош билан бошланган сўз ишлатилиши зарур бўлганда эди, Навоий тахаллусни “Э Навоий” тарзида иккинчи рукн “фаъилотун”да берган бўлар эди. Хориж олимлари тахаллус ва нисбалардаги “ий” ўрнида чўзиқ “и” ишлатадилар. Бу имло талаффуз жиҳатидан нотўғри бўлмаса ҳам[1], ҳақиқий аниқ талаффуз ва мазкур вазн қоидаси жиҳатларидан ноқисдир. Демак, Алийшернинг туркий тахаллуси “Наво” сўзига “-ий” қўшимчасини қўшиш билан ясалган, бундай ҳолларда талаффуздаги бўшлиқни тўлдириш учун ўртада “й” товуши орттирилади. Натижада “Навоий” ҳосил бўлади.

“Наво” сўзининг бир неча маъноси бор. Улардан бизнинг мавзуимиз учун муҳим бўлгани иккита. Бу маъноларнинг бирига кўра, “наво” деганда ҳар қандай овоз, жумладан, куй тушунилади. Иккинчиси тириклик, турмуш, мансаб ва фаолият лавозимини, яъни лозим бўлган нарсаларни билдиради. “Бенаво” ва “навосиз” деганда “наво”нинг мана шу маъноси назарга олинади. Наво кишининг мартабасига қараб оддий турмуш воситаларидан тортиб подшолик фаолияти учун зарур бўлган омил ва амалларни ўз ичига олади. Оддий меҳнаткашнинг емиши, кийими ёки турар жойи бўлмаса, бенаво бўлади. Бой бойлигидан, яъни мулки, сармоясидан, мансабдор мансаб фаолияти учун зарур бўлган нарсалардан, давлат бошлиғи сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий таъминот, мудофаа ва тартибот фаолияти воситаларидан маҳрум бўлса, бенаво бўлади.

“Навоий” тахаллусидаги “наво” мазкур куй маъносидир. Аммо Навоийнинг навобахшлик фаолиятини, унинг кўпдан кўп навосизларни наволиғ қилганини эътиборга олинса, “наво”нинг иккинчи маъносини ҳам “Навоий”га нисбат бериш вожиб бўлади.

Навоийни замондошлари “бег”[2], “амир” ва “мир” деб ҳам атаганлар. “Мир” амирнинг қисқаргани. “Амир” ва “бег” лашкарбоши ва ҳоким маъноси билан маънодошдир. Маҳмуд Кошғарий “бег”ни “амир” деб, “бег эли”ни амир фармони остида бўлган вилоят деб, “бег канд эгирди”ни “амир лашкарини тарқатди” деб таржима қилган (1 ж. 48-49 б.; 3 ж. 59 б.; 4 ж. 78 б.). “Бобурнома”да Амир Темур “Темур бег” деб аталган. Мамлакатнинг мутлақ ҳукмдори хон, ундан кейинги ва унга бўйсунган ҳукмдор бег ёки амирдир. Буларга белгиланган бошлиқ “беглар беги” ёки “амиру-л-умаро” деб аталади. “Амир” ва “бег” ҳам унвон, ҳам мансаб оти. Буларнинг унвонлиги шундаки, киши амирлик ёки беглик мансабига эга бўлмаганда ҳам насабига кўра “амир” ёки “бег” деб аталиши мумкин. Киши мазкур мансабда бўлганда, улар мансаб номини ҳам билдиради. Киши насабда бег ёки амир бўлмагани ҳолда ҳам мансабда бег ёки амир бўлиши мумкин.

---

[1] “ий”ни чўзиқ “и” тарзида талаффуз қилганда, уларнинг орасидаги фарқ сезилмас даражада бўлади. Бу “и” билан “й”нинг махражи яқин бўлгани учун содир бўлади.

[2] Бу сўзнинг ҳозирги “бек” шакли араб ёзувининг илк, жумладан, Навоий даврида ҳам коф ҳарфи билан ифодаланган сабаб бўлган. Бу сўзнинг охирги товуши “к” эмас, “г” бўлганига икки далил бор. Биринчиси, дулбарчин яъни урхун ёзувида унинг **эг** ҳарфи билан битилганидир. **Эг** “г” товушини билдиради. Иккинчи далил “бег” сўзининг ҳозирги турк тилларининг баъзисида “бей” ва “бий” шаклини олганлигидир. Чунки “г” товуши “й”га ўтади, “к” эса ўтмайди. Масалан, шеваларда “тегди” сўзи “тийди” шаклида ишлатилади, аммо “чекти”, “тикти” сўзлари “чегди”, “тигди” шаклларини олмайди. Турк тилларида “бек” деган сўз ҳам бор. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ида шу шаклда қаттиқ маҳкам маъносида қайд этилган: Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати Солиҳ Муталлибов. Тошкент, 1960, 1-т., 333-б.; 2-т., 116-б. Баъзи ҳозирги турк тилларида бу сўз “пек” ва “бик” шаклларида мазкур маънолардан ташқари яна жуда маъносида ҳам ишлатилади.

ҲАЗРАТНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рус туркшуноси А.К.Боровков Ҳазрат-и Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси деб мақола[1] нашр қилгандан сўнг бу фикр оммавий тус олди. Аммо бу фикрга қўшилмайдиганлар ҳам бор. Чунки Ҳазрат ўзигача мавжуд бўлган адабий тилда ижод қилди. Лекин у ўзининг энг юксак савиядаги асарлари билан тилни ниҳоятда бойитди ва унинг чексиз ифода имкониятларини очиб берди. Бобур Мирзо ҳеч ким Ҳазратчалик кўп ва хўб асар яратмагани, ҳамда унинг тили Андижон адабий тилига мутобиқ эканлигини баён қилган. Бу ижоди билан Ҳазрат турк мамлакатини якқалам, яъни ягона адабий тилга эга қилди:

турк назмида чу тортиб мен алам
айладим ул мамлакатни якқалам

"**Муҳокамату-л-луғатайн**"да ўқиймиз:

Ажам шуароси ва форс фусаҳоси[2] ҳар қайси услубда-ким сўз арусиға[3] жилва-ю намойиш бериб эрдилар турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидада-ким маъно абкориға[4] зийнат-у оройиш кўргузуб эрдилар Чиғатой лафзи била рақам урдум андоқ-ким то бу мазкур бўлған тил-у лафз биноси-дур[5] ҳеч нозимға бу даст бермайдур[6] ва ҳеч роқимға[7] муяссар бўлмайдир[8]

Лафз деганда сўзнинг товуш жиҳати, талаффузи тушунилади. **Чиғатой лафзи**дан мурод Чиғатой улусига хос талаффуздир. Демак, Ҳазрат турк тилининг Чиғатой улуси аҳолисининг талаффузида ижод қилибди. Ҳазрат бу тилда тўртта лабланган ва учта лабланмаган унлини қайд қилган: ot (олов) - öt (ўтишга буйруқ) - ut (қиморда ют) – üt (каллани куйдур). biz (биз) – bez (без) – bi:z (бигиз).

А.К.Боровков мазкур мақоласида, А.Усмонов мазкур китобида Ҳазратнинг мазкур таснифига эътироз билдирганлар. Бу билан улар тилни Ҳазратчалик тушунмасликларини намоён қилганлар. Мумтоз адабиёт матнини тушуниш ва уни янги ёзувларга кўчиришдаги нуқсонларнинг туб сабаби мавзуга оид истилоҳларнинг маъносини аниқ билмасликдадир. Бу ҳақда аниқ маълумот олишни Маҳмуд Кошғарийдан бошлаш керак. Бу аллома йўғон ўзак ва қўшимчаларни **қофий**, ингичкаларини **кофий** деб атайди. Аташ важҳи қалин қўшимчаларнинг кўпчилигида **қ** ва **ғ** нинг, ингичкаларида **к** ва **г** нинг мавжудлигидир. Мисоллар: **отқа, қорға, отмақ, отмағи, отқан, отқай, отқучи, отқали, борған, борғай, борғучи, борғали, кеткан, кеткай, кеткучи, кеткали, келган, келгай, келгучи, келгали** ва ҳоказо. Мазкур сўзлардаги **а** ни **борғон, келгон** деб **о** га айлантириш қўпол хато ҳисобланади. Бу истилоҳдан Маҳдийхон ўзининг **Санглох**ида самарали фойдаланган.

Девон ва **Санглох**да туркчага хос бир қанча истилоҳлар қайд қилинган ва улардан амалий фойдаланилган. Аммо баъзи истилоҳларнинг нозик томонини "Девон" таржимонлари тушуниб етмаган ҳоллари бор. Масалан **ишмом** лабланганлик маъносида. Аммо у ингичка

---

[1] **А.К.Боровков**. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. Тўплам, **Алишер Навои**, Москва – Ленинград, 1946, с. 92-120.
[2] Яъни форс чечанлари.
[3] **Арус** – келин. Сўз гўзалликда келинга ўхшатилган.
[4] **Абкор – бикр** (бокиралик)нинг кўплиги. Маъно бокира қизларга ўхшатилган.
[5] **Бино** бу ерда барпо, боқий маъносида.
[6] **Даст бермайдур** – муяссар бўлмайди.
[7] **Роқим** бу ерда қаламкаш маъносида.
[8] А.Усманов. Мухакамат ал-лугатайн Алишера Навои, Из-во АН УзССР, Ташкент – 1948. с. 58.

у га нисбатан қўллангани учун таржимонлар уни ингичкалик деб тушунганлар. Ҳақиқатда эса ингичка **у** охирги даражада лаблангани учун Маҳмуд Кошғарий унга **ишмом** сифатини берган. Истилоҳларни нотўғри талқин қилиб, ҳақиқатни бузиш ҳозир давом этмоқда. Бу ишнинг ўзига қаттиқ ишонган вакили Эргаш Умаровдир. Бу олим қуйидаги

кўрмади шаҳ муносиб ўлтурмак
яқинида буюрди ўлтурмоқ

байтига шундай изоҳ беради:

Составитель словаря пишет, что если гласный **ү** произносить с пометой била ишба:ъ – “без широкого” … нормально, то глагол **ўлтурмақ** в первой строке будет обозначать “сидеть”.[1]

Ҳолбуки **ишбоъ** қалин талаффуз дегани, **кенг нормал** дегани эмас. **Би-л-ишбоъ** (қалин талаффуз) **ўлтурмак**нинг ўтирмоқ эмас, ўлдирмоқ эканига ишора. Иккинчи мисрадаги **ўлтурмоқ** ўтирмоқ маъносида. Байтда шоҳ ўлдирмакни муносиб кўрмай ёнига ўтиришни буюрди, дейилган.

Мазкур китобчанинг луғат қисмида **ишбоъ**ни чўзиқ деб сўз бошидаги унлиларни, масалан **учуқ**ни **у:чуқ**, **ўчку** (эчки)ни **у:чку** деб чўзиқ қилиб берган. Эргаш Умаровга кўра Маҳмуд Кошғарийдан

тортиб Ҳазрат-и Навоийгача унлиларда қисқа-чўзиқлик бор, ингичка-қалинлик йўқ. Ҳолбуки, мазкур алломалар туркчада чўзиқлик йўқлигини, қофий-кофий борлигини исботлаб берганлар. Бу ҳол Эргаш Умаровнинг назаридан четда қолган.

Ҳазратнинг тили ҳақида мустақилликкача мақола ва китоблар нашр этилган эди. Ҳозир шулардан мутолаа қилишга тўғри келади. У давр тил ва услубига аҳамият бериш лозим бўлмайди. Буни ҳисобга олиш зарур. Мақолаларнинг биринчиси “**Ўзбек тили ва адабиёти”** ойномасининг 1961 йил 2-сонида, иккинчиси шу ойноманинг 1961 йил 3-сонида босилган. **Ёрдамчи сўзлар “Навоий тилининг грамматик хусусиятлари”** китобидан (“Фан”, Тошкент – 1984) олинди. Марҳамат:

КАФ СЎЗИ ҲАҚИДА

Тил нормаларини, ундаги фонетик, грамматик ва лексик-семантик ҳодисаларни аниқловчи тилшунос тадқиқотининг илмий ёки ғайри илмийлиги дастлаб унинг объектив ёки субъектив фактларга асосланганлиги билан белгиланади. Тилшуносликда бирор масала юзасидан ҳукм чиқариш учун тадқиқотчининг ўзига хос субъектив тил фактлари илмий ҳужжат бўла олмайди. Илмий ишдаги кўпгина хато ва нуқсонлар текширувчининг ўзидаги субъектив фактларга асосланишидан келиб чиқади. Масалан, менинг *субҳа* сўзини *сабҳа* бўлади деганим[2] ва Н. Шукуров, Р. Норов, Б. Валихўжаевларнинг *зуннор*дан бошқа *бут* маъносидаги *зиннор* бор дейишлари[3] шу сўзлар ҳақида ҳосил бўлган нотўғри субъектив тушунчага асосланиш натижасида келиб чиққан хато фикрлардандир.

---

[1] Э.А.Умаров. Гласные староузбекского языка и новая транслитерация “Бада’и ал-лугат”, Ташкент – 2004, с. 8-9.

[2] А. Р у с т а м о в. Классик асарларнинг пухта таҳлили учун, “Шарқ юлдузи” 1954, 2-сон, 124-бет.

[3] Қаралсин: Н. Ш у к у р о в, Р. Н о р о в, Б. В а л и х ў ж а е в. Бузиб кўчириш ва хато изоҳлашга чек қўяйлик, “Совет Ўзбекистони маданияти” газетаси, 19 май, 1959 йил, 2-бет.

Зуннор арабча бўлиб, араб тилида *зуннора, зуннайр* кўринишларига ҳам эга (Қаралсин: E.W.Lane. An Arabic-English lexicon book, 1, part 3, 258-бет). Лекин бу ўзакдан фиъол вазнида сўз ясалмайди. *Заннор* мақола авторларининг онгида, Муқимийнинг “бўйнида зиннор (зуннор – *А.)* авлиё”сини кўргандан кейин, дифференциация ҳодисасига мувофиқ ҳосил бўлган янги сўздир. Лекин классик адабиётда фақат *зуннор* бор.

Шу кунларда *каф* сўзини *кафт* шаклида ёзиш мажбурияти[1] ҳам мазкур камчиликнинг оқибатидир. Чунки умумхалқ ўзбек тилида *кафт* деган сўз йўқдир. Бу сўз шеваларда *кап* шаклида бўлиб, адабий тилда *каф* кўринишига эга. Маълумки, оёқ кийимининг каф томонига уриладиган чармни *капаки* дейилади. Агар *каф* сўзида *т* товуши ҳам бўлса, бу сўз *каптаки* бўлар эди. *Каф* сўзи келиб чиқиш нуқтайи назаридан арабча *(каффун)* бўлиб, туркийси (*ая*)[2] ўзбек адабий тилида сақланмаган[3]. Араб тилидаги мана шу *каффун* сўзи форс ва ўзбек тилларида *каф* шаклига ўтиб, форсча *кўпик* маъносидаги *каф* сўзининг шаклдошига айланган. Масалан, Умар Хайём шундай дейди:

گویند که دوزخی بود ست
حرقی ست حلاف و دل د راو نتون بست
گرعاشق ومست دوزخی خواهد بود
فردا نگری بهشت را چون کف د ست[4]

Навоий:

Базм аро гар йўқ май била даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф[5].

Аҳлий Шерозий ўзининг бошдан охиригача икки вазнда ўқиладиган “Сеҳри ҳалол” номли достонида *каф (кўпик* ва *қўл кафи)* сўзини икки маънода қуйидаги байтда ишлатади:

Соқи, аз алтофи ту май дар кафаст,
В-аз тафи дил Дичлаи хвай дар кафаст.[6]

Демак, *каф* сўзида, умумхалқ ўзбек тилида, яъни адабий тилда ва шеваларда, шунингдек тарихан ҳам, *т* товуши йўқ экан. Шунинг учун бу сўзни *кафт* эмас, *каф* тарзида ёзиш нормалаштирилса, имло луғатига ҳеч қандай зарар етмайди. Аксинча, бу икки жиҳатдан фойдалидир: биринчидан, бу сўз имлосидаги икки хилликка барҳам берилади; иккинчидан, ўзбек классик шоирлари баъзан сўзларни ўзлари хоҳлаган шаклда ишлатганлар, деган нотўғри фикр туғилиш эҳтимоли йўқолади.

БИР ШАКЛГА ЭГА ИККИ КЎМАКЧИНИНГ ТАЛАФФУЗИ ҲАҚИДА

Ўзбек классик адабиётида, жумладан,, Навоийнинг асарларида икки элемент мавжуд бўлиб, уларнинг бири ўхшатиш, иккинчиси[7] буйруқ билдиради. *(-дек//-тек* ўхшатиш билдиради. *–дик // -тик* – буйруқ билдиради.) Араб графикасида шаклан ўхшаш бу икки

---

[1] С. Иброҳимов ва М. Раҳмонов. Ўзбек адабий тилининг имло луғати, Т., 1956, 96-бет.
[2] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, 1-том, таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов, Т., 1960, 113-бет.
[3] Шевашунос Ю. Жуманазаровнинг айтишича, *ая* сўзи Хоразм шеваларида ҳозир ҳам мавжуддир. Қиёс қилинсин: *қолиминг аяси қиджыятър.*
[4] Умар Хайям. Рубаият, Москва, 1953, 2-қисм, 52-бет.
[5] Алишер Навоий. Хазойинул маоний, I жилд, илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон, Т., 1959, 326-бет.
[6] Е. Э. Бертельс. Навои, Изд. АН СССР, М. – Л, 1948, 37-бет.
[7] *аранг:* Шукуров Ш. Навоий тилига хос бир грамматик форма ҳақида. – “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1977, 5-сон.

элементни тилшунослар аффикс (қўшимча) деб тушунадилар ва уларни ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзадилар: *паридек/паритек* (пари каби); *бордик* (борсин), *ўптик* (ўпсин) каби.

Аммо кейинги пайтда, биринчидан, буларнинг ҳар иккисини кўмакчи ёки мустақил сўз деб қараш, иккинчидан, буйруқ элементини ҳам ***э*** унлиси билан, яъни *дек (тек)* деб ўқишга мойиллик сезилмоқда[1].

Дарҳақиқат, буларни аффикс деб аташга лингвистик асос[2] йўқ. Булар кўмакчидир. Ўзбек тили барқарор урғули тилларга мансуб. Бундай тилларда аффиксдан кўмакчини урғуга қараб ажратиш мумкин. Агар тил элементи нутқда алоҳида бош урғуга эга бўлса, у мустақил сўз бўлади, агар урғусиз бўлиб, ўзидан олдинги ёки кейинги сўз билан биргаликда такт ҳосил қилса, кўмакчи (ёрдамчи сўз) бўлади. Агар элемент орт қўшимча (суффикс) бўлса, такт урғуси шу элементга кўчади, олд қўшимча (префикс) бўлса, иккинчи даражали урғу билан талаффуз қилинади. Туркий тиллардаги урғунинг вазифаси сўз формасини чегаралашдан иборат. Унинг биринчи бўғинга кўчиши эса ундов, буйруқ ёки таъкид билдиради.

Юзаки қараганда, *қушча* (кичкина қуш)дан *қушча* (қуш каби), *олма* (мева)дан *олма* (буйруқ) сўзлари урғу туфайли фарқ қилганга ўхшайди. Лекин ўхшатиш билдирган *-ча* аффикс бўлмасдан кўмакчи бўлганлиги учун урғусиздир. *Олма* сўзида эса урғу биринчи бўғинга буйруқ оҳангини бериш учун кўчади.

Эски ўзбек тилида кўмакчидан аффиксни фарқлайдиган ва кўп ўринларда ёзувда ҳам акс этадиган яна бир фонетик белги бор: кўмакчи танглай уйғунлигига бўйсунмайди, аффикс бўйсунади ва унинг қалин ва ингичка вариантлари бўлади. Мазкур икки элементнинг қалин варианти йўқ. Масалан, *ата-дэг* дейилади, *атадағ* дейилмайди[3]. Агар шундай бўлганда эди, уни аффикс дер эдик. Демак, Навоий тилидаги ўхшатиш элементи ҳам, буйруқ элементи ҳам аффикс эмас, кўмакчи экан. Бинобарин, уларни энклитика тарзида, яъни урғусиз ва ўзидан олдинги сўзга қўшиб талаффуз қилиш лозимдир.

Энди бу кўмакчиларнинг товуш таркибини аниқлашимиз керак. *Коф* ҳарфи ***к*** ва ***г*** товушларини билдиради, *ёй* ҳарфи эса ***и, и:, й*** ва ***э*** унлиларини билдиради. Ўхшатиш кўмакчисидаги ***е*** ҳарфи ***э*** ни билдириши шубҳасиз, чунки ҳозирги ўзбек тилида ўхшатиш кўмакчиси *дэк* ва *дэй* шаклларига эга. *дэй* кўмакчисидаги ***э э*** нинг қадимги шаклидир, ***э*** тилолди ***э*** нинг торайиши натижасида вужудга келган[4].

Энди буйруқ кўмакчисидаги *ёй* ҳарфи қайси унлини билдиради, деган саволга жавоб топишимиз керак. Агар у аффикс бўлганда эди, фақат ***и*** деб ўқилиши керак бўлар эди. Чунки ўзбек сўзларида ***э*** кейинги бўғинларда, аффиксларда учрамайди. Лекин кўмакчилар алоҳида сўз бўлгани учун уларда ***э*** учрайди. Т. Йўлдошевнинг маълумотига кўра, Жанубий Тожикистондаги ўзбек шеваларида бу кўмакчи *дэг, тэг* ва *лэг* шаклларида ишлатилар экан[5]. Бу факт буйруқ кўмакчисидаги унли Навоий тилида ***э*** ва охирги ундош ***г*** бўлганлигига яхши далилдир.

---

[1] *Қаранг:* Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л., 1962, с. 158-160; Шу муаллиф. Очерки по сравнительной грамматике тюркских языков (Глагол). Л., 1981, с. 50; Eckmann J. Chagatay Manual, Indiana University, Bloomington, p. 154.

[2] *Қаранг:* Р у с т а м о в А. Фонетические признаки, сопутствующие грамматикализации и аффиксированию слов в тюркских языках. Всесоюзная тюркологическая конференция. 27-29 сентября 1976 г. Секция № 1. Тезиси докладов. Алма-Ата, 1976, с. 330-331.

[3] *Андағ* ва *мундағлар* бир сўзга айланган.

[4] Ҳозирги *сэккиз, сэкрэ* каби сўзлардаги *э* Навоийдан илгариги даврларга хос. Бу сўзлар Навоийда *сэкиз, сэкир* шаклидадир. Турк вокализмининг умумий тараққиётини назарга олинмаса, э ни *э* га нисбатан қадимийроқ деб ўйлаш мумкин. *Қаранг:* Р у с т а м о в А. Навоий ва ўзбек адабий тили. ТошГУ илмий асарлари, 475-чиқиши. Тошкент, 1975.

[5] "Ўзбек тили ва адабиёти", 1977, 5-сон, 9-бет.

Энди ўхшатиш кўмакчисидаги охирги ҳарф, яъни *коф* Навоий тилидаги ***к*** ни билдирадими ёки ***г*** ними, деган савол қолди. Ҳозирги адабий орфографик шакл *дек* нинг ёлғиз ўзи уни Навоий тилида ҳам *к* бўлган дейишга етарли асос бўлолмайди. Чунки ҳозирги орфографик шакллар орасида товушлари аниқ берилмаган элементлар ҳам бор. Шунинг учун бу масалада шеваларга ва умуман орфография таъсирида бузилмаган[1] оғзаки нутққа мурожаат қилишга тўғри келади. Ўзбек адабий тилидаги[2] бир бўғинли сўзларнинг охиридаги ***к*** шеваларда ***г*** га ўтиши мумкин, лекин ***й*** га ўтмайди. Лекин ***г*** товуши ***й*** га ўтади.

Бинобарин, ўзбек тилида *дэй* нинг мавжудлиги ўхшатиш кўмакчисининг охирги товуши ***к*** эмас, ***г*** эканлигига далилдир. Ҳақиқатда, сўзлашув нутқида бу кўмакчи адабий талаффуздаги каби *дэк* эмас, *дэг* деб айтилади. Агар бу кўмакчининг тарихига назар солсак, у Урхун ёдномаларида ҳам *г* билан *тэг* каби учрайди. Чунки Урхун ёзувида *г* товушини билдирувчи махсус ҳарф[3] бор бўлиб, мазкур кўмакчида шу ҳарф ишлатилган[4].

Демак, ўхшатиш кўмакчиси *дэг* билан буйруқ кўмакчиси *дэг* Навоий тилида шаклдош. Шунинг учун бўлса керак, Маҳдихон ўзининг Навоий тилига ёзган грамматикаси **Мабонийу-л-луғат**нинг буйруқ формаларига бағишланган бобида *дэг* ўхшатиш кўмакчиси ҳам борлигини ва унинг ўз ўрнида зикр этилишини таъкидлаб ўтади[5]. Синтактик муносабат билдирмайдиган қўшимча ва кўмакчиларнинг обзорини берган бобида эса "яна *дэг* ким, уч маънода қўлланур" деб, биринчидан, ўхшатиш кўмакчиси эканлигини, иккинчидан ва учинчидан *-ғу* ёки *-р* аффикслари билан биргаликда форс тилидаги *-дани: (-тани:),* яъни *"-диган"* маъносида қўлланишини айтади[6]. Агар талаффузда фарқ бўлса, масалан, бирортасининг унлиси ***и*** бўлса, Маҳдихон "бо йо – йэ маъруф" деб изоҳ берган бўлар эди.

Энди *дэг* ларнинг хулосасига келсак, уларнинг охирги ундоши ***к*** эмас, ***г*** экан, унлиси бирида ***э,*** бирида ***и*** эмас, ҳар иккисида ***э*** экан. Буйруқ кўмакчисидаги унлини ***и*** деб ўқиш ўтган асрнинг иккинчи ярмида Л. З. Будаговнинг луғатидан[7] бошланиб, шу кунгача давом этиб келмоқда. Аммо илмнинг илғор вакиллари ***э*** деб ўқий бошладилар[8]. Бинобарин, ўзбек мумтоз адабиёти асарларини ҳозирги ёзувга кўчириб нашр қилганда ҳар иккала кўмакчини *дег (тег)* шаклида бериш керак. Булар қўшимча бўлмагани учун сўзга қўшмасдан, энклитикалигини ҳисобга олинса, дефис билан ажратиб ёзилиши лозим. Иккинчи ҳолда бошқа кўмакчилар ҳам дефис билан ёзилиши шарт бўлади, масалан, *ой-каби, кела-дур, келур-мен* каби.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Ёрдамчи сўзлар бўлимида ҳам биз, иложи борича, мавжуд илмий асарларда баён қилинган масалаларга тўхтаб ўтирмасдан, Навоий тилига хос ва кам ёритилган ёки мунозарали бўлган масалаларгагина қисқача тўхтаб ўтамиз.

---

[1] Ҳозирги баъзи ёшларнинг нутқида учраб турган *боғга* (боққа ўрнида), *ичди* (ичти ўрнида), *ишга* (ишка ўрнида) каби талаффузлар орфографиямиздаги нуқсонларнинг таъсирида содир бўлмоқда.

[2] Орфографияни истисно қиламиз.

[3] *Қаранг:* Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Унгин битиги. – "Адабий мерос", 1978, 12-сон, 49-бет.

[4] Масалан, Билга хоқон битигининг исталган (Радлов, Малов, Урқун, Текин, Айдаров) нашридаги биринчи ва иккинчи сўз (теңри тэг)га ҳамда *тэг* сўзининг ўрхунча шаклига қаралсин.

[5] The Mabani. 1 – lughat by Mirza Mehdi Khan. Ed. D. Ross, Calcutta, 1910. p. 37-38.

[6] Шу асар, 88-бет.

[7] Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т., I. СПб., 1869, 579-580.

[8] Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. М. – Л., 1962, с. 158-160.

Боғловчилар

У боғловчиси. Ўзбек классик адабиёти асарларини рус графикаси асосидаги ўзбек алифбесида нашр этишда **у** боғловчисини **ва** боғловчиси билан қориштириб юбориш ҳолати тез-тез учраб туради. Бунга мисол тариқасида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг янги алифбеда нашр этилган нусхасидан қуйидаги парчани олиб кўрайлик:

“Андоқ маълум бўлурки, турк сорттин тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлубтур ва сорт туркдин тааққул ва илмда дақиқроқ ва камол ва фазл фикратида амийроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур”[1].

Бу ерда **у** боғловчиси келиши лозим бўлган ўринларда ҳам **ва** боғловчиси берилган. Буни қуйидагича кўчириш керак эди:

“Андоқ маълум бўлурки: турк сорттин тез фаҳмроғу баланд идрокроқ ва хилқати софроғу покроқ махлуқ бўлубтур ва сорт турктин тааққулу илмда дақиқроқ ва камолу фазл фикратида амиқроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқу сафову туз ниятидин ва сортларнинг илму фунуну ҳикматидин зоҳир дурур”.

Демак, **ва** ҳамда **у** боғловчиларининг ишлатилишида маълум бир тартиб бор эканки, буни билиш жуда зарурдир.

У боғловчиси, шунингдек **ва** боғловчиси ҳам Урхун ёзуви обидаларида учрамайди.

Урхун ёдгорликларида ҳозирги замон ўзбек адабий тилида **ва** ёки **у** боғловчиси ишлатиладиган уюшиқ бўлаклар ва жуфт сўзларда **–ли (-лы)** аффикси ишлатилади: adyply tonurly art ürä sogušmuš ärméš armiš adypyŋ jarylmyš toŋuruŋ azypy synmiš tir[2] (яъни: Айиқ ва (билан) тўнғиз давон устида уришган экан, айиқнинг қорни ёрилипти, тўнғизнинг озиғи синипти).

Бу ерда уюшиқ эга орасида боғловчи берилмасдан, улар орасидаги боғланиш **-лы (-ли)** (адығлы, тонғызлы) аффикси орқали ифода қилинган[3].

XI асрда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида[4] энди **-лы (-ли)** билан бирга худди шу маънода **у** боғловчисининг ишлатилганини ҳамда булардан бошқачароқ вазифада **ва** боғловчисидан ҳам фойдаланганини кўрамиз:

“ҳамд-у сипāс ва миннат-у өгди тәңри азза ва жаллақа, тугәл қудратлығ пāдшāҳ йәрли көкли йаратған, қамуғ тынлығларға (жонлиларга – авт.) розий берган...”

Келиб чиқиш нуқтайи назаридан **ва** боғловчиси арабчадир.

У боғловчиси тожикча бўлиб, тарихан қадимги форс тилидаги **ута** бириктирувчи боғловчисига бориб тақалади[5]. Қадимги форс тилидаги бу **ута** боғловчиси тилнинг кейинги тараққиёт босқичларида ихчамлашиб, **у** шаклини олган. Сўнгра бу боғловчи тожик классик адабиёти асарлари тилидан тахминан X-XI асрларда ўзбек тилига ҳам ўтиб **-ли (-лы)**нинг синоними сифатида ишлатилади ва Навоий даврига келиб, адабий тилдан **–ли (-лы)**ни сиқиб чиқаради. Навоий тилида **у** боғловчиси талаффуз жиҳатидан **у, ву, йу** каби вариантларга эга бўлиб, қуйидаги вазифаларда келади:

---

[1] Алишер Навоий. Танланган асарлар. 3-том, Тошкент, 1948, 176-бет.

[2] Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности, М.–Л., 1951, с. 80.

[3] **-ли (-лы)** шу кунларда ҳам ўзбек тилининг Андижон шевасида (акали, укали) ва туркий тиллардан татар тилида ҳам учрайди (аталы, уллы).

[4] **-ли (-лы)** “Тафсир”да ҳам учрайди: Боровков А. К. Из материалов для истории узбекского язика. Тюркологический сборник, № 1, М.–Л., 1951, стр. 77.

[5] Немисча und ва инглизча and боғловчилари ҳам *у<ута* билан ўзакдошдир.

1. Жуфт сўз таркибидаги сўзларни бир-бирига бириктириб келади. Масалан:

қайанға-ким йўзландилар, аларға йанмақ йоқ, кэча-йу күндүз тағāфул уйқусыдын уйғанмақ йоқ (МҚ, 19);

йасағлық дэган қара чэриг йаъжуж-у маъжуж хайлыға шари:к[1] (МҚ, 18).

2. Гапнинг уюшиқ бўлакларини бир-бирига боғлаб келади. Масалан, қуйидаги гапда **у** боғловчиси уюшган эгаларни бир-бирига боғлаб келмоқда:

өзга мулкниң[2] руъāйā-у халқы аның āрзусыда ва йана кишвар мазлумлары аның адл дуāсы гуфтугосыда (МҚ, 10).

Қуйидаги гапда эса, **у** боғловчиси уюшиқ кесимларни бир-бирига боғлаб келганини кўрамиз:

өз нāшāйисты өз алыда хоб ва эл маъқулы аңа мардуд-у маъйуб (МҚ, 12—13).

Тубандаги гапда **у** боғловчиси уюшган тўлдирувчиларни бир-бирига боғлаб келмоқда: акāбир-у ашрāфны миҳмāн йузидин таъзи:м қылдым[3] (МҚ, 6).

Мана бу гапда эса **у** боғловчиси уюшган аниқловчиларни бир-бирига боғлаб келади: ачлар ғизāсы базл-у атāсы хāныдын, йаланғачлар либāсы хизāна-йи лутф-у иҳсāныдын (МҚ, 10).

Қуйида **у** боғловчиси уюшган ҳолни бир-бирига боғлаб келган:

агар саъйыға йараша алур хайāлы болғай, ата мирāсы-йу ана сүти-дэк ҳалāлы болғай (МҚ, 18-бет).

3. **у** боғловчиси яна шахс ёки предмет (кенг маънода) номлари ёки сўзлар бирма-бир санаб ўтилганда ишлатилади:

Йана жамъи-ҳам бар-дурлар-ким, мажāз тари:қы адāсы алар назмыға ғāлиб ва алар бу шэваға (услубга) көпрэк рāғибдурлар. Андāққим: Камāл-и Исфахāний-у Хāқāний-и Ширвāний-у Хāжу-йи Кэрмāний-у Мавлāнā Жалāлиддин-у Хāжа-йи Камāлу Заҳи:р-у Абдулвāсиъ-у Аси:р-у Салмāн Сāважий-у Нāсир-и Бухāрий-у Кāтиб-и Нишāпурий-у Шāҳий-и Сабзавāрий (МҚ, 28).

Навоий тилида санаб ўтилган ҳолларда ва яна шеър ўртасида доим **у** боғловчиси ишлатилади, **ва** боғловчиси Навоий тилида қуйидаги вазифаларга эга:

1. **ва** боғловчиси бир гап тамом бўлиб, иккинчи гап бошланганини билдиради:

...бир ав ҳангāмасы ғавғāсыда ва чапмағ-у атмақ, арасыда Хисрав-и Парви:зның сарафрāзлық тāжыдын гавҳар-и āбдāр-у дурр-и шāҳвāр үзүлүп, йэргэ түшти ва ав иштиғāлы дын аңа ҳеч кишигэ хабар болмады (МҚ,82).

2. **ва** боғловчиси қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади: көп эранлар бу ишни шиъāр этиптурлар ва бу сулук-била куллий мақāсидға йэтиптурлар (МҚ, 18).

3. **ва** боғловчиси яна **у** боғловчиси бор жуфт сўзларни ҳамда **у** боғловчиси билан боғланган синоним сўзларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳга боғлаш хизматини ҳам ўтайди: бар-у йоқ ва йоғ-у бар аның иҳсāныдын умидвāр (МҚ, 2).

лекин боғловчиси. Бу боғловчи маъно ва ишлатилиши жиҳатидан ҳозирги ўзбек тилидаги шу боғловчидан фарқ қилмай, фақат шакл жиҳатидан фарқ қилади. Навоий тилида бу боғловчи **лекин**дан ташқари **валекин, валек, вале, лек** шаклларига ҳам эга.

---

[1] Ҳозирги "шерик" сўзи у даврда **шарик** бўлган.

[2] Китобда бу сўз "фалакнинг" ёзилган. Бизнингча, аслида "мулкнинг" бўлган бўлиб, матбаа хатосига учраган бўлса керак.

[3] Навоий тилида "таъзим қилмоқ" феъли "улуғламоқ" феълига синонимдир. Шунинг учун бу ерда бу феъл бошқараётган тўлдирувчилар (акобир, ашроф) тушум келишигида берилган.

Навоий тилида **дағы** юкламаси ҳам бириктирувчи боғловчи вазифасида келиши мумкин: мэн дағы йүз миң мэн-и саргаштадэк... (Х, 16 6).

Бу ерда **дағы** “ва” маъносида келган. Бу сўз бу хилда боғловчи вазифасида келганда проклитикага айланади.

ки(м) боғловчиси. Ўзбек тилида **ки(м)** боғловчиси ўзига хос хусусиятлари билан бошқа боғловчилардан ажралиб туради. Унинг ишлатилиш доираси кенг бўлиб, синтактик функцияси жуда хилма-хилдир. **Ки** боғловчиси форс ва тожик тилларида ҳам мавжуд бўлиб, синтактик функциясига кўра ўзбек тилидаги **ки(м)** боғловчисидан кам фарқ қилади.

-ки боғловчиси дарийда (тожик классик адабиёти асарлари тилида) талаффуз жиҳатдан худди шу кўринишда учрайди. Паҳлавий тилидаги боғловчи ҳамда ўрин равиши ҳисобланган **-ки** вақт равиши **-ку** ва нисбий юклама **-ки** – ҳар уч шакл дарийга келиб ўз маъноларини сақлаган ҳолда бирикиб, **ки** тусини олганлар. Ўзбек тилига дарийдаги ана шу **-ки** шакли ўзлашган.

ким шакли эса уйғур ёзуви билан ёзилган (проф. С.Е. Маловнинг фикрича, V асрга оид бўлган) ёдгорликда ҳам учрайди. Аммо у вақтларда **-ким** шаклининг ишлатилиш доираси жуда тор бўлган.

ки, ким шакллари ўз урғусига эга бўлмай, ўзидан олдин келган сўзга қўшиб талаффуз этилади. Шунинг учун ёзувда ҳозирги вақтда ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади. Араб алифбеси билан ёзилган тарихий ёдгорликларда эса **-ки, -ким** ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ҳам ёзилган, айрим ҳам ёзилган.

Навоий тилида **ки(м)** боғловчисининг ишлатилиш доираси жуда кенгдир. Бошқа ўзбек классик адабиёти асарларида бўлгани каби Навоий асарларида ҳам бу боғловчи бошқа гапга эргашиб, гапларнинг деярлик ҳамма турларини боғлаб келади.

Навоий тилида **ки(м)** боғловчиси тўлдирувчи эргаш гапнинг ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайдиган шундай бир хилини ҳосил қиладики, унда бош гапнинг кесими субъектнинг хоҳишини, талабини билдирганда ҳозирги замон ўзбек тилида тўлдирувчи орқали ифода қилинадиган объект тўлдирувчи эргаш гап билан берилади:

навкар-ки, валийнеъматтын риāйат көргәй ва бэг-у махдумыдын тарбийат-у инāйат көргәй, эрлиг-у инсāният ул-дурким, муқāбаласыда қуллуғ-у хидматкāрлық балки якжиҳатлығ-у жāнсипāрлық қилғай ва тиләгәй-ким, аңа жāн фидā эткәй, тā шафқаты ҳуқуқын адā эткәй (МҚ, 53).

Бош гапга **-ки(м)** боғловчиси билан боғланган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам ҳозирги замон ўзбек тилидагидан фарқ қиладиган томонлари бор. Ҳозирги замон ўзбек тилида бош гапга **ки(м)** боғловчиси билан боғланган аниқловчи эргаш гап бош гапнинг эгасини аниқлаб келмайди. Навоий тилида эса биз бу ҳолни жуда кўп учратамиз. Ундан ташқари ҳозирги замон ўзбек тилидаги аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғловчи **ки(м)** боғловчиси бош гапнинг кесимига қўшилиб, унинг кетидан аниқловчи эргаш гап ўрин олса, Навоий тилида боғловчи **ки(м)** бош гапнинг аниқловчи эргаш гап аниқлаб келаётган бўлагига қўшилиб, аниқловчи эргаш гап бош гапнинг аниқлаб келаётган бўлаги ёнига жойлашади. Масалан:

йати:м-ки, пичақ урмақ аның иши болғай, өзи тэлба ит, пичақ аның тиши болғай (МҚ, 4).

Бу эргашган қўшма гапда аниқловчи эргаш гап **пичақ урмақ аның иши болғай** бош гапнинг эгаси **яти:м**ни аниқлаб келган ва бош гапни ёриб кириб, ўзи аниқлаб келаётган бўлак ёнидан ўрин олган.

ки(м)лик аниқловчи эргаш гап бош гапдаги тўлдирувчини ҳам аниқлаб келади:

ул бу докāнни йүрүтүп тадби:р-била ва бу маъракани тутуп тазви:р била-ким, шайāти:нға маҳалл-и ҳайрат-дур ва дэв-и лаъи:нға мужиб-и ибрат-у нафрат-дур (МҚ, 60-62).

Бу гапда қўшма эргаш гап **шаятинға маҳалл-и ҳайрат-дур ва дэв-и лаъи:нға мужиб-и ибрат-у нафрат-дур** бош гапдаги тўлдирувчи **тазви:р**ни аниқлаб келган.

ки(м)ли аниқловчи эргаш гап бош гапдаги ҳолни ҳам аниқлаб келиши мумкин: ул дамким, иши ҳирз-у дуъāдын өтти, маъшуқ нāмасы ҳирз-у дуā йэрин тутти (МҚ.97).

Бунда аниқловчи эргаш гап **иши ҳирз-у дуāдын өтти** бош гапдаги ҳол – **дам**ни аниқлаб келган.

ки(м)ли аниқловчи эргаш гап бош гапнинг от билан ифодаланган кесимини аниқлаб келиши мумкин. Бу ҳолда бош гапнинг кесимига аввал боғлама **дур** қўшилиб, сўнгра **дур**га **ки(м)** боғловчиси қўшилади: үсрүк-ки, элга буйурғай, ҳушйāрлық, уйқучыдэк-дур-ким, кишига өргаткәй бэдāрлық (МҚ, 39).

Баъзан бош гапнинг аниқловчи эргаш гап аниқлаб келаётган бўлагига аниқлик кўмакчиси **и:** орттирилади. Бу кўмакчи аниқлик ва кучайтирув маъноларини беради: қанāъат чашма-йи:-дур-ким, суйы алмақ-била қурумас (МҚ, 74).

Аниқлик кўмакчисининг ўзи ҳам аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғлаб келиши мумкин: шайх-и рийāйий раънāлық жилванамāйи мис-и:дур, алтун-била рокаш, ташы хушнамāй-у ичи нохаш (МҚ, 59).

Гоҳо аниқловчи эргаш гапни бош гап билан боғлайдиган **ки(м)** боғловчиси тушиб ҳам қолиши мумкин:

вафā шамъ-и:-дур-ким, даҳр тийра хāкдāнын йарутмайдур ва замāн бэвафāлары-била улфат тутмай-дур ва наргис-и:-дур-ки, даврāн чаманиға көз салмай-дур, ва көңүллари ғунчасыда ҳиқд-у ҳасаддын өзгә қалмай-дур, маҳбуб-и:-дур пāкхилқат, жуз пāк көңлүгә унс-у улфаты йоқ, матлуб-и:-дур пāкизатийнат, жуз пāкиза фитратқа майл-у рағбаты йоқ, дурр-и:-дур сами:н инсāнийат тāжиға зэвар (МҚ, 113-114).

Бу гапдаги бош гапнинг уюшиб келган кесимларини аниқлаб келаётган аниқловчи эргаш гапларнинг биринчиси бош гапга **ким** билан, иккинчиси **-ки** билан боғланган бўлиб, қолган учта эргаш гапда келиши лозим бўлган боғловчи **ки(м)** тушириб қолдирилган.

Навоий тилида **ки(м)** боғловчиси ёрдами билан ясалган пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам ҳозирги замон ўзбек тилида истеъмолдан чиққан конструкциялари учрайди. Бунда биринчи ўринда пайт эргаш гап бош эргаш гапдан сўнг келиб, боғловчи **ки(м)** эргаш гапнинг эгасига қўшилади:

қāсид-ким ул нāманы Мажнунға йэткүрүп бэрди, руҳдын таныда рамақ йоқ эрди (МҚ, 97).

Бундай қўшма гаплардаги эргаш гапнинг эгаси бўлмаган тақдирда боғловчи **ки(м)** эргаш гапнинг бошқа бўлакларига ҳам қўшилиши мумкин: нэча мундақның-ким қанын төкти ва қўлтуғын йарып қанатын сөкти, фитрāкыға бағлап уйига йанды, өзи-йу қушы қилғанларға қуванды (МҚ, 52).

ки боғловчиси вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан бошланган сўзга қўшилиб келиши ҳам мумкин:

қайғулуқ олтурмыш эди Бāязид,
сорды ғамы кайфиятын бир мури:д
кэй фалак авжыда хирāмың сэниң
арш фазāси-уза гāмың сэңың (X, 16,6).

Бу ерда **ки** ва **эй** қўшилиб, **кэй** тарзида берилган.

чу(н) боғловчиси. Бу боғловчи Навоий тилида асосан пайт эргаш гапли қўшма гап

ҳосил қилади: бундай қўшма гапларда биринчи ўринда боғловчи **чун** келиб, боғловчидан сўнг пайт эргаш гап ва эргаш гапдан сўнг бош гап келади:

чун дэвāна-йи нāмурāд бу мурāдни кӧрди, наззāра-йу таважжуҳы андақ бэхудлуққа улашты-ким, гулхан ӧти башдын айағыға туташты (МҚ, 87).

Бу кетма-кет эргашган қўшма гапда **чун** боғловчиси билан боғланган эргаш гап ўз эргаштирувчисидан илгари келган.

Шундай пайт эргаш гапларда **чун** нинг маъноси ҳозирги замон ўзбек тилидаги -**гач** га тўғри келади, яъни юқоридаги мисолда келтирилган пайт эргаш гапни "девона-йи номурод бу муродни кўргач" деб тушуниш керак бўлади.

Лекин назмда бу тартиб бузилиши мумкин:

сӧзга бу навъ чун қарāр олды –
маслаҳат бир-сари фирāр олды (СС, 184).

Бу байтда боғловчи **чун** эргаш гапнинг бошида эмас, ўртасида келган.

чун боғловчисига **ки(м)** қўшилиб, **чунки(м)** тарзида ҳам ишлатилади:

чунки ул кэча шāҳ-и шāҳнишāн
ғāйибыдын бу навъ тапты нишāн,
тā саҳар бэқарāр-у бэдил эди,
айлаким сайд-и ни:мбисмил эди (СС, 186).

Бу боғловчининг **чу** шакли фақат назмда қисқа бўғин керак бўлганда ишлатилади:

ҳақ салāмын чу тапты маҳбубы –
болды āшиқ висāлы матлубы (СС, 15).

чун боғловчиси ҳам ва бу боғловчи билан ясаладиган пайт эргаш гапли қўшма гапнинг қурилиши ҳам форс тилидан иқтибос қилингандир. Қиёслансин:

Чун роз шуд, гуфтамаш ин чи ҳāлатаст?
Тонг отгач, унга бу на ҳолдир, дедим.
(Саъдийнинг "Гулистон"идан).

чун боғловчиси **андақ-қим, ҳамул навъ-ким** боғловчиларига синоним сифатида ишлатилиб, ўхшатиш эргаш гапни ҳам бош гапга боғлаб келиши мумкин:

турфа бу-ким, чун ҳақның ҳар-навъ элга инāйат-и пинҳāны бар, булар арасыда-ҳам яшурун эранларниң имкāны бар (МҚ, 19).

Ҳозирги ўзбек тилида бу боғловчи **чунки** шаклида сақланиб, сабаб маъносини ифодалайдиган бўлиб қолган. Бунинг сабаб маъноси шу ўхшатиш маъносидан келиб чиққан.

ҳар-қачан(ки/м) боғловчиси. Навоий тилида **ҳар-қачан(ки/м)** боғловчи вазифасида келиб, пайт эргаш гапларни бош гапга боғлаб келади:

ҳар-қачан хāма илгига алыбан,
назмыдын āлам-ичра от салыбан (Х, 103 а).

ҳамāнанки(м) боғловчиси. Бу ҳам пайт эргаш гапни бош гапга боғлайди:

ҳамāнанки Осаф барди, инсāфны алып барды ва инсāф гавҳарын бу нāинсāфлар арасыдин чиқарды (МҚ, 14).

Бу ердаги **ҳамонанки Осаф барди** пайт эргаш гапни “Осаф кетаётганда” деб тушуниш керак.

нэ(в)чунки(м) боғловчиси. Навоий тилида сабаб гапли қўшма гапларда ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайдиган **нэ(в)чунким** боғловчисидан фойдаланилганини кўрамиз. Бундай сабаб эргаш гапли қўшма гапларда биринчи ўринда бош гап келиб, бош гапдан сўнг боғловчи **нэ(в)чун-ким** билан бошланган сабаб эргаш гап келади:

бу мақом-дур соликның аъзам мақāмāты-йу арфаъ даражāты, нэчун-ким сāлик бидāйатта масканат-у ҳақāрат мақāмыдадур (МҚ, 86).

тā боғловчиси. Навоий тилида қўшма гапларда **тā** сўзи боғловчи бўлиб келиб, бош гапга мақсад эргаш гапни боғлаб келадики, бу ҳолни ҳозирги замон ўзбек тилида учратмаймиз. **тā** боғловчиси билан боғланган мақсад эргаш гапли қўшма гапларда эргаштирувчи гап боғловчи (**тā**) билан бошланган мақсад эргаш гапдан олдин келади:

...тилагай-ким, аңа жāн фидо эткай, тā шафқаты ҳуқуқын адā эткай (МҚ, 53).

Бундай гаплардаги **тā** нинг маъноси ҳозирги замон ўзбек тилидаги **учун** га тўғри келади.

тā га **ки(м)** қўшилиб келиши ҳам мумкин:

тāки қуйаш жирми болуп нурпāш,
маҳфил-и айшыңда бу йаңлығ маъāш (Х, 19 а).

бо вужуд-и ул-ким. Навоий тилида тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапда ишлатиладиган бу боғловчи-ибора ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайди. Бундай қўшма гапда **бā вужуд-и ул-ким** билан бошланган тўсиқсиз эргаш гап биринчи ўринда, эргаш гапдан сўнг бош гап келади:

бā вужуд-и ул-ким он сөзидин иттифоқ-э (тасодифан) бири ҳам рāст кэлмас, мунуң қабāҳатын йā билмас, йā билип көзига илмас (МҚ, 41).

Бундай тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплардаги боғловчи **бāвужуд-и ул-ким** нинг маъноси ҳозирги замон ўзбек тилидаги **-са ҳам, -га қарамасдан** ва рус тилидаги **несмотря на** га тўғри келади.

андақ-ки(м), әйлә-ки(м) ва ҳамул навъ-ки(м) боғловчилари. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга **андақ-ки(м), әйлә-ки(м) ва ҳамул навъ-ки(м)** каби боғловчилар билан боғланганда, боғловчи билан бошланган эргаш гап бош гап (ёки эргаштирувчи эргаш гап)дан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин:

андақ-ки халāйиқта тафāвут бар, буларниң ҳам тафāвутлары бар (МҚ, 58).

Бу гапда ўхшатиш эргаш гап **халāйиқта тафāвут бар** боғловчи **андақ-ки** билан бошланиб, бош гапнинг олдида келган:

бу нидā йаманларны фисқ кунжыдын масжид сары башқарур, андақ-ки фусунгар йиланны тарāна била тушуктин чиқарур (МҚ, 34);

тā саҳар бэқарāр-у бэдил эди
әйлә-ким сайд-и ни:мбисмил эди (СС, 186);

барә бэнавāлар навāсāзә ул ҳамул навъ-ким шоҳ Абдулғāзий ул.

Бу мисоллардаги **андақ-ки, әйлә-ки** ва **ҳамул навъ-ким** боғловчилари билан боғланган ўхшатиш эргаш гаплар бош гапдан кейин келган.

агар. Бу шарт боғловчиси **гар** ва **ар** шаклларига ҳам эга:

гар мэңа буйла саъб сувpат-тур,
чунки тақди:p эpүp, заpуpат-тур (СС, 84);

мэн балиййатта жāндын ар тойғум тирик олсам ватанға йүз қойғум (СС, 84).

агар боғловчиси **ва** боғловчиси билан қўшилган ҳолда **вар** шаклида ҳам ишлатилади:

вар ābā-ву аждāдыма қылды ҳақ
бу мулк аҳлыға ҳукмpāнлық насақ,

алар-дағы зэбā-йи тахт эpдилаp
тавāнā-ву фэpузбахт эpдилаp (Х, 251 а).

агар шарт ва тўсиқсиз эргаш гапни бош гап билан боғлаб келади. Қуйидаги байтларнинг биринчисида бу боғловчи шарт эргаш гапни бош гап билан боғлаб келган бўлса, иккинчи байтда тўсиқсиз эргаш гапни бош гап билан боғлаб келган:

аңласаң атланғуча ҳāлāтыны,
гаp эp эсāң, тутма аның атыны (Х, 24 а).

халқ ишига гар бу намудāр-эрур,
бир киши тапмақ иши душвāр-эрур (Х, 27 а).

Навоий тилида **агар** айирув боғловчиси вазифасида ҳам келиши мумкин. Қуйидаги байтларда **ё, хоҳ... хоҳ** сингари айирув маъносида ишлатилган:

ул киши разл олсун агар бахтияр
ким муңа йоқ шафқатыда ихтияр (Х, 26 б);

яна бу-ким, ранж етар гар таъаб,
асра яман яхшыға шарт-и адаб (Х, 24 б).

Бу байтларнинг биринчисидаги **разл олсун агар бахтийāр** ибораси хоҳ разил, хоҳ бахтиёр бўлсин, деган маънода бўлиб, иккинчи байтдаги **ранж йэтар гар таъаб** ибораси "ранж ё таъаб (чарчаш) етса" деган маънодадир.

агар нинг айирув маъносида ишлатилишини қуйидаги байтда яна ҳам равшанроқ кўриш мумкин:

ҳусн-и ҳақи:қийны гар отруда көp,
хāҳ аны көзгүда, гар суда көp (Х, 30 а).

(а)гар боғловчиси одатда эргаш гап бошида келади, аммо назмда эргаш гап бошидагина келмасдан, эргаш гап ўртасида ҳам келиши мумкин:

яхшылық бирлә бўлса гар шойиъ,
болмағай ранж-у миҳнатым зойиъ (СС, 206).

агар баъзан тушиб қолиши ҳам мумкин:

башны фидā айла ата қашыға,
жисмны қыл садқа ана башыға,
икки жаҳāныңға тиләр-сэн фазā,
ҳāсил эт ушбу икисидин ризā (X, 24 а).

Бу ерда иккинчи байтнинг биринчи мисраси боғловчиси тушиб қолган шарт эргаш гапдир.

агар боғловчисининг Навоий тилидаги яна муҳим бир хусусияти шундан иборатки, бу боғловчи бор бўлган шарт эргаш гапнинг кесими ҳозирги ўзбек тилидагидек доим шарт майлида кела бермайди. Шарт майли билан бирга аниқлик ҳам берила беради:

бир хаты гар эгри тушар бир нуқат,
нусхада ҳар-сафҳада-дур эгри хат (X, 30 б).

Бу ҳол **агар** нинг Навоий тилида ҳақиқатан боғловчи бўлганлигига далилдир. Чунки эргаш гап билан бош гап ўртасидаги шарт маъносини ифодаловчи синтактик алоқа –“-са” ва унинг бошқа шаклларисиз **агар** нинг ёлғиз ўзи билан ҳам ифодаланади. Ҳозирги ўзбек тилида эса синтактик алоқа **агар** билан эмас, кесимнинг майл формаси билан ифодаланади. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилидаги **агар** билан берилган шарт эргаш гаплардан **агар** тушириб қолдирилса, синтактик конструкция ўзгармайди. Бу ҳол **агар** ни ҳозирги ўзбек тилида боғловчи эмас, шарт-кучайтирув юкламаси деб ҳисоблашга асос бўла олади.

(а)гарчи боғловчиси. Бу тўсиқсизлик боғловчи **арчи** шаклида ҳам учрайди:

туъмаға ҳудҳудны-ки муҳтāж эрур,
пайк бил арчи башыда тāж эрур (X, 25 а).

(а)гарчи *га* **ки(м)** *қўшилиб келиши ҳам мумкин:*

гарчики бар анда зарāфат басэ,
дурлары тишларга-дур āфат басэ (X, 25 б).

Бу боғловчи ҳозирги ўзбек тилидагидек эргаш гап кесимининг **-са ҳам** (-са-да) формасида келишини талаб қилмайди:

барқ-ки, эгрилик олуп-тур хуйы,
гарчи йарур, лэк барур йэр қуйы (X, 31 а).

худ йузи гарчи мусайқал-дурур,
гирд-и узāр анда мутаввал-дурур (X, 31 а).

гарчи фалактын тапибан ҳар-камāл,
лэк фалāкат-ҳам аңа баркамāл (X, 32 б).

Демак, бу боғловчи ҳам **агар** сингари Навоий тили учун боғловчи, ҳозирги замон ўзбек тили учун юклама экан.

негаки(м) боғловчиси. Бу боғловчи сабаб боғловчиси бўлиб, ҳозирги чунки[1] боғловчиси ўрнида ишлатилади:

буйла сөз фаныда чықарған исм
қылди услубыны аның икки қисм.

ҳар-киши қылмақ истаса маълум,
бири мансур[2] эрур, бири манзум[3].

наср-у назмы аңа-ки мадрак-тур,
назмының пāйасы бийикрәк-тур.

негаким йахшы сөз-ки зāҳир эрүр,
лафз тиъдāдидин жавāҳир эрүр

андаки(м) боғловчиси. Бу боғловчи ўрин-пайт муносабатини ифодаловчи эргаштирувчи боғловчи бўлиб, бош гапга пайт эргаш гапни боғлаб келади:

андаки ғāзий шаҳ-и фархунда бахт
тāж алайин дэп талашур эрди тахт

йүз ики йүз-ча киши-бирла қазақ
ки йэри Хāразм эди гāҳэ Адақ (Х, 19 б).

Кўмакчилар

үз(р)ә кўмакчиси. Бу ёрдамчи сўз макон кўмакчиси бўлиб, **үзә** ва **үзрә** вариантларига эга:

адл эшигин элгә кушāд әйләди
тахт-үзә олтурди-йу дāд айлади (Х, 19 б);

маъракада Зāл-била Рустам-э
бошлари-үзрә үгулүп элам-э (Х, 19 б).

Бу кўмакчи келтирилган мисолларимизда “устига” деган маънода ишлатилган. Бу маъно **үз(р)ә** кўмакчисининг бирламчи маъноси бўлиб, ушбу маъно жўналиш келишиги билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу сўз тарихан **үз** (юз яъни юза, уст) сўзи ва жўналиш қўшимчаси -**ра** дан иборат. Шунинг учун ҳам унинг мазкур маъносини бирламчи деймиз. Бундан ташқари **үз(р)ә** кўмакчиси ўрин-пайт келишигининг синоними сифатида қўлланиб, ўрин билдириши ҳам мумкин:

шахслары зāвийа-йи хāк-үзә
сайрлары гулшан-и афлāк-үзә (Х, 21 а);

---

[1] *Чунки* Навоий тилида пайт маъносини билдириб, бош гапга пайт эргаш гапларни боғлаб келади.
[2] Мансур – сочма.
[3] Манзум – тизма.

башың-үзә жуд-у сахā афсары
афсарың үстида карам гавҳары (Х, 21 б).

би(р)лә кўмакчиси. Бу восита кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилидаги **билан** дан маъно ва қўлланиш жиҳатидан фарқ қилмайди, фақат шакл жиҳатидан фарқ қилади.

Бу кўмакчининг Навоий тилидаги насрда қўлланадиган ва асосий шакли **билә** дир:

эмиш таби:б-ким, эрүр шāгирд-и жаллāд, ул ти:ғ-билә, бу заҳр-билә қылғучы бэдāд (МҚ, 26).

Назмда эса **билә** дан ташқари **илә** ва **бирлә** шаклларида ҳам кўп ишлатилади:

...чу давлат қушы буйан йэткәй,
бу су-ву дāна-бирлә сайд эткәй (сс, 14);

неча бу бэхудлуғ-илә йыл-у āй
вāй агар кэлмәсәң өзүңгә вāй (Х, 19 б);

түзди бузуғларны имāрат-билә
зулмны дафъ этти адāлат-билә (Х, 19 б).

-ча кўмакчиси. Бу чегара кўмакчиси маъно, ишлатилиш ва шакл жиҳатидан ҳам ҳозирги ўзбек тилидагидек қўлланади. Шундай бўлса ҳам, бу кўмакчини бу ерда эслаб ўтамиз. Бунга сабаб **ча** кўмакчисининг айрим тилчилар томонидан аффикс деб қаралишидир. А.М. Шчербак ҳам буни жўналиш аффикси билан қўшган ва ёлғиз ҳолда олиб чегара келишиги (предельный падеж)[1] аффикси деб атайди. Бизнингча, **ча** энклитика бўлганлиги учун Навоий тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам аффикс эмас, ёрдамчи сўздир, **ча** га Навоийдан бир мисол келтириш билан кифояланамиз:

умрның бүгүн таңлалиғы мафҳум эмас, балки бүгүн ахшамғача нэ болуры маълум эмәс (МҚ, 129).

дэгин кўмакчиси. Бу ҳам чегара кўмакчиси бўлиб, **ча** нинг синоними сифатида ишлатилади:

рāст йарым түнгә-дэгин ҳāл бу
ҳам-сэңә, ҳам-хайлиңа аҳвāл бу (Х, 19 а)

қасри йэтти гунбад-и гардāн кэлип,
йэтти атасыға дэгин хāн кэлип (Х, 10 а).

(ба)жуз кўмакчиси. Бу тожикча истисно олд кўмакчиси бўлиб, Навоий тилида ҳам "-дан ўзга" маъносида қўлланиб туради:

жами:ъ мазāҳиб-у милал аҳлы қашыда сāбит-тур-ким, йахшылық жазāсы йоқ-тур бажуз йахшылық (МҚ, 107);

мулк-и Сулаймāн-үзә ишратнамāй
бāшыңа салмай көләгә жуз ҳумāй (Х, 18 а).

Биринчи мисолда **бажуз йахшилиқ** "яхшиликдан ўзга" ва иккинчи мисолдаги **жуз ҳумāй** "ҳумо қушидан ўзгаси" деган маънодадир.

[1] Щербак А.М. Грамматика, с. 109.

Қуйидаги байтнинг биринчи мисраида **өзгә** ва иккинчи мисраида **жуз** ишлатилган:

арбададын өзгә эшитмай қулақ
кāмы-үчүн тутмай илиг жуз айақ (Х, 19 а).

ғайр-и кўмакчиси. Бу ҳам истисно кўмакчиси бўлиб, келиб чиқиш нуқтайи назаридан арабчадир. Навоий тилида бу олд кўмакчи **(ба)жуз** нинг синоними сифатида ишлатилади:

лутф-у вафā ёлыда болғанға гард
йўқ эди эркин-му аваз ғайр-и дард (Х, 27 а).

магар кўмакчиси. Бу ҳам истисно кўмакчиси бўлиб, "-дан ўзга" маъносида олд кўмакчи бўлиб келади:

бу йүгүрмактә болмайин пайрав
аңа ҳар-раҳрав-э магар Хусрав (Х, 103 а).

Бу ерда гап Низомий билан Хусрав Деҳлавий ҳақида боради. Навоий олдинги байтларда Низомийни "сўз йўлини" жуда чаққонлик билан босди, деб келиб, бу байтда унинг бу югуришида унга Хусравдан бошқа бирорта йўловчи ҳам эргаша олмади, дейди.

магар тожикча бўлиб, луғавий маъноси "йўқса"дир. (**ма** – инкор юкламаси, **гар** – шарт боғловчиси) **магар** нинг "-дан ўзга" маъносида ишлатилиши ўзбек тилига тожик тилидан ўтган. Тожик ва форс тилларида эса **магар** нинг бу маънода қўлланиши арабчадаги луғавий жиҳатдан **магар** (яъни, йўқса)га тўғри келадиган, лекин "-дан бошқа" маъносида ишлатиладиган **иллā (>ин-<са+лā** – йўқ)ни калькалаш натижасида вужудга келгандир.

магар таажжубомиз сўроқ юкламаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин:

турфа бу-ким чу болды бāдапараст
қылды ақшамға-тәгрү өзни маст

уйқу кāмин алурға мастāна
шохларға буйурди афсāна

бу ажаб-ким, алар дағы дәдилəр
қиссахāн қызлары-магар эдилар (СС, 32).

магар йā "йўқса" маъносида боғловчи сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

магар га **ки(м)** қўшилиши ҳам мумкин:

...хатā-дур, бу раъй-ким қылдың,
хирадыңдын магар-ки айрилдиң (сс, 183).

дэк кўмакчиси. **дэк** Навоий тили учунгина эмас, ҳозирги замон ўзбек тили учун ҳам аффикс эмас, балки кўмакчидир. Ўзбек тилида аффиксда **э** унлиси бўлмайди. Навоий тилида эса кўмакчилар сингармонизм қонунларига бўйсунмайди. Навоий тилида **дол** дан сўнг доим **ё** ҳарфи ҳам ёзилади, демак, **дол** дан кейинги унли **а** эмас, **э** дир. **дэк** таркибида **э**

бўлгани ва унинг сингармонистик вариантлари бўлмагани учун у ўхшатиш аффикси эмас, ўхшатиш кўмакчисидир:

зарра-дэк (сс, 8); киши-дэк (сс, 181); маси:ҳлары-дэк (сс, 186); сэн-дэк (сс, 9); аныӊ-дэк (сс, 18).

Навоий тилида **дэк** жуда кам бўлса-да **тэк** шаклида ҳам учрайди:

қара тилни дэмактин бир замāн чэк,
дэсаӊ-ким бармағай башыӊ қалам-тэк (Х, 162 а).

киби кўмакчиси. Ҳозирги ўхшатиш кўмакчиси **каби** Навоий тилида **киби** (А. М. Шчербак: кэби) шаклига эга:

сипāҳ-киби (сс, 17); шāҳ-киби; өлгән-киби (сс, 182); қуйаш-киби.

йаӊлиғ кўмакчиси. Бу ҳам ўхшатиш кўмакчиси бўлиб, **дэк, киби** ларнинг синоними сифатида ишлатилади: оқ йаӊлығ өтти (СС, 15); дэр эмиш өзгә йаӊлығ сөз (сс,. 182).

нэчук-ким кўмакчиси. Навоий тилида бу ҳам ўхшатиш кўмакчиларининг синоними сифатида ишлатилади:

субҳ-дур эй сāқий этип мэҳр фāш
тут мэӊа бир жāм нэчүк-ким қуйāш (Х, 11 б).

Бу байтдаги **нэчүк-ким қуйаш** "қуёш каби" деган маънодадир.

таҳт-и кўмакчиси. Навоий тилида ост деган маънога эга бўлган арабча **таҳта** кўмакчисининг **таҳт-и** (тожикча изофа "и"си билан) шаклида ишлатилганини кўрдик:

Хусрав-э эрди шāҳлардын тāқ
таҳт-и[1] *ҳукмыда кишвар-и āфāқ (Х, 133 б).*

Юкламалар

му юкламаси. Ҳозирги ўзбек тилидаги **ми** юкламаси Навоий тилида **му** шаклига эга:

мундын артуқ яна болур-му сөз? (СС, 19)

Назмда **му** нинг ўрни ўзгариши мумкин. Масалан, қуйидаги байтда **му** юкламаси **йоқ** сўзига тегишли бўлишига қарамасдан, **өзүӊдә** сўзига қўшилиб келган:

йāва дэй-сэн, өзүӊдә-му йоқ-сэн
йāки хāн-и ҳайāттын тоқ-сэн? (СС, 183).

āйā юкламаси ҳам сўроқ юкламаси бўлиб, ҳозирги ўзбек тилидаги "а" маъносида қўлланади:

май-бирла йүзүӊ тим-тим аҳмар-му экин āйā
йā шуъла – ара бир-бир ахгар-му экин āйā (Санглох, 16).

ла юкламаси. Бу юклама ҳозир шеваларда сақланган бўлса ҳам[2], адабий тилда унинг

[1] "Сабъа-йи сайёра"нинг критик текстида *ҳе* нинг устига аслида йўқ нуқта қўйилиб, бу сўз *тахтга* айлантирилган (126-бет).

[2] Қаралсин: М а м а т о в А. *-ла* ва унинг Андижон шевасидаги хусусиятлари ҳақида. Сборник научных трудов аспирантов САГУ им. В. И. Ленина. Вып. 4, Ташкент, 1958; Ф а р м о н о в И. Ўш шевасида *-ла* юкламаси.

ўрнида **ку, у(йу)** юкламалари ишлатилади. Навоий тилида бу юклама кўп ишлатилади:

қычқырыбан дām-ара ул мубталā
нэча дэди тат мэни тутти-ла (X, 31 б).

Навоийнинг **ақлым алғач ул пари: мажнун-и шайдā қылды-ла** деб бошланадиган ғазалида **ла** юкламаси радифда бошдан-оёқ ишлатилган.

худ юкламаси. Бу юклама **ҳатто**, **ҳам** ва **ахир** маъноларида ишлатилади:

чайнаридин тишкэ-ҳам āзāр болуп
йутмағыдын худ-боғуз афгāр болуп (X, 25 б);

ғāфил эса халқ бу аҳвāлдын
вāқиф эрур тэңри худ-ул ҳāлдын (X, 31 а).

оқ юкламаси. Ҳозирги ўзбек тилидаги **āқ** юкламаси Навоий тилида **оқ** шаклига эга:

чиққач-оқ тутмамақ кэрак āрāм
әйләмәклик кэрәк су-үзрә хирāм (СС, 166);

сэн-сэн-у сэндин өзгә худ нимә йоқ,
гар көрүнсә, сэн олғуң ул нимә-оқ (СС, 7).

дағы юкламаси. Бу юклама Навоий тилида **ҳам** нинг синонимидир.

Баҳрāм... хāжа-йи фарзāна-билә гавҳар-и йагāнаны тиләтип алар кэлгүнчә өзи дағы отру чықаны (СС, 186);

болды Мудбир – дағы йана йолдаш
бүйлә йолдаш йолда болмаса кэш (СС, 167).

Бу юклама шеваларда шу шаклда сақланиб, адабий тилда **да** шаклига келиб қолган.

ҳам юкламаси боғловчи вазифасида келганидек, **дағи** ҳам бириктирув боғловчиси вазифасида келиши мумкин, буни биз ишимизнинг *боғловчилар* бўлимида кўриб ўтдик.

ā юкламаси. Бу ундов юкламаси бўлиб, “эй” маъносида ишлатилади:

қāдир-ā ул заъи:ф-и āсий-мэн
ки, башымдын айақ муъāсий-мэн (СС, 9);

қылмай даъвā хушадāлық
арз әйлә Навāйий-ā гадāлық (X, 53 б).

Боғлама

Боғлама исм, сифатдош ва равишдош билан ифодаланган кесимни шакллантириб, унинг шахс-сонини кўрсатувчи ёрдамчи сўздир. Навоий тилидаги биринчи ва иккинчи шахс боғламалари шаклан олмошдан фарқ қилмайди. Чунки Навоий тилида бу боғламалар **мэн** (ҳозирги ўзбек тилида – ман), **сэн** (ҳозирги ўзбек тилида – сан), **биз** (ҳозирги ўзбек тилида – миз) ва **сиз** (ҳозирги ўзбек тилида – сиз) шаклларига эга. Лекин бу боғламаларни

ЎТАМ, 1958 йил, 2-сон.

тарихан олмош бўлишига ва шаклан олмошга ўхшаш бўлишига қарамай, олмош деб атай олмаймиз. Чунки **мэн, сэн, биз, сиз** олмошлари шу шаклга эга бўлган боғламалардан фақат бир жиҳатдан, яъни товуш таркиби нуқтайи назаридан фарқ қилмайди, аммо фонетик белгилари ҳамда лексик ва грамматик хусусиятларига кўра бутунлай фарқ қилади. Мазкур олмошлар лексема бўлса, мазкур боғламалар морфемадир, олмошлар жумлада алоҳида такт ҳосил қилса, боғламалар энклитика бўлиб, ўзлари мустақил такт ҳосил қилмайди, олмошлар гапда мустақил равишда гап бўлаги бўлиб келса, боғламаларнинг ўзи гап бўлаги бўлиб келмайди. Мана шу белгиларга кўра Навоий тилида **мэн, сэн, биз, сиз** олмошларидан ташқари **мэн, сэн, биз, сиз** боғламалари ҳам бор бўлиб, булар фонетик жиҳатдан энклитикалик хусусиятига эгадир:

кэтүр сāқий қадаҳ-ким нāтавāн-мэн
малāлат баҳрыда āзурда жāн-мэн (Х, 192 б);

мэн ул туфрағ-мэн ким чарх-и бэбāк
нати:жа бэрмəс андын ғайр-и хāшāк (Х, 233 а);

гар йырақ-сэн, йоқ-эрсə ҳамраҳ-сэн
бары болған ишимдин āгаҳ-сэн (СС, 184);

агар сарфарāз, ар сарафканда-сиз,
бары тэңригə мэн-киби банда-сиз (Х, 251 а).

ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ ЭЪТИҚОДИ

ЭЪТИҚОД

Эътиқод ақийдага эга бўлишдир. Ақийда бир нимани дилдан қатъиян чин деб билишдир. Бирор соҳага оид ақийдалар мужмуи **ақойид**[1] деб аталади. Ўзбек тилининг хусусиятига кўра арабчада **ақойид** ишлатилиши вожиб бўлган тақдирда ҳам ўзбекчада **ақийда**ни[2] ишлатиш жойиздир. Илм оламида борлиқ, унинг таркиби, иши ва оқибати, инсон ҳақиқати, қисмати, камоли ва маърифати ҳақида турли ақийдалар мавжуд.

Ҳазрат-и Навоийнинг[3] диёнати, яъни динию барча фаолияти ислом ақойидининг тарийқат мартабасига асосланган.

ҲАЗРАТНИНГ ДИЁНАТИ

Ҳазрат-и Навоийнинг диёнати ҳамма замон, ҳамма маконнинг ҳамма халқлари, айниқса, мусулмонлар учун яхши ўрнакдир. У ислом ибодатию муомаласи, ахлоқу одобига аъло даражада амал қилди, ўзини бутунлай мамлакат тараққийси ва эл хизматига бағишлади. Шунинг учун унга “Низомиддин” лақаби берилди. Бу лақабнинг берилишига сабаб бўлган амалларни Хондамирнинг “Макориму-л-ахлоқ”идан билиб олишимиз мумкин:

“... Бу обидлар ва бандалар паноҳининг[4] жумъа намозини ва бошқа намозларни жамоат билан ўташда ғайрати шу даражага етган эдики, **Марғаний** боғида ғоятда зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атоқли қориларидан Хожа Хофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди. ... Шунингдек мазкур боғ қаршисида ҳам бир маҳобатли масжид қурган, ҳақиқатан, бу бинонинг дилкушо фазоси қуручи қалбнинг поклигидан дарак беради. ...

Бу хайрли бинолар қурувчисининг қайта қурган масжидларидан бири **Ҳирот Масжид-и Жомиидир**... Бу муборак жойни Султон Абулфатҳ Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Сом давлатининг охирги кунларида қура бошлаган эди. Бу олий бинони қуриб тамомлашдан илгари вафот қилди. Ўринбосари бўлган биродари Султон Шиҳобиддин ишни давом эттирди. Аммо ўғли Ғиёсиддин Маҳмуд подшоҳлик тахтига ўлтиргандан кейин қурилишни тамомлади. Бир қанча вақт шу ҳолда ўтди. Чингизхон хуружи ва Хуросоннинг харобликка юз тутиши муносабати билан бу олий манзил ҳам хароблашди. Тузатиш ва қайта қуриш ишларини бажариш малик Ғиёсиддин Куртга тўғри келди. Бунинг ўлумидан кейин ўғли Малик Муизиддин Ҳусайн безатиш ишларини тугаллади. Ҳазрат-и хоқон Саид Мирзо замонида Амир Жалолиддин Фирузшоҳ таъмир қилди ...

Султон-и Соҳибқирон салтанати даврида, Мақсура суффасининг айвони қаттиқ зарарланди, гумбазнинг шипи харобалашди. Юксак деворлари намозхонлар белидек букулди, пилпоя устунлари сажда қилучилар каби юзини ерга қўйди. Оқ ганжлар баланд шиплардан кўчиб тушди, қора тупроқлар саҳн юзасида тўпланди.

Мана бу ҳол у илҳоми илоҳийнинг равшан кўнглида жой олиб, у бинони қайта қуришга бел боғлади. Подшоҳи исломдан ижозат олиб, буюк машойихларнинг муқаддас арвоҳидан

---

[1] **А**қойид ақиданинг кўплиги.

[2] Совет даврида моддийчилик таълимотига биноан **ақийда** сўзи ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ноқис бўлган **дунёқараш** деган сўз билан алмаштирилди.

[3] Ҳазратнинг тахаллуси имлоси ҳақида қаралсин: Алийбег Рустамий. Ҳазрат-и Навоийнинг номлари. Шарқ классик филологияси, Илк тўплам, Т., 2009. – 42-49-с.

[4] Яъни Навоийнинг.

мадад тилаб, 903 йил шаъбон ойида гумбазни ва “**Мақсура**” тоқини очишга амр қилди. Шундан кейин ўткир меъморлар ва диққаткор муҳандисларнинг маслаҳати билан илгаригисидан мустаҳкамроқ қилиб қуришга буюрди. “Мақсура суффаси”нинг икки томонига иккита юксак айвон вужудга келтирилиб, бунинг туфайли катта тоқ суянчиққа эга бўлди ва мустаҳкамланди. Ва у буюк қурувчи бинонинг тезда тамомланишига қаттиқ аҳамият берганликдан, ҳар куни иш бошига ташриф қилар, кўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори ишларди. Ҳар неча кунда меъморлар, усталар, балки барча ҳунармандларга қимматбаҳо тўнлар кийгизар ва беҳад инъом ва эҳсонлар билан уларни шодлантирарди.

Шундай қилиб, уч-тўрт йилда битадиган иш олти-етти ойда тугади. “Мақсура айвони”нинг баландлиги, Амирнинг ҳимматига мувофиқ, илгаригисидан олти-етти зар ортди. Ишнинг асли охирига етиб, бинонинг асоси мустаҳкамлангач, устки томондан безаш ва кўркамлаш фикри қўзғолди. Қилинган ишорат юзасидан, билимдон муҳандислар, ишчан кошитарошлар, ҳунарманд наққош ва сангтарош усталар безаш ишига жиддий киришдилар. Қилинган тахминларга қараганда беш йилда бажариладиган ишни бир йил ичида тамомладилар.

Тоқ ва равоқларнинг ҳар томони мусулмон ва хитой услубида зийнатланди ва ҳалланди. Сафобахш суфаларнинг саҳнлари ажойиб санъат ва ғаройиб ихтиролар билан бошқа бинолардан мумтоз ва мустасно бўлди. Баланд гумбазларнинг шиплари яхшиларнинг нома-йи аъмолидек оқлик ва равшанлик қозонди. Айвонлар деворининг пастки айланаси қизил тошлар билан беркитилиб мустаҳкамланди.

Илгариги минбар ёғочдан ишланган ва синиб қолган эди. Софдил Амирнинг кўнгли мармар минбар ясашни тақозо қилди. Улуғ даргоҳ мулозимлари қидира-қидира Хон вилоятидан мармар тош топдилар, эгасига батамом нархини тўлаб, бу жойга келтирдилар.

Устод Шамсиддин сангтарош бу тошдан минбар ясашга киришди. Олий насабли Амирнинг ҳимматлари соясида шундай бир минбар қурилдики, оламни безовчи қуёш хатиб каби ҳар тонг кўк осмон минбарига чиққанда бу минбарнинг тенги ва ўхшашини кўрмайди ...

Хулоса: бу жаннатмисол масжидни безаш ва пардозлаш ишлари тамом бўлгандан кейин, 905 йил шаъбон ойи 14-си чоршанба куни, тадбир эгаси Амир ош тортиш маросимини ўтказиб, хатиб, имом, воизлар, қорилар, мутаваллий, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чақирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб юз кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло чакмонлар ва бошқа хил кийим-кечаклар билан безатилди ...

... Бу Амирнинг ҳиммат қўли билан қурилган ҳар бир масжид тўғрисида алоҳида тафсилот бериб борилса, бу қисқа рисола узайиб кетади. Шунинг учун бошқа масжидларни фақатгина санаб ўтилади:

Сари пули Инжил масжиди, **Тали Қутбон масжиди**, **Сари кўчаи Улуғ ота масжиди**, **Сари кўчаи Амир Ислом масжиди**, **Чаҳорсуқи** Мирзо Алоуддавла масжиди (“Кўшки жаҳоннамой” томонида), маҳаллаи **Қаландарон** масжиди, “**Боғи Зоғон**” ичидаги масжид, маҳаллаи **Тархониён** масжиди, маҳаллаи **Мир Одил** масжиди, **Пули корд** масжиди жомии, **Идгоҳ** қишлоғидаги масжиди жоми, **Баҳра** қишлоғидаги масжид, **Исфизор** масжиди жомии, **Ғурдаги** масжид, **Қушнаж** қишлоғи масжиди жомии, **Сарахс** масжиди, **Кароти Таршиз** масжиди, **Астробод** масжиди жомии. Булардан бошқа бино қилинган барча мадраса, хонақоҳ ва работларда ҳам масжид қурилган.

... Олийжаноб Амир закот ва садақаларни адо қилишда ҳам зўр ғайрат кўрсатарди. Бироқ бу сўзларни ёзғучига аниқланишича, ул ҳазратнинг хазинасида йил давомида закот вожиб бўладиган миқодорда маблағ тўпланмасди. Чунки мулозимларнинг қўлига нимаики тушса,

тездан кишиларга инъом бериш йўли билан сарф қилинар ёки бинокорлик ишларига кетарди. Шунинг билан бирга Амирнинг шарафли суҳбатига етишган азизлар муҳтож кишилар номини арз қилар, ул ҳазрат ҳам аҳволига қараб инъомлари, емишлари билан шундай кишиларни баҳраманд қиларди.

Шу билан бирга ҳар вақт катта миқдордаги маблағни ишончли мулозимлардан бирига бериб қўяр, олийҳазрат отда келаётган пайтда бирор муҳтожга кўзлари тушиб қолса, у киши улошиб берарди.

Рамазон ойида олий макон Амир хайрон ва садақанинг миқдорини имкон борича орттиришга тиришарди. Одатий шилонда қўй ва унинг керак-яроғини кўпайтирарди. Ҳар кечаси улуғ саййидлар, замона олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши Амир ҳузурида ифтор қилишарди. Ул ҳазрат меҳмонларни риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейин таом ейишга қўл узатарди. Мажлисдан жой тополмай қолган кишиларни ташқарида туриб зиёфат қилиш учун бир нечта кишиларни белгилаб қўяр эди. Шунинг билан бирга уларга ўз ҳузуридан ҳадиялар чиқарарди. Узоқ ва яқиндаги фозиллар, шоирлар, фақир ва заифлар ва етимларнинг кўнглини инъом ва тўнлар билан кўтарарди, балки ҳамма табақадаги кишилар (хавос ва авом)ни ўзининг поёнсиз инъом ва эҳсон емишидан узлуксиз равишда баҳраманд қиларди."[1]

ҲАЗРАТ ИСЛОМ ҲАҚИДА

Ҳазрати Навоий барча фаолиятини, жумладан, адабий ижодини миллатнинг ривожига, унинг келажагининг хайрли бўлишига қаратди. Унинг ҳамма асарларининг тарбиявий жиҳати салмоқлидир. Шоир авлоднинг салоҳиятини таъминлаш, уларни залолатдан сақлаб сирот-и мустақимга ҳидоят қилиш мақсадида Ислом таълимига "Сирожу-л-муслимин" деган махсус назмий рисолани ҳамда "Хайрату-л-аброр"даги иккинчи мақолатни бағишлади. Буларда Исломни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш кераклиги ўргатилади. Ислом ҳақидаги Ҳазрат-и Навоий баён қилган маъно аҳлига мансуб ўта муҳим маънавий маълумотни "Хайрату-л-аброр"дан ўрганайлик:

Иккинчи мақолат Ислом бобида-ким, али:флари[2] амнийат боғининг сарвлари дурур-у си:ни[3] саодат қасрининг кунгураси ва ломи[4] латофат гулчеҳрасининг сунбул-и зулфи-йу ми:ми[5] маҳаббат[6] машъалининг ну:ри[7] ва ул сарвлар соясида талаб камандин солмоқ ва ул сунбул-и зулфни ҳабл-и мати:н[8] қилмоқ ул машъал ну:ри била кўз йорутмоқнинг тарғи:би[9].

---

[1] Хондамир. Макориму-л-ахлоқ. Порсо Шамсиев нашри, 42-49-с.

[2] Ислом сўзида иккита алиф бор. Биринчиси сўз бошида бўлиб, "и"ни билдиради. Иккинчиси "л" билан "м" орасида бўлиб, "о"ни билдиради.

[3] Си:н "с" деб ўқиладиган ҳарф.

[4] Лом "л"ни билдиради.

[5] Ми:м "м"ни билдиради.

[6] Бу сўз ҳозир муҳаббат тарзида ишлатилади.

[7] Сўзнинг ҳарфларига шоирона маъно бериш санъат ҳисобланади.

[8] Ҳабл-и матин – мустаҳкам арқон. Бу ибора Ислом, жумладан, Қуръонга нисбатан залолат ботқоғидан чиқишнинг энг ишончли воситаси деган маънода қўлланади.

[9] Ҳазрат Исломнинг ғайришоирона мўжаз баёнини Сирожу-л-муслими:нда, муфассал баёнини Бобур Мубаййинда берган. Толиб Ислом хусусида соғлом илмий маълумот олиш учун мутолаани шайх Муҳаммад Содиқнинг чоп қилинган ва қилинаётган асарларидан, Усмонхон Алимовнинг IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши (Мовароуннаҳр, 2007) ва Зуҳриддин Ҳусниддиновнинг Ислом (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000) китобларидан бошлаши керак.

олам аро халқни яздон-и[1] пок
аҳли нажод этти-ю аҳл-и ҳалок
бу бирисин обид-и асном[2] бил
ул бирисин зумра-йи Ислом бил

куфр эли йўл топти маломат сари
зумра-йи Ислом саломат сари

ул бирига вайл[3] эви бўлди мақом
зумра-йи Исломға дору-с-салом[4]

кишвар-и Ислом-ки маъду:д[5] эрур
халқи анинг ҳар неки мавжу:д эрур

бештин оёқ барча мусулмон эмас
ким-ки мусулмон муни ёлғон демас

шартлари бор-дурур Исломнинг-
ким ани билмас бириси омнинг

муслим эрур "ман сали:ма-л-муслиму:н"[6]
юз илиг-у тил бу иш ичра забун

кўр-ки бу иш ким илигидин келур
ёки бу сўз ким тилидин очилур

тилни хирад лол топар бу маҳал
йўқ-ки тил-ўқ лол илиг дағи шал

эйла-ки[7] бу шартлар имкони бор
шартдин айру дағи аркони[8] бор

---

[1] Йаздон – Худо.
[2] Асном – "санам"нинг кўплиги. Санам – маъбуд ҳайкали ёки сурати.
[3] Вайл – надомат оҳ-воҳи.
[4] Дору-с-салом – саломатлик уйи.
[5] Маъду:д – чекланган.
[6] Йаъни улки, мусулмонлар омон бўлурлар. Бу Ҳадис-и шарифнинг бош қисмидир. Байтнинг иккинчи мисрасида Ҳадиснинг давоми туркийда айтилган. Кейинги икки байтда Ҳадиснинг шарҳи берилган. Ҳазрат бу Ҳадиснинг аслини туркий шарҳи билан "**Арбаъин**"да берган:
ал-Муслиму ман салима-л-муслиму:на мин йадиҳи ва лисониҳ, йаъни қўлидан ва тилидан мусулмонлар омонда бўлган мусулмонлардир. Шарҳи:

ким мусулмонлиғ айласа даъво
чин эмас гар фидо қилур жонлар
ул мусулмон дурур-ки сали:мдур
тили-йу илгидин мусулмонлар

[7] Эйла-ки ... бор – бор бўлганидек.
[8] Аркон – "рукн"нинг кўплиги. "Рукн"нинг луғавий маъноси устун бўлиб, асил маъносида ҳам қўлланади. "Ислом аркони" дейилганда Ислом бино шаклида тасаввур қилинади. Аниқ таъбир "Ислом биносининг аркони" бўлади.

беш йасамиш Тенгри таборак[1] ани
деса бўлур хамс-и муборак ани
англағил арконини беиштибоҳ[2]
аввали "Илло-лоҳ" ила "ло илоҳ"[3]

яна Муҳаммадни бил анга расу:л[4]
бер мунга тануғлуғ-у[5] қилғил қабул

Аллоҳ Аллоҳ бу не икки калом-
ким ики оламға-дур андин низом

лавҳ уза аввал муни[6] йозиб қалам
жаннат эшигида дағи бу рақам

ҳалқа-йи хотам[7] киби чарҳ-и бари:н[8]
ул[9] бўлубон йузида нақш-и ниги:н[10]

ёки бу хат зевар-и хотам бўлуб
хотам-и гардун йукидин хам бўлуб

нофия[11] "ло"сидин айтиб "ло илоҳ"
нафй[12] неким мумкин эрур мосивоҳ[13]

"илло-лоҳ" айлабон исботини[14]
айн-и вужу:д англатибон зотини

буки расу:л ўлди Муҳаммад анга
юзланиб иқбол-и муаббад[15] анга

---

[1] Таборак – таборака – қутлуғ бўлмиш.
[2] Беиштибоҳ – шубҳаланмасдан.
[3] Яъни ло илоҳа илло-лоҳ – Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ. Бу калима-йи тавҳид, яъни Ҳақ таолонинг бирлигини изҳор қилиш таъбири.
[4] Яъни Муҳаммадун расу:лу-л-лоҳ – Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир.
[5] Тануғлуқ – гувоҳлик. Бу сўзда "у"нинг талаби билан "қ" "ғ"га айланган. Мазкур икки таъбир олдига "ашҳаду" – гувоҳлик бераман деган сўз қўйилади. "Ашҳаду"дан сўнг биринчисида боғловчи "ан", иккинчисида "анна" келади. Буларнинг ҳар иккиси "-ки" маъносидадир. "Ан"нинг "ло"га қўшиб "алло" деб айтилиши бор. "Ашҳаду ан" ва "ашҳаду анна" деб бошланган бу таъбирлар калима-йи шаҳодатга айланади.
[6] Яъни калима-йи тавҳидни. Буни ёзган қалам азалий қалам бўлиб, лавҳ каби маънавий мавжуддир.
[7] Хотам – муҳрли узук.
[8] Уфуқ эътибори билан **чарҳ-и барин,** яъни юксак осмон доираси хотам ҳалқасига ўхшатилган.
[9] Мазкур калима.
[10] Ниги:н – мазкур хотам.
[11] Нофийа – инкор сўзи.
[12] Нафй – инкор.
[13] Мосивоҳ – ундан, яъни Ҳақ таолодан ўзгаси. Ҳақ таолодан ўзгаси **мумкин** инкор қилинади. Вужуди ўз-ўзидан бўлиб, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган **вожибу-л-вужу:д ли зотиҳи**, қисқача "вожиб" дейилади. Бу Ҳақ таолонинг вужуди. Вужуди ўзгага боғлиқ бўлганни **мумкину-л-вужуд**, қисқача "мумкин", "мумкинот" дейилади. Ҳақ таолодан ўзга ҳамма мавжудот мумкинотдир.
[14] Исбот – мавжудлигини тасдиқлаш.
[15] Муаббад – абадий бўлган.

амр ила наҳйини баён қилғали
лутф ила қаҳрини аён қилғали

хайр-и расу:л бўлмоғи Тенгрига хост[1]
ҳар не рисолат-ки қилиб борча рост

соний[2] *эрур анда адо-йи салот*[3]
лек адосида эрур мушкилот

аввали онингки таҳорат дурур
бил-ки таҳорат не иборат[4] *дурур*

ул дема-ким майл қилиб суға сен
бир неча узв ул су била юғасен

буйла таҳоратни билур ҳар хаси:с
ўзга таҳорат дағи бордур нафи:с

бу-ки сафо чашмасидин завқнок
айлагасен лавҳа-йи хотирни пок

танни юмоғлиққа маҳорат бериб
жонға дағи буйла таҳорат бериб

жонни солиб бўйла маҳорат аро-
ким юзида нуқтача қолмай қаро

кўзи ариғ ашк зулоли қилиб
балки кўнгулни дағи холий қилиб

ўзлук уйин ўзга ҳаром айлабон
Тенгри эви[5] *сари хиром айлабон*

қўйғасен анда ўнг оёқ илгари
ғайр-и Худо қўймағасен ичкари

уй ияси[6] *бўлса-ву сен яхшироқ*
балки тутуб уй била сен лек қироқ[7]

бўлса қиёмингға сутун шеваси
ракъатингға сақф-и нигун шеваси[8]

---

[1] Хост – истак.
[2] Соний – иккинчи.
[3] Адо-йи салот – намоз ўташ.
[4] Иборат – ибора. Бундаги “т” “ҳикоят”даги “т” кабидир.
[5] Яъни масжид.
[6] Яъни Худо.
[7] Қироқ тутмоқ – четда турмоқ.
[8] Яъни қиёмда масжид устунидай турсанг, ракъатда масжид гунбазининг шифтидай эгилсанг.

саждада титраб қўюбон йерга бош
сарғарибон чеҳра нечук-ким қуёш
вожиб-у фарзини риоят қилиб
суннат адосини бағоят қилиб

гар бу сифат сажда била пок чеҳр
йерга дағи киргасен андоқ-ки меҳр[1]

субҳ-и қиёмат не тонг этсанг зуҳу:р
бoштин оёқ меҳр киби ғарқ-и ну:р

солис[2] *эрур фарз адо-йи закот*[3]
Ҳақ неки бермиш санга мол-у жиҳот[4]

мунда дағи икки сифат-дур тари:қ[5]
бириси асл-у бири фаръ эй рафи:қ

фаръи бу-ким зоҳир-и шаръ-и расу:л[6]
ҳар не баён айласа қилсанг қабул

бергучи гар бор эса соҳибнисоб[7]
қирқ дирамдин бирин айлаб ҳисоб

заръ[8] *ила дукон-у ҳавоший*[9] *дағи*
балки хадам[10] *бирла мавоший*[11] *дағи*

ҳар не матои-ки закотин берур
шаръ тариқи била бил-ким эрур

кайли-ю[12] *миқдори муайян анинг*
камми[13] *била кайфи мубарҳан*[14] *анинг*

---

[1] Меҳр – қуёш.
[2] Солис – учинчи.
[3] Шаръий назарияга кўра ибодатнинг учинчи рукни рўза бўлиб, закот тўртинчисидир. Аммо Навоий закотнинг мўминнинг ўзидан ўзгага, умуман жамиятга манфаатлироқ эканини эътиборга олиб, уни рўзадан олдинги рукнга олган.
[4] Жиҳот – "жиҳат"нинг кўплиги, яъни сенда закотга тегишли жиҳатлар бўлса.
[5] Яъни икки турли йўл бор.
[6] Яъни Расулуллоҳ шариатининг зоҳири, юзаки жиҳатдан иборат.
[7] Нисоб – молнинг закот бериш вожиб бўлган миқдори.
[8] Заръ – экин.
[9] Ҳавоший – уй аҳли.
[10] Хадам – "ходим"нинг кўплиги.
[11] Мавоший – чорва.
[12] Кайл – дон ўлчагичи.
[13] Вазн талаби билан "м" иккиланган.
[14] Мубарҳан – ҳужжатланган.

масрифи[1] секкиз кишидур[2] бардавом-
ким анга-дур шаръ ила нотиқ калом

фаръ бу-дур ул-ки дедук ани асл
қилмоқ эрур барчасидин ўзни фасл[3]

мақсад-и аслийға шуруъ айламак[4]
ҳар не анинг ғайри ружуъ айламак[5]

бўлғанини бермаг-у шукрона ҳам
бермак агар худ топилур яна ҳам[6]

кўнгли қачон қилса захи:ра ҳавас
бўлмоқ анга фақр-у фано ганжи бас

бўлмаса кўнглида дирам нақши доғ
қилмаса дур партавин шабчароғ

лаъл ғами бағрини қон қилмаса
дур ғами ашкини равон қилмаса

минг йетибон асрамаса бирини
юкласа ўз бўйниға тақси:рини[7]

ганж топиб чекмаса вайрониға
берса қўюб миннатини жониға

ҳар не йетар берса тугуб ёпмаса
бергали[8] шукрона яна топмаса[9]

ким-ки анга базл[10] бу чоғлиғ дурур
ганж дағи топса ярағлиғ дурур

---

[1] Масриф – сарф, харж қилиш ўрни. Мурод закот олиши ўринли бўлган, шунга ҳақли бўлган кишилар.
[2] Булар Тавба сурасининг 60-оятида айтилган: 1) фақир, яъни камбағал; 2) мискин, яъни қашшоқ, кундалигини кунда топиб тириклик қилувчи; 3) омил, яъни закот йиғувчи; 4) кўнгли овланувчи, яъни исломни қабул қилишга рағбатлантирилувчи; 5) мукотаб, яъни бирор нарса ёки ишлаб бериш эвазига озод бўлишга аҳдлашган қул; 6) қарздор; 7) Аллоҳ йўлидаги кимса – турмуш зарурати туфайли ғазотдан қолган ёки ҳожийлардан айрилган киши; 8) ибн-и сабил, яъни молидан айрилган мусофир. Тўртинчи тоифага закот ва бошқа садақаларни бериш Абубакр р.а. халифалигида саҳобийлар қарори билан бекор қилинган. Аммо Навоий буни тан олмаган кўринади.
[3] Фасл қилмоқ – четлатмоқ.
[4] Шуруъ айламак – киришмак.
[5] Ружуъ айламак – қайтмоқ, яъни зоҳирий амаллардан ташқари аслий мақсадга интилиш керак.
[6] Яъни борини садақа қилиб, яна топилса, уни ҳам бериб, шукр қилмоқ керак.
[7] Тақси:р – камчилик, нуқсон.
[8] Бергали – бергач.
[9] Яъни яна мол топмаса ҳам берганига шукр қилиш керак.
[10] Базл – саҳоват.

робиъ[1] анга савм[2] дурур қочмағил
тутқил-у нафйиға оғиз очмағил

меъдани холилиқ ила қил тўла
неча хало анда сафодин мало[3]

савм ҳади:сида[4] будур мужмали-[5]
ким ани Ҳақ деб дурур "ас-савму лий"[6]

айлади иснод[7] ўзига ажрини[8]
йўқса ул-ўқ қилғуси-дур зажрини[9]

амр қилиб берса жазо чун Худой
демагуси рўза йил ўн икки ой

тутсанг ани улча сазоворидур
сарфани[10] билгил-ки сенинг сари-дур

савми эмас дағи машаққат наҳий[11]
муждада бўлса "ана ажзо биҳи"[12]

бу дағи уч қисм иладур мунқасим[13]
аввали бу расм иладур муртасим[14]

ким чу саҳар кўргузур анворини[15]
чеккуча кун ғарбға[16] рухсорини[17]

акл[18] ила шурб[19] айламагай рўзадор
лек иккинчига бу-дур эътибор-

---

[1] Робиъ – тўртинчи.
[2] Савм – рўза.
[3] Хало – бўшлиқ, мало – тўлиқлик.
[4] Савм Ҳади:сида – рўза таъбирида.
[5] Мужмали – қисқаси.
[4] Яъни рўза менинг учундир.
[5] Иснод айламак – ҳавола қилмоқ.
[6] Ажр – мукофот.
[7] Зажр – қийноқ.
[8] Сарфа – отриқчаси.
[9] Наҳий – ниҳоясига етгач, тугагач.
[12] Яъни: унинг ажрини мен бераман.
[13] Мунқасим – қисмдан иборат.
[14] Муртасим – расм бўлган.
[15] Анвор – "ну:р"нинг кўплиги.
[16] "Ғарб" – бу ерда ботиш маъносида.
[17] Тонг ёришгандан кун ботгунга қадар.
[18] Акл – ейиш.
[19] Шурб – ичиш.

ким бу сифат савм-ки топти рақам[1]
бўлғай изофат[2] неча иш анда ҳам

сойир-и аъзоға[3] халол йетмамак
шаръ хилофиға шуруъ этмамак

ҳар бири ўз шуғлиға зоҳид бўлуб[4]
манъ-и хилоф ичра мужоҳид бўлуб[5]

бормағай-у кўрмагай-у тутмағай
айтмағай эшитмагай ютмагай[6]

лекин учунчиси бу-дур-ким кўргул
чунки эрур маҳбити[7] анвор-и кулл[8]

пок-у равонбахш[9] ҳавоси анинг
жилвагаҳ-и файз фазоси анинг

махзан-и асрор-и илоҳий ҳам ул
ойина-йи чеҳра-йи шоҳий[10] ҳам ул

дафъ қилиб занг-и хаёлотини
асрамоқ ул навъ бу миръотини-[11]

ким анга жуз[12] дўст зуҳу:р этмагай[13]
балки анинг ғайри хутур этмагай[14]

ҳеч сувар[15] нақшиға бермай мадор[16]
ғайр-и бу неъматдин[17] ўлуб рўзадор

ушбу сифат йўқ-ки саҳар то башом
қўй саҳар-у шомни-ким бардавом

---

[1] Рақам топти – ёзилди. Яъни юқорида айтилди, мазкур.
[2] Изофат – қўшимча.
[3] Сойир-и аъзо – бошқа узвлар, яъни мучалар. **Аъзо** "узв"нинг кўплиги, аммо ҳозир у бирлик тарзида "узв" ўрнида қўлланади.
[4] Яъни ҳар бир муча фақат савобли ишни қилиши керак.
[5] Мужоҳид бўлмоқ – жаҳд қилмоқ, тиришмоқ.
[6] Яъни ғайришаръий амалга оёқ бормагай ва ҳоказо.
[7] Маҳбит – иниш ўрни.
[8] Анвор-и кулл – мутлақ ёғду, яъни Ҳақ таолонинг нури.
[9] Равонбахш – жон бағишловчи.
[10] Шоҳий – равшан.
[11] Миръот – кўзгу.
[12] Жуз – ўзга. Жуз дўст – дўст, яъни Ҳақ таолодан ўзга.
[13] Зуҳу:р этмак – зоҳир бўлмоқ, кўринмоқ.
[14] Хутур этмак – хотирга келмак.
[15] Сувар – "суврат"нинг кўплиги.
[16] Мадор бермамак – айланишига йўл қўймаслик.
[17] "Бу неъматдин" мурод мазкур нур. Шу нурдан бошқа ҳаммасига рўза тутиш керак.

хомис[1] анга қиблаға солиб қадам
бўлмоқ эрур зойир-и байту-л-ҳарам[2]

буйла саодатқа алар-ким йетиб
бодияни икки сифат қатъ этиб[3]

бири бу-ким ул-ки бўлуб мустафи:д[4]
яъни ўлуб жоҳ-у[5] тамаввул[6] муми:д[7]

бўлса йўл амнияти воқиъ анга
оризайе[8] бўлмаса мониъ анга

барча йўл асбоби муҳайё қилиб
ҳамраҳ-и мушфиқ дағи пайдо қилиб

фарзлиғини ўзига жазм айлагай
фарз адосин қила азм айлагай

лек, иккинчи бу-ки аҳли фано-
ким ўзига фақрни билгай ғино[9]

дўст[10] тушуб хотир-и вайронаға
шавқ-у талаб ўт солибон жониға

ҳуйи чекиб[11] йўлға тушуб пил[12] киби
ишқ ўтидин телбараган[13] эл киби

минг йиғоч[14] ар урғусидур гомини
боғлабон аввал қадам эҳромини

не анга зод-у[15] не анга роҳила[16]
не анга маркаб[17] не анга қофила[18]

---

[1] Хомис – бешинчи.
[2] Яъни ҳаж қилиш.
[3] Яъни ҳаж сафарининг икки йўли бор, бири оддий мўминлар йўли, иккинчиси фонийлар йўли.
[4] Мустафид ўлмоқ – фойдаланмоқ.
[5] Жоҳ – мансаб, мартаба.
[6] Тамаввул – молли, бой бўлиш.
[7] Мумид ўлмоқ – мадад бермоқ.
[8] Оризайе – бир ҳодиса.
[9] Ғино – бойлик.
[10] Яъни Ҳақ таоло.
[11] Яъни “ё ҳу” деб. “Ҳу” у, яъни Ҳақ таолодир.
[12] Пил – фил.
[13] Телбараган – телба бўлган.
[14] Йиғоч – олти чақирим, яъни километр.
[15] Зод – йўл озиғи.
[16] Роҳила – сафарбоб туя.
[17] Маркаб – улов, ғарбчаси транспорт.
[18] Қофила – карвон.

дашт анга гулшан-у насри:н[1] тикан[2]
йўл ики ёнида муғийлон[3] чаман

ҳар не самум анда олиб ранг-и ол
барча гул-у лола учурған шамол[4]

буйла самум ичра йетиб ул сали:м[5]
эйла-ки гулзор орасинда наси:м[6]

ул чаман ашжори[7] муғийлон бўлуб
анда қуюн сарв-и хиромон бўлуб

Ҳақ анга раҳматни дали:л[8] айлабон
шуълани гулзор-и Хали:л[9] айлабон

токи ани йеткурубон ул дали:л
уйгача-ким қўйди биносин Хали:л[10]

тавфида ул сидқ-у сафо келтуруб
барча шаройитни бажо келтуруб

дўст[11] уйида чу бўлуб меҳмон
ҳар не керак ҳозир этиб мезбон

балки бу меҳмонни ўзи келтуруб
уйигача ҳамроҳ ўлуб йеткуруб

мунча саодатқа этиб сарфароз[12]
кимсани бу йўлда фано-ву ниёз[13]

фоний ўлуб ким-ки ниёз айлади
тенгри ани кошиф-и роз[14] айлади

---

[1] Насри:н – хушбўй оқ гул. Бу сўзнинг асли форсий “настаран”дир. “Настаран” араб тилига “нисри:н” шаклида ўтган ва “нисри:н” форсий ва туркийда “насри:н” шаклида машҳур бўлган.
[2] Бу ерда “тикан” эга, “насрин” кесим, яъни “тикан насриндир” дейилган, қофия талаби билан сўзлар ўрин алмашган.
[3] Бу сўз “муғайлон” шаклида ҳам ишлатилади. “Муғийлон” ёки “муғайлон” акаснинг, яъни танаси тиканли, дуккак мевали дарахт ва буталарнинг араб саҳросида ўсадиган бир тури.
[4] Яъни самум – қизиган қум бўрони таъсирида ол – қизғиш тус очилган нарсалар фано аҳлига шамол – салқин ел учурган гулу лолага айланади.
[5] Сали:м – саломат.
[6] Эйла-ки – андоқки насим – насим каби. Насим – унгил ёқимли йел. Бу арабча сўзнинг туркийси “эсин”.
[7] Ашжор – “шажар”нинг кўплиги. Шажар – дарахт.
[8] Дали:л – раҳбар, йўл бошчи.
[9] Хали:луллоҳ, яъни Иброҳим а.с., Намруд гулхан ўртасига ташлатганида гулхан гулзорга айланган.
[10] Яъни Каъбага.
[11] Дўст – Ҳақ таоло. Навоийнинг бу сўзни ишлатишига сабаб валийларнинг Ҳақ таолога дўстлиги, унинг ҳам уларга дўстлигидир.
[12] Сарфароз этмак – бошини кўкка еткизмоқ.
[13] Ниёз – ожизлигини тан олиб ялиниш. Бу ерда Ҳақ таолога ялиниш назарда тутилган.
[14] Кошиф-и роз айламак – борлиқ сиридан хабардор қилмоқ.

фориғ этар бодия қатъ аҳл-и мол[1]
аҳл-и фано қатъида бор ўзга ҳол

не топиб ул[2] *неъмат-у нози била*
онча топиб юз бу ниёзи била

Иброҳи:м Адҳамнинг[3] **Каъбага намоз била борғани ва Робиа-йи Адавияға**[4] **Каъбанинг ниёз била келгани**

қилди чу Адҳам халафи[5] *тарк-и жоҳ*[6]
тож-и фано бошиға қўйди илоҳ

берди фано йелига мулк-у ҳашам
бодиянинг қатъиға қўйди қадам

бўлди мусаллони[7] *солиб саждасоз*
ҳар қадам айлаб ики ракъат намоз

қолди бу йўл қатъида ўн тўрт йил
мадҳиға ҳар хор-у гияҳ чекти тил

Макка тавофиға чу қилди хиром
йўқ эди ўз ўрнида байту-л-ҳаром

чекти фиғон-ким бу не-дур ё илоҳ
ҳотифе[8] *ун берди-ким эй пи:р-и роҳ*[9]

бодия қатъида дурур бир ажуз[10]
шавқ-у маҳаббат юкидин қадди гўз[11]

заъфдин ул бўлмиш эди нотавон
Каъба анинг тавфиға бўлди равон

айлади ҳайрон ани бу воқиа
боқса кейин кўрди келур Робиа

---

[1] Яъни моли бор бодия, яъни биёбонни фориғ, яъни урунмасдан босиб ўтади.
[2] Яъни унинг топганини.
[3] Иброҳим Адҳам Балхий – валийларнинг илк табақасига мансуб. Йигитликда подшоҳликдан воз кечиб, фақру фано йўлини тутади ва Маккага бориб тариқат улуғларининг суҳбатида бўлади. Сўнгра Шомга, яъни Сурияга келиб даштбон, яъни дала қўриқчиси бўлиб кун кечиради. Иброҳим Адҳам буюк каромоту мақомот соҳиби эди. У ҳижрийнинг 161 йили, милодийнинг 778 йилида вафот қилади (Насойим, Камол Эраслан нашри, 1-жилд, 26-27 с.).
[4] Робиа-йи Адавия – Басралик машҳур суфий аёл. Иброҳим Адҳамнинг замондоши. Робиа тасаввуфга хавфу хатар ўрнини илоҳий ишқ эгаллаши керак деган фикрни киритган.
[5] Халаф – авлод, зурриёт, фарзанд. Бу ерда ўғил маъносида.
[6] Қилди чу тарк-и жоҳ – мансабни тарк қилгач. “Чу”, “чун” –гач маъносига эга.
[7] Мусалло – намоз ўталадиган ер. Бу ўринда жойнамоз.
[8] Ҳотиф – ғайбдан ундовчи.
[9] Пи:р-и роҳ – йўл, яъни тариқат пири.
[10] Ажуз – кампир.
[11] Гўз – букри, букулган.

деди-ким эй арш матофинг[1] сенинг
Каъба қилиб азм-и тавофинг сенинг

кўр-ки, жаҳон ичра солибсен не шўр[2]
Робиа деди анга-ким қилма зўр[3]

шўр сенингдур бори оламда бил
бодия қатъи учун ўн тўрт йил

деди Бироҳим-ки[4] эй покрав[5]
балки малак хайлидек афлокрав[6]

недин экин бу-ки манга йетти ранж
мен чекибон ранж-у санга бўлди ганж

Робиа деди анга огоҳ бўл-
ким неча йил бодияда барча йўл

бўлди ишинг арз-и намоз айламак
шева[7] манга арз-и ниёз айламак

санга самар[8] берди намоз-у риё
бизга бу бар[9] берди ниёз-у фано

боқма Навоий яна ноз аҳлиға
арз-и ниёз айла ниёз аҳлиға

соқий олиб кел қадаҳ-у қилма ноз
кўр-ки не муштоқ-дур аҳл-и ниёз

бер тўла-ким ичсун ани бир ҳари:ф[10]
хосса манга-ким баридин мен заи:ф[11]

Навоий мазкур мақолатда Исломга шариат даражаси билан бирга тарийқат даражасида ҳам таъриф берган. Дунёда мўминнинг ҳаёт кечириши учун қисқача таснифга кўра уч

---

[1] Матоф – тавоф қилинадиган ер.
[2] Шўр – ғавғо.
[3] Зур қилмоқ – ёлғон гапирмоқ.
[4] Вазн талаби билан сўз бошидаги “и” тушириб қолдирилади.
[5] Покрав – пок, яъни маънавий ишқ соҳиби.
[6] Афлокрав – фалакларни кезувчи.
[7] Шева – йўриқ.
[8] Самар – мева, ҳосил, самара.
[9] Бар – “самар”нинг маънодоши.
[10] Бир ишнинг қатнашчилари, мусобақада тарафлар бир-бирига нисбатан ҳариф бўладилар. Бу ердагиси ниёз, яъни Ҳақ таоло жамолига ҳожатмандликдаги ҳариф.
[11] Бу ердаги соқий ҳақиқий ишқ шавқини кучайтирувчи, қадаҳу май шавқ воситаси. Навоий ташвиқчига шу жиҳатдан бошқа ҳарифларга нисбатан кучсиз бўлганим учун хусусан менга қадаҳни тўла қилиб бер, яъни шавқ воситасини тўлиқ ишга сол, демоқда.

манзил, камоли эътибори билан тўрт мартаба бор, дейилади. Уч манзил: шариат, тариқат ва ҳақиқатдан, тўрт мартаба шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат. Кишининг мақсади дунёда яхши яшаб, охиратда дўзахдан сақланиб жаннатга кириш бўлса ва ундан олийроқ мақсадни кўзламаса, шариат манзилида яшашга қарор қилади. Бу манзилнинг талаби шариат ҳукмларига бўйсинган ҳолда яшашдан иборат. Шариат манзилидаги шахс тақвосини дуруст адо этса, шариат мартабасидаги камолга эришади. Бу манзилу мартабага қониқмаган кимса тариқат манзили ва мартабасининг талабида бўлади. Бунга эришиш учун у шариатнинг зоҳирий амалларидан ташқари ботиний таълиму тарбиятни олиб, кўнгилу нийят ва ахлоқу нафсонийятга оид амалларни бажаради. Масалан, шариат аҳли намозни адо этиши учун қиладиган таҳорати баданни, кийимни ва жойни пок қилишдан иборат. Булар зоҳирий амаллардир. Тарийқат аҳли эса таҳоратнинг тўкис бўлиши учун кўнгилдан барча номуносиб нияту ғаразлар ва фикру хаёлларни аритиб, ботин оламини пок қилиб, уни эзгу нийятлар билан тўлдирадилар ва шунга мувофиқ равишда амал қиладилар. Мана шу боис маъно аҳли шариат аҳлини “зоҳир аҳли”, тариқат аҳлини “ботин аҳли” деб атаганлар, шариатга оид илмларни “зоҳирий илмлар”, тарийқатга оидларини “ботиний илмлар” деганлар. “Ботиний” ҳамда “ботинийя” сўзлари Қуръоннинг “ботиний” маъносини билиш даъвосини қилувчи залолат аҳлига[1] нисбатан ҳам қўлланади. Булар Қуръон оятларини ҳақиқатни очиш нуқтайи назаридан эмас, ёвуз ғаразларни амалга ошириш учун ҳақиқатга мутлақо зид мазмунда таъвил[2] қиладилар. Масалан, Бақара сурасининг олтмиш еттинчи оятидаги “бақара”, яъни қорамолдан мурод мўминларнинг онаси Ойиша, Моида сурасининг тўқсонинчи оятидаги “хамр”, яъни ичкилик ва “майсир”, яъни қимордан мурод рошид Халифалар Абубакр ва Умар эмиш (Кески ўғлу, 227). Ҳолбуки, биринчи оятда “Мусо ўз қавмига Аллоҳ сизларга бир уй[3] сўйишни буюрмоқда деганда улар бизни масхара қиляпсанми, дедилар” дейилган. Иккинчи оятда “Эй иймон келтирганлар, чиндан ҳам ичкилик, қимор, маъбуд ҳайкаллар, фолчўплар Шайтоннинг жирканч амалларидир, ундан четда бўлинг, шояд нажод топсангиз” дейилган.

Тарийқат мўминни маърифат ва ҳақиқатга олиб борадиган йўл. Тарийқатга “сайр ила-ллоҳ”, яъни Аллоҳ ҳузурига йўл олиш деб таъриф қилинади. Аммо бу йўл оёқ йўли эмас, маънавий тараққий бўлиб, ботиний хислатларни бирма-бир камолга етказишдан иборат. Тарийқатнинг турли тарзлари бор, Яссавийя, Нақшбандийя, Мавлавийя сингари. Сулук ёки сайр ила-ллоҳ Талаб билан бошланиб Фано фи-ллоҳда, яъни Ҳақ вужудида ўз вужуди сингиб йўқ бўлиш билан тугайди. Тарийқатларнинг умумий номи “сулук”дир[4]. Тарийқатга кирган мўмин “солик”, “роҳрав”, “раҳрав” ва “йўлчи” деб аталади. Мазкур уч манзил ва тўрт мартаба авом учун берилган қисқача маълумотдир. Хослар учун берилган илмий таълимотлар мавжуд бўлиб, бу ҳақда қуйироқда мавзу доирасида маълумот берилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг фиқҳий асари “Мубаййин”да қибла аҳли такфири жойиз эмас, дейди. Бобур бунга “Ишорат анга-ким аҳл-и қибла такфири жойиз эрмас-тур” деган сарлавҳа остида алоҳида фасл ажратиб шундай дейди:

---

[1] Ўзларининг ботил ақида ва амалларини исломга нисбат берувчи тойифа ва шахслар оз эмас (Шайх 1, 10-13 с.; Шайх 4; Шайх 5, 210-226 с.; Зомонхон, 140-154 с.; Жўжон, 69-70 с.).

[2] Таъвил – асоссиз ўзбилармонлик билан қилинган шарҳ.

[3] Уй – “бақара”нинг аниқ муодили. “Бақара” ҳам, “уй” ҳам қорамолнинг ҳам эркагини, ҳам урғочисини билдиради. Шу маънодаги “уй” мумтоз ўзбек тилида, жумладан, Навоий ва Бобур асарларида ҳам қўлланган. Бу сўз ҳозирда қирғиз тилида ҳам бор.

[4] Аниқ таъбир шарт бўлмаганда “сулук” ва “тарийқат” сўзлари бир-бирининг ўрнида қўлланиши мумкин, “ош” ва “палов” сўзлари каби.

ҳар не-ким Тенгридин кетурса расу:л
ҳар киши-ким аларни қилса қабу:л

ул киши аҳл-и қибла-дур билингиз
ани кофир демакни бас қилингиз

гарчи кўп зулм-у кўп хато қилса
мубтадиъ[1] бўлса юз ҳаво қилса

ҳукм қилманг анинг шақоватиға
дўзахийлиғ битимангиз отиға

гар киши бўлса солиҳ-у обид
тун-у кун бўлса қойим-у сожид

амрлар тарк қилмаса ҳаргиз
наҳйлар зоҳир этмаса ҳаргиз

ҳукм қилманг ани саъодатлиғ
демангиз ани жазм[2] жаннатлиғ

магар ул ўн-ки[3] дўстдор-и Илоҳ[4]
жаннатликларига бўлди гувоҳ

яна жамъени[5] ҳазрат оллидин
бил мубашшир набий мақолидин

Бобурнинг бу фикрининг дурустлигига кўплаб нақлий далиллар келтириш мумкин (қ. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 1, 568-576 с.; 5, 227-257 с.). Имом Бухорийнинг “Саҳийҳ”идаги “Сўкмак ва лаънатламоқ манъ қилинганлиги ҳақида” деган бобида келтирилган бир Ҳадис-и шарифда “Кимки мўминни лаънатласа ёки кофирликда айбласа, уни ўлдирган баробарида гуноҳга ботадир” деган жумла бор.

Турли низолар, ҳатто қотилликларга сабаб бўладиган айбжўйлик ёвуз нийятдан ёки жаҳолатдан келиб чиқади. Бинобарин, Абдураҳмон Жомий ва Навоийларнинг “Қирқ Ҳадис” китобларидаги **Тубо ли-ман шағалаҳу ъайбуҳу ъан ъую:би-н-нос**, яъни яхшилик ўзга кишиларнинг айбларини қўйиб, ўз айби билан машғул бўлганникидир деган Ҳадис-и шарифга амал қилиш ниҳоятда зарурдир. Навоий бу Ҳадисни шундай шарҳлайди:

---

[1] Мубтадиъ – бидъатчи.
[2] Жазм – қатъиян.
[3] Ўн – ашара-йи мубашшара, яъни Расулуллоҳ жаннатийликларини башорат қилган ўн нафар шахс. Буларнинг тўрт нафари рошид халифалар, қолганлари Зубайр, Талҳа, Саъд, Абу Зубайда, Саъид, Абдурраҳмон отлиғ саҳобийлар.
[4] Дўстдор-и Илоҳ – Ҳабибуллоҳ, яъни Муҳаммад с.ъ.с.
[5] Жамъ – бу ерда “жамоа” маъносида. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомиъу-с-саҳийҳ”ининг жаннат тавсифига бағишланган бобида (2-жилд, 7-боб) жаннатга гўзал бир тарзда биринчи бўлиб кирадиган бир жамоа ҳақида Ҳадислар келтирилган. “Жамъе”дан мурод шу жамоа бўлса керак.

эй хушо ул-ки айб кўрмамак ила
юз ҳунарвар маротибин топқай
яъни ўз айби пардаси кўзига
ўзга эл айби чеҳрасин ёпқай

ҲАЗРАТ ИЙМОН ҲАҚИДА

АВВАЛҒИ[1] МАҚОЛАТ

Иймон шарҳида-ким, **ал-иймону ан туъмину би-ллаҳи ва малойикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва би-л-явми-л-охири ва би-л-қадари хайриҳи ва шарриҳи**[2] демакдин мақсу:д бу калимот эмас ва агар аҳл-и зоҳир муни иймон деса, аҳл-и маъно[3] демас[4] ва улу:ҳият[5] дарёсиға[6] шинолиғ[7] ажзин[8] зоҳир қилмоқ ва малойика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва русул[9] жодасида[10] неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак[11] ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак[12].

ким-ки жаҳон аҳлида инсон эрур
бил-ки нишонаи анга иймон эрур

ул-ки ҳад-у расм қўяр мантиқи
токи бу ҳайвони била нотиқи

иккиси инсонға бўлуб ҳадд-и том[13]
зумра-йи инсон аро айлар хиром

навъини нотиқ била ҳайвон қилур
нотиқ-у ҳайвонини инсон қилур

---

[1] Мумтоз адабиётда “биринчи” сўзи ўрнида “аввалғи” ишлатилади.
[2] Яъни иймон Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва яхшилигу ёмонлиги қадардан эканлигига инонишингдир. “Қадар” деганда оламдаги барча ҳодиса ва нарсаларнинг қандайлиги, қанчалиги ва қаерда, қачон содир бўлишини Ҳақ таоло азалда белгилаб қўйганлиги тушунилади.
[3] Аҳл-и зоҳир ёки аҳл-и суврат шаклга, ташқи кўринишга қараб юзаки хулоса чиқарувчилар, аҳл-и маъно мазмунга, моҳият ва унинг оқибатига қараб иш кўрувчилардир.
[4] Яъни Иймон тил билан чекланмаслиги, дилдан тилга чиқиши керак.
[5] Улу:ҳийят – Аллоҳлик.
[6] “Дарё” бу ўринда денгиз маъносида.
[7] Шинолиғ – чўмиш.
[8] Ажз – ожизлик.
[9] Русул – “расу:л”нинг кўплиги.
[10] Жода – йўл, кўча.
[11] Қиём кўргузмак – қатъий турмоқ.
[12] Тараннум тузмак – куйга солиб сўзламак.
[13] Ҳадд-и том – тўкис ҳадд. Ҳадд мантиққа зид истилоҳ бўлиб, жинс ва фасл билан чекланган таърифдан иборат. Аниқ бир кимса ёки нарсанинг ёлғиз ўзи “шахс” ёки “фард” деб аталади. Шахснинг маълум бир гуруҳи “навъ”, навъларнинг маълум бир гуруҳига “жинс” дейилади. Масалан, Аҳмад, Маҳмуд ва Эргашларнинг ҳар бири бир шахс ёки фард. Булар бошқа шахслар билан биргаликда инсон навъини ташкил қилади. Инсон навъи бошқа жондорлар навъи билан биргаликда ҳайвон жинсини ташкил қилади. Навъни ўзлиги жиҳатидан ўзга навъдан ажратувчи восита “фасл” деб аталади. Инсон навъининг фасли нотиқ, яъни нутққа эгалигидир. Шунга биноан инсонга мантиқда “Инсон нотиқ ҳайвондир” деган таъриф берилган. Жинс билан хосса расм ҳосил қилади. Бир навъга хос бўлган араз “хосса” дейилади. Бир нарсани иккинчи нарсадан ажратувчиси “араз” деб аталади. Тус, ранг, маза, ҳарорат, ҳолат ва кайфият кабилар араздир. Чунки булар зотийят, яъни ўзликка хос эмас. Масалан, отнинг туси унинг ўзлигини, яъни отлигини ўзгартирмайди. Аччиқ-чучуклик бодомнинг бодомлигини, иссиқ-совуқлик сувнинг сувлигини, дард кишининг инсонлигини йўқотмайди. Кулиш инсон хоссасидир. Шунга биноан “Инсон кулувчи ҳайвон” расмдир.

сен дағи инсон муни қилсанг гумон
бил-ки, ҳамон сенсен-у ҳайвон ҳамон

муни-ки, инсон мутафовит[1] эрур
Тенгри каломи хабар андин берур[2]

пас[3] киши жазм айласа[4] инсон ани
яхши-ёмон ичра тафовут қани

булмади пас ноқис-у комилда фарқ
топмағай эл олим-у жоҳилда фарқ

бу сифат инсонда[5] топилмас фалоҳ[6]
мантиқий[7] айлаб-дур ани истилоҳ[8]

пас ани инсон атағил бериё-
ким иши-дур сабр ила шукр-у ҳаё

буйла буюрди набий-и Ҳошимий-[9]
ким бу уч иймоннинг эрур лозими

пас ани инсон демак ўлғай раво-
ким иши иймон била топқай наво[10]

эй-ки санга айладим инсонни шарҳ
эмди эшит-ким қилай иймонни шарҳ

олти турур шаръда гўё адад
ҳар неки мўминға керак муътақад[11]

айласа бу олти била ихтисор[12]
олти жиҳатдин[13] анга бўлғай ҳисор-[14]

---

[1] Мутафовит – тафовутли, фарқ қилувчи.
[2] Каломуллоҳда кишиларнинг мўмин ва кофирга ажратилганига ишора.
[3] “Пас” бу ўринда шундан кейин, шунда ҳам деган маънода. Бу сўзни “етарли” деган маънодаги “бас” сўзидан фарқлаш керак. Навоий даври имлосида “п” товуши ҳам “бе” ҳарфи билан ифодалангани учун баъзи олимлар “пас”ни ҳам “бас” деб ўқийдилар.
[4] Жазм айламак – бир тўхтамга келмак, яъни инсонда тафовут борлиги маълум бўлганидан кейин ҳам киши инсоннинг ҳаммаси бир инсон деган тўхтамга келса ...
[5] Яъни мантиқ тушунчасидаги “инсон”да.
[6] Фалоҳ – нажот, паноҳ.
[7] Мантиқий – мантиқшунос.
[8] Демак мантиқшунослар истилоҳ қилиб олган “инсон” тушунчаси мантиқ доираси билан чекланган.
[9] Муҳаммад с.ъ.с.
[10] Наво топмоқ – самарали бўлмоқ.
[11] Муътақид керак – эътиқод қилиниши керак.
[12] Ихтисор айламак – қўриқланмоқ.
[13] Олти жиҳат – ўнг, сўл, олд, орқа, уст, ост.
[14] Ҳисор – қўрғон.

ким бу хисор ўлса анинг маъмани[1]
ўғридин эмин бўлубон махзани[2]

нақдини[3] бу ҳодиса бероҳидин[4]
балки ўкуш[5] бийм[6] гузаргоҳидин[7]

ўткарибон хайр-у саломат била
қолмайин ул йўлда маломат била

мақсад-и аслийға хиром айлагай
қурб ҳари:мини[8] мақом айлагай

англадинг ижмол ила[9] таъви:лини[10]
эмди эшит ҳар бири тафси:лини

олтидин аввалғи-ки мақсу:д эрур
билмак эрур Ҳақни-ки мавжу:д эрур

айтма мавжу:д-ки айн-и вужу:д[11]
ҳар неки мавжу:д[12] анга файёз-и жу:д[13]

зоти вужу:диға бўлуб муқтазий[14]
нуқс камолидин ўлуб мунқазий[15]

андин ўлуб мунҳат ила муртафиъ
мунҳат агар муртафиъ ул мухтариъ[16]

зотиға дарё-йи қидам чун тошиб
бир ён азал бир ён абаддин ошиб[17]

---

[1] Маъман – паноҳ.
[0] Махзан – омбор, қазноқ ва зархона, яъни пул, олтин, кумуш ва жавоҳир сақланадиган жой. Русча “магазин” сўзи “махзан”нинг кўплиги “махозин”нинг русчалаштирилган шаклидир.
[3] Нақд – пул. Бундан мурод маънавий бойлик.
[4] Бероҳ – йўлсизлик.
[5] Ўкуш – кўп.
[6] Бийм – қўрқинч.
[7] Гузаргоҳ – ўтиш жойи.
[8] Қурб ҳари:ми – Ҳақ таолога яқинлашганларнинг қўрғони.
[9] Ижмол ила – қисқача.
[10] Таъви:л – ўз фикри ёки тахмини асосида шарҳлаш.
[11] Ҳақ таоло бор. Унинг борлиги арабча “мавжуд” сўзи билан ҳам ифодаланади. “Вужуд” борлик дегани ва у “мавжуд”нинг таркибида бўлиб, унга нисбатан бирламчидир. Чунки “мавжуд”нинг асил маъноси “вужуди бор”дир. Шунга биноан баъзи олий мартабадаги мутасаввифлар Ҳақ таоло вужуднинг ўзидан иборат дейдилар.
[12] Бу ўринда “мавжуд”дан мурод махлуқдир.
[13] Яъни ҳамма махлуқларга карамини тоширган.
[14] Муқтазий бўлмоқ – тақозо қилмоқ, яъни борлиқ қонунига мувофиқ содир бўлмоқ. Ҳақ таолонинг вужуди ўзгага эмас унинг ўзигагина боғлиқ.
[15] Мунқазий ўлмоқ – бутунлай тугамоқ, йўқ бўлмоқ. Яъни Ҳақ таолонинг камолида ўксуклик бутунлай йўқ.
[16] Мунҳатт – тубанлашган, тубан. Муртафиъ – юксалган, юксак. Тубанлашиш билан юксалиш Ҳақ таолодан. Агар тубан даражага тушган юксак даражага кўтарилса, бунинг мухтариъи, яъни ихтирочиси ҳам Унинг ўзи.
[17] “Қидам” қадимлик дегани. Мутакаллимлар, яъни калом илми олимлари истилоҳотида боши ва охири йўқ,

ҳар неки қойим ўзи қайю:м ўлуб[1]
бўлғуси ул барчаси маъду:м ўлуб[2]

барча жаҳон аҳлиға зоти ниҳон
мазҳар-и асмо-ву сифоти жаҳон[3]

барчани ҳам қилғучи нобу:д ўзи
барча бориб бўлғучи мавжу:д ўзи

икки жаҳон мулки мусаллам[4] анга
ўзга жаҳон бор эса ул ҳам анга

олтидин иккинчи малойикни бил
барчаға тасди:қ-и вужу:д айлагил

бил-ким эрур зойир-и афлок[5] алар
нафснинг олойишидин[6] пок алар

ҳар бири бир ажниҳа[7] товус ўлуб
дона-йи тасби:ҳ анга маънус ўлуб[8]

тоб-и маҳаббат чоғи ул ажниҳа
ўтлари туғёни учун мирваҳа[9]

бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ[10]
бир неки масно-ву сулос-у рубоъ[11]

не қадаме амрсиз олиб не дам
барча вужу:д аввалидин то адам[12]

яъни дойим бор бўлган ва бор бўладиган мавжуд “қадим” деб аталади ва бу фақат Ҳақ таолога хос. “Азал ва абаддан ошиб”дан мурод “азалу-л-озол”, яъни азалларнинг азали ва “абаду-л-абад”, яъни абадларнинг абадидир. Буларнинг изоҳи қуйироқда берилади.

[1] “Қойим” бу ўринда бор бўлиб, яшаб турувчи маъносини ифодалаган. “Қайю:м” Ҳақ таолонинг Гўзал исмларидан бўлиб, унинг ҳеч нарсага муҳтож бўлмасдан абадий сергак туришини ва барча ўзга мавжудотни бор қилиб туришини билдиради.

[2] Маъду:м ўлмоқ – йўқ бўлмоқ.

[3] Ҳақ таолонинг зоти, яъни ўзи ниҳон, уни ҳеч ким билолмайди, идрок қилолмайди. Унинг мазҳари, яъни зоҳир бўлиш ери асмоси, яъни исмларидир. Жаҳон унинг сифоти, яъни воқиъ бўлган сифатларидан иборат. Бу ўринда “исм” ва “сифат” лафз, яъни товуш ёки ҳарфдан иборат сўз эмас, соф маънодан иборатдир. Ғайб оламидаги мавжудотнинг моддий жиҳати бўлмайди. Ҳар бир исмнинг ўз сифати бор. Масалан, Ҳайй, яъни тирик – исм, ҳаёт – унинг сифати; алим, яъни билгучи – от, илм, яъни билиш – унинг сифати. Бутун махлуқотни ўз ичига олган жаҳон, яъни олам Ҳақ таолонинг Холиқ исмининг сифати, хилқат, яъни яратишнинг осори, балки воқиъ бўлиш натижасидир.

[4] Мусаллам – топширилган, таслим қилинган.

[5] Зойир-и афлок – фалакларни кезучи.

[6] Олойиш – булғаш, булғаниш.

[7] Ажниҳа – жаноҳ, яъни қанотнинг кўплиги.

[8] Маънус ўлмоқ – одатга айланмоқ.

[9] Мирваҳа – елпиғич.

[10] Инқитоъ топмоқ – тугамоқ, чекланмоқ.

[11] Масно – иккита; сулос – учтадан; рубоъ – тўрттадан.

[12] Адам – йўқлик. Яъни фаришталар Ҳақ таолонинг амрисиз на бир қадам босадилар, на дам урадилар.

пок-у мужаррад[1] борининг жавҳари[2]
туфроқ-у сув-у йел-у ўтдин барий[3]

хулд-и барин[4] қушларидек шавқнок
амр адосидин ўлуб завқнок

бир қуш[5] алар ичра-ки топмай бу завқ
фохта[6] янглиғ топибон бўйни тавқ

лаънда уч ҳарф-ки бор ошкор
ҳар биринг доманаси[7] ҳалқавор

ҳар биринг ҳалқаси топиб вусу:л[8]
тавқда малъу:н бўлуб ул булфузу:л[9]

англа учунчи қутуб-и осмон
Тенгри сўзи бил бариси бегумон

қайси қутуб ҳар бири дарё-йи жарф[10]
ҳар сўзи бу баҳрда[11] дурр-и шигарф[12]

баҳр дема ҳар бири бир турфа кон
лавл ила гавҳарға саросар макон

гар учи[13] уч шамъ-и мунаввар бўлуб
лек бири[14] машъал-и ховар[15] бўлуб

бўлса маволид-и салос[16] ул учи
бу йетти обонинг[17] ишин қилғучи

---

[1] Мужаррад – аралашсиз, соф.
[2] Жавҳар – маҳлуқнинг мояси, шаклига асос бўлган жиҳати, малак, яъни фариштанинг жавҳари нурдир.
[3] Яъни тўрт унсурдан холий. Жисм оламидаги махлуқот унсурлардан таркиб топади, мураккаб бўлади. Ғайб оламидаги маҳлуқот бир мавжуддан иборат, содда бўлади. Мураккаб таркиб ўзгариши натижасида бузилади, содда бузилмайди.
[4] Хулд-и барин – жаннатнинг юқори табақаси.
[5] Яъни Иблис.
[6] Фохта – ғуррак, бўйнида тавқ шаклидаги холлари бор.
[7] Лом, айн, нун ҳарфларининг доманаси, яъни қуйи қисми тавқни эслатади.
[8] Вусу:л топмоқ – қўшилмоқ.
[9] Булфузу:л – сурбет, ғаламус, яъни Иблис.
[10] Жарф – теран.
[11] Баҳр – денгиз.
[12] Шигарф – ажиб.
[13] Яъни Забур, Таврот, Инжил.
[14] Яъни Қуръон-и Карим.
[15] Ховар – шарқ. Шарқ машъали – қуёш.
[16] Маволид-и салос – уч мавлуд: маъдан, ўсимлик, ҳайвон.
[17] Обо – “аб”нинг кўплиги, аб –ота. Етти ота – етти сайёра. Булар маҳлуқотнинг туғилишида оталик, унсурлар оналик қилади.

бал йети обо мунга умму-л-китоб[1]
сабъ-и масоний[2] *топиб андин хитоб*

сабъ-и масоний неки ҳар су:раси[3]
давлат-у ди:н хитта-йи маъмураси[4]

бошида ҳар су:раси тазҳи:б[5] *ила*[6]
даргоҳ-и коший[7] *анга тартиб ила*

боғ анга ҳар сафҳа-йи гулшанмисол
жадвали[8] *атрофида равшан зулол*

боғ дема балки фалак не фалак
сатрлари ҳар сари саф-саф малак

бол анга ҳар дойира-йи ушргирд[9]
рутба[10] *аро бир фалак-и ложувард*

Ҳақ сўзи ҳар жузв[11] *варақ то варақ*
барча ҳақойиқ балким барча ҳақ

мисл анга маъду:м-у мушобиҳ ади:м[12]
қойили андоқ-ки қади:м ул қади:м[13]

бил яна тўртунчи расу:л маъшари[14]
ҳар бири бир баҳр-и сафо гавҳари

---

[1] Умму-л-китоб – Фотиҳа сураси.
[2] Сабъ-и масоний – бу ҳам Фотиҳа сураси.
[3] Фотиҳагина эмас Қуръоннинг ҳар сураси. “Фотиҳа”нинг “Сабъ-и масоний”, яъни иккита етти деган киноя билан аталишига иккита сабаб кўрсатилган. Бирига кўра у икки марта, Маккада ва Мадинада нозил бўлган. Иккинчисига кўра икки ракъатли намозларда икки марта ўқилади.
[4] Хитта-йи маъмура – обод макон. Хитта – маълум ҳудудга эга бўлган ер, русчаси “территория”. Маъмура жуғрофияда “маъмура” обод бўлгани учун истиво, яъни экваторнинг шимолини, ҳамда ободонни, яъни аҳолиси бор ерни билдиради.
[5] Тазҳи:б – зарҳал, яъни олтин сувини бериш ёки шунда ёзиш.
[6] Шу байт ва ундан кейинги уч байтда Қуръон қўлёзмасининг санъаткорона китобат қилиниши васф қилинган.
[7] Ҳозирги ўзбекчада бу сўз “кошин” шаклида ишлатилади. Кошин шаклида қоғоздан безак тайёрланиб қўлёзмани безашда ишлатилган.
[8] Котиб матнни кўчириб бўлганидан сўнг қўлёзма саҳифаларни безовчи санъаткор лаввоҳга ўтади. У матн атрофига рангли чорчўп, яъни ром чизади. Мана шу чорчўп жадвал деб аталади. Ҳошияни кенгроқ қолдириб, уни безайди. Бундаги безакда ариғидан зулол сув оқаётган гулшанли боғ тасвирланган.
[9] Ушр – Қуръоннинг ўн ояти. Шогирдга бир кунда ўн оят қироати ўргатилган. Дойира-йи ушргирд – ўн оятни ўраган дойира.
[10] Рутба – мақом, даража.
[11] Жузв ёки жузъ – Қуръоннинг ўттиздан бир бўлаги. Қуръон хатми ўттиз кунга мўлжалланганда ҳар куни бир жузъи тиловат қилинган.
[12] Маъду:м, ади:м – йўқ, мушобиҳ – ўхшаш.
[13] Қуръоннинг нотиқи, яъни Ҳақ таоло қадим, яъни азалий ва абадий бўлгани учун Қуръон ҳам қадимдир. Бу билан Навоий муътадилийларнинг қуръон қадим эмас, деган фикрларининг нотўғрилигини таъкидлаган. Бу масалада муътадилийлар Халифа Маъмунни ишга солиб фитна уюштирдилар. Бу ҳақда қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. “Мовароуннаҳр”, Тошкент, 2006, 143-146 с.
[14] Расу:л маъшари – расуллар, яъни пайғамбарлар гуруҳи.

барчаси Ҳақ амр ила наҳйин[1] тузуб
элга бари Ҳақ йўлини кўргузуб

ҳужжат агар истаса ҳар тийра зот[2]
ҳар бириси кўргузубон муъжизот

зоҳир ўлуб барчаға сидқ-и мақол[3]
шойиба-йи кизбға[4] йўқ эҳтимол

гарчи паямбар бориға исм ўлуб
лек алар жисми ҳам уч қисм ўлуб

зумра-йи аввал келибон анбиё[5]
ваҳй[6] ила руъёдин ўлуб пешво

сўнгра расу:л-ким неки Ҳақдин йетиб
барчасини халққа ирсол этиб[7]

сўнгра улу:лъазм-ки[8] айлаб жидол[9]
даъват-и ди:н қилғай-у ҳукм-и қитол[10]

барчасининг аъзами-ю[11] афсаҳи[12]
англа-ки келмиш набий-и Абтаҳий[13]

кўнгли Ҳақ ирсолиға росих бўлуб[14]
ди:ни русул ди:ниға носих бўлуб[15]

куфр қоронғусида ҳар мурсале[16]
ди:ни била ёрутубон машъале

---

[1] Ҳақ амр ила наҳйи – Ҳақ таолонинг “қил” деб буюргани ва “қилма” деб қайтаргани.
[2] Тийра зот – ичи қора киши.
[3] Сидқ-и мақол – сўзнинг чинлиги.
[4] Шойиба-йи кизб – ёлғонга булғаниш.
[5] Анбиё – “набий”нинг кўплиги. Набий – оддий пайғамбар, хабарчи. “Пайғамбар” ёки “пайғомбар” ёки “паёмбар” “набий”нинг маънодоши. Бунинг туркийси “ялавоч”. Аниқ таъбир лозим бўлмаганда бу сўзлар юқори мартабадаги расул ва улулъазмга нисбатан ҳам қўлланади.
[6] Ваҳй – Ҳақ таолонинг фақат пайғамбарларга нозил қиладиган хабари, каломи. Бу сўзни “ваҳий” шаклида ишлатиш тўғри эмас. Унинг “ваҳий” эмаслигини мана шу ўринда вазн ҳам тасдиқлайди. Чунки у “ваҳ-й” деб ўқилади, “ва-ҳий” деб ўқилса, вазн бузилади. Тўсатдан, тез деган маънодаги “ваҳий” сўзи борлигини ҳам эътиборга олиш керак.
[7] Ирсол этмак – топшириқни элтмак. Расул халқ орасига махсус топшириқ билан келади.
[8] Улу:лъазм – луғавий маъноси қатъиятли.
[9] Жидол айламак – тортишмоқ.
[10] Қитол – урушиш.
[11] Аъзам – энг буюк.
[12] Афсаҳ – энг чечан.
[13] Абтаҳий – Абтаҳли. Абтаҳ – қумлоқ ва тошлоқ водий. Муҳаммад с.ъ.с.га берилган бу нисбада Ҳақ таоло ҳикматига ишора бор.
[14] Росих бўлмоқ – қатъият кўрсатмоқ.
[15] Носих бўлмоқ – бекор қилмоқ. Ислом дини келгач, бошқа динлар мансух, яъни бекор қилинди.
[16] Мурсал – “расу:л”нинг маънодоши.

қилғач анинг[1] шаръи қуёши зуҳу:р[2]
қолмайин ул машъалалар ичра ну:р

хатм анга ойин-и рисолат тамом[3]
ди:н анинг исломий-у бас вассалом

келди бешинчи анга явму-л-ҳисоб[4]
дема ҳисоб айт-ки явму-л-азоб

муътақид ўлмоқ-ки[5] қиёмат бўлур
қилғанидин элга надомат бўлур

шодлиқ асҳоб-и ями:нға[6] рақам
сафҳалари лавҳиға йетмай қалам

аҳл-и шимол[7] ичра тушар можаро
номалари юзлари янглиғ қаро

тўғри тарозуға бўлур икки бош
бир сари гавҳар яна бир сари тош

кўпрук уза халқ ҳаросон бўлур[8]
бирга қатиқ бирига осон бўлур

дўзах ўти дардиға йўқ интиҳо[9]
халқ ҳалокиға бўлур аждаҳо

йетти боши гунбад-и[10] даввордек[11]
йетти оғиз ҳар бириси ғордек

гулшан-и фирдавс аро ноз-у наи:м
онча-ки йўл топмай арода наси:м[12]

ҳу:ри анинг ру:ҳ-и мусаввар[13] киби
қадд-у лаби тубий-у кавсар киби

---

[1] Яъни Муҳаммад с.а.с.нинг.
[2] Зуҳу:р қилмоқ – зоҳир бўлмоқ, воқиъ бўлмоқ.
[3] Яъни у билан пайғамбарлик хатм қилинди, тугатилди.
[4] Ҳисоб куни, яъни қиёмат.
[5] Муътақид ўлмоқ – эътиқод қилмоқ.
[6] Асҳоб-и ями:н – ўнгчилар, яъни саодат аҳли. Шодлик шуларга ёзилган.
[7] Аҳл-и шимол – сўлчилар, яъни шақоват аҳли.
[8] Ҳаросон бўлмоқ – қўрқмоқ.
[9] Интиҳо – охир.
[10] Мумтоз адабиётда “гумбаз” “гумбад” шаклида ишлатилган.
[11] Гунбад-и даввор – айланувчи гунбаз, яъни фалак.
[12] Фирдавс, яъни жаннат боғида нозу неъмат шунчалик кўпки, насим, яъни елга ҳам йўл топилмайди.
[13] Мусаввар – суръат олган, шаклланган. “Суръат” фалсафадаги “шакл” маъносида қўлланади. Руҳ – жавҳар, уни кўриб бўлмайди. Унга суръат, яъни шакл берилгач, у кўринишга эга бўлади.

сокиниға жом-и бақодин уми:д
қайси бақо балки лиқодин[1] уми:д

содис[2] анга келди ҳади:с-и қадар
бил азалий сабт[3] неким хайр-у шар.

соф-у тўла бўлғали[4] жом-и аласт[5]
бўлғуча ул майдон абад аҳл-и маст

дема тамуғ йетти эшигин очиб-
ким йети оғзи анинг ўтлар сочиб.

ҳар не бу мажлис аро топти вуқу:ъ[6]
хоҳ усу:л англа-ву хоҳий фуру:ъ[7].

маст агар тортти ноху:ш садо,
мутриб агар айлади дилкаш наво.

баъзи агар Каъба сари қилди азм,
баъзи агар дайр[8] аро тузди базм.

бодияда[9] ул[10] чекибон юз ано[11],
бўлди мунунг маскани дайр-и фано.

маст чиқиб муғбача-йи[12] майпараст,
қилди салоҳ аҳлини расво-ву маст

зоҳид[13] агар бўлди бориб дурднўш[14],
фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш[15].

---

[1] Лиқо – дийдор. Ҳақ таолонинг дийдори назарда тутилмоқда.
[2] Содис – олтинчи.
[3] Азалда сабт, яъни қайд қилинган.
[4] “Бўлғали” бу ерда бўлгач маъносида.
[5] Жом-и аласт – инсон руҳларининг азалда Аъроф сурасининг 72-оятида баён қилинган мийсоқ чоғидаги ўта хуш кайфи. Мийсоқ инсоннинг ўша давр ва ўша ҳолатда Ҳақ таолонинг ўз рабби эканлигини тан олиб, унга бандалик қилишга аҳд қилганидир. Бу аҳдга вафо қилган мўминлар абад аҳли, яъни жаннатий бўлиб, ўша азалий кайфдан тўлиқ баҳраманд бўладилар.
[6] Вуқу:ъ топмоқ – воқиъ, содир бўлмоқ.
[7] “Усул” сўзи “асл”нинг кўплиги. “Асл”нинг туб маъноси илдиз. Аммо “усул” деганда бирор илм ёки амалнинг асослари ёки асосийлари ҳам тушунилади. “Фуру:ъ” бутоқ ва тармоқ маъноларидаги “фаръ” нинг кўплиги. Демак “фуру:ъ” мазкур маънодаги “усул”нинг тармоқларидир. Масалан, намоз ибодат усулининг бири, уни ўташ тартиби шу аслнинг фуруъидир.
[8] “Дайр”нинг ҳақиқий маъноси ғайриисломий ибодатхона, мажозан майхона ва майпарастларнинг тўпланадиган жойини билдиради.
[9] Бодия – саҳро.
[10] Яъни ҳажж сафаридаги киши.
[11] Ано – машаққат.
[12] Муғбача “муғ” оташпараст руҳоний, “муғбача” мажозий маънода соқийлик қилувчи бўз болани билдиради.
[13] Ибодатга берилган киши “обид” дейилади. Тарки дунё қилган обид зоҳиддир.
[14] Дурднўш – май қуйқасини ичувчи, яъни ўта майпараст.
[15] Хирқапўш – хирқа, яъни дарвеш кийимини кийган; дарвеш, суфий.

барчаси Ҳақ илмида маълу:м эди
лавҳа-йи маҳфузда марқу:м[1] эди

не йетибон яхши амалдин биҳишт[2]
не солибон дўзах аро феъл-и зишт[3]

улки қилиб Тенгрига минг йил сужу:д[4]
бўлса шақий-и[5] азалий қайда су:д[6]

муғбачалар дайрда қилған ҳалок
бўлса саид-и[7] абадий қайда бок[8]

кимга-ки бу олтиға бор эътиқод
ҳам бу сифат бирла-ки қилдим савод[9]

ҳар неча-ким номасияҳ бўлса ул
ғарқа-йи дарё-йи гунаҳ бўлса ул

тонг йўқ агар афв ўлуб уммид анга
тутса илиг раҳмат-и жови:д[10] анга

лек бу дард ўти эрур жонгудоз[11]
ушбу гудоз ичра куюб аҳл-и роз[12]

бу бири ўз ҳолиға мотам тутуб
ул бири тарк-и бори олам тутуб.

ким бу бийик поя-ки қилдим баён
кимга йетар-йетмаси эрмас аён

йетмаги ҳам кимсага мутлақ эмас
йетмаси ҳам жазм-у муҳаққаҳ[13] эмас

---

[1] Марқум – ёзилган. Лавҳ-и ёки лавҳа-йи махфуз, яъни эсда сақлов лавҳаси ва ундаги ёзув моддий эмас, маънавий мавжудотдир. Бу "Ҳақ илмида" дегандан маълум. Бинобарин, баъзи китобларда бир фаришта лавҳ-и маҳфузнинг бу бошидан у бошига шунча йилда етиб боролмади каби маълумотлар хурофий гаплардир. Буни англаш учун инсон миясига боқишнинг ўзи кифоя қилади. Унда сиёҳ билан ёзганда оламга сиғмайдиган маълумот сақланади.
[2] Биҳишт – жаннат.
[3] Зишт – хунук.
[4] Сужу:д – сажда амали.
[5] Шақий – бадбахт.
[6] Қайда су:д – не фойда.
[7] Саид – саодатли.
[8] Қайда бок – не ажаб.
[9] Савод қилмоқ – ёзмоқ.
[10] Жови:д – абадий.
[11] Жонгудоз – жонўртар.
[12] Роз – сир. "Аҳл-и роз" бу ўринда "маъно аҳли"нинг маънодоши.
[13] Жазм-у муҳаққат – қатъий ва ҳақиқий.

кофир-у мўъмин сари қилсанг соғинч[1]
не анга яъсу[2] *не мунинг кўнгли тинч*

кўйдурубон халқни бийм-у[3] *уми:д*
то худ[4] *эрур ким шақий-у ким саид*

махлас[5] *иши барчаға ният дурур*
топмоқ ани лек машият[6] *дурур*

Иймоннинг бу баёнида умримизнинг баракали бўлиши учун зарур бўлган ҳаёт сабоқлари мавжуд. Бу сабоқлар тириклигимизнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олган. Буларнинг энг муҳими суврат аҳли сафидан чиқиб, маъно аҳли сафига ўтишдир. Шунда киши ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодисанинг кўринишига қараб чиқарилган юзаки хулосага таяниб эмас, уларнинг мазмуни ва оқибатини ҳисобга олган ҳолда иш кўради. Ақлни ишлатиш керак бўлган ҳолда кўз билан чекланмайди. Масалан, маъно аҳлидан кийиниш одобини ўрганиб, шунга амал қилган шахс четпарастликнинг модапарастликка асосланган кийиниш "маданияти"нинг[7] нодонлик эканлигини ва кийимнинг вазифасини англаган ҳолда табиий толалардан тўқилган матодан тикилган кийимларни кияди.

Мазкур икки тоифа орасидаги жиддий фарқ уларнинг нонга бўладиган муносабатида яхши кўринади. Суръат аҳлига мансуб киши унинг бозордаги нархига қараб арзон нарса деб ўйлайди ва уни уволу исроф қилишдан тортинмайди. Агар шу арзон нон бир-икки кун топилмаса, кишиларнинг қандай аҳволга тушишини, ҳозир дунёда неча миллионлаб кишиларнинг қорни нонга тўймай нобуд бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди, ўз элидаги фаровонлик ўз халқининг кечаю кундуз тинмасдан қилаётган меҳнатининг натижаси эканлигини билмайди. Маъно аҳлига мансуб киши эса ўша нонннинг вужудга келиши учун деҳқон куздан бошлаб ер ҳайдаб турли ҳозирликларни кўриб, донни экиб, унга тинмай ишлов бериб, ундириб, пишириб, сўнгра жазирама иссиқда уни ўриб, хирмон қилиб, янчиб, донни давлатга топширишини, ундан сўнг унинг тегирмончи ёки элеватор ишчиларининг қаттиқ меҳнати натижасида ун бўлишини, кейин нонвойлар туни билан ухламасдан унни нон қилиб чиқаришини, мабодо шу нон бўлмай қолса, кишиларнинг аҳволи қандай бўлишини, дунёда аҳолиси нон тополмай касал ёки ҳалок бўлаётган мамлакатлар борлигини, кечаю кундуз фикри нон билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўлган минглаб олимлар мавжудлигини, инсонни нон билан таъминлашда бутун табиатнинг, қуёш, ер, сув, ҳаво, турли-туман унсурларнинг иштироки борлигини

---

[1] Соғинч қилмоқ – ўйлаб кўрмоқ.
[2] Яъс – умидсизлик.
[3] Бийм – қўрқув. "Бийм-у уми:д" "хавф-у ранж"нинг маънодоши. Бу мўъминнинг нажоти учун зарур бўлган кайфиятдир.
[4] "Худ" бу ерда ахир маъносида: ким шақий, ким саид ахир.
[5] Махлас – паноҳ.
[6] Машият – юриш-туриш.
[7] Кейинги йилларда кўпгина сўзларни, жумладан, "маданият" сўзини суйистеъмол қилиш кузатилмоқда. Бу ҳол русчадаги "культура" сўзининг ўзига хос маъноларига эътибор бермасдан, уни ҳамма ўринда "маданият" деб таржима қилиш натижасида юз бермоқда. "Культура"нинг "маданият"дан ташқари яна бир неча маъноси бор. Масалан, у "хлопок техническая культура" деганда экинни билдиради, "культура торговли", "культура общения", "культура речи" деганда ўзбекчадаги "одоб" сўзига тўғри келади. Ўзбекчада "пахта техник маданият", "савдо маданияти", "муомала маданияти", "нутқ маданияти" деб бўлмайди. "Культура"нинг ўзаги "культ" адаб, парвариш, сиғиниш маъноларига эга ва инсондан ташқари ўсимлик ва ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланади.

ҳисобга олади ва шунчалик бебаҳо неъматни арзон нархда тақдим қилаётган меҳнаткаш халқига ташаккур айтиб, уни қадрлаб истеъмол қилади ва ўз бурчини ўрнига қўйиб адо этади, халқига сидқ-и дилдан мамнуният билан хизмат қилади.

Навоий иймоннинг кишини ҳайвондан инсон даражасига кўтарувчи бош омиллигини изҳор қилар экан инсонийликнинг тўкис бўлиши учун ҳаё, сабр ва шукрнинг зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу замонамиз учун жаҳоншумул аҳамиятга эга. Чунки шарқона ҳаё мафкураси ҳаёсизликни демократик эркинлик деган мафкура ва унинг жамиятни ҳалокатга олиб келувчи оқибатларини яхши англаш воситасидир. Сабр ва шукр фазилатидан маҳрумлик дунё бўйлаб кишиларни ўз жонига, ҳатто ўзлари билан бирга ўз фарзандларининг жонига қасд қилишгача олиб келмоқда. Иймон ва инсоний фазилатлардан бебаҳралик ёки уларни ёвуз ниятли сиёсатчилар талқинида нотўғри тушуниш натижасида бегуноҳ аҳолини худкушлик йўли билан ҳалок қилувчи залолатда қолган шахслар ҳам оз эмас. Бу балоларнинг олдини олишнинг бош йўли ҳидоятга оид меросимизни, жумладан, Навоийнинг асарларини оммалаштиришдир.

ҲАЗРАТ ТАРИЙҚАТ ҲАҚИДА

“Тарийқат” сўзи “тарийқ” сўзидан “-ат” қўшимчаси билан ясалган. Бу қўшимча арабчада “-а”, “-ату(н)”, “-ата(н)” шаклларига эга. Охирги товуш “н” сўз ноаниқ ҳолатда ёки кесим бўлиб келганда қўшилади. Ўзбек тилида бу ҳолат “бир” сўзи билан ифодаланади[1]. Қўшимчадаги “у” сўзнинг бош шаклини, “а” ва “и” унинг турланган шаклини билдиради. Масалан, арабча “бу йўл кенг” деганда “йўл” “ат-тари:қу”, “бир кенг йўл бор” деганда “тарийқун”, “бу йўлни таъмирлаш керак” деганда “ат-тари:қа”, “бир йўл топиш керак” даганда “тари:қан” шаклида ишлатилади. Ўзбекчада “-нинг”, “-га”, “-дан”, “-да” қўшимчалари келадиган ўринларда арабчада аниқ ҳолатда “-и”, ноаниқ ҳолатда “-ин” келади. “Тари:қ”нинг асл маъноси йўл бўлиб, йўриқ, услуб маъноларида ҳам қўлланади.

Бир тоифанинг оламу одам ҳақиқатини англаш учун танлаган махсус йўли “тарийқат”[2] деб аталади. Ҳамма тарийқатларнинг мақсади бир, лекин тарийқи турлича бўлади. Тарийқ ва тарийқатларнинг умумий номи сулукдир. Ҳар бир тарийқат сулукнинг муайян бир мазҳаби, янгича таъбир қилганда мактабдир.

Сулукка **сайр(ун) ила-ллоҳ**, яъни Аллоҳ ҳузурига йўл олиш деб таъриф берилган. Сулукка кирган киши “солик”, “роҳрав”, “йўлчи” деб аталади. Сулук талабдан, яъни Ҳақни исташу излашдан бошланади. Бу йўлдаги солик “толиб” деб аталади. Толибга талаб йўлида сидқ – чинлик, содиқлик, яъни ҳар қандай вазиятда ҳам чин кўнгилдан мақсадга интилиш зарур бўлади. Навоийнинг қуйидаги байтида толиб ўз талабида содиқ бўлса, Ҳақ таоло уни қаршилашига ишора бор:

Толиб-и содиқ топилмас йўқса ким қўйди қадам
Йўлға-ким аввал қадам маъшуқи утру келмади.

Содиқ толиб тараққиёт даражасида ўзини ширк, риё ва кибрдан қутқаради, нафсини жиловлайди, хулқини гўзаллаштиради, бошига тушган кулфатларни, дарду мусибатларни

[1] “Бир” сон билдирганда урғули, ноаниқлик билдирганда урғусиз бўлади. Масалан, битта одам маъносида “бир-о-дам” деб, кимдир маъносида “би-ро-дам” деб айтилади.
[2] Бу сўз арабчада “тарийқа” шаклида ҳам ишлатилади.

Ҳақ таолонинг синов илтифоти деб билади ва кўнглидан мосиво-ллоҳни, яъни Аллоҳ ёдидан ўзга ҳамма нарсаларни чиқариб ташлайди.

Ширк жалий, яъни очиқ ва хафий, яъни яширин бўлади. Бутпарастлик жалий ширкка, шахспарастлик хафий ширкка киради. Шахспарастлик кишини қўрқув ёки дунёвий манфаат учун сиёсий ёки иқтисодий қудрат эгаси қаршисида иймон ва шариат ҳукмларига хилоф амалларни қилишдир. Ширк-и хафий риё ва мунофиқликни ҳам ўз ичига олади. Мунофиқ тасаввуф таърифида эзгу амалларни холисона эмас, риёкорона, яъни ўзини яхши қилиб кўрсатиш учун қилувчи дунёпарастдир.

Содиқ толиб талаб тарийқини ўтаб нафсоний иллатлардан бутунлай қутилиб, хушахлоқ ва хушамал бўлгач, солик Ҳақ таолонинг инояти билан ошиқлик мартабасига кўтарилади. Ҳақ таоло вақти вақти билан бир зумдан жамоли учқунидан толибни баҳраманд қилиб, ишқ тарийқига олиб киради. Бу ҳақиқий, яъни илоҳий ишққа ҳазрат-и Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Ишқ зикрида” деган фаслида шундай таъриф беради:

Ишқ ахтаре-дур[1], дарахшанда, башарийят кўзи ну:р-у зиёси андин ва гавҳаре-дур, рахшанда, инсоният тожининг зеб-у баҳоси андин, меҳре-дур толиъ[2], маҳзун[3] хотирлар хористони[4] андин гулшан ва бадре-дур[5] ломи:ъ[6], тийра[7] кўнгуллар шабистони андин равшан, баҳре-дур[8] васи:ъ[9], ҳар играми юз ақл-у ҳуш кемасин чўмурған ва тоғе-дур рафи:ъ[10] ҳар тийғи минг зуҳд-у тақво бошини учурған. Шуълайе-дур сўзанда, хошоки кўп жон-у кўнгул бўлған ва барқе-дур[11] фурўзанда[12], кўп жон-у кўнгул ашиъъасида[13] кул бўлған, аждаҳойе-дур хунхор, оламни дами била тортмоқ анга ком, подшоҳе-дур қаҳҳор, коми ҳар дам олам аҳлиға қатл-и ом. Ҳар неча зулм қилған сайи анга ўсанмоқ йўқ ва ҳар неча қон қилған сайи анга қонмоқ йўқ. Соъиқайе-дур[14], ақл-у ди:н хирманин куйдиргучи ва сарсаре-дур аларнинг кулин кўкка совурғучи. Иноди оллинда тенг ҳам подшоҳ, ҳам гадо, бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо. Ошиқ кўнглига маъшуқ ҳавосин солғучи ҳам ул ва бир жилваси била нақд-и ҳаётин олгучи ҳам ул. Ва ошиқ мундоқ балонинг гирифтори-ю мундоқ офатнинг беихтиёри, мундоқ тўфоннинг ғарийқи-ю бу навъ соъиқанинг ҳарийқи[15], мундоқ ғаддорнинг забуни-ю мундоқ девкирдорнинг мажну:ни. Ва мундоқ ошу:бнинг шифтаси-ю бу янглиғ қотилнинг фирефтаси, бу тавр хунрезнинг ҳалоки-ю бу турлуг балоангезнинг дардноки.

Ишқ кўҳистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳод-дур ва саҳро-йи жунуннинг забунларидин бири Мажну:н-дур. Ва шабистон савдоси девоналаридин бири парвона ва гулистон ҳавоси ношикебларидин[16] бири андалиб-и[17] давона ва оташгоҳ ҳарорати

---

[1] Ахтар – юлдуз. Бу ва бундан кейинги сўзларга қўшилган “е” “ё-йи тавсифий”, “ё-йи ишорат”, “ё-йи имойий” деб аталадиган кўмакчи бўлиб шундай ... ки (ишқ шундай юлдузки) ўрнида ишлатилди.
[2] Дарахшанда – порлоқ; рахшанда – ялтироқ; меҳр – қуёш; толиъ – осмонга чиқувчи.
[3] Махзун – ғамгин.
[4] Хористон – тиканзор.
[5] Бадр – тўлин ой.
[6] Ломиъ – ёрқин.
[7] Тийра – қоронғи.
[8] Баҳр – денгиз.
[9] Васиъ – кенг.
[10] Рафиъ – юксак.
[11] Барқ – яшин.
[12] Фурўззанда – яшнагучи.
[13] Ашиъъа – шуъоъ (чақин)нинг кўплиги.
[14] Соъиқа – чақмоқ.
[15] Ҳарийқ – куюк.
[16] Ношикеб – тоқатсиз.
[17] Андалиб – булбул.

гармравларидин[1] бири Хусрав-и номий-у майкада дардманлиғи номийларидин[2] бири Жомий наввара-ллоҳу марқадаҳу ну:ран[3] ваффақано-ллаҳу тарийқа шиъориҳим ва аҳдоно ли-сулу:ки осориҳим[4].

Байт:

Ки то бўлғай булар бир-бирлари бирла қарийн[5] бўлсун,
Самандарлар киби ишқ ўти ичра ҳамниши:н бўлсун.

Бу таъриф қилған ишқ-у бу баён эткан аҳл-и ишқ маъшуқ вужу:ди бирла қойим-дурлар ва бу адо топқан ҳолатға мансублуқлари дойим. Ва ул маъшуқ ҳусндин иборат-дур-ким “Инна-ллоҳу жамийлун юҳиббу-л-жамол”[6] андин хабар берур-ким, ишқ бу эътибор-у жалоли била ва бу ихтиёр-у истиқлоли била ҳусн саропарда-йи[7] кибриё-ву[8] боргоҳ-и[9] истиғноси[10] бир банда-йи човуш-у[11] бир камийна ҳалқабагўш-дур-ким[12], ҳар қачон ҳусн султони маҳбублуғ ниқобларидин-у мастурлуғ ҳижобларидин чиқмоқ асбобин тузса ва зуҳу:р тажаллийси била жилва кўргузса, ул ну:р ошиқ-и маҳжур[13] кўзи равзани[14] ши:шалари гавазн[15] кўзи ши:шалари-дек ҳайрон қилиб ишқ-и бебок айёри ул равзан йўлидин ўзин кўнгул маъмурасиға[16] ташлар ва ул маъмурада хароблиғ оғоз қилиб, хирад-у ҳуш хайлиға қўзғалон сола ташлар. Ул маълум эмас-ким, ҳусн султонининг бу золим човуши бедодидин ул мулк аҳлининг мазлумлари неткай-у ҳоллари анинг ташаддуди[17] суъу:батидин[18] не йерга йеткай. Бо-вужу:д-и бу ҳол ул кишварнинг асирлари ва ул мулкнинг қатл-у торож кўрган аҳли фазаъ-у[19] нафирлари[20] ул жилва майидин маст-у беҳуд-у ул жамол тамошосидин волиҳ-у[21] ҳайрон бўлиб, анинг ҳавосиға машъу:ф-у[22] анинг тамошосиға мағлуб бўлурлар.

Эмдиким ул кишварни тасхир қилди ва ул мулк аҳлин яғмода асир этти, яна ул султон жилвагоҳ фазо-йи Эрамидин хилватгоҳ хафоси[23] ҳарамиға майл этиб, ҳамул ну:р-у зулмат пардаларига юзланса ва жамол қуёшин ҳамул шабандаррўз[24] ниқоб саҳобларига яшурса ва

---

[1] Гармрав – ишқ ҳарорати соҳиби.
[2] Номий – номдор, таниқли.
[3] Яъни Аллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин.
[4] Яъни Аллоҳ бизга уларнинг шиорининг йўриғини муяссар қилсин, уларнинг изидан бориш йўлини кўрсатсин.
[5] Қарийн – ёнма-ён.
[6] Яъни Аллоҳ гўзалликни севадиган гўзал.
[7] Саропарда – сарой пардаси.
[8] Кибриё – улуғворлик.
[9] Боргоҳ – қабулхона.
[10] Истиғно – номуҳтожлик.
[11] Човуш – лашкарбоши.
[12] Ҳалқабагўш – қул.
[13] Маҳжур – айриликдаги киши.
[14] Равзан – ёриқ.
[15] Гавазн – буғи.
[16] Маъмура – обод маскан.
[17] Ташаддуд – шиддат олиш.
[18] Суъу:бат – қийинлик.
[19] Фазаъ – қўрқинч, фазаъ-и акбар – қиёмат даҳшати.
[20] Нафир – фарёд.
[21] Волиҳ – ишқ мағлуби. Бу сўзни “вола” деб ўқиш хато. Чунки “вола” нозик ипак кўйлакни ва ғазабдан қизишган кишини билдиради.
[22] Машъуф – ўта ошиқ.
[23] Хафо – яширин ҳолат.
[24] Шабандаррўз – кундузда тун.

бу турктоз[1] топиб, мусаххар бўлган мулк аҳлиға ва бу қатл-у торож кўруб бузулган кишвар элига ул тамошо ҳирмонидин[2] ва ул назора имтидоди[3] аршидин рустохезе тушланғай ва қиёмате юзлангай-ким, жазаъ-и акбар[4] вовайлоси ва ошўб-у фазаъ-и маҳшар асафоси аларнинг ниҳодидин фалак-и ғаддорға майл эткай ва бу сипеҳр-и давворға йеткай.

Бу ҳолате-дур-ким, мунунг шиддати тақриридин нари ва суъу:бати таҳриридин ташқари-дур-ким, муни кўрмаган киши билмас ва мунга йетмаган бовар қилмас-ким, ҳижрон-у фироқ мундин иборатдур. Ва ишққа маротиб-дур ва ул уч қисм била мунқасим бўлур. Аввалғи қисм авом ишқи-дур-ким авому-н-нос орасида бу машҳур-у шойи:ъ-дур-ким[5], дерлар: Фалон фалонға ошиқ бўлубтур. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлсун, шағаб-у[6] изтиробларича лаззат-и жисмоний-у шаҳват-и нафсоний эмас. Ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳ-дур-ким, бари халойиққа суннат-дур-у мубоҳ[7]. Ва пастроқ мартабасида пари:шонлиқ-у мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ-у ноҳушлиқларе-ким, зикри тарк-и адаб-дур ва баёни беҳижоблиққа сабаб.

Иккинчи қисм хавосс ишқи-дур-ким, хавосс ул ишққа мансуб-дурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ-дур ва пок кўнгул ул пок юз ошу:бидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқ-и покбоз маҳбуб-и ҳақи:қий жамолидин баҳра олмоқ. Ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқ-у ниёз аҳлининг назмтироз-у[8] афсонапардозлари[9] мутақаддимин-дин[10] андоқким назм бешасининг[11] ғазанфари[12] ва дард-у ишқ оташкадасининг самандари ва завқ-у ҳол[13] водийсининг покрави Амир Хусрав Деҳлавий-дур-ким, пок нафас-у гуфтори, пок алфоз-у маонийлиқ ашъори ишқ аҳлининг орасида ғавғо-ву важд-у ҳол анжумани фазосида алоло солиб-дур. Яна сўзи пок-у кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад-у мунфарид-у[14] бебок бу то-ифанинг беназир-у ади:л-у тоқи фахру-л-милла ва-д-ди:н Шайх Ироқий-дур-ким, ишқ сифо-тиға муттасиф-дур[15] ва “Ламаъот”и[16] пок маъоний-у тарокибиға[17] мусанниф-дур.

Ва мутааххириндин[18] икки оламни бир дов била ўйнаған муқаммиршевалар[19] покбози ва ишқ дайр-и фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар[20] ҳамрози шамсу-л-милла ва-д-ди:н Хожа Ҳофиз Шерозий-дур.

Дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулк-у малакутда сойир-лар[21] шайху-л-исломий ҳазрат-и муршидий ва маҳдумий[22] ну:ру-л-милла ва-д-ди:н Абду-

---

[1] Турктоз бўлмоқ – турк чопқинининг мағлуби бўлмоқ.
[2] Ҳирмон – маҳрум бўлиш.
[3] Имтидод – давом этиш.
[4] Жазаъ-и акбар – қиёмат фарёди.
[5] Шойи:ъ –ёйилган.
[6] Шағаб – безовталик.
[7] Мубоҳ – шаръан жойиз.
[8] Назмтироз – шоир.
[9] Афсонапардоз – достончи.
[10] Мутақаддимин – “мутақаддим” (қадимги, олдин ўтган)нинг кўплиги.
[11] Беша – тўқай.
[12] Ғазанфар – ўроз, яъни эркак арслон.
[13] Завқ-у ҳол – соликнинг пок, яъни Ҳақ таолодан ўзга ҳеч нарса қолмаган кўнгилда илоҳий нур жилоланади-ган онлар.
[14] Мужаррад-у мунфарид – алоҳида мақомга эга бўлган ягона шахс.
[15] Муттасиф – сифатга эга.
[16] Ламаъот – Ироқийнинг асари.
[17] Тарокиб – “таркиб”нинг кўплиги.
[18] Мутааххирин – охиргилар, қадимгилардан кейингилар.
[19] Муқаммиршева – қиморбоз йўлини тутган.
[20] Ринд – тақводор ва зоҳиднинг зидди. Юзаки қараганда амаллари ношаръий бўлиб кўринган киши.
[21] Сойир – сайр қилувчи, кезувчи.
[22] -ий – -им .

раҳмон Жомий-дур наввара-ллоҳу марқадуҳу-ким агарчи, алар васфи назмға нисбат берур-дин юқорироқ-дур ва лекин ҳар услуб шеърда жаҳонгир-дурлар ва назмларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламға уруб-турлар ва шеърларида ҳар байт била дард аҳли жон-у кўнгли оламин куйдируб-дурлар.

Яна ул ҳазрат-и Жом маҳаббатидин дуркашлар-у[1] иршоди сулу:кидин фонийвашлар-ким, дард-у ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомиз ва сорт хайлида офатангиз-дур, борининг ғарази гуфторлари иштиғолидин ва ашъорлари қийл-у қолидин бу ишқ изҳори-дур ва барчанинг шавқ-у ано ёлинидин ажз-у ниёзлиқ ҳолати ва дард-у бало чоқинидин сўз-у гудозға[2] мубоҳоти[3] ўзин бу ишққа мансуб қилмоқ-дур, балки мағлуб билмак. Буйла кўрунур бу ишқ оламида ошиқлиқнинг саъб ҳоли ва маъшуқнинг муфрит[4] васф-и жамоли ҳар йерида ҳар биринг ажаб ҳолоти-ю ғариб ҳаёлоти ва ғоятсиз булъажаблар-у ниҳоятсиз ранж-у таъаблар-ки юзланиб-тур ва анинг изҳори лозим келиб-дур. Ул жумладин, маъшуқ ҳусн-у жамолининг бениҳоятлиғи ва ноз-у истиғносининг беҳадд-у ғоятлиғи ва андоқ аҳвол-ким, мунга мувофиқ бўлғай, андин сўнг ошиқ дард-у шавқининг фаровонлиғи ва ажз-у ниёз сў:з-у гудозининг бепоёнлиғи ва ҳар уму:р-ким, мунга муносибдур. Яна иккаласининг бир бирига имтизожи-ю[5] таркибидин ва ихтисоси-ю тарбиятидин вуқу:ъ топқан ҳолот адосида ва юз кўргузган мушкилот имлосида-ким, ҳар бирида агар китоблар тасни:ф қилинса-ву мужалладлар тартиб этилса, ҳануз улча анинг адосининг ҳаққи-дур, таҳрирға кетурмаг-у тақрир қаламин сурмак мутағаййи:р кўрунур[6], балки мутаъаззир-дур[7]. Ва койинот бозорининг ғавғоси-ю унсурийёт чорсусининг алоласи бу такаллум-у тараннум била-дур. Ва мунсиз инсон каломи тане-дур жонсиз ва башар алфоз-у иборати чамане-дур гул-у райҳонсиз. Сўз-ким, дард чошнийсидин[8] ҳарорати бўлмағай ва назм-ким ишқ ҳароратидин хирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил-у сарварсиз жамь гумон қил. Ҳосило-ким, сўзга бу тарона-дур-у мундин ўзга барча афсона-дур. Ва сўз ишқ сўзи-дур-у кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзи-дур.

Байт:

Сўз-ки маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳаррукиз[9] бадан англа-ки, жони бўлмағай.

Ҳикоят:

Мажну:н ишқи ўти ҳажр-и жонгудозиға улашти, заъиф баданиға ул ҳароратдин иситма шуъласи туташти. Ҳар муолажа-ким қилдилар су:д этмади мараз[10] ортти-ю иситма кетмади. Чун бемор иши назъ[11] ҳолиға йетти, биров ул ҳолдин Лайлоға хабар этти. Парийвашни ул хабар ношод қилди, девонасин сўрарға нома савод қилди. Қосид-ким[12] ул номани Мажну:нға йеткуруб берди, ру:ҳдин танда рамақ[13] йўқ эрди. Меҳрибонлар-ким, номани

---

[1] Дуркаш – май қуйқасини ичувчилар – Жомий маҳаббатидан баҳра олганлар.
[2] Сў:з-у гудоз – ёниб ўртаниш.
[3] Мубоҳот – фахрланиш.
[4] Муфрит – ҳаддан ортиқ.
[5] Имтизож – қотишув.
[6] Мутағаййи:р кўрунмак – эриш туюлмоқ.
[7] Мутаъаззир – узрли.
[8] Чошний – маза.
[9] Таҳаррукиз – ҳаракатсиз.
[10] Мараз – касаллик.
[11] Назъ – жон узилиши.
[1] Қосид – даракчи.
[2] Рамақ – сўнги нафас.

мутолаъа қилдилар, беморға истимоъидин[1] асар билдилар. Ҳар ким-ки ани такрор этар эрди, ул нафасдин бемор танига ру:ҳ йетар эрди. Ул дам-ким иши ҳирз-у[2] дуъодин ўтди, маъшуқ номаси ҳирз-у дуъо йерин тутти. Мари:з[3] заъфдин сиҳҳат топқунча такрор қилди, чун сиҳҳат, бўйинға тумор қилди. Ишқ сўзидин марази сиҳат топди ва ул сўз такроридин бадани қувват.

Байт:

Ошиққа гарчи заъф-у маразлиқ дурур мизож,
Маъшуқ зикри ул маразиға эрур илож.

Учинчи қисм сиддиқлар ишқи-дур-ким, алар Ҳақнинг тажаллийёт жамолиға мазоҳир[4] воситасидин айру волиҳ-у мағлуб-дурлар ва ул мушоҳада беҳудлиғида алардин шуъур маслуб[5]. Шуҳудлари истиғроққа йеткан[6] ва ул истиғроқдин истиҳлок[7] мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис йели сипеҳр[8] гулшани авроқин[9] учурса, аларға андин хабар йўқ ва анжум[10] гулбаргларин ҳар сори совурса аларға андин асар йўқ. Ҳавосслари[11] нокор тажаллийёт жамоли садамотидин[12] ва шавқлари номиқдор ишқ ҳужу:ми ғалаботидин. Анбиё-йи мурсалин[13] йеткандин назарларин мақсу:ддин олмай ва малойика-йи муқаррибин[14] ўткандин назарларин ул сари солмай. Ҳоллари матлу:б[15] мушоҳада-йи жамоли ва иштиғоллари ҳам анинг мулоҳаза-йи санойи:ъ-у[16] жамоли. Висол майи зўридин кўнгуллари бехуд-у маст, мутаъоқиб[17] тажаллийёт сатватидин[18] аъзоларида шикаст. Васл бодасидин ўзга ру:ҳларига ком йўқ ва Ҳақ мушоҳадасидин ўзга кўнгулларига ором йўқ. Булар-дур ишқда васлдин ком топқан ва “ъинда малийкин муқтадир”[19] мақомида ором топқан. Ва бу тоифани восиллар[20] деб-дурлар, ишқдин васл мақсу:ди ҳосиллар.

Ҳикоят:

Ҳаж шарафин ҳосил қилған машойих-у авлиё ъалайҳи-т-таҳийят ва-д-дуъо Арафотда муножот қилиб, ҳар қайси бир мурод истар эрди ва ўзлари учун бир тилак тилар эрди. Ва кўпнинг дуъоси бу эрди-ким, Илоҳий, бизга тавфиқинг бирла ҳамроҳлиғ бер ва ўз ҳақиқатингдин огоҳлиғ. Ва кутбу-с-соликин ва султону-л-ъорифин ирфон тарийқида авлиёдин мумтоз Шайх Абу Саъид Ҳарроз қуддиса сирру:ҳу-л-азийз оғзида сукут муҳри

---

[3] Истимоъ – тинглаш.
[4] Ҳирз – тумор.
[5] Мари:з – бемор.
[6] Мазоҳир – “мазҳар” (зоҳир бўлиш ўрни)нинг кўплиги.
[7] Маслуб – тортиб олинган.
[8] Яъни Ҳақ таолонинг жамоли тамошосига ғарқ бўлган.
[9] Истиҳлок – ҳалок бўлиш.
[8] Сипеҳр – осмон.
[9] Авроқ – “варақ”нинг кўплиги.
[10] Анжум – “нажм” (юлдуз)нинг кўплиги.
[11] Ҳавосс – “ҳосса” (ҳис узви)нинг кўплиги.
[12] Садамот – “садама” (шикаст)нинг кўплиги.
[13] Анбиё-йи мурсалин – илоҳий китоб соҳиби бўлган пайғамбарлар.
[14] Малойика – малак (фаришта)нинг кўплиги. Муқаррабин – “муқарраб” (яқинлашган)нинг кўплиги. Бу таъбирдан мурод Ҳақ таолонинг яқинлари бўлган Жаброил, Азроил, Микоил ва Исрофилдир.
[15] Яъни Ҳақ таоло.
фойиъ – “санъат”нинг кўплиги.
[17] Мутаъоқиб – кетма-кет.
[18] Сатват – қудрат.
[19] Яъни қудратли Малийк ҳузурида (Қамар сураси, 55-оят). Малийк Ҳақ таолонинг исмларидан бири.
[20] Восил – васлга эришган.

зоҳир ва жамол-и тажаллийётқа мустағрақ-у мутаҳаййир[1] туруб эрди, кўзин осмонға уруб эрди. Биров деди-ким, ё шайх, дуъо бу маҳалда мақбул-дур ва бори машойих дуъоға машғул. Сен нечук дам урмассен ва дуъо рахшин ижобат майдониға сурмассен? Шайх қуддиса сирриҳ деди-ким, ҳар не бу халойиқ дуъо била тилайдурлар, борини манга беribдур,

балки ортуғроқ. Андин не истай-у дуъо қилиб не тилай?! Алар-ки, огоҳлиғ тилайдурлар, манга матлу:б бир замон ғафлат-дур ва ўз ҳолиға эврулгали бир нафас муҳлат-дур-ким, анинг вужу:ди тажаллийси садамотидин бетоб-у тавонмен ва ул оғир юк остида хасдек нотавонман-ким, анинг жамоли ҳайратидин ўзумдин хабарим йўқтур-у ўзлугумдин асарим йўқтур.

Ишқнинг ғояти бу йергача-дур ва ошиққа васлнинг ниҳояти бу сўзни дергача-дур. Бу ошиқлар-ким, Ҳақ оллинда қабул аҳли-дурлар ва тарийқат машойихи истилоҳотида вусу:л аҳли-дурлар, буларни тенгрига ошиқ деса бўлур маҳбуб ҳам ҳақға толиб от қўйса бўлур матлу:б ҳам.

Рубоъий:

Бу йерга йетурса бандасин лутф-и илоҳ
Таҳқи:қ билур ҳар киши-ким, бор огоҳ-
Ким топмас анинг оллида мавжу:д сивоҳ,
Ул қолди-ю тенгри қолди Оллоҳ Оллоҳ.

Ошиқнинг ишқи камолга еткач, у орифлик мартабасига кўтарилади, илоҳий маърифатдан огоҳ бўлади. Ориф мавжудотнинг ғайб оламидаги маъно ҳолатини мавжудот воситасида ёки бевосита идрок қилади. Ҳақиқатни мажоз орқали кўра билиш покбоз, яъни шаҳвоний ҳислардан пок бўлиб, фақат ҳусн тамошоси билан чекланган ошиқларга хос. Ҳақиқатни бевосита идрок қилиш сиддиқларга хос. Ориф маърифат тарийқидан сўнг бир неча ҳолатни бошидан кечириб, валийлик[2] мартабасига эришади. Бу ўринда “валий” валию-ллоҳ, яъни Ҳақ таолонинг дўсти деган маънодадир. Ҳазрат-и Навоий ўз давригача мавжуд бўлган валийларни ўзининг “Насойиму-л-маҳабба мин шамойими-л-футувва” асарида тавсиф қилган. “Насойиму”, “насийм” сўзининг кўплиги. “Насийм” эсин, яъни кишига ёқадиган тарзда эсадиган елдир, “л” аниқлик кўмакчиси (таъриф ҳарфи) бўлиб, қаратқичли иборада, яъни “фалоннинг фалони” ва “фалон фалони” деганда қаралмишга орттирилади. “Насойиму-л-маҳабба” муҳаббат еллари демакдир. Ҳозирги муҳаббат сўзи араб ва мумтоз ўзбек тилларида “маҳабба” ва “маҳаббат” шаклларида ишлатилади. Бинобарин, буни “Насойиму-л-маҳаббат” дейилса ҳам хато бўлмайди. Матбуотда бундай ибораларда қаратқич таркибидаги “у”ни “л”га қўшиб, “насойим ул-муҳаббат” ва аксинча қаралмишга тегишли “л”ни қаратқичга қўшиб, “насойимул муҳаббат” тарзида ёзиш оммалашган. Ҳатто бундай ибораларда аниқлик кўмакчисининг бошқа ўринда ишлатиладиган “а” билан бошланадиган шакллари ҳам “Насойим ал-муҳаббат” тарзида ишлатилмоқда. Бу анъана қўпол хато ҳисобланади. “Мадийнату-ш-Шош”ни “мадинат аш-шош” ва “ал-жомиъу-с-саҳийҳ”ни “ал-жоме ас-саҳеҳ” дейиш мазкур турдаги хатолардандир[3]. “Шамойим” хушбўй ҳид маъносидаги “шамийм” сўзининг кўплиги. “Футувват”нинг луғавий маъноси йигитлик.

---

[1] Мутаҳаййир – ҳайратланган.

[2] “Валий” ҳозирги тилда “авлиё” шаклида оммалашган. Бу “валий”нинг кўплиги бўлиб, мумтоз ўзбек тилида “валийлар” маъносида ишлатилади.

[3] “(а)л-”нинг “л”си с, т, д, ш, р, з, л, н товушларининг олдида келганда шу товуш шаклини олади.

“Йигитлик” деганда жавонмардлик, мурувват ҳам тушунилади. Истилоҳда валийларга хос бир фазилатни билдиради. Бу фазилат ўзини ҳаммадан кичик тутмоқ, кек сақламамоқ, ўзгаларга фақат яхшилик қилмоқ, ҳатто ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб бермакдан иборат. “Мин” “-дан” маъносидаги олд кўмакчидир.

“Насойиму-л-маҳабба мин шамойими-л-футувва”нинг сўзма-сўз луғавий таржимаси “йигитликнинг хуш исларидан муҳаббатнинг эсинлари” бўлади[1]. Бу номнинг маънавий таржимаси “футувват атридан анқиган муҳаббат эсинлари” бўлади. “Футувват” Шарқ тиллари учун умумий истилоҳ бўлгани учун таржима қилинмайди, зарур бўлганда изоҳ берилади. Бундай истилоҳларни Ғарб шарқшунослари ҳам ўз тилларида муодили бўлмаган тақдирда уларнинг луғавий таржимасини бермасдан ўзича қолдириб, уларга изоҳ берадилар.

Ҳазрат-и Навоий мақсадга эришган соғлом[2] сулук аҳлининг фазилатлари ҳақида “Насойиму-л-маҳабба мин шамойиму-л-футувва”да шундай дейди:

БУ ТОЙИФА СУЛУ:КИДА МУҚАДДАМА ТАМҲИ:ДИ

Қола-ллоҳу таборака ва таъоло ва ла-қад каррамно бани: Одама ва Ҳамалноҳум фи-л-барри ва-л-баҳр[3] ва қола-ллоҳу таъоло инно ъаразно-л-амоната ъала-с-самовоти ва-л-арзи ва-л-жиболи фа-абайна ан яҳмилнаҳо ва ашфақна минҳо ва ҳамаллаҳо-л-инсону[4].

Бу тақди:р била андоқ таҳқи:қ бўлди-ким Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло махлу:қотда бани: Одамдин шари:фроқ ва бийикрак халқ қилмайдур[5], невчунки маърифату-ллоҳ ганжининг ами:ни ва маҳрами ул-дур.

“Кунту канзан махфийян фа-аҳбабту ан уърифа фа-халақту-л-халқа ли-уърифа”[6]. Ва чун бу махлу:қнинг[7] зотларида башарийятни дохил қилди[8]. Башарийят муқтазоси била алардин

---

[1] Бундай таржима кўпинча ибора ёки жумла мазмунини ифодаламайди. Шунинг учун бу услубдан фақат тил ўқитишда фойдаланилади. Айни жараёнда маънавий таржима ҳам берилади. Бундан тил ўрганувчи ўрганаётган тил билан она тили орасидаги тафовутни билиб олади ва хатосиз тўғри таржима қилишни ўрганади. Омма учун қилинган таржималарда луғавий таржима берилмайди. Таржимада луғавий таржима билан чекланиш тилбузарликларга олиб келади. “Аллома”ни “қомусий олим”, “ош қилди ёки пиширди”ни “тайёрлади”, “вирус касал қўзғайди”ни “чақиради”, “душга тушди”ни “қабул қилди”, “шартнома шартлари”ни “шартномавий режа” дейишлар мазкур хато натижасидир. Таржиманинг мундан ҳам ёмонроғи сўзнинг таркибий таржимасидир. Жонворлар тўдаси, галасини “ҳамжамият”, “раёсатдош”ни “ҳамраис” дейиш шу хатонинг маҳсулидир.

[2] Соликлик, суфийлик ва мутасаввифлик даъвосини қилувчи шахс ва тойифалар орасида носоғлом ақийда ва амаллар билан машғуллари ҳам бор. Бунинг сабаблари илмий маълумотга эга бўлмаслик, тўғри фикр юритмаслик, хурофотпарастлик натижаси бўлмиш залолат ва шуҳрат, бойлик, мансаб учун бўладиган фирибгарликдир.

[3] Яъни Биз одам болаларига карам қилдик ва уларнинг эҳтиёжини қондиришни қуруқлик ва денгизга юкладик (Аҳзоб сураси, 72-оят). Инсонга қилинадиган карам, унинг яхшию ёмонига барча неъматларни миннатсиз беришдир. Ҳазрат-и Навоий “Маҳбубу-л-қулуб”да инсоннинг инсонга карами ҳақида шундай дейди: Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармак-дур ва ани ул суъу:батдин ўткармак-дур; бировнинг меҳнати хори ҳамлин қабул қилмоқ ва ул тикан нўгидин гул-дек очилмоқ ва ул қилғанни тилга келтурмамак-у оғизға олмамоқ ва ул кишига миннат қўймамоқ-у анинг юзига кўз солмамоқ. Карам сифати акраму-л-акрамин ишидур, соҳибкарам киши Ҳақнинг бу сифатиға мутобиъ киши-дур.

[4] Чиндан ҳам биз амонатни (тоатни) осмонларга, ерга, тоғларга тақдим қилдик. Улар буни ўзларига ортишдан тийиндилар, ундан қўрқдилар. Инсон уни ўз устига олди. Бу оятнинг “иннаҳу кона залуман жаҳула” (Чиндан ҳам у (ўзи ўзига) ўта золим ва нодондир) давоми бор. Ҳазрат-и Навоий буни келтирмайди. Бундан мақсад Ҳақ таоло инсонни жасур қилиб яратганини таъкидлашдир.

[5] Халқ қилмоқ – яратмоқ.

[6] Яънифн яширин хазина эдим, танилишни истадим ва танилишим учун яратдим (қудсий ҳадис).

[7] Яъни инсоннинг.

[8] Чун ... дохил қилди – дохил қилгач.

нописанд ишлар вужу:д тутти. Мунунг ислоҳи учун баъзи бир гузида[1] бандалари бошиға нубувват[2] тожин қўюб, белига ҳидоят камарин боғлаб, бу махлу:қотнинг[3] амру наҳйиға ўз оллидин маҳқу:м-у буларға ҳоким қилди ва Калому аҳком алар учун нозил қилди то ул маърифатға аларни далолат қилдилар. Чун бу махлу:қлар анинг асмо-ву[4] сифотининг мазоҳири эрдилар ва ҳар сифатға муттасиф эрдилар, ҳар қайси ўз қобилийятиға кўра ул сифатқа муносиб-ки, анга мазҳар эрди, тараққий-у тафовут зоҳир қилдилар ва зотларида башарийят ғолиб эркан жиҳатидин мухталиф адён-у[5] милал ораға тушти. Ул замонғача-ким, халқнинг ашаддий-у ағлази[6] аъроб эрдилар, балки алар орасида Қурайш-ки, аларнинг ҳидояти учун Ҳазрат-и Рисолат саллалоҳу ъалайҳи ва салламни-ки, мурод офари:нишдин ул ҳазратнинг шари:ф-у пок зоти эрди, ҳабиблиғиға муттасиф қилиб ул гумроҳлар ҳидоятиға йиборди ва аҳкомин ул Ҳазратқа нозил қилди. Чун анбиёнинг ашрафи эрди, қавм-и ақвомнинг ашадди, ҳар ойина-ким, нозил бўлған калом қонуни била шари:ъат аҳкомин андоқ-ким шарти эрди тузди ва ботил милални орадин чиқарди ва қобил миллатни ул маърифатға мушарраф қилди, андоққи, киром асҳобидин-ки, бу давлат-у саодатға фойиз эрдилар, бири ўз ҳолидин хабар берур-ким, “лав кашафа-л-ғито‘у мо издадту тақинан”[7].

Ва чун ул Ҳазрат салла-ллоҳу ъалайҳи ва саллам анбиёнинг хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди, ҳар ойина-ким, ноқислар такмилиға умматининг комил-у олимларини маъмур этти-ким, бурунғи анбиё ўрниға иҳдо қилғайлар ва йўлдин чиққанларға йўл кўргузгайлар-ки, “ъулама:‘у умматий ка-анбия:‘и бани: Исра:‘и:л[8] ва айзан[9] “ал-ъулама:‘у варасату-л-анбия:[10] аҳодиси[11] андин хабар берур. Ва ул Ҳазратдин сўнгра бузургвор асҳоби ризвону-ллоҳи таъоло ъалайҳим ажмаъин халойиққа бу раҳнамойлиғни бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға йўл кўргуздилар. Ва ул соҳибдавлатлардин сўнгра бу умматнинг машойихи-ю авлиёу-ллоҳ қаддаса-ллоҳу таъоло афвоҳаҳум бу иршодға иштиғол кўргуздилар. Ва ваъда бу-дур-ким, олам инқирозиғача-ким, бу миллат-у шари:ъат сирот-и мустақим бўлғусидир.

Бу тойифа-ким, вилоят-у каромат аҳлидурлар ва халойиққа иршод-у иҳдо қилурлар, муборак зотларининг баракоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмағай.

---

[1] Гузида – танланган.
[2] Нубувват – набийлик, яъни пайғамбарлик.
[3] Бу ерда “махлуқ” инсон маъносида
[4] Асмо – “исм”нинг, сифот – “сифат”нинг, мазоҳир – “мазҳар”нинг кўплиги. Жисм оламида бор бўлган, бор ва бор бўладиган ҳар бир махлуқотнинг оти Ҳақ таолонинг чексиз илмида, шариат таъбирича лавҳ-и маҳфузда маъно ҳолатидаги оти ва шу отга тааллуқли сифати бор. Мана шу маъно ҳолатидаги от “исм” дейилади, унга тегишли хосса сифат дейилади. Ҳар бир махлуқ мазкур маънавий исм ва сифатнинг мазҳари, яъни зоҳир бўлиши, жисман бор бўлиш ўрнидир. Бу исму сифат маъно оламидан тажаллий қилади, иниб жилоланади, маъданда маъдан, ўсимликда ўсимлик, ҳайвонда ҳайвон нафсини, яъни қувватини ҳаракатга келтиради, жонлантиради. Инсонда мазкур нафслардан ташқари “нафс-и нотиқа” деб аталган ақл ва нуткдан иборат нафсни ишга солади. Ҳар бир махлуқ қобилиятига яраша ўз исмига мувофиқ шаклни олиб мазкур сифат билан муттасиф бўлади, сифатланади. Масалан, “Алийм” исми тажаллий қилган киши қобилиятига яраша илм сифатига, “Қаҳҳор” исми тажаллий қилган киши қаҳр сифатига эга бўлади. Бу хилқат кишилар орасида тафовут пайдо қилди.
[5] Адён – “дийн”нинг кўплиги.
[6] Ағлаз – ўта қўпол.
[7] Яъни парда очилганда ҳақиқат билимим ортгандан ортар эди.
[8] Яъни олимлар бани Исроил пайғамбарларидек умматимдурлар.
[9] Айзан – яна.
[10] Яъни олимлар пайғамбарларнинг ворисларидурлар.
[11] Аҳодис – “ҳадийс”нинг кўплиги.

БУ ТОИФАНИНГ АЪМОЛ-У АФЪОЛ ВА МУЪАМАЛОТ-У РИЁЗОТИДИН БАЪЗИНИ ЗИКР ҚИЛМОҚ

Буларнинг аввал ишлари тавба-дур-ким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло барча манҳий[1] ишлардин аларға ижтиноб каромат қилғай.

Ва андин сўнгра луқма ҳиллийяти-ким[2], ул бобда улча мумкин-дур, саъй қилурлар. Ҳар ойина “ал-ка:сибу ҳаби:бу-ллоҳ”[3] мазмуни била кибор-и машойих баъзи санъатларға[4] иштиғол қилиб-дурлар.

Ул жумладин, Шайху-л-машойих Шайх Абу Саъид Харроз қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳу-л-ъази:з эрди-ким аларни машойих Қамару-с-суфийя[5] деб-дурлар. Ва шайху-л-ислом муқарраб-и Ҳазрат-и Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳ. Машойих табақотин-ким, битиб-дурлар, жамиъ авлиёуллоҳдин-ким, зикр қилибдурлар, барчадин аларни кўпрак васф қилиб-дурлар ва мартабаларин бийикрак тутубдурлар. Алар ўтук тикарга мансуб-турлар. Ва Шайх Муҳаммад Саккок қуддиса сирру:ҳ-ким, ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчилиққа мансуб-дурлар. Ва Шайх Абуҳафс Ҳаддод қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳ темирчилик қилибдурлар. Ва Шайх Абубакр Хаббоз қуддиса сирру:ҳ этмакчиликка[6] машҳур-дур. Ва Шайх Абулъаббос Омилий қуддиса сирру:ҳ-ким, ўз замонининг қутби-ю ғавси эрмиш ва султон-и тарийқат Шайх Абусаъид Абдулхайрнинг хирқа[7] пийри эрмиш, қассоблиқ қилибдур. Ва Шайх Иброҳим Ожурий-ки, хишт авалаб-тур. Ва Мирчашн Сафолфуруш-ки Хуросон элининг пийри эрмиш, дошгарлиқ қилиб-тур. Ва Шайх Абулҳасан – музаййин. Ва Шайх Бунон – ҳаммол. Ва Шайх Абулҳасан – нажжор[8]. Ва Мутааххир машойихидин замонининг ягонаси ҳазрат-и Хожа Баҳоуддин қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳу-ъази:з камхо[9] нақшини боғламоққа машҳур-дурлар. Ва сойир машойих-и кибордин ҳам кўпи ҳалол луқма касбиға муздурлуқ[10] қилиб-турлар, ўтун ташиб-турлар. Ва ҳалол луқма бу ишда куллий-дур-ки[11], ондин фазл-у маърифат зоянда бўлур[12]. Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтирур-ки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлуб, маълум эмас-ки, дафъи не навъ суврат боғлар.

Ондин сўнгра шари:ъат риъояти-дур-ки, ул жоддада[13] истиқомат[14] бўлғай ва улча мумкин-дур ондин қадам тажовуз қилмағай.

Шайху-л-ислом қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳу-л-ъази:з деб-дурлар-ки, ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шари:ъатдин ўзга-ки, бир миқдори ондин кам бўлса, ҳеч нима қолмас. Бу тойифанинг шари:ъат риояти ва суннат мутобаъатидин улуғроқ ишлари йўқ-тур. Ул ишда русу:ҳ-у[15] истиқоматдин душворроқ[16] амрлари-ким[17], ҳазрат-и

---

[1] Манҳий – наҳй қилинган, яъни қилма деб буюрилган.
[2] Ҳиллийят – ҳалоллик.
[3] Яъни косиб Аллоҳнинг севимли кишисидир.
[4] Санъат – ҳунар.
[5] Қамару-с-суфийя – суфийлар ойи.
[6] Этмакчи – нонвой.
[7] Хирқа – дарвешларнинг қуроқ чопони. Пийр лаёқотли топиб, муридликка қабул қилган толибга хирқа кийдирган.
[8] Нажжор – дурадгор.
[9] Камхо – кимхоб.
[10] Муздурлуқ – ёлланма иш.
[11] Куллий – тўлиқ қамровли.
[12] Зоянда бўлмоқ – туғилмоқ, келиб чиқмоқ.
[13] Жодда – йўл.
[14] Истиқомат – амални оғишмай мустаҳкам туриб бажариш.
[15] Русу:ҳ – мустаҳкам туриш.
[16] Душвор – қийин.
[17] Амр - иш

Рисолат салла-ллоҳу ъалайҳи ва салламдин манқу:л-дур-ким[1], бир сабоҳ ул Ҳазратнинг муборак маҳосинларида[2] неча тук оқ кўрдилар-ки, бурунғи кун йўқ эрди. Таажжуб юзидин тафаҳҳус қилдилар[3] эрса, ул Ҳазрат буюрдилар-ки, ўтган кеча Ҳуд су:раси мулоҳазасида "фа-стақим камо умирта"[4] оятида тааммул қилур[5] эрдим. Онинг суъу:батидин бу воқиъ бўлуб-дур. Ва ул Ҳазратнинг суннатларининг риояти ва онда истиқомат-ки, филҳақиқа Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло амрининг риояти-дур ва ондин душворроқ нима мутасаввар эрмас-дур. Бу риъоят-у истиқомат сойир-и сунанда-дур[6] ва умдалари-ки[7], фаройиз-дур-у[8] ислом аркони-дур. Ва анинг аввали шаҳодат калимаси-дур. Ва "ал-ҳақ" жамиъ авлиёу-ллоҳ-у машойих қаддаса-ллоҳу таъоло арвоҳаҳумнинг зикрлари, хоҳ хафий-у хоҳ жаҳр[9], ул таркиб-дур, балки ул калима-ки, мудоваматини ул йерга тегуруб-дурлар-ки, бир лаҳза ондин ғофил, балки бир турфату-л-ъайн[10] ондин ғойиб бўла олмаслар. Ва андоқ машъу:ф-у мустағрақ бўлуб-дурлар-ки, баъзи бу калимани эшиткач, беҳуш бўлуб йиқилиб-дурлар. Ва баъзининг ҳам бу калима истимоъидин ру:ҳлари муфорақат қилиб-дур[11].

Ва яна бири салавот-и хамс-дур-ки, ул навъ-ки бу тойифа адо қилиб-дурлар, ақл қошида муҳол кўринур. Ва ул жумладин, шайх Ҳусан Мансуру-л-Ҳаллож қуддиса сирру:ҳ-дур-ки, бовужу:д-и ул даъволар-у бовужу:д-и салавот-и хамс адосидин бошқа бир кечалик кундузликта Шайху-л-ислом қуддиса сирру:ҳ деб-тур-ки минг ракъат нофила гузорлар[12] эрди. Ва аларға қатл бўлған куннинг кечаси беш юз ракъат адо қилиб эрдилар. Ва султону-л-ъорифин Шайх Абу Язид Бистомий қуддиса сирру:ҳ намоз қилса эрдилар, қаъқаъаларнинг[13] кўкси сўнгакларидин чиқар эрди, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳайбатидин-у шари:ъат таъзимидин. Ва ҳозир халқ эшитурлар эрди. Ва Шайх қуддиса сирру:ҳни баъзи машойих таън қилиб-дурлар-ки, намоз қилмас. Алар деб-дурлар-ки, намоз қилурда манга бир ҳол воқиъ бўлур. Сиз ҳам мулоҳаза қилинг, агар ул ҳол била намоз жойиз бўлса, қилайин. Мулоҳаза қилиб-турлар "Аллоҳу акбар" деб такбир-и таҳрима боғлағандин сўнгра, ҳар туки тубидин бир қатра қон бош уруб-тур.

Яна бири закот-дур. Бу тойифа дунё таркини ихтиёр қилиб-дурлар. Алардин юздин бири соҳибнисоб[14] бўлмаслар-ким, аларға закот фарз бўлғай. Баъзи-ки, бўлсалар ҳам тамомин Тенгри йўлиға сарф қилурлар ва миннат жонлариға тутарлар.

Шайх Абубакр Шиблий қуддиса сиру:ҳдин бир фақи:ҳ сўруб-тур-ки, закот адоси не навъдур? Шайх деб-турлар-ки, санга фарз бўлур закотниму дейин? Ё манга фарз бўлур закотни-му дейин? Айтибдур-ки, манга бўлур закот қайсидур ва санга бўлур закот қайсидур? Шайх деб-дурлар-ки, санга бўлур закот улдурким, ҳар юз дирамдин беш дирам Тенгри йўлида бергайсен. Манга бўлур закот будурким, ҳар юз дирамдин юз беш дирам Тенгри таъоло йўлида бергаймен. Дебдурким, юз дирам-ким, берилди, яна беш дирам недур? Шайх

---

[1] Манқу:л – нақл қилинган.
[2] Маҳосин – соқол.
[3] Тафаҳҳус қилмоқ – суриштирмоқ.
[4] Яъни сенга буйрулганидек оғишмай мустаҳкам тур.
[5] Тааммул қилмоқ – мулоҳаза қилмоқ.
[6] Сойир-и сунан – суннат йўлида юрувчи: сойир – кезувчи; сунан – "суннат"нинг кўплиги.
[7] Умда – бош, асосий.
[8] Фаройиз – "фарийза" (фарз амал)нинг кўплиги.
[9] Хафий зикр – овозсиз зикр. Жаҳр – овозли.
[10] Турфату-л-ъайн – кўз очиб юмгунча.
[11] Яъни жон берибдурлар.
[12] Гузорламоқ – ўтамоқ.
[13] Қаъқаъа – қирсиллаш.
[14] Соҳибнисоб – моли закот фарз бўлган миқдордаги киши.

деб-дурлар-ки, ул беш дирамни бурч қилиб, ул юз дирам берган шукронага берилгай. Ва бу Ҳазрат-и амиру-л-мўʻминин Алий мазҳабидур, ъалайҳи-с-салавот ва-с-салом.

Яна бири рўза-дур-ким, сойир халойиқ фажр тулу:ъидин кунас[1] ғурубиғача йемак-у ичмакдин ва мубошаратдин[2] имсок қилурлар[3]. Бу тоифа анга кўш қилурлар-ким[4], андоқ-ки, йемак-ичмакдин бўғузға савм буюрғайлар. Жами:ъ аъзоға ўз қилур феълларидин рўза буюрғайлар. Кўзга номашру:ъ нимага боқардин ва қулоққа номашру:ъ ун эшитурдин ва оёққа номашру:ъ қадам урмоғдин, иликка номашру:ъ нимага тегмакдин ва ало ҳазо жами:ъ аъзоға бу дастур била. Ва бовужу:д-и бу суъу:батлар барчадин саъброқ кўнгул рўзаси-дур-ки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмамак-дур. Ва бу рўзани доимий кўнгулга буюрурлар.

Исломнинг бу мазкур бўлған тўрт рукни такмил топқандин сўнгра ҳаж-дур-ки, сойир халойиққа шарт иститоъат[5] ва амн-и тарийқ-дур[6]. Ва бу тойифаға амн-и тарийқ Ҳақ таъоло мулкида-дур, яъни: ҳар йер-ки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло мулки-дур, анда асрағучи ўзи-дур. Ва иститоъат анинг хизона-йи карами-ки, ул йўлға бовужу:д-и ул тўрт рукннинг мазкур бўлған риъояти бу навъ амн-и тарийқ-у иститоъат била қадам урарлар ва таваккул[7] била ул йўлни қатъ қилурлар[8].

Яна бовужу:д-и шари:ъат риъояти тарийқат одоби-дур-ки, бу тойифа маръий тутарлар[9]. Ул адаб-дур-ки, яхши-ю ёмонға ва улуғ-у кичикка бажо келтирурлар, андоққи, барча халқдин ўзларин кичик-у кам тутарлар ва барчаға хидмат ҳузурида бўлурлар, ҳаттоки, ўз фарзандлариға ва ходим-у мамлукларига-ки[10], ҳар неча алардин беқоидалиғ кўрсалар, хушу:нат била аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ-у чучук тил била қилурлар, ҳатто ўғриғача.

Манқу:л-дур-ки, Ҳазрат-и Хожа Абулвафо-йи Хоразмий қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳ бир равзан ёруғлуғида ўлтуруб, мутолаъа қилурлар эрмиш. Бир ўғри ангдиб, аларнинг дасторини сирмаб-дур. Алар ўзлари тарафидин тутуб-дурлар ва ўғри изтироб била тортар эрмиш. Алар дер эмишлар-ки, ҳе ва-ллоҳ, эски ва йиртиқ-дур. Сизнинг ҳеч ишингизга ярамас. Бу сўзни мукаррар қилиб-дурлар. Ўғриға асар қилмай тортар эрмиш. Хожа ожиз бўлғандин сўнгра дасторни қўяберіб демишлар-ким, сизга айттуқ, инонмадингиз, очқанингизда кўргунгуз-дур. Ўғри нарироқ борғач, очиб кўрса, Хожа деган-дек, бағоят эски ва пора-пора, ташлаб-дур. Хожа билиб-дур-ки, кўргач, ташлағуси-дур, кейнича бориб, дасторни олмишлар ва бошлариға чирмарда ўз-ўзлари бирла дер эрмишлар-ки, ҳар неча айттуқ-ки, ярамас, инонмаслар ўзлари кўрмагунча ташламадилар.

Яна бовужу:д-и бу навъ адаб сахо-йи муфрид-дур-ки[11], ани бу тойифа “базл-и мавжу:д”[12] дерлар-ки, ҳеч нималарини ҳеч кишидин аямаслар. Манқу:л-дур-ки Хожа Абунаср Порсо қаддаса-ллоҳу ру:ҳоҳу-л-ъази:знинг Балҳда бир яхши отлари бор эрмиш ва ҳокимнинг хотири кўп ул от сари мойил эрмиш. Аммо тиламас эрмиш-ки, шояд Хожанинг муборак хотирлари ҳам анга вобаста эркин. Бир кеча икки ўғри иттифоқ қилиб тави:лани тешиб,

---

[1] Кунас, кунаш ва гунаш – қуёш.
[2] Мубошарат – жинсий алоқа.
[3] Имсок қилмоқ – тийинмоқ.
[4] Кўш қилмоқ – тиришиб амал қилмоқ.
[5] Иститоъат – етарли маблағга эга бўлиш.
[6] Амн-и тарийқ – йўл хавфсизлиги.
[7] Таваккул – ўзни ва амални Ҳақ таоло ихтиёрига топшириш.
[8] Қатъ қилмоқ – босиб ўтмоқ.
[9] Маръий тутмоқ – риоя қилмоқ.
[10] Мамлук – қул.
[11] Сахо-йи муфрит – ўта сахийлик.
[12] Базл-и мавжуд – бор нарсани аямаслик.

ул отни йешиб чиқариб элтиб-дурлар. Тонг эрта маълум қилғач муридлар-у мулозимлар изтироб бирла келиб, Хожага арз қилиб-дурлар. Хожа деб-дур-ки, биз оз минар эрдук, элтган кишиларга биздин дарбойистроқ[1] эркандур. Асҳоб ҳокимга арз қилурлар. Ҳоким ул тамаъиға-ки, шояд бу васила била Хожадин тиласа бўлғай, туш-тушдағи йўлларға кишилар чоптуруб, ўғриларни тутуб, бир улуғ навкаридин Хожа хизматиға юборур, икки кўҳистоний[2] ўғри била. Асҳоб айтурлар-ки, ҳоким ўғрини тутуб, отни фалон улуғ навкаридин йибориб-дур, ташқари-дурлар. Хожа дерлар-ки, кирсун. Ул навкар киргач, Хожа таъзим учун қўпарлар ва ани ўлтуртурлар. Ул киши мулозимлариға ишорат қилур-ким, ўғриларни киюрурлар. Илиглари боғлиқ. Алар ҳам киргач, Хожа ҳамул дасту:р била қўпарлар ва аларни ўлтуртурлар-у илигларин йештирурлар ва сўрарлар-ки, қайдалиғсиз? Дерлар-ки, кўҳистонлиқ. Сўрарлар-ки, ҳоло, ул ён озим эрдингиз? Дерлар-ки, бале. Дерлар-ки, магар яяғ эрдингиз? Дерлар-ки, бале. Дерлар-ки, қўпунг, ул от сизга дарбойистроқ, олинг-у боринг! Ҳоким навкаридин ҳокимга миннатдорлиғ била узр қўлуб йиборурлар.

Яна ҳилм-у бурдборлиғ-дур-ки[3], бу тоифаға ҳар кимдин ҳар шиддат йетишса, алар лутф-у мудоро била ўткарурлар ва муқобалада минатдорлиғ била узр қўларлар. Ул жумладин азизе эрди бу тоифанинг каммалидин[4] ва ҳазрат-и Мавлоно Муҳаммад Табодагоний қуддиса сирру:ҳнинг кибор асҳобидин эрди ва фақирнинг алар хидматида кўп иродатим бор эди. Ва алар яхши ун самоъиға машъу:ф эрдилар. Муғаннийе[5] бор эрди, хушовоз аммо кичик ёшлиғ ва девонасор-у[6] шўх эрди. Мажлисда ўлтура турғач секриб, ул азизнинг бўйниға миниб, аёғин депсар эрди. Алар рифқ-у мудоро била айтур эрдилар: ҳордингиз эркин тушсангиз ҳам сиз билурсиз. Эл маломат қилдилар эрса, алар манъ қилдилар-ки, ул ажаб карам-у эҳсон қила-дур-ки, айтмайдур-ки, қўп, ташқари бозорға ушбу дастур била мени элт! Агар деса эрди, элтмоқдин ўзга не чора бор эрди?!

Яна ризо-дур-ки ҳар не Ҳақдин келса-ю ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин[7] ўзга кишини орада кўрмагайлар ва ризо изҳоридин ўзга алар тилига-ю кўнглига кирмагай. Ҳам ушбу маз-кур бўлған ази:знинг бир ўғли бор эрди, бағоят қобил, ҳусн-и халқи-ю ҳусн-и хулқи бағоят камолда ва бир ёлғуз ўғул эрди. Казоро бемор бўлди ва неча кундин сўнгра Тенгри ҳукмин буткарди. Бир шаҳр халқи шоҳдин гадоғача ул сабабдин мотамий эрдилар. Ул ази:знинг ҳо-лиға-ву либосиға тағайюр воқиъ бўлмади. Мотамийларға кўнгул бериб, Ҳақ ризосиға тарғиб қилур эрдилар то кўтардилар-у мадфанға элттилар. Ўзи қабр ичига кириб ази:з фарзандни шаръ важҳи била қабрда қўюб, мағфират дуоси қилиб чиқти ва сўзи бу эрди-ким, “разийно би-қазои-ллоҳ таъоло”[8]. Ва шаҳр халқи, акобир-у ашроф барча лол эрдилар.

Яна сабр-дур-ким, ҳар не Ҳақдин келса, сабр қилғай ва ҳар бало юзланса, таҳаммул пеша қилғай. Ул жумладин Шайх Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳу-л-ъази:здин манқу:л-дур-ким, алар йиллар бавосир маразиға мубтало эрдилар. Ва ҳол ул-ким, алар ул замоннинг машойихи орасида мустажобу-д-даъво эрдилар. Ҳар кишига бир суъу:бат-у балойе воқиъ бўлса, алардин дуъо истидъо қилур эрдилар. Алар дуъо қилғач, мустажоб бўлуб, ул ташвишдин қутулур эрди. Йиллар ул саъб маразға сабр қилиб, дуъо қилмадилар-ки, ҳар не Тенгридин келса, хуш-дур. Биз ани нечук рад қилали?!

---

[1] Дарбойиста – керакли.
[2] Кўҳистоний – тоғлик.
[3] Бурдборлиғ – тоқат.
[4] Каммал – энг комил.
[5] Муғанний – ашулачи.
[6] Девонасор – телбароқ.
[7] Яъни Ҳақ таолодан.
[8] Яъни Ҳақ таолонинг қазосига розимиз.

Яна сидқ-дур-ки, ғайр-и воқиъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмағай. Манқу:л-дур-ки, Ҳажжож ибн Юсуф қатлидин имомзодалардин бири қочиб борур эрди-ю кейнича жамъе қавуб келур эрдилар. Бу тоифадин биров-ки, ул имомзодаға ихлос-у хидматкорлиғи бор эрди, йўлуқти. Алар изтироб юзидин дедилар-ки, бир йер топсанг, бизни яшур-ки, бу жамоъат бизнинг қатлимизға келадурлар-у ийнак йетиштилар. Ул дарвеш деди-ки, бу вайронаға киринг! Анда бир бузуғ эрди. Имомзода анда жон ҳавлидин[1] кирди. Киргач, қавуб келадирғанлар ул дарвешға йеттилар. Сўрдилар-ки, бу борадурған киши қаён борди? Ул дарвеш деди-ким, бу бузуққа кирди. Алар бир неча йиғоч-у қамчи уруб, дедилар-ки, они узасун деб, бизни ҳиялға соласен, деб ўттилар. Алар кеткандин сўнгра имомзода чиқиб, кўнгул қолиш қилди-ким, раво бўлғай-ким, ўзунг вайронада бизни яшуруб, ўзунг душманға сўроғ берурсен? Ул дарвеш айтти-ким, эй махдумзода, менинг ростлиғим баракотидин халос бўлдунг, энди ўз фикрингни қил, деди. Ва анинг махласиға тадбир қилди-ким, ул халос бўлди. Ва бу навъ ҳамида ахлоқ-у писандийда сифот-ки, бу тойифадин воқи:ъдур, кўпдур-ки, агар шарҳин қилса, яна бир китоб ясамоқ керак.

Ва яна ази:м риёзатлар-ки, шари:ъат анинг манъин қилмайдур ҳам бу тойифадин мутанавви:ъ[2] воқиъ бўлубтур-ки, анинг ҳам шарҳининг ту:ли бор. Ул жумладин бир нийят била бир ойда бир ифтор қилмоқ ва бир ой бир вузу:ъ била намоз қилмоқ-ки, баъзи машойих ризвону-ллоҳ ъалайҳим ъажмаъиндин воқиъ бўлубтур. Ва султон-и тарийқат Шайх Абусаъид Абулхайр қуддиса сирру:ҳу-ким, авойил-и сулу:кда ҳар кеча алар бир чоҳдин бош тубан ўзларин осар эрмишлар ва тонгғача зикр айтур эрмишлар. Ва андоқ бўлур эрмиш-ки, муборак кўзларидин қон келур эрмиш. Ва Ҳазрат-и Шайху-л-ислом қаддаса-ллоҳу ру:ҳаҳ-дур-ким, Ҳири шаҳрида секиз ботмон[3] нон бир тансуға[4] эрмиш ва алар ёзи гиёҳи била кун кечурур эрмишлар. Ва Шайху-л-ислом Шайх Аҳмад-и Жом қаддаса-ллоҳу сирраҳ-ким, Ҳири шаҳрида ўн секиз йил Язд тоғиға чиқиб, халқдин иъроз қилиб, ул тоғда тоъат қилибдурлар. Эл юзин кўрмайдурлар ва анда йемак маълум эмас аркандур-ки, қайдин ва қишда киймак қайдин. Ҳар ойина-ким бу бузургворларға Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу сулу:к-у риёзатлари муқобаласида ўз фазл-у карами била онча мавҳибат наси:б қилиб-дур-ки, олам салотини юзларин аларнинг остонлариға суртуб-турлар ва рўзгорларининг шарафи кўрубтурлар, алардин бир назар истидъосиға. Ва алар муборак назарларин баъзиға солибдурлар ва баъзиға йўқ.

АВЛИЁУ-ЛЛОҲҒА ВОҚИЪ БЎЛҒАН ХАВОРИҚ-И ОДОТ-У[5] КАРОМАТ БАЁНИ

Ва ул кўп-тур авлиёу-л-лоҳнинг маротиби-дек.

Ул жумладин бир нечаси булар-дур: маъду:м ижоди-ю мавжу:д иъдоми[6]. Ва мастур амр изҳори-ю зоҳир амр истори[7]. Ва дуъо истижобати-ю оз муддатда баъи:да[8] масофат қатъи. Ва ҳисдин ғойиб ишларга иттилоъ-у[9] андин хабар айтмоқ. Ва воҳид замонда мутаъаддид-у

---

[1] Ҳавл – қўрқув.

[2] Мутанавви:ъ – турлича.

[3] Ботмон – Маҳдийхон “Санглох”да форсийда “ман” деб аталадиган оғирлик бирлиги деган (119 и). Табриз мани 3 кг, Шоҳ мани 6 кг, Рай мани 12 кг, Будагов ўзининг луғатида Туркистон ботмони 2 пуд деган (231 с.) Пуд 16,3 кг.

[4] Тансуға – бу сўзни аниқлаб бўлмади.

[5] Хавориқ-и одот – одатдан ташқари, ғайритабиий.

[6] Йўқни бор қилиш ва борни йўқ қилиш.

[7] Кўринмас нарсани кўринтириш ва кўриниб турган нарсани кўринмас қилиш.

[8] Баъийд(а) – йироқ. “Масофат” Муаннас, яъни урғочи сўз бўлгани учун “а” қўшилган. Музаккар, яъни эркак бўлганда бу қўшимча қўшилмас эди.

[9] Иттилоъ – хабардор бўлиш.

мухталиф[1] маконға ҳозир бўлмоқ. Ва мавто иҳёси-ю аҳё имотаси[2]. Ва жамодот-у наботот-у ҳайвонот каломининг самоъи[3] ва маъонийсиға вуқу:ф тасби:ҳдин-у ғайридин. Ва атъима-ву ашриба[4] изҳори. Ҳожат вақти бесабаб зоҳир бўлмоқ. Ва су устида юрумак-дек-у ҳавода сайр қилмоқ-дек. Ва йемак ул нимани-ки, одатан ул ғизо бўлмағай. Ва ҳайвонот тасхи:ри. Ва баданда муфрит қувват изҳори. Андоқ-ки дарахтни тубидан қўнгармоқ самоъ вақтида. Ва деворни бармоқ ишорати била шақ қилмоқ[5]. Ва илиг ишорати била мухолифнинг бошин учурмоқ. Ва дарёларда ғарқа бўладурған кемани тутуб, солам қироққа чиқармоқ. Ва олам ҳаюлосида[6] бир навъ тасарруфи:-ки, ҳар не тиласа қилмоқ, мисл-и ёмғур ёғдурмоқ ва йел эстурмак ва сейл келтурмаг-у дафъ қилмоқ. Ва чувуртка офатин дафъ қилмоқ. Ва ҳар суврат била мутамассил бўлмоқ. Ва биёбонларда саргашта-ву овора бўлғанларға раҳнамойлиқ қилмоқ-у дастгир бўлмоқ.

Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға андоқ муқарраб бандалар-у дўстлар ҳам бор-ки, бу барча мазкур бўлған ҳолатдин ижтиноб қилурлар, балки ор қилурлар, невчун-ки бир турфату-л-ъайн Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло шуҳу:ди-ю истиғроқидин ғофил бўла олмаслар то ул саъодатдин ғофил бўлмағунча бу нималарга майл-у илтифот қилса бўлмас. Ҳар ойина-ки, ул мақсу:д-и аслийдин ҳар амр-ки, бу бузургворларни бир лаҳза ғофил қилғай агар барча беҳишт-и жови:дон-дур-ки, аларға дўзахча бор, андин ижтиноб ё ор қилсалар, муҳиқ бўлғайлар. Уми:д ул-дур-ки, бу залолат водийсида гумроҳ-дек маҳрумлар бу ҳидоят оламида раҳнамойларнинг аёғи туфроғи била тийра бўлған ботин кўзларин ёрутмоқ-у баҳраманд бўлғайлар ва хоксор бошин ул аёғларға туфроғ қилмоқ била сарбаланд.

Ҳижрийнинг иккинчи асрининг биринчи ярмида соликларга “суфий” деган ном берилди. “Суфий”[7] лақабини олган биринчи киши қамарий ҳижрийнинг 150-йилида вафот этган Абуҳошим суфий эди. “Тасаввуф” суфийликни ва суфийлик илмини билдиради. Ўзини суфийликка нисбат берган киши ва суфийлик олими “мутасаввиф” дейилади. Суфий мутасаввиф бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Мутасаввиф эса суфий бўлмаслиги, яъни суфийликнинг назарияси билан чекланиб амалини қилмаслиги мумкин. Муршидлар, яъни суфийлик пирлари сулу:к иршодида бир-биридан фарқли услубларни қўллаши натижасида тариқатлар пайдо бўлган. Тарийқатларнинг соғлом ва носоғломлари бор. Носоғлом тариқат ва айрим суфийлик даъвосини қилғучиларнинг амали залолат ёки фирибгарликдан иборат. Қуръон ва суннатга асосланган тариқатлар соғлом бўлиб, уларнинг энг яхши мезони Навоий тавсиф қилган мазкур сулу:кдир. Ҳазрат-и Навоийнинг тавсифига хилоф фикр ва амаллар инобатга олинмаслиги керак. Ҳазрат-и Навоийнинг бу ҳақдаги танқидларини ҳам ҳисобга олиш зарур. “Ҳайрату-л-аброр”нинг тўртинчи мақолати қуйидаги сарлавҳа билан бошланади:

---

[1] Мутаъаддид – бир неча; мухталиф – турлича.
[2] Ўликни тирилтириш ва тирикни ўлдириш.
[3] Самоъ – эшитиш, тинглаш.
[4] Атъима – “таъм”нинг кўплиги; ашриба – “шароб”нинг кўплиги.
[5] Шақ қилмоқ – ёрмоқ.
[6] Ҳаюло – ҳар бир нарсанинг моддаси, моҳияти, асли. Модда деганда ҳаюлонинг жисм оламидаги ҳолати тушунилади. Ҳакимлар унга жисм сувратига, яъни шаклига маҳалл бўлувчи жавҳардир, деб таъриф берганлар. “Жавҳар” деганда бутун борлиққа ва ҳар бир мавжудотга асос бўлган мавжуд тушунилади. “Маҳалл” бир нарса киришган ёки ўрнашган нарса. Киришадиган, ўрнашадиган нарса “ҳолл” дейилади. Киришиш “ҳулу:л-и сараён”, ўрнашиш “ҳулу:л-и татарон” дейилади. Масалан, дарахтга нисбатан ҳаюло, ёғоч моддаси – “маҳалл”, дарахтнинг суврати – “ҳолл”. Ҳол маҳалга ҳулу:л қилганда дарахт бор бўлади. Ҳаюлони моҳият, асл деганда унинг ғайб оламидаги ҳолати назарда тутилади.
[7] Бу сўз жун маъносидаги “су:ф” сўзига сифат қўшимчаси “-ий”ни қўшиб ясалган. Шунинг учун унинг “сўфи” шаклида ишлатиш хатодир. Чунки “сўфи – сўпи” туркий сўз бўлиб, маҳрута, яъни конус деган маънодадир. Тасбиҳнинг имоми мазкур шаклда бўлгани учун ўзбекчада уни “тасбиҳнинг сўфиси” дейилади. Тўрғайнинг боши махрута шаклида бўлгани учун уни “сўфи” ёки “сўпи тўрғай” дейилади.

“Тўртунчи мақолат, риёйий хирқапўшлар сулу:кида-ким, ўз қошларида хирқа-йи талби:слариға “ҳақийқий либос” от-дурур ва ҳақойиқ-у маъорифлари авомға либосот. Ва ҳақийқий боданўшлар[1] равишида-ким хирқа-йи вужу:длари фано илги зўридин чок-дурур ва Масийҳо-дек жонбаҳш нафаслари ру:ҳ-и муқаддас кеби пок-у маҳалл-и тавфлари сохат-и афлок” (Порсо Шамсиев илмий-танқидий матни, 79-с.).

Мазкур парча бобнинг сарлавҳаси бўлиши билан бирга унинг мундарижаси ҳамдир. Хамсанинг ҳамма сарлавҳаларида бобнинг мундарижаси акс этган. Бу бобда Навоий риёкор, каззоб шайх (муршид, пийр)ларни “хирқапўш”, уларнинг ҳақиқийларини “боданўш” деб атаган. Бу билан шоир биринчи тойифанинг тарийқат пешволарининг сувратига кирган малъунлар, иккинчи тойифанинг мазкур малъунлар риндликда айблайдиган, аслида эса Ҳақ таъолога маҳбуб бўлган ҳақиқий ошиқлар эканлигини таъкидлаган. Боб

Эй бўлубон санъат ила хирқапўш
Шом-у саҳар зикр ила солиб хуру:ш,

деб бошланади. Бу байтдаги “санъат” қалбакилик маъносида. Бу сўзнинг ўзаги ясаш маъносидадир. Ясаш ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. “Ясама”, “сохта” сўзлари қалбаки деган маънода ишлатилади. “Санъат” сўзи “ҳунар” маъносида бўлиб, у ижобий ҳунарни ҳам, салбий ҳунарни ҳам билдиради. Демак, риёкор шайхнинг хирқаси сулук мажбуриятининг бир амали эмас, риё воситаси экан. Унинг зикрининг ҳам самимий эмаслиги “хуру:ш” сўзи билан билдирилган. Зикрни шовқин солиб айтишдан мақсад Ҳақ таъолонинг ижобати эмас, авомни ўзига қаратишдир.

Хирқага солинган қуроқ ва ямоқлар риё ва пул яшириш учун тикилган лахтаклардан иборат:

Хирқа уза бахя-ки ҳар ён чекиб
Зуҳд-у риё васлаларидин[2] тикиб

Руқъа-йи даврий бу мураққаъда[3] кўп
Барча дирам остиға тикмакка жўб[4].

Хирқани тиккан ипу игнаси:
Иплар анга ришта-йи талбис ўлуб
Игна анга сиблат-и[5] Иблис ўлуб.

Хирқапўшнинг салласи:
Эски амома-ки бўлуб печ-печ[6]
Печдин ўзга нима йўқ анда ҳеч.

Ҳассаси:

Қайси асо ҳийла уйига суту:н
Киш синиб ул бу уй бўлғай нигун[7].

---

[1] Боданўшлар – ҳақиқий ишқ майидан баҳрамандлар.
[2] Васла – ямоқ.
[3] Руқъа – лахтак; мураққаъ – руқъалардан иборат.
[4] Жўб – мос, лойиқ.
[5] Сиблат – мўйлов.
[6] Пес – ўрам.
[7] Нигун бўлмоқ – йиқилмоқ.

Тасбиҳи:

Субҳа дема бут-ки йўнуб буттарош
Дона ясаб ҳар не қолиб реза[1] тош

Мисвоки:

Ул йиғочи-ким ани мисвок этиб
Оғзи луъоби[2] била нопок этиб

Шайхнинг муридлари унинг ўзига лойиқ:
Бўлуб анга жамъ-и халойиқ мурийд
Лек бари шайхқа лойиқ мурийд

Унинг барча амаллари риёкорона ва бир мақсадга қаратилган:

Барчаға[3] мақсу:д бу-ким аҳл-и жоҳ[4]
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ

Шайхни сажжода-йи[5] иршод[6] уза
Хайлини ҳам зикр ила аврод[7] уза.

Фақр-у қаноъатдин ўлуб сарбаланд
Важд[8] ила ҳолатдин[9] ўлуб баҳраманд

Барчаларин аҳл-и яқи:н соғиниб
Ҳол ила ул важдни чин соғиниб

Зоҳир этиб шайх қошида ниёз
Фоқаларига[10] бўлубон чорасоз

То билиб охир ани султон-и мулк
Хайл-и дуо бирла нигаҳбон-и мулк

Арз-и ниёз айлабон улғай мури:д
Пояларин[11] ҳар нафас эткай мази:д[12]

---

[2] Реза – майда.
[3] Луъоб – сўлакий.
[4] Яъни барча амаллари.
[5] Жоҳ – мансаб.
[6] Сажжода – жойнамоз.
[7] Иршод – тарийқат таълими.
[8] Аврод – “вирд”нинг кўплиги. Вирд – муайян вақтда такрорланадиган дуо.
[9] Важд – солик кўнглида Ҳақ таоло пайдо қиладиган шавқ.
[9] Ҳолат – ҳол – кутилмаганда соликнинг пок қалбида Ҳақ таолонинг марҳамати билан пайдо бўлиб, ғойиб бўладиган ўзгариш.
[10] Фоқа – эҳтиёж.
[1] Поя – мартаба.
[2] Мази:д этмак – зиёда қилмоқ.

Ҳадя туҳаф[1] тортқай-у мол ҳам
Мустағал-у[2] кент-у суюрғол[3] ҳам

Бўлса булар бирла барумандлиқ[4]
Йеткай алар нафсиға хурсандлиқ

Субҳона-ллоҳ[5] бу не нафс-и лаи:м[6]
Нафсни қўйғил не азоб-и али:м[7]

Рўзий[8] учун мунча фусу:нсозлиқ[9]
Мансаб учун мунча дағобозлиқ

Жалолиддин Румий “Маснавий-и маънавий”нинг иккинчи дафтарида бир гуруҳ риёйий суфийлар ҳақида шундай ҳикоя қилади:

Суфийларнинг маишат харжи учун бир йўловчи суфийнинг улоғини сотқанлари

хонақаҳға тушти бир суфий келиб
эшагин боғлади оғилға билиб

ўзи қилди су-ву йем бермак ишин
хизмат аҳлиға буюрмай юмушин

текшириб кўп, қилди жиддан эҳтиёт
осиғ этмас лек баъзан эҳтиёт

эрди суфийлар фақир анда ҳам оч
йўлдин ургай эрни фақр-у эҳтиёж

бор-у тўқ бўлсанг сенга номаъқул кулиш
қилса йўқлуқдин киши бир эгри иш

ноқис ул суфий галаси қилди жазм
сотиб эшшак қилғали суфийга базм
гар зарурат бўлса мурдор мубоҳ
бунга фатволар қилинмиштур салоҳ

эшагин меҳмоннинг ул дам соттилар
хон тузаб шамъ ила уй ёруттилар

---

[3] Туҳаф – “туҳфа”нинг кўплиги.
[4] Мустағал – даромад.
[5] Суюрғол – давлатга кўрсатган хизмати учун подшоҳ томонидан берилган ер.
[6] Барумандлиқ – баҳраманд бўлиш.
[7] Ҳайрат изҳори.
[8] Лаи:м – пасткаш.
[9] Али:м – аламли.
[8] Рўзий – ризқ.
[9] Фусунсозлиқ – товламачилик.

хонақаҳда кўтарилди тўпалон
рақс-у хониш қилдилар йеб-ичибон

дедилар, сабр-у чидам қай чоққача
бу риёзат, бу алам қай чоққача?!

бизда ҳам бор тана ҳам бор жонимиз
бахтимизга келди бу меҳмонимиз

норасолар ўзни ҳақ деб билдилар
нафсни жон деб тасаввур қилдилар

ҳормиш эрди ул қўноқ кўп йўл юруб
бўлди мамнун бу зиёфатни кўруб

ўйлабон сўфийлар онинг хизматин
қўйдилар ўрнига иззат ҳурматин

уқалаб қўйди бири қўл оёғин
ўзгаси қўйди силаб ўзга ёғин

қўйди қоқиб бири анинг кийимин
ўпти илгин бири қилди иримин

ул мусофир кўргач андоқ илтифот
деди ўйнаб кулмасам бу тун уят

йеб-ичилгач қилдилар рақс чунон
ҳонақаҳда шипкача йетти тўзон

тептилар йер кўргузуб кўп иштиёқ
кўтарилди чанг-у ис дуд-и ўчоқ

гаҳ ёзиб қўл кўкка сакрар эрдилар
гоҳ мункуб йерни тирнар эрдилар

оч бўлур кўп вақт суфийнинг кўзи
шу сабабдин хор эрур анинг ўзи

ўзга аммо нур-и ҳаққа тўйғани
жаҳд айлаб ҳирс кўзин ўйғани
лекин оздур бу киби суфий киши
яшар анинг давлатида қолмиши

рақс-у куй поёнга йетмакка яқин
бошлади созанда бир куйни тағин

кетти хар кетти эшак деб чалди соз
қизишиб барчаси бўлди яна соз

тонггача қарсак уруб йер тепибон
ўйнади бори эшак кетти дебон

ҳам эшак соҳиби тақлид этарак
ўйнади деб кетти хар кетти эшак

тонгда суфийлар ўйиндин толдилар
тугатиб йеб-ичарин тарқалдилар

хонақаҳда қолди ёлғиз меҳмон
кийимин тунги тўзондин қоқибон

чиқди олиб ҳужрадин йўл яроғин
кирди оғилга минай деб улоғин

кирди-ю ҳар ёнға солди ул назар
топмади аммо эшакдин ул асар

ўзича айди эшак чанқоқ учун
ходим элтмиш ани суғармоқ учун

келди ходим сўрди суфий эшагин
деди ходим ани мендин сўрмагин

ул деди эшакни топширдим сенга
бермагинг лозим эрди қайтиб менга

таниғай қўл қўлни кўрсатма сабаб
гапни чўзма топ эшакни беадаб

қайтариб бер манга берган нарсани
талаб этмакка ҳақим бордур ани

сен омонатқа хиёнат қилмағил
бор ҳадис ани сен осон билмагил

кўрсатур бўлсанг ўжарлик сен агар
қилғамен қозийға албатта хабар
ул деди олдилар айлаб бир ҳужум,
йетмади суфийлара асло кучум

оч мушукларга отиб этпорани
истагайсен қайтиб олмоқни ани

сен жигарсен луқма юз оч айлаган
сен мушуксен мисли юз ит талаган

деди суфий майли дейлик алар
куч била эшакни олган бўлсалар

лозим эрмасму эрди ўғлон сенга
бу ишдин шу он хабар бермак манга

гар сотилган бўлса қайта олмасму эдим
сўрсалар пул бера қолмасму эдим

юз йўли бор эрди ҳозир бўлсалар
энди ҳар томонга тарқалди алар

кимни ушлай энди мен эй бедаво
сен туфайли тушти бошқа бу бало

келмагач ҳам демагач эй меҳмон
бўлди ишлар инчунину ончунон

ул деди тенгри ҳақи неча сафар
бергали келдим бу ишлардин хабар

сен эшак кетти дер эдинг завқ ила
ўзгалардин ортиқ ўйнаб шавқ ила

буни билмиш ўзи ҳам деб ўйладим
розий ўлмиш ўзи ҳам деб ўйладим

деди ҳамма буни айтиб куйлагач
мен ҳам айтдим менга таъсир айлагач

вой бу тақлид айлади менга ситам
юз туман лаънат бу тақлидға кам

ул киби тақлидғаким ул билхусус
қилғай андоғ беҳаёларга улус[1]

Бу каби ўтмишдаги риёкор ва фирибгар суфийлар ва уларнинг пирлари ҳозир ҳам топилади. Кейинги асрларда шариатда гуноҳ, жамиятда қабиҳ ҳисобланган амалларни мубоҳ қилувчи фирқалар ҳам пайдо бўлиб, булар авомни залолат ботқоғига ботириш билан шуғулланадилар.

Навоий ҳақиқий тасаввуф, яъни суфийликнинг шартларини “Фавойиду-л-кибар”даги бир ғазалида шундай баён қилади:

бировга мусаллам тарийқ-и тасаввуф
ки зотида мавжу:д эмастур тахаллуф

[1] Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлёзма 5028, с. 139.

тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ
эрур истилоҳоти зеб-у такаллуф

тасаввуф эмас зуҳд-у тақво-ву тоат
ки анда риё йўл топар бетавақкуф

эрур маҳз тақво-ву ва лекин риёсиз
убудияти сирф-у айн-и талаттуф

не эл қавл-у феълиға андин таъаддий
не ҳақ амр-у наҳйиға андин тасарруф

ўзин эйла беихтиёр англабон-ким
не қолиб тараддуд анга не таассуф

қилиб Ҳақ вужу:дида маҳв ўз вужу:дин
Навоий муни бил тари:қ-и тасаввуф

Демак, суфийликка лойиқ бўлиш учун:

– кишининг табиатида тахаллуф бўлмаслиги, яъни ваъдага хилоф иш қилмаслиги;

– ризо аҳлидан бўлиш, яъни бошига ҳар қандай оғир кулфат ва мусибатлар келганда ҳам Ҳақ таолога ризолик билдириш;

– хушахлоқлик;

– риёсиз самимий тақво;

– тилу феъли билан ҳеч кимга зарар етказмаслик ва эл манфаати учун хизмат қилиш;

– Ҳақ таолонинг амру наҳйисиға тасарруф қилмаслик, яъни ўзбошимча муносабатда бўлмаслик;

– Тараддуд ва таассуф қилмаслик, яъни ҳар қанча зарар кўрса ҳам ачинмаслик ва бунинг шундай бўлиши унинг ихтиёридан ташқари бўлган қонуний эканлигига иккиланмаслик;

– Ўз вужудини Ҳақ таоло вужудида маҳв қилиш.

Бу шартлар, хусусан, риёдан холий бўлиш, халқ билан бирга бўлиб, унинг хизматини қилиш тарийқатларнинг афзали Нақшбандия асосларига мосдир. Бу ҳол ҳазрат-и Навоийни Ҳазрат-и Жомий иршоди билан нақшбандий бўлишга олиб келди. Ҳазрат-и Навоий Насойимда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қуйидаги маълумотни берган:

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҚАДДАСА-ЛЛОҲУ ТАЪОЛО СИРРУ:Ҳ

Аларнинг оти Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий-дур. Аларға қабул назари фарзандлиққа Хожа Муҳаммад Бобо-йи Самосийдин-дур ва одоб-и тарийқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдин-дур, андоқ-ки ўтти. Аммо, ҳақи:қат юзидин алар Увайсий-дурлар ва тарбийят ҳазрат-и Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирру:ҳ ру:ҳидин топиб-дурлар. Андоқ-ки дер эрмишлар-ки, мабодий-и аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мазорға йетиштим. Ҳар мазорда бир чароғдон кўрдум, ёнадурған, ёғи тўла ва фати:лалари ёғ ичинда. Аммо фати:лаларға бирор нима ҳаракат бермак керак эрди-ки, яхши туташғай-у ёруғай. Сўнгғи мутабаррик мазорда қиблаға мутаважжиҳ ўлтурдум ва ул таважжуҳда ғайбате воқиъ бўлди. Мушоҳада қилдим. Қибла девори шақ бўлди ва бир

улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт оллиға тортилған ва теграсида жамоате. Ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдим-ки, ул хайл ғойиблардан-дурлар. Ораларидин биров менга айтти-ки, тахтда Хожа Абдулхолиқ-дур ва ул жамоат аларнинг хулафоси-дурлар[1] ва бир-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобога йетганда деди-ки, аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пиринг-дурлар ва сенга бир бўрк берибдурлар ва каромат қилибдурлар-ки, нозил бўлған бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай. Андин сўнгра ул жамоат айттилар-ки, қулоқ тут ва яхши эшит-ки, улуғ Хожа Ҳазратлари сенга сўзлар айтқусидурлар-ки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло йўли сулу:кида сенга андин чора йўқ-дур. Ул жамоатдин илтимос қилдим-ким, Ҳазрат-и Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай. Пардани илайларидан олдилар. Пийре кўрдум ну:роний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзладилар, сулу:к мабдаида ва васатида ва охирида кераклик-дур, менга баён қилдилар ва дедилар-ки, ул чароғлар-ки ул кайфийят била сенга кўргуздилар ишорат-у башоратдур сенга бу йўл қобилийят-у истиъдодидин. Аммо истиъдод фати:ласин ҳаракатга келтирмак керак, то ёруғай-у асрор зуҳу:р қилғай ва яна буюрдилар ва муболаға қилдилар-ки, барча аҳволни қадамда амр-у наҳй жодасиға қўйгил ва ази:мат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва рухсатларда бидъатлардин йироқ бўл ва дойимо Мустафо салла-ллоҳу ва саллам аҳоди:сини[2] ўзингга пешво қил ва Расу:л салла-ллоҳу ъалайҳи ва саллам ва саҳоба-йи киром разия-ллоҳу ъанҳум ахбор-у осориға мутафаҳҳис[3] ва мутажассис[4] бўл! Ва бу сўзлардин сўнгра ул жамоат манга айттилар-ки, сенинг сидқ-и ҳолингнинг шоҳиди ул-дур-ки, тонгла эрта фалон йерга борғайсен ва фалон ишни қилғайсен ва мунинг тафсили ул ҳазратнинг мақомотида шарҳ била бор. Ва андин сўнгра дедилар-ки, Насафға мутаважжиҳ бўл. Амир Саййид Кулол хидматиға! Чун алар буйруғи била Насафға бордим ва Мир хидматиға йеттим. Илтифотлар қилдилар-у алтоф кўргуздилар ва манга зикр талқини қилдилар ва нафй-у исбот тарийқи била зикрга машғул қилдилар. Чун воқиъада[5] маъмур эрдим-ки, аввал ази:мат била қилғаймен, алонийя зикри[6] била амал қилдим.

Биров алардин савол қилди-ким, дарвешлик сизга маврус ё муктасаб?[7] Алар дедилар-ки жазабатун мин жазаботи-ллоҳ тувози ъамали-с-сақалайн[8] ҳукми била бу саодатға мушарраф бўлдуқ. Яна алардин сўрдилар-ки сизнинг тари:қингизда зикр-и жаҳр-у хилват-у самоъ бўлур? Дедилар-ки, бўлмас! Яна сўрдилар-ки, сизнинг тари:қингиз биноси не ишка-дур? Дедилар-ки, анжуманда хилват зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло била.

Аз дуру:н шав ошно в-аз биру:н бегонаваш
Инчунин зебо равиш кам бувад дар жаҳон[9].

Улча Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюрибдур-ки, рижолун ло тулҳийҳим тижоратун ва ло байъун мин зикри-ллоҳ[10] ишорат бу мақомғадур. Дерлар-ки, аларға ҳаргиз қул ва дадак[11]

---

[1] Хулафо – “халифа”нинг кўплиги.
[2] Аҳоди:с – “ҳади:с”нинг кўплиги.
[3] Мутафаҳҳис – синчиклаб ўрганувчи.
[4] Мутажассис – хайр изловчи.
[5] Воқиъа – туш.
[6] Алонийя зикр – оғзаки эшиттириб айтиладиган зикр. Бу “жаҳрий зикр” ҳам дейилади.
[7] Яъни ота-боболардан меросми ёки ўз амалингиз билан эришдингизми.
[8] Аллоҳнинг жазабаларидан бир жазабаси инс-у жин амали билан тенгдур.
[9] Ичдан ошно бўл, ташдан бегонасимон, бундай гўзал йўриқ жаҳонда оз бўлади.
[10] Эранлар бор уларни на тижорат ва на олди-берди Аллоҳ зикридан чалғитади.
[11] Дадак – чўри.

бўлмас эрмиш. Алардин бу маънода сўрубдурлар. Алар дебдурлар-ки, қачон бандалиғ хожалиғ била рост келур. Биров алардин сўрди-ким сизнинг силсилангиз не йерга йетар? Алар дедилар-ки, киши силсиласи била ҳеч йерга йетмас ва дер эрмишлар-ки, нафсларингизға туҳмат қилинг-ки, ҳар ким Тенгри иноятиға била ўз нафсининг ёмонлиғин ва кайд-у макрин билган бўлса, агарчи анга саҳл-дур, аммо бу йўл соликларидин кўп бор экандурлар-ки, ё айюҳа-л-лази:на оману: омину: би-ллоҳ[1] ишорат анга-дур-ки, ҳар турфатулъайнда[2] ўз вужу:ди нафъйин ва маъбуд-и ҳақиқий исботин қилғай.

Жунайд қуддиса сирру:ҳ дебдур-ки олтмиш йилдур-ки, иймон келтирмакдадурман валокин ул ихтиёр тарки ва қуср-и аъмол мушоҳадасидин ўзга нима ҳосил бўлмас ва дер эрмишлар-ки тааллуқ мосивоға[3] бу йўл соликиға улуғ ҳижоб-дур.

Байт:

Таъаллуқ ҳижоб-аст-у беҳосилий
Чу пайвандҳо бигусулий восилий[4]

Ҳақиқат аҳли иймонни мундоқ таъриф қилибдурлар: Иймон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳаққа боғлашдур. Ва дер эмишлар-ки, бизнинг тари:қамиз суҳбат-дур ва хилватта шуҳрат-дур ва шуҳратда офат, хайрийя жамъийядадур ва жамъийя суҳбатда бу шарт била-ки, бир бирига нафй бўлулғай. Ва улча ул бузург буюрубдур-ки таъоло нуъмину соъатан[5] ишорат анга-дур-ки, агар жамъе бу йўл соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайр-у баракат-дур, уми:д-дур-ки, анга мулозамат ва мудовамат иймон-и ҳақийқийға мунтаҳо бўлғай. Ва дер эрмишлар-ки, бизнинг тари:қимиз ъурватун васиқун[6]. Ул илиг Пайғамбар салла-ллоҳу ъалайҳи ва саллам мутобаъатиға урмоқ-дур-у саҳоба-йи киром осориға иқтидо қилмоқ ва бу тари:қа оз амал била кўп футуҳ йетишур. Аммо суннат мутобаъати риъояти улуғ иш-дур-ки, ҳар киши бу тари:қимиздин юз эврса, анга ди:н хатари-дур. Ва дер эрмишлар, солик вақти-ки Тенгри дўстларидин бири била суҳбат тутса, ўз ҳолидин воқиф бўлсун ва суҳбат замонини ўзга замон била мувозана қилсун[7], агар тафовут топса, а-субта фа-алзим[8] тут! Ва дебдурлар-ки “ло илоҳа” табиъат нафйи-дур ва “илла-ллоҳ” маъбуд-и барҳақ исботидур ва “Муҳаммадун Расу:луллоҳ” ўзни фа-ттабиъу:ний[9] мақомиға киюрмак, мақсу:д зикрдин тавҳи:д калимасининг ҳақиқатиға йетмак-тур ва калима ҳақиқати ўзга калима айтмоқдин бакуллий нафй бўлмоқ-дур. Кўп айтмоқ шарт эмас. Дебдурлар-ки, Ҳазрат-и Хожа Азизон ъалайҳи-р-раҳма ва-р-ризвон дер эрмишлар-ки, йер бу тойифанинг кўзида бир суфрача-дур ва биз дербиз-ки, тирноғ юзичадур. Ҳеч нима булар кўзидин ғойиб эмас. Ва дебдурлар-ки, тавҳи:д сирриға йетса бўлур. Аммо маърифат сирриға йетмак душвор-дур. Алар муборак сафар ази:мати қилурда бузургзодалардин бирига зикр таълимин дегандурлар. Ул сафардан қайтғанда аларға дебдурлар-ки, ул таълим олған зикрға иштиғол кўрсатмайдур ва тарк қилибдур. Алар андин сўрубдурлар-ким бизни ҳеч туш кўрдунг? Деди: Ҳов кўрдум!

---

[4] Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга иймон келтирингиз.
[2] Турфатулъайн – кўз очиб юмиш.
[3] Мосиво – Аллоҳдан ўзга ҳамма нарсалар.
[4] (Ҳақ таолодан бошқа нарсага бўлган) илинч тўсиқ ва ҳосилсизликдир. Бандларни ечсанг восилсан, яъни Ҳаққа етишган киши бўласан.
[5] Яъни кел бирор соат иймон келтирайлик. Бу суҳбатлашайлик маъносида.
[6] Ъурватун васиқун – мустаҳкам, ишончли тутунғич.
[7] Мувозана қилмоқ – мослаштирмоқ.
[8] Мўлжални олдингми, давом эттир!
[9] Менга эргашингиз.

Дедилар-ки, сенга бас-дур! Мундин маълум бўлур-ки, ҳар кимга-ки оз робита бу азизлар била бўлса, охир мулҳақ бўлур ва ул нажот сабаби-дурур ва даражот рафъи бўлур. Алар ҳазратида биров деди-ки фалон киши бемор-дур ва хотирингиз таважжуҳи дарюза қилур[1]. Алар дедилар-ки, аввал бозгашт-и хаста баъд аз он таважжуҳ-и дил-и шикаста[2]. Алардин каромот[3] талаби қилдилар. Алар дедилар-ки, бизнинг карорматимиз зоҳир-дур. Бовужу:д-и бу навъ гуноҳ юки йер юзида бора олурбиз. Алар дер эрмишлар-ки, Ҳазрат-и шайх Абу Саъид қуддиса сирру:ҳдан сўрубдурлар-ки, сизнинг жанозангиз илайида қайси оятни ўқусунлар? Дебдурлар-ки, оят ўқумоқ улуғ ишдур, бу байтни ўқусунлар-ки:

чист аз и:н хўбтар дар ҳама офоқ кор
дўст расад назд-и дўст, ёр ба назди:к-и ёр[4].

Андин сўнгра алар дебдурлар-ки бизнинг жанозамиз илайида бу байтни ўқусунлар-ки, байт:

муфлисони:м омада дар кўй-и ту
лавҳашаллоҳ аз жамол-и рўй-и ту[5]

Мавлоно Жалолиддин Холидий ҳазратларидан сўруптурлар-ки Ҳазрат-и Хожа Баҳоуддиннинг сулу:к-у тари:қининг нисбати мутааххир машойихдин қайси бирининг тари:қида муносабати бор? Ул дебдур-ки, сўз мутақаддимин машойихидин икки юз йилдин ортуқ-дур-ки, бу навъ осор-и вилоят зуҳу:ри-ки Хожа Ҳазратлариға Тенгри таъоло иноятидин воқиъ бўлубдур, тари:қат машойихиға мутааххирлардин ҳеч кимга бўлмайдур. Алар йетти юз тўқсон бирда рабиъу-л-аввал ойининг учида душанба кечаси оламдин ўтибдурлар.

Ҳазрат-и Навоий **Ҳайруту-л-аброр**да Баҳоуддин Нақшбанд мадҳига алоҳида бир боб бағишлаган. **Ғаройибу-с-сиғар**да Ҳазрат бир қитъа билан толибнинг нақшбандия тариқатига киришининг энг осон йўлини кўрсатган. Толиб аввало нафсини қаноат билан чеклаши, яъни бутун дунёвий орзу ҳаваслардан кечиши, ҳеч кимдан ҳеч нарса тамаъ қилмаслиги керак.

Ҳазрат толибга ерни тахт, кўкни чатр (соябон), фано шуъласини зарбоф тўн, лолазорни ҳашамат, пок сўзингу қон ёшингни дуру лаъл деб билсанг мажозий шоҳ эмас, ҳақиқий шоҳ бўласан, дейди. Бу тариқат ҳозирлигини кўргандан сўнг тўрт амал – анжуманда хилват, ватанда сайр, қадамга назар, ҳар дамда хушёрлик адо этилиши керак:

ҚАНОАТ НАҚШИНИНГ ИФШОСИ-Ю НАҚШБАНДИЯ ТАРИ:ҚИНИНГ АДОСИ

қаноат тари:қиға кир эй кўнгул-
ки хатм ўлғай ойин-и иззат санга

десанг шоҳ ўлай йер-у кўк бас дурур
бу бир тахт-у ул чатр-и рифъат санга

---

[1] Дарюза қилмоқ – тиланмоқ; таважжуҳ – юзланиш.
[2] Аввал беморнинг тузалиши керак, ундан сўнг синиқ кўнгул таважжуҳи бўлади.
[3] Каромот – “каромат”нинг кўплиги.
[4] Бутун оламда дўст дўст қошига, ёр ёр олдига етишидан яхшироқ нима бор?!
[5] Биз сенинг кўйингга келган қашшоқлармиз, юзинг жамолини кўриш орзусида таҳсин айтамиз.

фано шуъласида яшур жисмни
керак бўлса зарбафт хилъат санга

йетар лола буткан қоя қулласи
мурод ўлса гулгун ҳашмат санга

эрур бас ариғ нукта-ву қон ёшинг
дур-у лаълдин зеб-у зийнат санга

десанг хилватим анжуман бўлмасун
керак анжуман ичра хилват санга

ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл
сафардин агар бўлса меҳнат санга

назарни қадамдин йироқ солмағил
бу йўл азми гар бўлса рағбат санга

дамингдин йироқ тутмағил ҳушни-
ки юзланмагай ҳар дам офат санга

бу тўрт иш била рубъи маскун аро
чалинмоқ не тонг кўс-и давлат санга

бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд
Навоий агар йетса навбат санга

Анжуманда ҳилват халқ билан бирга бўлган ҳолда Ҳақ таоло ёди билан бўлишдир. Баъзилар Ҳақ таоло ёдидан чалғимаслик учун халқ билан алоқани узиб ёлғиз кун кечирадилар.

Ватанда сайр кўнгилни поклаб равшан қилиш натижасида оёқ билан юрмасдан кўнгил билан оламларни кезиш, ҳис узвларисиз Ҳақ таолонинг нури воситасида мавжудотни идрок эта олишдир.

Қадамга назар юрганда кўзи мақсаддан чалғитувчи нарсаларга тушмаслиги учун назарни товон юзасига қаратмоқ.

Ҳардамда ҳушёр ичдан чиққанда **ҳ** ҳосил қиладиган ҳар бир нафасни **Ҳув** деб зикрга айлантиришдан иборат.

Нақшбанидияга оид асарларда мазкур амаллардан ташқари яна **ёдкард, ёддошт, бозгашт, нигоҳдошт, вуқуф-и заманий, вуқуф-и ададий, вуқуф-и қалбий** деган етти амал борлиги айтилган. Ҳазрат-и Навоийнинг буларни тилга олмаганининг сабаби **ёдкард** зикрдан иборатлиги, **бозгашт,** яъни зикрда калима-йи таййибадан сўнг **Худовандо, менинг мақсу:дим фақат сенсан** дейиш ва **вуқуф-и ададий**, яъни зикрда ададни риоя қилиш баъзан зокирни зикр ҳақиқатидан чалғитиши мумкинлигидир[1]. **Нигоҳдошт**, яъни калима-йи таййибани айтиш давомида ўзга ҳеч нарсани эсга келтирмаслик зикр шарти, **вуқуф-и қалбий**, яъни зокирнинг Ҳақ таолонинг ҳозирлигидан кўнгил огоҳлиги зикр натижаси, **ёддошт**, яъни соликнинг Ҳақ таоло ҳузурини доимо завқ билан идрок қилиши,

[1] Ҳазрат-и Хожа Баҳоуддин адад риоятини лозим деб ҳисобламаган.

унинг ҳолига оид **вуқуф-и замоний**, соликнинг носазосини йўқотиш мақсадида ўтган вақтини баҳолаб бориши сулук шарти бўлганлиги учун Ҳазрат-и Навоий буларни ўқувчига эслатмаган.

Ҳазрат-и Навоий Нақшбандиядаги барча талабларни аъло даражада ижтимоий ва ижодий фаолиятида ортиғи билан бажарди ва бундан дунёдаги ҳамма покдил инсонлар улуғ манфаат кўрдилар, кўрмоқдалар ва кўражаклар.

ҲАЗРАТ-И НАВОИЙНИНГ “МАСТ-И АЛАСТ”И

Қарамлик даврида қўшни халқлар қатори ўзбеклар ҳам маданий ва маънавий меросидан, ҳаётий қадриятларидан узоқлаштирилди. Натижада омма ўз тилини, адабиётини, жумладан, ҳазрат-и Навоийнинг асарларини яхши тушунолмайдиган ҳолга келди. Мактаб ва олий ўқув юртларида лозим бўлган даражада ўқитилмагани учун Ҳазратнинг асарларини етарли даражада англамаслик қалам ва илм аҳлига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айрим сўзларни тушунмаслик каминанинг фаолиятида ҳам юз берган. Ҳозир шундай хатолар содир бўлмоқдаки, уларни йўқотиш Навоийшуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо уларнинг бир нечтаси билан чекланамиз.

1975-йилда Исматуллоҳ Абдуллаевнинг ҳазрат-и Навоийнинг машҳур **Қоракўзум** деб бошланган ғазалига шарҳи нашр қилинди[1]. Бу шарҳда бир неча хатога йўл қўйилган:

Қоракўзум қора кўзлигим дегани. Шарҳда **кўзимнинг қораси** дейилган. Ғазалнинг учинчи

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил

байтига шундай изоҳ берилган:

Отингнинг туёғи (таковаринг)га бағрим (юрагим) қонидин қўйгин, мен итингга эса бир ғамза қилиб жоним ипи (риштасини) ип (расан) қил ва мени боғлаб ол...

Таковар туёқ эмас чопқир от. Шоир маҳбубга мурожаат қилиб, **таковаринг** демоқда. Агар буни туёқ деб тушунилса, **тавокаринг** сенинг туёғинг дегани бўлади ва туёқ маҳбубники бўлади. Ҳино отнинг туёғидан бошқа бутун танасига боғланган. Шоир **мен ит** демаган, итни **ит** деган. **Ғамзада** ғамза қилиб эмас, **ғам зарба берган** дегани. **Итингга расан қилғил**ни И. Абдуллаев **мени боғлаб ол** деган. Бунга унинг шоирни **ит**га айлантиргани сабаб бўлган.

Бундай шарҳлар каминанинг мазкур ғазални шарҳлашига боис бўлди[2]. Ғазалдаги қоракўз овга кетаётган йигит деганим кўплаб эътирозларга сабаб бўлди. Олимлардан бири менинг даъвом нотўғрилигига Навоий даврида аёллар от минган дейиш билан чекланди. Бу отдан ташқари ити, камони бор кимсани аёл дейишга асос бўлолмайди. Иккинчи бир олим ғазалдаги **сочингни бошдин оёқ** иборасини соч оёғигача тушган деб тушунган. Ҳолбуки, бундаги **бошдин оёқ** сочнинг ўзига тегишли. Сочнинг узунлиги бир энлик бўлса ҳам **бошдин оёқ** дейиш мумкин. Чунки бундаги оёқ гавда оёғи эмас, соч оёғидир.

2009-йилга келиб, яна бир олим қизиқ бир даъво билан чиқди[3]. Унинг фикрича, учинчи байтнинг иккинчи мисрадаги **итингга** ўрнида **этингга** бўлиши керак экан, **эт**ни **ит** деб берилиши эса ачинарли ҳол эмиш. Итингга **ғамзада жон риштасин расан қилғил**нинг тўғри талқини **этинг (танинг) қайғули бўлса, кўнгил ипини арқон қилғил** бўлар экан. Бу даъвонинг ўта бемаънилиги изоҳга муҳтож эмас.

Яна **Кеча келгумдур дебон ...** деган сарлавҳа остида интернетда бир мақола чиқди[4]. Бунда ҳазрат Навоийнинг **кеча келгум-дур дебон ул сарв-и гулрў келмади** мисраи

---

[1] Абдуллаев И. “Қарокўзим”. Тошкент оқшоми, 1975, 20-октябрь сони.
[2] Навоийнинг қоракўзи ким? Мулоқот, 1992, 9-сон, с. 32–35.
[3] Ҳомидхон Исломий. Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини ўқиш ва сўз маъноларини талқин қилиш тўғрисида. Шарқ классик филологияси, илк тўплам. Т. – 2009, с. 122–125.
[4] HTTP://Islom uz/content/view/760/114/

билан бошланадиган ғазалига тамоман ўзгача маъно берилган. Муаллиф ...**Аллоҳ учун йиғламақлик бахтини ҳақиқий солиҳ инсонлар тушуниб етадилар. Алишер Навоий шундай инсон бўлгани учун ҳам, Аллоҳ таоло учун йиғламақликни "сарви гулрў"** деб атамоқдалар дейди**.** Мақолада ғазал бошидан охиригача йиғи келмаганлиги ҳақида деб тушунтирилади. Муаллиф ғазал гапларининг ўз даъвосига асос бўлган оддий мазмунини ҳам тескари тушунган. **Кимса бормукин анга кўрганда кулгу келмади**, гапи кулмаган одам қолмади, деган мазмунда. Мақолада **ул бечораларнинг юзига кулгу келмади** дейилган. Йиғига ғазалда **сарв-и гулрў, парийваш** деб мурожаат қилинган дейиш хурофотдан иборат даъводир.

"Навоийни англаш" деган жуда яхши телекўрсатув бор. Буни ташкил қилган телеходимга раҳмат. Бу кўрсатувда фойдали маълумот берилмоқда. Аммо хато фикрлар ҳам айтилмоқда. Навоийшунос ҳисобланган олимлардан бири **Фарҳоду Ширин** достонига бағишланган кўрсатувда қуйидаги байтга Навоийнинг ғояси ва ижодига зид изоҳ берди:

Ани назм этки тархинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Олим иккинчи мисрани улусга маъқул бўлмаса ҳам майли, деб тушунтирди. Ҳол буки Навоий улуснинг рағбатини чексиз қил демоқда.

Ҳайрату-л-аброрнинг илмга бағишланган мақолатида Навоий қийинчиликларга чидаб, аллома даражасига эришган бир толибга юксак баҳо бериб, у ҳатто сурёний, иброний ва юнон тилларини ҳам билар эди, дейди. Иккинчи бир олим кўрсатувда мазкур тилларни ўрганиш Ҳирот учун кераксиз эди, шунинг учун Навоий мазкур амални танқид қилган, деб тескари изоҳ берди.

Авлод баркамол бўлиши учун ўқувчи ва талабаларга ҳазрат-и Навоийнинг асарларини етарли даражада, юксак савияда ўқитиш лозим. Бунинг учун ўқитувчи ва устодларимиз бу масалага алоҳида эътибор бериб, фаолият юритмоқлари керак. Мутолаага лойиқ асарларни нашр қилаётган Навоийшуносларимиз ҳам бор. Буларнинг асарларидан фойдаланиш керак. Шу билан бирга талаб аҳлини такрорланмаслиги учун мазкур хато ва нуқсонлардан хабардор қилиш муҳимдир.

СУЛУК ВА УНИНГ МАРТАБАЛАРИ

Сулукка **сайр(ун)**[1] **ила-ллоҳ**, яъни Аллоҳ ҳузурига йўл олиш деб таъриф берилади. Сулукдаги киши **солик**, **роҳрав**, **йўлчи** деб аталади. Сулукнинг муайян мазҳаби, яъни мактаби **тариқат** дейилади. Масалан, Хожа Аҳмад Яссавий мазҳаби **Яссавийя**, Баҳоуддин Нақшбанд мазҳаби **Нақшбандийя**[2] деб юритилади.

Сулук йўли риёзатдан иборат. Риёзат қийинчилик ва машаққатларни енгиб махсус одобни эгаллаш, ахлоқни яхшилаш ва нафсни жиловлашдир.

Ҳозирги оддий нутқда "нафс" сўзи баъзан ҳайвонга, асосан, инсонга нисбатан қўлланади ва "нафс" деганда кишининг ўз жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Шу интилиш кишида меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундай кишини "нафси ёмон" ёки "баднафс" ёхуд, "нафсини тиёлмаган" киши деб атайдилар.

---

[1] Арабчада ёзувда бор баъзи қўшимчалар ўқилишда тушурилади. "Сайрун"даги "-ун" шундай қўшимчалардан бўлгани учун қавс ичига олинди.

[2] Бундай сўзлардаги "-я" аслида кўпликни билдиради. **Нақшбандий** Нақшбандга мансуб киши, **Нақшбандийя** нақшбандийлар ва нақшбандлик демакдир.

Агар меъёрида ва ахлоқ доирасида бўлса, уни “нафси яхши” ёки “некнафс” киши дейдилар. Агар нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, ундай кимсани “нафси ўлик” ёки “нафсини тийган киши” дейилади ва бу ахлоқда ҳусн ҳисобланади. Инсонда ақл бўлгани учун ақл нафсни идора қилиб туради. Ҳайвонда ақл бўлмагани учун унинг нафсини ғариза, яъни инстинкт бошқаради. Шунинг учун ҳайвон нафсоний талабларни тажовуз йўли билан ҳам қондиради. Бу жиҳатдан инсоннинг ҳайвондан фарқ қиладиган ери унинг ақл ёрдамида нафсини тия олишидир. Нафсини тия олган шахснинг инсонлиги, тиёлмаганнинг ҳайвонлиги ортиқ бўлади. Кишида ҳайвоний сифатларнинг устун келиши уни турли балоларга гирифтор қилади. “Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга – соладур” деган мақолда нафснинг ана шу оқибати назарда тутилади. Навоийнинг ичувчилар ўзларини шер деб тасаввур қилганлари билан нафс ити олдида забундурлар, яъни мағлубдурлар деган мазмундаги бир байти ҳам бор.

Энди “нафс” сўзининг махсус маънолари билан танишайлик. Бу сўзнинг биринчи луғавий маъноси “ўз”дир. Бу маъно “иззат-и нафс” иборасида сақланган. “Ҳар кишининг иззат-и нафси бор” дейилса, ҳар ким ўзини ўзи азиз деб билади, ўзгалар томонидан хор этилиши ёки ҳақорат қилинишига йўл қўймайди, деган мазмун келиб чиқади. “Бировнинг иззат-и нафсига тегадиган иш қилиш керак эмас” деганда ҳам кишининг ўзига-ўзи азизлиги назарда тутилади.

“Нафс”нинг “ўз” деган маъносидан келиб чиққан яна бир маъноси бор, бу нарса ёки муддаонинг ўзгинаси, яъни айнан ўзи, ҳақиқати деган маъно бўлиб, бу маъно “нафсу-л-амр” иборасида сақланган. “Гапнинг нафсу-л-амрини айт” деганда гапнинг ҳақиқатини, мақсаднинг айнан ўзини айт, деган фикр тушунилади. Нафсу-л-амрда бу иш шундай бўлиши керак, деганда, ҳақиқатда, ишнинг ўзгинасини назарга олганда бу иш мана шундай бўлмоғи керак, деган мазмун чиқади. Табиатшуносликда “нафс” деб жисмнинг ўзидаги – унинг вужудини таъминловчи кучлар йиғиндисига айтилади. Жонсиз жисмнинг нафсини “нафс-и табъий” ёки “нафс-и маъданий” деб атаганлар ва бу нафс бир-бирига қарама-қарши икки кучдан иборат. Бири муҳитга интилувчи куч бўлиб, жисмнинг сиқилиб ўзи учун керак бўлган даражадан ортиқ зичлашишига йўл қўймайди. Бу куч “хиффат” дейилади. “Хиффат”нинг луғавий маъноси енгилликдир. Иккинчиси, марказга интилувчи куч бўлиб, бу жисмнинг бўшашиб ёки парчаланиб кетишига йўл қўймайди. Бу куч “сақл” деб аталади. “Сақл”нинг луғавий маъноси оғирликдир.

Ўсимликдаги ўстирувчи кучлар “нафс-и наботий”, яъни ўсимлик нафси ёки “нафс-и номия”, яъни ўсувчи нафс деб аталади. Ўсимликда маъданий нафс ҳам бўлади. Аммо бу нафс мазкур икки кучдан ташқари ўсиш учун зарур бўлган саккизта кучга эгадир. Буларнинг биринчиси, озуқани ўсимлик ичига тортадиган, шимадиган куч бўлиб, “жозиба” деб аталади. “Жозиба” сўзининг луғавий маъноси тортувчидир.

Иккинчиси, озуқанинг керакли қисмини танада тутиб турувчи куч бўлиб, “мосика” дейилади. “Мосика” сўзининг луғавий маъноси тутувчи, ушлаб турувчидир.

Учинчиси, озуқани ҳазм қилувчи куч бўлиб, унга “ҳозима” деб ном қўйилган. “Ҳозима”нинг луғавий маъноси ҳазм қилувчидир.

Тўртинчиси, ҳазм бўлган озуқанинг танага сингадиганини сингмайдиганидан ажратувчи куч бўлиб, “мумаййиза” деб аталади. “Мумаййиза” сўзининг луғавий маъноси ажратувчидир.

Бешинчиси, озуқанинг танага сингмайдиган, кераксиз ва ортиқча қисмини танадан ташқарига чиқарувчи куч бўлиб, буни “дофиа” дейдилар. “Дофиа” сўзининг луғавий маъноси даф қилувчи, сурувчидир.

Олтинчиси, озуқани ўсимлик жисмига мослаштириб, шу жисмга айлантирувчи куч бўлиб, бу "мусаввира" деган номни олган. "Мусаввира" сўзининг луғавий маъноси шакллантирувчидир.

Еттинчиси, уруғлантирувчи куч бўлиб "муваллида" дейилади. "Муваллида" сўзининг луғавий маъноси туғдирувчидир.

Саккизинчиси, ўсимликнинг катталашишига ёрдам берувчи куч бўлиб, бунисини "мунаммия" деб атаганлар. "Мунаммия" сўзиининг луғавий маъноси ўстирувчидир.

Энди ҳайвонга келсак, ҳайвонда ҳис ва ихтиёрий ҳаракат бор. Ўсимликда ҳис бутунлай йўқ. Ҳайвон ва ўсимлик ўртасидаги оралиқ мавжудотлар мустаснодир. Масалан, барги ёки гули билан ҳашаротларни тутиб, сўриб ташлайдиган ўсимликлар ҳам бор. Бундай оралиқ мавжудотлар "барзах" деб аталади. Ўсимликнинг ўсиш билан боғлиқ ҳаракати эса ҳайвонники сингари ихтиёрий эмас, табиийдир. Мана шу сабабдан баъзилар, жумладан, Ибн Сино ҳам ўсимликка хос кучларни табъий қувватларга киритадилар.

Ҳайвоннинг ҳис ва ихтиёрий ҳаракатини ишга солувчи кучларнинг йиғиндисини "нафс-и ҳайвоний" ёки "ҳайвоний нафс" деб атайдилар. "Ҳайвон" сўзининг туб луғавий маъноси тирик ва тирикликдир. Шунинг учун ҳайвон сўзи кенг маънода қўлланиб, ўсимлик жинсидан юқори жинсни англатиши мумкин. Бу ҳолда у инсонни ҳам ўз ичига олади ва инсон ҳайвон жинсининг бир навъи бўлади. "Ҳайвон" сўзи тор маънода қўлланганда эса "инсон" сўзига қарама-қарши қўйилади ва инсондан ўзга тирик мавжудотни билдиради.

"Нафс-и ҳайвоний" деганда тирик мавжудотнинг тириклигини таъминловчи қувватлар йиғиндиси тушунилади.

Тирикликка сезиш ва ихтиёрий ҳаракат хос. Буни кўриш, эшитиш, татиш, ислаш ва сезишдан иборат ташқи туйғу қувватлари ҳамда ички қувватлар таъминлайди. Олимларимиз бу қувватларнинг ҳаммасини "ҳис" ва "ҳавосс" деб атайдилар. "Ҳавосс" сўзи "ҳис" сўзининг кўплиги бўлиб, ҳислар дегани. Кўриш қувватини "босира", эшитиш қувватини "сомиъа", татиш қувватини "зойиқа", ислаш қувватини "шомма" ва сезиш қувватини "ломиса" деб, буларнинг ҳаммасига, яъни бешовига "ҳавосс-и зоҳир" ёки "ҳавосс-и зоҳирий" деб ном қўйганлар. Тирик махлуқ босира, яъни кўриш қуввати билан шакл ва рангни, катта-кичикни, узун-қисқани, узоқ-яқинни ва нуру зулматни идрок қилиб, бир-биридан фарқ қилади. "Сомиъа", яъни эшитиш қуввати билан турли товушларни, сўзларни эшитиб, уларни бир-биридан фарқлайди ва маъносини тушунади. Шомма, яъни ислаш қуввати билан турли исларни идрок қилиб, уларнинг кайфиятини билади. Зойиқа, яъни татиш, там билиш қуввати билан чучук, аччиқ ва нордон каби мазаларни идрок қилади. Ломиса, яъни сезиш, умуман бадан ва хусусан қўл билан юмшоқ-қаттиқни, иссиқ-совуқни, қуруқ-ҳўлни, оғир-енгилни идрок қилиб, уларни бир-биридан фарқ қилади.

Қувват назарда тутилмаганда кўриш "басар", эшитиш "самъ", ислаш "шамм", татиш "завқ", сезиш "ламс" деб юритилади.

Зеҳндаги идрок қувватларини "ҳавосс-и ботин" ёки "ҳавосс-и ботиний" деб атаганлар. "Ҳавосс-и ботиний" ҳам беш ҳисдан иборат. Биринчиси, ҳисс-и муштарак, иккинчиси хаёл, учинчиси ваҳм, тўртинчиси ҳофиза, бешинчиси мутасаррифадир. Баъзилар мутасаррифани "фикр" деб ҳам атайдилар.

Ҳисс-и муштарак ташқи ҳислар берган маълумотни бевосита қабул қилувчи ва жамловчи қувватдир. Бу ҳисда кўриш, эшитиш, татиш, ислаш ва сезишнинг натижалари бир яхлит ҳолга келгани ва у ташқи ҳислар билан ўзидан кейинги ички ҳислар ўртасида восита бўлгани учун уни "ҳисс-и муштарак" деб атаганлар. Ҳисс-и муштарак ташқи ҳисларнинг охири ва ички ҳисларнинг бошидир. Ҳисс-и муштаракни ҳовуз ёки денгизга, ташқи ҳисларни эса шу

ҳовузга келиб қўшиладиган ариқларга ёки денгизга қуйиладиган сойларга ўхшатилади.

Хаёл эса ташқи ҳислар билан идрок қилинган нарсаларни улар йўқ пайтида кўз олдига келтириш қувватидир.

Хаёлни ҳисс-и муштаракнинг хазинаси дейдилар, чунки хаёлда ҳис қилинган нарсаларнинг суръати тўпланиб боради. Хаёлни яна ёзувчига ҳам ўхшатадилар. Бунда ёзувчининг кўрган нарсаларини ёзиб қўйиб, ёзув орқали ўша нарсаларни ўзгага кўрсатиши назарда тутилади. Шунга биноан хаёл суръат, яъни шакл орқали маънони, яъни мазмунни идрок қилувчи қувват деб тушунилади. Ўзгача қилиб айтганда хаёл мавжудотнинг зеҳнда ҳосил бўлган суврати орқали уларнинг ўзини киши онгида гавдалантиради.

Ваҳм кўрилган, кўрилмаган мавжуд ёки номавжуд нарсаларни тўғри ва нотўғри равишда зеҳнда гавдалантирадиган кучдир. Масалан, ваҳм кишининг кўз олдига юзлаб қуёшни, ёқут тоғларни, симоб тўла денгизларни келтириши мумкин. Инсондан ўзга жонворларда ақл ўрнида ҳам "ваҳм" хизмат қилади. Инсонда ваҳмнинг ақлга тобе бўлмаслиги таъкидланади. Масалан, тунда ўлик бор уйда ёлғиз ётишга тўғри келса, ақл бунинг хавфсизлигини билдириб турса ҳам, кишини ваҳм қўрқитиши мумкин. Ваҳмнинг кишини чалғитиш хусусиятини назарга олиб, унга баъзилар "шайтон" ёки "иблис" деган лақабларни ҳам берганлар.

Ҳофиза ташқи ва ички ҳислар идрок этган нарсаларни сақловчи қувват бўлиб, уни лавҳга ўхшатадилар. Олдин учрашган икки киши янгидан учрашганда бир-бирини танишининг сабаби биринчи кўришишда уларнинг суръати ҳофиза туфайли зеҳнда ёзилиб қолганлигидир. Иккинчи кўришувда зеҳнга тушган суръат ҳофиза лавҳида ёзилиб қолган суврат билан қиёсланади ва натижада улар бир-бирини эслайдилар.

Мутасаррифа ёки **фикр** ташқи ва ички ҳислар идрок қилган ҳиссий, ғайриҳиссий ва ақлий нарсаларни жамлаб, натижа чиқарадиган қувватдир. Бунга ҳофиза лавҳига ёзилган маълумотни ўқувчи қувват деб ҳам қарайдилар. Мутасаррифа агар ақлга бўйсунса, уни "мутафаккира" ёки "зокира" деб, агар ваҳмга бўйсунса, уни "мутахаййила" деб атайдилар. **Мутафаккира** фақат инсонга хос бўлиб, у нафс-и инсоний ёки нафс-и нотиқа тушунчасига алоқадордир. Нафс-и ҳайвоний мазкур бешта ички ва бешта ташқи ҳислардан ташқари яна "ғазаб" ва "шаҳват" деб аталган икки қувватни ўз ичига олади. **Ғазаб** зарарни дафъ қилиш ёки ўзгага устун келиш учун керак бўлган ҳаракатни вужудга келтирувчи кучдир.

Шаҳват сўзининг луғавий маъноси истак бўлиб, истилоҳий маъноси ҳайвонни бирор манфаат ёки лаззатга интилтирувчи кучдир. Инсонда ҳайвон, ўсимлик ва маъдан нафслари ҳам бор, ҳайвонда инсон нафси йўқ, лекин ўсимлик ва маъдан нафси бор. Ўсимликда инсон ва ҳайвон нафслари йўқ, аммо маъдан нафси бор. Жамодда, яъни анорганик жисмларда инсон, ҳайвон ва ўсиш нафслари йўқ бўлиб, фақат маъдан нафси бор. Бошқача қилиб айтганда, ўсмайдиган ва жонсиз мавжудотда унинг жисмини сақлаб турувчи қувватларгина бор. Ўсадиган мавжудотда, яъни ўсимликларда эса уларнинг жисмини сақловчи қувватлар ва ўстирувчи қувватлар ҳам бор. Тирик мавжудот, яъни ҳайвонларда эса ҳам уларнинг жисмини сақловчи, ҳам ўсишини амалга оширувчи, унинг тириклигини, яъни ҳис қилиб ихтиёрий ҳаракат қилишини таъминловчи қувватлар бор.

Инсонда эса буларнинг ҳаммаси мавжуд, ундан ташқари фақат унинг ўзига хос қувватлар ҳам бор. Бу тафаккур ва нутққа оид қувватлар бўлиб, буни "нафс-и инсоний" ва "нафс-и нотиқа" деб атаганлар. **Нафс-и инсоний** ҳис қилиб билишдан ташқари ўйлаб билиш ва ўйлаб топиш қобилиятига эга. Мана шу қобилиятга ақл дейилади. Шундай қилиб инсонда бошқа мавжудотда бор қувватлар, шунингдек, фақат инсонга хос "зокира" ёки "мутафаккира" деб аталган фикрлаш қуввати ва нутқ қуввати ҳам бор экан. Ақл ва нутқ башарга берилган

шарафли имтиёз ҳисобланади ва инсонга унинг шу жиҳатини назарга олиб, “ашрафу-л-махлуқот”, яъни махлуқларнинг энг шарафлиси деган лақаб берилган.

Ахлоқ назариясидаги нафсни мухтасар қилиб, уч ёки тўрт ва муфассал қилиб етти турга бўлганлар. Уч турга бўлганда бирини “нафс-и аммора”, иккинчисини “нафс-и лаввома” ва учинчисини “нафс-и мутмаинна” деб атаганлар. “Уч нафс” ёхуд “нуфус-и салоса” деганда нафснинг мана шу уч тури, аниқроқ қилиб айтганда ахлоқий даражаси тушунилади. Тўртга бўлганда мазкур учтага “нафс-и мулҳама” дегани қўшилади. Етти турга бўлганда мана шу тўрттага яна учтаси қўшилади ва булар “нафс-и розия”, “нафс-и марзия” ва “нафс-и комила” деб аталади.

Нафс-и амморанинг луғавий маъноси доим буйруқ бериб турувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафс буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларнинг нафсига нисбатан қўлланади. Бу нафс кишиларни ўғрилик, зўравонлик, бузуқликка ва ичкиликпарастликка олиб боради ва кишини турли балоларга гирифтор қилади. Аччиқланиш, ўзини катта олиш, ўзгалардан устун келишга ҳаракат қилиш, ўчакишиш, кек сақлаш, бировни кўролмаслик, қурумсоқлик, жанжалкашлик, бировларнинг орқасидан гапириш каби манфий хислатлар нафс-и амморанинг амалий белгиларидан ҳисобланади.

Киши билиб ёки билмасдан нафс фармонида бўлиши мумкин. Бола эси киргунга қадар билмасдан нафсга бўйсунади. Боланинг келажагини ўйлаган ва ўзлари яхши тарбия олган ота-оналар, оға ва эгачилар уни бошдан бошлаб йиғлаганига ва бошқа ўжарликларига қарамасдан нафснинг амморалик хусусиятини йўқотишга ўргатиб борадилар. Натижада бола ўз нафсига мағлуб бўлмасдан, ундан ғолиб киши бўлиб етишади. Баъзан тарбиянинг йўқлиги ёки нотўғрилиги туфайли бола нафсига мағлуб бўлиб ўсади ва ёш жиҳатидан қариганда ҳам нафс жиҳатидан гўдаклигича қолади. Катта бўлганда фақат нафс буйруғи билан бўладиган ҳаракатнинг шакли ўзгаради. Масалан, навқирон йигит ёки қиз, мўйсафид чол ёки кампир бировнинг нарсасини ўзлаштириш учун ўзини ерга отиб, тепиниб йиғламайди, балки куч ёки турли макру ҳийлаларни ишга солади. Булар ўзларининг нафс қулига айланганликларини билмайдилар ва ўзларини ғолиблар қаторига қўшадилар.

Била туриб нафсга бўйсуниш эса иродасизлик туфайли бўлади. Билмасдан нафс амрига бўйсунувчи кишининг нафсини баъзан “нафс-и баҳима” деб ҳам атайдилар. **Баҳима** чорва дегани.

Уришқоқ, ўзгаларнинг нарсасини тортиб оладиган ёки сўроқсиз ўзлаштирадиган, чекишдан ўзини тиёлмайдиган мактаб болалари, бўккунча овқат ейдиган, ичкиликка берилган, ўзгаларни норози қилиб, алдаб тирикчилик қиладиган катта кишилар, амални суйистеъмол қилувчи амалдорлар, ўз халқи ва ўзга халқларни таловчи подшолар, бутун оламни эгаллашга ҳаракат қилувчи империалистларнинг нафси **нафс-и аммора** бўлиб, мазкур шахслар оқибатда ўз нафсларининг қурбони бўладилар.

Энди “нафс-и лаввома” иборасининг мазмунига келсак. “Лаввома” доим койиб турувчи деган маънони билдиради ва нафс жиловини ўз қўлига олган, нафсини ақлига бўйсундирган ва нафс ғолиб келганда ўзини-ўзи койиб яна нафсини мағлуб қилиб оладиган кишининг нафси “нафс-и лаввома” деб аталади.

Нафс-и лаввома соҳиблари кишининг яшаши учун зарур бўлган нафсоний талабларини ҳалол йўллар билан меъёридан оширмасдан қондирадилар. Натижада бундай кишилар ўзгаларни ҳам мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечирадилар.

Нафс-и аммора соҳибига қаҳру ғазаб хос бўлгани ҳолда нафси лаввома эгасига меҳру шафқат хос. Унга тажовуз хос бўлса, бунга ибо, тортиниш хос. Унга уятсизлик, сурбетлик хос бўлса, бунга ҳаё, адаб хос. Унга манманлик, мутакаббирлик хос бўлса, бунга камтарлик

ва тавозу хос. Унга ҳаромийлик, бунга ҳалоллик хос. Унга ҳирс, очкўзлик хос бўлса, бунга қаноат хос. Унга ўзгаларни кўролмаслик хос бўлса, бунда ҳатто ўзида йўқ нарсалар ўзгаларда бўлса, худди ўзида бордай хурсанд бўлиш хислати бор. Нафс-и аммора соҳибларини ҳамма қораласа, нафс-и лаввома соҳибларини ҳамма ҳурмат қилади. Шунинг учун соғлом жамият аъзосининг аксарини нафс-и лаввомага эга бўлган кишилар ташкил қилиб, нафс-и аммора эгалари соғлом кишилар орасида кам бўлади.

Энди **нафс-и мулҳама**га келсак, **мулҳама**нинг луғавий маъноси илҳомланган, илҳомлидир. Илҳом деганда кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади. "Нафс-и мулҳама" деганда эса, кишида турли жозибали истакларни уйғотувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, ҳикмат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай нафс эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилик, гўзаллик ва санъатни севиш каби хислатлар хосдир.

Ҳамма ёмонликлар нафс-и амморадан, ҳамма яхшиликлар руҳдан содир бўлади, дейилади. "Арвоҳ" сўзи "руҳ"нинг кўплиги бўлиб, у ҳозирги авом тилида бирлик сифатида ишлатилади[1]. Мумтоз ўзбек тилида "арвоҳ" фақат руҳлар деган маънода қўлланади. Қуръон оятлари, жумладан, Исро сурасининг 85-оятида руҳ парвардигорнинг амридир дейилган. Бу оятда Ҳақ Таоло Расулуллоҳга мурожаат қилиб шундай дейди: **Ва ясъалу:нака мина-р-ру:ҳ. Қули-р-ру:ҳу мин амри раббий** – Сендан руҳ ҳақида сўрайдилар. Руҳ парвардигоримнинг амридур, дегил. **Амр** сўзининг бўйруқ ва иш маънолари бор. Бу оятда **амр** мазкур маъноларнинг қайсисида ишлатилган? Баъзилар уни **иш** деб таржима қилганлар. Аммо ҳазрат-и Навоийнинг ҳиммати[2] ва илмий раҳбарлигида бажарилган **Тафсир-и Ҳусайний**да **амр фармон** деб таржима қилинган ва қуйидагича изоҳ берилган: **аз мубдаъот-ки ба амр-и "кун" койин шуда бемодда ва аз он жумла-ст-ки махсус-аст ба илм-и Худой таъоло ва ғайр-и Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло касе баду доно нест** – [Руҳ] кун буйруғи билан моддасиз яратилган бадиъ мавжуддир[3] ва юксак Тангрининг илмига хос бўлиб, уни юксак ва пок Ҳақдан ўзга ҳеч ким билгучи эмас. Агар руҳлар оламини **амр олами** деб аталишини ҳам ҳисобга олсак, Исро сурасининг 85-оятидаги **амр** иш эмас, буйруқ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мазкур далилларга биноан содиқ муҳаққиқлар, яъни мавжудотнинг ҳақиқатини била оладиган олимлар руҳнинг ҳақиқатини билиб бўлмаслигини таъкидлайдилар. Ҳақ таолога яқин мартабаларга эришган соликлар ҳам бу масалада аниқ бир фикр айтолмай, фақат ишоралар билан чекланганлар. Шунинг учун илмий асарларда руҳнинг излари ва у билан боғлиқ бошқа ҳодисалар баён қилинади.

Шайх Азизиддин Насафий ўзининг "Зубдату-л-ҳақойиқ" асарида руҳ билан боғлиқ баъзи масалаларни баён қилган. Унинг руҳга берган таърифи шундай:

بدان که روح جوهر[ی][1] بسیط است [مکمل] و محرك جسم است در مرتبه نبات با طبع و در مرتبه حیوان بالاختیار و در مرتبه انسان بلعقل ... روح خوهری لطیف و قابل تجزی و تقسیم نیست و از عالم امر است بلکه خود <عالم> امر است[2]

---

[1] Бу ҳолни "валий" кўплиги "авлиё", "шайх"нинг кўлиги "машойих", "узв"нинг кўплиги "аъзо" каби сўзларда ҳам кузатамиз.

[2] Ҳозир бу сўз ўрнида маъноси тўғри келмаса-да, "ҳомий" сўзи қўлланмоқда.

[3] Марям сурасининг 35 инчи, Ёсиннинг 82 нчи, Ғофирнинг 68 инчи оятларида Ҳақ Таолонинг истаган нарсаси **кун**, яъни бўл деса бўлиши айтилган. Бу оятлардаги бўл дейди-ю бўлади деган маънодаги **кун фа-яку:н** ибораси мумтоз адабиётда кўп қўлланади. Аммо ҳозир баъзилар буни бутунлай тескари маънода ишлатадилар.

[4] Ношир матнга ўзи қўшган ҳарфларни ( ) аломати, асарнинг тошбосмаларидан олинган сўзларни [ ] аломати, қўлёзмадаги қўшимчаларни < > аломати ичига олган.

زبدة الحقایق تصنیف عزیزالدین نسفی تصحیح مقدمه و تعلیقات حق و یردی ناصری تهران: طهوری ۱۸۳۱ ص۰۲۵

Зубдату-л-ҳақойиқнинг ўзбекчаси ҳам бор: Азизиддин Насафий, Зубдат ул ҳақойиқ, Нажмиддин Комилов таржимаси, Т., "Камалак", 1996.

Яъни: Билгилки, руҳ жисмни ўсимлик мартабасида биттабъ, ҳайвон мартабасида билихтиёр, инсон мартабасида билъақл[1] камолга етказиб, ҳаракатга келтирувчи бир басит[2] жавҳардир... руҳ латиф[3] бир жавҳар[4] бўлиб, у парчаланиб бўлакларга бўлинмайди. У амр оламидандир, балки амрнинг[5] ўзидир[6].

Зубдату-л-ҳақойиқда Насафий бу жавҳарнинг мартаба ва мақомлари ҳақида маълумот бериб, ҳикмат аҳли уни **ақл** деб, ваҳдат аҳли **ҳаюло** деб аташларини айтади. Жавҳарнинг биринчи яратилганини **руҳ-и аввал, руҳ-и аъзам, нур-и Муҳаммадий, қалам**[7]**, ақл-и аввал, ҳаюло-йи аввал** деган номлар билан атаганлар.

Ғарбда **метапсихоз** деб аталувчи **таносуху-л-арвоҳ** ва **спиритизм** деб аталувчи **истиҳзору-л-арвоҳ** деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг биринчиси руҳни бир танадан бошқа танага кўчиришни, иккинчиси руҳни ҳозир қилишни билдиради. Аммо бу атамалар ботил бўлиб, булардан ҳозир кўплаб фирибгарлар фойдаланмоқдалар.

Солик нафсни тазкия[8] қилиш билан бирга ошиқона тарзда сулук одобини тўлиқ риоя қилиб, ахлоқ-и замима, яъни қораланувчи хулқлардан ҳазар қилади ва ахлоқ-и ҳамида, яъни мақтовли хулқларни қатъий одат қилиб олади. Ҳақ таъоло қабул қилса, шу йўл билан тарийқатда тараққий қилиб, тегишли мартабаларга эришади. Соликнинг эришадиган мартабалари **мақом** ва **муқом** деб, киноя тарзида **водий, дарё**, яъни **денгиз** деб аталади. Солик тегишли сулук амалида қатъий туриб орқага қайтмаса, мақомда бўлади. Масалан, сулук талабига мувофиқ тавба қилиб, тавбасидан қайтмаса, тавба мақомида бўлади. Мақом мустаҳкам бўлмаган ҳолат **ҳол** дейилади. Юксак даражада **ҳол** деганда соликнинг истаги ва ҳаракатисиз Ҳақ тарафидан унинг кўнглига шодлик ёки ғам, сиқилиш ёки ёзилиш, шавқ ёки қўрқув каби кайфиятларнинг келиб кетиши тушунилади. Шу ҳолатдаги соликлар **ҳол аҳли** деб аталади. Ҳол доимий ҳолатга айланса, мақом бўлади. Мақомлар кўп бўлиб, уларнинг кенг қамровли еттитаси "Лисону-т-тайр"да **водий** номи билан берилган:

1. Талаб водийси. Бунда толиб тарийқат йўлини излайди. Қийналиб дунёвий илинчлар, молпарастлик, жоҳпарастлик, шуҳратпарастлик, кибру ҳаводан қутилиб, нафсу ахлоқини сулук талаби даражасида тазкия қилиб, кейинги мақомга ўтишга муяссар бўлади.

---

[1] Яъни ўсимликдаги руҳ табиий, ғайриихтиёрий кучга эга, ўсимликнинг ҳис ва ихтиёри бўлмагани учун ўсиб, етилиши унинг ўзига боғлиқ эмас. Ҳайвондаги руҳ уни ихтиёрий ҳаракат билан таъминлайди. Инсондаги руҳ эса, ақл билан ҳаракат қилади.

[2] **Басит** битта "д" билан **сода** ҳам дейилади. Булар мураккабнинг зидди бўлиб, мавжуднинг таркибий қисми йўқлигини, унинг ёлғизлигини билдиради. Баситнинг мартабаси мураккабга нисбатан комиллиги билан улуғдир, чунки басит бузилиб йўқ бўлмайди, мураккаб парчаланиб йўқ бўлади.

[3] **Латиф**нинг луғавий маъноси майин ва юмшоқдир. Аммо бу ўринда у истилоҳий маънога эга бўлиб, мавжуднинг илғаб бўлмайдиган сифатини билдиради. Масалан нур латифдир. Шу маънодаги латифнинг зидди сифатида асли нопок маъносидаги **насиф** сўзи ишлатилади. Дағал жинс, қаттиқлик каби хоссага эга бўлган мавжуд **насиф** дейилади.

[4] **Жавҳар** бу ўринда мавжудотни мужассам қилувчи вужуд. Қаралсин: А.Рустамов, Сўз хусусида сўз. Т., 2010, 28-30 с.

[5] Китобда бу сўз олдида берилган "олам" сўзи ортиқча.

[6] Ҳақ таъоло оламни воситасиз **кун,** яъни **бўл!** деган амр билан яратган. Руҳ шу амрни давом эттиргани учун уни амр билан тенглаштирилади. Малакут, яъни руҳлар олами **амр олами** дейилади.

[7] Ҳазрат-и Навоий **Фарҳоду Ширин**да қаламга бағишланган бобни
Қалам-ким, наҳнавард-и тезтак-дур,
Азалдин манзили фавқу-л-фалак-дур
деб бошлайди. Бунда Ҳазрат мазкур қаламга ишора қилган. Ақл-и аввални **қалам** ва **қалам-и аъло** деб аталишининг важҳи ақл-и аввалнинг махлуқотнинг ақлий сувратини, тасаввурини яратишдир.
Ақл ўнта бўлиб, аввал Ҳақ таъолодан ақл-и аввал содир бўлган. Ундан яна тўққизта ақл, нафс ва тўққизта фалак содир бўлган. Энг тубандаги ақл қамар фалакида бўлиб, **ақл-и фаъъол** деб аталади.

[8] **Тазки(й)а**нинг асил шакли **тазкийя**. **Нафс тазкийяси** нафсни салбий сифатлардан аритишдир.

2. Ишқ водийси. Бундаги ишқ энг юксак даражада бўлиб, у ошиқни жондан кечиб жон эгасига интилтиради. Ҳазрат

ишқ чун қилди вужудингни адам[1]
маърифат водийсиға урдунг қадам

дейди.

3. Маърифат водийси. Бунда турли эътиқод ва сулук йўлларининг беҳад кўплиги, йўлларнинг баъзиси тўғри, баъзиси эгрилиги, лекин мақсад бирлиги аён бўлади. Баъзилар илоҳий маърифат нуридан баҳраманд бўлиб, тортган ранжларига яраша мақсадга етадилар, баъзилар йўлдан озиб кетадилар, ўладилар ҳам. Йўлларнинг энг тўғриси Расулуллоҳ йўли эканлиги таъкидланади:

чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
кўпраги дурд эрди лекин ози соф-[2]

ким равишда софий эрди машраби[3]
бор эди ул тобиъ-и шаръ-и Набий

4. Истиғно водийси. **Истиғно** – номуҳтожлик. Ҳақ таъоло **мустағний**, яъни ҳеч нарсага муҳтож эмас ва ҳамма нарсага қодир. Унинг шу сифатига кўра соликлар турли даҳшатли ва бешафқат балолар билан имтиҳон қилинади. Кўпчилик бу синовдан ўтолмайди. Соликларнинг фақат жуда ози бундан омон чиқишга муваффақ бўлади.

5. Тавҳид водийси. Бу тавҳид ҳол аҳлининг тавҳиди бўлиб, бунинг ниҳоий мартабасида бутун мавжудот, жумладан, солик Ҳақ нурида ғарқ бўлиб, биргина Ҳақ вужуди қолади.

6. Ҳайрат водийси. Бунда Ҳазрат

ҳайрат айлар тилни гунг-у лол ҳам
ақл зойил ҳушни помол ҳам

дейди.

7. Фано водийси. Бунда соликнинг башарий жиҳати Ҳақнинг илоҳий жиҳатида бутунлай йўқ бўлади. Ҳазрат

йўқ бу водий ичра жуз хомушлуқ[4]
гунг-у кар бўлмағлиғ-у беҳушлуқ

дейди.

Солик кайфиятида содир бўладиган мазкур буҳушликлар ва ўзга ҳолатлардаги сархушликларга ўзига хос **усруклук**[5] деб қаралади ва бу ҳолат **сукр** ҳамда **мастлик** деб ҳам аталади. Бу мастликнинг бевосита сабаби Ҳақ жамолини мушоҳада[6] қилиш, унинг шоҳиди

[1] **чун қилди адам** – йўқ қилгач.
[2] **дурд** – суюқликнинг чўкмаси, **соф** – чўкма устидаги соф қисми.
[3] **машраб** – ичиш жойи. Кимки Расулуллоҳ шариати йўлидан борса, унинг сулук манбаи соф маърифат бўлади.
[4] **жуз хомушлуқ** – жим бўлишдан ўзга.
[5] **Мастлик**нинг арабийси **сукр**, форсийси **мастий**, туркийси **усруклук**. **Маст** форсий, **сукрон** арабий, **усрук** туркийдир.
[6] Баъзан **мушоҳада** сўзи **мукошафа, муҳозара, муроқаба** сўзлари билан қисман умумий маънога эга бўл-

бўлишдир. Унинг бош сабаби ишқдир. Чунки соликни шуҳуд, яъни шоҳидлик соҳиби даражасига ишқ келтиради. Аммо ишқнинг таъсир кўлами шахс билан чекланмайди. Бутун борлиқ, оламларнинг пайдо бўлиши, уларнинг фаолияти ва ривожида ишқнинг таъсири кучлидир. Бинобарин мастлик воситаси май ишқ рамзи қилиб олинган. Ҳақ нури комил солик кўнглида тажаллий қилгани, яъни жилолангани учун жом кўнгил рамзи қилиб олинган. **Кўнгил**нинг маънодоши сифатида юрак маъносидаги **қалб, дил** ва **фуод** сўзлари ҳам қўлланади. Луғавий жиҳатдан **қалб юрак**нинг, **фуод** айнан **кўнгил**нинг муодилидир. Аммо истилоҳ сифатида **қалб кўнгил** маъносида ишлатилади. **Дил** луғавий маъносида юрак, истилоҳий маъносида **қалб** каби кўнгил маъносида қўлланади.

Ҳазрат-и Навоий **Ҳайрату-л-аброр**да кўнгил таърифига бир фасл, кўнгилнинг вужуд сайрига уч фасл бағишлаган ва бу уч фаслни **ҳайрат** деб атаган. Бунга кўнгилнинг ҳайратга тушиши бойис бўлган. **Аввалғи**[1] **ҳайрат**да кўнгил йўқликдан борлиққа чиқиб, мулк оламидаги, яъни жисмоний оламдаги рангоранг гулларни, турли дарахтларни тамошо қилади ва уларнинг **саббиҳи-сма раббика-л-аъло** ҳукми билан Ҳақ таъолога тасбиҳ[2] адо қилаётганларини англаб, ҳайратга тушиб ҳушидан кетади. **Иккинчи ҳайрат**да кўнгил мулк оламидан малакут, яъни руҳ оламига[3] кўтарилиб, ундаги шамъу машъалларнинг[4] **ва-зкури-сма раббика ва табаттал илайҳи табтийлан**[5] ҳукми билан Ҳақ таъолонинг зикри ила машғулликларини англаб, ҳайратдан эси оғади. **Учинчи ҳайрат**да кўнгил малакут оламидан бадан мулкига иниб, бу мулк аҳлининг **фа-зкуру:ний азкурукум**[6] амри билан Ҳақ таъолонинг зикри билан банд эканликларини билиб, ҳайрат ўйидан куйиб, фано елига соврилиб, висол мақомига эришади.

Ҳазрат-и Навоий кўнгилнинг сифатини фақат соҳибдилларгина билишини айтиб, унга шундай таъриф беради:

эй-ки кўнгул васфи баён айладинг
сен бу кўнгулни не гумон айладинг

гулшан-и жисминг аро гул ғунчаси
бутса гумон этма кўнгул ғунчаси

ғунча эмас-ким бу кўнгул қон эрур
ё бўялиб қон аро пайкон[7] эрур

гани учун уларни чалкаш ишлатиш учрайди. Қуйидан бошласак, **муроқаба** сулук одобига зид амаллардан сақланишдир. **Муҳозара** ҳозир бўлиш, ғойиб бўлишнинг зидди. Истилоҳий маъноси давомли зикр натижасида кўнгилнинг Ҳақ ҳузурида ҳозир бўлишидир. Зикрларнинг афзали **Ло илоҳа илло-ллоҳ** дейилади. **Мукошафа** Ҳақ сифатининг тажаллийси, сифат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобийси лутф каби, салбийси қаҳр каби. **Мушоҳада** Ҳақ зотининг, яъни ўзининг тажаллийсидир.

[1] Мумтоз ўзбек тилида **биринчи** ўрнида **аввалғи** ишлатилади.

[2] Яъни: бениҳоят юксак эгангнинг шаънига тасбиҳ (субҳона-ллоҳ ўта пок ва нуқсонсиздур) айт (Аъло сурасининг биринчи ояти).

[3] **Малакут** маъно олами ҳам дейилади. Чунки руҳни жисмнинг маъноси деб ҳам билиш мумкин. Бу ҳол сўзда яққол кўринади. Сўз лафз ва маънодан иборат. Сўз айтилганда эшитилади, ёзилганда кўринади. Бу унинг зоҳири, яъни ҳис қилинадиган жиҳати. Маънони лафзсиз ҳис қилиб бўлмайди. Бу унинг ботини, ички жиҳати. Аммо сўздан мурод маъно бўлгани учун у бирламчидир.

[4] **Шамъ** илоҳий нур ёғдуси бўлиб, солик кўнглини ёритади. **Машъаллар** мазкур ёғдунинг турланишини ва таъбирни кучайтириш учун берилган.

[5] Яъни: парвардигорингнинг исмини зикр қил ва дунёдан кечиб, унга бутунлай юзлан (Муззаммил сураси, 8-оят).

[6] Яъни: мени эслангиз, мен ҳам сизни эслайман (Бақара сураси, 152-оят).

[7] **Пайкон** ўқ бошоғи, уни ўқ деб тушуниш хато.

йўқ-ки бу бир шакл дурур ранг-у бў[1]
ҳар не керак бўлсун агар бўлса бу

гар бу дурур ҳар нима-ким жони бор
жисмида бу ғунчасифат қони бор

ҳам ани Дажжол топиб ҳам Набий
Ийси[2] *ила тенг-му бўлур маркаби*[3]

гар бу эса хожа[4] *ўзин муттасил*[5]
қайси кўнгул бирла дегай аҳл-и дил

бу-ки кўнгул дерсен эрур бу юрак
исм кўнгул бирла анга муштарак

кўнгул эрур булбул-и бў:стон-и роз
қудс ҳаримида[6] *бўлуб жилвасоз*

ройиҳа-йи[7] *жаннат-и аъло ҳам ул*
партав-и мисбоҳ-и тажалло[8] *ҳам ул*

солик ани арш-и муалло[9] *деди*
суфий ани олам-и кубро[10] *деди*

айн-и назоҳатда[11] *бу азал жаҳон*
барча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон

Каъба-ки бўлуб оламнинг қибласи
қадри йўқ андоқ-ки кўнгул каъбаси-

ким бу халойиққа эрур саждагоҳ
ул бири холиққа эрур жилвагоҳ

Маънавий шароб

---

[1] Яъни оддий юрак кўнгилнинг шакли, ранги ва белгиларидан иборат бўлиб, унда кўнгилнинг моҳияти, Ҳақ таъолога алоқадор жиҳати йўқ.
[2] **Ийси** – Ийсо алайҳи-с-салом. Сўз охиридаги **о** алиф-и мақсура, яъни ё ҳарфи билан ифодаланган ҳолларда вазн ва қофия талаби билан **и** деб ўқилади, **маъно – маъни, лайло – лайли** сингари.
[3] **Маркаб** – улов, Ийсо алайҳи-с-саломнинг улови эшак эди.
[4] Яъни **кўнгил**. Иккинчи кўнгил кўчма маънода: **қайси кўнгил бирла** – нимага асосланиб.
[5] **Муттасил** – узлуксиз.
[6] **Қудс ҳарими** – номаҳрамларга, бегоналарга ҳаром қилинган нуроний махлуқот макони. **Қудс, қудус**га луғатларда жаннат деган маъно ҳам берилган.
[7] **Ройиҳа** – хушбуй ис.
[8] **Партав** – ёлқин; **мисбоҳ** – чироғ; **тажаллий** – жилоланиш. Бу сўз қофия талаби билан **тажалло** бўлган.
[9] **Арш-и муалло** (юксак курси) дан мурод олий даража.
[10] **Олам-и кубро** (улуғ олам) дан мурод бутун жаҳонни ўз ичига ола олишдир.
[11] **Назоҳат** – айбдан йироқ бўлиш.

Ирфон[1] аҳли таъбирида дунёда ичиладиган ичкилик **суварий**[2], маъно оламидаги[3] ишқ, завқ беҳушликка нисбатан қўлланилган шароб номлари **маънавий** деб аталади. Маънавий шароб махсус маънода қўлланганда, Ҳақ васлига етишган соликларнинг ишқ ғалабасидан мағлуб бўлган, яъни ҳушини йўқотган, мутлақ маънода мазкур мақомга эришмаган соликлардаги завқ ва ҳайрат ҳоллари тушунилади.

Шароб[4] деб ишқу муҳаббатга айтилар экан, энди ишқни ўрганамиз. Бу ҳақда аниқ илмий маълумот олиш учун Мавлоно[5] Жомий ва ҳазрат-и Навоийга мурожаат қиламиз. Мавлоно ўзининг **Лавомиъ**[6] асарида ишқу ошиқ ва маъшуқнинг моҳияти, уларнинг содир бўлиш сабаблари ва турларини гўзал бир услубда баён қилган. Қуйида шу асарнинг мазмунини Деҳлида Мужтабо матбаасида босилган тошбосма нусхасидан содда қилиб, олиб берамиз:

Азалларнинг азалида Ҳақ таъолонинг ёлғиз ўзи мавжуд бўлиб, бошқа ҳеч нарса йўқ эди[7]. Зотида мавжуд бўлган камолу жамоли[8] ва сифатларини[9] ўзида ўзи билар, кўрар ва ҳеч нарсага муҳтож эмас эди[10]. Аммо бу зотий камол зимнида **жило** ва **истижло**[11] деб аталувчи ўзидан ўзгани назарда тутган асмойий[12] камол мавжуд эди. Ҳақ таъолонинг ўзи ошиқ, ўзи маъшуқ ва ўзи ишқ эди. Бу ҳол мазкур исмларнинг зуҳурига истак ва ҳаракат пайдо қилди. Мана шу истак ва ҳаракат ҳамма ишқларнинг, ҳамма маҳаббатларнинг[13] манбаи бўлди. Ҳамма ишқлар, ҳамма маҳаббатлар, ҳамма аҳилликлар, ҳамма майллар мазкур исмларнинг таайюн

---

[1] **Ирфон** Ҳаққа эришиш толибларининг илму амаллари бўлиб, у амалий ва назарий шаклларга эга. Амалий ирфон сулук воситасида васлу фано мақомига эришишдир. Назарий ирфон мазкур илму амалларнинг баёнидан иборат. Ирфонни эгаллаган киши **ориф** бўлади. **Ирфон** маъносида **маърифат** сўзи ҳам қўлланади.

[2] **Суварий** суврат, яъни шаклга оид дегани. Жисм маънонинг шаклланиши натижасида бор бўлгани учун уни **суварий** дейилади.

[3] **Маъно олами** Ҳазорат-и хамс, яъни Ҳақ нурининг ҳозир бўладиган беш мартабасининг биридир. Бу руҳлар олами бўлиб, унинг хусусиятлари юқорида баён қилинди. **Ҳазорат-и хамс** ҳақида қаралсин: Рустамий, Ҳазорат-и хамс Абдураҳмон Жомий талқинида. Эрон-афғон филологиясининг долзарб муаммолари, Т., 2009, с.17-19.

[4] Мумтоз адабиётда **шароб**нинг мана бу маънодошлари қўлланади: **май, саҳбо** (қизил шароб), **бода** (хом шароб), **бода-йи ноб** (ҳеч нарса қўшилмаган шароб, русчаси сухое вино), **райҳоний** (кўкимтир, хушбуй шароб), **мудом** (дойимий шароб), **роҳ** (шодланиш назарда тутилади), **мул, чоғир, хамр**.

[5] **Мавлоно** мавломиз дегани. **Но** арабчада –**миз** маъносидаги қўшимча. **Мавло** – қўлловчи, раҳбарлик қилувчи. **Мавлоно** – олимлар жамоасига бошчилик қилувчи алломага айтиладиган илмий унвон.

[6] **Лавомиъ** – **ломиъа** (ёлқин)нинг кўплиги. Мавлоно Жомийнинг бу асари Ибни Фориз Мисрийнинг хамрия қасидасининг шарҳидан иборат.

[7] Мавлоно бу фикрга қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтиради: **Кона-ллоҳу ва лам якун маъаҳу шайъун** – Аллоҳ бор эди ва у билан бирга ҳеч нарса йўқ эди.

[8] **Камол** жамол ва жалолдан иборат. **Жалол** – қаҳр. Оламнинг яратилишида қаҳрнинг иштироки йўқ. Шунинг учун бу ўринда **жалол** зикр қилинмаган.

[9] Ҳазрат-и Навоий Ҳақ таъолонинг саккизта субутий, яъни собит бўлган, тасдиқланган сифатини келтиради: Алишер Навоий. Сирожу-л-муслимин. Т., “Мерос” – “Нур” – 1993. с. 14. Бобур Мирзо бу сифатларнинг кўриш ва эшитишини бирлаштириб еттита қилиб беради: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. Т., “Мумтоз сўз”, 2011, с.15-18. Бу шаръий ақийда. Сифатнинг ирфоний таърифи шундай: Ҳақнинг сифатлари икки қисм. Бири зотий сифатлар, яъни Ҳақнинг азалий собит сифатлари – **мавжудлик, қадимлик** (азалийлик) ва **бирлик.** Иккинчи қисм сифатлар феълий бўлиб, булар **ризо, раҳмат, норозилик, ғазаб** кабидир.

[10] Бунга Қуръондан **Инна-ллоҳа ла-ғанийюн ъани-л-ъолами:н** (Аллоҳ оламларга ҳеч муҳтож эмас – Анкабут, 6-оят) далил қилиб келтирилади.

[11] **Жило** – товланиш; **истижло** – ўзига-ўзи товланиш.

[12] **Асмойий** – исмларга оид. **Асмо исм**нинг кўплиги. Барча махлуқотнинг исми Ҳақ илмида мавжуд.

[13] **Маҳаббат** ҳозирги **муҳаббат**нинг асил шакли. Муҳаббат кўнгилнинг гўзаллик ва эзгуликка бўлган майлидир. Муҳаббат икки турдан иборат дейилади: **авом маҳаббати** ва **хос маҳаббати**. Авом маҳаббати кўнгилнинг сифот жамолини, хос маҳаббат эса зот жамолини кўришга интилишдир. Муҳаббатнинг ўта кучлиси ишқдир.

сувратлари[1] ва шаклланиш мартабаларидан[2] иборат. Ҳамма ҳуснлар, жамоллар, фазллар ва камоллар Ҳақ таъоло камол ва жамолининг тармоқларидир. Ҳақ таъоло махлуқотни яратиш билан ўзининг уларда акс этган жамолини ошиқлар кўзи билан тамошо қилади.

Маҳаббат ҳақиқий жамилнинг[3] ўз камолига жамъан ва тафсилан[4] майлидир. Бу ё **жамъ** мақомидан **жамъ**га ё **жамъ**дан **тафсил**га ё **тафсил**дан **жамъ**га бўлади. Жамъдан жамъга мақомида зот кўзгусида зот жамоли воситасиз шуҳуддир. **Жамъ**дан **тафсил**га бўлганда ул ягона зот ҳадсиз ва чексиз мазҳарларда ўз жамолининг ёлқинларини мушоҳада ва ўз сифотининг камолини мутолаа қилади. **Тафсил**дан **тафсил**га – инсоннинг мутлақ жамолни жисм оламидаги мавжудот кўзгусида мушоҳада қилишидир. Булар ўткинчи жамолни ниҳойий мақсуд деб биладилар ва васлдан шод, фироқдан ғамгин бўладилар. **Тафсилдан жамъга** хосларнинг Ҳақ таъолонинг зоти ва сифотини кўзлаб фикру амал қилишдир.

Жамолу камол маҳаббати **Инна-ллоҳа жами:лун юҳиббу-л-жамол** (Аллоҳ гўзалликни севучи гўзалдир) ҳукмига кўра унинг зотий сифатидир. **Халақа-ллоҳу-т-таъоло Одама ъало сувратиҳ** (Аллоҳ таъоло Одамни ўз сувратида яратти)дан у Одамга ўз сифотини берди. Бинобарин инсоннинг ҳусну жамолга муштоқлигида ўша зотий маҳаббат бор.

Ошиқ ва муҳибларнинг тафовут даражаси маҳбуб даражасига боғлиқ. Маҳаббат даражаларининг аълоси Ҳақ таъолонинг ўзига бўлган маҳаббатдир. Бу даражадаги муҳибнинг кўнглини ишқ ўти эгаллайди, унда бу ўтни ўчиришга куч етмайди. Бунинг тубанида Ҳақ таъолонинг маҳаббатига унга тегишли бўлган нарсалар, масалан маърифат воситасида эришишдир. Бу мартаба соҳиблари дунёвий роҳат ва ухравий лаззат талабида бўладилар. Мазкур маҳаббатлардан ташқари яна асмо ва сифот ҳамда афъол ва осор[5] маҳаббатлари бор. Асмойий ва сифотий маҳаббат соҳиби баъзи инъом, эъзоз, икром каби асмо ва сифатларга кўнгил боғлайди. Афъолий ва осорий маҳаббат соҳиби ўзига ёққан нарса ва ҳодисаларни жон жаҳди билан қабул қилади, ёқмаганидан қатъият билан юз ўгиради.

Маҳаббатларнинг энг қуйидагиси осорий маҳаббатдир. Бу ҳусн деб аталувчи осор жамолига тааллуқлидир. Ҳусн ё маънавий ё суварий бўлади. Маънавий ҳусн мутаносиб адолат, ахлоқ ва эзгу сифатлардан, суварий ҳусн мучаларнинг таносибидан иборат.

Инсон ҳуснининг ошиқ ва муҳиблари тўрт табақадан иборат. Авло[6] табақага **оқ кўнгиллилар (равшандилон)** мансуб. Буларнинг нафси шаҳватдан пок, кўнгиллари табиат чирклaридан қуйилган бўлиб, улар Ҳақ жамолини мушоҳада қилишдан ўзгани ўйламайдилар.

---

[1] Яъни аён бўлиш шакллари. **Таайюн**нинг асил шакли **таъайюн** бўлиб, бунинг асил луғавий таржимаси **айнлашиш**дир. Бу тақдирда **айн** шахс, яъни якка мавжуд маъносидадир. Шунга биноан **таъайюн** махлуқотнинг ўз хоссаларини эгаллаб, бир-биридан ажраб яккалашишини англатади. Шариатдаги **фарз-и айн** иборасида ҳам **айн** мазкур маънода бўлиб, у ҳар бир шахсга фарз деганидир. **Ҳар бир шахс** мазмунан **ҳамма шахс**га тенгдир.

[2] Махлуқот таайюнининг бош мартабаси **таъайюн-и аввал**дир. Маъно оламидаги бу мартабада махлуқ на маънан ва на айнан зуҳур этади. Шу оламнинг иккинчи қисми бўлган **таъайюн-и сонийда** махлуқот бир-биридан илман фарқланади. Бу мартабада махлуқот **аъён-и собита** деб аталиб, **сувар-и илмийя**, яъни маънавий суврат (шакл) олган айнлар деб изоҳ берилади. Учинчи мартаба нуроний махлуқотники бўлиб, **арвоҳ олами** ва **малакут** деб аталади. Тўртинчиси мисол, жисмнинг тасаввур мартабаси. Бешинчиси жисм мартабаси бўлиб, **мулк олами** деб аталади. Олтинчиси инсон мартабаси бўлиб, ҳамма мартабаларни ўз ичига олади.

[3] Яъни Ҳақ таъоло.

[4] Жисм оламида махлуқот чексиз кўп. Бу ҳолат **тафсил** ва **тафриқа** (фарқланиш) деб аталади. Уларнинг орасидаги фарқ олий мартабада йўқолиб, тафсил, тафриқа жамъланади. Шунга биноат бу ҳолат **жамъ** деб аталади. Жамънинг ниҳойий ҳолати **жамъу-л-жамъ** дейилади.

[5] **Афъол феъл**нинг кўплиги, **осор асар** (из)нинг кўплиги.

[6] Ҳозир баъзи қаламкашлар **авло** ўрнида хато равишда **устувор** сўзини ишлатмоқдалар. Бу ҳол русча **приоритет** ва **приоритетный**ни нотўғри таржима қилиш ва **устувор**ни **устун** деб тушуниш натижасида юз берган. Ҳолбуки **устувор** мустаҳкам дегани. Ҳазрат-и Навоий **Аҳду паймонимда мен устувор эй дўстлар** дейди.

Иккинчи табақага **покбозлар** мансуб бўлиб, мазҳарларнинг етуги бўлмиш инсон мазҳари буларнинг вужудига ишқ ўтини ёқиб, суварий ҳусндан илоҳий ҳуснни мушоҳада қилишга олиб келади, яъни буларни мажозий ишқ ҳақиқий ишққа йўллаб, мақсадга етказади. **Алмажозу қантарату-л-ҳақи:қа** (мажоз ҳақиқат кўприги) ҳукми амалга ошади.

Учинчи табақа **тутқунлар** (**гирифторон**)га мансуб бўлиб, булар маҳбуб алмаштириш билан машғул бўладилар. Гўзалроқ деб топилса, янгидан янгиларига кўнгил қўядилар.

Тўртинчи табақа **булғанганлар** (**олудагон**)дан иборат бўлиб, буларнинг нафс-и амморалари ўлмаган ва шаҳват ўти сўнмаган. Булар ҳақиқий маҳбубни бутунлай унутганлар ва ҳаво-йи нафсни **ишқ** деб атайдилар.

Ҳазрат-и Навоий ишқ ва ошиқларни уч қисмга бўлади: 1) **авом ишқи;** 2) **хавос** (хослар) **ишқи;** 3) **сиддиқлар ишқи.** Ҳазрат авом ишқи никоҳ билан тугайди, дейди. **Иккинчи қисм хавос ишқи-дур-ким хавос ул ишққа мансуб-дурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ-дур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин[1] қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқ-и покбоз маҳбуб-и ҳақи:қий[2] пок жамолидин баҳра олмоқ.[3]** Ошиқларнинг бу табақасини мавлоно Жомий ҳам **покбозлар** деб атаган эди. Мавлоно билан Ҳазрат ҳам шу табақага мансубдурлар.

Учунчи қисм сиддиқлар ишқи-дур-ким алар Ҳақнинг тажаллиёт-и жамолиға мазоҳир[4] воситасидин айру волиҳ-у[5] мағлуб-дурлар ва ул мушоҳада бехудлиғида шуъу:р алардин маслу:б[6]. Шуҳу:длари истиғроққа[7] йеткан ва ул истиғроқдин истиҳлок[8] мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис[9] йели сипеҳр гулшани авроқин[10] учурса аларға андин хабар йўқ ва анжум[11] гулбаргларин ҳар сари совурса аларға андин асар йўқ.[12] Мавлоно Жомий буларни **равшандилон** деб атаган эди.

Ҳазрат-и Навоий шоирларни тўрт табақага бўлади. Биринчи табақага ишқдаги сиддиқлар мартабасидаги шоирларни киритади. Бу табақага мансублар **Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий**дир ва **яна ҳам авлиё-йи огоҳ-у машойих-и аҳлу-ллоҳ бор-ким буларға татаббуъ қилиб-дурлар.[13]** Иккинчи табақага Ҳазрат ишқдаги покбозлар мартабасидаги шоирларни киритган. Булар **Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Заҳириддин Санойий, Шайх Авҳадиддин.** Ҳазрат буларни **ҳақиқат асрориға мажоз тари:қин махлут[14] қилиб-дурлар[15]** дейди.

Ҳазрат Мавлоно Жомийнинг мазкур табақаларнинг ҳар иккаласи тарийқида ижод қилганини таъкидлайди: **ҳақи:қат-у мажоз тари:қида комил ва илми иккаласи тари:қида вофий-у шомил азм аҳлининг муқтадо-ву имоми Ҳазрат-и Шайхулислом**

---

[1] **Ошуб** – қўзғалиш, қўзғалон.
[2] Яъни Ҳақ таъоло.
[3] Навои. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов, Москва – Ленинград, 1948. с. 94.
[4] **Мазоҳир – мазҳар**нинг кўплиги. Сиддиқлар халқдан бутунлай узулган бўлсалар, покбозлар халқ хизматида бўладилар, покбозлик оммабоп ва оммавийроқдир. Бинобарин, Мавлоно ва Ҳазрат покбозликни танлаганлар.
[5] **Волиҳ** – Ҳазратнинг асарларидаги бу сўзни **вола** деб ўқиш хато. Чунки бундаги **ҳ** ўзак товуши бўлиб, **а** га айланиши мумкин эмас. **Волиҳ**нинг маъноси маъшуқ ва ишқ таъсирида эсдан оғишдир.
[6] **Маслуб** – жудо бўлган.
[7] **Истиғроқ** – ғарқ бўлиш.
[8] **Истиҳлок** – ҳалок бўлиш, бу ўринда **фано** маъносида.
[9] **Ҳаводис – ҳодиса**нинг кўплиги.
[10] **Авроқ – варақ**нинг кўплиги.
[11] **Анжум – нажм** (юлдуз)нинг кўплиги.
[12] Маҳбубу-л-қулуб, мазкур нашр, с. 97.
[13] Маҳбубу-л-қулуб, мазкур нашр, с. 27.
[14] **Махлут қилмоқ** – аралаштирмоқ.
[15] Шу асар, с. 28.

мавлоно нуру-л-милла ва-д-ди:н Абдураҳмону-л-Жомий наввара-ллоҳу марқадаҳу[1] ва қаддаса сирруҳ-дур-ким[2] аввалғи табақа равиш-у каломида ҳам шари:фмақол[3] ва сўнгғи табақанинг адоси латойифида[4] ҳам соҳибкамол.[5]

Учинчи табақага мансуб шоирлар **Камол Исфаҳоний, Хоқоний Ширвоний, Хожу-йи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол Хўжандий, Анварий, Заҳир Форёбий, Абдулвосиъ, Асир Хайлий, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиб Нишопурий, Шоҳий Сабзаворий.** Булар мажозий шеър соҳиблари: **мажоз тари:қи адоси алар назмиға ғолиб алар бу шевага кўпрак роғиб-дурлар.[6]** Тўртинчи табақага **мансуб жамоъати:-ким назм-и фақат била хушнуд-у хурсанд ва розий-у баҳраманд-дурлар ва юз машаққат била бир байт-ким боғлайтурғайлар даъво овозасин йетти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ-у маъориф нўшидин[7] ҳаловат[8] назмларида не шавқ-у ишқ ўтидин ҳарорат[9]**.

Сиддиқ ва покбозлар ишқни шаробга, комил орифнинг маърифатга тўлган кўнглини жомга[10] ўхшатганлар. Ҳазрат-и Навоий ҳам покбоз бўлгани учун шу ақийдада бўлган. У "Хазойину-л-маъоний"нинг биринчи ғазалида **жому май**ни илтизом[11] қилади, яъни ҳамма байтларда зикр қилади. Ғазалнинг матлаи[12]

ашрақат мин акси шамси-л-ка'си анвору-л-ҳудо[13]
ё:р аксин майда кўр деб жо:мдин чиқди садо

Бу ғазалнинг шарҳлари нашр қилинган. Буларнинг бири каминаники бўлиб, "Шарқ юлдузи" ойномасида ва "Адиблар одобидан адаблар"да босилган[14]. Аммо бу нашрларда мақтадаги охирги сўзлар хато босилган. Бирида **ҳардам** "ҳам дам", иккинчисида **ҳам "**дар" деб босилган. Яна "Шарқ юлдузи"даги 6-байтдаги **лафзин деган**даги иккинчи сўз тушиб қолган. Иккинчи шарҳ Нажмиддин Комилов қаламига мансуб.[15]

Ишқнинг рамзи сифатида шароб олинишининг сабабларини мавлоно Жомий асосли равишда мазкур **Лавомиъ** асарида баён қилган. У ишқу маҳаббат билан майнинг ўхшаш жиҳатларидан ўнтасини баён қилган.

Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан ўзи қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам ғалаён қилиб зуҳур этишга интилади.

---

[1] Аллоҳ унинг етган ерини, яъни қабрини нурга тўлдирсин.
[2] Аллоҳ унинг қабрини муқаддас қилсин. Бу дуодаги **сир** сўзи **роз** маъносида эмас, **қабр** маъносида бўлиб, Ҳаққа етишган азизларнинг қабрига нисбатан ишлатилади. Бундай аташнинг важҳи у зотларнинг сирлилигидир.
[3] **Шари:фмақол** – сўзи шарафли.
[4] **Латойиф лати:фа**нинг кўплиги. **Лати:фа**нинг мутлақ маъноси теран мазмунли фасиҳ калом, махсус ирфоний маъноси сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳолга ишора ва кўнгилга келадиган илоҳий файз.
[5] Мазкур асар, мазкур саҳифа.
[6] Мазкур асар, мазкур саҳифа.
[7] **Нўш** – шарбат.
[8] **Ҳаловат** – ширин маза.
[9] Мазкур асар, с. 29.
[10] Мумтоз адабиётда **жом**нинг қуйидаги маънодошлари бор: **ка'с** (коса), **паймона, тўстаған, аяқ, соғар, ратл**. **Ратл** аслида дон ўлчайдиган идиш.
[11] **Илтизом** – таъкид учун сўзни такрорлаш санъати.
[12] Ғазал ва қасиданинг биринчи байти **матлаъ**, охиргиси **мақтаъ** деб аталади.
[13] Яъни коса қуёшининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб чиқди. Бундаги **ка'с**, яъни жом комил муршиднинг кўнглидир.
[14] Алибек Рустамов. Шоирнинг биринчи ғазали. Шарқ юлдузи, 1987 йил, 2-сон, с. 176-179; Адиблар одобидан адаблар. "Маънавият", Т., 2003, с. 63.
[15] Н.Комилов. Навоий ғазаллари (насрий баён ва шарҳлар). Навоий ва ёшлар тарбияси, Т., 2010. с. 11-15.

Иккинчиси, май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳурида маҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгил идишига боғлиқдир.

Учинчиси, майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялпи жараёндан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг қону жонига кириб унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май ўзининг ичкучисини, ишқ севгучини марду сахий қилиб қўяди.

Бешинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини қўрқмас ва ботир қилиб қўяди.

Олтинчиси, май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру ҳавони учиради ва ниёзу тавозуга туширади.

Еттинчиси, май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқату маърифат сирларини ишқ юзага чиқаради.

Саккизинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини буҳуш қилади. Аммо ишқ буҳушлиги сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир.

Тўққизинчиси, майпараст майни ичган сари яна кўпроқ ичгиси келади, ишқпараст ҳам, ишқ дардига мубтало бўлган сари яна ортиқроқ берила боради.

Ўнинчиси, май ҳам, ишқ ҳам номусу ҳаё пардасини кўтаради.

Ишқнинг май билан ўхшаш томонлари кўп, лекин оқибат жиҳатидан улар бир-бирига тамоман зид.

Натижа эътибори билан май заҳр ва ишқ нўш экан, нима учун ишқни май билан таъбир қилинади, деган савол туғилиши табиийдир. Бунинг жавоби Мавлонога кўра шундай:

Тажрибасиз, хом ёшлар ва айрим нафс-и аммораси қаримаган қариларнинг тасаввурида ичкилик бор неъматларнинг энг олийси ва мастлик лаззатларнинг энг лазизидир. Агар ичмай ҳавас қилувчиларни ҳам ҳисобга олсак, бундай хато тасаввурга эга бўлганлар дунёда жуда кўп. Бинобарин ишқ “май” деб аталганда, биринчидан, мавзуга кўпчиликнинг диққати тортилган бўлади, иккинчидан, май билан ишқ орасидаги ташқи ўхшашлик билан ички зиддият лаззатталабларга равшан бўлиб, мутлақ лаззат ҳақиқий ишқда эканлиги аён бўлади.

СУВАРИЙ ШАРОБ

Юқорида шароб **маънавий** ва **суварий** бўлишини ҳамда **маънавий шароб** ишқни, **суварий шароб** ичкиликнинг ўзини билдиришини айтган эдик. Навоийхонларнинг аксарида Ҳазратнинг асарларида келган **май**ни ҳамма ҳолларда ҳам **маънавий май** деб тушуниш бор. Бу тўғри тасаввур эмас. Ҳазрат ўрни билан суварий майни ҳам зикр қилади. Масалан, қуйидаги байтдаги биринчи **бода** маънавий май, иккинчи **бода** суварий май:

эй Навоий **бо:да** *бирлан хуррам эт кўнглунг уйин*
не учун-ким **бо:да** *келган уйга қайғу келмади*

Бу байтдаги биринчи **бода**нинг маънавийлигини **кўнгул уйи**дан, иккинчисининг суварийлигини **уй**нинг масканлигидан биламиз. Орифона эътиқодга кўра суварий мавжудот маънавий мавжудотнинг осори эканлиги ҳисобга олинса, иккинчи ҳолатни биринчи ҳолатга далил деб билиш мумкин бўлади. Бундай васфни кўрган баъзи китобхонлар Ҳазрат ва унинг бошқа эътиқоддошларининг ичкиликка муносабати ижобий экан деган қарорга келганлар. Бу ҳам тўғри эмас. Фалсафа даражасида таъбир қилинса, адабий асарнинг **маъноси** (мазмуни) ва **суврати** (шакли) бор. Васфдаги ҳақиқий ҳолат **маъно**да бўлади. Суврат-дагиси бадиийликни ифода қилади. Ҳазратнинг ичкиликка бўлган муносабатини билиш учун **май**нинг асар **маъно**сидаги васфини ўқиш керак. **Ҳайрату-л-аброр**нинг ўн бешинчи бобида ичкилик ва ичкучи қаттиқ мазаммат қилинади. Ичкучининг урилиб, йиқилиб шикастланиши, балчиққа буланиши, кўнгли айниб қусиши, болаларнинг унга тош отиши айтилади. Ҳазрат унинг безорилиги ҳақида шундай дейди:

ул-ки ичиб бодани паймонадин
маст чиқар кў:йга хумхонадин

манглайи-ким томға тегиб қон бўлуб
бошида дастори пари:шон бўлуб

элга қилиб ҳамла ёмон ит кеби
қайси ёмон ит қопаған ит кеби

Ҳазрат бобни ичкучиларни тавбага ундаб тугатади:

тавба эрур журмға[1] *топмоқ вуқу:ф*[2]
оллидағи йўлини кўрмак махуф[3]

билса-ки Ҳақ ҳозир эрур барча вақт
қилғанига назар эрур барча вақт

кўнгли ора тушса малолат ўти
жонини куйдурса хижолат ўти

---

[1] **Журм** – гуноҳ.
[2] **Вуқу:ф топмоқ** – англамоқ.
[3] **Махуф** – хавфли.

йетса бу ҳолатда тафаккур анга
қилғанидин бўлса танаффур[1] анга

собиқа-йи[2] лутф-и илоҳий йетиб
жозиба-йи номутаноҳий[3] йетиб

ўзлугидин қилса жудо[4] Ҳақ ани
қўймаса ўз ҳолиға мутлақ ани

ту:бу ила-ллоҳ[5] *ила топса футуҳ*
бўлса бу тавба-ки топиб-дур Насуҳ
Ҳақ бу карам қилмаса нетсун киши
ўзлуги бирла нечук этсун киши

МАСТ-И АЛАСТ

Ҳайрату-л-аброрнинг **Ҳайрат** ва **Мақолат** бобларида маънавий май тилга олинади. Бобларнинг охирги икки байти[6] соқийга мурожаат билан бошланади ва бу мурожаатда боб мазмунига мувофиқ равишда Ҳазратнинг тилаги билдирилади. **Соқий** адабий суннатга кўра мутлақ файз соҳиби, яъни Ҳақ таъоло, Кавсар соқийси ва комил муршид маъноларида қўлланади. "Ҳайрату-л-аброр"да иймон мақолати қуйидаги байтлар билан тугайди:

соқий ўлубмен май-и иймон кетур
жисмима иймон майидин жон кетур

қуйма бугун жомима даврон майи
жоним ол оғзимға қуй иймон майи

Бу ерда **соқий –** Ҳақ таъоло. **Ўлубмен ... жон кетур**дан мурод мени ғафлат босиб ҳақиқатдан йироқлашдим, иймонимга қувват бериб, ҳушимга келтир, деган дуо. Бундан Ҳазратнинг иймони сусайган пайтлар бўлган экан деган хулосага бориб бўлмайди. Банда, инсон сифатида унинг иймони болаликдан умрининг охиригача бақувват бўлган. Буни унинг илми, ижоди ва амалидан билиш мумкин. Гап шундаки, инсон бандаликни олий даражада бажо келтирса ҳам, Ҳақ таъолонинг шаънига етарли даражада бўлмайди. Ҳар қанча айтилган ҳамду сано, тасбиҳлар, куну тун қилинган ибодатлар, ҳисобсиз эзгу амаллар

---

[4] **Танаффур** – нафратланиш.
[5] **Собиқа –** олдиндан бир ишнинг амалга ошишига сабаб бўладиган нарса. Яъни Ҳақ тақдир қилган лутф.
[6] **Жозиба-йи номутаноҳий** – чексиз жозибаю Ҳақнинг чексиз ўзига тортиш қуввати.
[7] Яъни фано мақомига эриштирса.
[8] Яъни Аллоҳга тавба қилингиз. Таҳрим сурасининг саккизинчи оятидан. Оятда насуҳона (бузулмайдиган) тавбанинг қабул бўлиши айтилади. **Маснавий-и маънавий**да келтирилган ҳикоятга биноан **Насуҳ** киши оти сифатида ҳам ишлатилади.
[6] Навоийшунослар орасида бундай байтларни **соқийнома** дегучилар бор. **Нома** китоб маъноси билан алоҳида асар номига қўшилади. Асар ичидаги байтларни **соқийнома, муғаннийнома** деб бўлмайди. **Соқийнома**, **таашшуқнома**, **даҳномалар** мустақил асарлардир. Агар биз бир асар ичидаги байтларни **нома** дейишни маъқул кўрсак, Ҳазратнинг достонлари **баҳорнома, қишнома, ҳижроннома, васлнома, суҳбатнома** каби кўплаб бўлаклардан иборат бўлади. Бинобарин мазкур фикрни олимона фикр деб бўлмайди.

Парвардигорнинг инсонга кўрсатган марҳамати олдида ҳечдир. Шунинг учун Ҳаққа ажзу ниёз изҳор қилинади. Ҳатто пайғамбарлар ҳам доимо истиғфор айтганлар.

Қуйидаги байтда **соқий** кавсар соқийси:

со:қий ул учмоқ[1] суйини бедаранг[2]
тут-ки эрур дўзах ўти анда ранг[3]

ё:р юзи[4] ё:ди била шо:д ўлай
дўзах ила равзадин озод ўлай

Демак Ҳазратга жаннат эмас, Ҳақ таъолонинг ўзи керак экан. Бу талаб унинг девонларида ҳам изҳор қилинади. Қитъаларнинг бирида

зо:ҳид сенга ҳу:р менга жонона керак
жаннат сенга бўлсун менга майхона керак

дейди. Ҳазратнинг девонларида **маст-и аласт** ва **жом-и[5] аласт** иборалари кўп зикр қилинади. **Ғаройибу-с-сиғар**даги 77-ғазалнинг мақтаи шундай:

тонг эмас бўлса Навоий маст то шом-и абад[6]
ким азал субҳида бўлмиш қисмати жом-и аласт

88-ғазалнинг 5-байти:

мени усрук кўрубон жомим ушатма эй шайх-
ким бу янглиғ мени маст эткан жом-и аласт

Шу девондаги таржиъбанд шундай бошланади:

кетур со:қий ул май-ки субҳ-и аласт
анинг нашъасидин кўнгул эрди маст

Наводиру-ш-шабобдаги 76-ғазалнинг 6-байти:

тун-у кун маст эсам эй шайх мени ёзғурма
соғ ўлур-му киши-ким ичти май-и жом-и аласт

---

[1] **Учмоқ** – жаннат. **Учмоқ суйи** – кавсар суви.
[2] **Бедаранг** – кечикмасдан.
[3] **Ранг** – Ҳақ таъолонинг зоти рангсиз ва бутунлай нишонсиздир. Махлуқот турли тус олади. Ранг араз ҳисобланади. Аразнинг бор бўлиши жавҳар ёки маҳаллга боғлиқ. Зотнинг борлиғи ҳеч нарсага боғлиқ эмас. **Маҳалл** – ҳулул ўрни. **Ҳулул** – ҳоллнинг маҳаллга ўрнашиши. **Ҳолл** – ўрнашувчи. Мана шу ҳолат назарга олиниб, **ранг** орифона таъбирда махлуқотга нисбатан қўлланади.
[4] **Ёр юзи, важҳу-л-ҳақ** – Ҳақнинг зоти ва файёзлик жиҳати. Бу Раҳмон сурасининг 26-27-оятларига асосланган таъбир. Бу оятларда **Ундаги (ер юзидаги) ҳамма кимсалар фонийдир, фақат жалол ва икром соҳиби парвардигоринг боқийдир** дейди.
[5] Бу тақдирда **жом май** маъносида. Ҳазрат **жом-у май лафзин деган бир исм ила қилғай адо** деган.
[6] Азалий мастлик абадий бўлади, дейилади.

77-ғазалнинг 6-байти:

зо:ҳид айтур-ким май ичма ваҳ анинг ҳукми била
соғ ўла олғай-му маст-и бода-йи жом-и аласт

Аласт Аъроф сурасининг 172-оятидан олинган. Бу оятда азалда Ҳақ таъолонинг одам зурриёти билан бўлган мийсоқи, яъни аҳди баён қилинади[1]: **ва из ахаза раббука мин бани: Одама мин зуҳу:риҳим зурриётаҳул ва ашҳадаҳум ъало анфусиҳим аласту би-раббикум қолу: бало шаҳидно ан тақулу: явма-л-қиёмати инно кунно ъан ҳазо ғофили:н.**[2]

Ҳазрат-и Навоийнинг илмий раҳбарлиги ва моддий ҳиммати билан ёзилган **Тафсир-и Ҳусайний**да мазкур оят батафсил тафсир қилинади. Ҳусайн Воъиз Кошифий ўзининг **Жавоҳиру-т-тафси:р ли-туҳфату-л-ами:р**[3] деб атаган бир тафсирида аввал мийсоқнинг олиниш жараёни ва маконлари ҳақида турли фикрларни беради. Абу Абдуллоҳ Ибн Аббосдан нақл қилган ҳадисга кўра мийсоқ Макка яқинидаги **Нуъмон** ва **Нуъмон соҳиб** деган водийда олинган. **Лубоб**да айтилишича Ҳинд вилоятидаги **Даҳё** деган ерда Одам жаннатдан чиққанда олинган. **Мадорик**да айтилишича жумҳур муфассирлар Одам яратилгач жаннатга киришдан аввал унинг бўсағасида олинган ...

Баъзилар Ҳақ таъоло Одам зурриётини унинг белидан майда қумурсқалар тарзида олган, дейдилар. Уларнинг рангини баъзилар оқ ёки қизил, баъзилар ўнг томондагилари оқ, сўл томондагилари қора деганлар. Баъзиларнинг фикрига кўра Одам насли унинг белида бир вақтнинг ўзида ҳаёт, ақл ва нутқ билан яратилган.

Мазкур маълумотни бериб бўлгач, Воъиз Кошифий **эй дарвеш** деб оят ҳақидаги ўз фикрини баён қилади. У **аласт аҳди** зикр қилинган бу оят ғафлат кўчасидаги бехабарларга танбиҳ бериш учундир, йўқса уйғоқ кўнгилли сергаплар ўша саволу жавобдан ғофил эмаслар. Байт:

аласту *аз азал ҳамчунонаш ба гўш*
ба фарёд-и **қол-у бало** *дар хуруш*[4]

Нафаҳотда[5] мазкурдурким, Алий Суҳайл Исфаҳоний қуддиса сирруҳга **бало куни** (мийсоқ куни) эсингдами дедилар. Нега эсимда бўлмасин, кеча бўлгандай, деди. Шайхулислом хожа Абдуллоҳ Ансорий бу сўз ноқисдир, суфийда кечаю эрта нима қилади, ўша кунга ҳануз кеч киргани йўқ, суфий ўша кундадир, деди. Маснавий:

рўз имрўз-аст эй суфийвашон
кай бувад аз дай-у аз фардо нишон

он-ки аз Ҳақ ғофил нест як нафас
мозий-у мустақбилаш ҳол-асту бас[6]

---

[1] Шу вақт **мийсоқ** ва **мийсоқ куни** дейилади.

[2] Оятнинг мазмуни: **Парвардигоринг Одам болаларини белидан зурриётини олиб, ўзларини гувоҳ қилиб мен парвардигорингиз эмасманми, деди. Улар ҳа, биз гувоҳ бўлдик, дедилар. Қиёмат кунида биз буни билмаган эдик.** Гап кейинги оятда қуйидаги мазмунда давом этади: **ёки олдин оталаримиз ширк келтирганлар, биз улардан кейинги зурриётмиз, гумроҳларнинг қилмишлари учун бизни ҳалок қиласанми, дейишларини** [ҳисобга олиб мазкур мийсоқни олдик].

[3] Амирга, яъни Ҳазрат-и Амир Навоийга тортиқ тафсир гавҳарлари.

[4] Байтнинг мазмуни: **Аласту** азалдан ўша тарзда унинг қулоғига **қолу бало** ҳайқириғи билан чалиниб туради.

[5] Мавлоно Жомийнинг асари.

[6] Кун бугундир, эй суфийсимонлар (яъни риёйий суфийлар), кечаю эртанинг нишони қайда бўлсин. Ҳақдан бир нафас ҳам ғофил бўлмаганга ўтмишу келажак ҳозирдан иборат.

Ҳусайн-и Мансур қуддиса сирруҳдан нақл қилинади, ҳақиқатлардан бехабар бўлган **аласт** саволига қандай жавоб қилади, дедилар. У сўровчи ва ижобат қилувчининг сири ғоятда нозик, деди. Байт:

ту дар миён ҳеч наий ҳар чи ҳаст у-ст
ҳам худ **аласту** *гўлу ҳам худ* **бало** *кунад*[1]

Ҳақиқий мавжуд Ҳақ таъолонинг ўзи. Бошқа ҳамма мавжудот унинг сояси ёки аксидан иборат. Шуни назарга олиб, шоир мийсоқдаги савол ҳам жавоб ҳам унинг ўзиники, жавобни ўзгалар воситасида ўзи изҳор қилади, деган.

Азалда, хусусан, мазкур мийсоқ вақтида комил одамийларнинг руҳи ишқ майидан маст бўлган. Бу масалада ҳакимларнинг руҳ мизож[2] ҳосил бўлиб, бадан шакллангандан сўнг вужудга келган деган фикри мавжуд бўлиб, бу кишини чалғитиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб Мавлоно Жомий бу жумбоққа саволу жавоб тарзида аниқлик киритган. Мавлоно шайх Садриддин Қувайнийга иснодан[3] инсониятнинг жузъий, яъни шахсий руҳи мизож ҳосил бўлганидан сўнг мавжуд бўлади. Бу барча одамийларга тегишлидир. Аммо комил ва хосларга тегишли бўлган инсониятнинг куллий, яъни умумий руҳи мизож ҳосил бўлмасдан олдин мавжуд бўлади.[4]

Мазкур мастликка рисолаларда илмий тавсиф берилган, бадиий асарларда васф қилинган. Машҳур қасидалардан бири Ибнулфориз Мисрийнинг Мавлоно Жомий **Лавомиъ**да шарҳлаган **Хамрия**си, яъни шаробномасидир. Бу Хамрия **Лавомиъ**да қуйидаги байт билан бошланган:

шарибна: ъала: зикри-л-ҳаби-би муда:ма
сакирна: биҳа: мин қабли ан яхлуқа-л-карм

Яъни дўст (Ҳақ таъоло)нинг ёдида мудом (дойимий май) ичдик ва ундан маст бўлдик то яратилмасдан бурун.

Бу байтнинг шарҳида Мавлоно Ҳақ таъолонинг икки тажаллийсини ҳисобга олади. Уларнинг биринчиси ғайбий илмий[5] тажаллий. Бу Ҳақ таъолонинг илмида аъён сувратларига[6] ва уларнинг қобилияту истеъдодларига[7] зуҳуридан иборат. Бу тажаллийда аъён айний вужудга эга эмас, аъённинг илму маърифат ва ишқу маҳаббат каби камолоти яширин ҳолатда бўлади.

---

[1] Сен ўртада бутунлай йўқсан, ҳар бир бор нарса у, яъни Ҳақдир. Унинг ўзи ҳам **аласту** дейди, ҳам **бало** (ҳа) ни изҳор қилади.

[1] **Мизож** – хилқат ва табънинг асоси бўлмиш унсурлар (ўт, ҳаво, сув, тупроқ) ва хилтлар (сафро, қон, балғам, савдо)нинг бирикиши.

[1] Иснод – ҳужжат, далил келтириш. Ҳозирги кунда бу сўзни шармандалик маъносида ишлатиш қўпол омиёна хато.

[2] Лавомиънинг мазкур тошбосмаси, с. 23.

[3] Яъни фақат ўзига маълум ва ўзгаларга номаълум.

[4] Яъни аъён-и собитанинг. Аъён-и собита махлуқотнинг Ҳақ таъоло илмидаги сурати. Улуҳийят, яъни илоҳлик мартабасида сифат ва исмлар бор. Масалан, жамол сифат, жами:л исм, жалол сифат, жалил исм. Ҳақ таъоло исм билан тажаллий қилди. Аъён илоҳий исмларнинг илмий сувратидан иборат. Руҳ аъённинг мазҳари ва бадан руҳнинг мазҳари. Инсон ҳақиқати аввал аъён-и собитада, сўнгра руҳда тажаллий қилган. Аъёни собитанинг икки жиҳати бор. Бир жиҳатдан у исм суврати, иккинчи жиҳатдан хориждаги, яъни воқиъликдаги нарсаларнинг ҳақиқати. Биринчи жиҳати билан баданнинг руҳга, иккинчиси билан руҳнинг баданга нисбати кабидир.

[5] Истеъдод мумтоз адабиётда оддий кайфиятга нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, йиғлашга доим тайёр кишини йиғига истеъдоди бор, дейилади.

Иккинчи тажаллий вужудий-и шиҳодий[1]. Бу Ҳақ таъоло вужудининг аъённинг истеъдоду қобилиятига яраша руҳан, мисолан ва ҳиссан[2] зуҳуридир. Бу тажаллийга кўра мудомдан мурод зотий[3] маҳаббат, мудом ичишдан мурод аъён-и собита мартабасида ул маҳаббатни қабул қилиш истеъдоди ва дўст ёдидан мурод аъён сувратларига ўзининг илмий ғайбий тажаллийсидир, мастликдан мурод ўша мартабадаги мастлик ёки ўзга қуйи мартабалардаги мастликнинг ҳақиқати[4]. Тандан мурод жисм оламидир. Демак, комил соликларнинг дунёга келишидан бурун руҳлар азалда доим Ҳақ таъолони эслаш билан унга ишқи ортиб, маст ҳолатда бўлган эканлар.

---

[6] Шиҳодий – кўринадиган, вужудий-и шиҳодий – жисман бор бўлиш.

[7] Яъни руҳ, мисол ва жисм оламларида зоҳир бўлиш. Мисол оламида жисм оламидаги мавжудотнинг мисли, хаёлий сурати бор.

[8] Яъни Ҳақ таъолонинг зотида бор.

[4] Бу ҳақиқат ҳақиқий ҳолат маъносида. Мулк, яъни жисм оламида мавжудотнинг, жумладан, инсоннинг ҳақиқати аъён-и собита мартабасида. Солик мавжудот ҳақиқатини асил ҳолатда мисол оламига эришганда англайди. Ўзини таниганнинг раббини таниши мана шу мартабада содир бўлади.

САИДБЕК ҲАСАНОВ

НАВОИЙНИНГ ЕТТИ ТУҲФАСИ

Навоийга армуғон

КИРИШ

Жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилган классик мерос асрлар давомида авлодларни тарбиялаб келди ва бундан буён ҳам шундай улуғвор вазифани адо этаверади. Зеро, адабиёт тарихи мутахассислари зиммасига жаҳон классик адабиётини тадқиқ этиш орқали янги замон кишисини тарбиялашдек муқаддас вазифа қўйилган экан, улар, энг аввало, ишни ўтмишдаги буюк сиймоларнинг бой меросларини замон хизматига йўналтирмоқ ва ўтмиш маданиятимиз тарихига ташна халқимизнинг талабларини қондирмоқдан бошламоқлари мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтайи назардан олганда адабиётшуносларимиз олдида миллий адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва улар учун муштарак анъаналар тарихини илмий жиҳатдан ўрганмоқ, бу соҳада мавжуд бўлган қўлёзма манбаларни чуқур тадқиқ этмоқ вазифалари ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Айниқса, бу масала асрлар мобайнида урф-одатлари, дини, тарихи, маданияти, адабий анъаналари ва ҳатто муомала воситалари жиҳатидан умумийликка эга бўлган ўзбек, туркман, қозоқ, татар, қирғиз, озарбайжон, қорақалпоқ каби туркий ва форсигўй халқларнинг бой ва битмас-туганмас меросига бевосита алоқадордир. Шунинг учун биз бир миллат ижодкорининг иккинчи миллат ижодкорларига қай даражада таъсир ўтказганлигини, унинг ижодидан қандай баҳра олганлигини ва бу адабий анъаналар жараёни қай тарзда ривож топганлигини аниқлаш учун тадрижий равишда тарихга мурожаат этмоғимиз, миллий адабий манбаларни пухта ўрганмоғимиз керак. Шу жиҳатдан озарбайжон халқининг буюк шоири Низомий Ганжавийнинг ҳинд классик шоири Хусрав Деҳлавий ва улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига, умуман, шарқ адабиётининг юзлаб вакилларига таъсир кўрсатганини, жуда кўп ижодкорлар унинг асарларидан руҳланиб асарлар ёзганликларини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Улуғ зотлар асарлари ҳамиша инсон тарбиясида катта аҳамият касб этиб келгани азалдан аён. Бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ана шундай буюк ижодкорлар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг асарлари инсонпарварлик, дўстлик, халқлар дўстлиги ғоялари билан суғорилган бўлиб, уларда ҳақиқий севги, адолат каби энг олий инсоний хислатлар ўзининг муносиб ифодасини топган. Инсонни улуғлаш ва севгини тараннум этиш Навоий ижодининг марказида турган энг ҳаётий мавзулардан биридир.

Алишер Навоий шахсияти ва унинг ижодига бўлган қизиқиш у ҳали ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлган асарлари илгаридан қардош халқлар тилларига таржима қилиниб келган. Кейинчалик форс-тожик тилида ҳам Навоий асарлари ҳақида қатор илмий ишлар юзага кела бошлаган. Яқингача Ғарбий Европа адабиётшунослиги Навоий ижодига бефарқ қараб, унинг асарларини таржималардангина иборат, деб янглиш тасаввурда бўлиб келди. Хорижда Навоий ижодига бўлган ҳаққоний муносабат 50-йиллардан кейин шаклланди. Мамлакатимизда эса Навоий ҳаёти ва ижодини жиддий ўрганиш Улуғ Октябрь революциясидан кейингина бошланди. Буюк шоир ижодини ўрганиш билан машғул фан – навоийшунослик пайдо бўлди. Ҳозирги навоийшунослик шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш йўлида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Навоий асарларининг илмий матнлари билан бир қаторда, шоирнинг ижоди бўйича катта монографик китоблар нашр қилинди. «Хамса»га кирган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» каби достонларнинг қиёсий-генетик тадқиқотлари юзага келдики, булар навоийшуносликнинг янги тараққиёт босқичига кўтарилганлигидан далолат беради. «Хамса» туркумига кирувчи достонлардан «Ҳайратул-аброр» билан «Сабъаи сайёр» юзасидан тадқиқотлар олиб бориш эса навбатдаги вазифалардан бўлиб қолди.

Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони ҳақида махсус монографик иш ҳанузгача қилинмаган бўлса-да, шоирнинг бу асари тўғрисида маълум илмий аҳамиятга молик қатор мақола ва ишлар бажарилиб, уларнинг аксарият қисми журнал ва китобларда, вақтли матбуотда нашр этилган. Бу ишлар «Сабъаи сайёр» достони юзасидан махсус олиб бориладиган монографик илмий ишларга биринчи манба сифатида маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир. Шу жиҳатдан Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал»), Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат боғлари») ва Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» (Етти мусофир») достонларини қиёсий-филологик жиҳатдан ўрганиш, уларнинг ўзига хос тарихий ва бадиий тараққиёт йўлларини аниқлаш биринчидан, бу улуғ зотларнинг ижодий-эстетик қарашларидаги умумийликни аниқлашга ёрдам берса, иккинчидан, уларнинг асарларида анъанавий мавзунинг йўналиши, қаҳрамонлар силсиласининг ўзига хослиги ва ўз даврининг энг долзарб масалалари қай даражада ҳал этилганлигини аниқлаш имконини беради. Бундай изланишлар ҳар бир ижодкорнинг анъанавий мавзуни ёритишдаги ўзига хослиги ва адабиёт тарихида тутган ўрнини белгилашда ҳам катта аҳамият касб этиши табиийдир. Қолаверса, қиёсий-типологик тадқиқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, унинг услублари орқали биз ҳар бир ижодкорнинг шарқда шаклланган анъаналарини қай даражада давом эттира олганлиги ва унинг ижодида миллийлик хусусиятлари қай йўсинда ўз ифодасини топганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Бу масаланинг ифодасини Низомий, Деҳлавий ва Навоийларнинг шарқ халқлари ўртасида шуҳрати кетган Баҳром Гўр мавзуси асосида яратган асарларини кўриб чиқиш орқали аниқлаш мумкин. Шунинг учун китобхонни, энг аввало, мавзунинг ўрганилиш тарихи билан яқиндан таништирмоқ мақсадга мувофиқдир. Бундай ишларни шартли равишда икки гуруҳга бўлса бўлади.

Олиб борилгаи илмий ишларнинг биринчи тоифасига Низомий билан Хусрав Деҳлавийнинг Баҳром Гўр ҳақидаги достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар силсиласига оид фикрлар ва бу иккала асарнинг ўзаро яқин ва муштарак жиҳатлари, шунингдек, сюжет чизиқларининг фарқлари ҳақидаги қимматли ва баъзан зиддиятли қарашлар қамраб олинган бўлса, иккинчи гуруҳга кирувчи тадқиқот ва мақолалар Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий «Хамса»ларини тадқиқ қилишга бағишланган. Уларда «Хамса»га кирган достонлар, чунончи, Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонларининг умумий мазмуни, уларда келтирилган ҳикоялар таркиби, муаллифларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва хамсачиликдаги анъаналарни қай даражада давом эттирганликлари ҳақида гап боради.

Маълумки, Баҳром Гўр ҳақидаги достонлар Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги Сосонийлар шоҳи Баҳром V, яъни Яздигирднинг ўғли ҳаёти ва саргузаштлари тўғрисидаги ривоятлар асосига қурилган. Баҳром Гўр мавзусидаги асарларнинг дастлабки пайдо бўлиш куртаклари ҳақида биринчи бўлиб Иосиф Орбели 1934 йил 29 майда СССР Фанлар академияси ва Эрмитаж томонидан ўтказилган тантанали мажлисда маъруза қилиб, бу сюжетнинг негизини грузин, арман, курд, форс-тожик ва туркий халқларнинг оғзаки ва ёзма ижодида шу кунгача сақланиб келган қадимги афсоналар билан боғлиқлиги ҳақида гапириб ўтган эди. Хусусан, олим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида ўз ифодасини топган шоҳ Баҳром тўғрисидаги ҳикояларни тарихий ҳақиқат билан шоирнинг эстетик қарашлари заминида вужудга келганлигини шунингдек, қизиқарли қадимий афсона ва ривоятлар чатишмаси асосида майдонга келган ижод маҳсули эканлигини таъкидлаган эди. Машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс эса Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийларнинг Баҳром Гўр тўғрисидаги асарларини ўрганиб чиқиб, улар орасидаги катта фарқ, муаммоларнинг кўтарилиш ва ҳал этилиши нуқтайи назаридан хилма-хиллик

мавжудлигини объектив илмий мулоҳазалар билан асослайди. Муаллиф «Сабъаи сайёр» достонининг яратилишида ўзидан олдинги салафларининг адабий анъаналарини давом эттириш билан бирга, ўз давридаги ҳаётий воқеалардан унумли истифода этиб, уларни достон мавзуси билан моҳирона боғлаганлигини қайд этади.

Адабиётшунос олим Абдураҳмон Саъдий эса ўзининг мақолаларини Алишер Навоий достонининг асосий мазмунини ифода этиш, асар қаҳрамонлари характеристикасига тўхташ ва уларнинг қадимий куртакларини ўрганишга бағишлайди. Олимнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Ўзбекистон ёзувчилари архиви фондида сақланиб келаётган ҳужжатларида эса «Сабъаи сайёр» достонидаги ижобий ва салбий қаҳрамонлар, достоннинг композицион тузилиши ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Ўзбек адабиётшунос олими Олим Шарафутдинов ўзининг махсус мақоласини Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонини Низомийнинг «Ҳафт пайкар» ва Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонлари билан қиёсий ўрганиш мавзусига бағишлаб унда Баҳром Гўр образининг ўрганилиш тарихи, ижодкорларнинг ўз асарларини яратишда истифода этган манбалари ва достонлар ўртасидаги фарқлар хусусида қисқача тўхтаб ўтган. Муаллиф Навоийнинг достони ҳақидаги мулоҳазаларида «Сабъаи сайёр»га ўзига хос мустақил оригинал бадиий асар сифатида қарайди.

«Сабъаи сайёр» достонининг ўрганилиш тарихига назар солар эканмиз, тадқиқотлар орасида профессор Ғулом Каримовнинг ишлари ўқувчи диққатини ўзига тортади. Олим бу масалани Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги Баҳром Гўр билан боғлиқ бўлган эпизодларни синчиклаб ўрганишдан бошлайди. Сўнгра «Шоҳнома»да келтирилган Сосонийлар подшоси Баҳромнинг тарихий саргузаштлари ва афсоналари заминида вужудга келган қизиқарли лавҳалар асосида «Ҳафт пайкар» достони устида тўхтайди. Муаллиф Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонини Низомий асари билан қиёслайди. Навоийнинг «Сабъаи сайёр»ини эса, ўз даврининг сиёсий-ижтимоий масалаларини кўтариб чиққан ўзига хос бадиий асар деб баҳолайди. Муҳими шундаки, Ғ. Каримов мазкур ижодкорларнинг достонларига юқори баҳо берар экан, уларнинг ҳар бирини ўз даврининг долзарб масалаларини кўтариб чиққан ўлмас оригинал асарлар эканлигини алоҳида қайд қилади.

М. Салье «Хамса» таркибига кирган достонлар ҳақида иш ёзган. У ўз тадқиқотини асарларнинг мазмунини баён қилишдан бошлайди, сўнгра Низомий ва Алишер Навоийнинг асарларини қиёслаб, улардаги муҳим фарқларни кўрсатиб ўтади, «Сабъаи сайёр»га ўзига хос йўналишга эга бўлган адабий обида деб қарайди. М. Салье «Ўзбек адабиёти тарихидан очерклар» номли мақоласида бу мавзунинг кам ўрганилганлиги ва «Сабъаи сайёр» достонини ҳозирги адабиётшунослик фанининг энг охирги ютуқлари асосида чуқур илмий равишда ўрганиш, унинг адабиёт тарихида тутган ўрнини аниқлаш лозимлигига эътиборни қаратади. Бу масалани диққат билан ўрганиш, деб таъкидлайди М. Салье, Алишер Навоийнинг эстетик қарашларидаги муҳим ва ҳали бизга номаълум бўлиб келган томонларини ҳам юзага чиқариш имкониятини беради. Тадқиқотчи «Сабъаи сайёр»нинг асосий сюжетининг юзага келиши ва унинг манбалари ҳақида фикр юритиб, уларни бой ўзбек фольклори ва шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётининг бой хазинаси заминида бунёд этилган бўлса керак, деган хулосага келади. Шундай манбалардан бири сифатида шарқда кенг тарқалган «Минг бир кеча» эртаги асос бўлган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суради.

Ойбек билан проф. А. Дейч ўзларининг «Навоийнинг қалб дафтари» китобида Навоий асарларининг ғоявий мазмуни, сюжет ва образлари ҳақида чуқур ва қизиқарли ҳикоя

қилишган. Улар Алишер Навоийнинг «Хамса»сини авлодларнинг кўп асрлик фалсафий ва бадиий тафаккури меваси бўлган бир бутун йирик асар деб ҳисоблайдилар.

Йирик адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубов ўз мақолаларида «Сабъаи сайёр» асарини илмий таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беради. Муаллифнинг катта хизмати шундан иборатки, у Баҳром Гўр мавзусига бағишланган бошқа достонлардан Навоийнинг ушбу достони нима билан фарқ қилишини одилона ҳал қилиб берган. Олим достонда Навоий томонидан кўтарилган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилади. Хусусан, Ҳ. Ёқубовнинг тўғри таъкидлашича, Навоий Баҳром Гўр образи орқали «Сабъаи сайёр»да Ҳусайн Бойқаро шахсини акс эттириб, ўз замондоши бўлган шоҳнинг характери ва салбий хусусиятларини бадиийлаштириш орқали уни ишратпарастликдан қайтаришга, одиллик ва инсонпарварликка даъват этади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонини рус тилига таржима қилган С. Липкин китобнинг сўзбошисида асарнинг генезиси ҳақида мулоҳаза юритади ва достоннинг илдизларини ҳинд-эрон халқларининг узоқ қадимиятига бориб тақаладиган афсоналаридан излаш керак деган тахминни айтади. Таржимон Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ўзининг бадиий ифодасини топган Баҳром образи бу ҳинд-эрон халқлари эътиқодларидан мустаҳкам ўрин олган Веретраган – чақмоқ ва момоқалдироқ худосининг аксидир,–деб таъкидлайди. У Навоий ва Хусрав Деҳлавийларнинг шу мавзуга бағишланган достонларига ижодий муносабатда бўлишга ҳаракат қилганлигини шоирнинг бутун ижодига хос бўлган муҳим ҳолат деб қарайди.

Воҳид Зоҳидов эса Навоий дунёқарашининг асосий манбалари ҳақидаги мақоласида шундай дейди: «Навоий ўзининг «Хамса»сида Низомийга махсус боблар бағишлаган, унга мадҳиялар ўқийди, самимий муҳаббат изҳор этади, унинг номини кўкларга кўтаради. Лекин Навоий ёлғиз Низомий бўлиб қолишни истамайди, янги давр талабларига ва халқ ҳамда ватан манфаатларига жуда ҳам яқиндан жавоб берадиган ва мос келадиган янги, оригинал бадиий хазина яратишга киришади. У билан ижодий мусобақага киришади, айни замонда уни қудратли шер билиб, у билан тенг келиш осон иш эмаслигини эътироф этади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий папжасига панжа урмоқ,

Тутойким қилди ўз жангини ранжа,
Неким урди анинг чангига панжа.

Керак шер оллида ҳам шери жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги.

Ўзини ҳам шер ҳисоблаб, шу жанг майдонига ташланади ва шаксиз бунда орзусига эришади. У ўзининг улуғвор адабий, фалсафий хазинасини қимматбаҳо жавоҳирлар билан безашда Низомий хазинасидан ижодий баҳраманд бўлди.

Навоий Низомий ҳақида сўзларкан, Ҳиндистонда яшаб ижод қилган машҳур шоир Хусрав Деҳлавийга ҳам жуда катта баҳо беради. Навоий ўзини Низомий билан Хусрав ўртасига қўяди. Хусрав билан эмас, Низомий билан «ким ўзар» жангига киришишга мажбурият ҳис этади. Лекин Деҳлавийни ҳам жуда катта моҳир санъаткор ҳисоб этади».

Олим «Сабъаи сайёр» достони ҳақида тўхталар экан, унда асарнинг ғоявий йўналиши ҳақида гапиради ва асосий диққатни образларнинг ички дунёси, маънавий қиёфаси ва характерини очиб беришдаги шоирнинг ижодкорлигини ёритишга қаратади.

1967 йилда Ойбекнинг архивидаги «Хамса»нинг асосий образлари» мақоласи топилиб, нашр этилган эди. Ана шу ишда адиб «Хамса»га кирган достонлар билан бир қаторда «Сабъаи сайёр» даги айрим лавҳаларга тўхталиб ўтади. Хусусан, Ойбек достоннинг асосий мағзини ташкил этувчи севги мавзуси бутун жаҳон тан оладиган даражада шуҳрат тополмади, достонда Хитой хирожининг эвазига сотиб олинган Дилоромга Баҳромнинг нимаси ёқиб қолди? Бу саволларга поэмада жавоб йўқ, деган фикрларни айтган эди.

«Сабъаи сайёр»даги Дилором образининг пассивлиги ҳақида навоийшунос олима Суйима Ғаниева ўз вақтида жуда маъқул фикрларни баён этган. «Дилоромнинг воқеалар ривожидаги пассивлиги, – деган эди олима, – биринчидан, Дилоромнинг ўз севгилисига бўлган садоқати билан изоҳланса, – иккинчидан, Баҳромнинг шафқатсиз, бераҳм ва бевафолигини кўрсатишдан иборат эди. Бошқа томондан бу пассивлик орқали улуғ шоир гўё аёлларни ўз севгиларига муносиб кишиларни танлашга даъват этгандай туюлади».

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони ҳақида йирик адабиётшунос олим И. Султонов ҳам ўзининг «Навоийнинг қалб дафтари» китобида йўл-йўлакай қимматли фикрларни гапириб ўтади. Хусусан, муаллифнинг Ашраф достони ҳақидаги фикрлари, «Сабъаи сайёр» ҳикояларининг манбалари ва шоирнинг новаторлигини алоҳида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Профессор Азиз Қаюмов «Ишқ водийси чечаклари» китобини «Лайли ва Мажнун» билан «Сабъаи сайёр» достонларининг таҳлилига бағишлайди. «Сабъаи сайёр» достонини яратишдаги Навоийнинг асосий мақсадини шундай изоҳлайди: «Бу шоҳлик тарихини баён этиш эмас, балки, «Етти бўстон мажлис афрузи» тўғрисида ҳикоя қилмоқликдир... Ишқ ва ошиқликнинг шоҳ ва шоҳликдан баланд туражагини Навоий ана шу мисолларда кўрсатади. Чин севги чин инсонийлик тимсолидир. Шоҳлик эса ўткинчи мартаба, шунинг учун у беҳуда. Шоҳликка интилиб ишқдан воз кечмоқ ҳаловатнинг гаровидир.

Шундай қилиб, Баҳром айрилиқ исканжасига тушгандан кейингина, Дилоромнинг ҳақиқий ошиғига айланади, ишқ кучи, қудратига асир бўлади. Эндиликдаги воқеаларда шоҳ Баҳром эмас, балки шоҳлик хомхаёлини бартараф этиб, ишқ иқтидорига бўйин эгган ошиқ Баҳром тўғрисида сўз боради».

Филология фанлари доктори Холид Расулов ҳам ушбу мавзу хусусида қимматли фикрлар баён этган. У ўзбек адабиётида эпик жанр тараққиёти тарихига экскурс қилар экан, Баҳром Гўр ҳақидаги достонлар устида тадқиқот олиб боради, шарқ халқлари ва айниқса, Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган бу афсонанинг илдизларини халқ оғзаки ижодидан излайди. Муаллифнинг бу соҳада олиб борган тадқиқотларининг муҳим томони шундан иборатки, унда Низомий, Хусрав Деҳлавий, Навоий ва бошқа ижодкорларнинг достонларидаги инсон ва унинг маънавий камолотига бағишланган ҳикоялар халқ ижодининг сарчашмасидан олинганлиги далиллар асосида кўрсатилган.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонининг бадиий хусусиятларини мукаммал ўрганиб чиққан олима С. Йўлдошева «Тарихи табарий», «Тарихи мулуки ажам» ва бошқа қатор манбалар асосида Баҳром Гўр образининг келиб чиқиши ва Хусрав Деҳлавийнинг достонни яратишдаги асосий мақсадларини диққат билан тадқиқ этиб чиққан.

Хусусан, у Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт»ни яратишдаги асосий мақсадини қуйидагича таърифлайди: «Халқ орасида Баҳром образи жасоратли шоҳ, ўткир жангчи, овчи, айш-ишратга берилган қўли очиқ ҳукмдор, одил ва халққа яқин, бошқаларга ғамхўрлик

қиладиган киши сифатида тилга олинади. Бироқ Амир Хусрав Деҳлавий ўзининг «Ҳашт биҳишт» достонида Баҳромни ана шундай қиёфада кўрсатмайди. Шоирнинг тасвирича, Баҳром яхши ҳоким бўлолмайди. Чунки у давлат ишлари билан бутунлай шуғулланмайди. Баҳром – ўткир жангчи ҳам эмас, адолатпарвар, ғамхўр ҳоким ҳам эмас. У руҳий ва жисмоний жиҳатдан ўз атрофидагилардан ажралиб турадиган кимса ҳам эмас. Қисқаси у – ўртамиёна одам. Балки Амир Хусрав Деҳлавий Баҳром Гўрни атайлаб шу тахлитда тасвирлаш билан ҳокимларнинг халққа яқин бўлиши лозимлигини таъкидламоқчидир, балки ҳукмдорларнинг оддий кишилардан фарқи йўқ, демоқчидир.

Шундай қилиб, Амир Хусрав Деҳлавий ўз достонида ҳокимларнинг адолатпарварлиги, билимдонлиги, ўз халқига ғамхўрлиги ғояларини олға суради. Бу ғоя эса ўша пайтларда Ҳиндистонда кенг тарқалган сўфийлик таълимотининг «барча одамлар худонинг олдида тенгдирлар» деган ғоясига анча яқин ва ҳамоҳангдир».

Н. Ғанихўжаеванинг тадқиқотлари ҳам ўқувчи диққатини ўзига жалб қилади. Олима Навоий ҳикояларида бадиий маҳорат масалалари мавзусига тўхталиб, улардаги ранг-баранг образлар ҳақида чуқур мушоҳада қилади. «Сабъаи сайёр» достонидаги ҳикоялар асосида Н. Ғанихўжаева Навоий давр талабидан келиб чиқиб, ўтмиш анъанасига, халқ оғзаки ижодига суянган ҳолда масалага ижодий ёндошганлигини, натижада қатор янги образлар яратилиб, улар идеал характерга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Муаллиф Навоий ҳикояларида асосий диққат инсон образини яратишга қаратилганлигини, ана шу инсоннинг маънавий қиёфаси ва ички руҳий кечинмаларини моҳирлик билан очишда шоир бадиийликдаги ҳамма воситалардан моҳирлик билан фойдаланганлигини ишончли далиллар орқали очиб беради. Н. Ғанихўжаева ҳикояларнинг композицион тузилиши ва сюжетлардаги энг муҳим жиҳатлар юзасидан ҳам ўзининг илмий фикрларини баён этади. Хусусан, бу ҳақда олима шундай дейди:

«Навоий ҳикоятларининг кўпчилиги биргина воқеа асосига қурилган. Бундай ҳикоятларда шоирнинг маҳорати шундаки, у ўқувчини ҳикоятнинг бошланишидаёқ сюжет ривожига олиб киради. Биргина воқеа асосига қурилган ҳикоятларда экспозиция жуда қисқа бўлиб, бунда ҳикоятдаги қаҳрамонлар, воқеанинг вақти ва ўрни билан таништирилади...»

Улар орасида бир неча воқеалар асосига қурилган ҳикоятлар ҳам бор. Бундай ҳикоятларда биргина асосий воқеа бўлиб, қолганлари ёрдамчи воқеа-ҳодисалар ҳисобланади. «Сабъаи сайёр» достонида келтирилган етти ҳикоя мана шундай бир неча воқеани ўз ичига олган ҳикоятлардир.

М. Муҳиддиновнинг «Талқинларда оламча маъно» китобида ҳам Баҳром Гўр образи ва унинг билан боғлиқ бўлган бадиий асарлар чуқур таҳлил этилади. Китоб муаллифи ушбу масаланинг ўрганилиш тарихига мукаммал тўхтайди, бу ҳақдаги илмий мақолалар, тарихий манбаларни тафсилоти билан баён этишга ҳаракат қилади, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Баҳром Гўр билан Озода ўртасидаги эпизоднинг Низомий «Ҳафт пайкар»ида, сўнгра Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида ва Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асарларида қай даражада акс эттирилганлигини тушунарли тилда баён этади. Достонларнинг мазмуни, ўзига хослиги ва бир-бирларидан фарқ қиладиган томонлари М. Муҳиддиновнинг китобида катта қисмни ташкил этган. Китобнинг аҳамияти яна шундан иборатки, унда муаллиф Навоий анъаналарини давом эттирган ижодкорларнинг Баҳром Гўр мавзусидаги асарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади.

Профессор Б. Валихўжаев ўзининг «Эпик поэзия тарихидан» номли ишида «Хамса» тоифасидаги асарларда жанрлар эволюциясининг турли-туманлиги ҳақида гапиради. Табиийки, «Шоҳнома» яратилган даврдаги ижтимоий-сиёсий шароит «Хамса»лар яратилган

даврдан тубдан фарқ қилган. Шунинг учун муаллиф Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си араб босқинчиларига қарши курашаётган халқларнинг мустақил давлат барпо қилиш йўлидаги ҳаракатларини ўзида ифодалаган бўлса, «Хамса»лар ягона марказлашган давлат барпо этишдаги феодал курашларининг бадиий инъикосидир, деб тўғри баҳо беради. Дарҳақиқат, «Шоҳнома»да ўз даври воқеаларидан келиб чиқиб, асарда кўпроқ ватанпарварлик ғоялари кўтарилган, «Хамса» тоифасидаги достонларда эса мазкур мавзулар билан бир қаторда севги мавзуси ҳам диққат марказида туради.

Б. Валихўжаев Е. Э. Бертельс ва Е. Э. Брагинскийларнинг нуқтайи назарини тасдиқлаб, «Хамса» тоифасидаги асарлар кўпроқ Фахриддин Гургонийнинг «Вис ва Ромин» асари анъаналарининг давомига яқинроқдир, деган хулосага келади.

Профессор Н. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» номли монографияси буюк шоир ижодиётининг халқчил негизини ўрганишга бағишланади. Муаллиф асарда инсон ва унинг севгиси, халқлар дўстлиги, Навоийнинг ижтимоий идеали, шоирнинг халқ анъаналаридан илҳомланганлиги ва ижодкорлиги каби масалалар юзасидан баҳс юритади. «Сабъаи сайёр»нинг ғоявий йўналиши ҳақида эса шундай дейди:

«Навоий асарларида золим ва жоҳил подшоларни танқид қилиш ва фош этиш ҳам адолат ва маърифат ғоясини тарғиб этишга, эл-юртнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Навоий Хусрав ва Баҳром каби подшолар образини яратишда муайян бир мақсадни кўзлайди. Хусрав – золим, мустабид ва худбин подшо... Баҳром зиддиятли характерга эга бўлган мураккаб образдир. Навоий бу образ қиёфасида бир-бирига қарама-қарши икки шахсни: одил подшо ва вафодор ошиқни, шу билан бирга, ўз ҳузур-ҳаловатига, шахсий кайфиятларига берилиб, эл-юртнинг аҳволи ва давлат ишларидан четлашган, ўз эҳтиросларига асир бўлган шуҳратпараст подшо ва худбин ошиқни тасвирлайди. «Навоий Баҳромнинг саргузашти ва, хусусан, унинг фожиали тақдири билан Ҳусайн Бойқарони ҳам, бошқа темурий шоҳ ва шаҳзодаларни ҳам огоҳлантирмоқчи, уларни машъум йўлдан қайтармоқчи бўлади».

Н. Маллаев ўзининг бошқа асарларида ҳам «Сабъаи сайёр» достони ҳақида тўхтаб ўтади ва унинг кам ўрганилганлигини гапириб, достондаги образлар занжири, ҳикоялар силсиласи, рақамлар ва ранглар олами ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Олим Баҳром образининг генезиси асардаги космогоник мифлар ва асарнинг бадийяти юзасидан салмоқли илмий хулосалар қиладики, биз ана шу фикрларни ушбу ишда ижодий ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

Таниқли навоийшунос олим А. Ҳайитметов «Навоийнинг ижодий методи масалалари» ва «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» монографияларида ўзбек адабиётшунослигида муҳим ва долзарб ҳисобланувчи ижодий метод масалаларини Навоий ижодидаги адабий-танқидий материаллар асосида ёритиб беради. Муаллиф асосий эътиборни Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий «Хамса»ларидаги қатор ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларга қаратиб, олимларимиз олдида турган улкан вазифаларни таъкидлайди.

Навоийнинг «Хамса» асари бўйича ёзилган ва ўқувчилар диққатини ўзига жалб қиладиган ишлардан яна бири Т. Жалоловнинг «Хамса» талқинлари» китобчасидир. Муаллиф «Хамса»га кирган бошқа достонлар қатори Навоий «Хамса»сининг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр» тафсилоти устида ҳам тўхтаб ўтади. Т. Жалолов Навоий достонининг моҳияти ҳақида қуйидагиларни айтади: «Хамса»даги бошқа достонларда кўриб ўтганимиздек, бу достонда хам ишқ-кўнгил хазинасининг бебаҳо жавҳари», кишиликнинг олижаноб бир фазилати сифатида таъриф ва тавсиф қилинади. Лекин севувчи билан севилувчининг

камол топиши учун бир-бирини оташин муҳаббат билан севишгина етмайди. Ҳақиқий ошиқ ёлғиз маъшуқасинигина эмас, балки она халқини ҳам шундай эҳтирос билан севиши даркор. Маъшуқа ошиқ учун бутун кишиликнинг рамзи вазифасини ўтамоғи лозим. Мана шундагина муҳаббат ўзининг ҳақиқий маъносига эга бўлади.

Навоий, Баҳромнинг жамият муҳаббатидан ажралган яйдоқ муҳаббати қандай фалокатларга сабаб бўлганлигини кўрсатиб, ўзининг бу масалага бўлган муносабатини изоҳлайди; севгининг социал моҳиятини очиб беради».

Озарбайжон олими Юсуф-Зиё Ширвонийнинг «Навоий ва Низомий», «Ўзбек поэмасининг даҳоси» номли мақолаларида Низомий билан Навоийларнинг мазкур достонларида жуда кўп ўхшашликлар топади ва «Ҳафт пайкар» билан «Сабъаи сайёр»да кўтарилган муаммоларни байналмилал аҳамиятга молик масалалар деб ҳисоблайди. У мазкур достонлардаги қаҳрамонларнинг ўз улуғ идеаллари йўлида ажойиб ишларни бажарувчи олижаноб баҳодирлар эканликларини қайд этиб, Низомий билан Навоий ўз асарларида асосан даврнинг ижтимоий масалаларига ва давлат тузумига муносабатларини билдирганлар деган хулосага келади.

Л. Климович ўзининг «Алишер Навоий ва унинг «Сабъаи сайёр» достони» мақоласида, поэманинг қисқача мазмуни, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларидан унинг фарқи ва Ғарб адабиётида Навоийнинг ушбу достони асосида яратилган асарлар ҳақида гап юритади. Хусусан, «Сабъаи сайёр» таъсири остида яратилган ва улуғ немис шоири Иоганн Вольфганг Гётенинг асарида ёзилган қуйидаги мисраларни келтиради: «Сабъаи сайёр»нинг ёзилганига юз йил ҳам ўтар-ўтмас, достонда баён этилган Баҳром Гўр билан Дилоромнинг тарихи талқини», Венецияда 1657 йили итальян тилида нашр этилган «Сарандиб шоҳининг уч ўғли ва уларнинг саргузаштлари» китобида фойдаланилган эди. XVII асрда эса «Сабъаи сайёр» достонининг насрий баёни грузин тилида яратилди. XIX асрга келиб Навоий асарлари Ғарбий Европа ва шунингдек Россияда чиқадиган ўқув хрестоматияларидан ўрин ола бошлади».

З. Сатторованинг аниқлашича, Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони Базелда немис тилида XVI асрдаёқ, Лейпцигда эса 1630 ва 1730 йилларда нашр қилинган экан.

Таниқли кавказшунос олим Б. Т. Руденко Нодар Цицишвилининг «Барам Гуриани» асарининг рус тилига қилинган таржимасига ёзган сўзбошисида шоир истифода қилган манбаларни текширар экан, асарнинг сюжет ва композицион тузилишида Низомийнинг «Ҳафт пайкар»и, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонларига жуда кўп ўхшашликлар борлигини аниқлайди. Айниқса, бу яқинлик Навоий достонига нисбатан кўпроқ экан.

1930 йилда профессор К. С. Кекелидзе «Али-Шир Навоий грузин адабиётида» мақоласини нашр эттирган. Унда XVII аср грузин шоири Нодар Цицишвилининг 1646–1656 йилларда ёзилган асари таҳлил қилинади. К. С. Кекелидзенинг аниқлашича, ушбу Баҳром Гўр мавзусига бағишланган шоир асарининг манбалари Низомий, Хусрав Деҳлавий, Навоий ва Ҳотифийларнинг достонларидир. Лекин булар ичида энг асослиси ва энг кўп истифода этилгани Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони экан. Мақола муаллифи ўзининг хулосасида Нодар Цицишвили, Навоий достонидан озуқа олар экан, у ушбу достоннинг шу мавзудаги асарлар ичида унга энг маъқули эканлигини тўла онгли ва яхши тушунган ҳолда, «Навоийдек яна бошқа бир улуғ ижодкорни тасаввур қилиш қийин, деб юксак баҳо берган эди», дейди.

Озарбайжонлик олима Ж. Нагиева «Адабий мерос» тўплами саҳифаларида чоп эттирган «Навоий ва XIX аср озарбайжон адабиёти» мақоласида Алишер Навоийнинг достони «Сабъаи сайёр»нинг озарбайжон адиблари ижодига таъсири масалаларини ёритиб берган.

Адабий таъсир нуқтайи назаридан Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонлари қиёсий-типологик томонларини пухта ўрганиб чиққан навоийшунос олим Ё. Исҳоқовнинг мақоласи асосий диққат-эътиборни ижодкор асарларининг оригиналлиги, уларнинг олдидаги мақсад ва вазифаларнинг ўзига хослигини очиб беришга қаратилган. Навоийнинг ўз олдига қўйган мақсади ҳақида у шундай дейди:

«Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Нима сабабдан Навоий Баҳром ҳақида янги маълумотлар қидириб топишга ҳаракат қилди? Бу масалани фақат Навоийнинг Баҳром образини яратишдан кўзда тутган мақсади, режалари билан изоҳлаш мумкин. Навоий бу достонни ёзишга киришар экан, Баҳром ҳақидаги афсонани ўзбек тилида баён қилишнигина ўз олдига вазифа қилиб қўйган эмас, унинг вазифаси жиддийроқ эди: Баҳром образи ва унинг ҳақидаги ривоятлар ўз давридаги воқеаларнинг муҳим томонларини қамраб олиш, уларга ўз муносабатини билдириш Навоийнинг асосий мақсади эди. У Низомий ва Хусрав асарларига ана шу мақсад нуқтайи назаридан қаради ва шунинг учун ҳам уларнинг мазкур образини талқин этиш йўлини ўз вазифалари билан номувофиқ кўрди.

Шу боисдан ўз асарининг композицияси ва Баҳром образини такомиллаштириш устида жиддий иш олиб борди.

Муҳими шундаки, Навоий асарнинг хотима қисмида Баҳром образини яратишдан мақсади нимадан иборат эканлигига ҳам усталик билан ишора қилиб ўтади. У тушида Баҳром билан мулоқотда бўлади. Баҳром гапни Ҳусайн Бойқаро устига буради ва уни мақтаб, кўпгина сифатларини ўзига ўхшатади».

Ё. Исҳоқов: «Навоийнинг Хусрав ижодига бўлган муносабатини (ҳам лирик ва ҳам эпик шоир сифатида) унинг ўз фикрлари ҳамда асарлари асосида кенг равишда ўрганиш, бир томондан, Навоийнинг ижодий эволюцияси ҳамда ўзбек ва тожик адабий алоқаларининг муҳим томонларини тўғри ўрганишга ёрдам берса, иккинчи томондан, форс-тожик шеъриятининг тараққиёт босқичлари ва улардаги етакчи адабий тенденцияларни чуқурроқ ўрганиш ва тўғри баҳолашга имконият яратади, деган хулосага келади.

Баҳром Гўр ҳақидаги ишлар орасида ёш олим Б. Муртазоевнинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир. У Хусрав Деҳлавий ва Навоийнинг баҳромномаларини қиёсий ўрганишни фольклор материаллари ва халқ оғзаки ижодидан бошлайди. Олим асосий урғуни Хусрав Деҳлавийнинг Навоийга таъсири масалаларини ёритиш томонларига бериб, Баҳром образининг эволюцияси ҳақида янги, ҳали кам ўрганилган манбалар асосида қимматли илмий мулоҳазалар юритади.

Б. Муртазоев Хусрав Деҳлавий истифода этган манбаларни, ҳинд фольклори қадимий будда дини ёдгорлиги «Трипитака» («Уч қонун») афсонасига, учинчи ҳикоясининг сюжетини Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган ва эронликларнинг «Шоҳ ва вазир», туркларнинг «Маликанинг эртаги» каби асарларида баён этилганлигини хабар қилади. Олим Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонларидаги ўхшаш сюжет, услуб ва образларнинг прототипларини аниқлашда, шунингдек анъана жараёни билан ижодкорнинг индивидуал хусусиятларини белгилашда қиёсий текшириш тадқиқотлар учун муҳим имкониятларни таъминлайди, деган фикрга келади.

Алишер Навоий «Хамса»сининг 500 йиллик юбилейи муносабати билан А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, А. Абдуғафуров, Ё. Исҳоқов, М. Қодиров, Х. Расулов, Г. Расулова, Р. Қобулова, А. Эркинов, Г. Акромов, Н. Аҳмедов, Е. Жўраев, А. Раҳмонов, Л. Серикова, М. Ҳамидова ва бошқаларнинг қатор китоб ва мақолалари нашр қилиндики, уларда ҳам мазкур мавзуга маълум даражада тўхталиб ўтилган.

Юқорида саналган аксарият ишларда Навоий достонининг сюжет ва композицияси, образлар силсиласи, қисман генетик куртаклари ҳақида гап боради, кўтарилган у ёки бу муаммони ҳал қилиш жараёнида Навоийнинг Баҳром Гўр достони ҳақида йўл-йўлакай умумий тарздаги фикрлар баён этилади. Аммо шуни қайд этиш керакки, «Сабъаи сайёр» достонининг генезиси, унинг ғоявий-бадиий томонларини ҳал этишда ҳам қатор масалалар мавжуд. Шу нуқтайи назардан Навоийнинг ушбу достонини қиёсий типологик жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганиш навоийшуносликнинг ҳозирги энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини ҳам қайд этиб ўтмоқ жойиздир.

Демак, Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонларини бир бутун комплекс сифатида ижодкорнинг тарихий, ижтимоий ва эстетик қарашларидан келиб чиқиб қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бу ишни амалга оширишда, биринчидан, юқоридаги достонларнинг генезисини аниқлаш, сюжет ва образлардаги ўхшаш ва умумий томонларини ўрганиш, иккинчидан, достонларнинг ғоявий-бадиий йўналиши ва композицион тузилишидаги фарқларни тадқиқ этиб, ҳар бир шоирнинг ғоявий-эстетик қарашлари ва бадиий маҳоратини аниқлаш, қолаверса, Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг анъанавий «Хамса»нависликдаги ўрнини белгилаш зарурдир.

Кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган ушбу китобчада Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Навоий, қисман, Ашраф Мароғий баҳромномаларининг сюжет ва композицион тузилиши, Баҳром Гўр образининг эволюцион жараёни, достонларга кирган ҳикояларнинг генетик негизи, ҳар бир ижодкорнинг бадиий маҳорати масалаларига тўхталади, достонлардаги умумийлик, анъана, ўзаро таъсир муаммолари, асарларнинг ўзига хослиги, ғоявий бадиияти таҳлил қилинади. Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган Баҳром Гўр ҳақидаги афсоналар халқ ривоятлари ва турли тарихий ёзма манбалар ҳақида атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, ушбу мавзунинг Шарқ халқлари ва қисман Ғарбда бу қадар кенг тарқалганлигининг сабаблари баён этилади, Баҳром Гўр ҳақидаги достонларнинг генетик ривожланишининг сабаблари кўрсатилиб, ҳар бир ижодкорнинг адабиёт тарихида ўйнаган роли ва тутган ўрни белгиланади.

САРГУЗАШТНИНГ ЁРҚИН УЧҚУНЛАРИ

Ҳозирги замон қиёсий адабиётшунослигининг муҳим томонларидан бири анъанавий эпик достонларнинг сюжет ва композицион тузилишини диққат билан батафсил ўрганишдан иборатдир. Бу масалани жиддий ўрганишнинг зарурийлиги айнан бир хил мавзудаги қатор достонларнинг композицион тузилиши, принцип жиҳатидан турли-туманлиги ва ижодкорлар олдиларига қўйган вазифалардаги фарқлардан ҳам яққол кўриниб туради. Бундай турли-туманлик ва достонлардаги ўзаро фарқларни энг аввало, маълум тузум ёки тараққиёт босқичининг мафкуравий ва социал илдизлари, ўша тарихий даврнинг талаблари ва ҳар бир ижодкор шахснинг ижодий-эстетик қарашларидан изламоқ керак. Баҳром Гўр мавзуси билан боғланган Низомий Ганжавийнинг «Етти гўзал», Хусрав Деҳлавийнинг «Саккиз жаннат боғлари» ва Алишер Навоийнинг «Етти йўловчи» достонларининг сюжет ва композицион тузилишини ўрганиб чиқиш маълум тарихий даврда ушбу мавзунинг секин-аста ўзгариб бориш тарихи билан яқиндан танишиш, ўрта аср феодал жамиятида турли миллий адабиётлар учун хос бўлган шоирларнинг ўзаро бир-бирларига яқин принциплари ва фарқ қилувчи қарашларини аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, бундай тадқиқот анъана, ижодкорлик ва шоирларнинг поэтик маҳоратини белгилашда ҳам катта аҳамият касб этади.

Адабиётда Баҳром Гўр образини биринчилардан бўлиб мифологик ва тарихий-жанговарлик руҳидаги монументал асар яратган буюк сўз устаси Фирдавсий ижод қилди. У бу афсона асосида алоҳида асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, «Шоҳнома»даги Баҳром Гўр шахсияти ҳақидаги ҳикоялар Шарқдаги юзлаб шоирларнинг диққатини ўзига жалб этди.

«Шоҳнома»даги афсоналарни ўрганган таниқли шарқшунос олим Ш.М.Шукуров асарнинг тузилишини диққат билан кузатиб чиқар экан, жаҳон халқлари маданияти тарихида бундай бадиий-тарихий ёдгорликларнинг, адабий тақлидлар учун сабабчи бўлган мисолларнинг кўплигини айтиб ўтади. Муаллиф ана шундай ёзма обидалар қаторига Фирдавсийнинг кейинги аср халқларининг маънавий ва моддий маданияти тарихида ўзининг янгича талқини ва инъикосини топган «Шоҳнома» достонини ҳам киритиш мумкинлигини таъкидлайди.

Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Баҳром Гўр образи билан боғлиқ бўлган сюжетни биринчи бўлиб Озарбайжоннинг буюк шоири Низомий қайта ишлаб, унга етти янги ҳикояни киритиб, шеърият оламида ўзининг беқиёс шуҳратини топган «Етти гўзал» номли оригинал бадиий асарини яратди. Низомий асаридан сўнг, 200 йил ўтгач, «Етти гўзал»нинг асосий бадиий рангини сақлаган ҳолда машҳур ҳинд шоири Хусрав Деҳлавий ўзининг шу мавзудаги «Саккиз жаннат боғлари» достонини ёзади.

Хусрав Деҳлавийдан кейин, бир аср ўтгач, Баҳром Гўр ҳақидаги қизиқарли ушбу мавзуга улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам қўл уради. Навоий ўзининг салафлари яратган достонларни ҳар жиҳатдан чуқур ўрганиб, уларнинг асарларига танқидий нуқтайи назардан объектив ёндошади. Натижада буюк шоир ўзбек тилида бутунлай янги йўналишдаги ва мустақил қурилишга эга бўлган «Сабъаи сайёр» номли достонни яратган. Машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича, бу асар Навоийнинг ҳаётлигидаёқ нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тез орада шуҳрат топиб кенг тарқалган. «Сабъаи сайёр»нинг бу қадар шуҳрат топганлиги унинг ғоявий юксаклиги, бадиий жиҳатдан баркамоллиги билан боғлиқдир. Тадқиқотчилар шуни алоҳида таъкидлайдиларки, Алишер Навоий Баҳром Гўр ва Дилором ҳақидаги афсонанинг қолипловчи қисмини

етти ҳикоя орқали шундай боғлаганки, натижада достон бир бутун яхлит композицион тузилишдаги асар қиёфасига кирган. Низомий билан Хусрав Деҳлавийларнинг асарларида эса, улар ўртасидаги ўзаро жузвий боғланиш узилиб қолган. Натижада қолипловчи қисм билан ҳикоялар, агар уларни бир-бирларидан ажратиб қаралса, алоҳида асардай бўлиб қолаверади ва улар мазмунининг ўзгаришига заррача ҳам таъсир кўрсатмайди. Навоийда эса бу боғланиш Дилоромни Баҳром чўлда ташлаб кетгандан кейинги тарихи еттинчи ҳикоя мазмунига киритилганлиги уни достоннинг қолипловчи қисми билан чамбарчас боғлаб, асарнинг таркибий ажралмас қисмига айлантиради.

Шундай қилиб, Низомийнинг «Хамса»си кейинги аср шоирлари учун илҳом ва татаббуъ манбаи бўлиб қолди, жуда кўп шоирлар бу соҳада ўзларининг кучларини синаб кўрдилар. Булар орасида энг кўзга кўринганлари ва асарлари энг юксак баҳога сазовор бўлганлари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийлар эди.

Алишер Навоий ўзининг бир нечта асарларида салафи Ашраф Марофий «Хамса»си ҳақида гапириб ўтади. Хусусан, шоир «Лайли ва Мажнун» достонида у ҳақда шундай деб ёзади:

«Чун етти бу базмгоҳга Ашраф,
Бўлди ўзи хурдиға мушарраф».

«Мажолис ун-нафоис» асарида эса, Ашрафнинг «Хамса»сини қуйидагича баҳолайди:

«Мавлоно Ашраф – дарвешваш ва номуродшева киши эрди. Ва кийиз бўрк устиға қурчуқ чирмар эрди. Ва эл била дағи омизиши оз эрди. Кўпрак авқот «Хамса» татаббуъиға сарф қилур эрди; то ул китобни тугатур тавфиқи топти, воқеан ўз худию ҳолиға кўра ямон бормайдур».

Алишер Навоий Ашраф номини «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам тилга олади:

«Яна чун «Сабъаи сайёра» расадин замирим боғлабтур. Ашраф «Ҳафт пайкар»нинг етти ҳурвашини пешкашимга яроғлабтур».

Ўзбекистонда Ашрафнинг «Хамса»си шу вақтгача турли фикрларга сабабчи бўлиб келди. Ашраф «Хамса»синнинг хамсачилик» ка қўшган ҳиссаси қандай? Нега Навоий Ашраф ва унинг ижоди тўғрисида ўзининг кўп асарларида эслатиб ўтган? Нега навоийшунослар шу чоққача Ашраф «Хамса»сини ўрганмай четлаб ўтишган. Балки, Навоий Ашраф ижодидан илҳом ва озуқа олгандир? Шунга ўхшаш саволларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун биз ушбу ишимизда қисман бўлса-да, Ашраф Марофийнинг Бодлеан кутубхонасида сақланаётган мазкур қўлёзмасининг бизга Тоҳир Муҳаррамов тақдим этган микрофильми асосида унинг «Хамса»сига кирган тўртинчи достони «Ҳафт авранг» (Етти тахт») достони мазмунини ва у ҳақдаги айрим мулоҳазаларимизни баён этамиз[1].

Табиийки, Ашрафнинг «Ҳафт авранг» достони алоҳида тадқиқот доираси бўлмоғи керак. Ушбу китобчада айтилган Ашраф асари ҳақидаги кузатишларимиз зора қисман бўлса-да, юқоридаги фикрларни ойдинлаштиришга хизмат қилса, деб ўйлаймиз.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ашраф Марофий XV асрнинг кўзга кўринган шоирларидан бири бўлган. У «Унвон уш-шабоб», «Хайр ул-умр», «Бағият ус-солиҳат», «Мужаддат ут-тажаллиёт» номли тўрт девон ва бошқа асарларнинг муаллифидир. Ашраф Марофийнинг ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган. Унинг бирорта ҳам асари ҳанузгача на бизда, на хорижда нашр этилган. Шунинг учун Ашраф Марофийнинг бой меросини ўрганиш илм-фан учун маълум аҳамият касб этади. Ашраф Марофий ҳақида қисқача маълумот озарбайжонлик олим Тоҳир Муҳаррамовнинг «Ашраф Марофий ва унинг ноёб

[1] Аслида бу фикрни бизга навоийшунос олим, профессор А. Ҳайитметов берган.

«Хамса»сининг қўлёзмаси ҳақида» мақоласида эълон қилинган. Оғзаки суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, унинг «Хамса»сининг нашрини мазкур олим тайёрламоқда экан.

Ашрафнинг тўлиқ исми ибн ал-Ҳасан ал-Мароғий ат- Табризий. У ўз шеърларини Ашраф тахаллуси билан ёзган. Ашрафнинг туғилган йили номаълум. Унинг вафоти ҳақидаги маълумотлар ҳам турлича. Айрим манбаларда Ашраф ҳижрий 864 (1460) йилда вафот этганлиги кўрсатилса, бошқаларида ҳижрий 854 (1450) йилга ишора қилинган. Ашраф Табризда вафот этган.

Ашраф Қорақуюли ҳукмдори Шаҳаншоҳнинг ўғли Пирбудғали шаҳзоданинг яқинларидан бири бўлиб, маълум муддат унинг хизматида Бағдодда яшаган. 1457 йилда Пирбудғали ўз отаси томонидан қатл этилганидан сўнг, шоирнинг соғлиғи қаттиқ оғирлашиб ўша йилиёқ Табризга қайтиб келган ва шу ерда вафот этган.

Ашраф Мароғийнинг «Хамса»си ҳақидаги маълумотлар Муҳаммад Тарбият ва Ҳожи Ҳусайн Нахчивоний асарларида баён этилган. Мазкур тарихий асарларда Ашраф Мароғийнинг достонлари ва асарларининг номларигина келтирилган. Лекин Муҳаммад Тарбиятнинг таъкидлашича, у ҳақдаги кенгроқ маълумот Авҳадийнинг «Маърифат ул-ошиқин», Иброҳимнинг «Суҳуфи Иброҳим» ва Волаи Доғистонийнинг «Риёз уш-шуаро» асарларида келтирилган.

Ҳозирча фанда Ашраф «Хамса»сининг яккаю-ягона мўътабар нусхаси 875 рақами билан Англиянинг Бодлеан кутубхонасида сақланаётгани бизга маълум. Бу нусха ҳижрий 861 (1457) йил Низом бин Али ал-Микалий ал-Бухорий котиб томонидан настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, 492 саҳифани ўз ичига олади.

Ашраф Мароғийнинг «Хамса»си 23630 байтдан иборат бўлиб, унга қуйидаги достонлар кирган:

1.«Минҳож ул-аброр» - 4260 байтдан иборат. Ҳижрий 832 (1428) йил тугалланиб, Низомийнинг «Махзан ул-асрор»ига татаббуъ сифатида ёзилган, Низомийнинг достонидан фарқли ўлароқ, Ашраф асарида 21 мақолат ва ҳар бир мақолатдан сўнг бир шеърий ҳикоя келтирилади.

2.«Риёз ул-ошиқин» - 7713 байт. Ҳижрий 842 (1432) йил ёзилган. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонига татаббуъ.

3.«Ишқнома» - 3338 байтдан иборат. Ҳижрий 842 (1438) йилда ёзилган. Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»ига татаббуъ.

Низомий достонидан сюжет ва композицион тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Ашраф достонидаги эпик лавҳалар орасига ғазаллар ҳам киритилган.

4.«Ҳафт авранг» («Етти тахт») - 3775 байт. Ҳижрий 844 (1440) йилда ёзилган. Низомийнинг «Ҳафт пайкар»ига татаббуъ.

5.«Зафарнома» - 4544 байтдан иборат. Ҳижрий 848 (1444) йилда Шоҳрухга (1405–1447) бағишланган. Низомийнинг «Искандарнома» сига татаббуъ.

Низомий «Хамса»сига татаббуъ қилиб «Хамса» яратган шоирлардан яна бири Хожа Кирмоний (Султон Абусаид мирзога бағишлаб ёзган), Шоҳрух замонида яшаб ижод этган Жамолийларни ҳам айтиб ўтмоқ жоиздир.

Жамолийнинг «Хамса»сига кирган тўртинчи достони «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), Ғ. Ю. Алиевнинг таъкидлашича ўзининг улуғ замондоши Абдураҳмон Жомийнинг кучли таъсири остида ёзилган.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий ҳам Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг «Хамса»ларига татаббуъ қилиб асарлар яратган. Е. Э. Бертельснинг айтишича, Жомийнинг «Субхат ул-аброр» достони Низомийнинг «Ҳафт пайкар»ига татаббуъ қилинмоғи керак бўлган, лекин

Абдураҳмон Жомийнинг сўфиёна дунёқарашига кўра у эртаклар айтиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, бу ишга киришишдан воз кечган. Чунончи, у «Хамса»сининг охирги қисмида эртакларни ўз ичига олган сюжетли достонларга ўзининг муносабатини билдириб ўтган. Жомий очиқдан-очиқ эртаклар айтиб ўтириш унинг иши эмаслигини ва шунинг учун Низомийнинг «Ҳафт пайкар»ига тақлидан асар яратиб, вақтни беҳуда кетказмаганлигини, бундай енгил-елпи эртаклар ўрнига мавзу доираси кенг бўлган сўфиёна руҳдаги иккинчи достонини ёзганлигини айтади.

Форс-тожик шоири Абдуллоҳ Ҳотифий ҳам Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг достонларига татаббуъ қилиб асарлар ёзган. «Ширин ва Хусрав» достонини эса Абдураҳмон Жомий маслаҳатига кўра Алишер Навоийга бағишлаган. Баҳром Гўр мавзусига бағишлаб Ҳотифий ҳам «Ҳафт манзар» поэмасини ёзган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти Ҳотифий ўз «Хамса»сини тугата олмаган, унинг қаламига тўрт достонгина мансуб деган фикрни айтадилар. Шунга қарамай Ҳотифийнинг «Хамса»чиликка қўшган ҳиссаси буюкдир. У форс-тожик ва туркий тиллар адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган улкан санъаткор эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган.

XIV–XV асрларда яшаб ижод этган форс-тожик шоири Котибий ҳам «Хамса» ёзишга қўл урган. У «Хамса» туркумига кирувчи уч достонни ёзиб тугатишга улгурган. «Гулшан ул-аброр» «Махзан ул-асрор»га жавоб сифатида «Лайли ва Мажнун» «Лайли ва Мажнун»га жавоб тариқасида, «Баҳром ва Гуландом» эса «Хусрав ва Ширин»га жавобан битилгандир.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида Низомий ва Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»ларини маъқул кўрмаган Мавлоно Абдуллонинг ҳам «Ҳафт пайкар» номли асар ёзганлиги эслатиб ўтилади. Навоий унинг асари ҳақида гапирар экан, бундай буюк шоирларнинг ажойиб асарларини тан олмаган ижодкорнинг достонига тўғри баҳо беришга бу мажлисда энг фақир ва заифлардан бўлмиш биз ожиздурмиз, дейди.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлоно Абдулло «Хамса»си ҳозирча бизга номаълум бўлиб келмоқда. Абдулла Ҳотифий «Хамса»си тугал эмас, Жамолий «Хамса»сининг қўлёзмалари ватанимиз фондларида борлиги ҳақида маълумотларга эга эмасмиз. Абдураҳмон Жомий эса бу мавзуда асар яратмаган. Котибийнинг «Хамса»сида Баҳром Гўр мавзусидаги достон мавжуд эмас. Демак, юқоридагилардан, достонларни қиёсий ўрганмоқ учун Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонлари реал ва имконият доирасидаги тадқиқот объектларидир. Бундан ташқари, мазкур даҳоларнинг «Хамса»лари илгари таъкидлаб ўтганимиздек, хамсачиликда тан олинган энг машҳур ва ўрта аср Шарқ адабиётида муносиб ўринни эгаллаб келган асарлардир.

Ҳар учала достон - Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асарлари басмала билан бошланиб, сўнгра шарқ китобларига хос бўлган анъанавий кириш қисмлари - ҳамд ва наът келади.

Низомийнинг «Етти гўзал» достонида наът билан асосий қисм оралиғида асарнинг яратилиш сабаблари, китобнинг ёзилишига сабабчи бўлган ҳоким Аловуддин Арслон ҳақидаги қисм, бадиий сўзнинг улуғлиги ва қудрати, шунингдек шоирнинг ўз ўғли Муҳаммадга айтилган насиҳатларни ўз ичига олган боблар мавжуд.

Хусрав Деҳлавийнинг «Саккиз жаннат боғлари» достонининг кириш қисмида, Низомий поэмасида келтирилган бадиий сўзнинг аҳамияти ва қудрати ҳақидаги боб йўқ, лекин Муйиддин Чиштий (1236 й. вафот этган) томонидан асос солинган ва сўфийлик ўша даврида шуҳрат топган чиштия тариқатининг раҳнамоси ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг устози Шайх Низомиддин авлиё мадҳ этилган боб мавжуд.

Хусрав достонининг кириш қисмида Султон Аловуддин Муҳаммадшоҳни мадҳ этиш учун

икки боб ажратилган. Асарда Низомийдаги каби насиҳат боби мавжуд, лекин у шоирнинг қизи Афифага бағишланган.

Ашраф Марофийнинг достонида ҳамд ва наътдан кейин, Баҳром ҳақидаги афсонадан илгари Султон Ёдгор Муҳаммад ва инсон қадр-қимматига бағишланган боблар баён этилади. Сўнгра достоннинг ёзилиш сабаби ҳақидаги бобда шоирнинг бадиий сўзга бўлган муносабати билдирилган. Хусусан, достоннинг яратилиш сабаблари ҳақида Ашраф шундай деб ёзади:

Ин дам аз подшоҳ ёд кунам,
Руҳи Баҳром Гўр шод кунам.
Аз жаҳони даврон басе буданд,
Ки гирифтанд мулку бахшуданд,
Лек ҳаргиз бадастёре бар тахт,
Подшоҳе чу ў нашўд бар тахт,
Ҳар че омад зарҳуш рост,
Баҳси таърихи шаҳриёр аст.
Қиссаи ишқу ақлу бухлу карам,
Қиссаи узлу ишқу зулму ситам.
Аҳли тарих к-аз замон гўянд,
Ҳама зи ахлоҳи хусравон гўянд,
Ман ҳам аз баҳрҳои Баҳромии,
Гавҳари хешро томмии.
Расм набиёр номҳои кўҳан,
Нав кунам ҳам ба итмоми сухан.
Қасри қайсар фиреб пардозам,
Ранги мақсураи эрам созам.
Бонуйи ҳар яке бизебоий.
Карда ҳар ҳафт дар Дилоройе.
Чун ҳикояти гузор башаш,
Диҳам аз ҳафт зи гул тазйинаш.

Яъни:

Шу дамда шаҳзодани эслаб,
Баҳром Гўрнинг руҳини шод қилгим келди.
Улар жаҳонда давр сурдилар,
Қўлга киритган молу мулкларини бахшида қилдилар.
Лекин ҳар ҳолда ўзларига қарашли мулкда
Шоҳликни тахтда ўтириш учунгина қилмадилар.
Ҳар қанча олтин бўлса, тўғриликка сарф бўлди.
Подшоҳ тарих муҳокамасида бўлди.
Ишқ, аҳл, бахиллик ва карам қиссасини,
Адолат, ишқу зулму ситам қиссасини
Тарих аҳли қадимдан бери сўзлайдилар,
Ҳамма подшоҳларнинг ахлоқи ҳақида гапирадилар.
Мен ҳам Баҳромнинг саргузаштларини,
Унинг том маънодаги гавҳарини,

Анъанага биноан қадимий номларини
Янгилаб, сўзни бағишлаб, уни итмом қилмоқчиман.
Подшоҳнинг қасрини фирибгарлик билан безаб,
Эрам боғининг маълум ранглари билан созлайман.
Унинг асосига етти тахт жойланиб,
Атрофида етти само ва унинг қолипловчи (ҳикояси) тартиб берилади.
Уларнинг ҳар бирида бир гўзал бону,
Ҳафтанинг ҳар куни ўзининг маъшуқи билан бўлади.
Бир ҳикоя тугагач, иккинчисини бошлашдан олдин,
Етти рангнинг бирини, уни зийнатлаш учун берилади.[1]

Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ҳам Хусрав Деҳлавийникидаги каби, устозни, яъни Абдураҳмон Жомийни, шунингдек Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида ҳоким мадҳ этилганидек, султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этишга бағишланган боблар бор. Лекин ҳокимни мадҳ этувчи боб Деҳлавийникидан фарқли ўлароқ Навоийда бир бобдан иборатдир.

Булардан ташқари, Алишер Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида мавжуд бўлмаган яна бир бобни ўз асарига киритган. Унда шоир Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадича бегимни мадҳ этади. Бу боб шакл жиҳатдан Хадича бегимга бағишланган бўлса-да, аслида унда Хусрав Деҳлавийдаги каби аёлларнинг қадр-қиммати, иффати улуғланади.

Алишер Навоий сўзнинг қудратига бағишлаб икки боб ажратган. Биринчи бобда бадиий сўзнинг моҳияти ҳақида, иккинчисида эса, назмнинг насрдан афзаллиги ҳақида гап бориб, шу муносабат билан Низомий ва Хусрав Деҳлавий каби буюк сўз санъаткорлари улуғланади. Бу бобларнинг катта аҳамияти шундан иборатки, уларда Алишер Навоий бадиий тил ва сўз санъатига нисбатан ўзининг фалсафий қарашларини, эстетик принципларини баён қилади. «Сабъаи сайёр» достонининг кириш қисмига булардан ташқари яна икки боб киритилган. Навоий уларда ўз салафларининг достонларида буюк сўз усталарига хос бўлган эътиборсизлик туфайли йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида гапириб, достонга киритган ўзгартишларини қайд этади. Навоий уларнинг асарларида, энг аввало, ишқ моясининг йўқлиги, Баҳромдек маишатпараст ва худбин подшоҳнинг мадҳ этилиши, маст-аласт Баҳромнинг ухлаш учун ишқ-муҳаббатга яратилган гўзал парию-пайкарлар – шоҳ қизлари томонидан эртак айттирилишини достонлардаги энг асосий камчиликлардан деб ҳисоблайди. Уларнинг биринчи камчиликлари ҳақида Навоий шундай деб ёзади:

Ул иков устоди моҳир эди,
Ким маҳорат аларда зоҳир эди.
Чун тузуб бу бисот ўтмишлар,
Қилмайин эҳтиёт ўтмишлар.
Мен дейолмонки саҳвлар тушмиш,
Бехабар тушмиш, ул агар тушмиш,
Ким бу дафтарки, бердилар минг зеб,
Боштин то оёқ фусуну фиреб.
Ясағанда бу турфа афсона,
Ҳазмдин айлаб ўзни бегона.
Неча навъ ишни қилдилар таҳсир.
Гар тутарсен қулоқ қилай тақрир.
Бири буким, йўқ анда мояйи дард,

[1] Ашраф Марофий. Бодлеян кутубхонаси. Сақл. рақ. 875, 3-б.

Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.
Ким биров меҳридин бари бўлгай,
Боқма, гар меҳри ховарий бўлғай!
Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламоқ эмастур хўб.
Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин хуштур анда сармоя.
Ким кўнгулга ўти асар қилғай,
Жонға куйдурмаги хабар қилғай,[1]

Алишер Навоий достоннинг асоси ишқ-муҳаббат мавзуси асосига қурилмоғи керак, шундагина асар ўқувчининг дилига ўт бериши, акс ҳолда қанча узундан-узун ҳикоялар айтиш, беҳуда вақтни сарф қилиш билан баробардир, деб таъкидлайди. Навоий маишатга берилган, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган, вақтини ов билан беҳуда ўтказаётган шоҳ Баҳромни мадҳ этиш учун асар ёзиш шартмиди, деб уларнинг иккинчи камчиликларини шундай баён этади:

Бўлди фарзан бу навъ бул ажаб иш,
Бул ажаброқ яна бу иш бўлмиш.
Ким мунунгдек ики ваҳиди замон,
Ҳар бири ўз вақтида фариди замон,
Бўйла нодон учун ёзиб авсоф.
Анга қилдилар ўзларин вассоф.
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзгайлар.
Ҳар бири ул назмида кўруб кўп ранж,
Қилғай ўз «Панж ганжи»дин бир ганж,
Оллоҳ-Оллоҳ не ганж бўлғай бу,
Сарбасар элга ранж бўлғай бу,
Бўла олмас бу иш магар бу тавр,
Ки десанг ул ики ягонаи давр.

Шундай қилиб, Алишер Навоий куну тун айш-ишрат билан вақтини беҳуда ўтказувчи, ичкилик, ов, маишат билан телбаликка чолишган шоҳ Баҳромни мадҳ этиб достон яратишларини Низомий билан Хусрав Деҳлавийлардек буюк устозларга номуносиб иш деб таърифлайди.

Е. Э. Бертельс Алишер Навоийнинг бу фикрига тўла қўшилмаган ҳолда, Навоий Низомий поэмаси хусусида айтган камчиликларни унчалик тўғри эмас, чунки Низомий асаридаги Баҳром образи қатор фожиавий ҳолатлардан сўнг мукаммал ҳоким тоифаси даражасига кўтарилади, деган ўзининг нуқтайи назарини баён этади.

Е. Э. Бертельснинг бу мулоҳазасида жон бордек туюлади. Лекин биз Низомий достони яратилган даврдаги конкрет тарихий шароит билан Навоий давридаги шарт- шароитнинг кескин фарқ қилишини эътиборга олсак, Навоий ҳақ гапни айтганининг гувоҳи бўламиз.

Навоий устозларининг учинчи камчилиги сифатида маст Баҳромнинг ухламоғи учун шоҳ қизларининг эртак айтишлари ғайри табиийлигини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Навоий бу ҳақда шундай дейди:

Бўйла туҳматки айш учун Баҳром,

[1] Сабъаи сайёр, 31-6.

Ясади етти қаср сургали ком.
Етти иқлим шоҳидин етти қиз,
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз.
Етти қасри ичига келтурди,
Ком ҳар кун бири била сурди.
Турфа бу ким чу бўлди бодапараст,
Қилди оқшомға тегру ўзни маст.
Уйқу комин олурға мастона,
Шўхларға буюрди афсона.
Бу ажабким алар доғи дедилар,
Қиссахон қизлари магар эдилар?
Тонгдин оқшомға тегру пайдарпай,
Улки ичгай қадаҳ тўла-тўла май.
Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат,
Уйқусиға фасона не ҳожат?
Бўлса ҳам ақл манъ қилмасму,
Қисса айтар киши топилмасму?
Ким неча нозанин ҳарамларини,
Жон ҳаримида муҳтарамларини,
Ки алар ғамзаси қилиб жоду,
Юз туман кўздин элтгай уйқу.
Лаблари қатл учун шароболуд,
Кўзлари ишва бирла хоболуд.
Ҳукм қилғайки, сиз фасона дейингиз,
Демангиз узру бебаҳона дейингиз.
Бўлунг уйғоқлиқ ичра фарсуда,
Мен бўлай уйқу бирла осуда.
Бўйла таклиф кимса қилғайму,
Одамдин бу сўз очилғайму?

Алишер Навоий, юқорида айтиб ўтганимиздек, Ашраф Марофийнинг «Хамса»си ҳақида қатор асарларида эслатиб ўтади. Лекин «Ҳафт авранг» достонида анъанавий мавзу қандай ечилаётгани, Баҳром Гўр сюжети билан боғлиқ бўлган муаммолар қандай ҳал қилинганлиги ҳақида негадир ўзининг муносабатини билдирмаган.

Лекин Алишер Навоий Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларини юқори баҳолаб, шу билан бирга уларнинг достонларида учрайдиган ҳақиқатга тўғри келмаган томонларига ҳам бефарқ қарамади. У бу камчиликларга ўзининг холисона муносабатларини билдиради: Низомий ва Хусрав Деҳлавий Баҳромларининг муҳаббат дардидан ҳоли эканлиги; бадмаст, айш-ишратга, овга берилган шоҳни мадҳ этувчи достоннинг аҳамиятсизлиги, севги учун яратилган гўзал шоҳ қизларининг уйқуга шундай ҳам ўзи чўмиб кетадиган маст шоҳ учун эртак айтишларининг ғайри табиийлиги.

Мана шулардан келиб чиқиб, Алишер Навоий ўз олдига бутунлай янги мақсадларни қўйганча Баҳром билан Дилором ўртасидаги ишқ достонини яратишга бел боғлади. Лекин улуғ шоир ўз салафларининг камчиликларини тузатган ҳолда, ана шу нуқсонларнинг ўзида ҳам такрорланмаслигига катта эътибор берди. Навоий ишни достоннинг сюжет ва композицион тузилишини ўзгартириш ва такомиллаштиришдан бошлади. Бундан ташқари Алишер Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг Баҳром тарихига оид эпизодларини

такрорламаслик учун уларни қисқартиради. Шоир бу ҳақда шундай дейди:

Роқимеким бурун қалам чекти,
Номасиға анинг рақам чекти.
Қилди тарихини чу элга аён,
Ишларин этти шарҳ бирла баён.
Қилди татвил ила чу ул такмил,
Мен не такмилға берай татвил.
Бир деганни ики демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти, дилкаш эмас.
Айтмоққа агарчи қолғум йўқ.
Ул айтқонча айта олғум йўқ.
Лек ҳам ўтсам айламай мазкур,
Мени табъ аҳли тутмағай маъзур.
Бас бу авлодурурким аввали ҳол,
Сўз жамолиға бергамен ижмол;
Ҳар не бир достонға солди садо,
Мунда бир байт бирла топқай адо.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида XVII асрда грузин шоири Нодар Цициашвили «Барамгуриани» асарини яратган. Шоир Навоийнинг ушбу достонини Низомий ва Хусрав Деҳлавийларники билан қиёсий ўрганиб, уни онгли равишда ўзининг келажак асари учун асос қилиб олади. Нодар Цициашвилининг асари билан юзаки танишишнинг ўзидаёқ унинг нақадар «Сабъаи сайёр» билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

Ақлға бовар қилмайдиган ушбу афсона форсча эди,
У ҳақда Низомий Ганжавий, доноларнинг доноси ёзди,
Унга тили бой хоқон соҳиби Хусрав Деҳлавий татаббуъ қилди.
Хусрав ўздими ёки Низомийми, бизга буниси номаълум.
Лекин Навоий бу афсонани чиғатой тилида ёзди.
У каби шеър санъаткорини ким яна кўз олдига келтира олади.
Сўнгра Жомий, ақл заковатда тенги йўқ шоир форсча ёзди.
Буларнинг тўртталасининг шеърларини ўқиган киши ҳайратда қолади.
Мен фақир уларнинг тўртталасининг шеърларига қандай қилиб тасаннолар ўқий?
Уларнинг шеърлари менга доноликни ўргатди.
Мен бу достонни грузин тилига таржима қилиб, уни шеърий услубда баён қилмоқчиман.
Худонинг мадади билан мен бу мушкул ишга қўл урдим, мен уларни ёза олармиканман.

Шундай қилиб, Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг кириш қисмини Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Ашрафнинг «Ҳафт авранг» асарларига нисбатан таққослаб, улардаги ўзига хос хусусиятлар ва фарқлар билан танишиб чиқдик. Энди асарларнинг асосий қисмлари, Баҳром Гўр тўғрисидаги эпизодлар ва улар билан боғлиқ бўлмаган ҳикояларнинг тафсилотини баён қилишга ўтамиз.

Низомий достонида Баҳром асосий қаҳрамон вазифасини ўтайди. Унинг асосига Фирдавсий «Шоҳнома»сида баён этилган ва академик И. А. Орбелининг таъкидлашича, бутун Арманистон ва Грузия халқларининг оғзаки ижодида катта роль ўйнаб келган Баҳром тарихи олинган. Шунинг учун «Етти гўзал» достонининг муаллифи Низомий Баҳром Гўр

афсонасини мукаммалроқ баён этишга ҳаракат қилган. Баҳром тўғрисидаги маълумотлар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида кўпроқ тарихий руҳда баён этилган бўлса, Низомий уни ғоявий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, ўзининг эстетик қарашларига боғлаган ҳолда ўзгартирди.

Низомий Баҳром тўғрисидаги афсонанинг биринчи бобини достоннинг кириши ва Баҳромнинг таваллудига бағишлайди. Шоир сосонийлар шоҳи Яздегирд билан унинг ўғли Баҳром мисолида ёмон отадан яхши фарзанд туғилиши мумкинлигини айтади. 20 йил мобайнида фарзандлари турмаган Яздегирдга бахт кулиб боқиб, унга ўғил ато қилади. Бахтли соатда туғилган Баҳромни мунажжимларнинг маслаҳати билан тарбия учун Яманга, Нуъмон ҳузурига юборадилар. Нуъмон тўрт йил ўтгач, мамлакатининг иссиқ ҳавоси Баҳромнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олиб, ўғли Мунзир билан баҳаво тепаликдан унга қаср қуриб бериш мақсадида жой излайдилар.

Низомий достонининг иккинчи боби қасрнинг қурилиши ишларидан бошланиб, «Симнор таърифи ва Ҳаварнақ қасрининг қурилиши» деб номланган. Ҳаварнақ қасрини буюк бинокор Симнор қуриб беради. Баъзи олимларнинг фикрича, Симнор қадимги Бобил тилидан келиб чиқиб, унинг олдинги шакли «Син-Иммор» бўлган. Ҳаварнақ эса Месопотамиядаги харобалари ҳозирги кунгача сақланиб келаётган тарихий қаср бўлиб, уни Низомий Яманга кўчирган. Ибн Қутайбанинг хабарига кўра, «Ҳаварнақ» форс сўзи бўлиб, «Ҳурангон», яъни «ичкилик ичадиган жой» ёки «ичкилик қасри» маъносини англатар экан.

Хуллас, Симнор Ҳаварнақ қасрини тугатади. Улуғ уста бунёд этган ажойиб қасрдан таъсирланган Нуъмон Симнорни кутганидан ортиқ равишда тақдирлайди. Хизматининг бу қадар юксак баҳоланганлигидан ҳайратланган Симнор бундай мукофотга сазовор бўлишимни илгарироқ билганимда эди, бундан ҳам ажойиброқ қаср қуриб берган бўлур эдим, дейди. Бу сўзлардан хавотирланган Нуъмон Симнорни яна бошқа бировга бундан яхшироқ қаср қуриб бермасин деган мақсадда, уни ўзи қурган қасрининг чўққисидан улоқтиргизиб ташлайди.

Нуъмоннинг бу қилмишидан хулоса чиқарган Низомий Ганжавий подшоҳларни ўт билан қиёслайди. Подшоҳлар бир ёниб турган ўтки, ундан узоқроқ турсанг сени иситади, яқинлашсанг ёндириб юборади, дейди:

Рўйи Нуъмон аз ин сухан би фурўхт,
Хирмани меҳру мардумийро сўхт,
Подшоҳ оташист к-аз нураш,
Эмани он шудки бинад аз дураш.
Оташи он гулбинист гўки бор,
Дар баробар гулесту дар бар хор.

Яъни:

Бу сўзлардан Нуъмон ёниб кетди,
Ундан меҳру муҳаббат ҳам кетди.
Подшоҳ у бир шундай ўтдирки,
Ким ундан узоқ турса, ўз иморатини солади,
Шоҳ бир атиргул мисол, ўз атрини таратиб туради,
Агар унга тегсанг, тикани билан сени яралайди.

Кейинги бобда Низомий Ҳаварнақ қасрининг тафсилоти ва ўз қилмишидан афсусланган

Нуъмоннинг дарвешлик либосини кийиб, ватанини тарк этиб, ғойиб бўлганлигини тасвирлайди. Баҳромнинг тарбияси билан унинг ўғли Мунзир шуғуллана бошлайди.

Мударрислар Баҳромга араб ва юнон тилларини ўргатадилар. Мунзирнинг ўзи эса, унинг турли фанларни ўзлаштиришида кўмаклашади. Баҳром кучли, довюрак бўлиб вояга етади. Турли қуроллардан моҳирлик билан фойдаланишни ўрганади, ов қилиш санъатини мукаммал ўзлаштиради, айниқса гўрларни, яъни кийикларни ов қилишни жуда яхши кўрар эди. Шунинг учун ҳам кейинчалик Баҳром – Баҳром Гўр деган номни олади.

Навбатдаги бобда Низомий Баҳром Гўрнинг овдаги манзарасини чизиб тасвирлайди. У кийикларнинг 4 ёшдан ошганларинигина ов қилиб, ёшларига ўзининг тамғасини босиб, қуйиб юборар эди. Бу тамға кийиклар Баҳром Гўрга қарашли эканлигини англатар эди.

Кейинги икки бобда Баҳромнинг бир ўқ билан шер ва кийикни ўлдиргани, сўнгра аждаҳо билан жанг қилиб уни енггани ва хазина топгани тасвирланган. Шундан сўнг Баҳром Гўр Ҳаварнақ қасрини томоша қилади ва илгари умуман кирмаган хонада бўлиб, етти гўзал қизнинг суратларини кўради. Бу суратлар марказида Баҳром Гўр ўзининг расмини ҳам кўриб ҳайратга тўлади. Расмда келгусида Баҳром Гўрга етти ҳикояни айтиб берадиган етти гўзалнинг номлари ва бу тасвир Баҳром Гўрнинг етти сайёра томонидан белгиланган астрологик келажаги эканлиги тўғрисидаги ёзув ҳам бор эди. Бу лавҳани Низомий шундай тасвирлайди:

Хонае дид чун хизонаи ганж,
Чашми бинанда з-ў жавоҳирсанж...
Ҳар чи дар тарзи хурдакори буд,
Нақши девори он амори буд.
Ҳафтпайкар даруў нигошта хуб,
Ҳар яке з-он ба кишваре мансуб:
Духтари рои Ҳинд-Нурак ном,
Пайкаре хубтар зи моҳи тамом;
Духти хоқон, ба ном Яғмоноз
Фитнаи лўъбатони Чину Тароз.
Духти Хоразмшоҳ – Нозпари
Хушхироме басони кабки дари.
Духти Сақлобшоҳ – Насринпўш,
Турки чинитирози румипўш;
Духти Кисро, зи насли Кайковус –
Дурусти ному хуб чун товус;
Духтари қайсари муборакрой –
Ҳам ҳумоюну ҳам ба ном Ҳумой;
Духтари шоҳи Мағриб – Озаръюн.
Офтоба чу моҳ рўзафзун –
Карда ин ҳафтпайкарон як даст,
Дар яке ҳалқае ҳамоил баст.

Яъни:

Шоҳ эшикни очиб ҳайратда қолди,
Гўё бу ерда бир улкан хазинани топгандай.
Ажойиб нақшлар ишланган эди,
Уни Симнорнинг ўзи безаган эди.

Етти гўзал унда чиройли нигоҳ ташлаб,
Ҳар бири унда қай юртданлигин сўзлагандай.
Бири ҳинд рожасининг қизи, Фурак номи,
Гўзалликда тенги йўқ ўз замонида.
Ҳоқон қизининг номи Яғманоз эса,
Чину Тароз мулкида фитнаи моҳир.
Хоразм шоҳининг қизи Нозпари,
Нози хироми билан сарвқад пари.
Сақлабшоҳнинг қизи Насриннуш оти,
Гўзалликда монанди йўқдир.
Озариюн Мағриб шоҳининг қизи,
Офтобдай нурли, ойдекдир юзи.
Рой подшосининг муборак қизи,
Бахтлидир, номи ҳам Ҳумой эди.
Кайковус наслидан Кисранинг қизи,
Номи Дурустий, чиройи товус мисол.
Буларнинг ҳаммасини бир доирага олиб,
Етти гўзални чизди бир қўлнинг ўзи.
(Симнорнинг ўзи – С. Ҳ.)

Сўнгра Низомий Яздегирднинг вафоти ва Баҳромнинг тахтга ўтириши билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг баёнига ўтади. Баҳром Гўр отасининг вафотидан хабар топгач, Эронга қараб юриш қилади. Бунинг асосий сабаби бор эди. Чунки отасининг вафотидан сўнг сарой аҳли унинг ўрнига тахтга золим Яздегирднинг ўғли Баҳром ўтирса, у ҳам ўз отасига ўхшаб мамлакатни вайрон қилади, халқни талайди, деган мулоҳазаларга бориб, Яздегирднинг узоқ қариндоши Хусравшоҳни ўтказадилар. Бундан хабар топган Баҳромнинг катта қўшин билан келаётганидан хавфсираган эронликлар Баҳромга мактуб йўллайдилар. Баҳром ўзининг жавоб хатида мамлакатни адолат билан бошқариш ва халқнинг фаровонлигини таъминлашга ваъда беради. Ёзишмалардан сўнг, Баҳром Гўр тахтни эгаллаши учун икки шер ўртасидаги тожни олиб, сарой аҳлининг шартини бажаради ва салтанат тепасига ўтиради.

Бу воқеаларнинг тафсилоти Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида ҳам келтирилган. Бу ҳақда Низомийнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтади. Баҳром Гўр тарихининг Низомий томонидан такрорланиши воқеаларнинг тадрижийлиги, манбалардаги маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли шоирга уларни қисқартириш ёки умуман тушириб қолдириш имкониятини бермайди. Шунинг учун Низомий Фирдавсий «Шоҳнома»сида баён этилган барча воқеаларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, Низомийнинг таъкидлашича, мазкур Баҳром Гўр тарихига оид бобларни яратишда ҳам у ўзининг мислсиз санъатини намойиш қилиб, бу борада ҳам ўз салафидан анча илгари келганлигини ёзади.

Амир Хусрав Деҳлавий юқорида айтилган бобларни уч байт билан ифода этган:

Ганжпаймои ин хизонаи пур,
Аз хизона чунин кушояд дур,
К-офтоби жамоли Баҳроми
Чун шуд аз нур дар жаҳон номи.

Падараш рахти зиндагони баст,
Ў ба жои падар ба тахт нишаст.
Хусравиро нишони кор гирифт,
Кори олам бад-ў қарор гирифт.

Яъни:

Баҳром жамолининг офтоби
Нур таратиб, жаҳонга номи маълум бўлгач,
Отаси бу оламдан кўз юмди.
У отасининг ўрнига тахтга ўтирди.
Подшоҳликни у ўзининг мақсади билиб,
Олам ишлари унинг бошига тушди.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ҳам ўз достонининг Баҳром Гўр тарихига оид қисмида Низомийнинг асарида келтирилган айрим воқеаларни қисман такрорлаган. Афтидан бу такрор форс тилини билмайдиган ва маълум сабабларга кўра Низомийнинг «Ҳафт пайкар»и билан танишиш имкониятига эга бўлмаган ўқувчиларнинг эҳтиёжларини назарда тутиб, онгли равишда қилинган бўлса керак.

Низомийнинг Баҳром Гўр тарихи билан боғланган қолипловчи ҳикоясининг кейинги икки бобида Баҳром Гўрнинг мамлакатда адолат ва осойишталик ўрнатганлиги, шунингдек, халқ бошига очарчилик кулфати тушганида сарой хазинасини очиб, халқни кулфатдан қутқазганлиги тасвирланади. Ушбу боблар Амир Деҳлавийда ҳам, Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ҳам йўқ.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларининг кейинги воқеалари ҳар учала асарда ҳам Баҳром Гўрнинг канизак билан рўй берган лавҳаларини тасвирлаш билан боғланади. Фирдавсийда бу канизакнинг номи Озода, Низомийда – Фитна, Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоийда – Дилором.

Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Озода – Мунзир томонидан Баҳромга ҳадя этилган канизак, хушовоз хонанда. Баҳром унга ошиқ бўлиб қолади, лекин кейинчалик, Баҳром Гўрнинг овдаги санъатига қойил қолмаганлиги учун от билан топтаб ўлдирилади.

Низомий бу манзарани жиддий ўзгартиради. Унинг қаҳрамони Фирдавсийники каби бешафқат эмас. Низомийнинг Баҳроми Фитнани ўлдирмайди, воқеалар ривожидан сўнг ҳатто унга уйланади.

Низомий «Баҳром-Фитна» эпизодини тасвирлаш учун икки боб ажратиб, улар кетма-кет келади. Биринчи боб «Баҳром ва унинг канизаги ҳақида достон», иккинчиси «Баҳромнинг овдан қайтаётиб саркарданинг оромгоҳида меҳмон бўлиши» деб номланган.

Баҳром Гўр ўзининг гўзал ва хушовоз канизаги Фитна билан кийик овига чиқади. Ов вақтида Баҳром кийикни шундай усталик билан отадики, бундан Баҳромнинг ўзи ҳам бағоят ҳайратга келади. Аммо унинг бу санъатига Фитнанинг таҳсинлар ўқиб ҳайратланмаганлиги Баҳромни дарғазаб этади. Натижада у ўз саркардасига Фитнани ўлдиришни топширади. Қизнинг кўп ёлбориб илтижо қилиши натижасида саркарда уни ўзининг шаҳардан ташқаридаги оромгоҳига элтиб қўяди. Фитна ҳар куни у ерда кичик бир бузоқчани зинадан кўтариб болохонага боққани олиб чиқади. Орадан маълум вақт ўтгач, ҳалиги кичик бузоқча баҳайбат новвосга айланади. Лекин Фитна одатдагидек уни ҳеч бир қийинчиликсиз болохона зиналаридан кўтариб чиқишда давом этаверади.

Қунлардан бир куни саркарда овдан қайтаётиб, Баҳромни ўз оромгоҳига таклиф этади. Юқорида айтилган таажжуб воқеани ўз кўзи билан кўрган шоҳ ҳайратга келади, Фитнани таниб узр сўрайди ва натижада унга уйланади.

Хусрав Деҳлавий ҳам Баҳром Гўр билан Дилоромнинг бу тарихига икки бобни бағишлаб, унинг мазмунини ўзгартиради. Биринчи бобда шоир Дилоромнинг расмини чизади, сўнгра Баҳромнинг овни севиши ва кийикларни отишдаги санъатини тасвирлайди. Хусрав Деҳлавий унинг овни ҳаддан ташқари яхши кўриши сабаби ҳақида шундай дейди:

Рағбаташ жуз ба сайди гўр набуд,
Бодгар ваҳшийонаш рўз набуд,
Бода жуз ба кабоби шўр нахўрд,
Ҳеч хўрда чу рони гўр нахўрд.

Яъни:

Унда кийикларни ов қилишдан бўлак хоҳиш йўқ эди,
Бошқа ҳайвонларни овлашга кучини сарф этмас эди.
У шаробни мазали кабоб бўлмаса ичмас эди,
Кийикнинг сонидан бошқа жойини емас эди.

«Ҳашт биҳишт» достонида Баҳром билан Дилором ўртасидаги можаро овдан бошланади. Кийиклар пайдо бўлиши билан Баҳром Дилором олдида ўз санъатини кўрсатишни истайди ва маъшуқасидан «Кийикни қандай қилиб отай?», деб сўрайди. Дилором томонидан қўйилган шартга кўра, ота-кийикнинг икки шоҳини ўқ билан кесиб ташлаб, уни она кийикка она-кийикни эса, ўқ отиб ота-кийикка айлантирмоғи керак эди.

Низомий достонида Баҳром Гўр ўқ билан кийикнинг оёғини унинг қулоғига боғлайди. Фирдавсийда эса бунинг ҳар иккаласи ҳам бор.

«Ҳашт биҳишт»да Баҳромнинг бу моҳирона ўқ отиш санъатига Дилором шоҳ кутганча таҳсинларни ўқимайди, аксинча у: «Ҳақиқатда сен амалга оширган моҳирликни тасаввур қилиш қийин, лекин бундан ҳам зўрроғини кўз олдига келтириш қийин эмас», деб жавоб беради. Баҳром дарғазаб бўлиб шундай дейди: «Мендан зўрроқ ким ҳам бўлиши мумкин, ахир менинг барча ишларим таҳсинга сазовор-ку! Яна бирорта менга ўхшаган топилса, сен унинг олдига бора қол». Шундан сўнг у Дилоромни отдан улоқтириб ташлаб бир ўзини жазирама саҳрода қолдириб кетади. Қиз кўп изтироблар чекади, бошпана излайди. Ниҳоят бир хароб қишлоқ кўринади. Дилоромни бир дарвеш Деҳқон ўзига қиз қилиб олади, уни ўқитиб, парвариш қила бошлайди. Фалсафа, табиий фанлар, психология ва санъатни пухта эгаллаган ва дунёни кўп кўрган бу Деҳқон ўзидаги бор билимларни Дилоромга ўргатади. У, айниқса, ашула айтиш ва мусиқа чалиш бобида мисли йўқ санъаткор бўлиб шуҳрат топади. Бу ҳақдаги хабар Баҳромнинг қулоғига етиб боради ва шоҳ Дилоромни сотиб олиш учун унинг олдига келади. Қиз чачвон билан юзини яшириб, Баҳромга ўзининг ажойиб санъатини намойиш қилади. Лекин бундан ҳайратланган Баҳром ўз туйғуларини яшириб, Дилоромнинг бу санъати ҳақида шундай дейди: «Дунёда ҳар бир инсон кишини ўзига ром қилувчи бирор истеъдодга эга бўлади. Шунинг учун бундай истеъдодлар ҳар бир юртда бор. Лекин ҳеч бир мамлакатда ҳаммасидан устун турадиган моҳир киши йўқ». Бу сўзларни эшитган Дилором унга жавобан:

Зиракон дар ҳунар бувand тамом,
Лек беҳтар зи мо на аз Баҳром.
Шоҳ, к-аз мода нар тавонад кард,

Беҳ аз он ҳеч кас надонад кард.
В-он ки ў мурда зинда гардонад,
Он чунон ҳар ки ҳаст, натвонад,
Адлу инсоф, агар раҳи дин аст,
Ҳам худ инсоф деҳ, ки адл ин аст.

Яъни:

Зийрак кишилар ҳунарни батамом ўргансалар-да,
Улар биздан яхши, лекин Баҳромдан эмас.
Шоҳки, она-кийикни ота-кийикка айлантирар экан,
Бу ишни ундан афзал қиладиган киши йўқ, деб ўйлайди.
Ўликни тирилтирадиган зот
Ахир ҳамма мавжудлардан улуғ эмасми?
Агар адолату инсоф ҳақ йўли экан,
Инсоф билан айт-чи, шу адолатданми?

Бу сўзларни эшитган Баҳром уни ўз Дилороми эканлигини англаб, унинг юзидаги пардани очиб, ундан узр сўрайди ва севгилисини саройга олиб кетади.

Низомийнинг достонида Баҳром Гўр билан Фитна ўртасида бўлиб ўтган афсонадан сўнг, Чин хоқони Эронга юриш қилади. Баҳром Гўр мардонавор курашиб душманни енгади. Сўнгра ўзининг сотқин саркардаларини ғалаба нутқида қаттиқ қоралайди. Булар Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийда йўқ.

Шундай қилиб, Низомийнинг «Ҳафт пайкар»ида бу афсона бадиий тузилиши жиҳатидан тенг бўлган қатор эпизодлардан бири бўлиб ҳисобланса, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ида Низомийникида мавжуд бўлган қатор лавҳаларнинг қисқариши эвазига бу афсонага катта аҳамият берилган.

Ашраф Мароғий ҳам Баҳром тўғрисидаги эпизодларни қисқартирган. Шоир асосий эътиборни ҳикоятларга қаратади. Ашрафда достоннинг Баҳром тарихига оид қисми Баҳромнинг туғилиши, сўнгра унинг Яманга, Нуъмон ҳузурига тарбияланишга юборилишидан бошланади. Нуъмон Баҳром учун тепаликда Ҳаварнақ қасрини қуриб беради. Баҳром кийикларни ов қилишни ҳаддан ташқари яхши кўрганлиги учун унга «гўр» лақабини беришади. Кейинги бобда Яздегирднинг золимлиги ва унинг вафотидан сўнг Баҳром икки шер орасидан тожни олиб, тахтга ўтирганлиги баён этилади. У тахтни эгаллагач, мамлакатда адолат ўрнатади, халқ фаровонлигини таъминлайди. Ашраф Баҳромнинг одил шоҳ бўлиб етишишига катта эътибор беради. Асарнинг кейинги бобида Баҳром етти рангдаги етти қасрни қуришга киришади. Бу етти қаср Баҳромнинг етти иқлим шоҳларининг қизларига уйланиши, айш-ишрати учун қурилади. Қурилиш ишларига бинокор Шод Шернажод раҳбарлик қилади ва қасрларни икки йилу уч ойда тугаллайди. Сўнгра Баҳром Етти иқлим шоҳларига уларнинг қизларига уйланиш хоҳиши борлиги ҳақида хат йўллайди. Шоҳлар тўй-томошалар қилиб қизларини Баҳромга узатадилар. Баҳром мамлакатда осойишталикка, халқнинг маъмурчилигига алоҳида эътибор беради, юртда адолат ўрнатади. Натижада Ашрафнинг Баҳроми одил шоҳ даражасига кўтарилади.

Ашрафда қолипловчи ҳикоядан кейин Баҳром шанба куни овга чиқади ва икки аждар билан жанг қилиб, уларни янчиб ташлайди. Баҳромнинг ботирлиги ҳақидаги хабар ҳамма ерга тарқалади. Овдан қайтган Баҳром қора қасрда ором олади. Сўнгра қора ранг билан боғлиқ ҳикояни тинглайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Баҳром билан канизак ўртасида овда бўлиб ўтган

манзара, Ҳаварнақ қасрини қурган бинокорнинг ўлими ва шунга ўхшаш эпизодлар Ашраф достонида йўқ. Натижада Ашрафнинг «Ҳафт авранг» асари алоҳида сюжет ва композицион тузилишга эга бўлиб, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларидан кескин фарқ қилади. Қўплаб шоирларнинг татаббуъси учун асос бўлган Баҳром ва Озода ҳақидаги афсона эса асарда ўз аксини топмаган. Бунинг асосий сабаби, юқорида айтганимиздек, Ашраф ана шу афсона асосида Баҳромнинг ўз канизагига бўлган муҳаббати ҳақида асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Бу одил шоҳ Баҳром ҳақида достон яратмоқчи. Шунинг учун ҳам Баҳромнинг канизак билан овда бўлиб ўтган воқеаларига Ашраф тўхтамай, Баҳром тарихигагина эътибор беради. Шу туфайли ҳам достоннинг бошидан охиригача назар ташласак, Баҳромнинг канизакка бўлган севгиси ҳақида ҳеч қандай маълумот тополмаймиз.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида эса Баҳром билан Дилором ҳақидаги афсона етти ҳикояни ўзи билан қолипловчи севги ҳақидаги асарнинг ажралмас қисмига айлантирилган. Шунинг учун Навоийда, анъана тусига кирган бобларнинг тугаши биланоқ достонда Дилоромнинг номи ва машҳур рассом Моний томонидан чизилган унинг расми ҳақида гап боради. Дилоромнинг расмини Моний Баҳромга ов пайтида кўрсатади ва у бу гўзал қизни севиб қолади. Навоий Баҳром билан Дилоромни ов вақтидаги можаро туфайли ажралишганларидан сўнг уларнинг учрашувини етти ҳикояни баён этганидан сўнг амалга оширади. Шуни таъкидлаш муҳимки, шоир еттинчи ҳикояни Баҳром тўғрисидаги қолипловчи ҳикоя билан чамбарчас боғлаган ҳолда ўқувчига тақдим этади. Бу эса, ўз навбатида достоннинг бир бутунлигини таъминлаган. Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида эса асарнинг қолипловчи қисми асосий ҳикоялар қисми билан боғланмай қолган. Натижада улар агар асардан ажратиб олинса, икки мустақил асардай бўлиб қолаверади.

Навоий Дилоромнинг Моний чизган суратини кўриб ошиқ бўлгани ҳақидаги бобнинг сарлавҳасиёқ бу тўғрида ўқувчида маълум тасаввур ҳосил қилади:

«Достон оғози ва шоҳ Баҳромнинг сайдға парвози ва Моний сувратгардек ғариб қушни сайд қилғони балки, анга сайд бўлғони ва Моний фалак нақшбоздин ажаб суврат юз кўргузгандек Дилоромнинг дилрабо сувратин кўргузгани ва Баҳромнинг риштаи тоқатин ул сувратдин узгани».

Ушбу сарлавҳадан кейин Навоий достонида Баҳромнинг овда Моний билан учрашиб, рассом унга Дилоромнинг суратини кўрсатгани ва Баҳромнинг қизни севиб қолгани эпизодлари тасвирланган.

Дилором йирик Хитой савдогарининг канизаги эди. Савдогар қизни Хитойнинг бир йиллик хирожи эвазига уни севган кишисига сотишга қарор қилган экан. Дилором жуда гўзал бўлиб, латофатда тенги йўқ, музика чалишда моҳир, хушовоз хонанда экан.

Дилоромни севиб қолган Баҳром Моний билан маслаҳатлашади ва уни сотиб олишга қарор қилади. Навоий бу бобни шундай хотималайди:

Деди шоҳ: «Гар будур кўнгул ҳоли,
Не Хито моликим, жаҳон моли.

Бергамен қиймат ўлса жононға,
Миннатин доғи қўйғамен жонға».

Дебон амр айладики, юзча киши,
Донишу поклик аларнинг иши.
Неча хўжасарой бирла каниз,

Тутқали сарви сиймбарни азиз.

Бот Хито кишвариға борсунлар,
Ойни ул уқдадин чиқорсунлар.

Нома хоқонға доғи топти вуқуъ,
Анга бўлди баҳо ҳусули ружуъ.

Билиб ул хайл азм ишин лозим,
Бўлдилар айтқон тараф озим.

Қолди Баҳрому нотавон жони
Илгида сувват, олида Моний.

Шундан сўнг Навоий Дилоромнинг гўзал ҳусни ва унинг бедил Баҳром ҳузурига олиб келишгани ва ошиқнинг севгилиси висолига эришганлигини баён қилади. Бу боб 100 байтдан иборат бўлиб, қуйидагича сарлавҳаланган:

«Дилоромнинг дилоро ҳусни камолида сўз сурмак ва они Баҳроми бедилға еткурмак ва васл шамъин ишрат шабистонида равшан қилмоқлари ва ҳажр хазонидин қутулуб, висол баҳорида ғунчадек кўнгулнинг гул-гул очилмоғлари».

Шундай қилиб, Баҳромнинг элчилари ватанга Дилором билан қайтиб келадилар. Дилором келгунига қадар Баҳром ишқ ўтида ёнади, тезроқ Дилором висолига эришишни истайди. Навоий Баҳромнинг ички руҳий ҳолатини шундай моҳирлик билан тасвирлайдики, шоир Баҳромда ҳақиқий ошиққа хос бўлган изтиробу қувончларни унинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши ва сўзлари орқали усталик билан ифода этган. Дилором билан Баҳромнинг учрашуви ва севишганларнинг висол оқшоми тасвирланганидан сўнг, Навоий Дилоромнинг ҳусну жамолини ва унинг санъатдаги маҳоратини бирма-бир баён қилади. Дилоромнинг жамоли ва ҳусну латофатидан ҳайратга келган Баҳром ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, айш-ишратга, куй-қўшиқ тинглаш ва майхўрликка берилиб кетади. Сўнгра Дилоромни айлантириб келиш мақсадида овга олиб чиқади. Алишер Навоий бу ўринда ўз қаҳрамонини айшу ишратга берилиб, давлат ишларини йиғиштириб қўйганлигининг оқибати ёмон натижаларга олиб келиши мумкинлигини айтади. Шоир шоҳ доим ўз халқининг осойишталиги, фаровонлиги ва давлат ишлари билан банд бўлиши кераклигини таъкидлайди. Достоннинг кейинги бобида Баҳром билан Дилором ўртасида ов вақтида бўлиб ўтган воқеа тасвирланади. Шоир бу воқеани айш-ишратга берилган Баҳромнинг телбаликка мубталолигининг оқибати деб қарайди. Шоир Баҳромнинг Дилором билан ов қилганида маст ҳолатида бўлганлигини алоҳида таъкидлайди:

Бир кун ов ичра шоҳ эди сархуш,
Ёнида эрди ул бути маҳваш.
Кўрди раънои ғизол чобук хез,
Суръати кўк ғизол янглиғ тез.
Шаҳ ўқ отмоққа ўйла қодир эди,
Сайд урмоққа ўйла моҳир эди.
Сайд сори чекиб даранг била,
Тиқди икки қўлин ҳаданг била.
Ким ул ўқ ўтмади яросидин,

Тери бирла сўнгак аросидин.
Чунки, бўлди ғизол қўллари банд,
Ёйиға гайбур айлади пайванд.
Урди ул навъ бўғзиға они,
Ки кесилдию оқти ҳам қони.

Баҳром Дилоромдан ўз санъатига мақтовлар эшитмаганидан кейин дарғазаб бўлиб, ўз севгилисини ўлдирмоқчи бўлади, лекин унинг яқинларининг маслаҳатига кўра, у Дилоромни ўз сочлари билан боғлаб, сувсиз чўлга ташлаб кетади.

Шу куни Баҳром тинмай шароб ичади ва маст ҳолда ухлаб қолади. Эрталаб ўз ёнида Дилороминг йўқлигини кўриб, бошқалардан бўлиб ўтган воқеани билиб олади.

Баҳром изтироб чекади, қилмишидан афсусланади, ўзини қўярга жой тополмайди. Ўзи Дилоромни излаб топишга шайланади. Агар у тирик бўлса ундан узр сўрамоқчи бўлади. Баҳром ҳатто ўзини ўлдиришгача бориб етади. Лекин бунга унинг шоҳлик ғурури йўл қўймайди. Охири Баҳром ўзини идора қилолмай ҳушидан кетади. Лекин икки кундан кейин у ҳушига келгач, уни виждон азоби яна қийнай бошлайди ва Дилоромни излаб саҳрога йўл олади. Дилоромни қанча қидирмасин, Баҳром унинг на тиригини, на ўлигини топа олади. Баҳром саҳрода чодир тутиб, ўша ерда тунагани қолади. Ошиқ Баҳром учун кеча даҳшатли бўлиб туюлади. Дилоромнинг тасвири унинг кўз ўнгидан нари кетмайди. Баҳром ўз севгилисини кўришни қўмсайди, изтироб чекади, ўзини ўзи уриб инграйди ва ниҳоят тонгга яқин ҳолдан тойиб, яна ҳушидан кетади. Яқинлари Баҳромни шаҳарга олиб кетиб, кўркам боғга жойлайдилар. Энди Баҳромни ишқ ақлдан оздирган эди. Сарой аҳли табибларнинг мажлисини чақириб, Баҳромни бу дарддан халос қилиш йўлларини излайдилар. Лекин табиблар ишқ дардига мубтало бўлган касални дори-дармон билан даволаш мумкин эмаслигини айтадилар. Улар барча имкониятларни ишга солишиб, бир оз бўлса-да, Баҳромни тузатишга эришадилар. Унинг батамом соғайиб кетиши учун Баҳромни меъморчилик билан шуғуллантиришни тавсия этадилар. Бу таклиф маъқулланиб, Етти иқлимнинг етти шоҳи Баҳромнинг соғайиб кетиши учун етти қаср қуриш ишига киришадилар. Баҳром қасрларнинг қурилишини назорат қилиб, соғая бошлайди. Бинолар қурилиб битгач, яна табибларнинг маслаҳатига кўра, Моний бошчилигида қасрларни бадиий жиҳатдан безаш ишлари бошлаб юборилади. Баҳром ўзини кундан-кунга яхши ҳис қила бошлайди. Қасрларни бадиий жиҳатдан безаш ишлари ниҳоясига етгач, ҳар бир қасрга бир гўзал қизни жойлаш мақсадга мувофиқ деб топилади. Баҳромнинг батамом соғайиб кетиши учун етти иқлимнинг етти шоҳи, ҳар бири ўзи қурдирган қасрга қизларини жойлайдилар. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги қолипловчи ҳикоянинг энг сўнгги боби мана шу ерга келиб тугайди. Кейин достоннинг асосини ташкил этувчи етти ҳикоянинг тафсилоти бошланади.

Қасрларнинг ранглари, ҳар бир рангнинг астрологик аҳамияти ва уларнинг асарда тутган ўрни асосан ҳар учала достонда бир хил, лекин қасрларни қуриш сабаблари турличадир. Дарвоқе, Навоий достонида қасрларнинг қурилиш сабаби катта аҳамият касб этади. Хусрав Дехлавий, Навоийдан фарқли ўлароқ, ҳаддан ташқари овга берилиб кетган Баҳром Гўрни пойтахтга қайтариш учун етти қаср қурдириб, уларнинг ҳар бирига бир гўзални жойлайди. Шоир бу ҳақда шундай дейди:

Он ҳавас шоҳро ба сар мебуд,
Рўз то рўз бештар мебуд.
То ба-он гуна шуд, ки хусрави аср

Ҳафта бар ҳафта н-омади сўи қаср.
Меҳтароне, ки дар гаҳу бегоҳ
Хос буданд баҳри ҳидмати шоҳ,
З-он давидан ба дашту бешаву кўҳ
Монда гаштанду омаданд сутўҳ.
Ҳеч касро набуд заҳраи шер,
Ки даме баркашад зи сина далер.
Кордорони шаҳру лашкар низ
Он, к-ашон буд ўҳдаи ҳама чиз,
Аз барои ҳузури мунъими хеш,
Монда буданд, сар фиканда ба пеш.
Ҳар якеро тааммуле ба замир,
К-аз тариқи кифояту тадбир,
Чи бувад чора, к-аз нишасту фароз,
Аждаҳо сўи ганж гардад боз?

Яъни:

Шоҳнинг бу ҳаваси ҳаддан ошган эди,
Кундан кун баттар бўлаётган эди.
Охир бу ҳол шу даражага етдики,
У бир-икки ҳафта қасрнинг олдига ҳам келмас эди.
Муҳтарамларнинг ҳаммаси ўз ҳокими ортидан
Унинг хизматини қилиб югурардилар.
Кийикларни дашту тоғлардан ҳайдаб,
Ҳориган хизматкорлар овни лаънатлар эдилар.
Куни билан отдан тушмаган вақтлар ҳам бўлар эди,
Лекин бу ҳақда гапирадиган довюрак топилмас эди.
Маслаҳатгўйлар ва лашкарлар
Ҳамда давлат ишларини юритувчилар
Баҳром Гўрни бундан қайтариш йўлини изладилар.
Шу ҳақда ҳамма бош қотирди,
Ҳар бири бирма-бир ўз таклифларини айтдилар:
Хазинага аждаҳони қайтариб,
Тахтга унинг соҳибини ўтказмоқ керак.

Низомийнинг достонида Баҳром қасрларни «Ҳаварнақ»да суратларини кўрган етти иқлим подшоҳларининг қизлари учун қурдиради. Алишер Навоий эса бунинг сабабини қуйидаги сатрларда ифода этган:

Ҳукамо барча илм аро моҳир,
Улча тахтида эрдилар ҳозир.
Тўрт юз эрди барчасиға адад,
Ҳар бири ожизе ҳакими хирад.
Ҳукамо чун қилиб бу навъ қабул,
Бўлдилар шаҳ иложиға машғул.
Чора топмоққа жозим эрдилар,

Кеча-кундуз мулозим эрдилар.
Юз кишига ибодат ўлди ружуъ,
Тун ила кун ниёз бирла хушуъ.
Жисмиға ҳам ғизодин ўлди мадад,
Ҳам димоғига кирди нури хирад.
Топти чун бу қадар шифо ранжур,
Ҳукамо бўйла қилдилар мазкур.
Ким: «Керак қилмоқ ўйла иш пайдо,
Ким ул иш бўлса дофиъи савдо.
Бири ул жумладин иморат эрур,
Ки тамошоси кўп натижа берур.
Тарҳ қилса муҳандиси моҳир,
Ҳар замон ўзга шакл этар зоҳир.
Ҳар киши ғолиб ўлса савдоси,
Дафъи савдо қилур тамошоси».

Демак, Алишер Навоий қасрларни Баҳромнинг дардига давобўлсин, деб қурдиради. Бундан ташқари, қурилиш жараёнини шундай тасвирлайдики, унда қурилиш материалларидан тортиб, иморатларнинг ҳандасий бўлакларигача батафсил ёритилганлиги кишини ҳайратга солади. Бунинг асосий сабаби Навоийнинг меъморчиликни пухта билганлигида ва унинг ўзи кўплаб иншоотларни қурдириб, қадимий архитектура ёдгорликларини таъмир эттирганлигидадир.

Алишер Навоийнинг достонида етти ҳикояни етти иқлимдан келган етти дарвеш гапириб беради. Низомий ва Хусрав Деҳлавийларда эса шоҳ қизлари – Баҳромнинг хотинлари ҳикоя қиладилар. Навоий буни ҳақиқатдан йироқ деб ҳисоблайди. У Баҳромнинг дарвешлардан бирор ҳикоя айтиб беришни сўрашини қуйидагича изоҳлайди:

Ҳукамо айлаб амр бўсу канор,
Узга ишдин буюрмиш эрди канор.
Муни маҳваш доғи билур эрди,
Ўзни шаҳдин йироқ қилур эрди.
Шаҳға кундуз иложэрди нишот,
Кеча уйқуға айламак ифрот.
Солди ғам шоми кўнглига қайғу,
Ўйлаким ўчти кўздин уйқу.
Маҳваш ўз пардасида бўлди ниҳон,
Шаҳға ҳижрон қоронғу этти жаҳон.
Тўлғанур эрди тийра ҳоли била,
Дилбари зулфининг хаёли била.
Кўрди ғам шоми кўп азоб айлар,
Уйқусизлиқ ани ҳароб айлар.
Ҳукм қилдики бир-икки ходим,
Бўлубон ушбу йўл сори озим.
Ким эрур ушбу қаср ул сори,
Айлабон саъю жаҳд изҳори.
Ким йўлуқса манга келтурсунлар,

Байт ул-аҳзонима еткурсунлар.
Ким неча нуқта ошкор десун,
Саргузаштин фасонавор десун.
Шояд уйқу кўзумга майл этгай,
Ондин осойиш манга етгай.

Ҳафта кунлари, қаср ранглари ҳар учала достонда бир-бирларига монанд. Биринчи ҳикоя қора ранг билан боғланган бўлиб, у шанба куни Қора қасрда айтилади, иккинчиси якшанба куни Сариқ қасрда айтилиб, ҳикоя ҳам сариқ рангнинг рамзий маънолари билан боғланади. Учинчиси яшил ранг билан боғланиб, душанба куни Яшил ранг қасрда айтилади. Тўртинчиси батамом қизил рангнинг рамзий маънолари билан боғлиқ ҳолда Қизил қасрда, сешанба куни ҳикоя қилинади. Бешинчиси чоршанба куни Кўк қасрда айтилиб, у билан боғлиқ бўлган ҳамма воқеалар шу ранг билан монанд қилиб тасвирланади. Олтинчи ҳикоя Сандал қасрда пайшанба куни айтилиб, у сандал ранги билан боғланади. Ва ниҳоят, жума кун оқ ранг билан боғланиб, ўша куни Оқ қасрда Баҳром Дилором ҳақидаги ҳикояни тинглайди.

Лекин ҳар бир шоирнинг ҳикоялари турлича бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қилади.

ИБРАТОМУЗ ҲИКОЯЛАР ОЛАМИДА

Низомий достонида Қора қасрда қора ранг ва хусусан қаҳрамонларнинг қора либос кийишлари билан боғлиқ бўлган ҳикоя тингланади. Фурак номли биринчи иқлим вакили – Кашмир маликаси, Баҳромнинг талабига биноан маълум муддат ғойиб бўлиб, сўнгра қора кийимда пайдо бўлган шоҳ ҳақида унинг канизаги номидан қуйидаги ҳикояни сўзлаб беради:

Қадимда бир оқил ва одил подшоҳ бўлган экан. У ёшлигида жуда хушчақчақ, бахтли бўлиб, умрининг охирларида ўйчан, ғамгин бўлиб қолибди. Унинг эгнидан қора либос тушмас экан. Бунга унинг қора рангли либос кийиб юрувчи бир меҳмон билан бўлган суҳбати сабабчи бўлган экан. Подшоҳ меҳмондан қора либос кийишининг сабабини кўп илтижо қилиб сўрабди. Ахир бўлмагач, меҳмон унга:

Хитойда бир шаҳар бор, унинг оти «Шаҳри мадҳушон» деб аталади, бу шаҳарнинг барчаси қора кийим кийиб юришади. Кимки бу шаҳарга келиб унинг сирини билмоқчи бўлса, турли ажойиботларни бошидан кечириб, охири ўзи ҳам қора либос киядиган бўлиб қолади, депти ва подшоҳга бошқа ҳеч нарса айта олмаслигини маълум қилибди. Подшоҳни бу воқеа қаттиқ таажжубга солибди ва у йўл анжоми ҳамда озуқаларни ҳозирлаб, Хитойдаги мазкур шаҳарга борибди. Маълум вақт шаҳарни томоша қилибди, кишиларни диққат билан кузатибди ва ниҳоят ўзига бир яқин дўст орттирибди. Кунлардан бир кун қуюқ зиёфат вақтида подшоҳ ундан шаҳар аҳлининг қора либос кийиб юришларининг сабабини сўрабди. Бу савол унинг қаттиқ изтиробига сабабчи бўлибди. Лекин ҳақиқий дўст бўлганидан уни шаҳар четига етаклаб борибди ва унга у ерда арқонга боғланган катта бир саватни кўрсатиб, шу саватга ўтиришни таклиф этиб: «Бизнинг сиримизни мана шу сават сенга очиб беради», дейди. Подшоҳ саватга ўтириши билан у қушдай фалакка кўтарилиб, қуёш томон уча бошлаган. Юқорида осмон, пастда эса ер бир қора доғдай кўринибди. Подшоҳ бу даҳшатдан қўрқиб, кўзларини юмган ва ўз қилмишларидан афсусланиб, юрти, ўз қасрини қўмсаган. Вақт тушдагидай, бир зумдай ўтаверибди. Бир вақт бир баҳайбат қора қуш келиб саватга қўнибди. Даҳшатли қанотларини қоқибди, патларини тозалаб, думларини ростлабди ва энди учмоққа шайланганда подшоҳ бу қушни нажот қуши билиб, унга умид боғлаб, оёқларини маҳкам ушлаб олибди. Қуш эрта тонгдан кун тикка келгунга қадар учибди ва ниҳоят бир жаннат мисол гулзор боғга келиб тушибди. Подшоҳ тангрига тасаннолар ўқибди, боғдаги мевалардан тановул қилиб, кўзи уйқуга кетибди. Ярим кеча бўлганда боғга парию пайкарлар кириб келибдилар. Уларнинг энг гўзали ва соҳиб жамоли Туркноз деган гўзал бу ерда бегона одам борлигини сезаяпман, – деб канизакларига уни топиб келтиришни буюрибди. Қизлар подшоҳни излаб топиб, уни эркалаб етаклаб келишади. Подшоҳ қизлар маликаси билан айшу ишрат қуради, ўйин-кулгу, севги базмларини бошлаб юборади. Подшоҳ қизлар маликасининг гўзаллиги, латофати ва лаълдек лабларию гулдек юзларидан баҳра олади. Шу ҳол 28 кун давом этади. Малика ҳар куни подшоҳга ўзидан батамом лаззатланишни эртаси кунига қолдиради. 29-куни ишқ ўти билан ёниб турган подшоҳ маликадан ваъда қилинган хазинанинг қулфини очишини ёлбориб сўрайди, ноилож малика ундан уялаётганини ва батамом ечингунича бир зум кўзини юмиб туришни илтимос қилибди. Малика ишқида ўртанаётган подшоҳ ҳузур ҳаловат яқинлигига ишончи комил бўлиб кўзини юмади. Бир оз муддатдан сўнг: «Энди кўзингни оч!» – деган овоз эшитилади. Подшоҳ кўзини очса, у илгариги саватда ўтирган эмиш, олдида эса қассоб дўсти муштоқлик билан уни кутиб ўтирган экан. Дўсти подшоҳни эсон-омонликда кўриб, хурсанд бўлганидан уни қучоқлай бошлабди ва ундан бошидан кечирган воқеалар учун

узр сўраб: «Ана энди сен бизнинг нима учун қора кийим кийиб юришимизнинг сирини ўз кўзинг билан кўриб билдинг, агар бу аҳволни гапириб берганимда бари бир ишонмас эдинг, бу саргузаштларни кимга ҳам айтиб бўлади»,– дебди. Подшоҳ дўстининг гапларини маъқуллаб, қора либос кийиб ватанига ғамгин бўлиб қайтибди. Бу воқеани подшоҳдан эшитган канизак ҳам ўз шоҳига садоқати рамзи сифатида қора либосга бурканибди. Ҳикоя шу ерга келганда тугайди ва шоҳ Бахром бундай ажойиб эртак учун маликага ташаккур айтиб, кўзлари чуқур уйқуга чўмади.

Хусрав Деҳлавийнинг «Саккиз жаннат боғлари» достонида малика Баҳром Гўрга Қора қасрда қуйидаги ҳикояни айтиб беради:

Сарандиб мамлакатида бир подшоҳ ўтган экан. Унинг ҳар жиҳатдан баркамол уч ўғли бўлиб, улар вояга етгач, подшоҳ уларни алоҳида-алоҳида чақириб, синаш мақсадида ҳар бирига ўз тахтини таклиф қилибди. Лекин уларнинг ҳеч бири ўз отасининг тожини олмоққа рағбат билдирмайдилар. Оқибат подшоҳ хурсанд бўлибди, аммо бу ҳиссиётини уларга билдирмай, улардан ғазабланган киши бўлиб, ўғилларини мамлакатдан ҳайдаб юборади. Уч ўғил тақдирга тан бериб, ҳамжиҳат бўлишга қарор қилишиб, бошлари оққан томонга йўл олишади. Бир вақт уларнинг олдига бир занжи югуриб келиб, шу атрофдан туя ўтганини кўрмадингларми, деб сўрабди. Йигитлар ўз билимларини ишга солиб, туянинг қолдирган излари ва белгиларига қараб қайси томонга кетганлигини айтиб беришибди. Занжи улар кўрсатган томонга қараб йўл олибди, лекин бир оздан сўнг ўз туясини тополмай булоқ бўйида дам олаётган шаҳзодалар олдига яна қайтиб келади. Бу сафар булоқ ёнидаги излардан улар туянинг устида ҳомиладор аёл бўлганлигини, унинг устига ёғ билан асал ортилганлигини аниқлайдилар. Лекин туянинг эгаси уларни муттаҳамликда айблаб, халойиқни тўплайди, шаҳзодаларни подшоҳ ҳузурига олиб келишиб, уларни зиндонга ташлатади. Эртаси куни туя билан аёл топилгач, подшоҳ йигитларни зиндондан озод қилиб, узр сўрайди ва уч-тўрт кун саройда меҳмон бўлишларини илтимос қилади. Бу сафар шаҳзодалар ўз ҳунарларини ишга солишиб, уларга тортиқ қилинган қўзичоқнинг ит сути билан боқилганлигини, уларга берилган шароб қабристонда ўсган узумдан тайёрланганлиги, шоҳнинг ўзи эса, шоҳ фарзанди бўлмай, ошпазнинг ўғлилигини аниқлашга ёрдам беribдилар. Ҳикоя ниҳоясида шаҳзодалар ана шундай саргузаштларни бошларидан кечириб, ўз юртларига эсон-омон қайтиб, оталарини хурсанд қиладилар.

Ашраф Марағийнинг «Етти тахт» достонида шанба куни Баҳром овдан қайтганидан сўнг Қора қасрда биринчи иқлим Ҳинд шоҳининг қизи билан ишрат суради. Ашраф бу қаср ва унинг билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларни қора ранг билан боғлайди. Баҳром Кашмир қизидан ҳикоя сўзлаб беришни илтимос қилади.

Ашраф Низомий ва Хусрав Деҳлавийлардан фарқли ўлароқ, Баҳромнинг ҳикоя тинглашини уйқуни қочириш учун қилинган тадбир деб асослайди. Шоир бу ҳақда шундай дейди:

Шоҳ гуфто ба моҳи Кашмирии,
К-эй дилу дийда аз туйе сайрии.
Агар афсона тавони гўфт,
Рахти хоб аз назар тавони рафт.

Яъни:

Шоҳ кашмирлик ойга шундай дейди:
«Эй дилу хоним, нури дидам

Агар менга бирорта афсона айтиб берсанг,
Менинг кўзимни уйқудан қочирган бўлур эдинг».

Шундан сўнг Кашмир қизи Баҳромга қуйидаги мазмундаги афсонани айтиб беради:

Ҳиндистон мамлакатида бир подшоҳ бўлиб, унинг бойликларининг ҳисоби йўқ экан. Подшоҳнинг ақлли, ўқимишли ва одобли Маликзода исмли ўғли бўлган экан. Унинг шуҳрати бутун жаҳонга таралади. Маликзода жаҳонгашталикни яхши кўрар экан. Кунлардан бир кун у отасининг манъ қилишига қарамай, сафарга отланади. У жуда кўп шаҳарларни кезиб, яхши-ёмонни бошидан кечиради. Шаҳриободон деган жой унга жуда ёқиб қолади, чунки ундаги кишилар ўзларининг хушчақчақлиги ва самимийлиги билан ажралиб турар экан. Маликзода бу шаҳарда кўпни кўрган бир дўст орттиради ва маълум вақтдан кейин улар сафарга отланишиб, Қуддус шаҳрига келадилар. Икки дўст бир-бирларидан ажралмасликка қарор қиладилар. Сафар чоғи бир кун чанг-тўзон кўтарилиб, осмонда яшин чақнаб, момоқалдироқ гумбирлай бошлайди. Бўрон туриб, ҳамма ёқни қоронғилик қоплайди. Дўстлар бир-бирларини йўқотиб қўядилар. Маликзода дўстини қанча қидирмасин, унинг ҳаракати зое кетади. Маълум вақт ўтгач, Маликзода олдида икки юзга яқин ҳуру парилар пайдо бўлиб, уларнинг бир қисми уни бир ёққа тортса, иккинчи қисми иккинчи ёққа тортишарди. Ниҳоят улардан иккитаси Маликзодани ўзларининг ҳукмдор маликаси олдига бошлаб келадилар. Малика уни ювинтириб, ясантириб қўяди, сўнг ичириб, егизади ва кимлигини суриштира бошлайди. Маликзода ўз тарихини ва ўртоғи билан бўлган воқеаларни бирма-бир гапириб беради. Ёвуз кучларнинг қўлига тушганлигини сезган Маликзода булардан қутулиш йўлларини излайди. Бошидан кўп саргузаштлар ўтгандан сўнг, у зўрға бу ёвуз кучлардан қутулиб чиқади ва дўстини излашда давом этади. Йўлда унга бир қария учраб, ўзини Хизр деб танитади ва уни қутқаражагини айтади. Кечга яқин базм уюштириб, турли ўйинлар кўрсатади. Ярим кечада чарчаган Маликзода қаттиқ ухлаб қолади. Эрталаб уйғониб қараса, бир ифлос ташландиқ жойда ётган экан. У бу ишларнинг ҳаммаси ёвуз кучларнинг кирдикорлари эканлигини англайди. Ниҳоят, ҳақиқий Хизр ёрдамида бу балолардан қутулишга муваффақ бўлади. Миср, Рум, Шом ва бошқа мамлакатларни саёҳат қилиб, муддаосига етгач, Ҳиндистонга қайтиб келади. Шундан сўнг йўқотган дўстининг ғамида ва бошидан кечирган оғир мусибатларнинг рамзи сифатида қора кийим кийиб юришни ўзига маъқул топади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида шанба куни Қора қасрда биринчи иқлимдан келган дарвеш қуйидаги ҳикояни гапириб беради:

Сарандиб (Цейлон) шоҳининг якка-ягона фарзанди Фаррух тушида Қуддусга кетаётган бир гуруҳ одамлар орасида туя устига ортилган маофадаги бир гўзал аёлни кўриб, уни қаттиқ севиб қолади. Уни излаб топиш учун сафарга отланади. Фаррухнинг отаси Нусратхон уни бу йўлдан қайтаришга қанчалик ҳаракат қилмасин, ўғли ўз қароридан қайтмаслигини кўриб, унга ноилож ижозат беради. Бундан Фаррух шод бўлиб, отаси хазинасидан сафар учун етарли молу дунё, аскару хизматкорларни олиб сафарга азм қилади:

Юрумак эрди туну кун коми,
Йўқ эди ҳеч ерда ороми.
Шаҳр бар шаҳр эди хироми анинг,
Еткунча мақсадиға коми анинг.
Ул замон кимки қилса азми тавоф,

Каъба ўрнида Қуддус эрди матоф.
Ҳам етиб эрди вақту юз минг хайл,
Айлаб эрди тавоф сори майл.
Фаррух ул пок ерга чун етти,
Пок кўнгли била тавоф этти.
Қўйди туфроққа юз ниёз била,
Шамъдек йиғлади гудоз била.
Истади ҳожатинки холиқи даҳр,
Анга матлубидин етургай баҳр.
Кўзига учрағай дилороми,
Ҳосил ўлғай висолидин коми.

Қуддусда ўз дилоромини тополмаган Фаррух яна тушида у аёл ҳақида қуйидаги маълумотни олади:

Ул кеча ғамдин асру бедил эди,
Тушта бири анга бу нукта деди:

«Ким агар айласанг муроди талаб,
Турмайин тонгла айла азми Ҳалаб».

Сабр тоқати тоқ бўлган Фаррух Ҳалаб томон йўл олади. Ўзи билан юзтача кучли мардонавор кишиларни қолдириб, қолганларига Ҳиндистонга, ўз ватанларига қайтишга рухсат беради. Фаррух ўз одамлари билан Қуддус зиёратидан қайтаётган ҳалабликларга қўшиладилар. Ҳалаб шаҳри аҳли ҳам зиёратдан қайтаётган ўз қавму қариндош ва биродарларини кутиб олиш учун чиқадилар. Шу аснода ғуж-ғуж бўлаётган одамлар орасида Фаррухнинг кўзига:

«Ки кўрунди кўзига бир маҳмил,[1]
Ноқаси шаҳр сори мустаъжил.
Тушда кўрган киби ёпуғи қаро,
Изтироб ўти тушти жони аро,
Бўйла ҳолатда тунд етти шамол,
Очти маҳмил канорасин филҳол.
Чун очилди булут, кўрунди қуёш,
Тушда кўрган қуёши бўлди фош.
Истаганни бу лаҳзаким топти,
Яна хуршидни булут ёпти.
Кунни чун тийра абр қилди ниҳон,
Бўлди Фаррух кўзига тийра жаҳон».

Тушидаги севгилисини кўриб ҳушини йўқотган Фаррух ўзига келгач, бояги гавжум одамлардан нишон ҳам қолмаган эди. Фаррух дардини ичига солиб ич-ичидан ёнади лекин бу дарду изтиробларни ўз одамларига билдирмасликка ҳаракат қилади. Уларни ҳам бу машаққату қайғуларга асир қилганидан ночор бўлиб, қаттиқ афсусланади. Карвон аҳлига дам олишни эълон қилиб, ўзини уйқуга солган киши бўлади. Ҳамма уйқуга кетгач қўлига қалам олиб шундай мазмунда хат ёзиб қолдиради: «Бу олам ҳодисаларга тўла. Тангри ҳар

[1] Одамларни ташишга мўлжалланган маҳофа.

кимнинг пешонасига нимаики битган бўлса, уни одамизод бошидан кечиради, ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Тақдир менга ишқ йўлида ғурбатда ovораю бечораликни ато қилган экан, буни бошдан кечирмоқдан бошқа илож йўқдир. Бу йўлда сизларнинг азобу уқубатлар чекишингиз адолатдан эмас. Шунинг учун зинҳор мени изламай уйга қайтинглар. Агар бош омон бўлса ватанда кўришурмиз, хайр!»

Фаррух эгнидаги шоҳона кийимларини ечиб, қорамтир рангли палосни елкасига ташлаб, кўздан ғойиб бўлади. У телбалардек кўчама-кўча юриб, охири ўзига бир иссиқ ташландиқ маконни топиб, устига палосини ташлаб ётади.

Тонг отиши билан Фаррух хизматидаги одамлар шаҳзоданинг йўқлигидан оёққа турадилар, уни икки кечаю кундуз қидириб тополмай қаттиқ азобу изтироб чекиб чарчайдилар ва тасодифан унинг қолдирган хатини топиб, воқеадан хабардор бўладилар. Ишқ дардининг чорасизлигини англашиб ватан томон йўл оладилар.

Фаррух эса ишқ йўлини танлаб шоҳликдан гадоликка тушиб қолади. Шу тариқа Фаррух бир неча кун-тун ҳеч нарса емай-ичмай, ёниб-елиб юради. Бедаво дардга учраганини фаҳмлайди, ҳолдан тойгач, ҳаётдан умидини узиб, беҳуш ётиб қолади.

Ҳалаб шаҳрида бир давлатманд, саховатли ва олижаноб хожа бор экан. Унинг оти Ахий[1] бўлиб, исми жисмига монанд экан. У одамларга яхшилик қилишни, уларнинг дардларига ҳамдард бўлиш, бева-бечораларнинг мушкулларини осон қилишни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўйган экан. Шу йўлда Ахий Ҳалаб шаҳрини отда айланиб чиқиб, муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондириб, етим-есирларга бошпана, мусофирларга мурувватu эҳсонлар кўрсатар экан. Шу тариқа Ахийга Фаррух рўбарў бўлади. Саховатли Ахий унинг ночор аҳволини кўриб, ўз уйига олиб келади, парваришлаб оёққа турғизади. Ахий меҳмоннинг нуроний юзлари, нозик таъби, ўткир тили ва одоб-ахлоқидан аслзодалардан эканлигини фаҳмлайди, лекин шоҳона либосларини оддий қора рангдаги палосга мубаддал қилганлигининг асосий сабаби нимада эканлигини аниқлай олмайди. Бир кун Ахий Фаррух билан суҳбат қуриб май ичади. Маст бўлиб қолган Фаррух кўнглидаги сирини Ахийга ошкор этади. Тушида кўрган аёлга бўлган ишқ туғёни унинг қалбини доимо ўртаб келаётганини айтади. Фаррух тавсифлаган аёлнинг ўз хотини эканлигини англаб етган Ахий ишқ йўлида жасорат кўрсатиб, ўзини қурбон қилаётган инсонга қойил қолади ва унинг бу муқаддас мақсади амалга ошиши йўлида катта мурувват кўрсатади. Бу ҳақда у шундай дейди:

Ким бу янглиғ ғарибу ҳам ошиқ,
Ишқ таврида бу сифат содиқ.
Ки бу ғарибни ихтиёр этган,
Тарки оламда ҳар не бор этган.
Ишқ аро кирмайин жаҳон кўзига,
Тутмиш ўлғай ўлумни ҳам ўзига.
Эмгакидек кишида эмгак йўқ,
Ҳажр аро ўлғусидурур шак йўқ.
Менки онинг ғамиға қолурмен,
Дардиға чора айлай олурмен.
Қилмасам, ўлса, ул мурувват эмас,
Они яхши мурувват аҳли демас.
Киши бу ишга чора қилмасму,
Манга аҳли ҳарам топилмасму?

[1] «Ахий» арабча сўз бўлиб, «Менинг акам» маъносини билдиради.

Лутф ила деди ҳожаи доно:
«Ғам ема, эй мусофири барно.
Сенга бу ғамки офати жондур,
Манга тадбири беҳад осондур.
Сени бу навъ қилғон бечора,
Хону монингдан этган овора,
Гарчи жонингға ҳусни офат эрур,
Бизнинг элдур, манга қаробат эрур.
Сени комингға еткурурмен бил,
Лек ҳарнеки дермен андоқ қил!»

Бу сўзларни эшитган Фаррух хурсанд бўлганидан кўзларига ёш олиб, Ахийнинг оёғига бошини қўйиб миннатдорчилигини изҳор этади.

Ахий уни қаттиқ севувчи хотинини талоқ қилиб, унга пичоқлар ўқталиб, Фаррухга мажбуран никоҳлайди, ёнларига мол-мулк ва мулозимлар қўшиб, иззату икром билан уларни Ҳиндистонга жўнатади. Ахий эса Фаррухнинг қора рангли палосини ёдгор сифатида қолдиришни сўраб, олиб қолади.

Йўлда Фаррухга Ахийнинг мурувват юзасидан ҳатто ўз хотинини ҳам аямаганлиги маълум бўлади. Бундан қаттиқ таъсирланган Фаррух Ахийнинг хотинини бундан кейин сингил деб билади ва ватанига қайтгач унинг учун Ахийники каби қаср қуриб беради.

Ўзининг вафодор ва севимли хотини билан хайрлашганидан сўнг Ахийнинг душманлари унга турли бўҳтонлар ёғдирадилар ва унинг Ҳалабдан қочиб кетишига эришадилар. Фалакнинг гардиши Ахийни Сарандибга олиб келади. Ахийдан ўрнак олиб, шаҳарни айланаётган Фаррух тасодифан харобалар орасидан Ахийни топиб, уйига олиб келади.

Бир неча кундан кейин Ахий ўзига келгач, Фаррух унга энди ўзининг синглисига уйланишни таклиф этади. Ахий розилик беради. Тўй-томошалардан сўнг Ахий яна ўзининг илгариги хотинига эришганлигидан беҳад хурсанд бўлади ва муроду мақсадига етади.

Юқоридаги қора ранг билан боғланган ҳикоялар ҳар учала муаллифда бошқа-бошқа, бир-бирига ўхшамайди. Навоий достонига кирган ҳикоя эса Низомий ва Хусрав Деҳлавийларникидан тубдан фарқ қилади. Низомийнинг қора ранг билан боғланган ушбу ҳикоясининг асосий мазмунини Хусрав Деҳлавий бир оз ўзгартиришлар киритган тарзда ўзининг бешинчи ҳикоясида баён қилади. Хусрав Деҳлавий бешинчи ҳикоясининг ғоявий-тематик йўналиши, айрим бадиий деталларни эътиборга олмаган тақдирда, Низомийниг биринчи достони билан айнан мос. Хусрав Деҳлавий Низомийнинг биринчи ҳикояси билан бешинчи ҳикоясидаги асосий сюжетлардан унумли фойдаланган ва ўзига хос композицион ва ғоявий йўналишга эга бўлган оригинал ҳикоя яратган. Хусрав Деҳлавий билан Низомий ҳикояларидаги фарқлар айрим деталлардагина кўринади. Масалан, Низомий ҳикоясининг бош қисмларида баён этилган эпизодлар, яъни подшоҳнинг Чин мамлакатидаги Мадҳушон шаҳридаги аҳолининг қора либос кийишлари сирини билмоқ мақсадида шаҳар ташқарисига чиққани у ердаги саватчага ўтириб осмонга учгани, сўнгра баҳайбат қуш уни парилар маконига элтиб ташлагани тўғрисидаги лавҳалар Хусрав Деҳлавий ҳикоясида ўзгартирилиб, уларнинг вазифаларини сеҳрли ҳаммом ўтаган. Хусрав Деҳлавий ҳикоясида асосий қаҳрамон сеҳрли ҳаммомга киргач, бир ҳафта мобайнида унинг ичида адашиб юради ва сўнгра парилар маконига кириб қолади. Низомийнинг биринчи ҳикоясидаги бош қаҳрамон ўзининг аввалги ҳолатига, яъни подшоҳ саватда турган ҳолатига ўттизинчи куни қайтиб келса, Хусрав Деҳлавийдаги ёш йигит еттинчи куннинг тонгида дўстлари кутиб турган ҳаммомнинг бўсағасида пайдо бўлиб қолади. Иккала асар ўртасидаги яна бир фарқ

шундаки, Низомий бу ҳикояларни қора ранг билан бўяб тасвирлайди. У қаҳрамонларнинг қайғу-изтиробларини ва сюжетнинг ғамгин хотимасини қора рангнинг рамзий маънолари билан ифодаласа, Хусрав Деҳлавийнинг бешинчи ҳикояси кўк ранг билан боғланиб, новелланинг мазмунидаги қайғу ҳисларини кўк рангнинг ғамгин жилолари билан уйғунлаштирган. Бу ўринда биз икки буюк ижодкорнинг икки рангдан бир мақсадни ифода этишдаги юксак маҳоратларини кўрамиз. Низомийнинг қора ранги мусибатларниинг айнан воқеалар содир бўлаётган даврга мансублигини англатса, Хусрав Деҳлавийдаги кўк ранг ғамноклик, ўтмиш воқеаларга хослигини билдиради.

Ашраф Марағийнинг «Етти тахт» достонидан ҳам Низомий ва Хусрав Деҳлавий ҳикояларидаги каби афсонавий лавҳалар, яъни қаҳрамонларнинг сеҳрли кучлар таъсирида ғойиб бўлиши, турли ғайритабиий воқеаларни бошларидан кечириши каби ҳолатлар жуда кўп. Мисол сифатида Ҳинд шаҳзодаси Маликзоданинг ғойиб бўлиши, унинг парилар маконидаги афсонавий саргузаштлари, Хизр ёрдамида унинг сеҳрли кучлар ихтиёридан қутулиши ва шунга ўхшаш ҳикояларнинг бошқа манзараларини тасвирлаш услубларида яқинликлар жуда кўп. Булар ижодкорнинг Фирдавсий ва Низомий меросидан унумли истифода этганлигининг ёрқин ифодасидир.

Хусрав Деҳлавийнинг илм, ҳунар ва ақлни улуғловчи биринчи, яъни Сарандиб подшосининг уч ўғли саргузаштлари ҳақидаги ҳикояси сюжетининг генетик куртакларини турли халқлар фольклорида учратиш мумкин, хусусан ҳинд эртакларида оталарнинг ўз фарзандлари ақл-заковати, садоқатини синаш учун уларни юртларидан узоқ бошқа мамлакатларга юбориши, уларни ҳаёт синовларидан ўтиб мустақил яшашга ўргатганлари ҳақидаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони Фаррух билан Ахий ҳақидаги мавзу ва сюжетнинг ғоявий-бадиий томонлари пухта ишланган юксак бадиий асарлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳикояда Алишер Навоий инсоният бахт-саодати учун муҳим ҳисобланган биродарлик, инсонпарварлик ва байналмилаллик ғояларини илгари суради.

Ҳикоянинг асосий мавзуси конфликт ва тўқнашувлар асосида қурилган бўлиб, экспозиция воқеа рўй бераётган мамлакат – Ҳиндистоннинг ва бош қаҳрамон, ҳинд подшоҳининг ўғли шаҳзода Фаррухнинг олижаноб хислатлари тавсифи билан бошланади. Фаррухнинг отаси Нусратхон шаҳзоданинг уйланиб, тахтиравонни қабул қилишини истайди. Тушида бир гўзал аёлни кўриб, уни севиб қолган Фаррух отасининг таклифларини рад этади, отасидан тушида кўрган аёлни излаш учун Қуддус шаҳрига қиладиган сафарига ижозат сўрайди. Бош қаҳрамоннинг бу ҳаракати ҳикоянинг тугуни вазифасини ўтайди. Фаррухнинг туши эса воқеаларнинг кейинги ривожи учун важ бўлиб хизмат қилади. Бу мавзуни очиб бериш мақсадида шоир Ахий номли иккинчи қаҳрамонни воқеалар оқимига киритади. Бу қаҳрамон ўзида инсоннинг барча олийжаноб хислатларини мужассамлаштирган идеал образ бўлиб, ҳикояда шоирнинг асосий ғояларини очиб беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Воқеанинг кульминацияси ҳикоядаги учинчи ҳаракатдаги бош қаҳрамон – Ахийнинг хотинининг ўз эрини жонидан ортиқ севишини Фаррухга нола қилиб айтган лавҳасида ўз ифодасини топган. Шундан сўнг, воқеалар иккинчи қаҳрамон – Ахийнинг фойдасига ривожланади. Ниҳоят, ҳикоянинг ечими Ахийнинг ўз хотини билан учрашиб, ҳақиқатнинг тантанаси билан якунланади.

Бу ҳикоянинг қора ранг билан боғланган бошқа новеллалардан асосий фарқи шундаки, ундаги воқеалар силсиласи ўзининг табиийлиги ва ҳикоядан чиқариладиган хулосаларнинг ибратомузлигидадир. Навоийнинг бу ҳикояси заминида инсоннинг ички бой дунёсини очиб бериш вазифаси ётади. Бу маънавий дунёни асарда Фаррух, Ахий ва унинг хотинидан иборат идеал образлар ташкил этади.

Узоқ қадимиятда, Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари энди куртак очаётган даврларда бошқа соҳалардаги каби Ўрта Осиё халқларининг оғзаки ва ёзма адабиётига будда ҳақидаги ҳикоялар ва ҳиндларнинг мифологик образлари кириб кела бошлаган. Алишер Навоий даврига келиб бундай алоқа кенг қамровга эга бўлган. Чунончи, Алишер Навоийнинг қадимги ҳинд ёзма адабиётидан, унинг тарихий манбаларидан, хусусан, турли ибратомуз эртак ва қиссаларидан кенг истифода қилганлигини олиб борилаётган тадқиқотлардан биламиз. Дарвоқе, «Сабъаи сайёр» достонига кирган ҳикоялардан айримларининг генетик куртакларини қадимги ҳинд адабиёти ва мифологиясининг ёрқин саҳифаларида кўришингиз мумкин.

Алишер Навоий асарларини қадимий ёзма адабий ёдгорликлари билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, энг аввало, уларда бир-бирларини яқинлаштирадиган қандайдир умумийлик, иккинчидан, ҳар бир тадқиқ этилаётган асар ўзининг прототипидан тарихий давр нуқтайи назаридан кескин фарқ қилиши аниқланади. Ана шундай ҳикоялар сирасига, бизнинг фикримизча, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига кирган Фаррухнинг муҳаббати ҳақидаги афсонани киритиш мумкин. Навоийнинг бу ҳикоясини генетик жиҳатдан қадимги ҳинд ҳикояси «Унмадаяпти[1] ҳақида джатака» ва унинг Арья Шура (IV аср) томонидан тузилган «Джатакамала» номли санскрит тўпламига киритилган вариантлари билан солиштирса бўлади.

Бошқа олимларнинг фикрига кўра, бу ҳикоя «Ахийлик» номи билан машҳур бўлган ҳунармандларнинг бирлиги фаолияти билан боғлиқдир.

Ҳинд ҳикоясининг бош қаҳрамони Шибийларнинг адолатли ва доно подшоҳи Бадхисаттва ҳиндларнинг Каумуди байрами вақтида шаҳарни айланаётиб, жуда гўзал бир аёлни кўради ва уни севиб қолади. Бу аёлнинг исми Унмадаяпти бўлиб, у Абхипараг номли амалдорнинг хотини эди. Буни сезиб қолган Абхипараг подшоҳни бағоят ҳурмат қилганлигидан ва унга содиқлиги туфайли, Бадхисаттва билан бўлган суҳбатларнинг бирида, бу ҳақда гап очиб, Унмадаяптини ўз подшоҳига тортиқ қилади. Лекин барча олижаноб хислатларни ўзида мужассамлаштирган идеал подшоҳ Бадхисаттва Унмадаяптини ўз ходими хотини эканлигини билгач, ўзининг кучли иродаси билан ҳиссиётларини енгади ва бу таклифни рад этади.

Ҳикояларнинг асосий мавзусида, воқеаларниинг баён этилишида катта ўхшашликлар бор, шу жиҳатдан Навоий ҳикоясидаги ҳинд шаҳзодаси Фаррух билан олийжаноб Ахий тўғрисидаги афсонани қадимий ҳинд ҳикоясининг давоми, бадиий жиҳатдан такомиллаштирилган варианти деб қараш ҳақиқатга яқиндир. Ҳар иккала ҳикояни солиштирар эканмиз улардаги яқинликни умумий жиҳатлар билан бирга бадиий лавҳаларнинг алоҳида олинган деталларида ҳам кўриш мумкин. Ҳикояларни юзаки қараб чиқишнинг ўзидаёқ ҳар иккала асардаги образларнинг бир-бирларига монандлиги кўзга яққол ташланади. Навоийдаги Ахий ҳинд ҳикоясидаги Абхипарагга, Фаррух – Батхисаттвага, Ахийнинг хотини Унмадаяптига ўхшайди. Агар сюжет воқеаларининг тадрижий тараққиёт босқичларига бирма-бир назар ташласак, улардаги ўхшаш томонлар дарров маълум бўлади. Навоий ҳикоясидаги фарқлар эса шоирнинг ҳинд ҳикояси сюжет чизиқларини ва асарнинг композицион тузилишини бадиий жиҳатдан такомиллаштириши ҳисобига амалга оширилганлигидан иборат бўлади. Навоий новатор ижодкор сифатида бу ҳикоя сюжетига инсонпарварлик йўналиши ва халқлар дўстлиги руҳини бағишлаш каби муҳим вазифа ҳам зиммасида турганлигини яхши билган. Шунинг учун Алишер Навоий ҳинд ҳикоясидаги амалдорнинг қиёфасини батамом ўзгартириб, ҳаётда инсонларга яхшилик

[1] Бу ном «Ақлдан оздирувчи гўзал» маъносида.

қилишни асосий мақсад қилиб қўйган Ахийнинг идеал образини яратади. Навоийдаги Ахий амалдордан фарқли ўлароқ, яхшилик йўлида ҳатто ўзининг севимли хотинини аямайди, уни қариндошим деб Фаррухга никоҳлаб беради. Муҳими шундаки, Фаррух унинг севиб қолган аёли Ахийнинг хотини эканлигини умуман билмайди. Ҳинд ҳикоясида эса, Абхипараг подшоҳга у севиб қолган аёл унинг хотини эканлигини ошкора айтиб, унга тортиқ қилади.

Ҳинд ҳикоясида бош қаҳрамон вазифасини подшоҳниинг ўзи бажаради. Унинг қиёфасида азалдан идеал инсоннинг энг гўзал хислатлари мужассам бўлганлиги учун у севиб қолган аёл мансабдорнинг хотини эканлигини билган замоноқ, Абхипарагнинг қанча ялиниб ёлборишига қарамай, Унмадаяптига бўлган муҳаббатини ирода кучи билан сўндиради.

Лекин юқорида айтилган ҳикоядаги сюжетнинг асосий чизиқлари бир-бирларига мос келиши ва деталлардаги умумий ўхшашликлар уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзларига мустақил бўлган алоҳида-алоҳида бадиий асар эканликларига шубҳа ҳосил қилмаслиги керак, албатта. Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг бу ҳикояси ана шу ҳинд ҳикоясининг негизи асосида генетик жиҳатдан ривож топган бўлса-да, у ғоявий-бадиий ҳамда композицион тузилиши билан ажралиб турувчи янги асар сифатида қаралмоғи керак. Чунки бу асар шоирнинг дунёқараши ва муайян шароитлар натижасида вужудга келган бадиий тафаккур меваси бўлиши билан бир қаторда тарихий давр талабларининг эҳтиёжини қондирувчи муҳим ва зарур бадиий маҳсулот ҳамдир. Навоий ҳикоясининг кўлами жуда катта қамровга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш муҳимдир, ҳикоядаги воқеалар Ҳиндистон, Арабистондаги реал муҳитда юз беради. Навоийнинг қаҳрамонлари ҳинд эртагидагидан фарқли ўлароқ, турли миллат вакилларини ташкил этади. Бундан ташқари шу факт диққатни ўзига тортадики, ҳар иккала ҳикоядаги барча ўхшашликлар умумий характерга эга бўлиб, улар турли маданиятга, турли халқлар адабиётларига ва турли тарихий даврларга мансублиги кишини таажжубга солади.

Юқорида айтиб ўтилганлар бизга маълум даражада Алишер Навоий достони ҳикояларининг тарихий илдизларини аниқлаш имконини бериш билан бирга, қадимги ҳинд адабиётининг Навоий ижодига таъсири масалаларини ҳам янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратиб беради.

Энди Низомий Ганжавийнинг «Етти гўзал» достонида якшанба куни олтин қасрда иккинчи иқлимга мансуб турк маликаси Яғманознинг Баҳром Гўрга айтиб берган қуйидаги ҳикоясига эътиборни қаратайлик:

Ироқ мамлакатида бир шоҳ ўтган экан. У ақл-заковотга тўла, кўпни кўрган, одамшаванда экан. У аёлларнинг макр-хийлалари ҳақида кўп эшитганидан уйланишга ҳам қўрқар экан. Унинг устига мунажжимлар фол очишиб, «подшоҳ уйланса, унга хотини бахтсизлик келтиради»,–деб каромат қилишибди. Шунинг учун у бозордан канизаклар сотиб олиб, улар билан маълум муддат айш-ишрат қилгандан сўнг, бошқаларига алмаштириб турар экан. Шу жиҳатдан ҳам уни одамлар канизакфуруш деб атайдиган бўлишибди. Подшоҳнинг уйида канизакларнинг кўп туролмаслигига яна бир сабаб, саройдаги кампир уларни «бека», «малика» деб чақириб гиж-гижлар экан. Уларга ақл ўргатиб турар экан.

Кунлардан бир кун сотиш учун Хитойдан минггаяқин канизаклар олиб келишади. Уларнинг ичида бир жуда гўзал ва келишган қиз ҳам бор эди. Шаҳарнинг бой канизакфурушларидан бири подшоҳга бу ҳақда хабар қилади. Подшоҳ канизакларни бирма-бир кўздан кечириб, ҳалиги канизакни ёқтирибди ва уни сотиб олибди. Лекин қанизакфуруш уни сотишдан олдин, кимки бу қизни сотиб олган бўлса, эртаси куниёқ унинг севгига хоҳишсизлиги учун қайтариб ташлаб кетади, деб огоҳлантирибди. Кунлар ўтибди, канизак саройда ўзини

эркин қушдай ҳис қилиб, янада кўркам ва жозибали ҳурга айланибди. Подшоҳнинг унга бўлган ишқи тобора ортаверибди. Лекин канизакфурушнинг гаплари эсига тушиб, жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишга қарор қилибди. Саройдаги кампир эса, қизни йўлдан уришга киришибди, уни «малика» деб, унга ҳақ-ҳуқуқ ўргатаётганда қизнинг жаҳли чиқиб, уни ҳайдаб юборибди. Кунлардан бир кун подшоҳ канизакка ўз ишқини изҳор этибди. Лекин канизак бунга бефарқ қарагач, у бунинг сабабини қиздан сўрабди. Бу сирни билиш учун подшоҳ унга қуйидаги Сулаймон пайғамбар, унинг хотини Билқис ва ногирон ўғли ҳақидаги қиссани сўзлаб берибди: Сулаймон пайғамбарнинг бир фарзанди бор экан, унинг оёқ-қўллари шол бўлиб қолибди. Билқис бу ҳолдан кўп изтироблар чекиб, Сулаймон пайғамбарга шундай деб мурожаат килибди: «Эй пушти паноҳим, бир назар ташла, ҳар иккимиз соғ-саломат бўлсагу, фарзандимиз нечун ногирон туғилди; бизнинг не гуноҳларимиз учун бундай жазо берилди? Сен доно ва оқилсен, бунинг иложини қидирмоқ керак. Жаброил алайҳиссалом орқали билмоқ керак, бунинг иложи недадур», дебди. Жаброил алайҳиссалом билан Сулаймон пайғамбарнинг мулоқотидан сўнг самодан: «Эр билан хотин ораларидаги муносабатларини очиқчасига гаплашиб, ўзларини поклаб олсунлар, боланинг иложи ҳам ана шундадир», деган жавоб келибди.

Эр-хотин суҳбат қуришибди. Сулаймон пайғамбар хотинидан: «Мендан бўлак кишига ҳам ишқинг тушганми?» деб сўрабди. Билқис: «Бу дунёда сендан бўлак ишқим тушган киши йўқ, мен сенинг олдингда покман, лекин бир айбим бор эдики, у ҳам бўлса гоҳо ёш, барно йигитларни кўрсам, хаёлим уларга кетиб қоларди», деб жавоб берибди. Шу заҳоти худонинг қудрати билан фарзандининг қўллари ишлаб кетибди. Навбатдаги саволни Билқис Сулаймон пайғамбарга берибди: «Дунёда сиз энг бадавлат кишисиз, сизнинг хазинангиз битмас-туганмас бойликлардан иборат. Шундай бўлса-да, сиз яна бировнинг молига кўз тикканмисиз ёки йўқми?»

Сулаймон пайғамбар эса: «Ҳа, мен дунёдаги барча подшоҳлардан ҳам боймен. Хазинамдаги олтин, дуру жавоҳирларнинг ҳисоби йўқ. Лекин шунча бойлигим бўлишига қарамай, яна бойлигим ортса дейман. Ҳатто биров мени зиёрат қилиб келганда ҳам бирор совға кўтариб келдимикин, деб унинг қўлига тикиламан. Менинг айбим мана шу», деб жавоб берибди.

Шунда боланинг оёқлари ҳам ишлаб кетибди.

Подшоҳ канизакка ана шу ҳикояни айтиб бериб, ҳақиқат сўзи пайғамбар билан Билқиснинг ногирон боласини тузатган экан, сен ҳам менга ҳақиқатни айт, нега мен сени шу қадар севишимга қарамасдан, менинг бу ишқимга жавоб бермаяпсан,– деб сўрабди.

Қиз подшоҳга рост гапни айтишдан бошқа иложи йўқлигига тушуниб, ўз сирини баён этибди. Канизак унинг наслидаги қизлар зотининг барчаси турмушга чиққач, фарзанд кўраётганларида вафот этишларини ва шу туфайли у ҳам турмушга чиқмаганлигини куйиниб гапирибди. Сўнгра подшоҳга хоҳласа уни олиб қолишни, хоҳламаса сотиб юборишни таклиф этибди.

Подшоҳ бунинг иложини қизда рашк уйғотиб амалга ошириш мумкинлигини фаҳмлабди ва ҳийла ўйлабди. Буни саройдаги кампир амалга оширибди. У подшоҳга вақтинча бошқа канизакка ишқ изҳор этиб, унинг рашкини уйғотишни таклиф этибди. Шундай қилиб, саройда яна бир гўзал канизак пайдо бўлиб қолибди. Подшоҳ унга ўз эътибори ва севгисини қаратиб, секин-аста қизда рашк уйғота бошлабди. Бу ҳолдан қаттиқ изтироб чекаётган қиз ахири подшоҳнинг ҳузурига кириб, унинг ҳақиқий ёстиқдоши, ёрига айланиб, подшоҳнинг маликаси бўлибди. Шундай қилиб, улар узоқ умр кечиришиб, бахту саодатда яшашибди».

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида якшанба куни иккинчи иқлим шоҳининг қизи Баҳром Гўрга олтин қасрда қуйидаги ҳикояни айтиб беради:

Хуросонда Ҳасан номли моҳир заргар бўлиб, унинг шуҳрати бутун жаҳонга таралган экан. Кунлардан бир кун у шоҳ учун бронзадан фил ясайди ва унга ғилдираклар ўрнатиб, саройга олиб боради. Шоҳ Ҳасаннинг санъатига қойил қолибди, унга минг ман олтин бериб, худди шунга ўхшаш филни олтиндан ясаб беришни буюради. Ҳасан бир ой қаттиқ ишлаб, шоҳнинг буйруғини бажарибди. Бундай ажойиб санъат асаридан ҳамма ҳайратда қолибди. Лекин Ҳасаннинг бу ишига ҳасад билан қаровчилар ҳам топилибди. Улар Ҳасаннинг подшоҳ берган олтиндан бир қисмини ўмариб қолганлигини, лекин буни қандай қилиб исботлаш ва шоҳга етказишни билишмас экан. Ҳасаннинг берилган олтиндан бир қисмини ўмариб қолганлигини исботлаш учун филни эритиш керак эди. Подшоҳ эса бунга асло йўл қўймаслигини ҳасадгўйлар яхши билишарди. Улар Ҳасаннинг ўғрилигини исботлашнинг кўп йўлларини ўйлашиб, ниҳоят, Ҳасаннинг хотинини ишга солиб, масалани ойдинлаштиришга қарор қилишибди. Натижада филнинг вазнини аниқлаш учун уни қайиққа солиб, сувга чўккан қисмини белгилаш, сўнгра қайиқдаги белгигача тош ортиб, ҳайкалнинг вазнини аниқлаш мумкин эканлиги маълум бўлибди. Филга сарф бўлган олтинни ўлчаш сирини билиб олган Ҳасаннинг душманлари бор гапни подшоҳга етказадилар. Подшоҳ Ҳасаннинг олтиндан ўмариб қолганлигига ишонч ҳосил қилгач, уни қасрнинг энг баланд маҳбусхонасига қамаб қўйибди. Буни эшитган Ҳасаннинг хотини дод-фарёд солибди. Нодонлик қилиб, ўз тили билан Ҳасаннинг бошига катта кулфат келтирганлигидан роса афсусланибди. Ҳасаннинг олдига бориб, кечирим сўрай бошлабди. Ҳасан юқоридан пастда турган хотинини кўриб, тезда шакар, ипак ип ва арқон олиб келишни буюрибди. Бир оз вақт ўтгач, хотини Ҳасаннинг айтганларини олиб келибди. Ҳасан хотинига ипнинг учини шакарлаб, чумолига беришни буюрибди. Чумолилар шакарланган ипни юқорига – Ҳасан томонга олиб чиқишибди. Сўнгра Ҳасан ипга арқон бойлашни буюрибди. Арқоннинг бир учини ўзи ушлаб пастга туша бошлабди, иккинчи учини эса, эрининг илтимосига биноан хотини ушлаб, юқорига қараб кўтарилибди. Натижада Ҳасан озодликда, хотини эса тутқунликда бўлиб қолибди. Шунда Ҳасан хотинига кулиб: «Энди тилингнинг азобини ўзинг торт»,–деб ғойиб бўлибди. Бу воқеани эшитган шоҳ жуда ҳайратда қолибди. Ҳасанни роса қидиртираётганда унинг ўзи шоҳдан узр сўраб, саройга кириб келибди. Шоҳ Ҳасаннинг барча гуноҳларидан кечиб, уни ўз хизмати ва ҳимоясига олибди. Шундан буён Ҳасан сариқ рангдаги либос кийиб юрадиган бўлибди. Шу ерга келганда, Хусрав Деҳлавий сариқ рангнинг сифатларини тасвирлаб ҳикоясини якунлайди.

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида якшанба куни Баҳром олтин ранг либос кийиб, тулпор от миниб овга чиқади. Овда у шер билан жанг қилиб, уни енгади. Кечга яқин Баҳром олтин қасрга қайтиб, ухлаб қолмаслик учун иккинчи иқлим шоҳи қизидан қуйидаги афсонани эшитади.

Мағриб гўзалининг афсонаси:

Хитойда бир Хўжа бўлиб, унинг бойлигининг ҳисоби йўқ экан. Хўжанинг Салим номли ўғли бор экан. Салим жуда сахий ва ростгўй бўлгани учун ҳамма уни ҳурмат қиларкан. Отасининг вақт-соати етгач, у боқий дунёга рихлат қилибди. Салим отасининг ҳурматини жойига қўйиб, гумбазли ёдгорлик ўрнатибди, отасидан мерос бўлиб қолган бойликнинг бир қисмини эса вақф ишларига топширибди. Салимнинг Солим исмли дўсти бўлган экан. У Солимга моддий ёрдам бериб турибди. Кунлардан бир куни эса уни саёҳатга таклиф этибди. Солим дўстининг лутфу иноятидан беҳад хурсанд бўлиб, унинг билан сафарга отланади. Улар жуда кўп шаҳарларни айланадилар. Йўлда турли воқеалар гувоҳи бўлишади. Салим Сиймбар исмли қизни яхши кўриб қолади. Сиймбар ҳам уни севади. Солим эса уларнинг севгисига ҳасад қилади. У Салимни нобуд қилиб, Сиймбарни ўзиники қилиб олиш йўлларини ўйлай бошлайди. Бундай имконият улар денгиз саёҳати чоғида пайдо бўлади. Кема бир оролга

келиб тўхтайди. Улар тоғнинг денгиз билан туташган бир гўзал қояси саҳнига дам олгани чиқишади. Солим ўзининг жирканч мақсадларини рўёбга чиқаришга киришади. У аввал Сиймбарга ўз севгисини изҳор қилиб кўради. Лекин Сиймбар Салимни севишини ва унинг учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканлигини уқтиради. Шундан сўнг Солим тоғда акс-садо уюштириб, шу аснода қоя олдида турган Салимни денгизга итариб юборади. Бахтли тасодифга кўра Салим омон қолиб, Хитойга кетаётган кемадагилар уни кўтариб оладилар. Бир ҳафтадан сўнг кема Хитойга етиб боради. Маълум вақт ўтгач, Салим уйига қараб сафарга чиқади. Йўлда ғаройиб ҳодисалар рўй беради. Биринчи кечаси у йўлда кетаётиб чуқурга тушиб кетади, чоҳдан тонгга яқин зўрға қутулиб чиқади ва ўз йўлида давом этади. Тоғлар ва ўрмонларни босиб ўтади, мева, турли гиёҳларни еб, эсон-омон қолгани учун тангрига шукр қилади. Бир кун у қоялар орасидан ўтиб кетаётганида бир ғорни кўриб қолади. Унинг ёнида булоқ, булоқ олдида бир дев маст ҳолда ўтирар эди. Дев одам гўштидан кабоб қилиб ер эди. Буни кўриб Салим қўрқиб кетибди. Дев эса Салимни сезиб қолиб, уни ёнига чақирибди. У мажбур бўлганидан девнинг ёнига келиб ўтирибди. Кўп шароб ичган дев уйқуга кетибди. Шу чоғ Салим кабоб сихларини ўтда қизартириб, сўнгра девнинг кўзларига уради. Гангиб қолган дев ерга йиқилибди. Салим фурсатдан фойдаланиб, қулаган девни темир занжир билан уриб ўлдирибди. Сўнгра зудлик билан бандиларни озод қилиб, у ердан қочиб қолишибди. Кечга яқин Салим йўлда филдай баҳайбат аёл девни учратибди. Девнинг жаҳли чиқиб, Салимга «Сен ким ва бу ерда нима қилиб юрибсан?»–деб ўшқирибди. Салим тезда ўзини ўнглаб олиб, эркак дев унинг ҳузурига шароб олиб келишга юборганлигини айтибди. Дев бир оз таскин топиб: «Мен у билан кечагина айш-ишрат қилган эдим, энди эртадан кейин бораман, ҳозир менда унинг учун шароб йўқ», деб жавоб берибди ва йигитни ўз қучоғига босиб, меҳмондорчиликка таклиф этибди. Бу дев ҳам ғордаги бир хонага кириб, одамларнинг гўштини сихга тортиб, кабоб қила бошлабди. Сўнгра шароб ичиб, базм қурибди, кўп кабоб ебди. Ахири кўзи уйқуга илинганда Салим оҳиста ўрнидан туриб, қамалган одамларни озод қилиб, бу ердан ҳам қочиб қолибди. Ўрмонда кетаётганида эса бир шерга дуч келибди. У Салимдан раҳм-шафқат истаётгандай ғалати назар ташлабди. Салим бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, шерни қўйиб юборибди. У эса Салимга гўё орқамдан юр, деб имо-ишора қилгандай қарабди. Йигит шер орқасидан изма-из борибди ва катта хазинанинг устидан чиқибди. Шундай қилиб Салим катта давлат билан она юртига қайтиб келибди. Дўсти Солимнинг фожиали ўлимини эшитиб қаттиқ қайғурибди. Онасининг тириклигидан хурсанд бўлибди, Сиймбар билан учрашиб, тўй-томошалар қилибди.

Эртак инсоннинг яхши хислатларини мадҳ этиш билан тугайди.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида якшанба куни иккинчи иқлимдан келган дарвиш Олтин қасрда Баҳромга Зайд Заҳҳоб ҳақида қуйидаги ҳикояни айтиб беради:

Рум шоҳининг саройида Зайд Заҳҳоб исмли моҳир заргар бўлган экан. Шоҳнинг яқин одами, суҳбатдоши ва табиби ҳам ўша заргар экан. Бошдан-оёқ ҳунар эгаси бўлган заргарнинг битта айби бор эди – у ҳам бўлса фирибгар ва айёр экан. Вақти келганда шоҳ молига хиёнат қилишдан ҳам тоймас экан. У ўзининг усталиги ва айёрлиги билан шоҳнинг кўнглини эгаллаган бўлиб, Навоий унга қуйидаги таърифни беради:

Рум аро заргаре эди моҳир,
Иши элга қуёш киби зоҳир.
Дам анга субҳу кўра жирми сипеҳр,
Ҳар бир олтун кулича давраи меҳр.
Рум шоҳи қошида жоҳ анга,

Шоҳе хурдида коргоҳ анга.
Шаҳрда соҳиби иёр ҳам ул,
Шаҳ қошида хазинадор ҳам ул.
Неча кондин неким чиқиб зару сийм,
Бўлур эрди бори анга таслим.
Зоти аҳли ҳунар мабоҳоти,
Зайд Заҳҳоб ўлуб анинг оти.
Ҳам ҳаким эрди, ҳам муҳандисваш,
Гоҳ зарпош эди ва гоҳ заркаш.
Туну кун шоҳнинг надими ҳам ул,
Пойи тахти аро ҳакими ҳам ул.
Бошидин то аёғ ҳунар эди пок,
Айб анга буки эрди кўп бебок.

Кунлардан бир кун у шоҳни олтин тахт ясашга кўндиради. Шоҳ унга икки минг ботмон олтин бериб, тахт қуриб беришни топширибди. У туну кун тинмай, бир йил деганда тахтни зеби зийнатлаб тайёр қилибди. Тахт саккиз қиррали бўлиб, унда саккиз минорача мавжуд, улардан тўрттаси баланд, тўрттаси паст экан. Пастки миноралларда тўтилар ва баландларида товуслар тахтга зеб бериб ўтиришаркан. Тахт шундай усталик билан ясалган эдики, унга подшоҳ чиқмоқчи бўлса, зинапоялари унинг мақдамига келиб, яна кўтарилар экан. Шоҳ тахтга ўтириши билан тўртта минорадаги тўтилар: «Шоҳ мурод-мақсадига етсин, унинг бу тахти боқий бўлсин!»– деб айтишар экан. Тўрт товус эса хумо қушидек шоҳга қанотларини ёйиб, бахту иқбол тилаётгандек унга соябон бўлиб турар экан. Тахтнинг таажжуботларидан яна бири шундаки, шоҳ уни қай томонга буришни истаса, арзимаган ишора билан у ўз жойини ўзгартириб, ишорат қилинган томонга қараб ўзи ҳаракат қилар экан.

Шоҳга бу тахт жуда маъқул келибди ва заргарни бағоят катта эҳсонлар билан тақдирлабди. Лекин саройдагиларнинг айримлари Зайд Заҳҳобнинг бу ҳунарида қаллоблик борлигини бошидаёқ сезишган экан. Чунки Зайд Заҳҳоб тахтнинг асосини кумушдан ясаб, унинг устигагина олтин сарфлаган эди. Зайднинг бу қаллоблигини ҳеч ким подшоҳга айтишга ботина олмас экан. Чунки шоҳ Зайдни ҳаммадан ҳам яхши кўрар, унга бутунлай ишонар экан. Сарой аҳли йиғилиб, Зайд Заҳҳобнинг бу фирибгарлигини фош қилишга қарор қиладилар. Улар буни амалга ошириш учун икки тўтидан бирини «Тахт рўкашдур», иккинчисини «Мусаннифи ғашдур» деган сўзларга ўргатиб, тахтдаги икки тўтини улар билан алмаштириб қўйибдилар. Эртаси тонгда шоҳ ўз тахтига ўтиргач, бояги тўтилар Зайд Заҳҳобнинг қаллоблиги ва олтинларни ўзлаштирганлигини ошкор қиладилар. Шоҳ ҳайратга келиб тахтни эговлатиб кўрса, унинг усти олтин, лекин ичи кумушлиги маълум бўлибди. Шоҳ дарғазаб бўлиб, Зайднинг бор молу мулкини мусодара этиб, ўзини чоҳга ташлатади. Зайд ташланган чоҳнинг оғзи тор, туби кенг экан. Ундан шу вақтгача бирорта ҳам маҳбус тириклайин чиқмаган экан. Зайд қутулиш тадбирини ўйлаб топади. У ўзига бериб туриладиган сувни тежаб, ундан лой қориб, секин-аста юқорига чиқадиган зиналар қура бошлабди. Ташналик уни ҳолдан тойдирса ҳам, у сабр-матонат билан ўз нафсини жиловлабди. Кўп машаққатли кунлардан сўнг чоҳдан чиқиб, Фарангистонга, сўнгра эса Қустантинополга қочибди.

У ерда шаҳарнинг ташқарисида бир бутхона бор экан. Бутхонанинг теварак-атрофи қимматбаҳо тошлар билан безатилган экан. Бутхона токчаларига эса олтиндан ишланган бутлар жойлаштирилиб, будпарастлар ана шу ҳайкалчаларга сиғинишар экан. Бутхона ўз дарвозаси ва қўриқчиларига ҳам эга экан. Дарвозалар ибодат вақтида очилиб, сўнгра

беркитиб қўйилар экан.

Зайд Заҳҳоб ана шу бутхонани ипидан игнасигача текшириб чиқиб, олтину қимматбаҳо тошларни ўмариш тадбирини туза бошлабди. Зайд Заҳҳоб ўз ишини будпарастларнинг расм-русумларини ўрганишдан бошлабди. Кўп ўтмай, у уларнинг диний маросим ва ибодатларини шу қадар мукаммал ўрганиб олибдики, ҳатто бунга будпарастларнинг ўзлари ҳам қойил қолишибди. У кеча-кундуз дайрдан чиқмай ибодат қилар, уни зиёрат қилиш билан банд бўлар экан. У ҳар бир ҳайкалчага сидқидилдан сиғинар, унга баланд ҳурмат билан ибодат қилар эди. Шу тариқа у будпарастларнинг эътиборига сазовор бўла бошлабди. Кўпчилик будпарастлар уни ўзларига раҳнамо деб тайинлабдилар. Натижада, Зайд Заҳҳоб бутпарастларнинг буюк диний арбобига айланибди.

У катта обрў ва ишонч қозонгандан сўнг, ўзининг ўғрилик тадбирларини амалга оширишга киришибди. Зайд бирин-кетин бутхонадаги олтину кумуш ва қимматбаҳо ашёлардан тайёрланган ҳайкалчаларни тоғдаги ғорга олиб бориб, уларнинг ўринларига худди шундай, лекин қалбаки бутларни ўрнатиб чиқибди. Хуллас, Зайд бутхонада қимматбаҳо нимаики бўлса, уларнинг ҳаммасини алмаштириб бўлгач, ватанига қайтиш тараддудини кўра бошлабди. Бунинг чорасини топгач, у бутпарастларга ватанига бориб келиши зарурати туғилганлигини айтибди.

Шунда бутпарастлар ундан хафа бўла бошлашибди. Зайд Заҳҳоб будпарастлар олдида таъсирчан нутқ сўзлабди. У ватанига «Лот ва манот» бутларининг онаси вафоти ҳақидаги карамотлари туфайли кетаётганлиги ва унга мерос бўлиб қолган катта бойликни бутхонага олиб келиб, унинг турли ҳожат ва харажатларига сарфлаш нияти борлигини айтибди.

Бутпарастлар буюк диний арбобнинг ватанига бориб, эсон-омон қайтиб келишига йиғисиғи аралаш дуо қилишибди, унга совға-саломлар инъом этишиб, охири хайрлашиб қолишибди. Зайд Заҳҳоб тоғда яшириб қўйган барча бойликларни кемага орттириб, бутпарастларга уларни лақиллатгани ҳақида бир энлик мактуб қолдириб, ватанига жўнаб кетибди.

Зайд Заҳҳобнинг йўқлиги Рум подшосининг дардига дард қўша бошлабди. Чунки унинг дардига давони фақат Зайд билар экан. Кундан кунга аҳволи ёмонлашаётган подшоҳ тез-тез ҳаким Зайдни ўйлай бошлайди, унинг ёнида йўқлигидан афсусланар эди.

Шу аснода Зайд ҳам Румга кириб келади, бутун бойликларини бир махфий жойга бекитиб, шоҳ ташлаган чоҳга кириб, занжирларини бойлаб олади.

Бу ҳолни зиндончи шоҳга хабар қилибди. Шоҳ ўзида йўқ хурсанд бўлиб, Зайд Заҳҳобга катта мурувватлар кўрсатиб, уни саройга келтиришни буюрибди. Зайд Заҳҳоб қатор шартлар қўйибди. Шулардан бири унинг ушбу чоҳга тушишига ва подшоҳ билан алоқасининг узилишига сабабчи бўлган душманларини жазолаш эди. Подшоҳ Зайднинг бу талабини зудлик билан бажо келтирибди. Зайд Заҳҳоб подшоҳ ҳузурига келибди, уни уч-тўрт кун ичида дарддан халос этибди. Подшоҳнинг кайфияти чоғ бўлгач, унга бошидан ўтган ғаройиб ҳодисаларни бирма-бир сўзлаб берибди. Зайднинг бутпарастлар ичидаги саргузаштлари шоҳни ҳангу манг қилиб қўйибди. Зайд бутхонадан ўғирланган бойликларни подшоҳ хазинасига тўкибди. Шундай қилиб, шоҳ Зайдни янада севиб, у билан қаттиқроқ дўстлашибди, ҳузурига уни яна яқинлаштириб, унга саройдаги энг баланд мансаблардан бирини берибди.

Шоҳнинг ҳукми билан олтин бутларнинг ҳаммаси буздирилиб, бир қисми дин аҳлларига бўлиб берилибди. Шоҳ уларга зарбоф тўнлар инъом қилибди. Шу хурсандчилик муносабати билан зиндонда сарғайиб ётган маҳбуслар ҳам озод қилинибдилар. Олтиннинг хосияти туфайли мамлакатда шоду хуррамлик анчагача ҳукм сурибди.

Шоҳ Баҳром бу дарвешнинг ҳикоясини эшитиб шод бўлибди ва унинг кимлигини сўрабди.

Дарвеш Рум мамлакатидан келганлигини ва Зайд Заҳҳоб унинг бобокалони эканлигини айтибди. Баҳром хурсанд бўлиб, уни ўз хизматига олибди ва дарвешнинг бу ҳикоясидан роҳатланиб, то қуёш чиққунига қадар чуқур уйқуга кетиб, кўзларини очмабди.

Алишер Навоий қаламига мансуб «Сабъаи сайёр»нинг Зайд Заҳҳобга оид ҳикоясининг мазмуни ва сюжетидаги айрим лавҳаларнинг типологик ўхшашликларини қадимги ҳинд ҳикояси «Катхасаритсагара»нинг (1063–1081) айрим лавҳаларида кўриш мумкин. Хусусан, «Шива ва Мадхава тарихи» ҳикоясидаги бош қаҳрамонлар Хусрав Деҳлавийнинг Ҳасани ва Навоийнинг Зайд Заҳҳоби каби олтин ва қимматбаҳо тошларни сохталаштириш орқали Уддаини шаҳрининг бош диний пешвоси Шанкарасвамиини шилишади. Айниқса, Навоий асаридаги Зайд Заҳҳобнинг Қустантинополда бутпарастларнинг ибодатхонасида қилган фирибгарликларини Шиванинг Сипра соҳилидаги ибодатхонага айёрона кириб олиб, подшоҳ ва шаҳарликларнинг ишончини қозонгач, қилган макру ҳийлалари билан солиштириш мумкин. Бу ўринда ҳар иккала асарнинг сюжет чизиқлари, қаҳрамонларнинг характери ва ҳатто воқеаларнинг баёнида ҳам бир-бирларига жуда яқин ҳолатлар мавжудлигини ҳикояларни юзаки қарашнинг ўзидаёқ яққол кўриш мумкин. Навоий ҳикоясида Зайд Заҳҳоб шунча номақбул хатти-ҳаракатлар ва қилмишлардан кейин ҳам ўлим тўшагида ётган шоҳни тузатади ва ўғирланган бойликларни хазинага топширгач, яна шоҳнинг надими – яқин дўсти ва саройда мансабдор киши бўлиб қолаверади.

Ҳинд эртагида эса муттаҳам Шива билан Мадхава шунча жиноий ишларни қиладилар, гуноҳларини исботлаш имконияти йўқлиги ва режаларнинг айёроналиги туфайли жазодан қутулиб қоладилар ва подшоҳ паноҳида бахтли ҳаёт кечиришда давом этадилар.

Навоий ҳикоясида подшоҳ ўлим тўшагида ётади, Зайд Заҳҳобгина унинг дардини тузатиш сирларини билади. Ҳинд ҳикоясида ҳам бу детал мавжуд. Лекин «Сабъаи сайёр»дагидан фарқли ўлароқ, «Шива ва Мадхава тарихи»да ўзини Мадхава ёлғондан ўлар ҳолатда қаттиқ касал бўлган киши қилиб кўрсатади. Уни дўсти Шива гўё қойилмақом қилиб тузатиб, шуҳрат қозонади. Бу эса икки муттаҳам томонидан шаҳар бош руҳонийининг катта бойлигини ўмариш учун сабаб бўлади.

Шундай қилиб, бу турли даврларга мансуб бўлган икки ҳикояда мавзу, образлар ва бошқа бадиий жиҳатларининг бир-бирига ўхшашлиги, биринчидан, ҳар бир асарнинг фарқли томонларини аниқлаш имконини берса, иккинчидан, бу мавзунинг маълум тарихий давр мобайнида қандай ўзгаришларга учраб такомиллашганлигининг гувоҳи бўламиз. Натижада биз ҳикоядаги умумий манзарани, асарнинг қадимий типларини аниқлаш ва ижодкорнинг индивидуал қирраларини ўрганиш имкониятига эга бўламиз, Навоийнинг бу ҳикояни яратишдаги новаторлиги нимада эканлигини ёрқин тасаввур этамиз.

Юқорида айтилган ўхшашликлардан қатъи назар Навоийнинг Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикояси Шива ва Мадхаванинг саргузаштлари ҳақидаги асардан композицион тузилиши, стилистикаси ва қўйилган вазифаларнинг ҳал қилиниши жиҳатидан фарқ қилади. Энг муҳими, бу икки ҳикояда уларнинг бадиий қимматини туширадиган бир хиллик, бир-бирларини юзаки такрорлайдиган қайтариқ ва услублар йўқ. Бундай ҳолни Хусрав Деҳлавийнинг Ҳасан тўғрисидаги ҳикоясига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Алишер Навоий бу мавзунинг асосини Хусрав Деҳлавийнинг иккинчи ҳикоясидан истифода қилган, лекин ундан шундай фойдаланганки, натижада ўзининг ғоявий-бадиий йўналиши, ҳикоянинг композицион тузилиши ва масалаларнинг қўйилиши жиҳатидан мустақил ижодий асар вужудга келган. Бу ўринда шоир Хусрав Деҳлавий ҳикоясининг адабий анъанасидан келиб чиқиб, унинг шаклидангина озуқланган.

Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоийларнинг иккинчи ҳикоялари, баъзи деталларни

эътиборга олмаганда, бир-бирига жуда яқин. Ҳар иккала асар шарқда машҳур бўлган сюжет асосига қурилган фирибгар ва қаллоб заргарнинг саргузаштларига бағишланган. Ҳар икки ҳикоянинг экспозицияси заргарнинг маҳорати, унинг санъатининг юксаклиги билан бошланади. Навоий Хусрав Деҳлавийга нисбатан Зайдни табибликда тенги йўқ шифокор, фалсафа бобида беқиёс файласуф, хуллас, ҳар жиҳатдан уста ва уддабурон инсон сифатида таърифлайди. Зайд ва Ҳасаннинг салбий хусусиятлари битта – ҳийлагарлик ва фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришдир.

Зайд ва Ҳасан билан боғлиқ бўлган сюжет воқеалари тез ривожланади. Хусрав Деҳлавийда Хуросонда энг моҳир уста бўлган Ҳасан шоҳдан фил ясаб бериш учун 100 ман олтин олган бўлса, Навоийнинг Зайд Заҳҳоби шоҳ учун тахт ясаб бериш учун 1000 ботмон олтин олади. Ҳар иккала устага иш бажарилгач, маълум даражада мукофот берилади. Шундан сўнгги воқеалар Ҳасан билан Зайднинг олтиндан ўмариб қолганликларини сезган ҳасадчиларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Аммо асарнинг кульминацияси, яъни муттаҳамларнинг ҳийлаларини фош қилиш манзараси иккала асарда ҳам оригинал ва ўзига хосдир.

Ҳасаннинг бири ғанимларга филни қандай қилиб ўлчаш мумкинлигини айтиб берган хотини орқали фош этилса, Зайднинг қаллоблиги ўргатилган тўтиларнинг сўзлари орқали очиб ташланади. Бу ўринда подшоҳнинг жазосидан қўрққан Зайднинг душманлари сирни воқеалардан четда турган ҳолда фош этишади. Чунки подшоҳ ҳамма нарсада Зайдга ишонч билдирган, унинг билан дўстлашиб қолган.

Хусрав Деҳлавийда Ҳасаннинг шоҳ олтинини ўзлаштириши унинг меҳнатининг ниҳоятда паст баҳоланиши билан боғланади. Ҳасан иқтисодий жиҳатдан қийналганидан шу ишга қўл уради.

Хусрав Деҳлавий бу образ орқали ўз замонасидаги ҳунармандларнинг аҳволи аянчилигини, ҳокимларнинг шафқатсизлигини, яъни бу мавзунинг ижтимоий характерга эга эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Алишер Навоий эса унинг сабабларини айтмайди, чунки унинг даврида ҳокимларнинг ҳаётида бу ҳол одат тусига айланган эди. Шунинг учун ҳам шоир Зайд Заҳҳоб образи орқали ўз даври давлат тузумидаги психологик муҳит билан ўқувчиларни таништириш орқали ўз даврининг ижтимоий характерга эга бўлган камчиликларини танқид қилади. Навоий асарининг бадиий кучи шундан иборатки, унда ҳаққоний ҳаёт воқеаларини диққат билан кузатиб боришга ундайди.

Хусрав Деҳлавийнинг асарида, С. Йўлдошева тўғри аниқлаганидек, Зайднинг меҳнатини тақдирлаш масаласида қандайдир мантиқий номувофиқлик бор. Чунки Ҳасан подшоҳдан 100 ман олтинни филни ясаб бермасидан олдин олган эди. Демак, устани бу маблағ қаноатлантирмаганлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади.

Шундан сўнг, асарнинг ечими ҳал этилади. Ҳасан қасрнинг баланд биносидаги маҳбусхонада жазо муддатини ўтаса, Зайд Заҳҳоб чоҳга ташланади. Ҳар иккала қаҳрамон ақл-фаросати ва уддабуронлиги туфайли тутқунликдан қочадилар. Натижада Ҳасан яна шоҳга яқин уста бўлиб хизмат қилса, Зайд ҳам шоҳни дарддан қутқазади ва хазинага катта бойлик топширгач, саройнинг энг эъзозли кишиларидан бўлиб қолади.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳар иккала ҳикоя кўп томонлари билан бир-бирига яқиндир. Лекин Навоий Ҳасан прототипи билан боғланган ҳикоясини Хусрав Деҳлавийнинг асосий сюжетидан истифода қилган ҳолда, бой фольклор материалларини қайта ишлаб, асарга мустақил янги йўналиш беради. Масалан, Алишер Навоий Зайд Заҳҳобнинг қаллоблигини тўтиларни алмаштириш орқали фош қилса, Хусрав Деҳлавийда Ҳасаннинг хотинини ишга солган ғанимлар сирни очадилар. Навоий Хусрав Деҳлавий тутган бу йўлни

қабул қилмайди. Чунки бу метод унинг эстетик принципларига зиддир. Чунки шоирнинг ҳамма асарларида аёлларга нисбатан катта ҳурмат ва эътибор туйғуси устивор туради.

Шуни ҳам таъкидламоқ керакки, бу типологик қиёслаш ва ҳикоялар ўртасидаги ўхшашликлар Алишер Навоий ижодининг эволюцияси ва шоирнинг ижодий изланишлар жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Навоийнинг асар мазмуни ва композициясига киритган янгиликлари унинг ижодий принциплари билан бевосита боғлиқдир. Навоий Зайд Заҳҳоб типи орқали ўтмишнинг тарихий ҳақиқатини ва хусусан ўзи яшаб ижод этган давр воқеаларини ҳам акс эттиришни олдига мақсад қилиб қўйган.

Шундай қилиб, асарларнинг бир-бирларига ўхшашлиги, энг аввало, сюжет чизиқларининг умумийлигида кўринса, уларнинг типологик хусусиятлари қаҳрамонларнинг характери ва уларга боғлиқ бўлган воқеалар билан боғланади. Бу ўринда ҳар иккала шоир ўз қаҳрамонларининг салбий хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаб, улардаги ижобий хусусиятларни объектив равишда кўрсатиб ўтадилар. Ҳар иккала асар сюжет чизиқларидаги яна муҳим бир ўхшашлик Зайд билан Ҳасаннинг олтин ўғирлашда бир йўлни – фирибгарликни танлаганларидир.

Ҳикоялардаги ҳокимлар образлари ҳам бир-бирларига монанд. Ҳар иккала асар муаллифи шоҳ образи орқали мураккаб ва зиддиятли шахсни ифодалашиб, уларнинг хатти-ҳаракатлари билан мамлакатдаги адолатсизлик ва ноҳақликни очиб ташлашган. Дарвоқе, айрим деталларни тасвирлашда, хусусан шоҳ характерининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган воқеаларни Алишер Навоий ҳақиқатга яқинроқ қилиб тасвирлайди. Чунончи, Хусрав Деҳлавийда шоҳ Ҳасаннинг маҳбусликдан усталик билан қочганлигига қойил қолиб, ўзига яна яқинлаштирса, Алишер Навоийда эса бу детал бошқача ҳал қилинади. Ўлим тўшагида ётган шоҳ Зайд Заҳҳобнинг нажоткор эканлигини тушуниб етиб, унинг гуноҳларидан кечган ҳолда яна саройга чақиртиришга мажбур бўлади ва уни вазир қилиб тайинлайди. Бу ўринда ўз манфаатларини кўзлаган шоҳ яна жиноятчи билан тил топишади.

Алишер Навоийнинг бу сюжетга мурожаат қилгани бежиз эмас. Чунки бу сюжет шоирнинг яшаб ижод этган даври воқеаларини акс эттириши учун айнан мос келадиган мавзуни ўз ичига олган эди. Хусусан, Навоий бу сюжет орқали Султон Ҳусайн ҳукмдорлиги даврида унинг салтанатида рўй бераётган салбий воқеаларни ва давлатни бошқараётган нопок шахсларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиришни асосий мақсад қилиб қўйган бўлиши керак.

Низомийнинг «Етти гўзал» достонида душанба куни Зангори қасрда учинчи иқлим шоҳининг қизи Нозпарий Баҳромга қуйидаги ҳикояни айтиб беради:

«Румда Бишр исмли бир оқил, доно ва диёнатли киши бўлган экан. У покиза ва яхши хотинга уйланишни орзу қилар экан. Бир куни кўчада кетаётганида унга бир гўзал аёл учрайди. Бишр уни севиб қолади. Лекин ўзини босиб, севги ҳиссиётларини тийибди. Шундай бўлсада, ўзини гуноҳкор билиб, Қуддусни зиёрат қилишга қарор қилибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, охири Қуддус шаҳрига кириб келибди, авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиб, тангридан унинг пок нияту истакларининг амалга ошишида мададкор бўлишини илтижо қилибди. Қуддусни зиёрат қилишни якунлагач, ватанига қараб йўл олибди. Йўлда унга Малиха исмли бир киши ҳамроҳ бўлибди. У шундай диёнатсиз ва шилқим эканки, бутун сафар давомида Бишрнинг жиғига кўп тегибди. У бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, Бишрга канадек ёпишиб олар экан. Унинг устига у шундай мақтанчоқ эканки, дунёда ундан улуғ ва билимдон киши йўқ эмиш. Дунёдаги барча ғаройибот ва сирли воқеаларнинг ҳаммасига унинг жавоби тайёр эди. Йўловчилар кўп юришибди, охири бир булоқ олдига келиб дам олишибди. Булоқ гўё кўзачага ўхшаб кўринар экан. Малиха яна ўз билимдонлигини давом эттириб: «Бу кўзача қаердан сувсиз чўлда пайдо бўлиб қолдийкин, буни ҳам Тангри кўмиб

кетгандир?» деб киноя қилибди. Бишр: «Бу ҳам Тангрининг каромати, ана шу туфайли бирор яхши киши чўлда сен билан менга ўхшаганлар сувсиз ўлиб қолишмасин деб қумга кўмиб кетган»,– деб жавоб берибди. Малиха Бишрнинг устидан кулиб, уни нодонликда айблабди ва: «Бу кўзачани овчилар қушлар учун қопқон қилиб кўмганлар»,– деб ўз билганидан қолмабди. Улар булоқнинг сувидан тўйиб-тўйиб ичибдилар, овқатланиб дам олибдилар. Сўнгра Малиха булоқ сувида чўмилмоқчи бўлибди. Бишр сувни ифлос қилмасликни, ундан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишлари кераклигини қанча тушунтирмасин, бари бир гапга қулоқ солмай, кийимларини ечиб булоққа шўнғибди. Аслида бу булоқ эмас, таги чуқур қудуқ экан. Малиха унинг тагига етаман, деб чўкиб ўлибди. Бишр унинг жасадини сувдан чиқариб, кўмибди ва бўлиб ўтган воқеалардан қаттиқ таъсирланиб, Тангрига бир қултум суви учун таҳсинлар айтиб, Малиханинг кийим-кечакларини кўздан кечирибди. Унинг чўнтагидан 1000 динор олтин чиқибди. Бишр Малиханинг уйини топиб, унинг нарсаларини оиласига беришга қарор қилибди. Малиханинг уйини кўп қидиргач, зўрға топибди ва эшигини тақиллатибди. Эшикни Малиханинг хотини очибди. Бишр бўлиб ўтган воқеани гапириб бериб, Малиханинг қолган нарсаларини унга топширибди. Бу воқеани эшитган хотин жуда хурсанд бўлиб кетибди ва Малихадан қутулганига юз шукур қилибди. Бишрнинг ҳалол, пок ва диёнатлилигига қойил қолибди ва Бишрга ўзини хотин қилиб олишни таклиф этибди. У юзини очган экан, Бишр унинг жамолидан илгари севиб қолган аёл эканлигини кўриб жуда хурсанд бўлибди. Тўй-томошалар бўлиб, икки севишган бахтли ҳаёт кечирибдилар.»

Низомий Бишрнинг бу бахтли ҳаётини яшил ранг бўёқлар билан безаб ҳикояни тугатади.

Нодар Цицишвилининг ҳикояси билан Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларини солиштириб чиққан олим Б. Т. Руденко Цицишвилининг иккинчи эртаги билан Низомийнинг учинчи ҳикояси ўртасида айрим ўхшашликлар борлигини айтади. Лекин олим тўғри айтганидек, бу ўхшашликлар грузин эртагининг негизи Низомийнинг учинчи ҳикояси, деган хулоса чиқаришга асос бўла олмайди, албатта. Бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатдики, Нодар Цицишвилининг иккинчи эртаги Алишер Навоийнинг биринчи ҳикояси билан айнандир, шунинг учун Нодар Цицишвилининг мазкур эртагининг прототипи Алишер Навоийнинг биринчи ҳикояси эканлигига шубҳа йўқ. Б. Т. Руденко Нодар Цицишвилининг иккинчи эртагини Навоийники билан солиштириб чиқмаган кўринади. Шунинг учун у бу грузинча эртакни шоирнинг ўзи тўқиган бўлса керак ёки бошқа бирор манбадан фойдаланганга ўхшайди, деган хулосага келади. Масалага диққат билан қаралса, бу ҳикоянинг Навоий достонидаги Ахий билан Фаррух ҳақидаги ҳикоянинг айнан ўзи эканлиги маълум бўлади. Ҳар иккала асарда бир мавзунинг ўзгинаси ёритилган бўлиб, ҳатто улардаги қаҳрамонларнинг номлари ҳам бир хилдир. Бу фактлар грузин шоири Нодар Цицишвилининг Навоий ижодидан унумли фойдаланганлигининг ёрқин мисолидир.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида душанба куни Яшил қасрда Баҳром иккинчи иқлим шоҳининг қизидан қуйидаги мазмундаги ҳикояни тинглайди:

«Ҳиндистонда бир адолатли ва меҳмондўст подшоҳ ўтган экан. У мусофирларни тез-тез меҳмонга чақириб, улардан жаҳонда бўлаётган воқеа ва таажжуботлардан хабардор бўлиб турар экан. Бир кун бутун дунёни кезиб чиққан бир олим киши подшоҳнинг меҳмони бўлибди. Подшоҳ ундан кўп нарсаларни суриштириб билиб олибди. Суҳбат чоғида ҳаёт ва ўлимнинг моҳияти ҳақида гап борганда, подшоҳ ўлимнинг чорасидан бўлак ҳамма нарсаларни билиб олганлигини айтибди. Подшоҳнинг буюк меҳмондорчилигидан уялган олим унинг бу гапини эшитиб, мийиғида кулиб қўйибди. Подшоҳ бунинг сабабини кўп қистаб сўрайвергач, мусофир ўзининг руҳини хоҳлаган жониворникига ўтказа олишини айтибди. Шу чоғ подшоҳ бир пашшани ўлдириб, ундан руҳини шу пашшага ўтказишини илтимос қилибди. Мусофир ўз руҳини пашшага ўтказиб, маълум мудатга ўзи ўлади, пашша

эса тирилади. Буни билиб олган подшоҳ кунлардан бир кун бу мўъжизанинг сирини вазирига ўргатибди. Кунлардан бир кун подшоҳ ов вақтида бир кийикни ўлдиради. Шунда вазир унга руҳини кийикка ўтказишни илтимос қилибди. Подшоҳ бир зумда руҳини кийикка ўтказибди. Шу чоғ вазир зудлик билан подшоҳнинг танасига ўз руҳини киритиб, саройга подшоҳ бўлиб кириб келади. Подшоҳнинг ҳарамидан фойдаланади. Унинг хотинлари билан айш-ишрат қилиб юради. Лекин подшоҳнинг битта хотини вазирнинг ўз эрига ўхшамаётганини сезиб қолади. Вазир ҳам ундан хавфсираб, ўзини четга олиб юрар экан. Лекин хаёлида малика билан яқинлашиб, айш-ишрат қилишга майли кучли экан.

Кийикка ўз руҳини киритган подшоҳ, кейинчалик ўлган тўтига кириб олибди. Тўти эса, овчининг тўрига тушибди. Шу тариқа тўтини бозорга сотишга олиб келишибди. Бозорда бир қизиқ воқеа рўй беради. Бир бузуқ аёл одамларни тўплаб, тўполон қилаётган экан. Маълум бўлишича, бу аёлга пул майдалайдиган кишидан гўё кечаси унинг билан маишат қилганлиги учун минг динор пул талаб қилаётган экан. Бу жанжални ҳеч ким ҳал қила олмай турган бир вақтда, тўти аралашиб, жанжални ҳал қилибди. У саррофдан минг динор олиб, ойнанинг олдига қўйибди ва бояги фоҳиша аёлга бўлмаган иш учун пулнинг аксини олиши мумкинлигини айтибди. Бу ғаройиб воқеани подшоҳнинг хотини эшитиб, тўтини сотиб олибди. Тўти хотинига подшоҳ қиёфасига айланиш учун нима қилмоғи кераклигини ўргатибди. Бир вақт шоҳнинг хотини вазирни нозланиб олдига чақириб олибди. Вазир илгари шубҳаланиб юрган аёлнинг бирдан ўзгариб қолганидан таажжубга келибди ва унга бўлган муносабатининг кескин ўзгаришига сабаб нималигини сўрабди. Шоҳнинг хотини энди унинг шоҳлигига ишончи комиллигини ва унинг шубҳалари бутунлай йўқолиши учун уни эри билган ишни намойиш қилишини – яъни ўз руҳини бошқа жониворга ўтказиб кўрсатишни сўрабди. Вазир хурсанд бўлиб рози бўлибди ва ўша заҳоти бир товуқни ўлдириб, унинг жасадига кириб олибди, шу вақт шоҳ тўти жасадини тарк этиб, ўзининг илгариги жасадига кириб олибди. Подшоҳ билан малика товуқни тутиб, уни ўлдирибди. Шу тариқа хиёнаткор ва диёнатсиз вазир ўз жазосини тортибди.»

Ашраф Мароғийнинг «Ҳафт авранг» достонида душанба куни Зангори қасрда учинчи иқлимнинг шоҳи Баҳромга қуйидаги эртакни айтиб беради:

«Мисрда бир давлатманд, диндор ва раҳмдил киши бўлиб, унинг Шаҳзода исмли ўғли бор экан. Бир кун Шаҳзода овга чиқибди. Узоқдан кийиклар кўринади. Бир оз вақт ўтгач, осмонда қора булутлар пайдо бўлиб, кучли бўрон кўтарилиб, ҳаммаёқ зимистонга айланибди. Шаҳзода бу ҳолни кўриб, бир оз ваҳимага тушибди. Сўнгра эса бир неча гўзал қизлар пайдо бўлиб, улар орасидаги энг гўзали ва қомати шамшодларидан бири Шаҳзодага назар ташлабди. Шаҳзода унинг ойдек жамоли, шаҳло кўзлари ва қадду қоматини кўриб, беихтиёр қизни севиб қолибди. Бир оздан сўнг қизлар ғойиб бўлибдилар. Бу ерлар Қаҳрамон исмли девнинг қарамоғида бўлиб, унинг ерига бегона юртдагилар келганлигини эшитиб, у Шаҳзода билан жанг қилишга отланибди. Натижада Шаҳзода мағлуб бўлиб, девга асир тушибди. Қаҳрамоннинг Девсари сиёҳ исмли қизи бўлиб, у Шаҳзоданинг барно ва ботирлигини кўриб, уни севиб қолади. Қиз Шаҳзодага агар уни бахтли қилса, яъни унинг билан яқинлашса, асирликдан қутилишига ёрдам беражагини, акс ҳолда эртаси куни уни Қаҳрамоннинг даҳшатли жазоси кутаётганлигини айтибди. Шаҳзода кўп ўйлаб, унинг севги истагини бажо келтириб, бандиликдан қутулади. Шундан сўнг куч-қувватини йиғиб, девлар билан олишишга бел боғлайди. Бир ҳафта ичида у девларнинг уруғини қуритади. Бир-икки кун дам олгач, йўлга чиқади. Йўл юради, йўл юрса ҳам мўл юради. Бир вақт бир дарахт кўринади, дарахтнинг ёнида бир булоқ, булоқ олдида эса бир чол дам олиб ўтирган экан. Шаҳзода қария билан сўрашиб, унинг ёнига ўтирибди. Чол Шаҳзодани меҳмон қилиб, анчагача у билан суҳбат қурибди. Чол Шаҳзоданинг келажагини айтиб берибди. Шаҳзода ўз

бошидан ғаройиб воқеаларни кечирибди. Йўлда ялмоғиз кампир билан учрашибди, қушлар подшоси Семурғнинг ажойиб боғида бўлибди ва ниҳоят овда қизлар орасида севиб қолган парию пайкарини излаб топибди. Тўю томошалардан сўнг, Шаҳзода қизга отасидан мерос бўлиб қолган мамлакатни бошқарибди.»

Ҳикоянинг ниҳоясида ҳаёт ва гўзаллик рамзи бўлмиш яшил рангга мадҳиялар ўқилади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида душанба куни Яшил қасрда Баҳром учинчи иқлимдан келган дарвешдан қуйидаги ҳикояни тинглайди:

«Мисрда бир савдогар бўлиб, унинг яхши тарбия кўрган Саад исмли ўғли бор экан. Ўз билимларини янада ошириш мақсадида у тез-тез уйига мусофирларни олиб келиб, уларни меҳмон қилиб турар экан. Бир куни унинг уйида зангори либос кийган икки шаҳрисабзлик мусофирлар меҳмон бўлишибди. Улар Шаҳрисабзда бир ибодатхона борлигини, унда бир кеча тунаган киши ўзининг келажагини тушида билиб олиши мумкинлигини айтишибди. Шунингдек, Саад улардан ундай тушдан кейин нима қилишини билмаган кишиларга ғорда яшаётган Файлақус исмли донишманд ўз ёрдамини бериши мумкинлигини билиб олибди.

Саад ўзининг келажагини билиб олишга қарор қилиб, отасидан зўрға сафар учун рухсат олибди. Сафар юклари бир карвон бўлгач, у отасининг фотиҳаси билан йўлга чиқибди. Узоқ йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди ва ниҳоят Шаҳрисабз шаҳрига кириб келибди. Зангори либос кийган бояги икки меҳмон уни ибодатхонага олиб келишибди. Саад ибодатхонада тунаб туш кўрибди. Тушида икки қанотли иккита махлуқ пайдо бўлибди. Улардан бири:

Ким насибинг парий бўлмиш,
Ки юзи меҳри ҳоварий бўлмиш.

Иккинчиси:

Ким сени дев қилғусидур асир,
Солиб икки оёғинга занжир,–

дептилар. Саад тушида кўрган нарсаларининг таъбирини билолмай, нима қилишини билмасдан ҳайрон бўлиб ибодатхонадан чиқибди. Мазкур икки шаҳрисабзлик Саадни ғорга, Файлақуснинг олдига етаклаб боришибди. Файлақус Сааднинг қаршисига чиқиб, унинг оти, нимага келганлиги ва ибодатхонада кўрган тушини ўзи ҳеч нарса сўрамасдан гапириб берибди. Саад ҳайрон қолибди. Донишманд тушнинг таъбирини айтиб, мақсад йўлида нима қилиш кераклигини бирма-бир тушунтириб беради. Шундан сўнг Саад Шаҳрисабз шоҳининг қизига уйланиш учун қўйилган уч шартни бажаради: Қатрон номли қора девни енгибди. Донишманднинг саволларига жавоб берибди. Сеҳргарни ютиб чиқибди.

Шундан сўнг Саад Зангори қаср қуриб, бахтли ҳаёт кечирибди. Шу ерга етганда ҳикоя ҳам ниҳоясига етибди. Шунда Баҳром ровийдан унинг кимлигини сўрабди. У шаҳрисабзлик ва Саад авлодидан эканлигини айтибди. Унинг кимлиги маълум бўлгач, Баҳром уни Шаҳрисабзга ҳоким қилиб тайинлабди. Ўзи эса чуқур уйқуга кетибди.»

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида сешанба куни Лаъл қасрда тўртинчи иқлим – славян подшосининг қизи Насриннуш Баҳром Гўрга қуйидаги мазмундаги эртакни сўзлаб беради:

«Қадимда славянлар мамлакатида бир шаҳар бўлган экан. У эртаклардагидай жуда гўзал ва келинчаклардек ажойиб безатилган экан. Ана шу мамлакат подшосининг бир гўзал қизи бор экан. Унинг юзи тўлин ойдек сулув, сочлари анбар, қомати шамшод экан. У шу даражада доно эканки, ўқимаган китоби, билмаган нарсаси йўқ экан. Унинг шуҳратини эшитган йигитлар дунёнинг ҳар бир четидан унга уйланмоқни орзу қилиб келибдилар. Бири ўз бойлигини рўкач қилиб яхши кўринмоқчи бўлса, бошқаси ўз кучини кўрсатиб

мақсадга эришмоқчи бўлар экан. Унга ошиқ бўлганларнинг сон-саноғи йўқ экан. Малика тоғ қояларига қурилган қасрда истиқомат қиларди. У ўзининг расмини чизиб, шаҳар дарвозасига илдиришни буюрибди. Бу расмнинг тагида унга уйланмоқчи бўлган йигитлар учун қуйидаги шартлар ёзилган экан:

1.Никоҳ ҳалол ва яхши ниятлар билан амалга оширилмоғи керак.

2.Куёв фол сирларини топиб, ҳайкални зарарсизлантириши лозим.

3.Қасрнинг яширин йўлини топмоғи керак.

4.Маликанинг отаси саройи қабулхонасида қизнинг саволларига жавоб бермоғи керак.

Шундан сўнг, ўз кучларини синамоқ учун не-не йигитлар кураш майдонига йиғилишибди. Бечораларнинг талай қисми юқоридаги шартларни бажаролмай ҳалок бўлибдилар. Бошқа бир қисми эса умидсизланиб, жонларини сақлаб қолиш учун юртларига қайтиб кетишибди.

Бу шартларни бажариш ва маликага уйланиш қизил кийим кийган шаҳзодага насиб этади. У файласуф ёрдамида ҳамма сирларни очиб, маликанинг саволларига жавоб бериб, маъракада ғолиб чиқади.»

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида сешанба куни Лаъл қасрда тўртинчи иқлим татар подшосининг қизи Баҳромга қуйидаги мазмундаги эртакни айтиб беради:

«Мултон шаҳридан беш йигит саёҳатга чиқибдилар. Уларнинг бири – шаҳзода, иккинчиси – савдогар, учинчиси – ер кавловчи, тўртинчиси – дурадгор ва бешинчиси боғбон экан. Улар бир гўзал шаҳарга яқинлашганларида бир оз дам олишга қарор қилишибди. У ердан жуда чиройли нақшлар билан безатилган катта ибодатхона кўриниб тураркан. Ибодатхонанинг пештоқида жуда гўзал бир қизнинг расми осилган бўлиб, у расм ҳаммадан ҳам шаҳзодани мафтун этибди. Шу туфайли у шу ерда қолишга аҳд қилибди. Кеч кира бошлагач, шаҳзоданинг дўстлари унга тунагани карвон олдига кетишни таклиф этишибди, у кўнмагач, эрталаб расмнинг сирини биладиган кишини қидиришибди. Ниҳоят, улар бу сурат шаҳардаги энг гўзал қизнинг расми эканлигини аниқлашибди. Қиз қасрдаги бир хонага қамаб қўйилиб, унинг олдига фақат шаҳар ҳокимигина кириш ҳуқуқига эга экан. Қиз тўғрисидаги тафсилотни унга гул олиб келиб юрадиган кампир билар экан. Шаҳзода яширин ҳолда кампир билан яқиндан танишиб олибди. Унга қимматбаҳо совғалар бериб, қиз билан севги алоқаларини ўрнатибди. Шундан сўнг дурадгор бир уй қурибди, шаҳзоданинг ер кавлайдиган дўсти қизнинг хонасига ер ости йўли кавлаб берибди. Натижада шаҳзода қиз билан учрашиб туриш имкониятига эга бўлибди. Бир кун шаҳзоданинг савдогар дўсти шаҳар ҳокими устидан кулмоқчи бўлиб, уни уйига меҳмонга таклиф этибди. Меҳмонларни ҳокимнинг севикли қизи кутиб олибди. Шунда ҳоким уни ўз кишисига ўхшатиб, улардан шубҳаланибди ва мулозимини қасрда қизининг бор-йўқлигини билиб келишга юборибди. Шу аснода қиз тезда кийимларини алмаштириб, ер ости йўли орқали ўз хонасига борибди. Қизнинг бор-йўқлигини текшириб кўрган мулозим ҳокимни тинчлантиради. Бу ҳол уч кун такрорланади. Қиз ҳоким олдида турли кийимлар кийиб хизмат қилиб юраркан. Ниҳоят, ҳоким уни учта бошқа-бошқа қизлар бўлса керак деб ўйлабди. Мусофирлар қизни олиб, кемада ватанларига жўнаганларидан кейингина сир очилиб, ҳоким ўзини лақиллатишганини билади.

Шундай қилиб, қиз ўзининг тақдиридан миннатдор ҳолда бахтли ҳаёт кечирибди. Лекин вақти-вақти билан гул сотувчи кампирни эслаб, бир оз зерикар экан. Шу туфайли ҳам у доимо қизил либос кийиб юрар экан».

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида сешанба куни Баҳром қизил ранг либосларини кийиб, тўнғизларни ов қилади. Кечқурун эса Лаъл қасрга қайтиб, тўртинчи иқлим подшосининг қизидан қуйидаги эртакни эшитади:

«Хитойда бир ҳоким бор экан. Унинг хизматида Навжаҳон исмли художўй ва покиза

йигит бўлган. Ҳоким уни жуда яхши кўраркан. Кунлардан бир кун Навжаҳоннинг душманлари унга туҳмат балоларини ёғдирибдилар. Улар Навжаҳонни канизаклар билан алоқада айблабдилар. Ҳоким бундан дарғазаб бўлиб, Навжаҳонни мамлакатдан бадарға қилибди. Фалакнинг гардиши билан Навжаҳон бир шаҳарнинг қозиси уйида меҳмон бўлади. Йигитнинг донишманд ва одоблилигини кўриб қойил қолган қози уни ўз хизматига олади. Қисқа вақт ичида Навжаҳоннинг шуҳрати мамлакатга ёйилади. Бир кун қози анжуман чақириб, унинг ҳар бир иштирокчиси ўзи ҳақида қизиқарли ҳикоя айтиб беришади. Навжаҳон ҳам ўз бошидан ўтган воқеаларни, Хитой ҳокими саройидан туҳмат туфайли бадарға этилганини ҳикоя қилиб беради. Бу воқеа тез орада тарқалиб, унинг тафсилотлари Хитой ҳокимининг қулоғига етади. Навжаҳонни қаттиқ севган ҳоким уни ноҳақ ҳайдаганини англаб, туҳматчиларни жазолайди, Навжаҳонни эса яна ўз саройига қайтариб, энг яқин надими қилиб олади. Шундай қилиб, адолат тантана қилади.»

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида сешанба куни Баҳром Лаъл қасрда тўртинчи иқлимдан келган дарвешдан қуйидаги ҳикояни тинглайди:

«Қадим замонда Деҳлида Жуна исмли бир подшоҳ ўтган бўлиб, унинг хазинаси ва бойлигининг ниҳояси йўқ экан. Шоҳга бутун дунё мамлакатлари ва кўп халқлар тобе экан. У ўзининг адлу инсофи билан бошқа ҳокимлардан ажралиб тураркан. Жунанинг шуҳратини эшитган бир муҳтож одам денгизу тоғлар оша унинг саройига бир сават мева олиб келибди. Лекин мева эвазига шоҳдан каттароқ совға кутган бу боғбон икки-уч кун ўз хақини ололмай диққат бўла бошлабди. Ниҳоят, шоҳнинг эсига мева келтирган боғбон тушади, унинг нимага муҳтожлигини билиб, мукофотламоқчи бўлади. Боғбондан меваси эвазига нима исташини сўрашганларида: «Менга битта арра билан теша беришса бас», деб жаҳл билан жавоб қилибди. Шоҳ бу гапнинг тагида гап борлигини фаҳмлаб, боғбондан не мазмунда шундай деганлигини сўрабди. Боғбон: «Ҳикмат шундаки, қаерда шундай мева бўлса, уни арралаб, чопиб ташламоқчиман», деб жавоб берибди. Шоҳ боғбоннинг хафа бўлиб шундай деганлигига тушуниб, унга катта бойлик берибди ва боғбонни рози қилиб юборибди. Шоҳ берадиган бундай эҳсонларнинг сон-саноғи йўқ, унинг олийҳимматлигидан ҳамма мамнун экан. Бир кун шоҳнинг ҳузурига бир меҳмон келади, улар дунёдаги ажойиботлар ҳақида кўп суҳбат қуришади. Меҳмон шоҳга бир ғайри табиий кўзгу тортиқ қилади. Унинг ғаройиблиги шундаки, кимки ёлғон гапирса, кўзгуда унинг юзи қора бўлиб акс этар экан. Шоҳ меҳмонга кўп илтифот кўргузиб, катта бойлик ҳадя этибди ва унга шундай савол берибди: «Қани, айтчи, сен кўпни кўрган инсонсан, дунёни шунча кезиб, мен каби саҳий ва мурувватли кишини кўрганмисан?» Меҳмон шоҳнинг олдида хижолат чекиб, «дунёда сиздан мурувватлироқ ва сахий кишини кўрмаганман»,– деб жавоб беришга мажбур бўлибди. Шоҳ ундан кўзгуга қарашни илтимос қилган экан, кўзгуда юзи қора бўлиб кўринибди. Шунда шоҳ меҳмондан рост гапни айтишни сўрабди. У Ҳиндистоннинг Тараз деган жойида бир жаннат мисол шаҳарда Масъуд исмли саховату мурувватда яккаю ягона киши борлигини ва унга Ҳотамтой ҳам тенг келолмаслигини айтибди. Шоҳ бу гапнинг ростлигига ишонч ҳосил қилиш учун сафарга отланибди. Ниҳоят, Масъуднинг уйини излаб топади. Уй катта бир қасрдан иборат бўлиб, у жуда муҳташам экан. Қаср меҳмонлар билан тўла. Шоҳни хизматкорлар катта иззату икромлар билан уйга таклиф этибдилар. Зиёфат устига зиёфатлар бўлибди. Масъуд мусофирни меҳмондўстлиги билан қойил қолдирибди. Жуна Масъуднинг ақл-заковати, фаросати ва донишмандлигига тасаннолар айтади. Ниҳоят шоҳ Масъуддан: «Сен бундай олижанобликка ва одамшинавандаликка қандай қилиб эришдинг? деб сўрабди. Масъуд: «Эй қалби пок одам, менга бундай фазилатни энг аввало Тангри таоло ато этган, сўнгра эса, мамлакатимизнинг шоҳи ниҳоятда адолатли, унинг сояйи давлатларида ҳар бир киши бахту саодатда, тинчликда кун кечиради. Менинг бу каби обрў-эътибор қозонишимга сабаб

эса, биринчидан, Тангрининг иноятларига шукроналигим бўлса, иккинчиси, шоҳимиз ҳаққига дуо қилишим туфайлидир,– деб жавоб берибди.

Бу сўзлардан шоҳ жуда хурсанд бўлибди ва Масъуд унга жуда ёқиб қолибди. Масъуд шоҳга кўп тортиқлар қатори турли тилсимлар билан безатилган жомни ҳам ҳадя қилибди. Жомнинг хосияти шундан иборат эканки, жомнинг ичидаги май ҳеч қачон тугамас экан. Шоҳ бу жомда май ичиб кўриб, ўзи бунинг шоҳиди бўлибди. Эртаси куни базм яна давом этибди. Мезбон бир парипайкарни чақириб, соз чалишни буюрибди. Саҳнга шундай ой юзли бир гўзал кириб келадики, унинг тавсифини этишга тил ожизлиқ қиларкан. Шоҳ қалбида қизга нисбатан муҳаббат ўти ёнибди. Масъуд бу гўзал қизни ҳам шоҳга тортиқ қилибди. Эртаси куни эса шоҳ «Гулгун» номли ажойиб отнинг соҳиби бўлибди. Шу тариқа шоҳ Масъудникида бир неча кун меҳмон бўлиб, Масъуднинг ҳақиқатда ҳам мурувватли ва саховатли инсон эканлигига ишонч ҳосил қилиб қайтибди.

Тараз вилоятининг валийси Жайпур исмли киши экан. У золим ва пасткаш киши бўлиб, унинг устидан шоҳга кўп шикоятлар тушаркан. Ҳиндистон подшоҳи тахтга қайтгач, Тараз ҳокимини олиб ташлаб, ўрнига Масъудни қўйишга қарор қилган экан. Бу хабарни эшитган золим Жайпур ўзининг Баллу исмли ноиби билан бунинг олдини олиш тадбирини ўйлашибди. Улар Масъудни ўлдириб, шоҳнинг қанотини синдирмоқчи бўлишади. Жайпур агар Масъуднинг ўлимини эшитса, қалби яраланган шоҳ ўзини ўнглаб ололмайди, шунда шоҳнинг ўзини ҳам йўқ қилиб, мамлакатга ҳоким бўламан, деб фикр юритибди.

Бир кун Масъуднинг уйига Жайпур меҳмон бўлиб келади. Улар айшу ишрат қилиб, май ичадилар. Мажлис аҳли қаттиқ маст бўлади. Улар қаторида Масъуд ҳам ичкиликдан ғафлат уйқусига чўмади. Баллу фурсатдан фойдаланиб, Масъудни арқон билан боғлаб, шаҳар ташқарисидаги бир чоҳга олиб бориб ташлабди. Масъуднинг одамлари ғафлат уйқусидан уйғонишгач, унинг йўқлигидан таажжубга тушадилар ва кўп қидирадилар, ниҳоят ундан умидларини узиб мотам тута бошлайдилар. Сарой аҳли Масъуднинг маъракасини ўтказишга тайёргарлик кўра бошлайди.

Чоҳда ётган Масъуд қаттиқ азоб чекарди. Уни Баллу кўп азоблаб, ўлдиришга қарор қилади. Баллунинг гўзал, ой юзли Гулруҳ исмли қизи бор эди. У Масъудни севиб юрар экан. Лекин бу дардини ҳеч кимга айта олмас, дилидаги севгисини сир сақлар эди. Қизнинг Масъудга бўлган севгиси кундан-кунга ортиб борарди. Гулруҳ маъшуқининг зиндонда азоб чекиб ётганини эшитиб, уни қутқаришга қарор қилади. Бир кун Баллу ва унинг одамлари маст-аласт бўлиб уйқуга кетишганида, қиз икки канизаги билан зиндоннинг эшигини очиб Масъудни тортиб чиқаради ва Масъуд билан қочадилар. Бу хабарни эшитган Баллунинг одамлари уларнинг изларидан қувадилар. Масъуд билан қиз денгиз қирғоғига етиб келиб, бир кемачага ўтириб, кўздан ғойиб бўлишади. Ўн кундан кейин кема бир қирғоққа келади. Масъуд билан Гулрух отга миниб, бир шаҳар-қалъага кириб келадилар. У ердаги безори ўғрилар буларни талайдилар ва бошдан оёқ ечинтирадилар. Масъуд қизни бир холи жойда қолдириб, ўзи насибасига яраша нарса излаб шаҳарга кетади. Бозорда хизматчилар шоҳ базми учун мева-чева сотиб олишиб, уларни саройга етказадиган киши қидиришаётган экан. Масъуд ўз хизматини таклиф этибди ва ҳозиржавоблик билан мева солинган саватларни кўтариб сарой томон юрибди. Саройда у шоҳга ҳадя қилган созанда қиз ва оти «Гулгун»ни таниб, шоҳ ҳузурига келиб қолганлигидан хижолат чекиб, шоҳдан бекинмоқчи бўлибди. Лекин шоҳ уни таниб, дарҳол ҳузурига таклиф қилибди, дўстининг аҳволини кўриб қаттиқ изтироб чекибди. Масъуд бошидан ўтган воқеаларни шоҳга бирма-бир айтиб беради. Шоҳ уни ўзига дўст қилиб, баланд мартаба берибди, Баллу билан Жайпурни эса қатл эттирибди.

Шу ерга келганда ровий ўз ҳикоясини тугатибди. Баҳром бу мусофирни ўзига ҳамдам

билиб, уни Тараз юртига ҳоким қилибди.»

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида чоршанба куни Баҳром Гўр Мовий қасрда бешинчи иқлим шоҳининг қизи Озариюндан қуйидаги эртакни тинглайди:

«Мисрда Моҳон исмли бир савдогар бўлган экан. У барно ва дилбар йигит бўлиб, унинг шаҳар ташқарисида бир ажойиб боғи бор экан. Кунлардан бир кун Моҳон бир йигитни боғига меҳмонга чақирибди. Моҳон меҳмонни яхши кутиб олибди, лекин ярим кечада ўзи маст бўлиб, боғидан чиқиб, адашиб қолибди. Шу онда аллақаердан унинг олдига бир савдогар таниши келиб, Моҳон билан қуюқ сўрашибди ва уни қидириб юрганлигини айтибди. У Моҳонга карвон келганлигини ва кечаси уни шаҳарга билдирмай олиб ўтишса, катта фойда қолишини билдирибди. Моҳон гап фойда устида боргани учун ҳам тезда рози бўлибди. Шаҳар унча узоқ бўлмаса-да, улар кўп юришибди, Моҳоннинг оёқлари толиқибди. Бир вақт қараса, ёнидаги дўсти ғойиб бўлибди. Моҳон чарчаганидан йиқилиб, ухлаб қолибди. Кун чиқиб қиздира бошлаганда Моҳон ўрнидан турибди ва у адашиб тоғ қоялари олдига келиб қолганлигини англабди. Кеч киргач, у роса қўрққанидан яна ўзидан кетиб қолибди. Бир вақт кўзини очиб қараса, бир хотин билан эркак елкаларида юк кўтариб кетишаётган экан. Улар Моҳоннинг олдига келишиб, бу ерда қандай пайдо бўлиб қолганлигини сўрашибди. Моҳон бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берибди. Шунда улар уни шаҳарга таклиф қилган йигит савдогар эмас, Ҳойил номли чўл деви эканлигини айтишибди. Моҳон улар билан бирга кетаверибди. Эрталабга яқин у чарчаганидан йиқилиб ухлаб қолибди. Куннинг ярмида ўзига келса, бир ғор ичида ётган эмиш. Қўрққанидан ўрнидан туриб кетаверибди. Кечаси чўлда кетаётиб, чуқурга тушиб кетибди ва у ерда ухлаб қолибди. Ярим кечада Моҳон отларнинг чопишидан уйғониб кетади. Бир отлиқ одам Моҳоннинг олдига келиб, унинг кимлигини сўрабди. Моҳон бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берган экан, у кечаги аёл билан эркак одамхўр жинлар эканлигини, у уни бу даҳшатли жойлардан қутқаражагини айтиб, отга миндирибди. Моҳон ундан орқада қолмаслик учун отни тез ҳайдар эди. Ниҳоят тоғлар ортда қолиб, чўл бошланибди. Бир вақт чўлда ўйин-кулги, тўс-тўполон бошланиб, минглаб девлар базм қура бошлашибди. Моҳоннинг оти ҳам ўйинга тушиб кетибди. Сўнгра аждаҳога айланиб, Моҳонни ерга улоқтириб ташлабди ва фалакка учиб кетибди. Бу воқеаларни кўриб Моҳон яна ҳушидан кетади. Моҳон ўзига келгач, яна йўлида давом этибди. Сўнгра сув ичиб, чанқоғини босибди ва бир чуқурга тушиб, бир оз ухлабди. Чуқурда бир тешик бор экан. Моҳон унга кирган экан, гўзал бир боғдан чиқибди. Ифрит исмли жин Моҳонни кўриб, уни ўликлар саҳросига олиб бориб ташлабди. Охири у Хизрнинг ёрдамида бу даҳшатли ерлардан қутулиб, уйига зўрға етиб борибди. Ўшандан бери Моҳон ғамгин бўлиб, кўк либос кийиб юрадиган бўлибди».

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида чоршанба куни Баҳром Гўр Мовий қасрда бешинчи иқлим шоҳининг қизидан қуйидаги эртакни эшитади:

«Рум мамлакатида бир савдогар бўлиб, унинг ақлли, ўқимишли ўғли бор экан. У уйига мусофирларни тез-тез чақириб, улар билан суҳбат қурар ва оламдаги воқеалардан хабардор бўлиб турар экан.

Бир куни у уйига бир йўловчини таклиф этиб, уни меҳмон қилибди. Мусофир унга шундай дебди: «Дунёда мен кўрган ажойиботлар ичида бир шаҳарда рўй берган воқеалар ҳайратга солди. Шаҳарнинг ярим аҳолиси кўк либос кийиб юрар, ярмиси соқов экан. Бу шаҳар Фарандандан етти ойлик йўлда бўлиб, маълум бўлишича, у ерда бир сеҳрли ҳаммом бор экан. Унга кирган одам ё ўлар ёки ўн йил мобайнида кўк либос кийиб, ҳаммомдаги воқеалар тўғрисида лом-мим демас экан. Мен у ерга бориб, бир неча бор ҳаммомга кириб чиққим келди, лекин соқовлик ваҳимасидан қўрқиб ўзимни тийдим».

Мусофирнинг бу ҳикояси савдогар ўғлига ҳеч тинчлик бермайди. У мусофирни кўндириб,

ўша шаҳарга отланади. Бир йил юришиб, ниҳоят ўша шаҳарга етишади. Йигит ҳаммомни топиб, унинг ичига кирибди ва ғаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлибди. Ҳаммомга кириши билан у адашиб қолиб, бир ҳафта мобайнида унинг хоналарини айланиб юраверибди. Оч қолиб, сувсизликдан мадори қурибди, ҳаммомдан қандай қилиб чиқиб кетишнинг йўлини ҳеч тополмабди. Ниҳоят, ҳаммомнинг бир хонасида тешик бор экан. Йигит тешикка кирган экан, ажойиб боққа чиқибди, у ердаги мевалардан еб, тўйиб-тўйиб сув ичибди ва мажнунтол соясида уйқуга кетибди. Бир оздан сўнг уйғониб, йўлга тушибди ва баланд қасрни кўриб, у томон юрибди. Қасрда ҳеч ким йўқ экан. Йигит хоналарни кўздан кечирибди. Кечаси бир гўзал пари ўз канизлари билан кириб келиб, тахтга ўтириб, базм бошлабди. Ҳурлар маликаси қасрда биров борлигини сезиб, уни ҳузурига олиб келишни буюрибди. Йигит қўрққанидан қалтирай бошлабди. Уни излаб топган қиз йигитни тинчлантириб, маликаси ҳузурига етаклаб келтирибди. Малика йигитни турли таомлар билан меҳмон қилиб, эркалай бошлабди.

Сўнгра Низомийнинг Қора қасрда ҳикоя қилинган биринчи эртагидаги воқеалар қайтарилади. Низомийда Малика билан йигит ўртасидаги севги воқеалари 30 кун давом этган бўлса, Хусрав Деҳлавийда «бир ҳафтадан сўнг йигит чўлда пайдо бўлиб қолиб, бир қишлоққа зўрға етиб келади. Бир кампирнинг уйида туриб, сўнгра унинг чиройли қизини севиб қолади. Кампирнинг дуои фотиҳаси билан унга уйланади. Лекин қиз йигит билан яқинлашишни уй сотиб олиб, унга кўчиб киргунларигача тўхтатиб туради. Йигит уй топади, лекин кампир қизи билан ажралишни хоҳламайди, йиғи-сиғи қилиб, қизидан уни ташлаб кетмасликни илтижо қилади. Йигит кўчиб кетишга қатъият билдирганидан кейингина кампир рози бўлиб, эшакнинг қуюшқонини кийгизишни сўрайди. Йигит қуюшқонни кийгизмоқчи бўлганида эшак уни тепиб юборади. Йигит ҳушидан кетади, ўзига келса, баланд тоғнинг вулқон чиқадиган ерида ётган экан. Ўрнидан турибди ва баланд иморатни кўрибди. Иморатда бир қария турар экан, йигит унга бўлган воқеаларни бирма-бир гапириб берибди. Чол йигитга бу ерлар жинлар макони ва унинг бошидан ўтган ҳамма воқеалар уларнинг қилмишлари эканлигини гапириб беради. Чол йигитга агар мева ва ўтлар еб, камга қаноат ҳосил қилса, шу ерда қолиши мумкинлигини, агар хоҳламаса уни ушлаб турмаётганлигини айтади. Йигит чолникида қолишга қарор қилади. Чол йигитга бу атрофда одамхўр қушлар кўплигини, шунинг учун узоққа кетиб қолмаслигини маслаҳат беради. Лекин йигит чолнинг сўзларини ёддан чиқариб, узоқроқ жойга кетиб қолади ва одамхўр қушнинг домига тушади. Қуш ўз ўлжасини ғорга олиб тушаётганида бошқа баҳайбат қуш унга ҳамла қилиб, ўлжа учун тўқнашадилар. Шу фурсатдан фойдаланнб, йигит ғорга яширинади ва бир ҳафтадан сўнг ғорнинг нариги томонидан чиқади. Унга узоқдан бир шаҳар кўринади. Кечга яқин йигит шаҳарнинг дарвозасига етади. Шаҳарга кириши билан одамлар унинг бошига олтин тож кийгизишиб, уни вафот этган шоҳнинг тахтига ўтқазишади. Кечаси йигитни шоҳнинг ҳарамига таклиф қилишади. Шоҳнинг етти хотинидан энг гўзали унинг ҳузурига келиб, унга гул тутқазиб, ўз хонасига олиб кетади. Малика йигитни ҳаммомга олиб кириб ювинтиргач, сўнгра айш-ишрат бошланади. Йигит шу тариқа олти кунни шоҳнинг олти гўзал хотини билан ўтказиб, еттинчи куни ҳарам ишларини юритувчи нозир, бахтсизлик рўй бермаслиги учун шоҳнинг еттинчи хотини билан кўнгил хушлашдан йигитни воз кечишга ундабди. Йигит сабабини сўраса, билмаслигини айтибди. Лекин йигитни еттинчи гўзал ҳам жуда қизиқтирибди. У ишқ ўтида ёниб, унинг хонасига кирибди. Малика уни ҳаммомга олиб кирибди ва шу билан ғойиб бўлибди. Эрталаб йигит ҳаммомдан қип-яланғоч бўлиб чиқибди. Қараса, ҳаммомга бошлаб келган мусофир уни кутиб ўтирган экан. Йигит кўк ранг либослар кийиб, индамасдан юртига кетибди. Бу орада унинг ота-онаси вафот этибди. Йигит ўн йил соқовдай индамай юргандан кейин эса

унинг саргузаштлари ҳақидаги афсоналар халқ орасида кенг ёйилиб кетади».

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида чоршанба куни Баҳром Гўр кўк либос кийиб овга чиқади ва ўша куни тустовуқни учратиб, уни қўйиб юборади. Кечқурун мовий қасрга келиб, Фарғона гўзалидан қуйидаги эртакни тинглайди:

«Румда бир шоҳ бўлган экан. У эртак эшитишни жуда яхши кўрар экан. Унинг саройида кўпни кўрган ва қизиқ воқеаларни сўзлаб берадиган бир донишманд хизматкор бор экан. Вақти-вақти билан шоҳ ўз яқинларини тўплаб, ундан эртак эшитаркан. Бир кун у қуйидаги эртакни ҳикоя қилиб берибди:

«Мисрда бир адолатпарвар подшоҳ бўлиб, у оқил, олим ва саҳий киши сифатида машҳур экан. Унинг вақти-соати етиб оламдан ўтибди. Подшоҳлик тахти эса унинг ўғлига мерос бўлиб қолибди. Шаҳзода ов қилишни жуда яхши кўрар экан. Кунлардан бир кун у ўз яқинлари билан овга чиқибди. Ов вақтида бир гўзал қора кўзли кийик шаҳзода олдидан ўтиб кетибди. У кийикнинг ортидан изма-из бориб, ўз одамларидан йироқлашибди. Сарой аҳли шаҳзодани роса қидиришади, лекин ҳеч натижа бўлмагач, умидсизланиб саройга қайтибдилар. Шаҳзоданинг тахти равони талаш бўлиб, душманлар қўлига ўтибди.

Шаҳзода ўзига келганда уни бир гўзал қиз кўрпага ётқизаётган экан. У жинларга асир бўлганлигини тушуниб, кечқурун ҳеч кимга билдирмай қочибди. Кўп юрибди ва ниҳоят денгизга етиб келибди. Денгизнинг анча ерига бориб етганида қўл-оёқлари толиб, ҳаракат қилолмай қолибди. Шаҳзоданинг бахтига бир кема учрайди. Кемадагилар ҳалок бўлаётган шаҳзодани сувдан қутқариб оладилар. У кемадагиларга бошидан кечирган саргузаштларини гапириб беради. Маълум вақт ўтгач, кема бир оролга келиб тўхтайди. Бу орол девлар макони экан. Кемадагилар дам олишаётган бир вақтда бирдан дев пайдо бўлиб, ҳаммани қўрқитиб юборади. Шу чоғ шаҳзода дев билан жанг қилиб, уни янчиб ташлайди. Кема аҳли шаҳзоданинг жасоратига қойил қолади. Шундан сўнг кема девлар оролидан жўнаб кетади. Бир неча кун ўтгач, кемадагилар Мағрибга келиб, у ерда керакли озиқ-овқат, кийим-кечаклар харид қилишади ва Ғарб томон сафар қиладилар. Ниҳоят кема Румга келади.

Шаҳзода бошидан кўп саргузаштлар кечиргач, ватанига қайтади, душманлар билан жанг қилади. Жангда унинг саркардаси Базоргон катта жасоратлар кўрсатади. Шаҳзода ғолиб чиқиб, ўз тахтини эгаллайди ва юртини адолат билан бошқаради».

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида чоршанба куни Мовий қасрда Баҳромга бешинчи иқлимдан келган дарвеш қуйидаги ҳикояни сўзлаб беради:

«Адан мамлакатида бир золим қароқчи бўлган экан. Унинг ҳунари денгиздагиларга зўравонлик кўрсатиб, мол-мулкини талашдан иборат экан. Шунинг учун ҳам унинг на дўсти, на яқин кишиси бўлиб, у топган талаган нарсаларини қароқчилар билан бўлишиб оларкан.

У девдай кучга эга, шижоатли ва ботир йигит бўлиб, бир ўзи кўпчилик билан кураша олар экан. Унинг тез сузиб юрадиган бир неча қайиғи бўлиб, уларни ҳеч ким кўрмас жойга яшириб қўяр экан. Денгизда кема кўриниши билан у ҳужумга ўтиб, бирпасда кемадагиларнинг молу мулкини талон-торож қилишга улгурар экан. Унинг оти ҳам жисми ва қилмишларига монанд бўлиб, Жобир, яъни «Жабр қилувчи» деб қўйилган экан. Бу қароқчининг оролчада ўғрилик молларини яшириб қўядиган хазинаси ҳам бор экан.

Ўша жазирага яқин жойда «Биҳишти сарой» номли шаҳар бўлиб, унинг ҳокими Навдар исмли киши экан. Навдарнинг қомати сарв, зулфи сунбул каби анбар, юзи ой каби гўзал қизи бор экан. Унинг оти Меҳр бўлиб, фалак унинг бошида қуёшдек айланар экан. У қиз жаҳонни куйдирадиган бир гўзал бўлиб вояга етибди.

Кунлардан бир кун Меҳр денгиз сайрига чиқади. Бир вақт кучли шамол унинг кемасини

олис жойларга суриб кетади. Бироқ тинчигунга қадар улар денгизнинг анча ичкарисига бориб етган эдилар. Бу ҳолни денгиз қароқчиси Жобир ҳам назорат қилиб турган экан. Бўрон тинчиши билан золим Жобир дарҳол ўз қайиғига ўтириб, ел каби уларнинг олдига етиб боради ва Меҳрнинг кемасига ҳамла қилади. Золим кемадагиларнинг кўпчилигини қириб, омон қолганларини асир қилиб, ўз қароргоҳига бошлаб келади. Кема талон-торож қилиниб, Жобир қўлига ўтибди. Кемада Зуҳра мисол гўзал қиз ҳам асир тушганини эшитган Жобир ҳайратга тушиб, уни кўрмоққа ошиқибди. Меҳрни унинг ҳузурига келтиришгач, қизнинг жамолини кўрган Жобир ҳушидан кетади. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, Жобирнинг амри билан Меҳрни қасрга элтиб қўядилар. Меҳрни зериктирмаслик ва уни назорат қилиб туриш мақсадида унинг атрофига бошқа гулчеҳраларни ҳам қўшиб қўядилар. Жобир Меҳрнинг одамларини бир кемага солиб, уларга ўз ватанларига қайтишига, ижозат берибди.

Жобирнинг кўнглида Меҳр ишқи тобора авж олмоқда Меҳр Яман шоҳи Нуъмоннинг ўғли Суҳайлга унаштириб қўйилган эди. Улар бир-бирларининг висол кунлари яқинлигидан беҳад мамнун бўлиб, орзуларининг ушалишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Меҳрнинг бошига тушган кулфатдан бехабар ҳолда Нуъмон тўйга ҳозирлик кўрмоқда эди. Нуъмон Суҳайлни катта молу дунё билан тўй-томошаларнинг вақтини белгилаш учун Меҳр ҳузурига юборади. Денгиз орқали бориш мақсадга мувофиқ топилиб, бир неча кема йўлга отланади.

Денгизда яна бўрон бошланиб, Суҳайлнинг кемасини ҳам тўлқинлар Жобир назоратида бўлган соҳилларга олиб кетади. Жобирнинг одамлари денгизда бегона кемаларни кўриб, бу ҳақда тезда қароқчига хабар берадилар. Жобир ўз қайиғига ўтириб, ўлжа томон елади. Суҳайлнинг кемаси олдига етгач, қаттиқ жанглар бошланади. Суҳайл ҳам ботирликда беқиёс, жангда тобланган йигит эди. У Жобирнинг ҳужумларига қаттиқ зарба бериб, душманнинг кўп аскарларини қиради. Жобирнинг ўзини кучсизлантириб қўяди. Қароқчи Суҳайлни енга олмаслигига кўзи етгач, уни ҳийла ва макр билан қўлга туширишни ўйлайди. Суҳайл кемасининг остига сузиб келиб, қўлидаги ўткир ханжари билан кеманинг тубини теша бошлайди. Ниҳоят кемада катта дарча ҳосил бўлиб, кемага сув кира бошлайди. Бу ҳолни кўрган Суҳайл кемани сувдан сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қилади, лекин уни сақлаб қолиш имкониятини қўлдан бой беради. Кемадагиларнинг аксарияти сувга ғарқ бўладилар. Суҳайлнинг ҳам куч-қуввати кетиб, мадори қурий бошлайди. Шунда Жобир қайиғини Суҳайл томон суриб, унга ҳамла қилиб кўради. Сўнгра ҳолдан тойган Суҳайлни сувдан тортиб олиб, унинг қўл-оёғини боғлаб ташлайди, Суҳайл ҳушига келгач, номард Жобирнинг бандиси бўлиб қолганидан қаттиқ афсусланади. Шунда Жобир унга: «Ушбу денгизда мен не-не кемаларни талон-торож қилиб, ман-ман деган қаҳрамонларнинг белини букчайтирдим, аммо сен каби довюрак ва ботир жангчини биринчи кўришим. Шунинг учун ҳам мен сени ўлимдан омон олиб қолдим. Агар мен сени бандиликдан озод қилсам, бир кунмас-бир кун сен мени ўлдиришга ҳаракат қиласан. Шунинг учун сени мен асир сифатида тутқунликда сақлайман»,–деди. Суҳайл қанчадан-қанча ёлборса ҳам, Жобир унинг илтимосига қулоқ солмай, кишанлаб чоҳга ташлайди. Бу чоҳга тушганларнинг ҳали бирортаси ҳам ундан омон чиққан эмас экан.

Шоҳ Нуъмон билан Навдар эса бу шум ва ташвишли хабарни эшитиб, ўз аскарларини қароқчи Жобирни янчиб ташлашга отлантирибдилар. Навдар ўз қўшинлари билан қуруқликда, Нуъмон эса денгизда Жобирга зарба бермоққа қарор қиладилар. Навдар ўрмонга етиши билан ҳордиқ чиқариш учун бир манзилгоҳ ясатади. Ўзи эса ўрмонга ов қилиш учун отланади. Шоҳ овга ғоятда ишқибоз ва ўч экан. Ногаҳон бир гўзал кийик шоҳ олдидан чопиб ўтади. Шоҳ унинг ортидан қувиб кетаверибди. У овга шунчалик берилиб

кетибдики, охири душманнинг аскарлари турган жойга борганини, шу тариқа Жобир қўлига асир тушганини ҳам билмай қолади.

Шоҳ Нуъмон эса сув орқали Жобир томонга яқинлашмоқда эди. Бир вақт денгиз нотинчланиб, кучли шамол кўтарилади ва тўфон бошланади. Бу табиий фалокат Нуъмоннинг кемаларини ва саноқсиз аскарларини денгиз тубига олиб кетади. Нуъмоннинг ўзи ҳам омон қолишига ишончи қолмаган эди. Лекин даҳшатли денгиз тўлқинлари унинг кемасини Жобир ерларига келтириб қўяди.

Жобирнинг уддабурон назоратчилари бегона кема ҳақида дарҳол унга хабар қиладилар. Жобир тезда уларнинг олдига етиб боради ва кемадагилар аҳволининг танглигини билиб олади.

Нуъмоннинг ҳолдан тойган ва бемор аскарларини бирма-бир кемалардан тушириб, улар орасидан шоҳни асир қилиб олади. Нуъмоннинг одамларини эса катта кемаларга солиб, ватанларига жўнатиб юборади.

Сўнгра ғалаба қозонган Жобир ўз боғида айш-ишратга берилади. Унинг қалбини Меҳрга бўлган муҳаббат қаттиқ ўртар лекин унинг ой юзига тикка боқишга журъат этолмасди. Меҳр эса асирликда ёш тўкар, Жобирдан қутулиш йўлларини изларди. Бир кун хизматкор қизлардан бир йигит ҳам бандиликда сақланаётганлигини эшитади. Меҳр уни қутқариб, Суҳайл ҳузурига нажот учун юбориш хаёлига боради. Икки канизак ва Меҳр зиндондан бояги йигитни арқон билан тортиб олишади. Маҳбусни бир қоронғи уйга яширинча олиб кириб жойлайдилар. Уни парвариш қилиб, оёққа турғизадилар. Шундан сўнггина Меҳр билан Суҳайл бир-бирларини таниб, қучоқлашиб кетишади, икки ошиқ тақдирга тан берадилар.

Бир куни Жобир хотиржамлик билан боғда сайр қилиб юрар эди. Шунда унинг қаршисидан шердай йигит чиқиб, унга ҳамла қилади. Жобир саросимага тушиб довдираган ҳолда ўзини ўнглай олмай қолади. Шу чоғ Суҳайл фурсатдан фойдаланиб, уни кўтариб ерга зарб билан уради. Сўнгра тезда Жобирнинг қўлларини боғлаб, зиндонга ташлайди. Қароқчининг одамларини эса қулликка маҳкум этади. Барча гуноҳсиз бандиларни Жобирнинг қуллигидан озод қилади. Улар ичида шоҳ Навдар билан шоҳ Нуъмонлар ҳам бор эди. Шу тариқа адолат тантана қилиб, Меҳр билан Суҳайл тўй-томошалар қилишиб, висолга етадилар. Икки подшоҳ мамлакатларини бирлаштириб, тахт тепасига Суҳайлни ўтқазадилар.»

Шу ерга етганда ҳикоя тугайди. Шоҳ Баҳром Гўр дарвешни лутфу эҳсонлар билан тақдирлаб, ўзи чуқур уйқуга кетади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида пайшанба куни Баҳром Гўр сандал қасрда олтинчи иқлим шоҳи рум маликаси Ҳумойдан қуйидаги эртакни тинглайди:

«Икки савдогар йигит, бирининг оти Хайр, иккинчисиники Шарр, тижорат ишлари билан бир шаҳардан иккинчисига қараб йўлга чиқишибди. Хайр ўз олдига кишиларга яхшилик қилишни асосий мақсад қилиб қўйибди, унинг исми жисмига монанд экан. Шаррнинг вужуди эса зулмкорлик, ҳасадгўйлик, ғайирлик, ёмонлик қилиш билан тўлиб-тошган экан. Шу туфайли унинг оти ҳам, «Шарр», яъни «ёмон» экан. Шарр ўз сафарига яхши тайёргарлик кўриб, егулик ва ичкулигини мўл қилиб олган экан. Хайр эса бундай сафарга биринчи бор чиқаётганлиги учун ўзи билан етарли даражада сув олиш эсига келмайди. Йўловчилар кўп юришибди ва сафарларининг еттинчи кунида сувсиз саҳрони босиб ўтишаётганларида Хайрнинг суви тугаб қолади. Шарр эса Хайрдан беркитиб юрган сувдан ичиб, чанқоғини босиб кетаверади. Ҳайр роса чанқайди... сувсизликдан оғзи қуришиб, лаблари ёрилиб кетади. Шунда ҳам Шарр Хайрга бирор қултум сув бергиси келмайди. Хайр Шаррнинг инсофсизлиги ва одамгарчилиги йўқлигини кўриб, бир қултум сув эвазига чўнтагидаги

қимматбаҳо иккита лаъл тошини беришга ҳам тайёр эканлигини айтади. Хайр бунга рози бўлмайди ва лаъл тошларни шаҳарга борганда ҳамманинг олдида уни шарманда қилиб, қайта тортиб олиши мумкин деб ўйлайди. Хайр қанча ёлвормасин, Шарр унга бир қултум ҳам сув бермабди. Шарр Хайрни ҳалок қилишнинг турли йўлларини ўйлайди ва ниҳоят шундай қарорга келиб, унга шундай депти: «Менга сенинг тошларинг керакмас, ахир тошларни сиқиб унинг сувини ичиб бўлмайди-ку! Яхшиси менга кўзларингни бер, шунда сенга бир қултум сув бераман». Ахири Хайр тирик қолиш учун ўз кўзларини беришга ҳам мажбур бўлибди.

Лекин хаёлида, Шарр бир қултум сув учун кўзимни ўйиб олмаса керак, деб ўйлабди.

Шарр ўйлаган қабиҳ ишларининг амалга ошаётганидан хурсанд бўлиб, Хайрнинг кўзларини ханжар билан ўйиб олади. Унинг устига Хайрга бир қултум ҳам сув бермай, унинг қимматбаҳо тошларини ҳам тортиб олиб қочиб кетади.

Хайр сувсиз саҳрода кўзларидан айрилиб, қонга беланган ҳолда йиқилиб қолибди. Энди бу жазирама саҳрода унга нажот йўқлигини англаб, ҳаётидан умидини узибди.

Мана шу чўлда бир курд яшар экан. У чорва билан шуғулланар, сон-саноқсиз мол, қўй, эчки ва туялари бор экан. Курднинг яккаю ягона бир гўзал қизи бўлиб, у қудуққа сувга бораётганида қумга бағрини бериб, ҳар замонда инграб ётган Хайрнинг ночор аҳволини кўрибди ва дарҳол уни ўтовга олиб келиб парвариш қила бошлабди. Курд турадиган жойда сандал дарахти бор экан. Унинг барглари шифобахш бўлиб, кўп дардларга даво экан. Қизнинг отаси агар Хайр кўзларининг пардалари шикастланмаган бўлса, ана шу сандал дарахтининг барглари ожизнинг кўзларига даво эканлигини айтибди. Қиз отасидан бу гапларни эшитиши биланоқ ундан зудлик билан дори тайёрлашни илтимос қилади. Курд ўз қизининг ғамхўр ва раҳмдиллигидан беҳад хурсанд бўлибди. У қудуқ ёнидаги сандал дарахти баргларидан узиб келиб, шифобахш дори тайёрлабди ва Хайрнинг кўзларига малҳамни қўйиб, унинг кўзларини маҳкам боғлабди. Бу ажойиб дори Хайрнинг кўзларини кечаси билан ёндириб чиқади. Эрталабга яқин, малҳамнинг ҳарорати камайгачгина, Хайр уйқуга кетибди. Бемор тўрт кун кўзи боғлиқ ҳолда ётибди. Бешинчи куни малҳам олиб ташлангач, Хайрнинг кўзлари яна боягидай яхши кўрадиган бўлиб қолади. Бундан ҳамма ҳайратга келибди. Хайр уй эгаларига жуда катта миннатдорчилик билдириб, сўнгра бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир уларга ҳикоя қилиб беради.

Хайр курднинг ажойиб қизини севиб қолибди. Қиз ҳам уни севиб юрган экан. Курд икки ёшни ўйлаб, уларнинг орзуларини амалга оширибди. Шундай қилиб, Хайр мол боқиб, бадавлат курднинг паноҳида бахтли ҳаёт кечира бошлайди. Кунлардан бир кун Хайр сандал дарахти барглари билан хуржунини тўлдириб, пойтахтга ўз юмушлари билан боради. Шаҳарда шоҳнинг қизининг кўзи ожизлиги ва уни тузатган кишига шоҳ қизини беришга тайёр эканлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, шоҳга хат ёзади ва унинг ожиз қизини тузата олишини хабар қилади. Шоҳ Хайрни қабул қилиб, унга дардманд қизини топширади. У сандал дарахти баргларидан шифобахш малҳам тайёрлайди ва қизнинг ожиз кўзларига босади. Шоҳ қизи уч кун ўтар-ўтмас тузалиб, ёруғ дунёнинг қувончидан баҳраманд бўлади. Сарой аҳли бу воқеадан ҳайратга келиб, хурсанд бўладилар. Шоҳ ваъдасига вафо қилиб, қизни Хайрга тўй-томошалар қилиб узатади ва мамлакат тахтига ўз ўрнига шоҳ қилиб тайинлайди. Бир кун Шарр ўзининг қинғир ишлари билан қўлга тушиб, саройга келтирилади. Хайр уни танийди. Шарр Хайрдан афв этишни сўрайди.

Хайрнинг Шарр аҳволига раҳми келади ва уни кечириб, қўйиб юборади. Лекин шу чоғ курд қинидаги қиличини суғуриб, Шаррнинг бошини кесиб ташлайди. Шундай қилиб Хайр ўзининг яхшилиги туфайли мурод-мақсадига етади. Шарр ёмонлиги туфайли бошидан

жудо бўлади».

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида пайшанба куни Сандал қасрда Баҳром Гўр бешинчи иқлим шоҳининг қизидан қуйидаги ҳикояни тинглайди:

«Яманда бир адолатпарвар подшоҳ ўтган экан. Унинг Ром исмли бир ўғли бўлиб, у кўп ҳунарларни эгаллайди. Кунлардан бир куни у ўзининг ўгай онасини зиёрат қилгани келган экан, онасининг вазир билан ўйнашиб ётганини кўриб қаттиқ таъсирланибди, лекин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз ҳам очмабди. Бу воқеадан саросимага тушган вазир билан ўгай она Ромга туҳмат қилиб, уни мамлакатдан бадарға қилиш тадбирларини ўйлашибди. Улар Ромни ўз ўгай онасини зўрламоқчи бўлганликда айблаб, подшоҳни ишонтиришади. Ўз ўғлидан ғазабланган подшоҳ Ромни мамлакатдан ҳайдаб юборади. Вазир билан подшоҳнинг нопок хотини ўз мақсадларига эришиб, ҳирсий эҳтиёжларини қондиришда давом этаверибдилар.

Ўз она юртидан ноҳақ ҳайдалган Ром боши оққан томонга йўл олади. Йўлда Ромга уч киши ҳамроҳ бўлиб, уларнинг касби кори муҳандис экан. Бир вақт улар йўл юриб чарчашгач, бир боҳаво ва салқин жой топишиб, дам олишибди. Йўловчилардан бири бир оз кайфу сафо қилишни таклиф қилибди. Бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул келиб, улар айшу ишрат қила бошлабдилар. Ҳар бир мусофир бошидан ўтган-кечганларини бирма-бир гапирибди. Ром ҳам ўгай онаси билан вазир ўртасидаги ноҳуш воқеанинг шоҳиди бўлганлиги учун ноҳақ ватанидан жудо бўлганлигини куйиниб гапириб берибди. Ромнинг ҳамроҳлари унга ёрдам беришга қарор қилишибди. Йуловчилардан биринчиси кишини ғойиб қилиб кўрсатадиган сурма тайёрлай олишини ва бу сурманинг кучи фақат кўз ёши билан тутундангина йўқолиши мумкинлигини айтибди. Ром бу ҳамроҳидан ҳунарини намойиш қилиб исботлашини илтимос қилибди. Биринчи йўловчи Ромнинг илтимосини бажаради. У аввал қутичадан сурма олиб кўзи ва қовоқларига сурибди, шундан сўнг кўздан ғойиб бўлгач, уни ювиб ташлаб, яна кўринадиган бўлиб қолибди. Ҳамма унинг бу ҳунаридан ҳайратга келибди. Шундан сўнг у Ромга бир халтача сурма бериб, унга муваффақиятлар тилабди.

Кейин иккинчи йўловчи ўз ҳунарини айтибди. У махсус дуолар орқали кишиларни чуқур уйқуга кетказиб, бу уйқудан фақат унинг ўзи уйғота олишини айтибди. Ром иккинчи йўловчидан ўз ҳунарларини унга ўргатишни илтижо қилибди. Шунда у дуони ўқиган экан. Ром чуқур уйқуга кетибди, яна бошқа бир дуо билан уни уйқудан уйғотибди. Ҳар иккала дуони Ромга яхшилаб ўргатиб, унга ҳақ йўлида катта муваффақиятлар тилабди.

Учинчи йўловчи Ромга унинг билганларини амалга ошириш учун Мисрга боришни, тош қасрининг бир хонасида мавжуд бўлган турли хил ҳайвонлар расмини топиш кераклигини, сўнгра шулардан бирига бир йил мобайнида тикилиб туриб у махлуқ ҳаракатга келгандан сўнг унинг нусхасини кўчиришни ва ўзи билан олиб юрмоқ кераклигини айтибди. Ром бу гапни эшитгач, йўловчиларга ташаккур билдириб, Миср томон йўл олади. Учинчи йўловчи айтган тош қасрнинг хоналарига кириб чиқиб, турли ҳайвон ва махлуқларнинг расмлари чизилган хонани топади. Уларни бирма-бир кўриб чиққач, диққатини бир баҳайбат, қўрқинчли махлуққа қаратади. Ром шу тикилганича унга бир йил қараб тураверибди. Ниҳоят махлуқ ҳаракатга келибди. Шунда Ром қўрқиб кетибди. Йўловчининг гаплари эсига келиб, зудлик билан ҳайвоннинг нусхасини кўчириб олибди. Сўнгра ёнида ёвуз кучларнинг раҳнамоси Ахриман турганини кўриб қалтирай бошлабди ва қўрққанидан «бу ким» деб юборибди. Ахриман эса: «Мен сенинг ихтиёрингдаги даҳшатли кучман, буйруғинг билан истаган нарсангни бажара оламан»,–деб жавоб берибди.

Шундан сўнг Ром унга ўз она шаҳрига боришни истаётганлигини айтибди. Ахриман Ромдан кўзини юмишни илтимос қилибди. Уни елкасига қўйиб бир зумда она шаҳрига элтиб қўяди. Ром ўз она шаҳрини кўриб жуда хурсанд бўлибди ва сарой томон йўл олибди.

У вазирдан ўч олишга қарор қилган эди. Вазир саройда қабул маросимини ўтказаётган вақтда Ром Ахриман ёрдамида қасрга кириб олибди. Кўз ва қовоқларига сурма суриб кўринмас ҳолга келади ва вазирниг гарданига ура бошлайди. Вазир калтаклар зарбига чидай олмай меҳмонлар олдида гир-гир айланар экан. Бу ҳол ҳаммани таажжубга солади. Бутун сарой фақат шу ҳақда гапирар эди. Бу воқеанинг тафсилоти шоҳга ҳам етиб боради. Шоҳ вазирни ноқулай аҳволдан қутқариш ниятида машҳур сеҳргарларни чақиртириб, уларга вазирга ёрдам беришни буюради. Лекин сеҳргарларнинг саъйи ҳаракатлари бекор кетади ва ниҳоят шоҳга бу борада улар заиф эканликларини билдирибдилар. Бир кун Ром вазирнинг ҳузурига кампир қиёфасида келиб, уни бу фалокатдан қутқариш йўлларини билишини ва ёрдам бериш учун вазир думбасига тамға уриши лозимлигини айтибди. Вазир кундан-кунга зўраяётган калтаклардан қутулиш учун думбасига тамға урдириб, «кампирдан» бу балодан тезроқ қутқаришини ёлвориб сўрайди. Вазир «кампирга» бутун уйи ва ҳарамларини ишониб топширади. Ром кўринмас ҳолга келиб, энг аввало, вазирнинг ҳарамидаги энг гўзал қизларни номусларидан жудо қила бошлайди. Улар бу ишни ким қилаётганлигини тасаввур ҳам қила олишмас эмиш. Ҳарамдагилар аҳволни вазирга айтадилар, вазир эса ўзининг нажоткори «кампирга» гапириб, иложини топишни илтимос қилади. «Кампир» бу ишларнинг ҳаммасини дев ва жинлар эмас, балки кўз ва қовоғига сурма суриб, кўзга кўринмайдиган бир киши қилаётганлигини айтибди. Бунинг иложи шуки, хоналарни тутатиб қўйиб, сурманинг сеҳрли кучини йўқотиш орқали бу сеҳргарнинг ким эканлигини билиш мумкин»,– депти.

Эртаси куни Ром вазирнинг қизи билан бирга бўлибди. Шу вақтда хонани тутатишган экан, сурманинг сеҳрли кучи кетиб, Ром кўриниб қолибди. Ҳамма бу ҳолдан ҳайрат бармоқларини тишлаб қолибдилар, чунки улар ҳузурида чиройли йигит пайдо бўлган экан. Ҳарамдагилар бўлган воқеани вазирга етказибдилар. Вазир йигитни дарҳол ўлимга маҳкум қилибди, бу буйруқни эшитиб турган Ром вазир одамларининг қўл-оёқларини боғлаб, уларнинг мўйлаб ва соқолларини қирқиб ташлабди. Эртаси куни Ром яна кампир қиёфасида вазирнинг олдига келибди ва ўша йигит ҳақиқатда ҳам дев экан, у сизни сеҳрлаб ташлашини айтди, дебди.

Шундан сўнг саройда маълум муддат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурибди. Илгариги воқеалар вазирнинг ҳам хотирасидан кўтарила бошлабди ва у яна шоҳнинг хотини билан севги алоқаларини мунтазам давом эттираверибди. Шунда Ром вазирнинг бу хатти-ҳаракатларига қарама-қарши равишда унинг қизини ухлатиб қўйиб ўғирлаб кетибди. Бир куни Ромнинг илтимосига кўра, бир киши саройга келиб, шоҳнинг ҳузурида вазирни – бу менинг қулим,– деб эълон қилибди. Исботи учун вазир думбасига тамға босилганлигини айтибди. Лекин шундан кейин ҳам вазир тавфиққа келмабди, у ўзининг нопок ишларини амалга ошираверибди. Шундан сўнг Ром вазир билан ўгай онаси ўртасидаги сирларни фош этибди. Шоҳга ўзининг саргузаштларини гапириб бериб, сўнгра ўзини танитибди. Шоҳ нопок вазири билан хотини тақдирини Ром ҳукмига ҳавола қилибди. У эса уларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш билан кифояланибди.»

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида пайшанба куни Баҳром Гўр Сандал қасрда бешинчи иқлим шоҳининг қизидан қуйидаги ҳикояни тинглабди:

«Ҳижоз шаҳрида бир савдогар бўлиб, у китоб тўплашни жуда яхши кўрар экан. Унинг бой кутубхонасидаги китоблардан бирида мен ушбу эртакни ўқиган эдим:

Уч ёш йигит узоқ сафарга отланибдилар. Улар кўп йўл юришибди ва ниҳоят чарчашганида ҳушҳаво ва ҳушманзара жойда бир оз дам олмоқчи бўлишибди. У ерда бир булоқ ҳам бор экан. Йигитлар булоқ атрофига жой қилишибди: Шу чоғ улар олдига бир қари чол келиб,

салом-алик қилибди ва улардан уни ҳам ўзларига ҳамроҳ қилишларини сўрабди. Йигитлар чолнинг илтимосини қабул қилгач, уни даврага таклиф этишибди. Чол ўзининг бошидан ўтган саргузаштларини йигитларга гапира бошлабди:

«Мен Яман подшосининг вазири эдим. Шоҳ мени жуда яхши кўрар эди. Мен ҳам иложи борича унга содиқ хизмат қилиб, бор билимим ва кучимни сарфлардим. Давлат ишларини адолат юзасидан бошқарардим. Халқнинг оғирини енгил қилиш учун кўп меҳнат қилдим. Шунинг учун ҳам шоҳ мен билан кўп маслаҳат қилиб, фикрларимни маъқуллаб иш кўрар эди. Лекин душманларим қандайдир мен билмаган йўл билан шоҳни йўлдан уриб, мен билан уни тескари қилиб қўйишди. Улар ҳар хил бўҳтонлар билан орамизга низо солишди. Шоҳ орқамдан турли гаплар эшитавериб, ахир дарғазаб бўлиб, мени зиндонга ташлатти. Таниш-билиш, ёр-дўстларнинг ёрдами туфайли зиндондан зўрға қочиб қутулдим. Худога минг қатла шукрки, тангри мени сизлардек барно ва одамшаванда ҳамроҳларга рўпара қилди».

Сўнгра йигитларнинг биринчиси ўз тақдири ҳақида сўз бошлабди:

«Бундан бир йил муқаддам мендан бой ва давлатманд кишини дунёда топиб бўлмас эди. Нафсим қурсин, бой бўлган сари яна кўпроқ бойлик тўплаш мақсадида юрар эдим. Кунлардан бир кун савдо ишлари билан кемада сафар қиладиган бўлиб қолдим. Бизнинг кема денгизда қирқ кун сузгач, кемамиз кучли бўрон туфайли чўкиб кетди. Кемадагилар ҳам дод-фарёд дея ҳалок бўлдилар. Мен ҳам ҳаётимдан умидимни узган эдим. Бахтимга бир ҳода сузиб келаётган экан, унга маҳкам тирмашиб олдим. Тўлқинлар мени қирғоққа чиқариб ташлаган экан. Узимга келганимда қуруқликда эканлигимдан ғоят хурсанд бўлиб, худога шукрлар айтдим ва бошим оққан томонга қараб кетавердим. Ниҳоят мана сизларга ҳамроҳ бўлдим».

Навбат иккинчи йигитга келибди. У ҳам бошидан ўтган бир ғаройиб воқеани сўзлаб берибди:

«Мен сафар қилишни жуда яхши кўрар эдим. Шу туфайли дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиб, турли воқеаларнинг шоҳиди бўлганман, лекин бошимдан кечирганларим ичида энг охиргисини жуда даҳшатли ва ғаройиби деб ҳисоблайман. Бир кун мен саёҳат ашёларимни ҳозирлаб йўлга чиқдим. Тахминан икки-уч кун юрдим. Йўлимда на бирор уй ва на инсон зоти учради. Ниҳоят мен узоқдан дарахтзорни кўриб, ўша томон юра бошладим. У ерда бир оз дам олиб, сўнгра сафаримни давом эттиришга қарор қилдим. Кейинчалик билсам бу ерларда худонинг ҳам, одамзотнинг ҳам борлигини билмайдиган ёввойи одамлар яшар экан. Бир вақт икки ёввойи хотин қип-яланғоч ҳолда бир бўлак хом гўштни сув бўйига келтиришиб ея бошлашди. Менинг ичим очликдан таталаб кетаётган эди. Ҳар жиҳатдан яхшилаб ўйлаб кўрганимдан кейин улар ёнига бориб олов ёқдим, ҳалиги аёллар менинг ханжаримдан бир оз чўчиб туришди. Мен гўштни майдалаб, сихларга тортдим, чўғда пишириб ея бошладим. Кабобдан уларга ҳам узатдим. Пишган гўштдан еган ҳалиги икки аёлдан бири қаергадир югуриб кетди. Бир оздан сўнг атрофимда ёввойиларнинг сони кўпайиб кетди. Уларга олов билан шашлик жуда ёқиб қолган экан. Мени қурқув боса бошлади. Икки-уч кун уларга таомлар пишириб турдим. Сўнгра бир кунмас бир кун мени ҳам еб қўйишмасин, деб яширинча қочиб қутулдим ва фалакнинг гардиши билан сизларнинг даврангизга келиб қўшилиб турганим».

Сўнгра учинчи йигит ўз ҳикоясини сўзлаб беради. У бир мамлакат подшосининг қизини севиб қолган экан. Қизга уйланмоқчи бўлган йигитлар қатор шартларни бажариши керак экан. Йигит ана шу шартлардан бирини бажараётганда ажойиб бир боғга кириб қолибди. У ғайритабиий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади, сеҳрли кучларнинг таъсирида улар қаторига

келиб қўшилганлигини ҳам билмай қолибди.

Шундан сўнг уларнинг тўртталови ҳам бир-бири билан дўст тутинишиб, узоқ масофаларни босиб ўтишибди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсадига эришиб, ҳар бири ўзининг бахту иқболини топибди.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида пайшанба куни Баҳром сандал қасрда олтинчи иқлимдан келган дарвешдан қуйидаги мазмундаги ҳикояни тинглайди:

«Бахтар номли мамлакатдан Ховар юртига қараб икки киши сафар қилишибди. Улардан бирининг оти Муқбил бўлиб, у чўлу биёбонларда кўп юриб тажриба орттирган экан, иккинчиси Мудбир эса денгизда сайр этишда устаси фаранг экан. Муқбилнинг дили пок, кўнгли очиқ экан шу туфайли ҳам унга доимо иқбол кулиб боқар экан. Мудбир эса ўзининг ёлғончилиги, ярамас феъл-атвори туфайли кишиларга кўп зарар етказар экан. Уларнинг йулида хавф-хатарли бир водий бор экан. Бу йўлни яхши билмаганликлари туфайли улар ана шу «Водийи ҳамим», яъни «Қайноқ водий»га кириб қолишибди. У ерларни тикан ва шўр сувлар қоплаган бўлиб, жониворлар ҳам йўқ экан. Унинг устига у ердаги жазирама иссиқ бошқа жойлардагига нисбатан кучлироқ экан. Мудбир йўл азобидан қийналиб, номардлик қила бошлайди. Тақдирга тан бериш ўрнига фалакдан шикоятлар, Тангрига шак келтиради. Муқбилдан эса бахтсизлик келтирувчи ҳамроҳ сифатида нолир экан. Унга ҳамма бало ўқларини ёғдирар эди. Муқбил эса тақдирга тан бериб, сабр-тоқат билан йўлини давом эттирар, тоат-ибодатни канда қилмай, тангрига юз шукру санолар ўқир эди. Мудбирни қаноат, чидам ва матонатга чақирар, унга тўғри йўл кўрсатарди. Охири Муқбил Мудбирдан ажралиш фикрига келибди. Мудбир эса, яхшилик қилишга ваъда бериб узр сўрар, гуноҳларидан кечишни илтимос қилар, Муқбилни юпатиб, яна сафарни бирга давом эттиришга кўндирар экан.

Улар «Водийи хамим»ни босиб ўтиб, денгиз қиргоғига етибдилар. Икки кишилик қайиқча топиб, унинг ҳаққини тўлашибди. Қайиқчани эса бир узун арқон билан катта кемага боғлаб денгиз ичра сафарларида давом этишибди. Бир вақт денгизда кучли бўрон кўтарилиб, кўп кемалар ичидаги одамлари билан нобуд бўладилар.

Бу тўфон оқибатида маълум тартиб билан сузаётган кемаларнинг барчаси тарқалиб кетибди. Мудбир билан Муқбилнинг қайиғи ҳам кўп шикастланса-да, ҳар ҳолда улар омон қолишибди. Шамол тиниб, улар бир оролчага келиб тўхташибди. Бу оролчада катта сандал дарахти ва унинг тагида бир чашма мавж уриб турар эди. Улар дам олгани шу ерга тушибдилар. Чашма юзидаги тошда шундай сўзлар ёзилган эди:

Бу дарахтнинг номи «Сандали симиё» бўлиб унинг хосияти шундаки, кимки унинг сувидан ичса очлик ва ташналик дафъ бўлади. Агар ҳалол, яхши киши бу сувдан ичса, бир ойгача ейиш-ичишга ўзида эҳтиёж сезмайди агар ёмон ва ёлғончи одам ичса, уч кунча емай-ичмай юраверади, лекин ёлғон гапириб қўйса унинг қорни ёрилиб ўлади. Агар ростгўй одам чўмилса, ғаройиботларни бошидан кечиради, агар ёлғончи чўмилса унинг бадани куяди».

Бу сўзларни ўқиган Мудбир, ичида ёлғон гапирмасликка сўз бериб, сувдан тўйиб ичибди. Сўнгра ечиниб бир шўнғиган экан, баданларини сув куйдира бошлабди, у бир зумда сувдан чиқиб олибди. Муқбил ҳам сувдан тўйиб-тўйиб ичибди ва чўмилмоқ мақсадида сувга шўнғибди ва ғаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлибди. У эрам боғига кириб қолгандай бўлади. Унинг олдида эрамдек бир гўзал майдон кўзга ташланади. Бу майдонда гўзал ва сарвқомат парилар унинг олдига келиб хизмат қила бошлайдилар. Парилар Мудбирни бир қаср ичига олиб кирадилар. Муқбил марказда ўтирган бир гўзал гулрухни кўриб ҳушидан кетибди. Ўзига келгач, бояги пари унинг олдида лутфу иноятлар кўрсатиб ўтирган экан. Айш-ишрат борган сари кучая бошлабди. Ниҳоят Муқбил гулруҳ паридан ўзининг шаҳват

ҳиссиётларини қондиришни қаттиқ илтижо қила бошлабди. Лекин гулрух сабртоқат қилишни маслаҳат бериб, унга бугунчалик ўзга парилар билан ишрат қилишни тавсия қилар экан. Тонг отгач, Муқбил бўлиб ўтган воқеалардан қаттиқ таъсирланиб, сувга покланиш учун шўнғийди, бошини сувдан чиқарар экан, у ўзини дарахт ёнидаги булоқ олдида пайдо бўлганини кўради. У яна бир неча бор шўнғиб, кечаги ширин воқеалар қаҳрамони бўлгиси келди. Лекин тақдир уни булоқ юзига чиқариб ташлаган эди. Бир оздан сўнг сув юзидаги яна бир бошқа ёзувга Муқбилнинг кўзи тушиб қолибди. Унда ёзилишича, бу ажойиботларни бошидан кечирган одам эсон-омон сувдан чиқса, у тезда бу ерларни тарк этиши лозим, акс ҳолда уни ё дев, ё сув ҳайвони ҳалок этади, дейилган эди. Бу ёзувни ўқиган Муқбил Мудбир билан тезда қайиққа ўтириб, йўлларида давом этибдилар.

Шу орада узоқдан катта бир кема кўринади. Кема улар сари яқинлашиб келгач, Муқбил билан Мудбир ўз кемаларини тарк этиб, шу кемага амаллаб чиқиб оладилар. Кема ичидаги барча одамлар ўлик, улар орасида бирорта ҳам тирик жон йўқ эди. Кемага сандал ёғочи юкланган бўлиб, бунинг тафсилоти шундай экан: Ховар шоҳининг бир жуда гўзал қизи бор экан. Бу қиз бош оғриғи касалига мубтало бўлиб, ҳеч бир табиб уни даволай олмабди. Кўпчиликнинг маслаҳатига кўра сандал ёғочининг хушбўй ҳиди қизнинг дардига даво, деб топибдилар. Шоҳ қизига баланд қаср қуриб бериб, уни бу дарддан халос қилмоқ учун катта кемани жиҳозлаб, Ҳиндистонга сандал ёғочидан олиб келишга юборган экан. Қайтишда кема катта бир гирдобга тушиб қолиб, йиллаб шу гирдобдан чиқиб кета олмай қолади. Кемада озиқ-овқат қолмаганидан ундаги одамларнинг ҳаммаси очликдан ҳалок бўладилар.

Муқбил бу оғир мусибатни кўриб қаттиқ азият чекибди. Мудбир эса шум тадбирларини амалга оширмоққа киришибди. У кемадаги ўликларнинг мол-мулкларини ўзлаштира бошлабди. Кемани ўзиники қилиш чорасини ҳам ўйлаб қўйган экан. Кема Ховар юртига яқинлашиб, унинг соҳилига оҳиста келиб тўхтайди. Ховар шоҳи ўз яқинлари билан соҳил бўйида сайр қилиб юрган эди. У кемани кўриб, мулозимларидан бирини кемадагилардан бирортасини чақириб келишни буюради. Мудбир ўйлаб қўйган шум мақсадларини амалга ошириш учун тезда шоҳ олдига бориб, таъзим қилибди. Шоҳ ундан кимлигини ва нима мақсадда Ховар юртига келганлигини сўрабди. Шунда у: – «Мен савдо ишлари билан келдим, йўлда биз ҳалокатга учрадик. Одамларимнинг деярли ҳаммаси вабо касалидан қирилди. Кемада биргина Муқбил исмли қулимгина тирик қолди», депти.

Илгари булоқ сувини ичганда ёлғон гапирмасликка ваъда берган Мудбирнинг бу ёлғон сўзларидан унинг вужуди шиша бошлаб, қорни ёрилиб кетибди. Бу ҳодисадан шоҳ ҳайратга келибди ва кемадаги Муқбилни чақириб, рўй берган воқеаларни сўзлаб беришни илтимос қилибди. Муқбил ҳаммасини бошдан-оёқ бирма-бир гапириб берибди. Муқбилнинг ҳамма гаплари чин эканлигига ишонч ҳосил қилгач, шоҳ унга таҳсинлар ўқибди. Муқбилнинг поклиги, ҳалол ва диёнатлилигини кўриб, унга ўзининг яккаю ягона қизини хотин қилиб берибди. Икки севишганлар сандал қасрида бахту саодатда умр кечирибдилар. Шоҳнинг қизи эса Муқбилнинг илгариги ғаройиб қасрда севиб қолган маликаси бўлиб чиқибди.

Шу ерга етганда ҳикоя тугабди, Баҳром эса сандал ҳиди билан маст бўлган ҳолда чуқур уйқуга кетибди».

Низомийнинг учинчи ва олтинчи новеллалари билан Алишер Навоийнинг олтинчи ҳикояси ўртасида маълум ўхшашлик борлигини улардаги мавзу ва айрим воқеалардаги деталлар орқали ёрқин кўриш мумкин. Низомийнинг учинчи новелласидаги Бишр билан Малиха, олтинчи новелласидаги Хайр билан Шарр образларини Алишер Навоийнинг олтинчи ҳикоясидаги Муқбил билан Мудбир образлари билан қиёсласа бўлади. Бу ўринда ҳар иккала ижодкор асосий мақсадни қаҳрамонларнинг психологик хусусиятлари орқали

асрлар давомида халқ оғзаки ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топган ижобий ва салбий типларнинг умумий қиёфасини очиб беришга қаратган. Улардаги фарқ ҳикоя мотивлари, характерларни ёритишдаги айрим деталлар ва қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини очиб беришда кўзга ташланади. Ҳикоялардаги умумийлик эса шунда кўринадики, уларда яхши кишилар билан ёмон кишиларнинг психологиясидаги типик хусусиятлар очиб берилади. Халқ эртакларидаги каби, Бишр, Хайр ва Муқбил каби ижобий қаҳрамонлар ўзларининг яхши хулқ-атворлари билан бахт-саодатга эришсалар, Малиха, Шарр ва Мудбир каби салбий қаҳрамонларнинг тақдири уларнинг ёвузликлари туфайли фожиа билан тугайди.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, мазкур қаҳрамонларнинг генетик илдизлари фольклор асарларига бориб тақалади, улар халқ эртакларига жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам Низомий новеллаларидаги сюжет чизиқлари Навоий ҳикояларидаги каби воқеалар билан боғланиб кетган. Улардаги кўп бадиий ҳолатлар бир-бирига ўхшаб кетади. Ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг характерлари ҳам бирор мавзу доирасида ривожланиб, воқеалар давомида очилиб боради. Масалан, Бишр ўз бахтига, яъни кўчада кўриб севиб қолган аёлга диёнатлилиги ва ҳалоллиги туфайли эришса, Хайр билан Муқбил эса яхшиликлари ва ростгўйликлари туфайли ўз мақсадларига етишадилар. Малиха ўзининг бадхулқлиги туфайли қудуққа чўкиб ўлса, Шаррнинг боши унинг қилган ёвузликлари туфайли кесилади. Мудбирнинг эса ёлғончилигидан қорни ёрилади.

Хуллас, Низомий билан Навоий фольклорнинг диққат марказида турган у ёки бу образни ёритар экан, улар ўз қаҳрамонларининг характерларидаги асосий моҳиятни очишга ҳаракат қилганлар. Бу эса, ўз навбатида ҳикояларнинг дидактик йўналишини белгилаш, ҳар бир ижодкорнинг бадиий ижод соҳасидаги ўрнини аниқлаш имкониятини беради. Бошқа томондан, фикримизча, Низомий билан Навоий фольклор материалларидан усталик билан фойдаланиб, ўз даврларидаги реал кишиларнинг образларини акс эттириш вазифасини ҳам кўзлаган бўлишлари керак. Чунки Алишер Навоийнинг бу ғоялари «Сабъаи сайёр» достонининг асосий мағзини ташкил этиб, достоннинг ҳамма қисмида ҳокимларни тўғриликка ва бу беш кунлик дунёда умрларини яхшилик учун сарфлашга даъват этилади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида жума куни Баҳром Гўр Оқ қасрда еттинчи иқлим Эрон шоҳининг маликаси Дурустийдан қуйидаги эртакни тинглайди:

«Қадим замонда бир олим ва кўнгли очиқ йигит бўлган экан. Унинг шаҳар ташқарисида эрамга ўхшаган гўзал боғи бўлиб, шундай боғни кўпчилик ҳавас қилар экан. Кунлардан бир кун у эрта туриб, ўз боғига қараб йўл олади. Боғнинг эшигига яқинлашган экан, ичкарида қизларнинг овози ва хуш наволар янграётганини эшитибди. Боғнинг эшиги эса ичкаридан маҳкам қулфланган экан. Шунда йигит шаҳарлик қизлар унинг боғига кириб базм қилаётган бўлса керак, деб ўйлайди. Эшикни қанча тақиллатмасин, уни ҳеч ким очмабди. Сўнгра йигит боғ деворидан дарча очиб, ичкарига оҳиста киради. Боғига кимлар кирганини билиш учун у секин-аста ўғриларга ўхшаб бекиниб юра бошлайди. Шунда иккита гўзал пари уйнинг эгасини ўғри бўлса керак деб ўйлаб, бошқаларини ҳам чақириб йигитнинг оёқ қўлларини боғлаб роса дўппослашибди. Йигит шу боғнинг хўжайини эканлигини айтгач, қизлар таажжубланиб, бошида ишонишмабди, сўнгра ундан боғ тўғрисида суриштира бошлашибди. Йигит уларнинг саволларига тўғри жавоб бергач, дарҳол қўл-оёқларини ечиб озод қилибди ва ундан кечирим сўрашибди. Қизлар дарҳол ишга киришиб, девор туйнугини ҳам суваб ташлашибди. Сўнгра йигитни эркалаб, унинг боғини мақтай бошлашибди. Ниҳоят улар йигитга қизлардан бирини танлаб, истаганча айшу ишрат қилишга рухсат беришибди. Йигит бу сўзларни эшитиб, ишқ ўтида ёнибди, қизларга назар ташлаб, улар ичидан энг гўзалини танлаб олибди. Шунда қизлар уни боғдаги кўҳна бир айвонга келтириб, бир оз

сабр қилишини илтимос қилишибди. Йигит айвоннинг кичик бир дарчасидан қизларни кузатиб турибди. Қизлар устиларидаги кийимларини ечиб, қип яланғоч ҳолда ҳовузга тушиб чўмила бошлашибди. Йигит танлаган қизининг гулдек баданию сарвдек қоматини томоша қилибди. Икки севишганлар бир-бирларининг висолларига эришиб, ишқ гаштини сура бошлашибди. Айш-ишратнинг энг авжида кўҳна айвон севишганларнинг ҳаракатидан қулаб кетибди. Қиз қўрққанидан қизлар томон қочиб кетибди. Йигит ҳам уялганидан бекиниб олибди. Қиз қўлига чангни олиб, йигитни севиб қолганлигини куйга солиб айтибди. Сўнгра қизлар икки севишган қалбни яна бир-бирига қовуштириб, уларни холи қолдиришибди. Йигит ишқ ўтини энди лаззат суви билан ўчирмоққа шайланганда тўсатдан мушукнинг ғалаёну ваҳимасидан бирор фалокат юз бердимикин деб ўринларидан туриб, яна фурқат домига ошно бўлибдилар. Қизлар ошиқу маъшуқни яна боғ ичидаги бир холи жойга қўйиб кетибдилар. Ишқ домида куйган бу маъшуқлар муҳаббатнинг энг нозик ҳиссиётларини татиб кўрмоққа энди ружуъ қилишаётганларида дарахт тепасида юрган бир сичқон қуруқ қовоқ боғланган тугунни ечиб юборибди. Дарахтдан ерга юмалаб тушган қовоқнинг дўмбирадай товушлари уларни қуёндай ҳар томонга қочишга мажбур этибди. Қизлар икки севишганни яна қовуштириб қўйишади. Йигит энди муҳаббат найини лаззат қиёмига етказай деганда яна уларга бўри билан тулкиларнинг олишуви халақит беради. Шунда йигит бўлаётган ҳодисаларни чуқур ўйлаб, қаттиқ хижолат чекибди ва уни Тангрининг ўзи бу гуноҳли хатти-ҳаракатлардан сақлаб қолаётганини англаб етади. Тонг отгач, йигит ўз севгилисини уйига олиб кетибди, сўнгра эса никоҳдан ўтказиб, шундан кейингина ҳақиқий бахтли ҳаёт кечириб, мурод-мақсадига етибди».

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида жума куни Оқ қасрда еттинчи иқлим шоҳининг қизи хоразмлик гўзал қуйидаги ҳикояни айтиб берибди:

«Хўтан шаҳрида машҳур файласуф бўлиб, у табиат сирларини яхши билар экан, У шу сирларни изоҳлаб ечиб берадиган турли асбоблар ҳам ясаркан. Бир кун у шундай ҳайкалча ясабдики, агар кимки ёлғон гапирса ёки ғайритабиий нарсалар ҳақида гап борса, у хохолаб кулиб юборар экан. Уста бу ажойиб ҳайкалчани подшоҳга тақдим этишни лозим кўрибди. У устанинг бу антиқа ишини муносиб тақдирлабди. Подшоҳ аёлларнинг макру хийлалари, бевафолиги тўғрисида жуда кўп китобларни ўқиб чиқиб, уларга уйланишдан қўрқар экан. Бир куни подшоҳ оила қуриш масаласида вазирлар билан кўп суҳбатлашади. Улар подшоҳга: «Агар уй эгаси зийрак бўлса, унинг уйига ўғри ҳеч қачон кира олмайди, киши маст ҳолдагина бозорда ҳамёнини йўқотади, шунинг учун ҳар бир эрнинг хотини қандай бўлиши унинг ўзига боғлиқ», деб унга уч-тўрт қиздан энг яхшисини танлаб олишни маслаҳат беришади. Подшоҳга бу гаплар маъқул тушибди ва уйланишга қарор қилибди. Унга подшоҳ наслидан тўртта қизни қидириб топишибди. Подшоҳ уларнинг ҳар бирига мўлжаллаб иморат солдирибди. Иморатнинг юқори қисмидаги хоналарга келинларни жойлаб, ҳар бир хонага чиқадиган зиналар ясатади. Биринчи хонанинг катта зинаси катта ариқсуви оқаётган боққа, иккинчиси отхонага, учинчиси туяхонага ва тўртинчиси майхонага чиқар экан. Келинчаклар жуда гўзал ва ширинсухан экан. Подшоҳ улардан бирига кечани бирга ўтказишга имо-ишора қилибди. Қолганлари ўз хоналарига кириб кетибдилар. Кечаси куёв келинчакка ҳазил қилиб, унинг юзига қўлидаги атиргул билан оҳиста уриб қўйибди. Қиз ҳушидан кетиб қолибди. Шунда ҳайкалча қаҳ-қаҳ уриб кулибди. Қиз ўзига келгач, ҳайкалчани кўриб, юзини яшириб олибди ва подшоҳга унинг юзини бегона эркаклар эмас, балки ҳайкалча ҳам кўрмаслиги керак, депти. Подшоҳ унинг бу гапларидан таажжубда қолибди ва қизни зинаси отхонага чиқадиган хонага жойлаштирибди.

Эртаси кун подшоҳ иккинчи қизга имлабди. Кечаси малика ечиниб, момиқ кўрпага

ётаётганда унинг нозик баданига бу момиқ кўрпа тикандай санчилаётганини айтиб нозланибди. Ойнада подшоҳнинг аксини кўргач, уялиб яланғоч баданларини ёпиб олибди. У унинг гулдай оппоқ баданини подшоҳнинг акси кўриши керакмаслигини, чунки унинг акси бу подшоҳнинг ўзи эмаслигини айтибди. Ҳайкалча бундай гаплардан янада қаттиқроқ қаҳ-қаҳ уриб кулибди. Подшоҳ бу қизнинг қилиқларидан янада кўпроқ таажжубланибди ва уни зинаси туяхонага тушадиган хонага жойлабди.

Учинчи қизни у кундуз куни ҳузурига чақирибди. Қиз ҳовуздаги балиқларни кўриб, юзини бекитиб олибди. У ҳовуздаги балиқлар ичида эркак балиқлар ҳам бор, ваҳоланки, мени эркак балиқлар у ёқда турсин юзимни аёлларга ҳам кўрсатмаслигим керак, депти. Шу вақт ҳовуздаги ўйинчоқ кемачалар шабададан ағдарилиб кетибди. Қизга бу хол даҳшатли туюлиб, ҳушидан кетиб қолибди. Ҳайкалча яна ҳам мириқиб кулибди. Подшоҳ бу сафар ҳайкалча бежиз кулмаётган бўлса керак деб ўйлабди.

Навбат тўртинчи қизга келганда у подшоҳни ҳеч бир таажжубга соладиган иш қилмабди. Ҳайкалча ҳам унинг ғайри табиий қилиқлари йўқлиги учун кулмабди. Подшоҳ уни зинаси майхонага тушадигаи хонага жойлабди.

Шундай қилиб подшоҳ ҳафтанинг ҳар бир кунини уларнинг биттаси билан айшу ишратда ўтказиб келибди. У хотинларининг учтасидан кўнгли тўқ, лекин майхона тепасидаги хонадаги хотинига шубҳа билан қарар экан.

Бир кун подшоҳ маст ҳолда биринчи хотини билан кечани ўтказибди. Ярим кечада уйғониб қараса, унинг ёнида маҳваши йўқ эмиш. Подшоҳ зинадан секингина отхонага тушибди. У ерда атргулнинг оҳиста текканидан ўзини йўқотиб қўйган хотини келишилган вақтда тушмаганлиги учун занжининг қамчиси зарбларига ҳам унча парво қилмаётган экан. Подшоҳ бу воқеани кўриб дарғазаб бўлибди ва ҳайкалчанинг бежиз кулмаганлигини эслабди. Подшоҳ бу фоҳиша хотинини ўлдирмоқчи бўлибди, лекин унинг бундай жазоси бошқа хотинларининг асл қиёфасини билиш учун тўсқинлик қилиши мумкинлигини англаб, бу шаштидан қайтибди ва ўз жойига бориб, ҳеч нарсани сезмагандай яна ётаверибди.

Эртаси иккинчи хотинининг ҳузурига маст кишидай кирибди. Бир оз ўтгач, ўзини ухлаётгандай қилиб кўрсатибди. Бу нозанин ҳам айнан подшоҳнинг ухлашини кутиб турган экан. Секин ўрнидан туриб, ўйнаши томон елибди. Подшоҳ зинадан туяхонага тушиб қараса, момиқ кўрпалар ҳам баданига қаттиқ туюлган бу моҳи пайкар янтоқ уюмлари устида нозик баданига санчилаётган ниналарга ҳам парво қилмай, ўйнаши билан роҳатланиб ётган эмиш.

Кейинги кун у олдинги услуб билан учинчи хотинни ҳам ҳинд ўйнаши томон ошиқаётганлигини кўриб, ҳайратга тушибди.

Унинг тўртинчи хотинигина ўз эрига вафодор бўлиб чиқибди. Подшоҳ унга уйланишга қарор қилибди. Биринчи хотинни қамчи билан роса савалаб, занжига берибди, иккинчисини бошидан оёғигача нина санчиб, туя боқувчига топширибди, учинчисини эса сувга чўктиргизибди. Ўзи эса тўртинчи мўмин ва вафодор хотини билан тўй-томошалар қилиб, бахтли ҳаёт кечирибди».

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида жума куни Баҳром оқ кийим кийиб, оқ отда овга чиқади ва аждаҳо билан жанг қилиб, ғалаба билан қайтади. Кечқурун у Оқ қасрга кириб, еттинчи иқлим подшосининг қизидан қуйидаги эртакни тинглайди:

«Бу ҳикояни мен болалигимда эшитган эдим. Эронда бир Хўжа исмли олим киши яшаб, унинг қўлидан келмайдиган ҳунари йўқ экан. Хўжанинг жуда гўзал хотини бўлиб, кунлардан бир кун у сафарга отланаётиб хотинини чақириб олибди ва унинг йўқлигида шаънига иснод келтирадиган ишлардан сақланишини илтимос қилибди. Хўжа йўл юрибди, йўл юрса ҳам

мўл юрибди. Ниҳоят Кирмон вилоятига келибди. Хўжанинг таърифини эшитган султон уни ўз саройига хизматга чақирибди. Хўжа султоннинг таклифини қабул қилиб, тез кунларда саройдаги энг мўътабар кишилардан бирига айланибди. Бир кун султон ўз яқинларини шаҳар ташқарисидаги гўзал боққа меҳмонга чақиради. Таклиф қилинганлар орасида Хўжа ҳам бор экан. Меҳмондорчилик авжига чиққач, аския бошланибди. Сўз ўйинида Хўжага ҳеч ким тенг кела олмас экан. Султон Хўжанинг усталигига қойил қолиб, хурсанд бўлганидан унга ўз боғини берибди. Хўжа эса бир хўрсиниб қўйибди. Султон бунинг сабабини сўраганда, у «шундай катта боғда якка ўзим зерикиб қолишдан қўрқаман», деб ҳазиллашибди. Султонга бу гаплар янада ёқиб тушибди ва Хўжага бир неча гўзал париларни тортиқ қилибди. Хўжанинг ғанимлари унинг Султон билан яқинлигини кўролмай юришаркан. Шунинг учун уни шарманда қилиш чораларини ўйлашибди. Ҳатто бу фикрларни амалга ошириш йўлида Хўжанинг хотинини ҳам ишга солиб кўрибдилар. Лекин кўпни кўрган зукко ва тадбиркор Хўжа буларнинг ҳаммасини енгиб, ўз мақсадларига эришишга муваффақ бўлган экан».

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида жума куни Баҳром Оқ қасрда еттинчи иқлимдан келган хоразмлик дарвешдан қуйидаги ҳикояни тинглайди:

«Мен ўзим асли Хоразмданман. Касби корим созанда. Шу вақтгача мен бу санъатни эгаллашда яккаю ягона эдим. Менинг шуҳратим бутун Хоразм воҳасига ёйилган эди, бу касбни мендан ўрганганлар ўлкамизда машҳур бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси менинг шогирдларимдир. Маълум вақтгача шундан бўлиб келди. Қейинчалик менинг ишларим касодга учрай бошлади.

Бунинг тафсилотини сўзлай. Бир Хитой савдогари ўзи билан юртимизга бир канизак олиб келган эди. Хўжанинг молу дунёси беҳисоб, канизаги ҳам шу даражада гўзал, тенги йўқ созанда эдики, унинг баҳоси ундан ҳам ортиқ эди. Бу хабарни эшитиб, эл беқарор бўлиб, уни қарши олгани чиқдилар. Хўжа ҳақиқатда таърифланганича бор экан, унинг канизаги эса ҳеч қандай таърифга сиғмас эди. У осмондаги ойга ўхшаш гўзал, фалакдаги Зуҳра каби моҳир созанда эди. Унинг юзидаги ниқоби оқ булут қоплагандай оппоқ. Фақат угина эмас, нима кийган бўлса, ҳаммаси оқ бўлиб, оқдан бошқа нарсани у киймас эди. У парда ичида ўтириб чанг чалар, чангга эса ўз товушини жўр қилар эди. У созга қўшилиб шундай куйлар эдики, эшитганлар бунинг учун жон беришга ҳам тайёр эдилар. Шоҳ ҳам бу гўзал қизни эшитиб, унинг ҳузурига келиб тамошо қилибди. У қизни севиб қолибди ва орага совчилар қўйибди. Қиз шоҳнинг таклифларини рад қилади. Шунда шоҳ қизни мажбуран харамига олиб кетади ва санам висолига эришишга ошиқади. Шу чоғ қиз қўлига чангини олиб шундай мунгли овоз билан куйлайдики, уни эшитган сарой аҳли ўзини унутиб чуқур уйқуга кета бошлайди. Шоҳ ҳам бу кую овоз таъсиридан маст бўлиб, уйқуга бош қўяди. Натижада шоҳ уни бир неча марта мажбуран қасрга олиб борса ҳам, бари бир қиз ўз ҳунарини кўрсатиб, шоҳга итоат этишдан бош тортади. Ниҳоят шоҳ куч билан қизнинг муҳаббатини қозониши мумкин эмаслигини тушунгач, Хўжани ота, қизни сингил қилиб олибди. Шундан сўнг менинг ишларим борган сари орқага қараб кетди. Унинг санъатини эшитган халқ менга бўлган илтифотини ўзгартирди. Тирикчилигим оғирлашиб қолгач, бир чора излай бошладим. Хўжаникига бориб, ялиниб-ёлбориб, эрлигимдан айрилиб қизга шогирд тушдим. Шундай хизмат қилдимки, натижада ҳар иккаласига ҳам маъқул кўриндим. Лекин қизнинг вужудида қандайдир кучли севги борлигини сезар эдим. Бир кун мен ундан бунчалик эзилаётганлигининг сабабини сўрадим. Шунда у ўз сирини менга очишга ваъда қилиб, уни билиб олгач, бу мамлакатни тарк этишни шарт қилиб қўйди. Мен ҳам бунга рози бўлдим. Шундан кейин у бошидан ўтганларини менга бирма-бир сўзлаб берди».

Дарвеш Баҳром Гўр билан Дилоромнинг тарихини батафсил гапириб берибди. Баҳром

Гўр Дилоромни чўлда ташлаб кетганидан сўнг тасодифан Хўжа Хоразмга савдо ишлари билан кетаётиб, Дилоромнинг бу аҳволга тушганини кўриб, қаттиқ изтироб чекканини, қизнинг оёқ-қўлларини ечиб, ўзи билан олиб кетганлигини гапириб берибди. Қиз Кофурга бутун сирини гапириб бергач: «Мана, сиримни ҳам билиб олдинг, энди қабул қилган шартингга вафо қил, бу диёрни ташлаб кет!» депти.

«Мана ўша диёрни ташлаб, сенинг қасринг ёнидан ўтиб кетаётган эдим, мени ҳузурингга бошлаб келишди. Энди сиз менинг тарихимдан огоҳсиз», деб сўзини тугаллабди.

Баҳром Кофурнинг бу ҳикоясида ўз саргузаштларининг нишонасини кўрди ва севикли Дилорominинг ҳаёт эканлигидан хабар топиб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Гоҳ ҳушидан кетиб, гоҳ ҳушига келди. Шоҳнинг ороми йўқолиб, Дилором олдига боришни ўйлаб қолди. Лекин унинг яқинлари сабр қилишни маслаҳат бердилар. Шоҳ мактуб билан Хоразмга элчилар юборди, Хўжа мактубни олгач, унинг мазмуни билан Дилоромни ҳам таништирди. Бундан огоҳ топган Хоразм шоҳи уларга лутфу иноятлар кўргазди. Дилором Баҳром ҳузурига интилди, У ҳеч қаерда тўхтамай, шошилинч йўл босарди. Баҳром ҳам Дилоромнинг истиқболига пешвоз чиқиб, сабрсизлик билан севгилисини кутмоқда эди. Ниҳоят ҳажрнинг охир паёни кўриниб, Дилором билан Баҳром топишдилар.

Баҳром ўз муроду мақсадига етгач, Хўжани ўзига хос вазир қилиб тайинлади».

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Навоийнинг етти ҳикояси Низомий ва Хусрав Деҳлавий ҳикояларидан қаҳрамонлар руҳий кечинмаларининг кучлилиги, севги тароналари сюжет марказида асосий ўринни эгаллаши, қаҳрамонларнинг ҳикоя асосий мавзусини ҳал қилиш ишига фаол қаратилганлиги билан кескин фарқ қилади. Шоир қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини уларнинг ижобий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Навоий қаҳрамонлари – довюрак ва мардонавор, ақлли ва донишманд кишиларнинг бадиий асардаги ифодаси бўлиб, улар ўзларининг ахлоқи, билим даражаси, очиқ кўнгиллилиги ва ботирлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Навоий тасвирида Фаррух ва Ахий, унинг хотини, Гулрух ва Меҳр, Муқбил, Масъуд, Суҳайл ва Саъдлар ана шундай қаҳрамонлар сирасига киради. Уларнинг ҳар бири бошидан даҳшатли воқеаларни кечириб, ниҳоят ўз мақсадларига эришадилар.

Хусрав Деҳлавий ҳикояларида бевафо аёллар, уларнинг макру хийлалари ва ахлоқий бузуқликлари орқали кўпроқ аёлларнинг салбий хусусиятлари фош қилинса, Алишер Навоий ўқувчиларда хотин-қизларга нисбатан олижаноб тасаввурларни шакллантиришга катта эътибор берган. Навоийнинг деярли ҳамма ҳикояларида уларни вафодор маҳбуба, ғамхўр она, табиатнинг улуғ туҳфаси сифатида эъзозлайди. Бу билан Навоий аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, хотин-қизларга бўлган ўзининг юксак ҳиссиётларини ифода этади. Навоий шарқ хотин-қизлари қиёфасида вафодор севгили, ажойиб инсон билан бир қаторда буюк истеъдод эгаси, санъатнинг нозик билимдони тимсолини кўз олдига келтиради. Унинг ҳикояларида аёлларнинг ташқи қиёфаси уларнинг ички бой, маънавий дунёси билан узвий боғлиқ равишда тасвирланади.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида шу ерга келиб қолипловчи ҳикоялар тугайди. Еттинчи ҳикоя орқали Навоий Баҳром Гўрни Дилором висолига етиштиради. Бундан кейинги боблар Баҳром Гўр ҳаётининг сўнгги онларини тасвирлашга бағишланади.

Шоир Баҳромнинг фожиавий ўлими ҳақида шундай дейди:

Саъй ила бир-бирин тутиштилар,
Муғтанам айлабон қучуштилар.
Бор эди ул қучишмоқ андоқ руст,

Ким бир ўлдилар ики ҳамдам чуст.
Бўйла ваҳдат чу ошкор ўлди.
Бир-бирига иков шикор ўлди,
Кўрди шаҳким сипоҳи дашт навард,
Ботти андоқки йўқ алардин гард,
Ул сориким азимат этти сипоҳ,

Ҳам ўшал ён азимат айлади шоҳ.
Мўрдек тушти ул сипоҳ аро шўр,
Кирдилар ерга барча ўйлаки мўр.
Кирди гар мўрдек сипоҳи дажам,
Кирмайин қолмади Сулаймон ҳам.
Гўрдир барча олам аҳлиға қисм,
Анга Баҳром Гўр эди худ исм.

Хусрав Деҳлавийнинг достонида ҳам етти ҳикоядан сўнг Баҳромнинг вафоти тасвирланади. Хусрав Деҳлавийда Баҳром Гўр ов вақтида кийикни қувиб кетаётганида қудуққа тушиб ғойиб бўлади. Қудуқ чуқур ва ғорчалардан иборат бўлгани сабабли унинг жасадини қанча қидирмасинлар, тополмайдилар.

Бу манзарани шоир шундай ифодалайди:
Ки «Чу Баҳром, чанде аз дили шод
Ронд гунбад ба гунбад аспи мурод,
Оқибат, гунбади сипеҳр ба зўр
Шуд кашонаш ба сўи гунбади гўр.
Дод гунбадкунону гўрзанон
Гўрбонро ба гўри дашт инон.
Чуст чандон ба гўру саҳро роҳ,
Ки дарафканд гўраш андар чоҳ.

Яъни:

Баҳромнинг дили анча шод бўлгач,
Мурод отини у гумбаздан бу гумбазга сурди.
Оқибат бир кун фалак гумбази,
Уни гўр гумбази томон тортиб кетди.
Фалак гумбази уни гўрга чорлаб,
Гўрковни бўш гўр томон бурди.
Саҳро кийигини (гўрини) қанча қидирмасин,
Уни ўлим чоҳга олиб бориб ташлади.

Низомийда ҳам Баҳром Гўр кийикни қувиб орқасидан кетаверади. Кийик ғорга кириб ғойиб бўлади. Баҳром ҳам кийик изидан ғорга киради ва шундан сўнг ундан қайтиб чиқмайди. Сарой аҳли уни қанча қидирмасин, уни ҳеч ким тополмайди. Шунда ғордан: «Уйларингга қайтингиз, шоҳларингиз бу ерда иш билан банддир», деган овоз тарқалади. Низомий бу ҳолни шундай тасвирлайди:

Буд ғоре дар он харобистон,

Хуштар аз чоҳи ях ба тобистон.
Рахнае жарф дошт чун чоҳе.
Ҳеч касро на бар дараш роҳе.
Гўр дар ғор шуд равону далер,
Шоҳ дунболи ў гирифта чу шер,
Асп дар ғори жарф ронд савор,
Ганжи кайхисрави супурд ба ғор...
Он вушоқон зи баҳри хизмати шоҳ
Бар дари ғор карда манзилгоҳ.
На раҳи онки дархазанд ба ғор,
На сари боз пас шудан ба шикор.
Дида бар роҳ монда бо дами сард
То зи лашкар кужо барояд гард,
Чун замоне барон кашид дароз,
Лашкар аз ҳар сўе расид фароз.
Шоҳ жустанду ғор медиданд,
Мўҳра дар мағзи мор медиданд.
Он вушоқон зи ҳоли шоҳи жаҳон
Боз гуфтанд ҳар чи буд ниҳон,
Ки: «Чу ў бар шикор кард оҳанг
Ронд маркаб барин гареваи танг».
Кас дарин довари нашуд ёвар,
Ин сухан кас надошти бовар,
Ҳама гуфтанд: «Ин хаёл бадаст,
Қавли ноболиғони бехирадаст!
Шоҳ Баҳроми бо сукунату рой!
Кай дарин тангной гирад жой!..»
Бар нишон додани халифаи тахт
Мезаданд он вушоқагонро сахт!
З-оҳи он тифлакони дардолуд
Гарде аз ғор бардамида чу дуд,
Бонге омад ки: «Шоҳ дар ғораст,
Бозгардед, шоҳро кораст!»
Хосагоне ки аҳли кор шуданд,
Шоҳжўён даруни ғор шуданд.
Ғор бунбаста буд, дар на падид,
Анкабўтон басе, магаз на падид.
Сад раҳ аз оби дида шустандаш,
Балки садбора бозжустандаш.
Чун надиданд шоҳро дар ғор,
Бар дари ғор саф задан чу мор.

Яъни:

Ўша жойда бир ғор бор эди,
У ер салқин хуш манзил эди.
Гўр (кийик) ғорга кирдию кетди.
Ботир шоҳ унинг изидан шердай борди.

Ғорга оти билан ов кетидан кирдию,
Кайхусрав хазинасидек ғойиб бўлди.
Шоҳга ғор пардадор бўлди.
Ғор унга ёру ҳамдам бўлди.
Ғор олди бирдан қулаб,
Лашкар қаерга боришини билмай қолди.
Улар ғорга йўл йўқлигини англадилар,
Орқага қайтмоққа рағбат йўқ эди.
Йигитларнинг доду оҳи фалакка етди.
Бир вақт ғордан дуддай чанг-тўзон чиқиб:
«Шоҳ ғорга шунинг учун келдики,
Унинг бу ерда иши бор.
Сизлар уйга кетинглар», – деган овоз чиқди.
Хизматкорлар тошларни олиб,
Чироқ ёқиб, қоронғи ғорга кирдилар.
Ғор ичида тўсиқ девор кўринди.
Ўргимчак кўпу пашша йўқ эди,
Улар кўзларининг суви билан юзлар ювишди,
Юз марталаб шоҳни чақиришди.
Чун шоҳни ғордан топиша олмагач,
Илон каби саф тортиб ғордан чиқдилар.

Низомий достонида Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонларидан фарқли ўлароқ, Баҳромнииг ўлимидан илгари яна қатор воқеаларга бағишланган боблар келади. Хусусан, Низомийда етти ҳикоя тугагач, Хитой хоқони Баҳромга қарши иккинчи марта юриш қилади. Баҳромнинг Рост-равшан исмли вазири шоҳнинг айш-ишратга берилгани ва давлат ишларини унутиб қўйганидан фойдаланиб, халққа кўп зулм ўтказади. У Баҳром Гўрнинг бош саркардаси билан тил бириктириб одамларни талайди, хазинани бўшатади, мамлакат вайрон ҳолга келади. Баҳром Гўр мана шу ҳамма кулфатларга сабабчи унинг вазири эканлигини ов вақтида чўпон билан бўлган суҳбатда англаб олади. Сотқин ва қонхўр Рост-равшанни Баҳром халқ ҳузурида қатл қилади. Рост-равшан қамаган минглаб асирларни озод қилади, мамлакатни тиклайди ва адолат ўрнатади. Хитой хоқони ҳам воқеаларнинг асосий сабабчиси Рост-равшан қатл этилгач, шоҳ Баҳромга мактуб йўллаб, тинчлик аҳдини тузади.

Низомийнинг достонида Навоий ва Хусрав Деҳлавий достонларидан фарқли ўлароқ, асосий етти новелладан сўнг, вазир томонидан қамалган етти маҳбус ҳикоялари тингланади. Мана шулардан сўнг Низомий Баҳромнинг ўлими, сўнгра шоҳаншоҳ Аловуддин Кўрпа Арслонни мадҳ этиб, асарнинг унга бағишланганлигини қайд этади, достоннинг ёзиб тугатилган тарихини кўрсатади (593 ҳижрий йилнинг (14-рамазони).

Хусрав Деҳлавий Баҳромнинг қудуққа тушиб ўлганидан кейин «Хамса» асарига ҳамду санолар ўқиб, ҳақиқатнинг буюк кучи, илм ва назмнинг қудрати ҳақида фалсафий мулоҳазалар юритади. У, шунингдек, мунаққидларнинг «Хамса»си ҳақида турли мулоҳазаларга борганликлари ҳақида, лекин булар ичида энг ҳаққоний баҳо ва айрим муҳим тузатишларни устози Низомиддин Авлиё қилганлигини қайд этади.

Ашраф Марофийнинг «Ҳафт авранг» достонида ҳам Низомийникидаги каби асосий етти ҳикоядан сўнг, Баҳром Гўр бир ажойиб гўзал кийикни қувиб боради. Кийик Баҳромни ғорга бошлаб кириб кетади. Баҳром Гўр ҳам кийик кетидан ғорга киради ва шундан сўнг қайтиб

чиқмайди. Лашкарлар уни ғорда қанча қидирмасинлар, уни тополмай қайтадилар.

Сўнгра Ашрафда Баҳром ҳақидаги достон тугагач, асар муваффақият билан тугагани учун ҳамду санолар ўқилади. Достоннинг охирида эса асарнинг ёзилган муддати кўрсатилади (844 ҳижрий йил).

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Хусрав Деҳлавий достонидаги эртакларнинг сюжети учун қадимги ҳинд адабиётининг бой материаллари асос вазифасини ўтаган. Шоир шу бой адабиёт заминида юқори бадиий такомилдаги, мустақил ғоявий йўналишдаги ҳикояларни яратишга муваффақ бўлган. Бизнинг бу борада олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонига кирган аксарият ҳикоялар қадимги ҳинд эпоси ва фольклори анъаналарининг энг ёрқин намуналарини ўзида акс этирган. «Ҳашт биҳишт» достонларидаги ҳикояларнинг асосий манбаларига келсак, уларнинг шаклланишида қадимги ҳинд диний-фалсафий таълимотининг кучли таъсирини сезамиз, Хусрав Деҳлавий ҳикояларининг куртакларини қадимги ҳинд адабий ёдгорликлари «Жатакамала» «IV аср), «Дхуратакхяна» (VII–VIII аср), «Харибхидра» (VII–VIII аср), «Катхасаритсагара» (XI аср), «Веталапанчавиншатиқи» (XI аср), «Шукасаптати» (XII аср) ва бошқалардан кўриш мумкин.

Маълумки, бир жасад руҳининг иккинчи жасад руҳига ўтиб юриши мавзуси билан боғлиқ бўлган ҳикоялар қадимги ҳинд халқ эртакларида кўп тарқалган бўлиб, улар айниқса, ўрта аср адабиётида кенг қўлланиб келинган. Масалан, санскрит адабиётидаги муаллифи номаълум бўлган «Авлиё ва сатанг хотин» (VII аср) асарида руҳни бир жасаддан иккинчи жасадга ўтказиш сирини билиб олган зоҳид ҳақида гап боради. Зоҳид ўзининг бу сирини шогирдига ўргатган бир вақтда ўз севгилисини боғда кутиб турган бир сатанг хотинни илон чақиб ўлдиради. Ўқитувчи шогирдига руҳнинг бошқа ўлик жасадга ўтиш сирини намойиш қилиш учун ўз руҳини ҳалиги сатанг хотин руҳига кўчириб кўрсатади. Ўз навбатида ўлим худоси Яманинг қарорига кўра сатанг хотиннинг руҳи зоҳиднинг жасадига жойлашади. Шундай қилиб, зоҳид сатанг хотин қилиқларини қила бошлайди, сатанг хотин эса зоҳид қиёфасига кириб унинг юриш-туришлари билан яшайди. Шунда бундай ўхшашсизлик ва тартибсизликни кўрган ўлим худоси уларнинг руҳларини қайта ўз жасадларига жо қилиб, йўл қўйилган хатони тузатади.

Шундай қилиб руҳларнинг кўчиб юриши ҳақидаги қадимги ҳинд диний-фалсафий таълимотига асосланиб, кўп шоирлар ана шу мавзудан кенг истифода қилган ҳолда ҳаётий ва ахлоқий масалаларни кўтариб чиққанлар. Шундай мавзудаги ҳикоялар сирасида Хусрав Деҳлавийнинг учинчи новелласидаги руҳнинг кўчиш сирларини билиб олиб, ўз шоҳи жасадидан шахсий манфаатлари учун фойдаланган ва шоҳнинг хотинининг тадбири туфайли фош бўлган хоин вазир тўғрисидаги ҳикояни киритиш мумкин.

Хусрав Деҳлавий ҳикояларидаги яна бир ўхшаш томонлар шундан иборатки, уларда ҳам санкрит адабиётидаги каби фантастик ва ғайри табиий воқеа ва ҳодисаларнинг кўплигидир. Шунинг учун бўлса керак, айрим мутахассислар Хусрав Деҳлавий ҳикояларини дам олиш ва кўнгил хушлаш учунгина ёзилган деб таъкидлайдилар. Лекин ҳикояларни чуқур ўрганиб, улардаги мазмун билан шаклни бир бутун ҳолатда қараб чиқсак, Хусрав Деҳлавий ушбу достонида ҳам Низомий ва Навоий достонларидаги каби чуқур фалсафий ва гуманистик ғояларни илгари сурганлигининг гувоҳи бўламиз, Хусрав Деҳлавий достонининг ўзига хос оригинал томонларини кўрамиз. Бу масалани тўғри ёритишда биз Н. И. Пригарина фикрига қўшиламиз. Олима Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонини чуқур ўрганар экан, у достоннинг кириш ва хотима қисмларида шоирнинг дунёқарашида илгари тадқиқотчилар томонидан аниқланмаган томонларни диққат билан ўрганиб чиқишга муваффақ бўлади. Булар асосан, шоирнинг фалсафий-этик қарашларини ташкил этади, улар достоннинг

кириш қисмида сўфизм таълимоти билан чамбарчас боғланган ҳолда «саккиз» рақами орқали ифода этилади. Достоннинг фабула қисмида эса достон сюжетининг асосий чизиқлари ҳал қилиниб, уларнинг вазифалари бир-бирларидан ажралган ҳолда қаралган. Шу тариқа Хусрав Деҳлавий ўзига хос композицион тузилиш орқали Низомий кўтариб чиққан адолатли шоҳ муаммосини бошқача йўналишда ҳал қилишга уринади. Хусусан, у фабуладан дидактикани ажратиб олиб, новеллаларнинг қизиқарли ва ўқилишлигини таъминлаган ҳолда ўзининг қарашларини янги талқинда ифода этади. Бу янгича талқин «саккиз» рақамининг рамзий маъноларида ўз ифодасининг инъикосини топган. Агар Низомий ўз достонида борлиқнинг етти поғонасини босиб ўтган бўлса, Хусрав Деҳлавий «саккиз» рақами билан саккиз поғонани босиб ўтганлигини қайд этмоқчи бўлади.

Дарвоқе, достоннинг композицион тузилишига яна бир бор мурожаат этсак, Н. И. Пригаринанинг фикрлари янада ойдинлашади. Олима достоннинг номи билан унинг композицион тузилиши ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини бежиз таъкидламаган.

Хусрав Деҳлавий достонининг кириш қисми етти бобдан иборат, саккизинчи боб якунловчи бўлиб, шоирнинг устози Шаҳобиддин Бадаюнийга бағишланган. Демак, достоннинг умумий ҳисобдаги боблари саккизта. Бу рақам Н. И. Пригаринанинг фикрига кўра, дунёни билиш тўғрисидаги сўфизм таълимоти билан чамбарчас боғлиқдир. Достоннинг кириш қисмида баён этилган шоирнинг фикрлари ижодкорнинг асосий ғояларини ташкил этади, унинг фабула қисми ана шу асосий фикрнинг бир бўлагидир. Бунда Баҳромни ахлоқий тарбиялаш учун етти ҳикоя баён этилади.

Шундай қилиб, Хусрав Деҳлавий достоннинг кириш қисмида ўзининг диний-фалсафий қарашлари, рақам ва рангларнинг рамзий маънолари ва шеърий воситаларни кенг қўллаган ҳолда идеал киши ахлоқнинг барча нормаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак, деган хулосага келади. Агар этик фазилатларга эга бўлган пайғамбар учун фалакка чорловчи зинапоялар унинг меърожига сабабчи бўлган бўлса, Баҳром учун бу зинапоялар тескари вазифани бажариб, осмон гумбазига эмас, балки уни ердаги гумбазга, яъни, гўрга олиб борувчи йўлдир. Шунинг учун ҳам Хусрав Деҳлавийнинг Баҳроми номуносиб шоҳлиги туфайли асар ниҳоясида нафсининг қурбонига айланади. Хусрав Деҳлавийнинг достонидаги умумий ғоя ҳам ана шу нафсоний номуносиблик билан ифодаланади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг якунловчи қисми уч бобдан иборат. Биринчи бобда инсон учун берилган умр қисқалиги, шунинг учун уни фақат яхшиликка бағишлаш кераклиги ҳақида гап боради. Шоир яхшилик ўрнига ёмонлик қилаётган ҳокимларни чуқур хатога йўл қўяётганликларини алоҳида таъкидлайди. Иккинчи бобда шоир достонни тугатгандан сўнг кўрган тушини тасвирлайди. Унинг тушига Баҳром, Дилором ва етти гўзал киради. Улар шоирни достонни тугаши билан табриклаб, қаҳрамонларни тўғри тасвирлаганлигини алоҳида қайд қиладилар. Шу ерда Навоий Султон Ҳусайн Бойқарони ҳам тилга олиб ўтади. Охирги бобда Навоий ҳар кимга ўзининг асари маъқул кўриниши, агар у ўз асарини юқорироқ баҳолаган бўлса, уни маъзур тутишларини сўрайди. Ниҳоят Навоий достоннинг асосий ғояси етти ҳикояда ўз аксини топганлигини айтиб, достонга якун ясайди.

Хулоса қилганда, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларининг композицион тузилиши бўйича қуйидаги якунни ясаш мумкин:

1. Ҳар учала ижодкорнинг қолипловчи ва етти ҳикоядан иборат бўлган сюжетларининг асоси бир хилдир. Хусрав Деҳлавий уни Низомийдан олган Навоий достони учун эса, Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг асарлари асос бўлган. 2. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достони композицион тузилиш жиҳатидан мураккаб асардир, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳафт биҳишт»и унга нисбатан соддароқ, Ашраф Марағийнинг «Ҳафт авранг» достони

эса ҳар иккала ижодкорникидан ҳам соддадир. Низомий достонининг мураккаблиги, биринчидан, қолипловчи ҳикояларда турли тарихий эпизодларнинг кўплиги билан изоҳланса, иккинчидан, қолипловчи ҳикоя ичида икки турдаги ҳикоялар силсиласининг киритилишидадир. Биринчи етти иқлим шоҳ қизларининг эртаклари бўлса, иккинчи маҳбусларнинг Баҳромга сўзлаб берган ҳикояларидир.

Хусрав Деҳлавий ўз достонида Баҳром тарихига оид эпизодларни тушириб қолдириб, қолипловчи ҳикояни ихчамлаштирган, Низомийда мавжуд бўлган маҳбусларнинг етти ҳикоясини ҳам қисқартириб, достон композициясини ўзгача тузган. Лекин Хусрав Деҳлавий қолипловчи ҳикояга кирган эртакларини ўқувчига Низомийникидан ҳам мураккаброқ қилиб тақдим этади. Навоий ҳам Хусрав Деҳлавий йўлини тутиб, достонни сюжет ва композицион жиҳатдан такомиллаштирган.

Лекин Навоий достони сюжетининг соддалиги шундан иборатки, унда тарихийлик ўрнини кўпроқ психологик тасвир эгаллайди.

3. Алишер Навоий достонининг сюжет ва композицион тузилиши жиҳатидан салафлариникидан яна кескин бир фарқи шундан иборатки, шоир қолипловчи ҳикояни унга кирувчи ҳикоялар билан чамбарчас боғлаганлигидадир. Еттинчи ҳикояда иштирок этувчи асосий қаҳрамон Дилором достоннинг қолипловчи қисмини ҳикояларнинг ажралмас қисмига айлантиради.

4. Алишер Навоий ҳикояларининг аксарият қисми реал сюжетлар асосида қурилган бўлиб, уларда девлар, жинлар ва бошқа ғайритабиий кучлар билан боғлиқ лавҳалар, шунингдек салафларининг достонларига хос бўлган, мунажжимларнинг башоратлари каби саҳналар деярли йўқ.

5. Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонларидаги ҳикояларнинг сюжетлари вақтичоғлик характерига эга бўлса, Навоий ҳикояларида кўпроқ дидактика устун туриб, воқеалар шоирнинг эстетик принципларига монанд равишда ўз ифодасини топган.

АФСОНАЛАРДА ШАКЛЛАНГАН ОБРАЗ

Маълумки, шарқ халқлари бадиий ижодида муштарак ҳисобланган айрим сайёр сюжетлар, айни вақтда қардош халқлар адабиёти намуналарининг асарларида ҳам мазмунан бир-бирига яқин тарзда талқин этилган. Шу билан бирга уларнинг ижод маҳсулотлари фақат форсигўй халқларга тарбиявий, ахлоқий ва эстетик завқ бағишлабгина қолмай, балки туркий халқлар орасида ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказиб келганлигини юқорида кўриб ўтдик. Айниқса Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавийнинг асарлари Навоий ва ундан кейин яшаб ижод этган шоирларимиз мерослари да ўз аксини ижодий такомил даражасида топган. Бу эса, ўз навбатида Шарқ халқларининг айниқса, Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари маданиятининг бир-бирлари билан яқиндан таниш ва узвий алоқада бўланликларидан далолат беради.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларини қиёсий ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир достон шаклан ўзига хос тузилишга эга, бадиий-ғоявий жиҳатдан эса турли йўналишга эга экан. Ҳар бир ижодкор ўз олдига қўйган мақсадни қай даражада бажарганлигини аниқлаш учун энг аввало унинг ижодий қарашларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу туфайли ҳар учала асарнинг қаҳрамонлар оламини тадқиқ қилиш, поэма қаҳрамонлари характерларидаги умумийлик, улардаги фарқ қилувчи жиҳатларни аниқлаш, айрим эпизод ва қаҳрамонларнинг генетик илдизларини излаш муҳимдир. Бу муаммони ҳар жиҳатдан ўрганиш бир томондан ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос томонларини аниқлаш имкониятини берса, бошқа жиҳатдан муаллифларда анъана ва новаторлик масалалари қай даражада ҳал этилганлигини тадқиқ қилиш учун ҳам зарурдир.

Шунинг учун биз энг аввало гапни китобхонни Баҳром Гўр образинииг бадиий эволюцияси тарихи билан таништиришдан бошлаймиз.

Шарқ халқлари ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва маиший алоқалар заминида пайдо бўлган турли ривоят ва афсонавий эртакларнинг куртаклари узоқ қадимиятга бориб тақалади. Уларда ҳокимларнинг ижтимоий мавқеи, меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти, урф-одати ва халқ қаҳрамонларининг, ҳақиқат, адолат ўрнатиш йўлида золим ҳукмдорларга қарши олиб борган матонатли курашлари ўз аксини топган. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиётда бу мавзуга доир жуда кўп асарлар яратилган. Уларда жамият ва давлатнинг ҳар томонлама шаклланган идеал шахс бошқариши лозимлиги уқтирилади. Мана шундай мавзулардан бири Баҳром Гўр образи билан чамбарчас боғлиқдир.

Баҳром Гўр образи ўзининг типологик илдизи жиҳатидан шарқ халқларининг қадимги мифологияси ва сосоний ёдгорликларига бориб тақалади.

Баҳром Гўрнинг ҳарбий юришлари, ишқий саргузаштлари ва ғайритабиий тарзда ғойиб бўлиши Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Евросиё халқлари орасида оғиздан-оғизга кўчиб достон бўлиб келган.

Шу боисдан ҳам турли халқлар фольклори ва адабиётида Баҳром Гўр образи билан боғлиқ афсона, ҳикоя ва достонлар жуда кенг тарқалган.

Бу қаҳрамон туркман халқ эпосларида Шобеҳрам, арманларда Вахагн, грузин халқ поэмаларида Вахтанг Гўргасол, рус ёдномаларида Георгий Победоносец деб юритилади.

Унинг номини олимлар ҳинд-эрон эътиқодидаги момақалдироқ ва уруш худоси ҳисобланиб келган Варахран ва Веретрагнлар билан чамбарчас боғлайдилар. Кейинчалик бу икки ном қўшилиб, бир кишининг тимсолий маъносида қўлланила бошланган.

Академик И. Орбелининг фикрича, Баҳром Гўр қадимги Бобил ва Кавказ халқлари афсоналаридаги Гург, яъни жасорат худоси билан боғланган. Маълумки, жасорат худоси

Гург ёвуз кучларга қарши курашган, унинг боши бўри, танаси эса инсон қиёфасида бўлган экан.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да бу исм Варахран шаклида учрайди.

Фердинант Юстининг хабарига кўра, Баҳром номининг келиб чиқиши жуда узоқ қадимият билан боғланган экан.

Олим бу номни қадим замонлардан бери тоат-ибодат қилиб келинган момақалдироқ ва чақмоқ худоси Индра Веритраган билан боғлаб, унинг санскрит адабиётида учрашини қайд этади. Қадимги ёдномаларда Яздигирднинг ўғли Баҳром V гача Баҳром номи билан 13 подшоҳ ўтган экан. Улардан бири Баҳром-ғолиб, иккинчиси Баҳром-мерган, яна бошқалари Баҳром-шернажот, яна бир гуруҳи Баҳром-золим лақаблари билан аталган экан. Кейинчалик халқда Баҳром V ни ана шу юқорида биз айтган афсоналардаги момақалдироқ ва чақмоқ худоси Веретраган билан боғлаб тасаввур қилиша бошлашган. Бунга Баҳромнинг характеридаги даҳшатли момақалдироқ сочувчи Зевсдаги каби жанговарлик, ўта жаҳлдорлик ва ўзини тўхтатиб тура олмаслик каби айрим хусусиятларнинг Веретраган билан ўхшаб кетганлиги ҳам катта роль ўйнаган. Бошқа томондан сосонийлар саройидаги феодал доиралар ва зардуштийларнинг руҳонийлари Баҳромни жуда ҳурмат қилган ҳолда уни идеаллаштиришга ҳаракат килганлар. Бунинг асосий боиси Баҳромнинг зардуштийлар манфаатларига ҳар томондан мадад бериб, насронийларни тазйиқ остига олганлиги билан изоҳланади. «Тарихи Табарий»нинг муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (838-928) форс бўлганлиги учун, табиийки, у ҳам сосонийлар даврини идеаллаштиришга ҳаракат қилган.

Хуллас, шарқ адабиётидаги Баҳром Гўр образи тарихда айтарли даражада ўз изини қолдирмаган, Варахран V шахси эмас, балки қадимги ҳинд-эрон халқлари этиқодидаги ярим афсонавий мавжудоддир.

«Авесто»нинг «Яшт» китобининг «Миҳр – Яшт» бобида эзгулик худоларини мадҳ этувчи ашула қисмларида Веретраган даҳшатли жанг ва қаҳрамонлик худоси сифатида тилга олинади. Хусусан, у ҳақда шундай дейилган:

Биз кенг далаларга эга бўлган
Митрани ҳурмат қиламиз:
Ҳақгўй, хушгуфтор,
Мингқулоқ, ажойиб қиёфали,
Ўн минг кўзли, буюк,
Уйқу нималигини билмайдиган, доим тетик.
Унинг олдида Ахура томонидан
Яратилган Веретрагна, тўнғиз қиёфасида,
Ўткир тишлари, ўткир тумшуғини қайраб, илдам бормоқда.
Жаҳли чиққанда, Бир зарбда ҳамма атрофдагиларни қулатиб, илдам қадам ташлайди.[1]

К. В. Травернинг фикрича, шоирлар ердаги тарихий подшоҳ Баҳром V қиёфасига ҳинд-эрон халқлари эътиқодидаги Веретраган худосининг қатор хусусиятларини сингдириб, уни мураккаб бир образ ҳолига келтирганлар. Чунки Веретраган қадимда гоҳ инсон, гоҳ турли ҳайвонлар қиёфасида ўз аксини топиб, доимо ғалаба, тантана, куч ва бўйин эгмасликнинг юксак моҳиятини англатиб келган. Натижада бу икки мутаносиб ва бир-бирларига ўхшаш бўлган образлар давр талабига жавоб берувчи ягона қаҳрамонни бунёдга келтирган.

[1] Литература древнего Востока. Из-во МГУ, 1984, 37-6.

Шундай қилиб, эрон-ҳинд халқлари эътиқодидаги худонинг афсонавий номи маълум тарихий босқични босиб ўтгач, секин-аста тарихий шахс Варахран – Эрон сосонийлар шоҳи Яздигирднинг ўғли Баҳром V номи билан қоришиб кетади. Баҳром V ўз ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ мамлакатдаги зардуштий феодалларининг манфаатларини ҳимоя қила бошлади. Уларга ҳар жиҳатдан эркинлик берди. Баҳромнинг бундай мадади ўз навбатида зардуштийлар томонидан унинг ҳокимиятининг кучайиб кетишига сабабчи бўлди. Шу билан бир қаторда зардуштийлар Баҳром шахсиятини идеаллаштириб, уни ўз ёдномаларида илоҳият даражасига кўтаришдан манфаатдор эдилар. Шундай қилиб, Баҳром номи қадимги ҳинд-эрон худоси Веретраган билан ҳамоҳанг бўлганлиги туфайли у босқичма-босқич афсоналарга самовий овчи ва севгида ўз хиссиётларини тия олмайдиган ошиқ сифатида ўрнашди. Кейинчалик давр ўтиши билан бу образ кўплаб шоирларнинг севимли мавзуси учун илк манба бўлиб қолади.

Баҳромнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эрон шоҳларининг тарихига бағишланган «Худойнома», «Сияру мулук ил-фурс», «Тарихи Табарий», «Тарихи мулуки ажам» асарларида батафсил келтирилган, уларнинг қисқача мазмуни шундай:

Эрон шоҳи Яздигирд мамлакатни зулм билан бошқаради. Душманларидан қўрққан подшоҳ ўғли Баҳромнинг тарбиясини Яман подшоси Нуъмонга топширади. Нуъмон Баҳромни довюрак ва шижоатли қилиб тарбиялайди. Яманнинг иссиқ оби-ҳавоси Баҳромнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун Нуъмон баҳаво жой топиб, Ҳаварнақ қасрини қурдиради. Баҳром ов қилиш, чавандозлик, ҳарб иши ва бошқа фанларни пухта ўзлаштиради. Баҳромнинг овдаги саргузаштларини рассомлар Ҳаварнақ деворларида акс эттирадилар. Баҳром ҳар жиҳатдан билимдон, шижоатли, яхши чавандоз ва овчи бўлиб етишади. У ҳамма нарсадан ҳам кийикларни овлашни жуда яхши кўради. Балки шу туфайли, тарихий ёдномаларда кайд этилганидек, Баҳромга ҳаддан ташқари кийикларни овлашни яхши кўрганлиги учун унга Гўр, яъни кийик тахаллусини қўйишгандир. Хусусан бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки ажам» асарида шундай деб ёзади. «Баҳром бинни Яздижурд чун отасидин сўнгра салтанат тахтига ўлтурди, отаси бузғонларни тузди ва анинг зулмига адолат кўргузди. Ва ани Баҳром Гўр дедилар. Мунинг жиҳатин баъзилар дедиларким, гўрни шерсайд қилғонда, анинг ўқи эгнидан ўтиб ерга тегди. Баъзи дептурларким, гўр овиға кўп мойил эрди.»

Яздигирд вафотидан кейин ундан безор бўлган халқ тахтга Хусравшоҳни ўтқазади. Тахт вориси бўлган Баҳром бу хабардан воқиф бўлгач, Нуъмон ёрдамида Эронга қўшин тортади. Эрон халқи олдида ватанни адолат билан бошқаришга ваъда бериб, уни тахтга ўтқазишларини илтимос қилади. Халқ шарт қўяди. Баҳром икки даҳшатли шерни ўлдириб, улар ўртасига қўйилган давлат тожини олиб, шартни бажаради. Шу тариқа тожу тахтга эришади. Баҳром дастлаб мамлакатни тартибга солади. Отаси даврида эзилган зардуштийларни қўллаб қувватлайди. Уларга ҳар томонлама кўмаклашади, адолат ва тадбиркорлик билан иш олиб боради. Лекин кейинчалик айш-ишрат ва овга берилганлиги сабабли у давлат ишларини унутиб қўяди. Бундан фойдаланган душманлар мамлакатга ҳужум қиладилар. Баҳром турк қабилалари билан жанг қилиб, уларни енгади. Византия билан бўлган жангда эса, мағлубиятга учрайди. Озарбайжон, Хоразм, Балх, Яманга юриш қилади. Суданни босиб олиш орзусида бўлади.

Баҳромнинг вафоти тўғрисида тарихда икки хил фикр мавжуд. Бирида Баҳром қулонларни ов қилиб юрган вақтда қудуққа тушиб кетади. Иккинчи талқин бўйича Баҳром жангда яраланиб, ҳалок бўлади.

Баҳром Гўр образини биринчи бўлиб тарихий жанговарлик руҳидаги «Шоҳнома» асарини ёзган улуғ сўз устаси Фирдавсий адабиётга олиб кирди. Фирдавсий расмий ёднома

ва тарихий манбаларни бирма-бир синчиклаб ўрганиб чиқиб, Баҳром Гўрнинг тарихий образини яратиш каби мураккаб ва ўз навбатида масъулиятли ишга қўл урди. Унинг ихтиёрида сосонийлар тарихидан илгариги даврларга оид ва халқ оғзаки ижодига бориб тақаладиган материаллар ҳам бўлганлигини «Шоҳнома» тарихига киритилган Озода тарихига оид лавҳа, этикдўз ҳақидаги афсона, қизғанчиқ Бараҳам ҳақидаги ҳикоялар орқали билсак бўлади.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Баҳром Гўр, халқ афсоналаридаги каби, ўзида самовий Веретрагнни ифодаловчи образдир. Шоир Баҳромни қанчалик севимлироқ қилиб тасвирласа, унинг жўшқин шахсий ҳаёти янада романтик элементларга бойроқ бўлиб кўзга ташланаверади.

Санкт Петербургдаги Эрмитаж фондида Баҳром Гўр билан созанда Озоданинг овдаги манзараси тасвирланган иккита кумуш ва битта бронзадан ишланган лаганчалар сақланиб келмоқда.

К. В. Треверниг фикрича, бу лаганчаларда тасвирланган туянинг оёғи остида ўлаётган Озода тонгги юлдузнинг сўниши рамзи бўлиб, аёлликнинг бошланишини англатади. Тун эса Веретрагннинг қиёфаси, у қуёш нурлари таъсирида ўз ҳиссиётларини тия олмаган эркакларнинг рамзини билдирган. Баҳром Гўрнинг ов манзарасидаги бошқа кўринишлар ва суратлардаги деталлар асосида олим бу мавзунинг Фирдавсийдан илгари ҳам машҳур бўлганлиги, балки «Худойнома» китобига махсус миниатюра сифатида ишланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас деган фикрларни айтади.

Дарҳақиқат, Баҳромнинг севикли канизаги билан овда бўлиб ўтган можаро тасвирланган манзаранинг илк илдизлари ва унинг кейинчалик шоирлар асарларида секин-аста ўзгартирилиб, такомиллашиши масаласи ҳақида гапирганда шунга ўхшаш ё шунга яқин бўлган ҳолатларни қадимги ҳинд-эрон халқлари афсоналарида ҳам учратиш мумкин. Бу борада О. М. Фрейденбергнинг бизнинг тадқиқ этаётган мавзуйимизга характерли бўлган гаплари эсга келади.

Олим мифларнинг морфологик тузилиши ҳақида гапирар экан, хусусан шундай дейди:

Мифларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ўзининг аввалги, яъни бирламчи мазмунига айнан ўхшаш бўлмайди. Вақт ўтиши билан уларнинг морфологик тузилиши шундай ўзгариб кетадики, натижада уларни илмий тадқиқ этиб ҳар жиҳатдан таҳлил этибгина аввалги мазмуни билан кейинги тадрижий ўзгаришларини аниқлаб билиш мумкин. Мифлар ўз тузилиши ва шакли жиҳатидан шу даражада ўз семантикасидан йироқлашиб кетадики, уларни бутунлай бошқа нарса деб тасаввур қилинади, улар бемаъни хомхаёл, афсонавий эртаклар, тарихий ҳақиқат, кейинги даврлардаги ҳикоялар, замонавий поэзия деб ҳам ҳисобланилаверади. Мифларнинг бундай ўзига хос характери, уларнинг бирламчи генетик мазмуни ва шаклидан ажралиб қолиб, ўзи мустақил равишда санъатда, тилда, этикада, илмда ва адабиётда яшаб келади.

Мана шу нуқтайи назардан қараганимизда, Баҳром Гўр билан Озоданинг овдаги машҳур эпизодини генетик жиҳатдан ўқ-ёй тўғрисидаги қадимги ҳинд ҳикояси билан қиёслаш мумкин. Албатта бу ҳинд ҳикоясининг мазмуни Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги мазкур эпизодлар билан айнан ўхшаш бўлмаса-да, олиб борган тадқиқотларимиз, улардан жуда кўп жиҳатлар бу икки асарнинг генетик илдизи бир эканлигини кўрсатади.

Энг аввало, типологик ўхшашлик ҳикояларнинг структура жиҳатидан бир-бирларига жуда яқинлигида кўринса, иккинчидан улардаги мазмун, образлар системаси ва қаҳрамонларнинг характерларидаги умумийликда намоён бўлади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги эпизоднинг айнан шу ҳинд ҳикоясидан олинган деган аниқ хулосага

олиб келмаса-да, ҳар ҳолда Фирдавсий ўқ-ёй ҳақида қадимги ҳинд ҳикоясидан бевосита бўлмаса ҳам билвосита истифода қилинганлиги аниқдир.

Бу ўхшашликлар нимадан иборат?

Биринчидан, ҳар иккала лавҳада кийиклар иштирок этиб, улар шоҳ овчининг қурбонига айланадилар. Фирдавсийда овчи – Баҳром, ҳинд ҳикоясида – Магадха мамлакатининг подшоси. Уларнинг ҳар иккаласи кийикларни ёйдан ўқ узиб ўлдирадилар.

Иккинчидан, ҳинд ҳикоясида аёл образини гўзал она кийик бажаради. У ота кийикнинг завқини уйғотиб, унинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлади. Фирдавсийда Баҳромни кийикни отишга Озода ундайди. Ҳинд ҳикоясида эса бундай қайғули воқеа содир бўлганлигидан, яъни тирик жониворнинг нобуд қилинганлигидан аёлларнинг бемаъни гапларига қулоқ солиб иш кўрадиган эркакларга лаънатлар ўқилади. Ўқ билан аёл ҳам лаънатланади, чунки улар туфайли мана шу мудҳиш воқеа юз беради. Бу ҳикоялардаги яна бир ўхшаш томонлари шундаки, ҳар иккала эпизодда ҳам подшоҳлар кийикларни хотинлар истагини бажариш мақсадида отадилар. Лекин ҳинд ҳикоясида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан фарқли ўлароқ, аёл шоҳ томонидан ўлдирилмайди, фақат қарғалади, холос.

Ҳинд ҳикоясининг асосий тарбиявий мақсади шундан иборатки, нафс, ишқ, завққа ашаддий берилиб кетишнинг ҳалокатли оқибатларга олиб келишини кўрсатишдан иборатдир. Асар заминидаги бу ғоя ўзининг бадиий тараққиётини Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий асарларида янада юксак даражада аксини топган.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, қадимги ҳинд ҳикоясидаги бу оддий бир лавҳа даврлар мобайнида жуда нозик бадиий ишловдан ўтиб, натижада ов манзарасини акс эттирувчи жуда қизиқарли эпизодга айланган. Албатта, бу эпизоднинг шуҳрат топишида Фирдавсий даҳосининг роли жуда катта бўлган. Ундан сўнг мавзуни биринчи бўлиб Низомий Ганжавий, сўнгра Хусрав Деҳлавий ва ниҳоят Алишер Навоий кўтариб чиқиб, уларнинг асарларида Баҳром Гўр ва унинг севимли канизаги образлари ўзининг юксак бадиий такомилига етказилган. Чунончи, уларнинг ҳар бирида бу эпизод достоннинг асосий ғояси билан боғланган ҳолда тасвир этилган.

Фирдавсий тарихий солномаларни ўрганиб чиқиб, уларни хронологик жиҳатдан тартибга солиб чиққан. Янги тарихий ва бадиий материаллар асосида уни қайта ишлаб, ўзининг эстетик қарашларига мос ҳолда баён қилади. У ўзининг жанговарлик эпосида асосан одил подшоҳ образини, адолат учун қаҳрамонона курашувчи ва саргузаштларга бой инсон қиёфасини яратишга ҳаракат қилган. Бу асосий ғоялар «Шоҳнома»даги Баҳромнинг эзгулик йўлида амалга оширган ишларини ёритувчи қатор ҳикояларида ўз аксини топган. Улар ўз тузилиши ва мазмуни жиҳатидан халқ оғзаки ижоди сарчашмалари билан чамбарчас боғланиб кетган. Бунинг исботини мазкур ҳикояларнинг ўзаро ягона сюжет чизиқлари билан боғланмай, уларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил асар эканлиги билан изоҳласа бўлади.

Фирдавсийнинг Баҳроми ҳар жиҳатдан подшоҳ бўлишга арзигулик шахсдир: у – билимдон, довюрак, кучли ва адолатпарвар. Фирдавсий Баҳром образи орқали мамлакат ҳокими учун зарур бўлган ижобий хусусиятлар ҳақида гапирди. Шоир Баҳромни отасига, яъни золим шоҳга, қарама-қарши қўяди.

Бўлажак шоҳ энг аввал яхши тарбия кўрган бўлиши керак. Бунинг учун унинг тарбиячилари ўз билимини пухта эгаллаган кишилар бўлмоғи лозим. Шу туфайли Баҳромни тарбиялаш учун ана шундай хусусиятларни ўзларида мужассамлаштирган Яман шоҳлари Нуъмон билан Мунзирга топширилади. Шоҳ соғлом ва кучли бўлиб ўсмоғи керак. Шу боис икки араб ва икки эрон дояларига тўрт йил мобайнида шаҳзодани ўз сутлари билан боқиш

учун берилади. Давлат бошлиғи билимдон бўлиши даркор. Шунинг учун ёш Баҳромни саводга ўргатишади, Эрон подшоҳларининг тарихи, ҳарб иши, ов санъатидан унга сабоқ беришади. Натижада у кучли, ўқимишли ва яхши овчи бўлиб етишади.

Ўзини ва ўз ерларини душмандан сақлаши керак бўлган шоҳ қаҳрамон бўлмоғи керак. Шунинг учун Баҳром кўп жасоратлар кўрсатиб, аждаҳо билан жанг қилади. Икки шерни ўлдириб, тахтни эгаллайди, Ҳиндистонда даҳшатли тўнғиз билан курашади.

Давлат ҳокими адолатпарвар ва халқпарвар бўлиши керак. Шунинг учун Фирдавсийнинг қаҳрамони қатор адолатли ва эзгу ишларни амалга оширади. Бир кун ов вақтида Баҳромга бир қария камбағал саҳий ва меҳмондўст, сув сотиб кун кечирувчи Ламбак ва бадавлат, лекин ўта хасис Бараҳам тўғрисида гапириб беради. Баҳром кечаси Ламбакнинг ҳузурига меҳмон бўлиб келади. У уни катта қувонч билан кутиб олиб, уч кун мобайнида, ҳатто уйидаги охирги кийимларини сотиб, қуюқ меҳмон қилади. Сўнгра Баҳром бой, лекин хасис Бараҳамнинг эшигини тақиллатиб, бир кеча ётиб қолишга рухсат сўрайди. Лекин Бараҳам ўзини оч, камбағал ва ночор қилиб кўрсатиб, аввалига Баҳромни қабул қилишдан бош тортади. Меҳмоннинг кўп қистовлари натижасида ахири Бараҳам уни уйининг остонасигагина қўяди. Баҳром ўз тахтига ўтиргач, Бараҳмнинг бор бойлигини тортиб олиб, бир қисмини бечора Ламбакка, қолган қисмини камбағалларга тарқатади.

Бир куни Баҳром овга чиққач, унинг ови ўнгидан келмайди. Шунда бир оз дам олмоқ учун гўзал бир қишлоққа келиб тушибди. Лекин қишлоқ аҳлининг бепарволиги ва эътиборсизлиги шоҳнинг дилини ранжитади, шундай бўлса ҳам у қишлоқдагиларни безовта қилмасликка қарор қилади. Шоҳнинг саркардаси Баҳромга мулозамат қилиб, қишлоқ халқини йиғиб, уларга бундан буён қишлоқдаги катта-кичик ҳаммаси тенг ҳуқуқли деб эълон қилади. Оқибатда қишлоқда тартибсизлик, зўравонлик ва бебошлик кучайиб кетиб, обод ўлка вайронага айланади. Бу воқеаларни эшитган Баҳром ҳазина ҳисобидан қишлоқни обод қилишга буйруқ берибди. Саркарда аҳолини йиғиб тартиб ўрнатибди. Қишлоқнинг аввалги довруғини яна тиклабди.

Бир куни Баҳром овдан қайтаётиб, Фаршидвар тасарруфида бўлган бир қишлоққа кирибди. Лекин у Баҳромни яхши кутиб олмабди. У ердаги Дилафрўз исмли ўтинфуруш Баҳромга Фаршидварнинг бадавлат эканлигини хабар қилибди. Бу маълумотнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун Баҳром Беҳруз номли саркардасини Фаршидварнинг уйига юборибди. Ўтинфурушнинг маълумотлари тасдиқланибди. Баҳром хасиснинг бор бойлигини тортиб олиб, камбағал ва бева-бечораларга тарқатади.

Фирдавсийнинг қаҳрамони айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Унинг Баҳроми аёлларга нисбатан бешафқат ва адолатсиздир. Баҳром ўзининг севимли хонандасини ўлдиради. Бир кун ов вақтида бирданига тегирмончининг тўртта қизига, бошқа куни деҳқоннинг учта қизига уйланади. Заргарнинг қизига совчи юборганида унинг жами тўққиз юз ўттизта хотини бор эди. Тўғри, Баҳром уларнинг ҳаммасига ҳам қизларнинг розиликлари билан уйланган эди. Бу билан Фирдавсий балки ўша давр ижтимоий-ахлоқий нормаларининг бузуқлигини кўрсатмоқчи бўлган бўлса керак.

Низомий томонидан яратилган Баҳром образи Фирдавсийникидан ахлоқий-этик жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Агар Фирдавсийнинг «Шоҳнома» эпосида Баҳром ўзининг севимли канизагини туянинг оёқлари остида ўлдириб хор этган бўлса, Низомийнинг Баҳроми ўз севимли аёлини ўлдиришга журъат этмайди, аксинча кейинчалик унга уйланишгача бориб етади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида Баҳром Гўр бош қаҳрамон бўлиб, унинг сюжетига Арманистон, Грузия ва бошқа халқлар оғзаки ижодида катта роль ўйнаб келган

ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида баён этилган Баҳром тарихи асос қилиб олинган. Бу эса, ўз навбатида «Ҳафт пайкар» муаллифига Баҳром тўғрисидаги афсонани тўлиқ баён қилиш вазифасини юклаган. Лекин шунга қарамай, Фирдавсийдаги тарихий характерга эга бўлган Баҳром баёнини Низомий ўзининг эстетик қарашларига мослаб, уни ғоявий-бадиий жиҳатдан бойитиб катта ўзгаришлар киритган. Низомийниг Баҳроми Фирдавсийники каби беҳисоб гўзал аёлларга ишқ қўймайди.

«Ҳафт пайкар»да Баҳромнинг ижобий хусусиятлари янада кучайтирилган. У астрономия, астрология ва бошқа фанларни, форс, араб ва бошқа тилларни пухта эгаллайди.

Баҳром отасидан мерос бўлиб қолган тахтга ўтиргач, бойийди ва халқ фаровонлиги тобора ошиб боради. Лекин Баҳром овга берилиб, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйгач, мамлакатда адолатсизлик кучаяди ва очарчилик бошланади. Тўрт йил чўзилган бу очарчилик даврида Баҳромнинг халқ учун хазинаси очиқ бўлганлиги туфайли, фақат бир кишигина ўлади. Баҳром очарчиликнинг сабабларини излайди. Мамлакатни қайта тиклашга киришади. Халқ зулмкори ва давлат жиноятчиси бўлган вазирини қатл этади, бегуноҳ қамалганларни озод қилади. Шоир ўз Баҳромининг адолатпарвар шоҳ даражасига кўтарилишига катта аҳамият беради. Шунинг учун ҳам воқеалар жараёнида Баҳром ўз характерини секин-аста ўзгартира бориб, хулқидаги салбий томонларини йўқотади. Бу ҳол, айниқса, етти қаср қурилиб, унинг ҳар бирига етти иқлим шоҳининг қизлари жойлаштирилганидан сўнг яққол кўзга ташланади. Натижада Низомийнинг Баҳроми бора-бора халқ фаровонлиги ва мамлакат равнақини ўйлайдиган муносиб ҳоким даражасига кўтарилади. Лекин Баҳром кийикларни ов қилиш каби ёмон одатларни тарк қила олмайди. Оқибатда Баҳром Гўр кийик кетидан қувиб, ғорга кириб ғойиб бўлади.

Амир Хусрав Деҳлавий ўзининг «Ҳашт биҳишт» достонида Баҳромнинг тарихи ҳақида батафсил тўхтаб ўтирмасдан, Баҳромнинг овчи сифатидаги тарихинигина қисқача баён этиш билан кифояланади.

Хусрав Деҳлавий достонида Баҳром моҳир овчи, айш-ишратга берилган бепарво шоҳ сифатида тасвирланади. Хусрав Деҳлавий достонида Баҳром тўғрисидаги афсонага умуман иккинчи даражали масала сифатида қаралиб, достоннинг асосий мазмунини қолипловчи ҳикоя ичига кирувчи новеллалар ташкил этган. Юзаки қараганда, Хусрав Деҳлавий ўз достонини ўқувчилар вақтичоғлиги, тилнинг гўзаллигини ва ўз поэтик маҳоратининг юксаклигини намойиш қилиш учун яратгандай туюлади.

Ғ. Алиевнинг таъкидлашича, ўрта аср адабий анъаналарига зид ўлароқ, «Ҳашт биҳишт» достонида дидактикага кам ўрин берилган экан. Олимнинг қайд қилишича, Хусрав Деҳлавий на одил шоҳ масаласини, на ижтимоий масалаларни кўтариб чиқа олган.

Шунинг учун ҳам Хусрав Деҳлавийнинг Баҳроми ўз халқига ҳеч бир фойдаси тегмай, қудуққа тушиб ўлиб кетади.

Ашраф Марофий одил подшоҳ образини яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Бу вазифани бажариш учун у ҳатто Баҳром билан унинг севимли канизаги ўртасидаги можаро лавҳасини достонидан чиқариб ташлаган. Шунинг учун Ашраф достонининг бошланиш қисмидаёқ мамлакатда адолат ўрнатилганлиги ҳақида гапиради. Шоир бу ҳақда шундай ёзади:

Баҳром мамлакатда адолат ўрнатди, Мамлакат Баҳром туфайли адолатли бўлди.

Бундан кейинги боблар эса достоннинг ана шу асосий ғоясини кучайтиришга қаратилган. Баҳромнинг етти кун ичида ҳар куни овда биттадан йиртқич ҳайвон ва махлуқларни ўлдириши, рамзий маънода Баҳромнинг адолат йўлидаги бетиним ҳаракатини англатади. Қасрларда ҳар куни эшитган ҳикоялари эса шоҳнинг тарбияси учун қаратилгандир. Бу

ўринда Ашраф ўз салафларидан фарқли ўлароқ, эртакларни Баҳромни ухлатиш учун эмас, балки аксинча ухлаб қолмаслиги учун айттиради. Ашраф қўллаган бадиий усул Низомий, Хусрав Деҳлавий тутган йўлдан анча маъқулроқ ва мантиқлироқдир. Чунки Низомий билан Хусрав Деҳлавий достонларида ҳикоялар Баҳромнинг ухлаши учун айтилади. Буни Навоий танқид қилиб, маст Баҳромнинг ухлаши учун эртак тинглаши ғайритабиий бир ҳол, деб қарайди.

Ашраф достонининг хотима қисмида ҳам адолат ҳақида гап боради. Демак, Ашраф ҳам Низомий йўлидан бориб, у ҳам ўз достонини адолатли шоҳ образини яратишга бағишлаган.

Табиийки, Ашрафнинг бу достони композицион ва сюжет жиҳатидан ўзига хос асар бўлиб, унда шоирнинг эстетик қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Алишер Навоий, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Ашрафлардан фарқли ўлароқ, «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром билан Дилоромнинг севгиси ҳақида юксак бадиий асар яратишни асосий мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, у бу асари орқали замонасининг энг долзарб масалалари юзасидан ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам баён этишни муҳим деб билган. Шу туфайли ҳам Навоийнинг қаҳрамонлар характерини яратишдаги бадиий мақсадлари Низомий билан Хусрав Деҳлавийларникидан ўзгачароқдир. Бу фарқлар, энг аввало, мавзунинг қўйилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган қатор янги масалаларнинг кўтариб чиқилишида яққол кўзга кўринади. Шубҳасизки, Алишер Навоий бу вазифаларни бажаришга киришар экан, у Низомий, Хусрав Деҳлавий, Ашраф поэмаларини шунингдек Ўрта Осиё халқлари фольклори ва ўз даврига оид бой ҳаётий материалларни ҳам синчиклаб ўрганиб чиққан.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» поэмасида Баҳром билан Дилором тўғрисидаги афсона севги ҳақидаги ҳикоянинг асосий ажралмас қисмига айлантирилган. Шунинг учун кириш, бобларининг тугаши биланоқ, биринчи бобда Дилоромнинг номи ва ов вақтида Баҳром билан учрашган рассом Моний томонидан чизилган унинг расми пайдо бўлади. Баҳромнинг Дилором билан овдаги можаролардан кейинги учрашуви Алишер Навоийда қолипловчи ҳикояларга кирган новеллалардан кейин амалга оширилади. Чунончи, еттинчи ҳикоя Дилоромга бағишланган бўлиб у достоннинг новеллалар қисмини асосий қолипловчи ҳикоя билан чамбарчас боғлаган. Ваҳоланки, Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг достонларида асарнинг асосий қисми ҳикоялар қисми билан боғланмаган. Агар бир-бирларидан ажратиб олинса, улар иккита мустақил асар бўлиб қолаверадилар. Алишер Навоийда эса бу узвий боғлиқлик асарнинг бир бутунлигини ташкил этиб, уларни бир-бирларидан ажралмас қисмларга айлантирган. Хуллас, Алишер Навоий бу афсона асосида янги шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бадиий асар яратганки, унда у ўзининг фалсафий-дидактик қарашларини ўзига хос услубда баён қилган. Бу эса Навоий достонларининг характерли томонларидан бирини ташкил этади.

Навоий «Сабъаи сайёр» достонида шоҳнинг қаҳрамонона курашларда кўрсатган жасоратлари ва адолат йўлида қилган ишлари ҳақида тўхталиб ўтирмайди. Шунинг билан бирга унинг салбий хусусиятларини ҳам эслатиб ўтирмайди. Шоир Баҳром Гўрнинг битта камчилигини, у ҳам бўлса айш-ишратга кўпроқ берилганлигини ва бу салбий хусусиятнинг ўзи ҳам халқни қашшоқ, мамлакатни вайрон қилиш учун кифоя эканлигини таъкидлаб ўтади:

Шаҳға ким бўлмиш эрди ошиқу маст,
Булажаб ики иш бериб эди даст.

Шаҳ чу ул лаҳв ила бўлуб машъуф,
Ишидин топмас эрди ҳеч вуқуф.
Мулк иши забту рабтсиз бўлди,
Салтанат амри забтсиз бўлди.
Қилмади шаҳ чу додхоҳни ёд,
Эл илик сунди қилғали бедод,
Мулк чун шоҳ адлидин қолди,
Қилди ҳар ким неким қила олди.
Ҳар қаламзан тушуб ҳавола аро,
Бўлибон халқ рўзгори қаро.
Ҳам қароқчи узатди ҳар сори қўл,
Банд бўлди алар қўлидин йўл.

Шу нарса ибратлики, Навоий ўз қаҳрамони Баҳромни ўша вақтда маст ҳолда эканлиги ва шу туфайли Дилоромнинг бир ўзини сувсиз чўлда ўлимга маҳкум этганлигини алоҳида қайд этади. Баҳром мастликдан ҳушига келгач эса қилмишларидан афсусланади ва Дилоромни излай бошлайди. Лекин у ўз севгилисини ҳар қанча изламасин, бунинг ҳаммаси натижасиз бўлиб чиқади. Оқибатда Баҳром эс-ҳушидан айрилади:

Дашт аро бўйла эрди ошўбе,
Жони ғам хайлининг лакадкўбе.
Тахт ила мулк ёдидин кетти,
Ваҳшдин дашт аро мақом этти,
Йўқ эди шаҳру мулкдин огоҳ,
Бодия ичра этти манзилгоҳ.

Баҳромни даволаш мақсадида табибларнинг маслаҳатларига амал қилишади ва унга етти қаср қурилиб, унинг ҳар бирига бир иқлим шоҳининг қизини жойлаштиришади. Ҳар бир қасрда Баҳром бир кундан бўлиб, кечаси ухлаш учун дарвешлардан эртак эшитади.

Навоий достони бош қаҳрамонининг характерини асосий қолипловчи ҳикоянинг ичига кирган еттинчи ҳикоя тубдан ўзгартириб юборади. Энди шоир ўқувчининг бутун эътиборини шоҳ Баҳромдан узоқлаштириб, ошиқ Баҳромга қарата бошлайди. Унинг ички кечинмаларини бадиий бўёқлар орқали моҳирона тасвирлашга киришади. Ниҳоят ошиқ Баҳром ўз мақсадларига етади, севгилиси Дилоромнинг васлига эришади, лекин тез орада яна эски ҳаёт тарзига қайта бошлайди. Айниқса, кийик ови ва айш-ишратга кўпроқ берилади. Натижада Баҳром ов вақтида барча мулозимлари билан бирга ер қаърига сингиб нобуд бўлади. Алишер Навоий Баҳром образи орқали ўзининг замондошлари темурийларни айшу ишратдан тийилишига, эс-ҳушларини йиғмоққа даъват этади.

Мамлакат ҳокими маст бўлса – унинг салбий оқибатлари давлат билан халқнинг бошига кулфатлар келтиради. Шоир ана шу жиҳатларни бўрттириб кўрсатмоқ учун юқоридаги деталларни Баҳром образи орқали ифодалаган. Шундай қилиб, Навоийнинг Баҳроми – бу яхши таълим олиб, ажойиб жангчи ва овчи бўлиб етишган темурийларнинг бадиийлашган қиёфасидир. Шоир айш-ишрат Баҳромни қандай ҳалокатларга олиб келган бўлса, темурийларни ҳам шундай фожиага олиб келиши мумкинлигини башорат қилади. Буюк Навоий бу ўхшатиш орқали ҳокимларнинг тақдири учун эмас, балки халқнинг оғир аҳволидан кўпроқ қайғурганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Буни ўқувчилар яхшироқ

англаб олишлари учун шоир достоннинг хотима қисмида махсус эпизодни келтиради. Навоийнинг тушига Баҳром киради ва у Султон Ҳусайн Байқарони эслатади.

Алишер Навоий ўз достонини фалсафий фикр билан якунлайди. У инсон умрининг қисқа ва бир зумдан иборатлигини қайд этиб, уни фақат яхшиликка сарфламоқ кераклигини уқдиради. Бу фикр Навоий достонининг асосий ғоявий йўналишини ташкил этади.

МУҲАББАТНИНГ ГАВҲАР ҚАТРАЛАРИ

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги хотин-қиз образлари ҳаётда чаққон, илғор фикрларни кўтариб чиқувчи, ўз мақсадлари йўлида астойдил курашувчи кишилардир. Улар одамийлик, маънавий дунёсининг бойлиги, ўз севгиларига эришиш йўлида мардонавор курашиш хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадилар. Достондаги аёл қаҳрамонлар турли миллатлар ва ижтимоий гуруҳларнинг вакилларидир. Уларнинг тақдирлари ҳам ҳар хил. Лекин эзгу мақсадлар уларни бир-бирларига яқин қилади. Улар жаҳолат ва зулмат билан курашадилар, адолат ва ҳақиқат йўлида ўзларини қурбон ҳам қиладилар. Достондаги аёллар ҳаётни ва табиатни дилдан севувчи, унинг гўзалликларига астойдил интилувчи, бахтли ҳаёт йўлида мардларча курашувчи ва гўзалликнинг барча кўринишларини ўзларида мужассамлаштирган ижобий қаҳрамонлардир.

Шундай образлардан бири ўз тақдирини достоннинг бош қаҳрамони Баҳром Гўр билан боғлаган Хитой савдогарининг канизаги Дилоромдир. Навоий уни шундай таърифлайди:

Маҳваши луъбати хитойизод,
Кўруб андин Хитову Чин бедод,
Ҳуснига одаме нишон бўлмай,
Киши кўрмай аники жон бермай,
Кўрган ўлмакка қилмаса оҳанг,
Вой ул дамки, олса илгига чанг.
Чанги чун жонфизо садо чекса,
Ўзи ул савт ила наво чекса,
Кўрса ёҳуд эшитсаким они:
Қолмағай бир, гар ўлса минг жоне,
Мен киби кимса чекса юз минг тил,
Бўлмағай васфи шарҳи юз минг йил.
Хўжа зебин анинг изофа ясаб,
Сандалу уддин маъофа ясаб.
Пўше дебойи Чин, вале неча ранг,
Ким анга атласи фалак ҳамсанг.

Алишер Навоий достонидаги бу ажойиб канизак – хонанданинг қисмати қизиқ ва асарда ўйнаган роли катта ҳамда ўзига хосдир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида бу образ Озода, яъни олижаноб ва саховатли деб номланса, Низомийда Фитна, Хусрав Деҳлавийда эса Дилором деб аталган. Дилором сўзининг луғавий маъноси дилга ором берувчи, кўчма маъноси, маҳбуба, яъги севгили демакдир.

Ашраф Марофий севги ҳақида достон яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаганлиги туфайли «Ҳафт авранг»да Дилором образи умуман мавжуд эмас. Фақат асарнинг охирида, еттинчи ҳикояда унинг номигина қиёслаш учун эслатиб ўтилади. Ашраф еттинчи қаср маликасининг гўзаллигини тасвирлар экан, уни Хусрав Деҳлавийнинг Дилоромидан ҳам машҳурроқ эканлигини қайд этиш учун тилга олади. Хусусан шоир бу ҳақда шундай дейди:

Уни (Баҳромни – *С. Ҳ.)* бу нозанин шунчалик маст қилган эдики:

У ҳар жиҳатдан унинг дилига ором берди. Ўша кунларда у шунчалик машҳур эдики, Унинг олдида Баҳром билан Дилором номлари ҳеч нарса эмас эди.

Лекин Ашраф маликанинг исмини келтирмайди. Юқоридаги тўртликнинг еттинчи ҳикояда келтирилиши ва унда Дилором номининг иштирок этиши бизда бир фикрнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Маълумки, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Ашрафларнинг достонларида Баҳром ҳақидаги қолипловчи ҳикоя билан етти новеллалар ўртасида уларни боғлайдиган восита йўқлигини юқорида ҳам гапириб ўтган эдик.

Алишер Навоий достоннинг асосий қисмини ҳикоялар билан боғлаш зарурлигини яхши тушунган ҳолда изланиш олиб борган. Шоир Ашрафнинг достони ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да гапирар экан, – «Ашраф «Ҳафт пайкар»нинг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабтур»,– яъни, етти ҳикоя боғлашни менга ташлаб қўйди, дейди. Навоийнинг Ашраф достони ҳақидаги гаплари ва «Ҳафт авранг»нинг еттинчи ҳикоясида Дилором номининг иштирок этиши, «Сабъаи сайёр» достонининг композицион жиҳатдан салафлариникига кўра бир бутун ҳолатда бўлиб шаклланишига туртки бўлгандай туюлади.

Фикримизча, Ашрафда Дилором номининг еттинчи ҳикояда пайдо бўлиши, Навоийда салафлари достонларидаги асосий қисм билан ҳикоялардаги узилишни, айнан шу еттинчи ҳикояда, Дилоромнинг ўзини иштирок этказиб амалга ошириш лозимлиги ғоясининг юзага келишига сабабчи бўлган бўлиши керак. Шунинг учун Навоий,– Низомий «Ҳафт пайкар»идаги етти гўзал ҳақидаги ҳикояларни ҳал қилишни Ашраф менга ташлаб қўйди,– деган.

Алишер Навоий бош қаҳрамонининг исми Хусрав Деҳлавийники каби Дилоромдир. Бу билан Навоий ўз қаҳрамонининг Хусрав Деҳлавий қаҳрамонига яқинлигини таъкидламоқчи бўлса керак. Фирдавсийнинг Озодаси саҳнадан тез ғойиб бўладиган персонаждир. Баҳром Гўр уни овдаги ўқ отиш маҳоратига қойил қолмаганлиги учун от туёқлари остида топтаб ташлайди. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, Озода саҳнадан тез тушиб кетишига қарамасдан, унинг образи маълум ғоявий аҳамият касб этади. Озоданинг шоҳга қарата (эпизоднинг кульминациясида) айтган гаплари Озода образидаги характернинг моҳиятини очиб беради. Кийикни қойилмақом қилиб отган буюк ҳоким олдида Озоданинг: «Балки сен Ахримандирсен, акс ҳолда шундай усталик билан ўқ ота олармидинг», – деб ўз фикрини мустақил баён қилиши Фирдавсий яшаган давр учун жасорат эди. Шу туфайли ҳам Озода ўз жасоратининг қурбони бўлади. Бу образ орқали Фирдавсий ана шу истибдод даврида яшаган истеъдодли ва жасур хотин-қизларнинг аянчли аҳволини тасвирлашга интилганини кўрамиз.

Низомий «Ҳафт пайкар» достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шоирнинг ижодий имкониятларидан келиб чиқиб, мазкур хонанда образига нисбатан янги талабларни ўртага ташлади. Шунинг учун ҳам Низомийниг Фитнасида, Фирдавсийнинг Озодасида йўқ бўлган айрим хусусиятларни кўрамиз. Бундан ташқари Низомий Шоҳнома»да мавжуд бўлмаган баъзи янги эпизодларни достонига киритганки, улар асарнинг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилган. Низомий Баҳром билан қиз ўртасидаги можарони юмшатишга ҳаракат қилади. У қизга шоҳ адолатсизлик қилганлигини исботлаш учун имконият яратади. Можародан кейин ўз севгилисини қатл этишни Баҳром саркардасига юклайди. Маълум вақтдан кейин эса унга уйланади.

Низомийнинг Фитнаси гўзал, ақлли, кучли ва ўз истакларига интилувчи, иродали аёл образидир. Шоир Фитна образи орқали хотин-қизларнинг ақл, куч ва ирода жиҳатидан эркаклардан қолишмаслигини исбот қилади.

Хусрав Деҳлавий ўз қаҳрамони Дилоромни шоҳ Баҳром образига қарама-қарши қилиб қўяди. У ҳақиқат сўзларини ҳатто буюк ҳоким юзига очиқдан-очиқ айтишдан ҳам қўрқмайди.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида Баҳромнинг канизаги гўзалликда тенгсиз, мусиқа санъатининг барча сир-асрорларини мукаммал эгаллаган сеҳргар созанда сифатида намоён бўлади. Деҳлавийнинг Дилороми ҳам шоҳнинг севгисига сазовор бўлади, кейинчалик ов вақтида таҳқирланиб, чўлга ташлаб кетилади. Ниҳоят Низомий Фитнаси каби у ҳам Баҳром Гўрни бўйин эгишга мажбур этади. Баҳром Дилоромга уйланади. Дилором шоҳга ўзининг ҳақлигини исбот этади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир ижодкор канизак образини яратишда айрим ўзига хос услублардан унумли фойдаланган. Масалан, Низомийнинг Фитнаси билан Алишер Навоийнинг Дилороми достоннинг бошиданоқ мусиқа санъатини беқиёс эгаллаган созанда сифатида тасвирланган бўлса, Хусрав Деҳлавийнинг Дилоромида бу ҳол кейинроқ пайдо бўлади. У бу санъатни Баҳром томонидан чўлга ташлаб кетилганидан сўнг, Деҳқон ёрдамида ўрганиб олади. Хусрав Деҳлавий Дилороминг мусиқа санъати сеҳрини эгаллаши, унинг ғазалларни ухлатиб уйғотадиган даражада мусиқа чалиши билан изоҳланади. Шоир Дилором образи орқали хотин-қизларнинг табиатида мавжуд бўлган беҳад имкониятларни ривожлантириш муҳимлиги масаласига ўқувчининг асосий диққатини қаратади. Деҳлавийнинг бу қаҳрамони ўзининг ғоявий-бадиий ривожини Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги Дилором образида топди.

Канизак қизнинг беқиёс гўзаллиги ва мусиқа санъатининг устаси эканлигини ҳамма шоирлар ҳам куйлашган, лекин Навоий ўзининг қаҳрамонини жуда батафсил, айрим деталларгача тасвирлайди. Шоир Дилоромнинг гўзал қиёфасини буюк рассом Моний бўёқлари билан чизади, Бу эса, Навоийнинг гўзалликка катта эътибор берганлигидан далолат беради, Навоий Дилоромни тасвирлар экан, у Низомий чизган бўёқларни янада кучайтиради. Агар Фирдавсийнинг Озодаси Баҳром билан бўлиб ўтган можаро вақтида буюк салтанатга эга бўлган шоҳни Ахриман деб айтган бўлса, Низомийнинг Фитнаси Баҳромнинг ов вақтида кўрсатган санъатига қуйидагича муносабат билдиради:

У айтди: бу иш билан шаҳриёр кўп шуғулланганлар,
Кўп шуғулланган ишда қийинчилик бўладими!

Хусрав Деҳлавийнинг Дилороми эса шундай дейди:

Сен бажарган ишнинг ҳаммаси, ажойибдир,
Лекин ишлар бундан ҳам ажойиброқ бўлиши мумкин.

Навоийнинг Дилороми эса қуйидаги сўзларни айтади:

Деди ҳар ким бир ишни варзиш этар,
Иш камолини кўр не ерга етар.

Лекин Дилоромнинг бундай нозик жавоби Баҳромнинг ғазабини янада кучайтиради.

Баҳром билан Фитна, Баҳром билан Дилором ўртасидаги можаро эпизодлари Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларининг энг қизиқ лавҳаларини ташкил этади. Лекин улар достоннинг қолипловчи ҳикоясигагина тугун вазифасини ўтаб, етти ҳикояга ҳеч қандай алоқаси йўқлигича қолган.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг сюжетига ҳам Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларидаги мотивлар асос қилиб олинган. Лекин Навоийда Баҳром билан Хитой гўзали ўртасида бўлиб ўтган воқеа достоннинг тугунини ташкил этади.

Қасрларнинг қурилиши, уларга етти гўзалнинг жойлаштирилиши, етти эртакнинг етти дарвиш томонидан айтилиши – булар Баҳромнинг касалини даволашга қаратилган тадбирлар, холос. Асар сюжетининг еттинчи ҳикоя орқали асосий қисм билан чамбарчас боғланганлиги достоннинг бир бутунлигини таъминлаган.

Алишер Навоий Дилоромининг характерли хусусиятларидан бири унинг пок ва садоқатлилигидир. Бу ажойиб хулқий хислатлар нафақат аёлларнинг кўрки бўлиб қолмай, балки эркаклар учун ҳам зарурий фазилатлардандир.

Дилоромнинг поклиги ва садоқати уни севиб қолган Хоразм шоҳига бўлган муносабатида ойдинлашади:

Мулк шоҳиға еткуруб ома,
Ки фалак била тузди ҳангома.
Айлай олмай ани тиларга хитоб,
Ким эрур хўжа ҳам рафиъ жаноб.
Берибон ўз либосиға тағйир,
Шоҳни ишқ этиб фақиру ҳақир.
Сойири халқ ичинда пинҳоний,
Шаҳни ҳам вола айлаб алҳони.
Солибон парда ичра маҳрамлар,
Зуафодин санамға ҳамдамлар.
Ҳуснинг англаб навосидин афзун,
Бўлди бу қисса баниҳоят узун.
Қилиб ул парда ичра коми тама,
Васлин истаб шаҳ ўлди хомтама.
Айлаб ул навъ булажаб ҳавасе,
Солди даллолалар ароға басе.
Истабон моҳваш била пайванд,
Айламак хўжаға ўзин фарзанд.

Шоҳ Дилоромнинг ишқида ёниб куяди. Лекин унинг хатти-ҳаракатлари зое кетади. Дилором Баҳромни севади. Баҳром унга шунча азоб-уқубатлар келтирганлигига қарамай унинг севгисига ҳамон содиқ қолади. Алишер Навоий бу билан Дилоромга ўхшаган ўз ҳақиқий севгисига содиқ бўлган ошиқ ўз севимли кишисининг ҳар қанча хатоларини ҳам кечиришга қодир бўлиши кераклигини уқтиради. Бир томондан, Баҳромнинг Дилоромга нисбатан пасткашлиги орқали шоир Баҳромнинг худбин, золим ва бевафолигини очиб ташласа, бошқа томондан унинг садоқати орқали хотин-қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилувчи адолатсизлик ҳукм сурган жамиятнинг иллатларини очиқдан-очиқ фош қилади. С. Ғаниева тўғри таъкидлаганидек, Алишер Навоий Дилором образининг пассивлиги орқали хотин-қизларни севгида ўзларига муносиб кишилар танлашга ундайди.

Шоир Дилоромнинг бу хатосини Хўжа билан суҳбати чоғида очиқ ифода этади:

«Ким хатодур бу ойким қилдинг,
Хирадингдин магарки айрилдинг?
Ёва десен! Ўзунгдаму йўқсен?
Ёки хони ҳаётдин тўқсен?

Шаҳки бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг,
Шоҳ бир шуълаи фурўзондир,
Ҳар кишига етишса сўзондир.
Ўт аро ихтиёр ила сурмак,
Баҳра бермас бағир куйдирмак.
Шоҳким бўйла тангдил бўлмиш,
Ғазаби ўти муштаъил бўлмиш.
Қочмоқ андин савоб эрур бу дам,
Неча андин йироқ – офат кам.
Ғазабиға тугангач андоза,
Ҳар тараф етгусидир овоза:
Ким бу ишким сенга раво кўрди,
Жониға юз бало даво кўрди.
Андин андуҳ ила надомати бор,
Ёки айш ичра истидомати бор.
Нодим ўлса иложи осондур,
Борибон қайтмоқ не нуқсондур.
Бор эса, қилғонида исроре
Жонни қутқарғон ўлғабиз боре».
Хўжа сўзни тугатмоқ эрди ҳамон,
Ки ҳадисин деганди яхши, ямон.

Лекин тўртинчи иқлимдан келган дарвешнинг сўзлаб берган ҳикоясида, Дилоромдаги сустлик характерининг тескарисини кўрамиз. Бу фаоллик ҳинд гўзали Гулрух образида намоён бўлади. Гулрух ўз севгилисига эришиш йўлида эскилик сарқитларини енгиб, маҳбубини ўлимдан қутқариб, унинг билан қочиб кетади ва шу билан ўз мақсадига эришади. Гулрухнинг севган киши билан қочиб кетиши ўша давр учун катта жасорат ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш фаол образлардан яна бири, бу бешинчи иқлимдан келган дарвешнинг ҳикоясидаги Меҳр образидир. Навдаршоҳнинг қизи Меҳр Суҳайл билан унаштириб қўйилган эди. Меҳр ҳам Гулрухга ўхшаб ўз севимли кишиси Масъудни қароқчи Жобир қуллигидан озод қилади. Натижада маҳбуслар озод бўлиб, Жобир чоҳга ташланади. Меҳр эса, ўзининг жасорати, саъйи-ҳаракати туфайли Суҳайлга эришади.

Навоийнинг биринчи ҳикоясида Ахийнинг хотини ҳам ўз бахти учун фаол кураш олиб боради. У Фаррухга никоҳ қилинганлигига қарамай унга бор ҳақиқатни баён этади, Ахийни жони-дилидан севишини, унга содиқ эканлигини зор-зор йиғлаб айтади. Натижада Ахий билан унинг хотини яна бир-бирларининг висолига эришишга муваффақ бўладилар.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг Дилором образини пассив қилиб кўрсатишидан асосий мақсади бундай кўр-кўрона синовлардан ўтмаган муҳаббатнинг қандай фожиавий оқибатларга олиб келишини ўқувчиларга кўрсатишдан иборат эди.

Навоий Дилороминиг яна бир характерли томони бор. Бу қаҳрамон характеридаги хатти-ҳаракат ва юриш-туришларнинг реал ва қатъийлигидир. Агар Хусрав Деҳлавий қаҳрамони ўзининг ҳақлигини одамларни ухлатиб уйғотадиган даражада мусиқа чалиб исботлаган бўлса, Навоийнинг Дилороми ўзга йўлдан боради. У ўзининг музика чалишдаги бутун маҳоратини пок севгисини ҳимоя қилиш учун сарф қилади, унга ошиқ бўлган Хоразм шоҳининг зўравонлигидан қутулиш учун Дилором чангни мисли йўқ даражада маҳорат билан чалиб, уни ухлатиб қўяди. Навоийнинг Дилороми севгилисининг ноҳақлигини

исботлашга ҳаракат қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Чунки, унга азоб-уқубатлар ёғдирган бўлишига қарамай, у Баҳромни чин дилдан севиб қолган эди. Дилоромнинг ҳақ эканлигини эса Баҳром, Кофурнинг ҳикоясидан англаб олади. Бу ўринда Навоий икки ошиқнинг пок севгиси ўртасига ғурур, кек, таъна каби салбий элементларни киритмасдан, уларни ҳақиқий ишқ доирасига сиғмайдиган деталлар деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Баҳромнинг ов вақтида Дилоромга нисбатан ноҳақ муносабатда бўлганлигини у учинчи шахс – Кофурдан билиб олади. Бу лавҳа достон сюжетининг ечими вазифасини ўтайди. Кофурдан Дилоромнинг ҳаёт эканлигини билган Баҳром унинг билан кўришишга ошиқади.

Шундай қилиб, Низомийнинг Фитнаси, Хусрав Деҳлавий ва Навоийларнинг Дилоромлари характерларининг турлилиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири достоннинг ғоявий-бадиий йўналиши ва композицион тузилишида ўзига хос вазифани бажариб келган.

Алишер Навоийнинг Дилороми ҳақиқий ошиқ образи бўлиб, шоир унинг характери орқали қаҳрамонининг бой маънавий дунёсини тасвирлайди. Ҳақиқий севгининг буюк қудратини намойиш қилади. Алишер Навоий Дилороминнинг Низомий ва Хусрав Деҳлавий образларидан фарқи шундаки, унинг қаҳрамони достоннинг бошидан то охиригача иштирок этиб, асарнинг бир бутунлигини таъминлаган.

ҲИКОЯЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲАҚИҚАТ

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонларига кирган ҳар бир ҳикоя ўта қизиқ ва оригиналдир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятларга эга. Профессор Р. Алиевнинг таъкидлашича, Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонига кирган олтита новелланинг манбаи Низомулмулкнинг (1063–1090) «Тарихи салотин» асарида келтирилган. Б. Ғафуровнинг айтишича, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонидаги айрим сюжетларни, қадимги будда ёдгорлиги «Трипитака» ва «Катхасаритсагара»га кирган қадимги ҳинд афсоналарида учратиш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига кирган ҳикояларнинг характерли хусусиятлари шундаки, уларда масаланинг қўйилиши, уларнинг тугуни ва ечими ўзига хос усул билан ҳал қилинади. Муҳими шундаки, шоир ҳикояларида ўз даврига оид ижтимоий муаммоларни биринчи даражадаги масала сифатида кўтариб чиқади. Улар қаҳрамонларни кучли тўқнашувлари, фавқулодда мураккаб ҳолатлар жараёнида тасвирланади. Мана шу ўзига хослик билан бирга Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонларида ҳар учала асарни бир-бирига яқинлаштирадиган умумийлик ҳам бор. Бу умумийлик бадиий анъана хусусиятлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Шу нуқтайи назардан қараганда, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги Муқбил билан Мудбир образларини Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонидаги Хайр билан Шарр образларига ўхшатиш мумкин. Навоийнинг иккинчи ҳикоясидаги Зайд Заҳҳоб билан Хусрав Деҳлавийнинг Ҳасан образлари ўртасида ҳам умумий ўхшашликлар мавжуд. Алишер Навоийнинг бошқа образлари эса, Низомий ва Хусрав Деҳлавийларникидан тубдан фарқ қилади.

Маълумки, ҳамма даврларда эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси билан тугаб, турли халқлар адабиётининг ғоявий асосини ташкил этиб ва бу мавзунинг тарбиявий аҳамияти доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, Алишер Навоий Низомий кўтариб чиққан бу мавзуни давом эттириб, уни ўз даври қонуниятларига мослаган ҳолда ўқувчиларга ўзгача бадиий шаклда тақдим этади. Навоий ўзига хос услубни қаҳрамонларнинг номларини танлашдан бошлайди. Низомий ҳикоясининг бош ижобий қаҳрамони Хайр, яъни яхшилик, эзгулик луғавий маъносига эга бўлса, Навоийда Муқбил, яъни иқболли дегани. Низомий салбий қаҳрамонининг оти Шарр, яъни ёмонлик, ёвузлик бўлса, Навоийнинг Мудбири муваффақиятсиз, бахтсиз демакдир.

Шундай қилиб, ҳар иккала ижодкорнинг ўз қаҳрамонлари номларини танлашдаги усуллари қуйидаги хулосаларни ясашга асос бўла олади.

Низомий буюк мутафаккир ва сўз санъатининг устаси сифатида Хайр ва Шарр образлари орқали одамларнинг табиатида эзгулик билан ёвузлик азалдан мавжудлигини шу кишиларнинг бахтли ёки бахтсиз бўлишларининг асосий сабабларини аниқ далиллар асосида кўрсатиб беради.

Шоирнинг бу табиий ҳодисага бўлган муносабати «Хайр» ва «Шарр», яъни «яхшилик» ва «ёмонлик» сўзлари орқали ифодаланган.

Алишер Навоий файласуф шоир сифатида асосий диққат-эътиборни ҳар бир шахснинг ахлоқи, унинг юриш-туришига қаратади. Шунинг учун ҳам у ўз қаҳрамонларининг саъй-ҳаракатларига қараб бирини бахтли, иккинчисини бахтсиз маъносидаги исмлар билан номлайди. Бу билан Навоий ҳар бир инсоннинг бахтли ёки бахтсиз бўлиши унинг ўзига боғлиқ эканлигини қайд этади.

Алишер Навоий Муқбил билан Мудбир ҳақидаги ҳикояларни «Лисон-ут тайр» ва «Маҳбубул қулуб» асарларида ҳам келтиради. Лекин улардаги мазмун «Сабъаи сайёр»

достонида ўзгачароқдир. Бу ҳикояларнинг ҳаммасида умумий ўхшашлик бор, лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос ва оригиналдир. Муқбил билан Мудбир образларининг типологик куртаклари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган халқ эртакларидан ўрин олганлигини яққол кўрамиз.

Муқбил – бу умрини эзгу ишлар қилишга бахшида қилган инсоннинг ижобий образидир. Муқбилнинг ҳаётида бахтли бўлиши ҳам унинг яхши ишлари билан боғлиқдир.

Мудбир бутун умри мобайнида инсон ва табиатга зиён етказиб келадиган кишининг салбий образидир. Унинг бахтсизлиги ҳам ўз қилмишлари туфайли содир бўлади. Шунинг учун ҳам Мудбирнинг кетидан доимо бахтсизлик қувиб юради.

Шуни айтиш керакки, Низомийнинг Шарр образи Навоийнинг Мудбирига қараганда қаҳрлироқдир. Чунки у иссиқ ва сувсиз чўлда ўз ҳамроҳининг кўзини ҳанжар билан ўйиб олиб, ваъда қилган бир қултум сувини ҳам қизғаниб, бир ўзини чўлда ўлимга маҳкум қилиб кетади. Мудбир эса бутун сафар мобайнида Муқбилнинг жиғига тегади, ёлғон-ёрти гаплари билан бировнинг бойлигига эга бўлмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, Низомий Шарр образи орқали ҳаётда бешафқат одамларнинг мавжудлигини таъкидламоқчи бўлса, Алишер Навоий ўқувчиларнинг диққатини ёлғон билан ғаразгўйлик каби салбий хусусиятлар ҳам инсонни ҳалок этиши мумкинлигига қаратади.

Ашраф Мароғий ҳам бу мавзуга ўзининг Салим билан Солим саргузаштларига бағишланган иккинчи ҳикоясида тўхтайди.

Ашраф Мароғий ҳар иккала ижобий ва салбий қаҳрамонларини бир луғавий маънодаги исм билан атайди.

Салим ҳам, Солим ҳам «соғлом» маъносини англатади. Салим ижобий қаҳрамон, Солим – салбий. Ашраф Мароғий бу ҳикояси орқали кишиларнинг ташқи қиёфаси бир- бирларига ўхшашини, лекин уларнинг ички дунёси ҳар хиллигини Салим ва Солим образлари орқали яхши очиб берган. Ҳақиқатда ҳам Ашраф ҳикоясининг бош қаҳрамонларини четдан томоша қилганда, уларнинг ташқи қиёфаси соғлом, гўзал инсон бўлиб кўринади. Лекин уларнинг ички дунёсига назар солинганда, масала ойдинлашади, Солимнинг ҳасадгўйлиги, қалбининг носоғломлиги, дарров маълум бўлади. Шу салбий хусусиятларнинг ўзи Солимнинг нобуд бўлишига сабабчи бўлганлигини Ашраф алоҳида таъкидлаб ўтади. Салим эса ўзининг яхши инсоний сифатлари туфайли мурод-мақсадига эришади.

Шундай қилиб, Низомий, Ашраф ва Навоий эзгуликнинг буюк қудрати ва аҳамиятини куйлашиб, инсонларнинг бошига беҳисоб зарар ва кулфатлар келтирадиган ёвузликни қаттиқ қоралашади. Шуниси муҳимки, шоирларнинг яратган образлари бир-бирларини такрорламасдан, аксинча бири иккинчисини тўлдирадилар.

Ижтимоий адолатсизлик ҳокимларнинг фирибгарларнинг таъсирига берилиб қолиши туфайли юзага келади. Бу масалани ёритиш долзарб вазифа бўлганлиги учун шоирлар бу мавзуга тез-тез мурожаат этиб келганлар. Хусусан, Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоий ҳам ўз достонларида бу ҳақда ажойиб ҳикояларни келтирганлар. Хусрав Деҳлавий шундай фирибгар образни Ҳасан орқали, Алишер Навоий эса Зайд Заҳҳоб орқали амалга оширган.

Зайд ҳам Ҳасанга ўхшаган ўз ишининг ўта билимдони, заргарлик соҳасида тенги йўқ уста. Уларнинг ҳар иккаласи ўз билим ва ҳунарларини суистеъмол қилиб, фирибгарлик йўлига қадам ташлайдилар. Ҳасан шоҳга ажойиб филнинг ҳайкалини ясаб бериб, олтиндан ўмариб қолса, Зайд Заҳҳоб тахт ясаб, олтиннинг бир қисмини ўзлаштириб олади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳокимнинг заиф томонларидан фойдаланиб, унинг яқин дўсти бўлиб оладилар. Ҳар иккала достонда ҳам ҳокимлар уларнинг қилмишларидан кўп азият чексалар-да, уларни жазолашга ботина олмайдилар.

Мазкур икки асар ғоявий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлишига қарамасдан, уларнинг фарқли томонлари ҳам кўп. Алишер Навоий яратган фирибгар заргар образи Хусрав Деҳлавий тасвирлаган Ҳасан образини нусхаси бўлмасдан, балки у янги талқиндаги фирибгар образининг бадиий қиёфасидир.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида Ҳасаннинг хотини образи мавжуд бўлиб, у ўзининг гўллиги туфайли эрининг фирибгарлигини фош қилишга ёрдам беради. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида бу далил йўқ. Хусрав Деҳлавийдаги бу лавҳа ўзининг ҳаққонийлиги туфайли ўқувчида ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Лекин Алишер Навоий ҳам бу деталларни такрорламаслик учун ўз достонига уни киритмай тўғри йўл тутган. Навоий Зайднинг фирибгарлигини ўргатилган тўтилар орқали усталик билан фош этади.

Ҳасан шоҳдан унинг гуноҳини кечиришни илтимос қилиш билангина жазодан енгил қутулиб, яна унинг яқини бўлиб қолади. Зайд Заҳҳоб эса ўз фирибгарлигини бошқа юртларда давом эттириб, ўғирлаган катта бойликларни шоҳга тақдим этиб, яна унга надимликка муваффақ бўлади. Зайднинг шоҳ билан яқин бўлишига яна бир сабаб шоҳнинг касалини ундан бошқа ҳеч ким даволай олмаслиги эди. Шу жиҳатдан ҳам шоҳ Зайдни яна ўзига дўст қилиб, унинг душманларини жазолашга мажбур бўлади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар»идаги Бишр билан Малихалар аҳлоқий тарбия мақсадларида яратилган образлардир. Бишр ҳалол ва диёнатли йигит бўлиб, кўчада кетаётиб бир номаълум аёлни севиб қолади. Лекин унинг олдига бориб гаплашишни ахлоқсизлик деб билади. Малиха эса ёвуз, худбин ва ярамас киши бўлиб, чўлда одамларни сувдан маҳрум қилмоқчи бўлади.

Бишр ҳалоллиги ва диёнатлилиги туфайли ўзининг севган маъшуқасига уйланишга муваффақ бўлади. Қизиғи шундаки, у севган аёл ярамас Малиханинг хотинига рўпара бўлиб чиқади. Бишр чўкиб ўлган Малиханинг омонат пулларини топшираётганда тақдир уни Малиханинг хотинига рўпара қилади. У унга уйланиб, муроду мақсадига етади. Малиханинг ярамаслиги ва худбинлиги эса, унинг ўлимига сабабчи бўлади.

Низомий томонидан яратилган ёш савдогар Моҳоннинг образи ҳам қизиқарлидир. Шоир турли ваҳимали воқеаларни ҳикоя сюжетига асос қилиб олиб, ўқувчига ҳаддан ташқари бойлик орттириш йўлидаги интилишлар оқибатда кишини турли руҳий касалликларга олиб келиши мумкинлигини ибратли хулосалар орқали кўрсатиб беради. Инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёти учун моддий бойликлардан кўра кўпроқ маънавий бойлик заруррок эканлиги ҳикоянинг асосий мазмунини ташкил этган:

Қиши қаноат билан шоддир,
То у бор экан, у шу билан умидвордир.
Кимки ўз орзуларининг қули бўлса,
Оқибат дарвешсифат бўлиб қолади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида ажойиб қаҳрамонлар борки, улар орасида, айниқса, рус маликасининг образи ўқувчининг диққатини ўзига жалб этади. Бу гўзал малика турли фанларни яхши ўзлаштирган бўлиб, ажойиб бир қаср қурдиради.

Рус маликаси ақлли ва иродали олима образидир. У ҳақдаги эртакни Баҳромга тўртинчи иқлим подшосининг қизи Қизил қасрда сўзлаб беради. Низомий қизил ранг билан айнан рус маликасини тасвирлаши ҳам бежиз эмас. Чунки шоир ўзининг «Искандарнома» асарида ҳам русларни қизил ранг билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Агар рус халқ ашулаларидаги «Красный», «прекрасный» (красная девица, красный молодой, красное солнышко)

сўзларига эътибор берсак, Низомийнинг ҳақ эканлигини кўрамиз. Бундан ташқари у руслар тўғрисида бошқа шарқ муаллифларидан кўра кўпроқ маълумотларга эга бўлган бўлиши керак.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонидаги об- разларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ундаги қаҳрамонларнинг аксарияти уддабурон айёр йигитлар, маккор вазирлар ва бевафо хотин-қизлардир. Улар шоир томонидан зўр бадиий маҳорат билан, жозибали қилиб тасвирланган.

Биринчи ҳикояда уч шаҳзода ажойиб саргузаштларни бошдан кечиришса, тўртинчи ҳикояда бешта навқирон йигит савдогар ўғли, ер кавловчи, дурадгор ва боғбонлар ажойиб услублар билан ҳеч ким киролмайдиган қасрга йўл қуришиб, маликани ўғирлаб кетишга муваффақ бўладилар.

Хусрав Деҳлавийнинг бешинчи ҳикояси савдогарнинг ўта қизиқувчан ўғли ҳаммомда бошидан кечирган саргузаштларга бағишланган. Олтинчи ҳикоя Яман подшосининг Ром исмли шаҳзодаси бошидан кечирган саргузаштлар ҳақида бўлиб, асар вазир билан ўгай она ўртасидаги ахлоқсизликнинг фош қилиниши билан тугайди. Учинчи ҳикоя эса, номард вазирнинг ўз шоҳига қилган хиёнаткорона қилмишларига бағишланган. У шоҳнинг ишончига таяниб, муғомбирлик билан тахтни ва подшоҳ ҳарамини эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Хусрав Деҳлавийнинг охирги, еттинчи ҳикоясида уч бевафо ва бир вафодор келиннинг тарихи баён қилиниб, шоҳнинг хотин танлашдаги усули қизиқарли ҳолда тасвирланади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги асосий қаҳрамонларни олижаноб кишилар, ботир ва мард, ёш ва бир-бирларига вафодор севишган йигит-қизлар ташкил этади.

Биринчи ҳикоянинг бош қаҳрамони Ахийдир. У ҳинд шаҳзодаси Фаррухда юксак инсоний хислатлар уйғотган олижаноб инсон образидир. Ахий арабча сўз бўлиб, унинг сўзма-сўз таржимаси «Менинг акам» дегани. Баъзи навоийшунослар бу сўз орқали Алишер Навоий Ибн Баттута тилга олиб ўтган Ахийлик жамоатини назарда тутган деган фикрни айтадилар. Алишер Навоий Ахий ҳақида шундай деди:

Хўжае бор эди Ҳалабда ғаний,
Меҳмондорлиқ шиъору фаний.
Эътибори кўп эл аро беҳад,
Жоҳу молиға йўқ ҳисобу адад.
Апга уй эрди меҳмонхона,
Анда кўп ошнову бегона.
Кўнгли беҳад раҳиму табъи сахий,
Шаҳр халқи ичинда оти Ахий.
Сайр айлар эди гаҳу бегоҳ,
Сурубон маркабин раҳу бероҳ.
Гоҳ йўл бошлари сари борибон,
Гоҳ вайроналарни ахтарибон,
Қайда топса ғариби мазлуме,
Хастаи номуроде марҳуме,
Бўлубон анга бир нафас ҳамдам,
Ёқибон кўнгли заҳмига марҳам,

Неча ким бўлса муқтазо зоти,
Айлабон ул қадар мираоти.
Шаҳр эли андин эрди шарманда,
Карами барчани қилиб банда.

Бу олижаноб киши ўз маъшуқасини истаб Халабга келиб қолган Фаррухни харобалардан топиб олиб, ўз уйига олиб кетади ва уни меҳмон қила бошлайди. Бечора ва муҳтож одамларга яхшилик қилишни ҳаётининг асосий мақсади қилиб олган эди. У Фаррухнинг олий зотдан эканлигини сезади. Унинг дардига малҳам бўлишни истайди. Кунлардан бир куни Ахий Фаррухни бу ҳолга солган нарсанинг сабабини билишга муваффақ бўлади. Фаррух Ахийнинг хотинини севиб қолган эди:

Бор эмиш бўйла ўртаган они,
Хўжанинг машъали шабистони.
Деди, фикр айлабон мурувват ила,
Топти бу нуктани футувват ила.
Ким: «Бу янглиғ ғарибу ошиқ,
Ишқ таврида бу сифат содиқ.
Ки бу ғурбатни ихтиёр этган,
Тарки оламда ҳар не бор этган.
Ишқ аро кирмайин жаҳон кўзига,
Тутмиш ўлғай ўлимни ҳам ўзига.
Эмгагидек кишида эмгак йўқ,
Ҳажр аро ўлгусидурур шак йўқ.
Менки анинг ғамига қолурмен,
Дардиға чора айлай олурман.
Қилмасам, ўлса ул мурувват эмас,
Ани яхши мурувват аҳли демас,
Киши бу ишга чора қилмасму,
Манга аҳли ҳарам топилмасму?
Лутф ила деди Хўжаи доно:
«Ғам ема, эй мусофири барно!
Сенга бу ғамки офати жондур
Менга тадбири беҳад осондур.
Сени қилған бу навъ бечора,
Хонумонингдин этган овора.
Гарчи жонингға ҳусни офат эрур,
Бизнинг элдур, манга қаробат эрур.
Сенинг комингға еткурурмен бил,
Лек ҳар неки дермен андоҳ қил!»

Ахий хотинини талоқ қилиб, уни сездирмаган ҳолда Фаррухга никоҳлаб беради. Уларни сафарга отлантириб, Ҳиндистонга жўнатади. Йўлда Ахийнинг хотини йиғи-сиғи қилиб Фаррухга орадаги бор сирни ошкор қилади. Фаррух Ахийнинг яхшилик йўлида ҳатто ўз хотинини ҳам қурбон қилганлигини англаб Ахийнинг олижаноблигидан қаттиқ таъсирланади. Фаррухнинг бу ҳолатини шоир қуйидаги сўзлар билан баён қилади.

Фаррух англаб, сўзин бўлуб ғамнок,
Яқин эрди ўзин қилурға ҳалок.
Масху мабҳут ўлуб тағайюридин,
Лол қолиб Ахий таҳайюридин.
Деди маҳвашға: «Қ-эй ҳамида хисол,
Қўрмаган ақл суратингға мисол.
Гарчи ишқингда чекканим бедод,
Ўйладурким, сипеҳр бермас ёд».
Ул доғи саргузаштини бир-бир,
Қилди бошдин аёққача тақрир.
Деди: «Дардимга гар даво кўрмон,
Бўйла зулми санга раво кўрмон.
Айлабон лутф беҳисоб асру,
Қилди бизни Ахий хароб асру.
Моли базлиға бизда эрди печ,
Бу иши они айлади худ ҳеч.
Гар анга бу қадар мурувват бор,
Бизда ҳам шаммайи футувват бор.
Шукрким етти лутфи яздоний,
Қолмади зулми нафси зулмоний.
Сен ҳам эмди шукуфта дил бўлғил!»
Манга ики жаҳон сингил бўлғил».

Ахийнинг бу олийжаноблиги Фаррухнинг ҳам улуғ инсон бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ахийнинг эзгу ишлари эса унинг ҳаётининг ҳам бахтли бўлишига олиб келади.

Навоий ҳикояларидаги асосий ижобий қаҳрамонлар сирасига Масъуд билан Жуна ҳам киради. Масъуд билан Жуна тўртинчи ҳикоянинг бош қаҳрамонларидир. Бу ҳикоянинг асосий мазмуни халқнинг фаровонлиги учун мамлакат ҳокими одил ва мурувватли бўлмоғи керак деган ғоядан иборатдир.

Бу фикрни шоир қуйидагича ифодалайди:

Чун дуо бирла бўлди нуктасаро,
Дедиким: Эрта чоғда Деҳли аро.
Хусраве эрди шоҳлардин тоқ,
Тахти ҳукмида кишвари офоқ.
Махзану ганжига ниҳоят йўқ,
Мулку хайлиға қадду ғоят йўқ.
Чарх йўқ мулки арсасиға одил,
Ўзга шаҳларнинг отича анга пил.
Адлу инсоф ўлуб сифати анинг,
Шоҳлар ичра Жуна оти анинг.
Элга базлу ато била машҳур,
Олам ичра саҳо била машҳур.
Элга лакларни бебаҳона бериб,
Гар баҳона топиб, хизона бериб.

Базлаи гар дебон сухан санжи,
Силасиға ато қилиб ганжи.
Бўйла машҳур эрурки, бир муҳтож,
Чарх мулкидин айлаган ихрож.
Айлабон қатъ дашту тоғ ила руд,
Анга келтурди бир сабад амруд.
Неча кун бўлди музди ичра даранг,
Бўлди аллонбар асру кўп дилтанг.

Ҳиндистоннинг Жуна исмли одил ва саҳий подшоси бир меҳмондан Тараз вилоятида Масъуд исмли дунёда энг сахий киши борлигини эшитиб, пойтахтни яширинча ташлаб, оддий мусофир қиёфасига кириб Масъуднинг олдига равона бўлибди. Ниҳоят ажойиб нақшлар билан безалган Масъуднинг муҳташам қасрига етиб келибди. Масъуд уни бағоят яхши кутиб олиб, меҳмондўстлиги билан қойил қолдирибди. Бир кун Жуна Масъуддан бунчалик давлатга қандай эришдинг деб сўрабди. Мезбон шундай деб жавоб қилибди:

Бизга шоҳедурур не янглиғ шоҳ,
Олам аҳли бошиға зиллиллоҳ,
Ки ҳаётини ҳақ мудом этсун,
Зиллу жоҳини мустадом этсун!
Подшоҳе дурур ажаб одил,
Адли олам эли аро шомил.
Зулм торини ул сифат узмиш,
Адл созини ул сифат тузмиш.
Ким анинг давлатидин аҳли замон,
Топмамишлар биғайри амну амон.
Мулк аро чунки бўлди амният,
Юзланур мулк элига жамъият.
Андин-ўқдур ҳунар ҳисоби ҳам,
Фазл ила дониш иктисоби ҳам.
Бизга бу шоҳ давлатидин эрур,
Сояйи шоҳ ҳашматидин эрур.
Буки элдин манга зиёд ўлмиш,
Манга бу навъ эътиқод ўлмиш.

Шундай қилиб, Алишер Навоий Масъуд билан Жуна образлари орқали ўқувчиларнинг диққатини жамиятнинг фаровонлиги ва унинг ҳар бир аъзосининг бахту саодати учун адолат ва саховатнинг аҳамияти беқиёс эканлигини англашга қаратади.

«Сабъаи сайёр»нинг бешинчи ҳикоясидаги Суҳайл билан Меҳр бир-бирларини қаттиқ севувчи, икки вафодор образлардир. Уларнинг оталари Навдар билан Нуъмон эса тинчликсевар ва дўстликни эъзозловчи ҳокимлардир.

Суҳайлнинг Жобир билан бўлган охирги жанги достонда қуйидагича тасвирланган:

Чиқти ўтрусидин Суҳайли далер,
Ул сифатким қобон масофиға шер,

Дедиким: «Паҳлавонлиҳ эрмас ул,
Ким киши макр била урғай йўл.
Тешиб эл кемасини ҳийла била,
Ғарқ этиб сувға бу васила била.
Қолмаған чоғда кимсанинг жони,
Тутубон банд айлагай они.
Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен сенга кўргузай йигитликни».
Дедию хасм сори қилди шитоб,
Хасмни ҳайрат айлади бетоб.
Чун талашмоққа айладилар майл,
Кўтариб ерга урди они Суҳайл.
Боғлади қўлларин шитоб била,
Муни ул боғлаған таноб била.
Солди филҳол ани ҳамул чаҳ аро,
Бу дурур табъу фаҳм огаҳ аро:
«Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ ила ўзи ногоҳ».

Учинчи ҳикоянинг бош қаҳрамони Саъд билимларга ўч ва ботир йигит образидир. Кўп нарсаларни билиб олишдаги саъи-ҳаракатлари уни Мисрдан Шаҳрисабзга саёҳат қилишга чорлайди. Ҳикоянинг ниҳоясида у файласуф Файлақус ёрдамида кўп жасоратлар кўрсатиб ўз ниятига етади, шоҳнинг гўзал қизига уйланади.

Масъудни яхши кўриб қолган ёвуз Маллунинг қизи – довюрак, иродали қаҳрамондир. У отаси томонидан ўлимга маҳкум этилган Масъудни зиндондан қутқариб олиб, унинг билан қочиб кетади. Бу ўринда Алишер Навоийнинг ўша даврдаги феодал жамияти учун қизнинг қочиб кетишидек шармандалик ҳисобланган лавҳани ўз достонига киритиши катта журъат талаб этган.

Алишер Навоий буюк шоир ва мутафаккир сифатида мазкур образлар орқали қаҳрамонларининг ўзаро алоқалари ва қарама-қаршиликларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Бу масалалар баъзан катта картиналар орқали тасвирланади. Ҳар ҳолда улар қандай шаклда тақдим этилган бўлишидан қатъий назар, ўзларининг бадиий жиҳатдан тугал ва дидактик томондан характерлилиги билан алоҳида ажралиб турадилар. Ижобий қаҳрамонларнинг асарда салбий типлар билан олиб борган курашлари бетиним ва ашаддий бўлиб, бу икки қарама-қарши образларнинг тўқнашувлари чуқур ижтимоий ва ахлоқий-психологик позициялардан туриб олиб борилади.

Хотин-қизлар образлари орасида Ахийнинг хотини, Меҳр ва Маллунинг қизи Гулрухлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг ўзларига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар ўз мақсадлари сари интилувчан, олдиларидаги қийинчиликларни енга оладиган жасур қизлардир. Бу хотин-қизлар ўзлариниг гўзал ҳусни, бой маънавий қиёфалари билан ажралиб турадилар.

Масалан, Ахийнинг хотини бошданоқ ўзи севган эрининг унга талоқ беришига ва Фаррухга никоҳланишига қаттиқ туриб қарши чиқади. Лекин унинг соддадиллиги ва ўз эрини яхши кўриши туфайли охири эрига итоат қилиб, Фаррух билан Ҳиндистонга отланишга мажбур бўлади. Сўнгра воқеалар ривожи давомида Ахий хотинининг характери фаоллаша боради. Энди унинг характерида тубдан ўзгариш рўй бериб, ҳикоя бошидаги

сустлигидан нишона ҳам қолмайди. У ўзининг бахт-саодати учун кураш олиб боради. Энди Ахийнинг хотини Фаррухга бор сирни ошкор қилиб, эрини қаттиқ севишини айтади ва оқибатда, ўз бахтига эришади.

Достондаги хотин-қизлар образларидан Маллунинг қизи, Ахийнинг хотини, Навдарнинг қизи Меҳрлар, эркаклардан Муқбил, Ахий, Фаррух, Масъуд, Жуна, Суҳайл ва Саъд образлари ўз идеали ва бахт-саодатлари йўлида тинимсиз кураш олиб борувчи ижобий қаҳрамонлардир.

Достондаги асосий салбий қаҳрамонлар қароқчи Жобир, Тараз вилоятининг ҳокими Жайсур ва унинг ёрдамчиси Маллу образларидир. Жобир кучли, ботир ва жанговар бўлиб, унда бир оз бўлсада, мурувватдан нишона бор. Лекин Жобир золим (яъни жабр қилувчи) бўлганлиги туфайли ҳам унинг исми жисмига монанд эди.

Жобирнинг нисбатан ижобий хислатлари уни айрим олимлар томонидан ижобий қаҳрамон деган янглиш фикрнинг туғилишига олиб келган. Бундай нотўғри фикрларни ўз вақтида А. Раҳмонов тўғри танқид қилиб, Жобирнинг салбий қаҳрамонлигини исботлаб берган эди.

Достондаги Жайсур золим ва қабиҳ ҳокимларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи салбий образдир. У ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун энг разил ва номардлик йўлларини қўллашгача бориб етадиган қабиҳликлар қилади. Ўз вилоятининг ҳокимлигидан ажралиб қолишдан қўрққан Жайсур хатто энг олижаноб киши – Масъудни ўлдиришдан тоймайди. Ўз қабиҳ ниятларини ёрдамчиси Маллунинг қўли билан амалга оширмоқчи бўлади. Лекин фалакнинг гардиши билан асир Масъудни Маллунинг қизи яхши кўриб қолади ва уни тутқунликдан озод этади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий «Сабаъи сайёр» достонида қатор ижобий ва салбий образларни яратар экан, у ўзидан олдинги салафлари асарларини пухта ўрганиб чиққан. Шоир Низомий, Хусрав Деҳлавий достонларидаги образларга мурожаат этиб, улардаги энг муҳим деталларни сақлаб қолгани ҳолда уларнинг янгича талқинини берган. Натижада «Сабъаи сайёр» достонидаги ҳар бир қаҳрамон ўзига хос оригинал қиёфадаги мустақил образ даражасига чиққан ва ўзининг шаклий такомилига эришган.

Юқорида Баҳром тўғрисидаги афсоналарнинг энг илк манбаларининг қадимги халқ ривоятлари ва сосонийларга бориб тақалишини кўриб чиққан эдик. Демак, Фирдавсий Баҳром ҳақидаги лавҳаларини сосоний подшоҳлар тарихи ва эрон халқлари оғзаки ижоди асосида яратган. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» асари эса Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Кавказ халқлари ёдномалари ва оғзаки ижоди асосида ёзилган. Хусрав Деҳлавий ўзининг «Ҳашт биҳишт» достонини яратишда Низомийнинг асари билан ҳинд эртакларидан кенг фойдаланган.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» асарини эса Низомий, Хусрав Деҳлавий достонлари, ҳамда шарқ халқлари ва хусусан Ўрта Осиё халқлари фольклорининг бой материаллари асосида яратган.

Ҳар учала достондаги инсонпарварлик, байналмилаллик, ҳақиқатнинг тантанаси каби мотивларнинг кўтарилиб чиқилиши асарнинг ғоявий жиҳатдан бир-бирларига яқинлигини кўрсатади.

Алишер Навоий достони, энг аввало, ўзининг дидактик жиҳатларининг кучлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу ўзига хослик Навоий яшаб ижод этган даврнинг ижтимоий – сиёсий шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир.

«Ҳафт пайкар», «Ҳашт биҳишт» ва «Сабъаи сайёр» достонларидаги ғоявий жиҳатдан умумийлик мавжудлигидан ташқари, улардаги адабий анъаналарнинг давомийлиги ва

муаллифларнинг эстетик принципларидаги ўхшашликлар ҳар учала достонни бир-бирига яқинлаштиради.

Бадиий жиҳатдан ҳар уччала достон сўз санъатининг ўзига хос бебаҳо дурдоналаридир.

Муҳими, ҳар бир достонда, энг аввало даврнинг долзарб муаммолари кўтарилиб, улар бетакрор композицион тузилишда ранг-баранг бадиий бўёқлар билан тасвирланади.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийларнинг достонларида турли хил услубий шакллар ва шеър ўлчовлари шундай маҳорат билан қўлланилганки, натижада улар ҳар бир ижодкорнинг эстетик қарашларини бадиий гўзал шаклда ифодалашга хизмат қилган. Хусрав Деҳлавий услуби Низомийникидан, Навоийники эса Низомий ва Хусрав Деҳлавийларникидан тубдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос бетакрор хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар, энг аввало, рақамлар рамзида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

РАҚАМЛАРНИНГ РАМЗИЙ ЖИЛВАЛАРИ

Жаҳон халқлари ёзма адабиётида рақамлар билан боғлиқ бўлган қатор тушунчалар борки, улар сўз усталари томонидан моҳирона қўлланилиб келган. Бу тушунчалар ўз моҳияти жиҳатидан илмий-фалсафий, мифик ёки афсонавий кўринишларга эга бўлишидан қатъий назар, етук санъаткор ўз ижодида улардан истаганини маълум мазмунни ифодалаш учун асар шаклининг бирон элементи сифатида фойдаланиши мумкин. Бу жаҳон адабиётида кенг тарқалган ҳодиса. «Хамса»дек оламшумул аҳамиятга молик асар яратиб, рақамлардан рамзий маънода оқилона истифода эта олган буюк Алишер Навоий ҳам ана шундай санъаткорлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

Шарқ бадиий адабиётида бир рақами оламнинг зоҳиран турли-туманлигидан қатъий назар, унинг ягона эканлигини билдиради ва мутлақ борлиқ рамзи сифатида ишлатилади.

Икки рақами ер билан осмонга нисбатан қўлланилиши мумкин. Уч рақами мавжудотнинг уч нави – жонсиз мавжудот, ўсимлик ва ҳайвонотни, тўрт рақами – ер, сув, ҳаво ва ўтни, беш рақами – кўриш, эшитиш, ҳидлаш, татиш ва сезишни билдиради. Олти рақами эса олти жиҳатга ёки ҳаёт учун зарур бўлган нафас олиш, еб-ичиш, жисмоний ҳаракат ва ҳаракатсизлик, нафсоний ҳаракат ва ҳаракатсизлик (ғазаб, шодлик, ғамгинлик, хижолат каби) ва уйғоқлик, бўшаниш ва тутиб қолишга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин.

Рақамлар орасида «етти» рақами алоҳида ўрин тутади.

Бу рақам турли халқлар орасида турлича тушунилган. Баъзан яхшилик, баъзан ёвузлик, аксарият ҳолларда муқаддас рақам ҳисобланиб келган ва унга асосан юз бериб турадиган воқеаларнинг етти рақами билан боғлиқлиги сабаб бўлган. Етти иқлим, етти сайёра ойнинг тўртта етти кунликда янгиланиб туриши ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Етти рақамини белгилашда асосий ролни ҳафта кунлари билан боғлиқ бўлган Қуёш, Ой, Марс (Баҳром), Венера (Зуҳра), Меркурий (Утарид), Юпитер (Муштарий), Сатурн (Зуҳал) планеталари ўйнаган.

Бобилнинг жанубида яшаган қадимги шумерларда эрамизнинг 4 минг йил илгари етти сайёра билан боғлиқ алоҳида диний тушунчалар ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик етти рақами мазкур сайёралар туфайли бобилликларнинг диний маросимлари ва кундалик ҳаётларидан кенг ўрин олган.

Бобилликлар ўз зиккуратларини, яъни ибодатхоналарини шунга биноан квадрат шаклида етти зинопая шаклида устма-уст қуриб, унинг деворларини ҳам етти рангга бўяганлар. Европа календарларидаги ҳозиргача сақланиб қолган ҳафта кунларининг етти сайёра ва уларнинг ранглари билан боғлиқлиги ҳақидаги тушунчалар Бобил астрологларининг таълимотига бориб тақалади. Масалан: шанба инглизча «(саты (р)дей», яъни Сатурн куни, якшанба «сандей», яъни Қуёш куни, душанба «Мондей», яъни Ой куни деб аталади,

Сомий тиллари группасига кирувчи халқларнинг диний китобларида, хусусан яҳудий динида ҳам етти рақамига алоҳида эътибор берилган. Масалан, «Таврот»да етти рақами яҳудийлар томонидан илоҳийлаштирилади ва бу рақам қуйидаги етти фариштa ва етти сайёра билан боғланган ҳолда келтирилади: Қуёш – Рафойил, Ой – Жаброил, Марс – Зуҳра – Шамойил, Меркурий (Утарид) – Микойил, Юпитер (Муштарий)– Задкойил, Венера (Зуҳра) – Аннойил, Сатурн (Зуҳал) – Қафзойил ёки Саботойил. Бу фаришталар билан ҳафта кунлари ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган.

Абу Райҳон Берунийнинг айтишича, қадимги ҳинд мифологиясига биноан етти қават ер билан етти қават осмон жойлашган бўлиб, улар инсон аъзолари билан монанд қилиб

яратилган. Етти қават ер – инсон товонидан киндигигача, етти қават осмон эса, бош суягидан қорнигача бўлган аъзоларини ташкил этади.

Ҳиндларнинг диний ақидаларига кўра, биз яшаётган ер ҳалқа шаклидаги денгиз билан қуршалган етти қуруқликдан иборат.

Брахманизмда етти худо бўлиб, уларнинг отлари «адитя» деб юритилади. Ригведа китобида қуёш аравасини етти от тортиб боради. Инсон эса, етти марта туғилиб, етти марта ўлади.

Етти рақамига антик мифларда ҳам алоҳида эътибор берилган. Қадимги Грецияда етти рақами табобат, шеърият ва санъат худоси Апполонга нисбат берилиб, ҳар ойда ойнинг туғилишига етти кун қолганда унга қурбонлик қилиб турганлар.

Оташпарастлар яхшилик ва эзгуликнинг энг улуғ фаришталаридан айниқса еттитасини алоҳида алоҳида ҳурмат қилишган. Улардан олтитасининг номи ҳозирги форс тилида эрон қуёш календаридан 6 ойнинг номида сақланиб келган. Улар бу етти фаришта «амшаспандон» деб юритишади. Иккинчи ойнинг номи «Ордибехешт» (21 апрель–21 май) «Аша вахиште» номли амшаспандга мансуб. Учинчи ой «Хордад» (22 май–22 август)–Амеретатга, олтинчи ой «Шаҳривар» (23 август–22 сентябрь) – Хшасра Ваиряга, ўн биринчи ой «Бахман» (21 январь–19 февраль)–Воҳуманга, ўн иккинчи ой «Эсфанд» (20 февраль–20 март)–Спента Армаитига, еттинчи амшаспанд мазкур фаришталар орасида энг асосийси бўлиб, унинг оти Ахурамазда ёки Суруш деб аталган. Оташпарастларнинг сўнгги ёдномаларида еттинчи фаришта сифатида Изод Баҳром номи ҳам келтирилади. Мазкур етти амшаспанд яхшилик ва эзгулик фаришталари ҳисобланиб дунёдаги барча яхшилик уруғлари ана шулар томонидан сепилади.

Ёвузлик худоси Ахриман эса Каморикон номли еттита ёвузлик девини яратган. Буларнинг ҳар бири яхшилик ва эзгулик фаришталарига қарама-қаршидир: Ака-манах-Бахманга, Индра – Ордебехештга, Саурва – Шаҳриварга, Наонг Хайитя – Спандармозга, Таурви – Хордадга, Заириш – Амордодга. Дешма эса, еттинчи бош ёвузлик деви ҳисобланиб, Сурушга қаршидир. Сурушга Ахриманнинг ўзи ҳам қарши турган.

Етти сайёра Ахриманга тобеъ амирлар ҳисобланса, ўн икки бурж эса Ахурамаздага тобеъ саналган.

Оташпараст руҳонийлар етти даражага эга бўлганлар. Энг олий даражадаги руҳоний «Ҳованон», яъни «хованчи» деб аталган. Бу даражадаги руҳонийлар оташпарастларнинг махсус муқаддас шарбати «Хумни» тайёрлаш шарафига муяссар бўлганлар. «Ҳованон» даражасидан кейин ўзининг аҳамияти жиҳатидан муқаддас оловга қараб турувчи Атривахш даражаси ҳисобланган. Учинчи даражадаги руҳоний «Фробиритар» деб номланиб, унинг асосий вазифаси бош руҳонийга ибодат вақтида маросим ашёларини олиб бориб бериб туришдан иборат бўлган. Тўртинчи даражадаги руҳоний «Обирит»га маросимда сув билан боғлиқ бўлган ишларни бажариб туриш топширилган.

Бешинчи руҳоний «Аснатар» деб аталган. У маросим ашёларини покиза сақлаши лозим бўлган. Расвишкар олтинчи даражага эга бўлган руҳоний бўлиб, у муқаддас шарбатга сув қўшилгандан сўнг уни тарқатиш билан шуғулланган. Сўнгги еттинчи даражадаги руҳонийнинг оти «Сраушовариз» бўлиб, у ибодатхонанинг тозалигини таъминлаб турган.

Етти рақамига офтобпарастлар ҳам алоҳида эътибор берганлар. Уларнинг эътиқоди бўйича камолот етти даражадан иборат бўлиб, биринчиси «қарға», иккинчиси «каргас», учинчиси «аскар», тўртинчиси «арслон», бешинчиси «порс», олтинчиси «офтобгоҳ» еттинчиси «ота» деб аталган.

Христиан дини ҳам етти рақамига махсус эътибор билан қараган. Авлиё Иоган тушидан етти рух етти қуёш, етти расм, сўйилган етти шохли ва етти кўзли қўзичоқ, етти олтин пиёла, етти бало ва худо ҳузурида етти фариштанинг етти карнай билан турганини кўради.

Абул Ҳасан Аҳвазийнинг «Китобу маорифи-р-Рум» асарида келтиришича, болани чўқинтириш учун етти кун эртаю кеч ибодат қилиш лозим бўлган, еттинчи кунигина ибодатхонада болани чўқинтириш маросими ўтказилган. Шундан кейин ҳам бола етти кун мобайнида черковга олиб бориб турилган.

Ўн икки имомнинг еттитасинигина тан олувчи сабъийларнинг эътиқодича, космогоник тушунчалар ва оламдаги барча ҳодисалар етти рақами билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Борлиқнинг вужудга келиши ва унинг тараққиёти етти босқични босиб ўтган. Биринчи босқич– худо вужуди, иккинчиси универсал ақлнинг, учинчиси–универсал нафснинг, тўртинчиси – бирламчи материянинг яратилиши, бешинчиси маконнинг пайдо бўлиши олтинчиси замоннинг вужудга келиши; еттинчиси – ердаги ҳаёт ва инсоннинг пайдо бўлиши.

Исмоилийлар таълимотига кўра, инсон тарихи ҳар етти асрда ривож топади. Ҳар бир асрнинг бошланишида худо амри билан иш олиб борувчи «нотиқ» деб юритилувчи пайғамбар дунёга келади, ундан сўнг «сомит» (сукут сақловчи) деб номланувчи етти имом пайдо бўлади.

Исмоилий руҳонийлари орасида еттита даража мавжуд:

Биринчиси – нотиқ, иккинчиси – асос, учинчиси – имом, тўртинчиси ҳужжат, бешинчиси – доий, олтинчиси – мавзун, еттинчиси – мустажиб.

Носир Хусрав олий идеал оламда моддий олам моҳиятининг асосини ташкил қилувчи етти бирламчи нур мавжудлигини қайд қилади. Шулардан бири – ибдо (яратиш), иккинчиси – ақл жавҳари, учинчиси – ақл, оқил ва маъқулни ўзида мужассамлаштирган ақллар мажмуи, тўртинчиси – нафс, бешинчиси жаҳд (тиришиш), олтинчиси – фатҳ (кашф этиш), еттинчиси – хаёл. Унинг фикрига кўра, етти сайёра ҳам ана шу ижодий ибтидо ҳаракатининг натижаси ҳисобланиб, инсонда ҳам ана шунга кўра етти хусусият мавжуд экан. Ҳаёт, илм, қудрат, идрок, ҳаракат, ирода, бақо. Бу хусусиятларнинг намоён бўлиш кучи ҳар бир кишида унинг жисмоний субстанциясининг юксак ижодий ибтидоларга бўлган сезги қобилиятига боғлиқдир.

Инсонни илоҳийлаштирган ҳуруфийлар унинг юзида етти она чизиқ ва еттита ота чизиқ, ҳамда еттита нуроний ёки оқ чизиқ бор дейдилар.

Мана шу чизиқларнинг орасида инсоннинг туғилаётганидаёқ мавжуд бўлган она чизиқлари (хутути уммия) ҳисобланган.

Она чизиқлар тўрт қатор киприк, икки қош ва соч бўлиб, мўйлаб, соқол ва бошқа инсон туғилгандан сўнг пайдо бўладиган туклар ота чизиқларидир.

Етти нуроний ёки оқ чизиқларни икки қовоқ атрофларидаги тўрт чизиқ, бурунни оғиз билан боғлайдиган икки чизиқ ташкил этади.

Етти рақами Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ҳам ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Навоий достонининг бошланишидаёқ шарқ шеъриятидаги бадиий асарнинг муҳим моментларини таъкидлаш учун қўлланилиб келган махсус бадиий усул илтизом санъати орқали ўқувчининг диққатини етти рақамига тортади. Аммо Навоийдаги етти рақами юқорида кўриб ўтилган мифик тасаввурлар ва ғайри илмий тушунчаларни англатмайди.

Алишер Навоий бадиий воситалар, жумладан ташбиҳ орқали етти рақамига ҳаётий тус беради. Шоир ўз достонининг махсус бобини бадиий асарга ўзининг муносабати қандайлигини ёритишга бағишлайди. Унда Навоийнинг асосий мақсади ер юзидаги

реал ҳаётий масалаларни ҳал қилишга интилганлигини кўрамиз. Шоир ўша бобнинг сарлавҳасидаёқ «жаннат» еттисини реал ҳаёт еттисига айлантирган:

«Бу етти гулшан ва жаннатосо ва етти қаср сипеҳр фарсо тарроҳлиғининг жиҳати ва меъморлиғининг кайфияти».

Бу ерда Навоий жаннатдан ташбеҳ учун фойдаланиб, унинг тасаввурга оид вужудлигига ишора қилган.

Барча жаннат ҳодисалари шоир томонидан шакл хизматига, достоннинг мазмуни эса реал ердаги ҳаётий масалаларга қаратилган.

Шоир ерда боғу роғлар яратишни – жаннат, дунёда иффатли қизларни тарбиялашни – ҳур, ер юзидаги покиза кишиларни – фаришта деб ифода этади.

Асарда «етти» сўзи етти йўловчи ва уларнинг етти ҳикояси етти иқлим, етти гўзал, етти шоҳ, етти қаср, етти ранг, етти кун, етти фалак, етти сайёра ва ҳоказоларга нисбатан тўқсон марта ишлатилган. Асар мазмунининг асосида эса Навоийнинг ўзи айтганидек, ҳар бир инсоннинг бахт-саодат йўлида ўзлаштириши лозим бўлган, инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассамлантирган етти ҳикоя ётади. Қолганлари эса достоннинг шаклий таркибига хизмат қилади.

Достонда Рустами Золнинг «Етти жанги» деган ибора учрайди. Бу ибора етти жойдаги етти кунлик «етти жангни» англатади. «Етти жанг» Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Рустамнинг девлар бандида бўлган Кайковусни озод қилиш учун Мозандаронга йўл олган вақтида юз беради. Етти кун йўлда, ҳар куни Рустам дам олиш вақтида турли хавф-хатарларга дуч келади. Биринчи куни у ухлаб ётганида шер ҳамла қилади. Раҳш номли от шерни ўлдириб, эгасини ўлимдан қутқаради. Иккинчи кун Рустам аждар билан жанг қилиб ғолиб чиқади. Учинчи куни сеҳргар макридан қутулиб, уни ўлдиради. Тўртинчи куни Увлод номли Мозандарон девларидан бирининг аскарларини қириб ташлайди. Бешинчи куни жанг вақтида қочган Увлодни тутиб янчиб ташлайди. Олтинчи куни «Аржанг» номли дев билан жанг қилиб, унинг бошини танасидан жудо қилади. Еттинчи куни у кўплаб девларнинг ёстиғини қуритади, девларнинг бошлиғини енгиб, Кайковусни озод қилади.

Навоий ўз достонини яратишдаги босиб ўтган қийинчиликлари ҳақида гапирганда, шундай дейди:

Йўл юрурга ўзумни чун туттум,
Етти бу навъ ақбадин ўттум.
Не ети ақба етти манзили бийм,
Бийимдин эсмай ул даманға насим.
Етти кўкнинг бало макони ул,
Рустами Зол «Ҳафтхони» ул.
Ҳар нечук бўлса гарчи қатъ эттим,
Балки мақсад ҳарамиға еттим.

Навоий энг баланд етти довонни ошиб ўтишини, яъни «Сабъаи сайёр» достони мазмунини ташкил этувчи етти ҳикоянинг яратилишини Рустамнинг «Етти жанги» билан қиёслайди. Бу қиёс махсус рамзий аҳамиятга эгадир. Бу ўринда Навоий эзгу мақсадларга эришиш учун афсона ва мифлардаги қандайдир нореал махлуқларни қидириб, уларни ўлдириш шарт эмас, балки инсон ўзидаги салбий сифатларни енгиб, ижобий томонларини такомиллаштириш орқали эришиши мумкинлигини қайд этади. Бу эса, Алишер Навоийнинг достонни яратишда ўз олдига қўйган асосий ғоясини ташкил этади.

Достонда саккиз рақамининг табиат қонунлари ва жамият имкониятларига зид ҳолда давлат орттиришга интилувчи шоҳлар тахтига ва унинг атрофидагиларга нисбатан салбий маънода ишлатилиши ҳам диққатга сазовордир. Шоҳларнинг бундай очкўзлиги ўз навбатида давлатнинг емирилиб, турли хил муттаҳам ва фирибгарларнинг қинғир фаолияти учун кенг йўл очиб беришга олиб келади.

Алишер Навоий сарой аҳлига хос ва уларга яқин бўлган бундай жирканч кишиларни достондаги иккинчи иқлимдан келган йўловчининг ҳикоясидаги бош қаҳрамон моҳир, лекин фирибгар заргар Зайднинг образи орқали фош этади. Шоир Зайдни шундай характерлайди:

Рум аро заргаре эди моҳир,
Иши элга қуёш киби зоҳир.
Дам анга субҳу кўра жирми сипеҳр,
Ҳар бир олтун кулича давраи меҳр.
Рум шоҳи қошида жоҳ анга,
Жоҳи хўрдида коргоҳ анга.
Шаҳрда соҳиби иёр ҳам ул,
Шоҳ қошида хазинадор ҳам ул,
Неча кондин неким чиқиб зару сийм.
Бўлур эрди бори анга таслим.
Зоти аҳли ҳунар мубоҳоти,
Зайди Заҳҳоб ўлуб анинг оти.
Ҳам ҳакм эрди, ҳам муҳандисваш,
Гоҳ зарпош эдию гаҳ заркаш,
Туну кун шоҳнинг надими ҳам ул,
Пойитахти аро ҳакими ҳам ул.
Бошидин аёғ ҳунар эрди пок,
Айб анга буким эрди кўп бебок.
Айш бирла ўтуб маҳу соли,
Бор эди шоҳ моли ўз моли.
Чун амонатда бедиёнат эди,
Иши шаҳ молиға хиёнат эди,
Чун ҳунарманд эди ниҳоятсиз,
Анга шаҳ лутфи эрди ғоятсиз.
Ҳунари васфи эрди шоҳ иши,
Айбини айта олмас эрди киши.
Бўлса ҳам айби ошкор анга,
Қилмас эди шоҳ эътибор анга,
Қилса ҳам эътибор филҳол ул,
Санъати жониби узотиб қўл,
Турфае ошкор айлар эди,
Шаҳни беихтиёр айлар эди.
Юз фусун бирла айлар эрди фиреб
Ки, анга онсиз ўлмас эрди шикеб.

Кунлардан бир куни Зайд шоҳни олтин тахт ясатишга кўндиради ва икки минг ботмон олтинни хазинадан олиб, бир йил ичида ваъда қилинган тахтни тайёрлайди. Тахт зоҳиран

жуда гўзал ва ҳашаматли, лекин фақат сирти олтин, ичи кумуш эди. Бу сохта, қалбаки тахтга нисбатан шоир моҳирлик билан саккиз рақамини қўллайди:

Вазъи ул тахтнинг мусамман ўлуб,
Рубъи маскун шаҳиға маскан ўлуб.
Ҳам секиз бурж даврида пайваст,
Тўрти анинг баланду тўрти паст.
Пастида тўрт тўтийи маънус,
Бийиги узра тўрт ўлуб товус,
Даврида дуру лаъл пироя,
Зинасида дағи секиз поя.
Лек ул навъ кўргузуб санъат
Ки, чиқар бўлса шоҳи Жамрифъат,
Поялар мақдамида бўлғай паст,
Айлагай бир-бири юзига нишаст.
Чун саккиз поя қатъ бўлди тамом,
Айлагач шоҳ ўз ерида мақом,
Яна ул поялар баланд ўлғай,
Тахтидин шоҳ баҳраманд ўлғай.
Чунки ўлтурди тахт уза дилхуш,
Тўрт тўти наво чекиб дилкаш.
Айтқайларки: «шаҳға ком ўлсун,
Анга бу тахт мустадом ўлсун».
Тўрт товус қам очиб пару бол,
Шоҳ боши узра хумоймисол,
Топибон ҳар бири бийик поя,
Айлагайлар қанот ила соя.
Поя ўрнида саккиз анга сутун,
Остида беркитиб саккиз гардун.
Ким, қаён шаҳ бўлур нишотангез,
Оз ишорат била югургай тез.

Шу ердаги саккизнинг рамзий маъноси шундай: етти етарли, аммо подшоҳ етарли етти билан қаноатланмайди. Подшоҳ психологиясини яхши билган фирибгар унинг мана шу очкўзлигидан фойдаланади ва уни алдайди.

Тўққиз рақами достонда «Тўққиз осмон» маъносида «Тўққиз айвон», «Тўққиз саропарда» сўз бирикмаларида бир мартадан ишлатилган. Шундай қилиб, тўрт рақами – тўрт унсур (ер, сув, ҳаво, олов) га нисбатан, беш – беш ташқи сезги ва олти – олти жиҳат яъни шарқ, ғарб, шимол, жануб, юқори ва қуйи томонларга нисбатан, етти, саккиз ва тўққиз рақамлари ҳам реал маънода қўлланилган.

Навоий даҳоси шундан иборатки, у ўзининг инсонпарварлик ғояларини бадиий асарда шакл билан мазмун унсурларини бир-бирига узвий боғлаган ҳолда ифода этади. «Сабъаи сайёр»да улуғ шоир қўллаган санъат воситалари, усуллари содда, нозик ва бойдир. Бу ўринда Навоийнинг рақамлар рамзидан нақадар оқилона ва моҳирона фойдаланганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоядир.

ГЎЗАЛЛИКДАГИ РАНГЛАР ОЛАМИ

Сўз санъатида турли рангларни эстетик мақсадларда истифода қилиш шоирдан алоҳида истеъдод ва катта маҳорат талаб қилади. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг шеърияти, хусусан, унинг «Сабъаи сайёр» достони ўзбек адабиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбек адабиётшунослигида шоир ва ёзувчилар томонидан асарларнинг мазмунини бойитиш ва қаҳрамон характерларини ойдин очиб беришда ранглар гармонияси муҳим бадиий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Лекин рангларнинг рамзий маънолари, ижодкорларнинг ранглардан фойдаланишига оид масалалар ҳали етарли даражада ўрганилган эмас.

Алишер Навоий лирикасида рангларнинг қўлланилишига доир Ё. Исҳоқовнинг махсус тадқиқоти мавжуд. Муаллиф Навоий поэтикасига бағишланган монографик асарининг махсус бобида шоирнинг ранглар оламига саёҳат қилиб, Навоий рангларни ўзининг маълум эстетик қарашларига бўйсундирган ҳолда ундан усталик билан фойдаланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Олим ўз фикрининг тасдиғи учун Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» достони билан Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонларида қизил рангнинг турли маъноларда қўлланилганлигини кўрсатиб ўтган.

Ҳақиқатда ҳам Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр»ида реал борлиқни, достондаги қаҳрамонларнинг нафақат ташқи қиёфалари, балки уларнинг ички маънавий дунёсини ҳам ёритиб бериш мақсадларида ранглардан моҳирлик билан фойдаланганлигининг шоҳиди бўламиз.

Навоий гўзаллик оламидаги ранглардан хоҳ у қора, хоҳ сариқ, қизил ёки оқ бўлмасин, уларнинг ҳаммасидан маълум мақсадларни кўзда тутиб, қаҳрамонларнинг руҳий кечинма ва ҳолатлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда фойдаланган. Навоий достонига хос бўлган бу хусусиятлар Низомийнинг «Ҳафт пайкар» ва Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» асарлари учун ҳам характерлидир.

Хусрав Деҳлавий ранглар дунёсидан достондаги Баҳром учун қурилган қасрларни безашда, қаҳрамонларнинг ташқи ва ички оламини очиб беришда, уларнинг руҳий ҳолат ва кечинмаларини ёритишда моҳирлик билан фойдаланган. Шоир ранглардан қай йўсинда фойдаланганлигини қуйидагича ифодалайди:

Он ки нав шуд зи шанбе оинаш,
Чун Зуҳал баст ранги мушкинаш.
В-он ки якшанбеаш расонд навид,
Заъфарониш кард чун Хуршед.
В-он ки буд андар ӯ душанбе роҳ,
Сохт райҳониаш ба гунаи Моҳ.
В-он ки нав гашташ аз сешанбе ном,
Кард гулноргинаш чун Баҳром.
В-он ки нисбат ба чоршанбе дошт,
Ранги тираш ба ранги Тир нигошт.
В-он ки аз баҳри панжшанбе буд,
Кард чун Муштариаш сандалсуд.
В-он ки з-одина дошт маъмури,
Ранг додаш чу Зуҳра кофури.

Яъни:

Шанба кунининг ойнаси
Зуҳалники каби қорага безанди.

Якшанба куни келганда
Уни қуёш ранги заъфаронга бўяди.

Душанба кунига яшил ранг берди,
Чунки ўша куни ой тўлин эди.

Сешанба куни бошқа янги ранг
Туғёндаги Баҳром каби уни қизилга бўяди.

Чоршанба кунига нисбат берилганда
Тирнинг рангидек бинафшага безанди.

Пайшанба куни келганда
Муштарий рангидай сандалга бўялди.

Иморатнинг гумбази одина куни
Оқ Зуҳранинг рангига кирди.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ранглар гармонияси Баҳром, Дилором ва етти ҳикояга кирган образларни яратишда муҳим бадиий воситалардан бири вазифасини бажарган ва асар мазмунини янада чуқурроқ ифодалаш учун хизмат қилган.

«Сабъаи сайёр»нинг ҳикоялар қисмида биринчи иқлимдан келган дарвеш биринчи иқлим подшоси томонидан қурилган Қора қасрда шанба куни Баҳромга Ахий билан Фаррух ҳақидаги афсонани гапириб беради. Қора ранг билан шанба куни ва Зуҳал (ёки Қайвон, Сатурн) сайёраси боғланиб, қасрнинг ранги, Баҳромнинг юриш-туриши ва ўша кунги барча воқеалар қора ранг билан тасвирланади.

Достонда иккинчи иқлимдан келган дарвеш Баҳромга ўз ҳикоясини якшанба куни Олтин қасрда гапириб беради. Бу иқлим ва якшанба кунининг ҳомийси Қуёш ҳисобланиб, у сариқ ранг билан боғланган. Шунинг учун қасрнинг ранги, Баҳромнинг кийим-кечаклари ва якшанба куни билан боғлиқ бўлган атрофдаги ҳар бир унсур шоир томонидан олтин тусида жилолантирилган.

Учинчи дарвеш ўз ҳикоясини Баҳромга душанба куни учинчи иқлим подшоси томонидан қурилган Яшил ранг қасрда айтиб беради. Душанба кунининг ҳомийси Ой ҳисобланиб, у яшил ранг билан боғланган. Шунинг учун қаср, Баҳром кийим-кечаклари ва шу кун билан боғлиқ бўлган барча нарса ва воқеалар шу ранг билан ифодаланади.

Сешанба куни Баҳром Лаъл қасрда тўртинчи иқлимдан келган Дарвешдан ҳикоя тинглайди.

Сешанба куни Миррих (Марс, Баҳром) сайёрасининг ихтиёрида бўлиб, қизил ранг ҳам шу юлдузнинг товланиши билан боғланган. Шунинг учун Баҳромнинг ташқи кўриниши, бошидан кечираётган воқеалар ва тинглаётган эртаги, буларнинг барчаси қизил рангининг рамзий маънолари билан боғланиб кетади.

Тўртинчи иқлимдан келган мусофир эса шу иқлимнинг шоҳи қуриб берган Мовий қасрда Баҳромга чоршанба куни Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ҳикояни сўзлаб беради. Ҳикоядаги

воқеалар, Баҳромнинг руҳий ҳолати ва қасрдаги барча нарсалар кўк рангда жилваланади. Бу рангнинг ҳомийси Утарид (Меркурий) сайёраси ҳам чоршанба куни бутун коинот бўйлаб айланиб, гўё уни қўриқлаётгандай ҳамма ерга мовий нурларини сочиб туради.

Пайшанба куни Баҳром Сандал қасрга йўл олади. Бу қаср бешинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган эди. Шунинг учун Баҳром бешинчи иқлим дарвешидан Муқбил билан Мудбир ҳақидаги ҳикояни тинглайди.

Бу ҳикоянинг мазмуни, ундаги қаҳрамонлар, ҳатто унинг ниҳояси ҳам сандал ранги билан ифодаланган. Баҳромнинг ҳиссиёти, кийим-кечаклари ва унинг атрофидаги барча ашёлар ҳам сандал тусига киради. Бунинг асосий сабаби пайшанба кунининг сандал рангдаги ҳомийси Муштарийнинг (Юпитер) коинотдаги мавқеи билан боғлиқдир.

Еттинчи иқлим шоҳи қуриб берган Кофурий (оқ) қасрда Баҳром жума куни шу иқлим дарвешидан Дилоромнинг кейинги тақдири ҳақидаги ҳикояни тинглайди. Бу куннинг султони Зуҳра (Венера) сайёрасининг ҳукмида бўлганлиги учун барча ҳодисаю воқеалар унинг севимли оқ ранги билан боғланиб, бутун борлиқни шу рангнинг шуълалари қамраб олган эди.

Мазкур етти қасрнинг ҳар бирида Баҳром бир кундан шу қасрни қурган шоҳларнинг қизлари билан вақтни хушликда ўтказиб, кечалари етти иқлимдан келган дарвешлардан ухлаш учун эртаклар тинглайди. Қасрларнинг рангларини Навоий ҳикояларининг сарлавҳаларидаёқ алоҳида таъкидлаб ўтади.

Шанба куни айтилган ҳикоянинг сарлавҳаси шундай ифодаланган: «Шанба куни Баҳромнинг мушкфом либослар кийиб, гунбази мушкинга хиром қилиб, ғизоли мушкбў била бодаи мушкин ичкани ва бу машғуллуқ билан ҳижрон ўтининг дуди қаро қилғон кунин шомға еткургани».

Бу ҳикояда ҳамма ҳодиса ва нарсаларга қора либос кийгизилган. Ҳатто қора рангга хос бўлмаган ашёлар ҳам қора ранг билан тасвирланади. Бўшлиқ қора, қора қаср, у қора иқлим подшоси томонидан қурилган. Вақт ҳам қора, чунки у қора рангдаги сайёра Зуҳал номи билан чамбарчас боғлиқ. Баҳром билан бирга вақтини хуш ўтказаётган малика ҳам қора рангда, чунки у ҳам қора иқлимдан келган. Бундан ташқари, у мушкбў ғазал билан қиёсланмоқда. Хушбўй бода айрилиқ ва ғамгинликни эслатмоқда, у ҳам қора, тутунга ўхшатилмоқда. Кун аслида ёруғ бўлишига қарамасдан, у ҳам ғам дудининг қарори билан қоронғи қилинмоқда. Булардан ташқари, мушк сўзларининг бир неча бор такрори, яъни, илтизом санъатининг қўлланиши натижасида ўқувчи қаҳрамоннинг мушкбў гўзаллар ва хушбўй атирлар мамлакати Ҳиндистон билан боғланганлигини англаб олади.

Бу ҳикояда қора ранг қаҳрамоннинг телба қилмиши натижасида содир бўлган жудолик туфайли қайғу ва оғир руҳий изтироб ҳиссиётларини кечираётганини англатади. Алишер Навоий Баҳромнинг бошига тушган кулфатни янада чуқурроқ ифодалаш учун ўзининг биринчи ҳикоясини қора рангдан бошлайди. Бу ҳикояда шоир чуқур қайғудаги Баҳромнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш учун ҳамма воқеа ва ҳодисаларни қора рангга бўяйди.

Ҳатто шеъриятда ижобий маънода қўлланиб келинадиган «Қора гесу» (қора соч) каби сўз бирикмалари ҳам салбий мазмунда ишлатилади.

Бошиға солиб ул қора гесу,
Ҳар туки сою бир қаро қайғу.

Баҳром учун қора ранг мотам ва изтироб рангидир. Лекин бундай изтиробларни бошларидан кечирмаётган бошқа қаҳрамонлар учун бу ранг ёшлик, соғломлик ва бахт-саодат рамзидир:

Қаро ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичрадур муборакдур.

Алишер Навоий биринчи ҳикоянинг мазмунини Баҳромнинг мусибатли кунлари учун сабабчи бўлган севги мазмунидаги мавзудан бошлайди. Бу билан шоир рамзий маънода ҳикояни Баҳромнииг руҳий ҳолатига мослайди. Баҳром севгилиси Дилоромдан ажралган кундан бошлаб унинг бошига қора кунлар келиб тушди. Шу туфайли Баҳром учун қора ранг тушкунлик ва савдо кунларини эслатувчи рангдир. Ҳикоядаги Ахий билан Фаррухларга эса бу ранг бахт келтиради. Шунинг учун биринчи иқлимдан келган дарвешнинг сўзлаб берган ҳикоясидаги қора ранг унинг қаҳрамонларига мурувват, яхшилик ва саодатли ҳаёт рамзи бўлиб қолган. Ахий ўзгаларга яхшилик қилувчи инсон бўлганлиги туфайли, Фаррух эса, камолотда Ахийга етиб, унга тақлид қилганлиги учун ҳар бири ўз бахтига эришади. Ана шу бахт рамзи сифатида улар қора либос кийиб юришни одат тусига айлантирадилар.

Шундай қилиб, Алишер Навоий мазкур байтларида ўзининг қуйидаги фалсафий фикрларини баён қилади: «Инсоннинг ахлоқи, юриш-туриши унинг тақдирини белгилайди. Шундай экан, инсон фаолиятидаги ижобий хусусиятларнинг амалда татбиқ этилиши, албатта уни қувончли ва яхши натижаларга олиб келиши муқаррардир. Унинг салбий томонлари эса киши бошига мусибатдан бошқа нарса келтирмайди.» Шоир буни Баҳром ҳаётидаги кичик бир лавҳа асосида яққол кўрсатиб ўтади. Демак, қора ранг аслида ёшлик ва бахт рамзидир.

Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ёшлигини унинг бошидаги сочларининг қоралиги белгилайди. Ёшлик эса инсон ҳаётининг баҳоридир. Шундай қилиб, Алишер Навоий қора рангни икки хил маънода қўллаб, унинг моҳиятини ишончли далиллар билан моҳирона очиб берган.

Ашраф Марофий қора рангга ўзининг биринчи ҳикоясини бағишлаган. Унда ҳинд ҳокимининг ўғли Маликзоданинг, Навоийдаги Фаррух сингари жуда ажойиб саргузаштлар ва оғир мусибатларни бошидан кечирганидан сўнг ўз бахтига эришишга муяссар бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шу туфайли ҳикоянинг бош қаҳрамони ўтмишни эслаб қора либос кийиб юради.

Хусрав Деҳлавий ҳам қора рангни Навоий қўллаган маъноларда ишлатилади:

Улар ўз бахтларидан шод бўлиб,
Ўз уйларига равона бўлдилар.
Ўз она юртларига қайтиб,
Оталарини сарафроз қилдилар.
Қари ота жуда хурсанд бўлди,
Яна бир бор яшаргандай бўлди.
Мўйсафид отанинг оқ сочлари
Хурсандликдан қорайиб кетди.
Катта ўғил салтанатга бош бўлиб,
Отасининг қора тахтига ўтирди.
Чодир ҳам қора рангда эди,
Бошқаларга қора байроқлар тегди.
Қора ранг Аббосийлар шиоридир,
У оташпарастнинг фалакдаги зебидир.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида якшанба куннинг воқеалари қуйидаги сарлавҳа остида берилган:

«Якшанба куни Баҳромнинг қуёшдек либос кийиб зарнигорга азм қилиб сориғ хуллалиғ базм айш тузуб олтин соғарда асфар май ичгани, йўққим, қуёшнинг сариқ гули учирғони чоғдин офтоб зардиғача анга бир йилча кечгани».

Бу сарлавҳада ҳаммаёқ сариқ либосга бурканганлиги таъкидланади. Сариқ рангнинг олтин билан ҳамоҳанг бўлиб товланиши бир неча марта алоҳида қайд этилади. Бунинг асосий сабаби Баҳромга сўзланган иккинчи ҳикоянинг мазмуни олтин билан боғлиқлигидир. Унда бош қаҳрамон Зайд Заҳҳоб қалбаки тахт ясаб, шоҳнинг буюрган олтинидан бир қисмини ўмариб қолади.

Баҳромнинг дам олиш жойи сариқ қаср. Уни сариқ ранг билан боғлиқ бўлган иқлимнинг шоҳи қурган. Бу иқлим ва якшанба кунининг ҳомийси ҳам сариқ рангдаги сайёра-қуёшдир. Кундуз куни – сариқ, шу сабабдан шоир кундуз кун орқали қуёшнинг чиқишидан то ботгунига қадар бўлган вақтни ифодалайди. Баҳромнинг зарбоф кийимлари ҳам сариқ, шу туфайли бу қуёш билан қиёсланган. Шоҳ маишат қилаётган гўзал қиз ҳам сариқ иқлимдан келган. Унинг барча либослари ҳам сариқ. Қадаҳ– сариқ, олтиндан ясалган. Қуёшнинг чиқиши сариқ гулнинг очилиши билан қиёсланмоқда, унинг ботишидаги манзара ҳам сариқ.

Олтин ранг Навоий талқинида тиниқлик, хурсандчилик ва олийжаноблик рамзидир. Олтин рангининг бир оз бўлсада ўзгариши, унинг олийжаноблик мазмунини шармандалик ва нафрат уйғотувчи рангга айлантиради. Олтиннинг шундай мазмунда ишлатилганлигини Зайд Заҳҳобнинг фирибгарликларида яққол кўрамиз. Алишер Навоий томонидан бу ранг, шунингдек, Дилором билан бўлиб ўтган воқеадан сўнг ишқ ўтида азоб чекиб сарғаяётган Баҳромнинг ранг-рўйини ифода этиш учун ҳам қўлланилган. Бу ўринда сариқ ранг бош қаҳрамоннинг бетоблиги, касаллигини англатиш билан бирга Рум шоҳининг саройида рўй бераётган мушфиқлик, ўғрилик, бевафолик маъноларини ҳам ифодалаган. Бир ҳисобда Зайд Заҳҳоб қўли гул заргар, ажойиб наққош ва қўлидан ҳамма нарса келадиган уста сифатида таърифланса, бошқа жиҳатдан унинг фирибгар, бузуқлиги ва ёлғонлари қаттиқ фош қилинади. Зайд Заҳҳобнинг образидаги салбий хусусиятлар, олтиннинг сохталигидаги ранги, яъни кўпроқ сариқ ранг билан қиёсланса, ундаги ижобий хусусиятлар ҳақида гап борганда кишининг руҳига қувонч бағишловчи соф олтин ранги билан ифодаланади. Шунинг учун бу ранг ҳам икки маънода, бирида, нопоклик, фирибгарлик ва нафрат рамзи сифатида қўлланилса, иккинчи ўринда хурсандчилик ва кулгу маъноларини англатади:

Ҳукм қилдики тўнин оқу қора
Қилдилар ғарқ сориғ олтин аро.
Чунки зарбафт ҳар бисот ўлди,
Ҳар бисоту юз инбисот ўлди.
Олтун ул элни кулдуруб чандон,
Заъфарон ўйлаким қилур хандон.
Нечадин сўнг бўлуб ишорати хос,
Чоҳу зиндон эли ҳам ўлди халос.
Элга зоҳир қилиб наззора чоғи,
Чеҳрадин олтин ул гуруҳ доғи.
Элга бу доғи кулгу келтурубон,
Бағри қотқунча балки кулдурубон.

Хусрав Деҳлавий ҳам «Ҳашт биҳишт» достонида бу рангга Навоийнинг Зайд Заҳҳоби сюжетига яқин бўлган заргар Ҳасан тўғрисидаги ҳикояни келтирган. Ҳар иккала шоирда бу рангнинг рамзий маънолари деярли бир хил ишлатилган.

Хусрав Деҳлавий Ҳасанни таърифлар экан олтин рангининг хоссалари ҳақида қуйидагиларни баён этади:

Олтин ранги ажойиб рангдир,
Ошиқларнинг чеҳралари олтиндайдир.
Олтин бу бахт тошидир,
Иззатул икром заъфарон рангидандир.
Осмондаги қуёш ҳам, чунончи,
Заъфарон ранги билан гўзалдир.

Шундай қилиб, сариқ ранг Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавий достонларида икки хил маънода ишлатилиши билан фарқланади. Биринчиси ижобий маънода, иккинчиси – салбий.

Ашраф Марофий олтин ранги орқали достондаги ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг қарама-қарши характерларини очиб беришда фойдаланади. У Солим образини сариқ ранг билан ифодалаб, уни соф олтин рангидан узоқлаштиради ва бу рангни унинг салбий юриш-туришига мослайди.

Салимни эса тиниқ қимматбаҳо олтин ранги билан ифодалаб, унинг образини тиниқлик ва олийжаноблик рамзи сифатида тасвирлайди. Ашраф бу образлар орқали шуни таъкидламоқчи бўладики, шакл жиҳатидан бир хил исмга эга бўлган икки киши ўзининг ахлоқи, юриш-туриши натижасида мазмуни икки қарама-қарши маъноларни касб этиши мумкин. Салимнинг исми жисмига монанд бўлса. Солимнинг исмини унинг нопок ҳаракатлари булғаб туради.

«Сабъаи сайёр» достонининг учинчи куни, яъни душанба кунидаги воқеаларнинг сарлавҳаси қуйидагича ифодаланган:

«Душанба куни Баҳромнинг навбаҳор монанд аҳзар либос била гунбази ахзарға юз қўйғони ва сарви сабзранг сабз ҳуллае била жоми зумрадфом ичинда зулол ҳаётнўш қилғони ва ул чашмаи зиндагонидин Хизр ҳаёти касб этқани».

Бу ерда энди ҳамма нарса яшил рангда ифодаланган. Баҳромнинг қадам ранжида қилган жойи яшил қаср. Учинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим ҳомийси яшил ранг нур таратувчи Ойдир. Душанба куни ҳам унинг номи билан боғлиқ. Қасрдаги маликанинг кўриниши, кийган либослари яшилдир. Унинг қомати ҳам сарв дарахти сингари яшил.

Баҳром ҳам яшил рангга кирган. Шароб бадиий восита орқали яшил рангга ўхшатилган. У яшил ранг билан жилоланадиган зилол сув билан қиёсланади. Жон ҳам яшил, зумрад рангида. У Хизр ичган ҳаёт булоғига ўхшатилади. Хизр сўзининг ўзи ҳам арабча бўлиб, «яшил», «яшил бўлиш» маъноларини англатади.

Яшил ранг сўфий таълимотида улуғ ранглардан бири ҳисобланади. Шарқ халқларининг тасаввурида бу ранг ҳаёт рамзидир, у самовий мавжудотлар билан боғланади. Яшил ранг, шунингдек, ўтмиш билан келажак тимсоли вазифасини ҳам бажарган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг достонида яшил рангли либос кийган Саъд исмли йигит икки мусофир ёрдамида ва ўзининг чуқур билимлари асосида бахтли келажакка эришади. Саъднинг бу бахтли ҳаётини Алишер Навоий яшил ранг бўёқлар орқали ёркин ифодалайди:

Ранги ахзар баҳор ранги эрур,
Сабзау марғзор ранги эрур.
Афъаи ғам чу элга айлади зўр,
Ани жоми зумрад айлади кўр.
Шўхким бўлди сарвдек чолок,
Сабзаи хатти айлар элни ҳалок.
Хизр бу рангдин нишон топти,
Тонг йўқ аз умри жовидон топти.

Низомий бу ранг орқали Бишрнинг ўз бахтига эришганлигини тасвирласа, Хусрав Деҳлавий яшил ранг орқали шоҳнинг тахти ва унинг ҳарамига кўз тикиб, фирибгарлик йўлига кирган нопок вазирни ҳажв қаламига олади.

Ашраф Марофий бу ранг орқали Шаҳзода исмли қаҳрамонининг ўз севгилисига эришиб, бахтли келажагини таъминлагани ҳақида ҳикоя қилади. Новелланинг ниҳоясида шоир яшил рангини ҳаёт ва гўзаллик рамзи сифатида мадҳ этади.

Алишер Навоийда Баҳром сешанба куни тўртинчи қасрда вақтини ўтказади. Бу бобнинг сарлавҳаси қуйидагичадир:

«Сешанба куни Баҳром гулгун либос билан қасри гулнориға таважжуҳ қилиб шафақгун ҳуллалик хуршид била соғари ёқутфом ичинда лаълранг май ичгани ва ул ёқуту лаълдин уйқу учун муфарраҳ тартиб қилиб майдин қизартқон кўзин юмғони».

Бу сарлавҳада ҳамма нарса қизил ранг орқали ифодаланган, қизил рангга хос бўлмаган сўзлар ҳам қизилга мослаб тасвирланган. Баҳром дам оладиган жой – Қизил қаср. Тўртинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим қизил рангли сайёра Баҳромга мансуб. Марс сешанба куннинг ҳам ҳомийси ҳисобланади. Баҳром билан вақтни хушчақчақ ўтказаётган гўзал қизнинг либослари ва умуман барча қиёфаси қизил ранг билан безанган. Унинг гўзаллиги ҳатто қуёш билан қиёсланмоқда, либослар эса қуёш ботаётгандаги шафаққа ўхшатилган. Жомнинг ранги ҳам қизил, ундаги шароб ҳам қизғиш. Баҳромнинг кийимлари ҳам қизил, кўзлари эса, майдан қизарган.

Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича, Низомий ўз достонида қизил ранг орқали Рус маликасини назарда тутган, чунки Низомийнинг «Хамса»га кирган сўнгги «Искандарнома» достонида бу ҳақда анча батафсил маълумотлар келтирилиб, улар қизил ранг билан боғланади.

Алишер Навоий қизил рангдан Баҳромнинг руҳий ҳолатини ёритишда фойдаланади. Достонда қизил ранг Баҳром бетоблигининг кульминацияси ҳисобланади. Сўнгги кўк, сандал ва оқ ранглари Баҳромнинг тузалиш даври билан боғлиқдир. Қизил ранг бу ўринда Баҳромнинг ўз севгилиси Дилором билан учрашуви яқинлигидан дарак беради. Бошқа томондан рангларнинг сўна бориши эса Баҳром ҳаётининг сўнгги дамлари етганлигини ҳам англатади. Бундан ташқари, Навоийда қизил рангнинг бошқа рамзий маънолари ҳам бор. Навоий достонида қизил ранг эзгулик ишларининг ёвуз кучлар устидан қонли кураши натижасида эришилган бахтли ҳаёт рамзини ҳам ифодалайди. Ҳикояда эзгулик кучлари – Масъуд, Жуна, ёвуз кучлар – Жайсур ва Маллу билан жанг қилиб, натижада улар устидан ғалаба қиладилар. Бу ўринда бахт қонли жанглар натижасида қўлга киритилади. Шоир ана шу бахтни қизил ранг орқали образли қилиб ифодалайди:

Буйла ҳолатта ҳукм топти судур,
Ким топиб қатл Маллуву Жайпур.

Бўлди ер қонлари била гулфом,
Кўрки гул фаслидур не хуш айём.
Дўстлар ғарқи гул аро то фарқ,
Яна душман бу навъ гул аро ғарқ.
Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Хусрав Деҳлавий эса, қизил ранг ҳақида шундай деб ёзади:

Қизил гул ранги дилга қувонч беради,
Чунки қизил май жоннинг роҳатидур.
Қизил гулларнинг ранги боғнинг зебидир,
Шафақ эса зангори самода гўзалдир.
Ҳар ким давлату бахти билан шод бўлса,
Юзлари гулнорга ўхшаш қип-қизил бўлади.

Хусрав Деҳлавий ҳикоясининг қаҳрамони ўз бахтига қон тўкмасдан эришади. Унинг ҳикоясида қизил ранги ҳаёт, қувонч ва ўйин-кулги рангидир. Низомий ва Навоийлардаги қизил рангдан фарқли ўлароқ Хусрав Деҳлавийда бу ранг анқовлик ва фаҳмсизлик рамзи бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу рамзий маънони қасрга қамаб қўйилган гўзал қизни ажойиб ва қизиқарли услуб билан ҳокимдан ўғирлаб кетган йигитлар ҳақидаги ҳикоядан яққол кўриш мумкин. Бу ўринда қизил ранг ҳокимга нисбатан қўлланилган.

Ашраф Марофийнинг ҳикоясида қизил ранг ёвузлик устидан эзгуликнинг тантанаси рамзи сифатида ишлатилади. Шоир қизил ранг орқали Хитой ҳокими қўлида ҳалол хизмат қилиб юрган Навжаҳоннинг душманлар томонидан туҳмат қилиниши натижасида мамлакатдан ноҳақ бадарға қилингани ва ниҳоят Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий ҳикояларидаги каби, ҳақиқат қарор топиб, Навжаҳоннинг бахтли ҳаётга эришгани тараннум этилади.

Ашрафда бу ранг ақл, илм ва покликнинг рамзи сифатида ифодаланган.

Шундай қилиб, қизил ранг бир жиҳатдан, қонли кураш, изтироб ва ҳалокат рамзини англатса, бошқа томондан ғалаба, хурсандчилик, ўйин-кулгу ва телбалик маъноларида ҳам ишлатилар экан.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг кейинги боби сарлавҳаси қуйидагича:

«Чоршанба куни Баҳромнинг мовий кисват била гунбази нилуфарийга майл қилиб хуршид осмоний либос била жоми фирузагун аро кабудон майидек бода солиб нўш қилғони ва нўшонўш унинг тоқи нилуфардин ошурғони».

Бу сарлавҳада шоир ҳамма воқеа ва ҳодисаларни кўк ранг билан безайди. Қаср кўк, унинг гумбази ҳам мовий. Бешинчи иқлимнинг ҳомийси Меркурий сайёраси бўлганлиги учун у ҳам кўк. Чоршанба кунининг рамзий ранги кўк. Баҳром кўк қасрга мовий ранг либос кийиб киради. Унинг атрофидаги ҳамма нарсалар ҳам кўк рангда. Баҳром билан вақтини ўтказаётган гўзал қиз ҳам кўк рангга монанд кийинган. Қадаҳ шаробнинг ранглари ҳам мовий тусга киритилган.

Достонда кўк ёки мовий ранг қандайдир безовталик ва ғамгин ҳолатни эслатади. У кимнингдир орамиздан кетганлигини англатади. Бу ранг ғам ва қайғу рамзини англатиб, унинг шу маънодаги ифодаси ҳозирги кунимизгача сақланиб келган.

Турли қўрқинчли ва ғаройиб воқеаларни бошдан кечириб, Ҳизр ёрдамида одамхўр девлардан қутилиб чиққан мисрлик савдогар йигит Моҳон ҳақидаги ҳикоясини Низомий кўк рангга бағишлаган. Шоир ҳикоя ниҳоясида қайғу ва ғамларни бошдан кечириб эсон-

омон чўлдан қутилиб чиққан бош қаҳрамон Моҳонга кўк либос кийгизади.

Хусрав Деҳлавий эса бу ранг орқали сеҳрли ҳаммомга кириб, ажойиб саргузаштларни бошидан кечирган савдогарнинг ўғли ҳақидаги новеллани баён этган. Қаҳрамон ўн йил мобайнида ғам-ғуссада кўк кийим кийиб юради, Сўнгра унинг саргузаштлари ҳақидаги афсоналар халқ орасида кенг шуҳрат топади.

Кўк ранг Ашраф Мароғийнинг ҳикоясида қайғу ва мотам рамзини англатган. Шоир бу рамзий маънодаги бешинчи новелласини Миср подшоҳининг ўғли саргузаштларига бағишлаган. Бу афсонанинг бош қаҳрамони Низомий ҳикоясидаги каби ғайритабиий махлуқ ва ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган саргузаштларни бошидан кечириб, ўз юртига қайтади ва қайғули дамларнинг рамзи сифатида кўк рангдаги либос кийиб юришни маъқул кўради.

Алишер Навоий кўк ранг орқали Меҳр билан Суҳайлнинг севгисини тасвирлайди. Бу икки ёшнинг алангали севгиси кўп мусибатли воқеалар ва аччиқ синовлардан ўтади ва ниҳоят қароқчи Жобир устидан ғалаба қозонади. Меҳр билан Суҳайл ўз мақсадларига эришадилар. Шоир мана шу оғир кунлар ва Навдар билан Нуъмоннинг вафот этишгани муносабати билан ўз қаҳрамонларига кўк либос кийдиради. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзади:

Эврулуб ком бирла даври сипеҳр,
Васл топди Суҳайл бирлан Меҳр.
Меҳрким, чарх хокроҳи эди,
Нилуфарзор жилвагоҳи эди.
Тўни ул рангу кўнглаги ул ранг,
Боринг доғи кечаги ул ранг.
Нилуфар ранги келди табъ пазир,
Ким либос этти они Меҳри мунир.

Кейинги бобда Навоий сандал қасри ҳақида гапиради.

Сандал ҳиди таралиб турувчи гулшан олтинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган Сандал қасрдир. Бу иқлимнинг ҳомийси Юпитер сайёрасидир. У пайшанба куни билан боғланган. Баҳром ҳам мана шу сандал рангига мослашиб кийинган. Унинг билан вақтни хушликда ўтказаётган малика ҳам сандал либосда. Ундан сандал атри ҳиди уфуриб турибди. Шароб таъмидан ҳам сандал мазаси келмоқда. Ҳатто Баҳромнинг руҳий ҳолати ва воқеаларнинг кечиши ҳам сандал рангига ҳамоҳангдир.

Сандал шифобахш ва хотиржамлик рангидир. Навоий бу ранг ҳақида шундай дейди.

Сандал осойиши равон англа,
Атри анинг ҳаёти жон англа.

Навоийнинг бешинчи ҳикояси сандал ранги билан боғланган, унда сандал дарахтининг шифобахш хусусиятлари туфайли тўғри сўз ва қалби пок Муқбил ўз мақсадларига эришади. Ёлғончи Мудбирнинг кирдикорлари эса фош этилади. Низомий ҳикоясидаги ижобий бош қаҳрамон Хайр сандал дарахтининг баргларидан шифо топади, шоҳнинг қизи ҳам шу шифобахш дарахт баргларидан соғайиб кетади. Ўзининг ёмонлиги туфайли Шарр ҳалок бўлади.

Хусрав Деҳлавий ҳам ўқувчиларнинг асосий эътиборини сандал рангига қаратади. Бу ранг орқали олтинчи ҳикоядаги шаҳзода Ром ўгай онаси билан вазирнинг ўртасидаги ғайри ахлоқий алоқаларни фош қилиб, саройда ўз обрўйи ва мавқеини тиклашга муваффақ

бўлади.

Алишер Навоий сандал дарахти ва унинг рангидан достон қаҳрамонларининг ички руҳий ҳолатларини аниқловчи восита сифатида фойдаланган. Шоир бу ўринда қаҳрамонларни ахлоқий томондан тарбиялаш ғоят мураккаб вазифа ва бундай касалликка чалинган инсонни унинг кучли иродасигина тузатиши мумкин, деган хулоса чиқаради. Бу асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу ўринда достоннинг бош қаҳрамони Баҳромнинг руҳий касалликдан аста-секин тузалаётганига ҳам ишора бор. Лекин Баҳром ахлоқий жиҳатдан тузалганича йўқ. У давлат ҳокими, мамлакат ҳомийси – унинг асосий вазифаси халқ фаровонлиги ва бахт-саодати учун ўз умрини бағишламоғидир. Шунинг учун Баҳром айш-ишрат ва бошқа кўнгилнинг енгил-елпи ҳавасларидан озод бўлмоғи керак. Шу мақсадда Навоий достонга етти дарвешнинг етти ҳикоясини киритганлиги бежиз эмас. Энди Баҳром ақл-ҳушини йиғиб олиб, мазкур ўгит-насиҳатлардан ибратли хулосалар чиқармоғи ва севгида, мамлакатни идора қилишда одилона иш тутмоғи керак. Акс ҳолда, Баҳромни ўзининг салбий ҳаракатлари ҳалокатга олиб келиши муқаррардир. Алишер Навоий сандал ранги орқали Баҳромнинг бутунлай соғайганлигига ишора қилиб, кейинги навбатни оқ рангга беради. Оқ ранги эса поклик ва софдиллик рамзи бўлганлиги учун ҳам Баҳромнинг мурод-мақсадидан, яъни севгилиси Дилоромга етишиш дамларининг яқинлигидан далолатдир. Бошқа томондан оқ ранги кексалик ва инсон ҳаётининг ниҳояси рамзини ҳам англатганлиги учун шоир бу ерда Баҳром ҳаётининг охирги дамлари ҳам яқинлашаётганлигига ишора қилади.

Кофурий қаср – еттинчи иқлим подшоҳи томонидан қурилган Оқ қаср. Бу иқлим ва якшанба кунининг ҳомийси Зуҳра (Венера) сайёрасидир. Улар оқ рангга мансубдирлар. Баҳром оқ қасрга оқ либос кийиб киради. Атрофидаги ҳамма нарса оқ. Маликанинг кийим-кечаклари, қадаҳ, шароб, тахт ҳам оқ рангда. Оқ ранг поклик ва ҳалоллик белгиси.

Хусрав Деҳлавий ўзининг еттинчи ҳикоясида шоҳнинг ҳар уч хотинининг бевафолиги ва биттасининг пок, вафодорлигини оқ ранг орқали тасвирлаган.

Низомий билан Навоий ҳам ўзларининг еттинчи ҳикояларини қаҳрамонларининг пок севгисини улуғлашга бағишлаб, оқ ранги орқали уларнинг характерларидаги вафодорликни очиб берадилар.

Низомий оқ ранг орқали бир гўзал қизни яхши кўриб қолиб, унинг билан аввал никоҳсиз алоқада бўлишини истаган, сўнгра унга уйланиб, бахтли ҳаётга эришган йигитнинг пок севгисини тасвирлайди. Ҳикоя оқ рангниинг мадҳи билан тугалланади.

Алишер Навоий эса оқ ранг орқали Дилоромнинг Баҳромга бўлган пок севгисини тасвирлайди. Навоий Дилоромнинг вафодорлигини қуйидаги мисралар орқали ифода этади:

Ул кафанким либосим ўлмиш эди,
Мужиб иқтибосим ўлмиш эди.
Они киймак танимға фан бўлди,
Ки ўлук кисвати кафан бўлди.
Манки бўлдим висоли маҳжурий,
Кафанимдур либоси кофурий.
Бот тўкулмас учун тани ранжур,
Сепилибдур кафанда ҳам кофур.
То бу кишвар ҳудудиға еттук,
Ёки бу шаҳр аро нузул эттук.
Гар йироқсен йўқ эрса ҳамроҳсен,

Бори бўлғон ишимдин огоҳсен.
Бу шаҳ олинда мунча ёлғоним,
Анга юз изтироб солғоним.
Демагилким кўнгул ҳаваси эди,
Ки валийи неъматим вафоси эди.

Юқорида айтганимиздек, бу ранг Баҳром ҳаётининг тугаётганлигидан дарак берувчи ишорадир. Баҳром ўз севгилисига эришгач, яна Дилором билан айш-ишрат қилиб, овга берилиб кетади. Баҳром ҳикоялардаги насиҳат ва ўгитлардан тегишли хулоса чиқариб олмайди. Натижада давлат ишлари яна ўлда-жўлда қолиб кетади. Оқибатда Баҳромни барча одамлари билан ов вақтида ер ўз қаърига тортиб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, ранглар гармонияси асарнинг бошланишидан то охиригача маълум эстетик тартибда баён этилиб, мақсад ўқувчиларга бадиий воситалар орқали янада чуқурлаштирилиб тақдим этилган.

Маълумки, ижодкорларнинг бадиий маҳорати, энг аввало, унинг мазмун билан шаклга бўлган муносабати орқали белгиланади. Жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олган асарларнинг муаллифлари, қоидага кўра, биринчи ўринга мазмунни қўйиб, шаклни иккинчи ўринга қўядилар. Бундай эстетик принцип биз кўриб чиқаётган ҳар учала асар учун ҳам хосдир. Алишер Навоий замонасида айрим ижодкорлар маълум даражада асарнинг шаклий томонларигагина кўпроқ эътибор беришганини ҳисобга олганда, шоирнинг бу масалага алоҳида аҳамият билан қараганлиги табиийдир. Чунки шоир ўзининг эстетик позициясини белгилаб, бундай асарларга маълум даражада ўзининг муносабатини билдирмоғи керак эди. Шу жиҳатдан Навоий биринчи нуқтайи назарни қўлловчи ижодкорлар сирасидан ўрин эгаллаб, бу борада у Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар йўлидан борди.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида турли бадиий воситалардан кенг фойдаланибгина қолмай, унинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Бадиий воситалар асар мазмунини янада чуқурроқ ифода этишга, ўқувчиларнинг диққат эътиборини достондаги асосий масалаларга қаратишга йўналтирилгандир. Бадиий воситалардан Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар ҳам усталик билан фойдаланганлар. Шунга қарамасдан, ҳар бир ижодкор шеърий санъатларни қўллашда ўзларининг маҳоратлари ва эстетик принципларига асосланганлар. Шунинг учун бадиий воситалардан истифода этишда шоирларнинг умумий ўхшаш томонлари билан бир қаторда фарқли жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Ҳар учала достон ўзининг нафақат мазмуни, балки ҳамоҳанг бадиий шакли билан ҳам ўқувчини ҳайратга солади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достони қуйидаги мисралар билан бошланган:

Эй жаҳон дида буд хеш аз ту,
Ҳеч набуди набуда пеш аз ту.
Дар бидоят бидоят ҳама чиз,
Дар ниҳоят ниҳоят ҳама чиз.

Таржимаси:

Жаҳон ўзининг борлиғини сендан олди,
Сенгача ҳеч қандай борлиқ йўқ эди.
Энг аввал сен ҳамма бошланишларга бош бўлдинг.
Охиратда ҳам ҳамма нарсаларнинг охирати бўласан.

Бу ерда «буд», «будани», «набуди» сўзлари фонетик жарангдорликни таъминлаган.

Улардаги «б» товушининг аллитерацияси эса шеър оҳангининг янада гўзаллашишига хизмат қилмоқда.

Хусрав Деҳлавий ҳам ўз достонининг кириш қисмида тахминан худди шундай товушларнинг такрори орқали бадиий томондан юксак мазмун ва жарангдорликка эришади. Шоир қуйидаги мисраларда Низомий каби «будани», «буд», «буду», «нобуд» сўзларини қўллаб, гўзал мисраларни яратган:

Буданиро ҳамиша буд аз ту,
Буду нобудро вужуд аз ту.
Офаринаш рақам кашидаи туст,
Ҳар че жуз туст офарида туст.

Таржимаси:

Борлиқ ҳамиша сен туфайли бордир,
Бору йўқнинг вужуди ҳам сен туфайлидур.
Яратувчилик сенинг белгингдир,
Сендан бошқа ҳар нарса сенинг яратувчилигингдандир.

Алишер Навоий ҳам салафларининг анъаналарини давом эттириб, ўз достонининг кириш қисмидаёқ «кўнгул», «тил» сўзларини ишлатиши натижасида, шунингдек «л» товушининг такрорига асосланиб, ўзининг чуқур мазмунга эга бўлган фалсафий фикрларини ҳам баён қилади:

Эй сипосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди тилга мақол.
Сендин инсонға тору буду жасад,
Жасад ичра кўнгул кўнгулга хирад.

Бу ерда илтизом санъатининг моҳирона қўлланиши, шунингдек, «тили», «тил», «тилга» сўзларининг ўзаро боғланганлиги фикрни кучайтиришга хизмат қилган. Кейинги байтда шоир тасбиъ санъатини, яъни биринчи мисрадаги охирги сўзни иккинчи мисра бошида такрорлаб, биринчи байтда кўтарилган мазмунни кейинги байт мазмуни билан боғлайди ва фикрга якун ясайди. Бу ўринда «раддул ажз минас-садр» санъати қўлланилган. Яъни такрорланаётган «жасад» сўзи биринчи ва иккинчи байтлар ўртасида боғловчи элемент вазифасини бажариб, «хирад» сўзига қофияланган.

Шундай қилиб, Навоий достоннинг ҳамд қисмида расмий шеърий санъатлардан фойдаланган ҳолда «тил», «жасад», «кўнгул» ва «хирад» сўзларига ўқувчи диққатини алоҳида қаратиб, унда чуқур мазмун яширинганлигини таъкидлайди.

Шоир инсон дунёда энг улуғ зот эканлигини кўрсатиш билан бирга унинг бошқа мавжудотлардан фарқи унга ақл, тил ва қалб каби буюк қудрат ато қилинганлигини ўқувчи онгига етказади.

Кейинги мисраларда Навоий илтизом санъатини қўллайди ва етти рақамини 15 марта такрорлаб, бу рақамнинг асарда муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд қилади.

Низомий достонда илтизом санъатига алоҳида эътибор берган. Шоир бу санъатдан айниқса ҳафт (етти) рақамининг рамзий маънолари ва достонда тутган ўрнини ўқувчиларга яхшироқ етказмоқ учун шоҳ қизлари ҳақида гап борганда етти марта, Ҳаварнақ қасри тўғрисида гап кетганда 16 марта такрорлаган.

Айниқса, Низомий бу санъатдан достоннинг энг муҳим жиҳатларини ўқувчига

тушунарлироқ қилиб етказиш мақсадида кўпроқ фойдаланган. Масалан, қуйидаги мисраларда шоир достон сюжетининг ечимини ҳал қилаётганда бу санъатдан моҳирона фойдаланганлигини кўрамиз:

Гуфт бар шаҳ ғароматист азим,
Гов таълиму гўр бе таълим.
Манки гове бар оварам бар ном,
Жуз бе таълим бар наёварам ном.
Че сабаб чун зане ту гўре хирад,
Номи таълим кас наёвард бурд.

Мазмуни:

У шоҳга айтди: бу буюк қарз,
Кийик машқсиз, бузоқни кўтариш-чун,
Машқ кифоя экан. Мен жасорат кўрсатдим.
Унда санъат эмас, фақат машқ бор.
Сен бечора кийикни отганингда,
Нега машқ ҳақида эшитгинг ҳам келмайди.

Хусрав Деҳлавий илтизом санъатидан ўзига хос услубда фойдаланган. У бу санъатдан айниқса сўзларни байт доирасида такрорлашни маъқул кўриб, катта маҳорат кўрсатади. Масалан:

Ҳафт бошад биҳишту кавсар ҳафт,
Ҳаштўм кондарон буд ҳар ҳафт.

Мазмуни:

Етти боғ мавжуд ва етти жаннат кавсарлари,
Саккизинчиси шуки, унинг ичига етти ҳикоя киради.

Бу ўринда шоир илтизом санъатини қўллаб, ҳафт (етти) сўзи билан байтни бошлаб, шу сўз билан байт ва унинг биринчи мисрасини тугаллайди.

Ашраф Мароғий ҳам ўз достонининг кириш қисмидаёқ илтизом санъатини қўллаган. У етти рақамини такрорлаш орқали ўзининг асосий фикрларини баён қилади:

Қасри қайсар фиреб пардозам,
Ранги мақсураи эрам созам.
Ҳафт авранг баркашам з-он сон,
Ки буд бо сипеҳр ҳам домон.
Бонуйи ҳар яке базейбойе,
Ҳар ҳафт дар дилоройе,
Чун ҳикоят гузор пешаш,
Диҳам ҳафт зи гул тазйинаш.

Мазмуни:

Подшоҳнинг қасрини фирибгарлик билан безадим,
Эрам боғидаги ранглар билан безадим.
Уларнинг асосига етти тахтни ўрнатиб,
Фалакнинг гардиши ва қолипловчи ҳикоядан ташкил этди.
Унинг ҳар бирида бир гўзал бону,

Ҳаммалари ҳам дилдор дилороме эдилар.
Бир ҳикоят тугаши билан бошқасини бошлашдан олдин,
Етти рангдан бирини уни безаш учун келтирдим.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида иштиқоқ санъатидан ҳам унумли фойдаланган. Айниқса, шоир ўқувчи ҳиссиётини қўзғаш, айрим ҳолларда эса, қарама-қарши ҳодиса ва воқеаларни таъсирлироқ қилиб тақдим қилиш учун бу санъатга тез-тез мурожаат этиб туради. Иштиқоқ санъатида асосан ўзаги бир сўзлар турли грамматик шаклларда қўлланилиб, у кўпроқ шоир фикрини тасдиқлаш ва кучайтиришга қаратилган бўлади.

Масалан:

Ошиқ ўлғон ки кечмагай жондин,
Ишқ беҳад йироқдурур ондин.

Бу ўринда иштиқоқ санъатини «ошиқ» ва «ишқ» сўзлари ташкил этган. Ҳар иккала сўзнинг ўзаги арабча «ашиқа» (севмоқ) масдаридан олинган.

Кейинги мисраларда шоир бу фикрни ривожлантириб, «жон» ва «жонон» сўзлари орқали, биринчидан иштиқоқ санъатини, иккинчидан «ж» товушини такрорлаб аллитерация ҳодисасини вужудга келтиради ва шеърларнинг жарангдорлигини таъминлайди. Натижада шеър матнидан севги инсон учун хос бўлган нарса, у маълум даражада қурбонлик талаб этади, севгисиз инсон эса, қалбсиз жасаддир, деган фалсафий ғояни кўтариб чиқади:

Жонни найлай жаҳонда жононсиз,
Жоним онсиздурур жонсиз.

Баҳром Гўрнинг Дилором билан ов лавҳаси ёритилган қуйидаги мисраларда иштиқоқ санъати билан бир қаторда бошқа санъатлар ҳам маҳорат билан ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз:

Шаҳ чу кўргузди ишта бу ойин,
Тама этти нигоридин таҳсин.
Анга чун ҳуснидин бор эрди ғино,
Келди ҳусн иқтизоси истиғно.

Бу шеърда биринчидан «таҳсин» билан «ҳусн» сўзлари «ҳасуна» (чиройли бўлмоқ) ўзагидан, «ғино» билан «истиғно» «ғания» (бой бўлмоқ) ўзагидан ясалган бўлиб, иштиқоқ санъатини ташкил этишган бўлса, иккинчидан «ҳусн» сўзининг иккинчи байтда икки марта такрорланиши тасбиъ санъати, учинчидан, иккинчи байтдаги сўзларда «ғ» ва «н» товушларининг такрори тавзиъ санъати орқали амалга оширилган.

Шундай қилиб, шоир асосий мазмунни ифодалаш учун бирданига учта санъатдан моҳирлик билан фойдаланиб, шеър матнининг бадиий таркибини шакллантирган.

Шеърий санъатлар орасида Навоий тарди акс санъатига ҳам тез-тез мурожаат қилиб турган. Шоир бу санъатдан воқеалардаги ва қаҳрамонлар характеридаги қарама-қаршиликларни ифода қилишда кўпроқ фойдаланган. Тарди акс қоидасига кўра, одатда текстда бир марта ишлатилган сўзлар, иккинчи марта ишлатилганда ўринлари алмашган

ҳолда келади. Масалан:

Жони тандин тўюб, тани жондин,
Кўнгли ранжур мундину ондин.

Бу байтда «жони тандин» «тани жондин» сўзлари тарди акс санъатини ҳосил қилган. Шоирнинг тарди акс санъатидан моҳирона фойдаланганлиги туфайли мазкур мисраларда қаҳрамонларнинг оғир руҳий ҳолати ёрқин бўёқлар орқали тасвирланиб, ўқувчида баён қилинаётган ҳодисалар ҳақида чуқурроқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятини яратади.

Навоий томонидан қўлланилган тарсиъ санъати ҳам ўзининг турли-туманлиги билан ўқувчи диққатини жалб қилади. Достонда тарсиънинг шундай турлари қўлланилганки, унда биринчи мисра билан иккинчи мисрадаги барча сўзлар оҳангдошликни ташкил қилиб қофияланади:

Топибон жон фазо ҳавосин анинг,
Кўрубон дилкушо фазосин анинг.

Бадиий санъатлар ичида ҳожиб тез-тез ишлатилиб турилади. У радифга ўхшаб шоир фикрининг муҳимлигини таъкидлаш ва тасдиқлаш учун хизмат қилади. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида турли хил ҳожиблардан фойдаланган. Қуйидаги мисолда гулгун сўзи ҳожиб вазифасини ўтаб, қофияланаётган сўзлардан илгари келган. Шу сўзнинг ўзи бир неча бор такрорланганлиги туфайли у илтизом санъатини ҳам ташкил этган:

Шоҳ Баҳром кийди гулгун рахт,
Тикди гулгун уй ичра гулгун тахт.
Қасри гулгун сори қилиб оҳанг,
Истади ичса бодаи гулранг.

Маълумки, туюқ бир хил шаклдаги сўзларнинг кўп маънолиги асосида қурилган бўлиб, у туркий халқлар шеъриятида кенг қўлланилиб келган. Форсийгўй халқлар адабиётида туюқ йўқ. Туюқ, айниқса, туркий халқлар фольклорига хос бўлиб, у ҳозирги даврда ҳам турли мушоира ва кечаларда ишлатилиб келинмоқда. Одатда, туюқ шаклан рубоий кўринишида бўлиб, ундан турли вазнларда ёзилганлиги билан фарқ қилади. Туюқ турли вазнда ёзилган бўлиши ва мураккаблигидан қатъий назар, маҳорат билан яратилган чоғда ўқувчи учун содда ва яхши тушунарли бўлади. Маълумки, Алишер Навоий поэтик омонимиядан ўзининг тўртлик ва ғазалларида кенг истифода қилган. Бизнинг кузатишлар шуни кўрсатадики, Алишер Навоий туюқнинг катта имкониятларидан маҳорат билан унумли фойдаланган. «Сабъаи сайёр»да поэтик омонимия турли сўз шакллари, тартиби ва турли шеърий санъатлар билан бирга ишлатилган. Қуйидаги байтда омонимия мисранинг ўртасида ва охирида келган.

Поклик пардасида меҳри сипеҳр,
Пардада ўйлаким сипеҳрда меҳр.

Биринчи мисрада «меҳр» қуёш маъносида, иккинчисида гўзал маъшуқа маъносида ишлатилган.

Қуйидаги биринчи мисолда эса, «юз» жамол ва «юз»– сон маъносида. Иккинчи мисолда

«қаро» чақа, арзимаган маъносида, «қаро» қора доғ маъносида келган:

Кўз юзунгга умидвор эрди,
Жонда юз доғ интизор эрди.
Қаро пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса.

Алишер Навоий бундан ташқари тажнис санъатидан ҳам унумли фойдаланган. Бу санъат туюқ жанрига асос бўлган. Лекин Навоийнинг таъкидлашича, туюқ тажнисда ҳам келиши мумкин экан. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзади: «Яна турк улуси батахсис чиғатой халқи аро шойеъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар: бириси туюғдурким, икки байтга муқаррардур ва саъй қилурларким тажнис айтилгай».

«Сабъаи сайёр» достонида тажниси том, тажниси мураккаб, тажниси зойил, тажниси мутарраф ва бошқа турдаги тажнислар ҳам ишлатилган.

Юқорида биз келтирган мисоллар шаклий санъатлар сирасига киради. Энди маънавий санъатларнинг айримлари хусусида тўхтаб ўтайлик. Булар орасида таносуб, ийҳом, лаффу нашр, ирсолул масал, ташбиҳ, ташхис, ҳусни таълил, тазод ва истиора санъатлари кўпроқ учрайди.

Сўзнинг кўп маънолиги жиҳатидан ишлатиладиган санъатлар ичида ийҳом муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун Навоий ийҳомга алоҳида эътибор бериб, достонда ундан турли-туман мақсадларни амалга оширишда фойдаланган. Масалан, шоир қуйидаги байтда Дилором сўзини икки хил маънони англатиш учун ишлатган. Биринчиси луғавий маънода, яъни дилга ором берувчи, иккинчиси атоқли от сифатида:

Не учун ҳосил ўлмағай коми,
Кимки ҳамроҳидур Дилороми.

«Сабъаи сайёр»да «Ирсолул масал» санъати ҳам жуда кўп қўлланилган. Навоий халқ мақоллари ва афсоналаридан маълум ҳикоянинг ниҳоясига якун ясаш ва ибратли хулосалар чиқариш лозим бўлган вақтда мана шу санъатдан моҳирлик билан фойдаланган. Достонга кирган деярли ҳар бир ҳикояда унинг якуни сифатида албатта битта мақол келтирилади. Масалан, бешинчи иқлимдан келган дарвеш Баҳромга қароқчи Жобир ҳақидаги ҳикояни гапириб бергач, бу салбий қаҳрамоннинг юриш-туриши, ёвуз ишлари ўзининг бошини еганлигини ўқувчиларга янада тушунарли тарзда баён этиш мақсадида қуйидаги мақолни келтиради:

Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.

Навоий «Сабъаи сайёр» достонида тарихий ва афсонавий воқеалар, машҳур асарлардаги муҳим лавҳаларни эслашга асосланган талмиҳ санъатидан ҳам унумли истифода этган. Бу санъат орқали шоир достоннинг асосий мазмунини очиб беришда фойдаланган. Масалан, қуйидаги мисолда Навоий «Хамса»ни яратишдаги қийинчиликлар ҳақида гапиради ва унинг муваффақият билан тугалланишига умид боғлаб, Сулаймон пайғамбар билан бутун бир қўшинни буғдой билан таъминлаган чумоли ҳақидаги ҳикояни тилга олиб ўтади:

Рум элининг саманди ошуби,

Ҳинд эли пилининг лакад куби.
Ҳам магар мўри ранж парварде,
Топиб андоқ сипоҳдин гарде.
Кўрубон ўз ҳақиру пастлиғин,
Қаро туфроққа ҳам нишастлиғин.
Солғай ошуб шерғаронға,
Ноиб этғай ўзин Сулаймонға.
Не ажаб гар Навоийи бедил,
Қилса бу навъ коми дил ҳосил,
Ким тутубдур анинг сори ҳиммат,
Қутби тамкин осмони рифъат.

Қуйида эса, шоир Фарҳод ва Ширин ҳақидаги афсонани эслатиб ўтиб, Дилоромдан айрилган Баҳромнинг ички кечинмалари ва изтиробларини янада яққолроқ тасаввур этиш имкониятини яратади.

Ҳар неча кезди дашту саҳрони,
Топмади зоди сурури раънони.
Сарвға жилваки гулистондур,
Хосса сарвеки нози бўстондур.
Не тилар сарв дашт водий аро,
Сарв ўлур бўстон саводи аро.
Они топмоғдин ўлди чун маъюс,
Юзга урди таппонча ўйлаки кўс,
Чекти навъи ғарив ила фарёд.
Ким чу Ширинни топмағай Фарҳод.

«Сабъаи сайёр» достонининг стилистикасида айниқса антонимия алоҳида ўрин тутади. Бу санъат орқали шоир социал адолатсизлик, жамиятдаги қарама-қаршиликлар ва қолаверса, турли бир-бирларига зид бўлган воқеа ва ҳодисаларни эркин ифода этиш имкониятига эга. Масалан, Навоий достонида Зайд Заҳҳоб образи орқали антонимияни қўллаб, бир томондан уни моҳир уста, табиб, файласуф каби ижобий хусусиятларини баён қилса, бошқа томондан унинг фирибгарлик, муттаҳамлик томонларини ҳам очиб бериб, ўша давр жамиятига хос бўлган иллатларни фош қилади:

Ҳам ҳаким эрди, ҳам муҳандисваш,
Гоҳ зарпош эдию гаҳ заркаш.
Туну кун шоҳнинг надими ҳам ул,
Пойтахти аро ҳакими ҳам ул.
Бошидин то аёғ ҳунар эди пок,
Айб анга бу ки эрди кўп бебок.
Айш бирла ўтиб маҳу соли,
Бор эрди шоҳ моли ўз моли.

Бу ўринда «пок», «бебок» сўзлари антонимияни ташкил қилиб, Зайд Заҳҳобнинг характерида қарама-қарши, ижобий ва салбий хусусиятлар мужассамланганлигини очиб беради.

Қуйидаги мисолда эса шоир номардлик йўли билан Суҳайлни асирликка туширган

Жобирнинг пасткашлиги ва бош қаҳрамон Суҳайлнинг мардлигини ёрқинроқ кўрсатиш учун шу санъатдан усталик билан фойдаланган:

Агар зоҳир эттинг итликни,
Ман санга кўргузай йигитликни.

Бу ўринда «итлик» билан «йигитлик» сўзлари антонимияни ҳосил қилиб, текстдаги асосий мазмунни очиб берган.

«Сабъаи сайёр» достонининг олтинчи ҳикоясида эса тўғриликнинг катта аҳамияти ва ёлғончиликнинг фалокат манбаи эканлигини очиқроқ баён қилиш учун Муқбил билан Мудбир ҳикоясини келтиради. Шоир бу ўринда антономия санъатини ҳикоя қаҳрамонларининг номлариданоқ бошлайди:

Фориғ ўлғоч бу дур нисоридин,
Дедиким: Бохтар диёридин,
Қилдилар азми Ховар ики киши,
Туну кун сайр ўлиб аларнинг иши.
Бириси Муқбили биёбон гард,
Яна бири Мудбири биҳор навард.
Раҳрав ул икидек бу кўҳна саро,
Қилмай эҳсос барру баҳр аро.
Муқбил озодаи ҳумоюн фол,
Элга мақбул этиб они иқбол.
Мудбир андокки борса ҳар сори,
Ултуруб юзда гард идбори.

Достонда антонимия тазод санъатида ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда шоир қаҳрамонларнинг қарама-қарши хатти-ҳаракатлари орқали тасвирланаётган воқеалардаги зиддиятларни очиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, Навоий Баҳромни отасига қарама-қарши қўйиб, у ҳақда шундай дейди:

Ҳарне ул бузди бу борин тузди,
Бу борин тузди ҳар не ул бузди.

Бу мисраларда «бузди», «тузди» сўзлари антитезанинг асоси ҳисобланиб, сўзларнинг ўзига хос такрори туфайли асосий мазмунини ёрқинроқ очишга, яъни Яздигирднинг золимлигини, Баҳромнинг эса адолатпарварлигини таъкидлашга хизмат қилган. Сўзларнинг тескари ҳолатдаги такрори тарди акс санъатини ҳосил қилган.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларида юқорида кўриб чиққан бадиий воситалардан ташқари яна қатор санъатлар борки, уларни батафсил ўрганиш алоҳида тадқиқот доирасига киради.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида шоир турли-туман шеърий воситалар орқали ўзининг индивидуал услубини намойиш қилиб, достоннинг мазмун ҳамда шакл нуқтайи назаридан юксалганлигини таъминлашга эришган. Табиийки, Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларини пухта ўрганган, уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланган, лекин шу билан бирга масалага ижодийлик ва новаторлик

нуқтайи назаридан ёндашган.

Ҳар уччала асарга хос бўлган умумийлик шундан иборатки, уларнинг ҳар бирида анъанавий бўлган шеърий санъатлар қўлланган, лекин ҳар бир ижодкорнинг асарида бу шеърий воситалар ўзига хос услуб, шакл ва мазмунни ифодалашга хизмат қилган. Ана шу асосий ва муҳим вазифаларни бажаришда шоирларнинг ҳар бири шеърий санъатлардан ўз эстетик қарашларига монанд равишда фойдаланганлар.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий достонларининг яна бир умумий томони шундаки, ҳар учала достонда шакл мазмунга бўйсундирилган бўлиб, унинг асосий хизмати мазмунни чуқурроқ ифода қилдиришга, асарни безашга қаратилгандир.

Улардаги асосий фарқлар ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубни танлаганлигидадир. Уларнинг ҳар бири бадиий воситалардан ўз имкониятлари даражасида фойдаланганлар. Бу эса ҳар учала достоннинг бир-бирларидан нафақат мазмун жиҳатидан катта фарқ қилишига, балки шаклан ҳам турли эканлигини таъминлаган. Булардан ташқари, Низомий ва Хусрав Деҳлавий ўз бадиий маҳоратларини форс-тожик тилида намойиш қилган бўлсалар, Алишер Навоий ўз асарини ўша даврларда турли ноҳақ таҳқирлар дашномига учраган она тили бўлмиш туркий тилда яратишга муяссар бўлган. (Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг ўз халқи олдидаги хизматларининг буюклигини тан олган улуғ кишилар бу даҳонинг хизматларига баҳо беришар экан, уни турк тилининг ўлик жасадига Исо нафасини берди, деб бежиз айтмаганлар.

Алишер Навоийнинг яна бир муҳим хизмати шундан иборатки, у илмий жиҳатдан туркий тилнинг, бошқа тиллар каби имкониятлари катта эканлигини ва бу тилда буюк, асарлар яратиш мумкинлигини амалда исботлаб берди.

ИШҚ ДОСТОНИНИНГ ИБРАТИ

Буюк санъаткор ўзининг фалсафий, эстетик, ахлоқий этик ва ижтимоий ғояларини бадиий ифодалаш мақсадида хоҳлаган сюжетдан фойдаланиши мумкин. Низомий сосоний шоҳи Варахран V (421–438) нинг таржимаи ҳоли, Эрон ва Кавказ халқлари ўртасида у ҳақда тарқалган афсона ва эртаклар, шунингдек, «Китоб ус-салотин» асарида бу ҳақдаги маълумотларнинг Фирдавсий томонидан бадиийлаштирилган лавҳаларини «Ҳафт пайкар» асарининг сюжетига асос қилиб олган. Табиийки, Низомий бу сюжетни ғоявий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, бутунлай мустақил асар яратишга муваффақ бўлган. Бундай юқори савиядаги бадиий асарнинг дунёга келиши даврнинг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги шубҳасиздир. Хусрав Деҳлавий Баҳром тўғрисидаги бу сюжетни ўз даври талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзининг эстетик қарашларига мослаган.

Алишер Навоий ҳам бу машҳур сюжетдан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш мақсадида фойдаланиб, қолипловчи ҳикояга кирган новеллаларни ихчамлаштириб, мазмун ва шакл жиҳатидан мукаммал асар яратишга муваффақ бўлган. Муҳими шундаки, Низомий билан Хусрав Деҳлавийларнинг ҳикоялари Баҳром тўғрисидаги афсона билан боғланмаган ҳолда баён этилган бўлса, Алишер Навоий етти ҳикояни достоннинг асосий қисми ҳисобланувчи қолипловчи ҳикоя билан чамбарчас боғлаган. Бу боғланиш санъаткорнинг маҳорати туфайли еттинчи ҳикоя орқали усталик билан амалга оширилган. Бу эса, достоннинг бир бутун композицион қурилишга эга бўлган асар сифатида шаклланишини таъминлаган. Алишер Навоийнинг Баҳром образига бўлган муносабати ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Шоир айш-ишратга, хотинбозлик ва овга, шунингдек, давлат ишларини ўлда-жўлда қолдириб, ичкиликка муккасидан кетган ҳокимни идеаллаштириш нотўғри, деб ҳисоблайди.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонларида Баҳром тўғрисидаги манбалар, сюжетнинг ягоналиги, қаҳрамонларнинг характери ва воқеаларнинг баёнидаги принципларнинг умумийлиги ўша давр жамиятига хос ва характерли бўлган қатор ғоя ва социал мавзуларнинг яқинлиги ҳар учала достоннинг умумий томонларини ташкил этади. Ҳар учала асарда инсоннинг ақл-заковати, қалбининг поклиги, севгиси улуғланади, тинчлик, дўстлик, озодлик, биродарлик ва тенглик каби гуманистик ғоялар куйланади, ахлоқий-эстетик характердаги масалалар даврнинг долзарб вазифалари сифатида кўтариб чиқилади.

Алишер Навоий асарининг Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларидан фарқи шундаки, шоир асарига инсоннинг ҳақиқий севгиси асос қилиб олинган. Ана шу инсоннинг улуғ севгиси атрофида Алишер Навоий давлат, ижтимоий, ахлоқий-этик ва бошқа масалаларни кўтариб чиқиб, достондаги асосий мавзуни баён қилиш жараёнида уларни ҳам аста-секин ҳал қилиб боради.

Алишер Навоий олдида яна бир муҳим вазифа турган эди. Шоир туш орқали Баҳромни Султон Ҳусайнга ўхшатади ва шу баҳонада моҳирлик билан ўз ҳокимининг салбий хусусиятларини фош этади. Навоий Баҳром образи орқали Султон Ҳусайннинг айш-ишратга берилиб мамлакатни ҳалокатга олиб келгани, халқни эса аянчли аҳволга солганлигини билдиради. Бу эпизод орқали Алишер Навоий Султон Ҳусайнни эс-ҳушини йиғиб олиб, адолат йўлини тутишга чақиргандай туюлади.

Алишер Навоийнинг буюк хизматларидан яна бири шуки, у ўз даври учун ва ҳатто ҳозир ҳам муҳим ҳисобланиб келинаётган умуминсоний муаммоларни ғоявий-бадиий асар орқали кўтариб чиқди, Навоий Низомий томонидан кўтариб чиқилган халқлар дўстлиги

ғояларини ҳикоя мазмунига сингдириб, бу мавзуни янада чуқурроқ ва янада кенг кўламда кўтариб чиқишга муваффақ бўлди.

Алишер Навоий бадиий образлар орқали инсонийлик мотивларини янада чуқурроқ куйлаш, бадиий адабиётнинг тарбиявий ролини янада баланд кўтаришга эришди.

Навоийнинг хотин-қизлар муаммосига бўлган илғор муносабати ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтайи назардан қараганда «Сабъаи сайёр» достони, бошқаларникидан тубдан фарқ қилади.

Фирдавсий ўз севгилисини ўлдирган ва хотинбоз Баҳромни қораламайди. Низомий Баҳромни бундай салбий хусусиятлардан холи этади. Шоир Баҳромни ўз севгилисига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлганлигини тан олишга мажбур этади. Баҳром Фитнадан узр сўрайди ва ҳатто унга уйланади.

Алишер Навоий Баҳром билан Дилором ўртасидаги муносабатни янада чуқурроқ тасвирлаб, бу лавҳани юксак бадиийлик даражасига кўтаради. Навоий Баҳромнинг Дилоромга қилган зулми учун уни жазолайди. Баҳром қаттиқ руҳий касалликка чалинади. Аҳамиятлиси шундаки, Баҳром ўз севгилисига нисбатан ноҳақ хатти-ҳаракатлар қилган чоғда у маст ҳолда эди. Ўзига келгач, у қилган хатосини тушуниб етади, уни тузатишга ҳаракат қилади. Бу эпизод муҳим маъно касб этади. Алишер Навоийнинг салафлари асарларида, айниқса, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонида аёлларнинг макру ҳийлалари ва бевафоликларини ёритишга катта ўрин берилган. Навоий эса ўз достонида кўпроқ хотин-қизларнинг ижобий образларини яратишга ўқувчи диққатини қаратган. Достондаги хотин-қизлар образлари китобхонларда ўзларига нисбатан самимий муносабат ва яхши ҳиссиётларни уйғотади.

Алишер Навоий достонидаги воқеа ва ҳодисалар ўзининг ҳаётийлиги билан ҳам фарқ қилади. Шоир асарида турли афсонавий ва ғайритабиий воқеаларга кам ўрин берилган. Навоийда Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида мавжуд бўлган мунажжимларнинг башоратлари каби лавҳалар ҳам йўқ.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» асарига хос бўлган сеҳрли воқеа ва ҳодисаларни ҳам иложи борича кам ишлатган.

Алишер Навоий достонининг оригинал жиҳатларини белгилайдиган бу хусусиятларнинг ҳаммаси адабий жараённинг ривожланиш тенденциялари, шунингдек, маҳаллий ва давр шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтайи назардан қараганда, ҳар уччала асарнинг ғоявий қиммати баробардир, уларнинг ҳар бири ўзига хос оригинал бадиий қийматга молик бўлган ўлмас асарлардир.

МУҲАММАДЖОН ҲАКИМОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

Алишер Навоийнинг улкан адабий-илмий мероси XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек китобат тарихи, хаттотлик ва бадиий қўлёзма тарихида кескин бурилиш ясади. Агар XV асрга қадар ўзбек тилидаги адабий, тарихий манбалар котиблар томонидан жуда оз кўчирилган бўлса, XV аср ўрталаридан бошлаб фақат айрим котибларгина эмас, балки бутун-бутун хаттотлик мактабларининг намояндалари Навоий асарларини кўчириш билан машғул бўлдилар. XV асрдан бошлаб то XX аср бошларига қадар ўзбек тилида китобат қилинган манбаларнинг қарийб ярмини Навоий асарларининг нусхалари ташкил қилади. Шунинг учун ўзбек китобат иши, хаттотлик, бадиий қўлёзма ва миниатюра санъатининг сўнгги беш асрлик тараққиётини – мактаблар, услублар, намояндалар фаолиятларини ўрганишда Навоий асарларининг қўлёзмалари етакчи, айрим ҳолларда ҳал қилувчи манба вазифасини ўташига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Навоий асарларининг қўлёзмалари беш аср давомида жаҳоннинг турли ўлкаларига тарқалди. Ҳозирги вақтда Навоий асарларининг минг жилддан ортиқ қўлёзма нусхаси фақат Совет Иттифоқининг Тошкент, Ленинград, Душанба, Боку, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Фрунзе, Қозон, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива ва бошқа шаҳарларидаги қўлёзма фондларида мавжуд. Шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, баъзан бир жилд таркибига Навоийнинг ягона бир асари кирган бўлса, баъзан эса бир жилд бир нечта асардан таркиб топади. Ёхуд бир қўлёзма жилд Навоийнинг қарийб ҳамма асарларини ёки энг йирик асарларини ўз таркибига қамраб олиб куллиётга, куллиётга яқин бўлган тўпламга яқинлашиб қолади. Ана шу Совет Иттифоқидаги, қисман хориждаги қўлёзмаларни ўрганиш асосида Навоий асарларини кўчирган уч юздан ортиқ котибнинг номини аниқлашга муваффақ бўлинди. Қўлёзмани кўчирган ҳар бир котиб ўзининг маҳорати, билими ва услуби билан бир-биридан фарқ қилади. Демак, ҳар бир қўлёзма котиблар томонидан турли савияда кўчирилган бўлишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, Навоий мероси бўлиб қолаверади. Айни вақтда Навоий мероси битилган ҳар бир қўлёзма муайян бир давр, мамлакат ёки ўлка китобат иши ва санъатининг маҳсули сифатида ҳам баҳоланади. Чунки ўша қўлёзма китобнинг яратилишида қоғоз, сиёҳ, турли бўёқлар, муқова учун мағиз (картон), чарм ёки мато ва бошқа моддий ашёлар, жадвалкаш, лаввоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф каби ҳунарманд ва санъаткорларнинг меҳнати бир бутун ҳолда ўз ифодасини топади.

Котибларнинг баъзилари Навоий асарларидан фақат биттасини кўчирган бўлса, баъзилари бир неча, ҳатто ўнлаб асарларни кўчирган. Бутун фаолиятини Навоий асарларини кўчиришга бағишлаган котиблар ҳақида ҳам асосли маълумотлар бор.

Ҳар бир котиб муайян бир хаттотлик мактабининг вакили ҳисобланиб, шу хаттотлик мактабида таркиб топган анъаналарни давом эттиришга, такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган. Хаттотлик мактаблари маълум бир шаҳар ёки ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаётнинг талаби ва маҳсули сифатида вужудга келган. Биз Навоий асарлари қўлёзмаларининг кўчирилиши чегарасига (географиясига) назар ташлар эканмиз, айни шу ҳодиса яққол кўзга ташланади.

Алишер Навоий асарларини илк бор китобат қилиш Ҳирот хаттотлик мактабидан бошланди. Шу хаттотлик мактабида XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида Навоий асарларини кўчирган олти хаттот – Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Али ибн Нур, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон ва Дарвеш Муҳаммад Тоқийларнинг

номлари дастлабки қўлёзмалар орқали маълум. Бу хаттотлардан айниқса Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган қўлёзмалар Навоий асарларининг биринчи нусхалари ҳисобланади.

XVIасрнинг биринчи ярмида ҳам Ҳиротда Навоий асарларини китобат қилиш анъанаси давом этди. Бунинг ёрқин намунаси 1526–27 йилларда Али Ҳижроний кўчириб тугатган Навоий куллиётидир. Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон ва бошқа бир неча хаттотлар Ҳиротда XVI асрнинг биринчи ярмида ҳам Навоий асарларини китобат қилишда самарали фаолият кўрсатдилар.

XVI асрдан бошлаб Навоий асарларини китобат қилиш чегараси анча кенгайиб кетди. Машҳад, Шероз, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шоҳрухия хаттотлик мактабларидан етишган бир неча хаттотларнинг бу иш билан шуғулланганликлари маълум.

Машҳад хаттотлик мактабидан Мир Имод ал Ҳусайний Навоий асарларини ғоят нафис хат билан кўчирган. Унинг Навоий терма девонларидан кўчирган нусхалари сақланиб қолган.

Табризда Машҳад ва Шерозга қараганда Навоий асарлари кўпроқ кўчирилган. Чалабий, Пир Муҳаммад Шайх Тоҳир Табризий, Ҳожи Муҳаммад Табризий Табриз хаттотлик мактабининг энг машҳур намояндалари ҳисобланганлар. 1595–96 йилларда Назарали Файзий Эрон Озарбайжонининг Қизилоғоч шаҳрида кўчириб тугатган Навоий куллиётини ҳам Табриз хаттотлик мактабининг давоми деса бўлади.

XVI асрда Бухоро хаттотлик мактабида Навоий асарлари кўплаб нусхаларда кўчирилди. Бухоролик хаттотлардан Муҳаммад Али ал-Котиб ас-Султоний, Ибн Абулмакорим Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий, Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий кўчирган қўлёзмалар алоҳида ажралиб туради. XVI аср қўлёзмаларининг характерли хусусияти шундан иборатки, улар хат жиҳатдан ўта нафис ва бадиий безакларга бойдир. Яна бир қимматли томони шундаки, уларнинг аксариятида асарларнинг мазмунига мос равишда расм(миниатюра) лар ишланган.

XVI аср ўрталаридан бошлаб Ҳиротдан анча узоқ ўлкаларда – Туркия, Миср ва Ҳиндистонда ҳам Навоий асарларининг нусхалари кўпая бошлади. Бу ишда кўпроқ турли ижтимоий-сиёсий сабаблар билан ўша ўлкаларга бориб қолган хаттотлар фаолият кўрсатдилар.

XVII асрнинг охирларида Шарқий Туркистонда Кошғар, Ўрта Осиёда Марв, Хоразм, Шаҳрисабз, Қўқон (ёки Фарғона), Тошкент хаттотлик мактаблари таркиб топа бошлади.

Кошғар хаттотлик мактабида Азиз Кучек ибн Муҳаммад Адил, Мулло Ашур ибн Мулло Мир Темурий Мочиний ва бошқалар Навоий асарларини кўчиришда кўп меҳнат қилдилар. Кошғар хаттотлик мактабида Навоий асарларини китобат қилишнинг энг юқори нуқтаси 1824–1830 йилларда Абдурраҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий томонидан Навоий куллиётининг кўчирилишидир. Низорийдан кейин ҳам Навоий асарларини битган кошғарлик бир неча котибларнинг номи фанга маълум.

Навоий асарларини кўчирган дастлабки Хоразм хаттотларини XVII асрдан учратамиз. Дўст Муҳаммад валади Эшмуҳаммад XVII аср охирларида «Хамса»ни кўчирган. XVIII–XIX асрларда Хоразмда Навоий асарларига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Хоразмлик хаттотлар орасида атоқли шоир ва олим Шермуҳаммад Мунисниng номи ҳам алоҳида фахрли ўрин эгаллайди. Унинг Навоий асарларидан кўчирган учта дастхат–қўлёзмаси етиб келган. XIX асрда ва XIX асрнинг биринчи чорагида Хоразм ва унинг атрофида Навоий меросини китобат қилган элликдан ортиқ котибларнинг кўчирган қўлёзмалари мавжуд.

XVIII аср охирларида Бухоро ва Самарқанд хаттотлик мактабларидан ажралиб чиққан Шаҳрисабз хаттотлик мактаби ҳам Навоий асарларининг халқ орасида кенг ёйилишига

салмоқли ҳисса қўшди. Кўплаб хаттотлар етиштирган бу мактабдан хусусан Ёрмуҳаммад Қаро Шаҳрисабзий кўчирган қўлёзма китоблардан еттитаси сақланган.

Қўқон (ёки бир оз кенгроқ маънода Фарғона) хаттотлик мактабида Навоий асарларидан яратилган илк қўлёзмалар XVIII асрга мансубдир. Қўқонда Навоий асарларини кўчириш XIX асрнинг биринчи ярмида жуда кенг тус олган. Тарихий маълумотларга қараганда 1838 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асари олти ойда уч юз адад (нусха)да бир хил таркиб ва бир хил ўлчов (ҳажм)да кўчирилиб, шеърозали муқоваларга олинсин ва вилоятларга тарқатилсин деб фармон берган. Шу даврда яратилган «Хазойин ул-маоний»нинг қўлёзмаларида котиб томонидан ёзилган хотима ва таърихларда «Ушбу нусха Амир Алишер Навоий девонларининг уч нусха кўчирилганларидан бири» деган қайдларнинг тез-тез учраб туриши юқоридаги тарихий маълумотни тўла тасдиқлайди. Навоий асарларини кўчирган Қўқоннинг йирик хаттотларидан Авазберди ибн Тилов Муҳаммад Бешариқий, Мулло Рўзи Котиб, Муҳаммад Шариф Дабир, Каримжон ибн Раҳимжон, Сулаймонқул Рожий, Носиржон Ҳожи Хўқандий, Ашурали Зоҳирийларни кўрсатиш мумкин.

Тошкент воҳасида Навоий меросини китобат қилиш XVI асрдан бошланган. Бунинг учун Сирдарё бўйидаги Шоҳрухия шаҳрида XVI асрда «Хамса»нинг миниатюрали бир нусхаси кўчирилганлигини эслаб ўтиш ўринли бўлади. XVII асрдан ҳозирги Тошкентда янги хаттотлик мактаби тараққий эта бошлайди. Навоий асарлари ҳам ана шу даврда Тошкент хаттотлик мактабида кўчирила бошланганидан бир неча қўлёзмалардаги таърихлар гувоҳлик беради. Тошкент хаттотлик мактабида ҳам ўнлаб хаттотлар XIX асрда Навоий асарларини кўчириш билан машғул бўлдилар. Жумладан, Муҳаммад Раҳим ибн Неъматжон Тошкандий, Нақибхожа ибн Мўъминхожа Шоший, Муҳаммад Юнус Котиб, Шомурод Котиб, Абдуманноф Қори ва бошқалар.

Туркий халқлар адабиётига Навоий ижодининг кучли таъсири натижасида XIX аср ва XX аср бошларида Татаристон, Қрим ва Озарбайжон ўлкаларида унинг асарларидан нусхалар кўчирилди.

Биз юқорида Навоий асарларининг котиблари ўз имзоларини қўйган қўлёзмалар ҳақида мулоҳаза юритдик. Навоий асарларига котиблар ўз имзоларини қўймаган (исми-шарифини кўрсатмаган), китобат ўрни ва таърихи қайд этилмаган юзлаб қўлёзма нусхалар ҳам бор. Ўтмишда кўпгина котиблар камтарлик юзасидан ўзлари кўчирган қўлёзмаларда исми-шарифларини айтмаганлар. Бу ҳолат Шарқ китобат ишида маълум даражада анъана тусига кирган эди. Ана шундай котиби, китобат ўрни ва санаси номаълум қўлёзмалар муқова, қоғоз, хат, миниатюра (агар чизилган бўлса) ва бошқа палеографик белгиларига қараб маълум бир давр ва маълум бир хаттотлик мактабига мансуб эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Беш аср давомида Навоий асарларини кўчирган котибларнинг хат услубига назар ташласак, уларнинг деярли ҳаммаси араб хатининг настаълиқ услубидан фойдаланганлар. Оддий котиблар йирик, аниқ ва равон настаълиқда, санъаткор хаттотлар майда, нафис ва бадиий настаълиқда ёзганлар. Араб хатининг настаълиқдан бошқа услубларида ҳам қўлёзмалар учраб туради. Бундай қўлёзмалардан ҳозирча фанда ягона қўлёзма – «Ғаройиб ус-сиғар»нинг XV аср охирлари ёки XVI аср бошларига мансуб бир нусхаси (Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 386) ҳаракат белгилари тўла қўйилиб насх услубида битилгандир. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Қўқон хаттотлик мактабида Навоийнинг айрим шеърлари ҳаракат белгиларисиз ёзилгани ҳам кўзга ташланади. Шу даврда Қўқонда Навоийнинг битта девони бирорта ҳам ҳаракат белгилари қўйилмай

настаълиқ услуби билан кўчирилган (Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти. инв. № 25-1). Навоий девонининг қўлёзмасини нуқтасиз настаълиқ билан китобат қилиш Қўқон адабий муҳитидаги бедилнавислик ва бедилхонлик анъаналарининг таъсири бўлиши керак.

Навоий асарларининг қўлёзма нусхаларида матнларнинг саҳифага жойланишининг турлича ҳолатларини кўрамиз. Ҳажми (ўлчови) унча катта бўлмаган терма девонларда ва «Хамса» достонларининг ҳар бири алоҳида китоб қилиб кўчирилган нусхаларда матн одатда ҳар саҳифада икки устунли қилиб 10 йўлдан 15 йўлгача жойлашган бўлади. Ҳажм (ўлчов) жиҳатдан бирмунча каттароқ кўпинча «Хазойин ул-маоний» ва «Хамса»дан таркиб топган қўлёзма тўпламларда матн ҳар саҳифада тўрт устунли 19 йўлдан 27 йўлгача жойлаштирилган. XV–XVI аср Навоий куллиётларида матн деярли ҳар саҳифада тўрт устунли 27 йўлдан иборат қилиб тузилган (демак, бир саҳифада 108 йўл – мисра жойлашган). XIX асрда тузилган Кошғар куллиётида эса «Хамса» достонларининг матни ҳар саҳифада олти устунли қилиб, 21 йўлдан жойлаштирилган (демак, бир саҳифада 126 йўл – мисра мавжуд). Насрий асарларнинг матни ҳамма қўлёзмаларда сидирға жойлашган. Уларда қўлёзманинг ҳажми (ўлчови)га қараб ҳар саҳифада 13 йўлдан 19 йўл (сатр)гача кўриш мумкин. Камдан-кам ҳолларда Навоийнинг мустақил асари қўлёзмадаги асосий матннинг ҳошиясига қиялатиб ёзилиши ҳам учрайди. Бундай ҳолатда ҳошия матни бир саҳифада 30–32 йўлгача боради.

Қўлёзма нусхаларда асарлар матнининг мукаммал ёки номукаммаллиги масаласида котиблар ўзлари асос қилиб олган нусхалардаги матнни қатъий сақлашга ҳаракат қилганлар. Достонлар ва насрий асарларда айрим жузъий қисқартиришлар ҳам учраб туради. Зотан, девонларни кўчиришда котиблар бирмунча эркинроқ йўл тутганлар. Чунки, котиблар девонлар таркибидаги ҳар бир шеър (ғазал, рубоий, қитъа, фард, муаммо ва бошқалар)га мустақил бир асар сифатида қараб, уларни ўзлари кўчираётган нусхадан тушириб қолдириш ёки бошқа нусхада мавжуд бўлган шеърни олиб тўлдириш йўлини тутганлар. Ҳар ҳолда ҳар бир қўлёзма матнида котибнинг билим доираси, кўчираётган асарга шахсий муносабати, дунёқараши, давр талаби, кўчиришга буюрган кишининг истаги (агар шундай фармон ёки кўрсатма берилган бўлса) ва бошқалар акс этган.

Ушбу рисолада Алишер Навоий асарларини кўчирган котиблар ҳақидаги маълумотлар биринчи марта махсус равишда тўплаб берилмоқда. Гарчи, атоқли хаттот Абдулқодир Муродовнинг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» (Тошкент, «Фан», 1971) китобида Навоий асарларини кўчирган котиблар ҳақида маълумотлар берилган бўлса-да, муаллиф унда фақат ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фонди билан кифояланган эди. Биз эса Совет Иттифоқидаги бошқа қўлёзма фондларидан, қисман хориждаги қўлёзма фондларидан ҳам (эълон қилинган каталоглар орқали) фойдаланган ҳолда котиблар рўйхатини беришни лозим топдик. Албатта, Навоий асарларини китобат қилган котибларнинг ушбу рўйхатини биз ҳеч қачон мукаммал деб айта олмаймиз. Ҳали халқ қўлида Навоий асарларининг қўлёзмалари жуда кўп. Уларни давлат хазинасига олиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш жараёнида котиблар рўйхати тобора бойитиб, тўлдириб бораверилади. Ана шунга қараганда бизнинг ушбу ишимизни Навоий асарларини кўчирган котиблар ҳақида дастлабки қадам деб қаралса ҳам бўлади. Рисолада котиблар рўйхати XV асрдан бошлаб хронологик тартибда берилди. Котиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, улар қисқача баён қилинади. Котиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар сақланмаган ёки ҳали ўрганилмаган бўлса, у кўчирган қўлёзмани кўрсатиш билан чекланилди.

СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ – хаттотликда мактаб яратган санъаткор, Ҳирот хаттотлик мактабининг раҳбари, настаълиқ хатининг мислсиз устаси, Алишер Навоийнинг шахсий

котибларидан бири. У «қиблат ул-куттоб» (котиблар пешвоси) ва «султон ул-хаттотин» (хаттотлар султони) унвонларига сазовор бўлган.

Султонали тахминан 1432 йилда Машҳадда туғилади. Хаттотликни болаликданоқ ўрганади. Бу ҳақда у қарилик чоғида ёзган манзумасида шундай дейди:

Аз жавоний ба хат буди майлам,
Ишқи хат ронди аз мижа сайлам
(Ёшликдан хатга майлим бор эди,
хат ишқи мижжамдан сел оқизарди).

Султонали машҳур хаттот Азҳар Табризий (1422-23/1502-03)дан таълим олади. У тез орада истеъдодли хаттот сифатида танила бошлайди. Султонали Машҳадий Самарқанд ҳокими Султон Абу Саид хизматида бўлади. Ҳокимият Ҳусайн Бойқаро қўлига ўтгач, Ҳиротга келиб Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар билан ҳамкорликда ишлайди. Султонали Машҳадий Ҳирот хаттотларига раҳбарлик қилиб мусаввир, музаҳҳиб, лаввоҳ ва саҳҳофлар билан биргаликда қўлёзма ва китобат ишини нафис бадиий санъат даражасига кўтаради. Султонали Машҳадий Ҳирот хаттотлик мактабига раҳбарлик қилиш билан бирга бутун фаолияти давомида Алишер Навоий ва бошқа шоиру олимларнинг асарларини кўчириш билан тинимсиз машғул бўлган. У Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг топшириқларига биноан иш олиб боради. Султонали Машҳадий кўчирган кўп нодир қўлёзмалар Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар томонидан бошқа ўлкаларга табаррук туҳфалар сифатида жўнатилган. Умуман, Султонали Машҳадийнинг хат санъатидаги истеъдодига XV аср тарихчилари ва шахсан Навоийнинг ўзи қатор асарларида юксак баҳо беради.

Султонали Машҳадий қобилиятли шоир ҳам бўлган. Турли тазкира ва мажмуаларда Султонали Машҳадий шеърларидан намуналар (фард, қитъа, рубоий ва бошқалар) учраб туради. Унинг шеърлари мазмун ва моҳияти билан ижодий фаолиятининг етакчи соҳаси – хат ва хаттотлик санъати билан боғлиқдир.

Султонали Машҳадий умрининг охирларида (1514 йилда) форс-тожик тилида настаълиқ хати ҳақида шеърий рисола – манзума яратган. Рисоланинг асл нусхаси Ленинград Давлат Халқ кутубхонасида (Дорн 464) сақланмоқда. Рисолада Султонали Машҳадий хат санъатининг назарий ва амалий қоидаларини таърифлаган.

Алишер Навоий вафотидан кейин (эҳтимол Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин) Султонали туғилган ватани Машҳадга кўчади ва хаттотлик фаолиятини давом эттиради. У 1520 йилда шу ерда вафот этади.

XV аср Ҳирот хаттотлари орасида Алишер Навоий асарларини энг кўп китобат қилган Султонали Машҳадийдир. Жаҳон қўлёзма хазиналари бўйича Навоий асарларидан Султонали Машҳадий кўчирган ўн иккита қўлёзма фанга маълум.

Султонали Машҳадий 870/1465–66 йилда Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий ижодининг илк маҳсули – унинг мухлислари томонидан тузилган шеърлар тўплами(бу тўплам навоийшуносликда «Илк девон» деб юритилади)ни кўчиради. Бу қўлёзма Ленинград Давлат Халқ кутубхонасининг Шарқ бўлимида Дорн 564 рақами остида сақланади. Варақлар сони 143. Ўлчови 23х34 см. Қўлёзма бошдан-оёқ олтин суви ва бошқа турли бўёқлар билан, ҳайвонлар сурати ва геометрик нақшлар билан безатилган. Яна шу Ленинград Халқ кутубхонасидаги Дорн 560 рақамли «Хамса» қўлёзмасини ҳам Султонали Машҳадий кўчирган. Қўлёзма 898/1492–93 йилда китобат қилинган. Ҳажми 325 варақ. Ўлчови 17х24,5 см. Ленинград Халқ кутубхонасидаги Султонали қаламига мансуб учинчи

қўлёзма «Мажолис ун-нафоис»дир (Дорн 553). Ҳажми 38 варақ. Ўлчови 17х25 см. Китобат санаси қўйилмаган. Тахминан XVI аср бошларига мансуб.

Ўзбекистон ССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Султонали Машҳадий кўчирган Навоий асарларининг тўрт қўлёзмаси мавжуд. Биринчи қўлёзма – Навоийнинг ўзи тузган иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя» бўлиб, Ҳирот шаҳрида 880–85/ 1475–80 йиллар орасида кўчирилган (инв. № 1995). Ҳажми 204 варақ. Қолган уч қўлёзма терма девонлар тарзидадир: 790 рақамли қўлёзма Ҳиротда 898/1492–93 йилда битилган, ҳажми 102 варақ; 3984 рақамли қўлёзма. Ҳиротда XV аср охирларида китобат қилинган, ҳажми 185 варақ; 1973 рақамли қўлёзма XV аср охири ёки XVI аср бошларида кўчирилган, ҳажми 31 варақ.

Хорижий фондларда Султонали Машҳадий кўчирган Навоий асарлари қўлёзмаларидан ҳозирча бештаси маълум. Биринчиси Истамбулда Тўпқопи-Реван кутубхонасида сақланаётган «Хамса» қўлёзмасидир (инв. №810). Бу нусха 900/1494–95 йилда Ҳиротда кўчирилган, ҳажми 275 варақ. Иккинчи қўлёзма ҳам «Хамса» бўлиб, инглиз қиролларининг Лондон яқинидаги Виндзор сарой кутубхонасида (Ms 65) мавжуд. Китоб 897/1491–92 йилда кўчирилган. Ҳажми 308 варақ. Учинчи қўлёзма «Хазойин ул-маоний»нинг 819 варақдан иборат улкан бир нусхасидир. XV аср охирида Ҳиротда кўчирилган бу нусха ҳам Виндзор сарой кутубхонасида «Бухоро қўлёзмаси» номи билан сақланади. Тўртинчи қўлёзма терма девон шаклида бўлиб, Ҳиротда 905/1499– 1500 йилда китобат қилинган. 254 варақдан иборат бу нусха Нью-Йоркдаги Метрополитейн санъат музейида (инв. №21) сақланмоқда. Бешинчи қўлёзма ҳам терма девон нусхаларидан биридир. У XV аср охирларида Ҳиротда китобат бўлган. Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасида «Elliot 90» рақамига эга.

Султонали Машҳадий Навоий асарларидан ташқари Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний), Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа шоиру олимларнинг асарларини ҳам китобат қилган. Умуман, Султонали Машҳадий қўли билан кўчирилган ва бизгача етиб келган қўлёзма ва мураққаъ (альбом)лар жаҳон бўйича элликдан ошади.

Султонали Машҳадий китобат қилган қўлёзмаларининг деярли ҳаммасига «Султонали ал-Машҳадий», «Султонали Машҳадий» ёки «Султонали» деб имзо қўйган. У настаълиқ хатини (услубини) ихтиро қилган Мирали Табризийдан кейин шу услубнинг Ҳирот хаттотлик мактабида тараққий этишига, камолат босқичига кўтарилишига, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистонда кенг ёйилишига буюк ҳисса қўшди. Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалар йирик, дона-дона, равшан настаълиқда. Улар ўта мураккабликдан холидир.

АБДУЛЖАМИЛ КОТИБ – улуғ ўзбек хаттоти, Алишер Навоийнинг шахсий котиби. Абдулжамил бутун ҳаёти давомида котиблик билан машғул бўлганлигини алоҳида таъкидлаш учун кўчирган қўлёзмаларининг охирида ўз исмига «Котиб» тахаллусини қўшиб «Абдулжамил Котиб» тарзида тўла имзо чекади. Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарида хабар беришича, Абдулжамил Ҳиротнинг Султония мадрасасида мударрислик қилиб сарфу наҳв (морфология ва синтаксис) дан дарс берган. У 911/1505–1506 йилда Ҳиротда вафот этган, Султон Иброҳим Аминий деган шоир Абдулжамил Котибнинг вафотига ушбу қитъа-таърихни ёзиб чуқур қайғу изҳор этган:

Афсус аз он спеҳри дониш
Ки зи меҳр ўро сутуд офоқ.

З-он Абдулжамил гашт номаш
К-ораста шуд ба ҳусни ахлоқ.
Таърихи вафоти ӯ хирад гуфт:
«Алломаи бе мисоли офоқ».

(У илм осмонининг (кетганига) афсус Меҳр туфайли уни офоқ (яъни дунё) олқишлаган эди. Шу сабабли унинг номи Абдулжамил бўлди. Чунки у яхши хулқи билан танилган эди.

Унинг вафот таърихини дониш(мандлар) шундай айтдилар:

«Алломаи бе мисоли офоқ» (Дунёнинг тенги йўқ алломаси)).

Қитъа-таърихда таърих моддаси «Алломаи бе мисоли офоқ» (Дунёнинг тенги йўқ алломаси) бўлиб, рақамлар йиғиндиси ҳижрий 911 (милодий 1505–1506) бўлади.

Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзмалардан ҳозирча фан оламида иккитаси маълум, холос. Улардан бири Алишер Навоийнинг «Хамса»сидир (Тошкент, ЎзФА ШИ, инв. № 5018. Ҳажми 325 варақ. Ўлчови 19х27,5 см). Навоий «Хамса»ни 1483 йилда ёзишга киришиб, 1485 йил бошларида тугаллайди. Абдулжамил Котиб ҳам «Хамса»нинг ёзилган қисмларини пешма-пеш дастхат–мусаввададан оққа кўчириб бораверади. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзмада «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» охирига китобат таърихи қилиб 889 йилнинг рабиъуссоний (милодий 1484 йилнинг апрель-май) ойини кўрсатади. Кейинги достонларга ҳам 889/1484 йил таърих қилиб қўйилган. Бешинчи достон «Садди Искандарий» 890/1485 йилда кўчириб тугалланган. Демак, Абдулжамил Котиб Алишер Навоий билан баравар ишлаб бир вақтда «Хамса»ни оққа кўчириб тугатган. «Хамса» оққа кўчирилиб биринчи марта китоб ҳолига келгач, уни шахсан Навоийнинг ўзи қўлига олиб назар-эътибордан ўтказган бўлиши ҳақиқатга жуда яқиндир. Мазкур қўлёзма навоийшуносликда «Хамса»нинг тўнғич нусхаси, Абдулжамил нусхаси деб юритилади. «Хамса»ни ўрганиш, илмий-танқидий матнини тузиш, оммалаштиришда Абдулжамил Котиб кўчирган нусха энг ишончли ва таянч нусха бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Афсуски, Абдулжамил Котиб кўчирган «Хамса»нинг ушбу нусхаси асрлар давомида бир оз уриниб айрим варақлари янгиланган: қўлёзма аввалидан 9 варақ, охиридан 3 варақ номаълум хаттот томонидан ўтган асрда қайта кўчирилиб тўлдирилган. 305, 306 ва 319 варақлар эса 1949 йилда Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, машҳур хаттот Абдулқодир Муродий томонидан кўчирилиб қайта тикланган.

Абдулжамил Котиб кўчирган иккинчи қўлёзма Алишер Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидир (Тошкент, ЎзФАШИ, инв. № 11675, 149 варақ). Қўлёзма сўнгида Абдулжамил Котиб ўз номини ва китобат таърихи (893/1487–88) ни қайд этган.

Абдулжамил Котиб узоқ йиллар Навоий асарларини китобат қилиши жараёнида унинг шеърларидан (кўпроқ ғазалларидан) энг яхши байтлар(шоҳбайтлар)ни танлаб олиб бир тўплам тузган. Бу тўплам «Туҳфат ус-салотин» (Султонларга туҳфа) деб аталади. «Туҳфат ус-салотин»нинг ягона бир нусхаси Лондондаги Британия музейида сақланмоқда. Ушбу мажмуани Ҳирот шаҳрида 914/1508–1509 йилда котиб Муҳаммад ибн Ҳасан Жумъон Ансорий кўчирган. «Туҳфат ус-салотин»даги байтларнинг умумий сони 408 та бўлиб, улар мавзулар бўйича 45 кичик сарлавҳа – «туҳфа»га ажратилиб жойлаштирилган.

Мана, Абдулжамил Котиб «Хазойин ул-маоний»дан танлаб «Туҳфат ус-салотин»га киритган шоҳбайтлардан баъзилари:

Қаро кўзум келу мардумлиқ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон кўргач.

«Туҳфат ус-салотин»га Абдулжамил Котиб муқаддима ёзган. Муқаддимада у бутун умри давомида Алишер Навоий асарларини китобат қилиш билан шуғулланган ҳақида шундай дейди: «Арз улким, фақири ҳақир Абдулжамил Котиб... ҳамиша муқарраб ул-ҳазрати султон (яъни Алишер Навоий) балоғат бобида якқаламлик садосини спеҳр муншисидин ошурубтур, куллиётларин китобат қилиб маҳзуз (баҳраманд) бўлур эрдим...» Абдулжамил Котибнинг бу муқаддимасини ўзининг хаттотлик фаолиятига якун ясаб ёзган махсус илмий рисоласи деб баҳолаш мумкин. Абдулжамил Қотибнинг муқаддимадаги «Куллиётларин китобат қилиб маҳзуз бўлур эрдим» деган сўзларига диққат қилсак, у Навоий куллиётининг ҳозиргача номаълум бўлиб келаётган нусхаларидан бирини ҳам кўчирган бўлиб чиқади.

Абдулжамил Котиб настаълиқ хатига ўта моҳир бўлган. Унинг қўлёзмалари аниқ ва равон настаълиқда битилган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ТОҚИЙ –Ҳирот хаттотлик мактабининг энг йирик намояндаси, Алишер Навоийнинг шахсий котибларидан бири. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Дарвеш Муҳаммад Тоқий тахминан XV асрнинг ўрталарида туғилган ва XVI асрнинг биринчи ярмига қадар яшаган. Чунки унинг кўчирган қўлёзмаларидаги ўзи қўйган таърих– саналарга кўра хаттотлик фаолиятининг энг гуллаган даври XV асрнинг 90-йилларига ва XVI асрнинг бошларига тўғри келади. Дарвеш Муҳаммад Тоқийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар етарлича сақланмаган. Котиб ўзи кўчирган қўлёзмаларга «Дарвеш Муҳаммад Тоқий» шаклида тўла равишда имзо чеккан.

Дарвеш Муҳаммад Тоқий Навоий асарларидан кўчирган тўртта қўлёзма фанда маълум. Улардан бири Навоий куллиёти, қолганлари терма девонлардир. Дарвеш Муҳаммад Тоқийнинг Ҳирот хаттотлик мактабидаги энг катта хизмати XV асрнинг 90-йилларида Алишер Навоий билан ҳамкорликда ишлаб унинг куллиётини китобат қилганлигидир.

Алишер Навоий 1483–1485 йилларда беш достондан иборат шоҳ асари «Хамса»ни ёзиб тугатди. 1480 йилларнинг биринчи ярмида «Арбаин» ва «Назмул-жавоҳир» асарларини ёзди. 1490 йиллар бошида бутун умри давомида ёзган шеърларини тўплаб тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний»ни тузишга киришди. 1490 йилларнинг биринчи ярмигача асосий насрий асарлари «Вақфия», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мезон ул-авзон», «Насойим ул-муҳаббат»ни яратди. Шундан кейин Навоийда ўз асарларининг куллиётини тузиш фикри туғилади. Шоир бу улкан ва ғоят масъулиятли ишни ўз даврининг машҳур хаттоти Дарвеш Муҳаммад Тоқий билан ҳамкорликда амалга ошира бошлайди. Навоий ва Дарвеш Муҳаммад Тоқий бу ишга 1495 йилда киришадилар. Котиб 1495 йилгача яратилган «Хамса» достонлари, «Хазойин ул-маоний» девонлари ва бошқа мавжуд асарларни жузв-жузв ҳолида кўчириб куллиёт учун тайёрлаб бораверади (албатта, аввалдан келишиб олинган куллиёт ўлчовида).

Шу жараёнда янгидан яратилган асарлар ҳам кўчирилиб турган. Жумладан, 1498–1500 йилларда яратилган «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Сирож ул-муслимин» асарлари ҳам мана шу куллиёт таркибидан жой олган. Айни вақтда бир оз олдинроқ тасниф этилган «Мажолис ун-нафоис» (1491 йил) ва «Муншаот» (1492 йил) 1498–1499 йилларда қайта кўрилиб, таҳрир ва тўлдиришлар билан куллиётга киритилди. Куллиётга кириши лозим бўлган асарлар кўчирилиб бўлгач, уларнинг ҳаммасига умумий бир сўз боши – «Муножотнома» асари яратилади ва куллиётнинг бошланишига қўйилади. «Муножотнома»нинг 1500 йилда ёзилганлигини ҳисобга олсак, демак куллиёт 1500 йил-

нинг биринчи ярмида узил-кесил тугалланган бўлиб чиқади. Бу фикрни қувватлайдиган яна бир далил 1500 йилнинг охирларида ёзиб тугатилган «Маҳбуб ул-қулуб»нинг ушбу куллиёт таркибига кирмай қолишидир. Шундай қилиб, Навоийнинг тириклик вақтида унинг ўзбек тилида ёзган деярли ҳамма – 26 асарининг (фақат «Маҳбуб ул-қулуб»дан ташқари) ягона ва улкан куллиёти вужудга келди. Бу куллиётни хаттот Дарвеш Муҳаммад Тоқий Ҳирот шаҳрида беш йил (1495–1500 йиллар) давомида тинимсиз машаққат билан ишлаб кўчириб тугаллади.

Куллиётнинг қўлёзмаси ҳозирги куни Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопи–Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзма учун Хуросон ипак қоғозидан фойдаланилган. Текст майдароқ, чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган ва ҳар саҳифада тўрт устун қилиб 27 йўлдан жойлаштирилган. Ҳар бир асар бошланишига зарҳал лавҳалар ишланган. Куллиёт 802 варақ (1604 саҳифа)дан иборат. Унинг ўлчови 23,5х32 см. Бу куллиётнинг мукаммал фотонусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти фондига олинган.

Дарвеш Муҳаммад Тоқий Навоий асарларидан тузилган учта терма девонни ҳам кўчирган. Ҳар учала девон Тошкентда ЎзССР ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланади: 1. Инв. № 7701, 204 варақ. 2. инв. № 3479, 201 варақ. 3. Инв. № 4007, 185 варақ. Мазкур девонлар XV аср охири ёки XVI аср бошларида Ҳиротда китобат қилинган.

АЛИ ИБН НУР – XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда фаолият кўрсатган истеъдодли хаттотлардан. Али ибн Нур Навоийнинг ўзи томонидан тузилган биринчи ҳақиқий девони «Бадоеъ ул-бидоя»нинг нусхаларидан бирини кўчирган. Бу девон қўлёзмаси Тошкентда ЎзССР ФА Қўлёзмалар институтининг фондида 216 рақами билан сақланади. Котиб қўлёзмага шундай имзо чеккан: «Котиб ал-абд Али ибн Нур фи ашарул авсат мин шаҳри жумодиюлаввал сана 891 балдат ул-Ҳирот» (Котиб Али ибн Нур 891 йил жумодиюлаввал ойининг ўнинчисида Ҳирот шаҳрида бу девонни кўчириб тугатди (милодий 1486 йил 15 май)). Ҳажми 216 варақдан иборат. Қўлёзма Ҳирот хаттотлик ва бадиий қўлёзма санъатининг ноёб намунаси ҳисобланади.

ИМОД АЛ-ҲУСАЙНИЙ – XVI аср биринчи ярмида яшаган истеъдодли хаттотлардан. Ленинград Давлат Халқ кутубхонаси Шарқ бўлимида ТНС 59 рақами билан сақланувчи терма девонни Машҳад шаҳрида кўчирган. Ҳажми 65 варақ. Қўлёзма охирида котиб «Имод ал-Ҳусайний» деб имзо қўйган. Китоб бадиий қўлёзма санъатининг нодир намунаси ҳисобланади.

СУЛТОН МУҲАММАД НУР (1470–1533) – Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаларидан бири, Алишер Навоийнинг шахсий котибларидан. Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида Султон Муҳаммад Нур ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Мавлоно Султон Муҳаммад Султон ҳазратлари яқин дўсти амир Алишернинг иноятн остида бўлган котиблар қатори ҳунари ривож топган ҳуснихатда етакчидир. Ул ҳазрат амир Алишернинг илҳом баён оғзидан кўп бор: «настаълиқ ёзишда ҳеч ким унга тенг келолмайди» деган сўзларни эшитганман», Султон Муҳаммад Нур Навоийнинг терма девонларидан бирини нафис настаълиқ хати билан кўчирган: Ленинград Давлат Халқ кутубхонаси Шарқ бўлими, Дорн 563. Ҳажми 90 варақ. Қўлёзманинг чармдан ишланган муқовасига олтин суви билан ўйма нақшлар туширилган. Султон Муҳаммад Нур Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Шарофиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий асарларини ҳам кўчирган.

СУЛТОН МУҲАММАД ХАНДОН (туғилган йили номаълум – вафоти 1551)–Ҳирот хаттотлик мактабининг намояндаларидан. Хондамир Навоий кутубхонасида ишлаган хаттотларни санаб ўтганда, Султон Муҳаммад Хандонни «настаълиқ билан хат ёзишда катта қобилиятга эга, найни ҳам яхши чалади» деб эслаб ўтади. Султон Муҳаммад

Хандоннинг Ҳиротда 935/1528–29 йилда кўчирган Навоий терма девони бизгача етиб келган: Ленинград Давлат Халқ кутубхонаси Шарқ бўлими, ТНС 57. Ҳажми 192 варақ. Котиб «Султон Муҳаммад Хандон» деб имзо қўйган. Қўлёзмага Ҳирот мусаввирларидан бири 7 та расм ишлаган: 1а, 11б, 12а, 53а, 90а, 123б, 146б. Султон Муҳаммад Хандон кўчирган бошқа бир неча қўлёзмалар ҳам сақланиб қолган.

АЛИ ҲИЖРОНИЙ – Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаларидан бири. XV аср охирлари ва XVI аср биринчи ярмида яшаган. Хондамир Али Ҳижронийни Навоий кутубхонасида ишлаган атоқли хаттотлар қаторида тилга олади ва унга «Мавлоно Ҳижроний машҳур настаълиқ ёзувчилар жумласидандир, баъзан шеър ёзиш ҳам хотирига келиб туради» деб баҳо беради. Али Ҳижроний кўчирган ва ҳозирча фанда маълум бўлган яккаю-ягона қўлёзма Навоий куллиётидир. Бу қўлёзма Париждаги Миллий кутубхонада Suppl. turc. 316–317 рақамлари остида сақланади. Али Ҳижроний куллиётни 933/1527 йилда Ҳиротда ёздириб тугаллайди. Қўлёзмадаги асарлар сўнгида котиб ўз исмини «Али Ҳижроний» шаклида тўлиқ қайд этади. Куллиёт қўлёзмаси Парижга бориб тушгач, ундан фойдаланиш қулай бўлсин учун икки жилдга ажратиб чарм муқова қилинган ва алоҳида-алоҳида инвентарь рақами қўйилган. Ҳар икки жилд 876 варақдан иборат. Ўлчови 27,2х38,6 см. Қўлёзма таркибига Навоийнинг 26 асари киритилган. «Хамса» достонларига ишланган 6 та расм бор. Куллиёт хати, жадваллари, бадиий безаклари жиҳатидан нафис китобат санъатининг нодир намунасидир. Бу куллиётнинг тўлиқ фотонусхаси 1968 йилда ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти фондига олинган.

ЧАЛАБИЙ – Табриз хаттотлик мактабининг намояндаси. Чалабий XVI асрнинг биринчи ярмида Табризда яшаган. У Навоий асарларидан китобат қилган бир қўлёзма тўплам Ленинград Давлат Халқ кутубхонасининг Шарқ бўлимида ТНС 56 рақами остида мавжуд. Қўлёзма таркибига «Арбаин», «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси, «Терма девон» ва «Вақфия» кирган. Ҳажми 225 варақ. Котиб «Чалабий» деб имзо чеккан ва 934/ 1527–28 йилда пойтахт Табриз шаҳрида кўчириб тугатганини қайд этган. «Терма девон» таркибида 6 та расм бор. Чалабий кўчирган бу қўлёзма Табриз китобат санъатининг энг юксак намуналаридан бири ҳисобланади.

ПИР МУҲАММАД ИБН ШАЙХ ТОҲИР ТАБРИЗИЙ – Табриз хаттотлик мактабининг намояндаларидан. XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Бу хаттот кўчирган Навоийнинг бир терма девони ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти хазинасида 98 рақами билан мавжуд. Ҳажми 167 варақ. Котиб ўз исми-шарифини «Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий» деб қайд этган ва қўлёзманинг китобат санасини 935 йил 15 шаъбон (милодий 1529 йил 24 апрель) деб кўрсатган.

ФАНОИЙ – «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр»ни 936/1529 йилда китобат қилган: Боку, Оз ФАҚИ, инв. № Б 5078. 146 варақ.

ҲОЖИ МУҲАММАД АТ-ТАБРИЗИЙ – «Лисон ут-тайр»ни Шерозда 937/1530–31 йилда кўчирган: Англия, Оксфорд университети Бодлеян кутубхонаси, инв. № Оч 195.

ПИР АҲМАД ИБН ИСКАНДАР – Ҳирот хаттотлик мактабининг давомчиларидан. 940/1533–34 йилда Навоийнинг терма девонини кўчирган: ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9672, 543 варақ. Нафис настаълиқ хат.

АБДУЛЛАТИФ ҲУСАЙН ОМИДИЙ – «Лисон ут-тайр». 944/1537. Боку, ОзФАҚИ, инв. № С 310, 93 варақ.

АБДУРАҲИМ КОТИБ – Ҳирот хаттотлик мактабининг давомчиларидан. 959/1551–52 йилда Навоийнинг терма девонини китобат қилган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 2790, 147 варақ. Қўлёзманинг хати майда нафис настаълиқ.

МУҲАММАД АЛИ АЛ-КОТИБ АС-СУЛТОНИЙ – Бухоро хаттотлик мактабининг намояндаларидан. 960/ 1538 йилда Бухорода «Хамса»нинг «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» достонларини кўчирган. Англия. Оксфорд университети Бодлеян кутубхонаси. Elliot 318, 340. Котиб ас-Султоний «Хамса»нинг ҳамма достонларини кўчирган бўлиши мумкин. Улардан фақат иккита достон қўлёзмаси Бодлеян кутубхонасига бориб тушган. Ҳар бир достон алоҳида муқовага олиниб алоҳида рақам остига олинган. Қўлёзмаларнинг хати бадиий настаълиқ.

МАҲМУД ИБН ДОВУД – XVI асрда Мисрда туркий тилдаги асарларни кўчирган хаттотлардан бири. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб», «Арбаин» ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин»дан иборат тўпламини 967/1559–60 йилда Мисрда китобат қилган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9762, 118 варақ. Қўлёзма аниқ ва равон бадиий настаълиқ хатида кўчирилган.

ИБН АБУЛМАКОРИМ АБДУЛВАҲҲОБ АЛ – ҲИЖОЗИЙ – XVI аср Бухоро хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Хамса» ва «Лисон ут-тайр»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2630, 309 варақ. Котиб 1-достон сўнгида «Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий», 2-достон сўнгида «Ибн Абулмакорим Абдулваҳҳоб», 3-достон сўнгида «Абдулваҳҳоб» деб имзо қўйган. Демак, булардан котибнинг тўла исми «Ибн Абдулмакорим Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий» эканлиги маълум бўлади. 5-достон сўнгида китобат санаси қилиб 988 йил 11 рабиъ ул-аввал (милодий 1580 йил 26 апрель) қайд этилган. Қўлёзма Навоий достонларининг нафис хаттотлик, китобат ва миниатюра санъати билан зийнатланган ноёб нусхаларидан биридир. «Хамса» достонларининг мазмунига 18 та миниатюра ишланган.

МАҲМУД ИБН ИСҲОҚ ШАҲОБИЙ – XVI аср Бухоро хаттотлик мактабининг намояндаларидан. Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий асли ҳиротлик бўлиб, буюк хаттот Мирали Ҳиравий (1544–45 йилда Бухорода вафот этган)нинг шогирдидир. Шайбонийлардан Убайдуллахон XVI асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротдан бир гуруҳ ҳунарманд ва олимларни Бухорога олиб келади. Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий ҳам шулар қаторида Бухорога келади. У хатни шу қадар нозик ва чиройли битганки, шунинг учун унга «Анбарин зарринқалам» унвони берилади. Бу хаттот Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини 996/1588 йилда Бухорода китобат қилган. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 429, 85 варақ. Котиб қўлёзма сўнгида «Маҳмуд анбарин зарринқалам» деб имзо қўйган.

НАЗАРАЛИ ФАЙЗИЙ – Алишер Навоий куллиётини кўчирган котиблардан бири. Бу куллиёт Ленинград Давлат Халқ кутубхонасининг Шарқ бўлимида Дорн 558 рақами остида сақланади. 722 варақдан иборат. Ўлчови 24х34 см. Куллиёт таркибига Навоийнинг 21 асари кирган. Котиб қўлёзмани Эрон Озарбайжонининг Қизилоғоч шаҳрида тўрт йил (1001–1004/1592–96) давомида кўчириб тугатган. Қўлёзма Фарҳодхоннинг сарой кутубхонаси учун тайёрланган. Котиб «Лисон ут-тайр» сўнгида (в. 325 б) «Назарали Файзий», «Маҳбуб ул-қулуб» сўнгида (в. 694 а) «Али Файзий» деб имзо қўйган. Аниқ ва равон нафис настаълиқ хат. Куллиёт бир муқовага олинган. Чармдан ишланган олий навли муқованинг устига олтин суви билан ўйма расмлар туширилган. Расмларда ов манзараси акс этган. Муқовага олтин суви билан расм тушириш Шарқ китобат санъатида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

МИР ҲАСАН КОТИБ – «Хамса». XVI аср. Душанба, Тож ФАШИ, инв. № 147, 292 варақ.

ЮСУФ ИБН МУЛЛО МУҲАММАД – «Наводир ун-ниҳоя» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан). 1042/ 1632–33. Боку, ОзФАҚИ, инв. № М 301, 172 варақ.

ДАВЛАТШОҲ ИБН ҲУСАЙН КАЛТА САРАХСИЙ – «Хазойин ул-маоний» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан). «Вақфия». Марв. 1052/1642. Боку, ОзФАҚИ, инв. № Д 344.

РИЗОҚУЛИ ИБН МУСТАФОҚУЛИ – Бухоро хаттотларидан. «Хазойин ул-маоний»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9766, 547 варақ. Бухорода 1070/1659–60 йилда китобат қилинган.

ИБОДУЛЛА АЙЮБ ИБН ФАЗЛУЛЛОҲ ШЕРОЗИЙ – «Садди Искандарий»ни Табриз шаҳрида 1076 йилнинг сафар (1665 йилнинг август) ойида кўчириб тугатган: СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, инв. № С 832 , 255 варақ.

ЯҲЁ ИБН ФАЗЛИЙ АЛИ ШАЙХ ТАБАҚИЙ КИРМАРВДИЙ, ДЎСТ МУҲАММАД ВАЛАД ЭШМУҲАММАД – «Хамса». «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини 1094/1683 йилда Яҳё ибн Фазлий Али Шайх Табақий Кирмарвдий; «Ҳайрат ул-аброр»нинг бош қисмини, «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» достонларини 1229/1814 йилда Дўст Муҳаммад валад Эшмуҳаммад кўчириб қўшган. Қўлёзманинг ҳар икки қисми Хоразмда китобат қилинган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2777, 334 варақ.

МУҲАММАД АЗИЗУЛЛОБЕК – «Терма девон». «Вақфия». «Аҳмаднигар». 1096/1684–85. Тошкент. ЎзФАШИ, инв. № 11138, 155 варақ.

МУЛЛО МИР СИДДИҚ ИБН МУЛЛО СОҲИБНАЗАР – «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни биргаликда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3523, 405 варақ. 1142/1729 йилда Шарқий Туркистоннинг Ёрканд шаҳрида кўчирилган.

МУҲАММАД СОДИҚ – «Мажолис ун-нафоис». 1151/1735–36. Тошкент, ЎзФАШИ, инв. №9394, 135 варақ.

АЗИЗ ҚУЧЕК ИБН МУҲАММАД АДИЛ – Кошғар хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Хамса»нинг тўрт достондан иборат («Фарҳод ва Ширин» тушиб қолган) нусхасини Шарқий Туркистоннинг Кумул шаҳрида 1160 йилнинг барот (1747 йилнинг август) ойида кўчириб тугатган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 4307, 262 варақ. Майдароқ чиройли настаълиқ хат. Китобат санъати учун алоҳида аҳамиятли нусхалардан.

МУЛЛО АШУР ИБН МИР ТЕМУРИЙ МОЧИНИЙ – «Хамса» («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»). Шарқий Туркистон. 1185/1771–72. Ленинград, СССР ФА ШИ, инв. № С 135, 196 варақ.

МУЛЛО ПАҲЛАВОНҚУЛИ ИБН МУЛЛО РАҲМОНБЕРДИ – Хоразм хаттотлик мактабининг намояндаларидан. Навоий асарларидан кўчирган иккита қўлёзмаси етиб келган. 1. «Хамса». Бу қўлёзма таркибидаги «Ҳайрат ул-аброр» ва «Лайли ва Мажнун» достонларини шу котиб кўчирган (қолган уч достонни бошқа котиб кўчирган). Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3018, 97 варақ. Хоразмда 1198/1784 йилда китобат бўлган. 2. «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» (фақат «Шайх Санъон» қиссаси). Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1209– П – Ш. 45 варақ. Хоразмда 1194/1780 йилда китобат бўлган.

МУЛЛО АБДУНАБИХОН ҚОЗИ – «Терма девон». Хўқанд. 1197/1783. Тошкент, ЎЗССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1048, 131 варақ.

ТОҲИРХОЖА ИБН АБДУЛАЗИЗХОЖА ХОРАЗМИЙ– «Маҳбуб ул-қулуб»ни Хоразмда 1207/1792–93 йилда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. №6945-1, 115 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

ШЕРМУҲАММАД МУНИС – хоразмлик истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва тарихнавис, етук хаттот. Шермуҳаммад Мунис ҳам Навоий асарларини кўчирган. Унинг қалами билан кўчирилган учта қўлёзма маълум. 1. «Мезон ул-авзон». Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 250, 40 варақ. 1209/1794 йилда Хивада кўчирилган. 2. «Сабъаи сайёр». «Ҳолоти Саййид Хасан Ардашер». Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2, 150 варақ. 1213/1798–99 йилларда Хивада кўчирилган. 3. «Хамса». Душанба, Тожикистон ССР

ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1444, 402 варақ. 1251–54/1835–38 йилларда Хивада кўчирилган. Қўлёзмаларда котиб «Шермуҳаммадбек ибн Аваз Мироб» ёки «Шермуҳаммад ал-мулаққаб бил Мунис ал-Хивақий» тарзида имзо чеккан. Шермуҳаммад Мунис Навоий асарларини китобат қилиш билан бирга хат таълими ва хаттотлик санъати ҳақида «Саводи таълим» номли шеърий рисола (1804 йил) ҳам ёзган. Рисоланинг асосий мақсади ўқувчиларни ёзувга ва аста-секин ҳуснихатга ўргатишдан иборатдир. Шермуҳаммад Мунисниng бу рисоласи 1906 йилда Тошкентда Порцев матбаасида тошбосма усулида Абдуманнон Қори хати билан «Саводи таълим ва гулдастаи раёҳий» номида босилиб чиққан.

МУҲАММАД МИРХОДИ ИБН МУҲАММАД НИЗОМИДДИН – 1215/1800 йилда «Хамса»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 404, 269 варақ.

САЙЙИД МАҲМУД ИБН ТУРДИ САЙЙИД ХОРАЗМИЙ – «Хамса»ни 1215/1800–01 йилда Хоразмда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3459, 433 варақ. Оддий настаълиқ хат.

МУЛЛО АЗИЗ ИБН МУЛЛО ЖОРУБ – «Хамса»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 406, 292 варақ. Қўлёзманинг охири («Садди Искандарий» достони) дан икки-уч варақ тушганлиги сабабли китобат санаси ва жойи номаълум. Китобнинг қоғози, муқоваси ва бошқа белгиларига қараб котиб XVIII асрда Фарғона водийсида яшаган деб тахмин қилиш мумкин.

МУЛЛО АБДУРРАСУЛ – «Хамса» ва «Лисон ут-тайр»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4358, 362 варақ. Бухорода 1216/1801–02 йилда китобат қилинган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

ОЛЛОҲҚУЛИ ИБН МУЛЛО ДАРГОҲҚУЛИ – «Арбаин», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» ва «Мезон ул-авзон»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3902–V, VI, VII, 99 варақ. Бухорода 1216 (1801–02) йилда китобат қилинган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУҲАММАД МАДАД ИБН ЯКРАНГСЎФИ ЭРСОРИ – «Терма девон», «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Хамса»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв, № 11391, 589 варақ. Чоржўй шаҳрида 1218 (1803–04) йилда китобат қилиниб тугалланган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

АВАЗБЕРДИ ИБН ТИЛОВ МУҲАММАД БЕШАРИҚИЙ – Навоийнинг 11 та асари («Хамса», «Лисон ут-тайр», «Наводир уш-шабоб», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад») кирган қўлёзма тўпламини кўчирган: Ленинград, СССР ФА Шарқшунослик институти, инв. Е 1, 323 варақ. Қўлёзма ўлчови 30х47,5 см. Хўқанд шаҳрида 1240 (1824–25) йилда китобат қилиниб тугалланган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУҲАММАД МУСОХОЖА ИБН САЙЙИД АМИНХОЖА ҲУСАЙНИЙ – Навоий асарларидан иккита қўлёзма китобат қилган: 1. «Рисолаи муфрадот». 1221 (1806–07) йилда кўчирилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4565–V, 8 варақ; 2. «Маҳбуб ул-қулуб», «Хазойин ул-маоний», «Лисон ут-тайр», 1228 (1813) йилда Бухорода кўчирилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв № 149, 557 варақ. Чиройли настаълиқ хат.

МУЛЛО ТЎХТА КУМОИЙ – Кошғар хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Мажолис ун-нафоис»ни 1224 (1809–10) йилда Ёрканд шаҳри яқинида кўчирган: Ленинград, СССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № А 451-1, 112 варақ.

МУҲАММАД ОЛИМ ИБН ОХУНД ДОМУЛЛА МУҲАММАД ШАРИФ НАМАНГОНИЙ – «Хазойин ул-маоний»ни 1225 (1811) йилда Наманганда кўчирган: Душанба, Тож ФАШИ, инв. № 796-1, 464 варақ.

ЁРМУҲАММАД САВОД – Кошғар хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни бнргаликда Ёрканд шаҳрида 1227/1812 йилда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 8817, 325 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУЛЛО ЎРОЗ МУҲАММАД ИБН РЎЗИ МУҲАММАД ЭЛБЕГИ ЧАҲОРЖЎИЙ – «Хамса»ни Чоржўй шаҳрида 1227/1812 йилда кўчирган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 8831, 270 варақ. Чиройли настаълиқ хат.

МУҲАММАД ЛАТИФ ИБН МУҲАММАД ШАРИФ КЕШИЙ – «Хазойин ул-маоний»нинг учта нусхасини китобат қилган: 1. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9746, 500 варақ, 1229/1813–14 йил;

2. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв.185-V, 176 варақ, 1238/1822–23 йил; 3. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1775, 501 варақ, 1239/1823–24 йил. Ҳар учала қўлёзма чиройли настаълиқ хат.

ЁРМУҲАММАД ҚАРО ШАҲРИСАБЗИЙ – Шаҳрисабз хаттотлик мактабининг энг йирик намояндаларидан. XIX асрнинг биринчи ярмида хаттотлик фаолиятининг асосий қисмини Навоий асарларини китобат қилиш билан ўтказган. Унинг кўчирган қўлёзмаларидан бир нечаси етиб келган: «Хамса» СамДУ Асосий кутубхонаси, инв. № 1008817, 1229/1814 йил; «Маҳбуб ул-қулуб». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3592, 354 варақ, 1237/1822 йил; «Хамса». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 8261, 304 варақ. 1244–46/1828–31 йиллар; «Хамса» Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. М 13242, 289 варақ, 1248–49/1833–34 йиллар. Ҳамма қўлёзмалар Шаҳрисабзда китобат қилинган. Чиройли настаълиқ хат.

МУҲАММАД АЛ-МУСАВИЙ – ЭРОН Озарбайжонидаги котиблардан. «Вақфия», «Арбаин» ва «Хазойин ул-маоний»ни биргаликда кўчирган. Ленинград Давлат Халқ кутубхонаси Шарқ бўлими, Хаников 56, 379 варақ, 1230 (1815) йилда китобат бўлган.

МУЛЛО НУРМУҲАММАД ИБН МУСТАФОҚУЛИ ХАЛИФА – «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб»ни Самарқандда 1234/1818-19 йилларда китобат қилган, Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1071, 111 варақ. Йирик настаълиқ хат.

ФАХРИДДИНХОЖА ИБН ИБРОҲИМХОЖА – «Терма девон»ни 1234/1818––19 йилларда кўчирган. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1498–1, 251 варақ.

МУЛЛО МУСО ИБН УСТО АВАЗНИЁЗ РАНГРЕЗ – «Терма девон»ни 1234/1818–19 йилларда кўчирган. Ленинград, ЛДУ АК, инв. № 924, 161 варақ.

ШОҲ КЎЧАҚ ИБН МУЛЛО ШОҲ ОСАФ ТОШКАНДИЙ– 1235/1819–20 йилларда «Хамса»ни кўчирган: Самарқанд, СамДУ АК, инв. № 823626, 315 варақ.

САЙЙИДҚУЛИ ИБН РИЗОҚУЛИ – «Ҳайрат ул-аброр»ни 1237/1821 йилда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 2354-1, 163 варақ.

МУЛЛО ТУРСУН – «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни биргаликда Шарқий Туркистоннинг Қарғалик деган жойида 1238/1822–23 йилларда кўчирган: Қўқон Адабиёт музейи, инв. № 191, 518 варақ. Йирик чиройли настаълиқ хат.

МУҲАММАДНИЁЗ ИБН СУБХОНҚУЛИ – Хоразм хаттотлик мактабининг вакилларидан. «Хамса»ни Хива шаҳрида 1238/1822–23 йилларда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 6793, 392 варақ.

МУҲАММАД РАҲИМХОЖА – 1238/1822–23 йилларда «Терма девон»ни кўчирган: Бухоро шаҳар ўлкашунослик музейи, инв. № 1076, 267 варақ.

РАҲИМҚУЛ ИБН ҚОДИРҚУЛ ҲИСОРИЙ – «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни яхлит қўлёзма тўплам ҳолида китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7412-1, II, III, VI, VII, 348 варақ. 1238/1822–23 йилларда Бухорода кўчирилиб тугалланган. XIX аср Бухоро бадиий қўлёзма санъатининг намуналаридан бири. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МИР АБДУЛҲАЙ САМАРҚАНДИЙ – Навоийнинг «Терма девон»ларидан бирини 1240/1824–25 йилларда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 2999, 396 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат. Бадиий қўлёзма санъатининг намунаси.

МУҲАММАД РАҲИМХОЖА ИБН ПОДШОҲХОЖА НАСАФИЙ – «Хамса»ни Қарши шаҳрида 1240/1824– 25 йилларда кўчирган: СамДУ АК, инв. № 1007734, 271 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУЛЛО РЎЗИ КОТИБ – XIX аср Қўқон хаттотлик мактабининг энг йирик намояндаларидаи бири. «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни биргаликда кўчирган (Бу нусхада «Хамса»дан «Ҳайрат ул-аброр» тушириб қолдирилиб, унинг ўрнига «Лисон ут-тайр» қўйилган): Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 23, 428 варақ. 1240/1824 йилда Қўқон шаҳрида китобат қилиб тугатилган. Қўлёзма матн аввал асосий қисмга (икки устунда), сўнгра унинг давоми ҳошияда юқоридан пастга қараб қиялатиб ёзилган. Матн асосий текстда йирик, ҳошияда эса майда настаълиқдан иборат. Қўлёзма XIX аср Қўқон хаттотлик мактабида китобат бўлган энг мўътабар нусхалардан ҳисобланади. У нафис бадиий безакларга эга. Достонларнинг мазмунига мос ҳолда 47 та («Лисон ут-тайр»га 8 та, «Фарҳод ва Ширин»га 9 та, «Лайли ва Мажнун»га 7 та, «Сабъаи сайёр»га 10 та, «Садди Искандарий»га 13 та) миниатюра ишланган. Бу миниатюраларни XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда яшаган наққош ва мусаввир Муҳаммад Амин Косоний (Мунший) чизган.

АБДУРРАҲИМ ИБН МУҲАММАД ФОЗИЛ КОШҒАРИЙ – XIX аср Кошғар хаттотлик мактабининг энг йирик намояндаларидан бири. Навоийнинг куллиётини китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 316, 692 варақ. Қўлёзма ўлчови 30х44 см. Бу улкан куллиёт таркибига Навоийнинг 18 та асари (2 дебоча, «Хазойин ул-маоний»нинг тўрт девони, «Мажолис ун-нафоис», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса»нинг беш достони, «Муншаот», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Арбаин», «Вақфия») кирган. Ушбу қўлёзма Алишер Навоий куллиётларининг XIX асрга мансуб ягона мўътабар нусхасидир. (Навоий куллиётининг бундан бошқа XVIII–XIX асрларда тузилган нусхаси совет ва хорижий фондларда ҳозирча маълум эмас). Котиб қўлёзмани беш йил (1240–45/1824–30 йиллар) давомида Кошғар шаҳрида кўчирган. Бир неча асар сўнгида қўйилган таърихлар буни исботлайди. Энг сўнгги саҳифада (в. 692В) котиб «Абдурраҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий» деб имзо қўйган. Қўлёзма матни XIX аср Кошғар услубига хос йирик, чиройли, настаълиқ хатида битилган. Қўлёзмадаги ҳар бир асарнинг бошланишида зарҳал лавҳа мавжуд. Қўлёзма ўйма тамға ва тамғасимон нақшлар туширилган дастлабки муқовада етиб келган.

МИРЗО МУҲАММАД НАЗАР – Қўқон хаттотлик мактабининг намояндаларидан. Навоий асарларидан иккита қўлёзма тўплам кўчирган. 1. «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб». Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 526-II, III, IV, 712 варақ, 1241/1825–26 йиллар; 2. «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9744, 280 варақ, 1242/1826–27 йилларда кўчирилган. Ҳар иккала қўлёзма тўплам Муҳаммад Раҳим Девонбегининг фармойиши билан Қўқон шаҳрида китобат қилинган.

АБДУЛҒАФФОР ХЎҚАНДИЙ – 1242/1827 йилда Ҳўқандда «Терма девон»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 253, 276 варақ.

МИРЗО АЛИ ХЎҚАНДИЙ – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган Қўқон хаттотлик мактабининг намояндаларидан. Навоийнинг «Терма девон»ини кўчирган: Қўқон адабиёт музейи, инв. № 2, 148 варақ. 1242/1926– 27 йилларда Қўқон шаҳрида китобат килинган.

МУЛЛО МУҲАММАД ЮСУФ ШАҲРИСАБЗИЙ ВАЛАДИ МУЛЛО МУҲАММАД РАҲИМ – Навоийнинг «Терма девон»ларидан бирини кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4487, 403 варақ. 1243/1827 йилда Бухорода китобат бўлган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУЛЛО МУҲАММАД ЗИЙРАК – Хоразм хаттотларидан. 1244/1828–29 йилларда Хоразмда «Терма девон»лардан бирини кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 6792, 322 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУЛЛО ИЛМУДДИН ИБН МУЛЛО МУҲАММАД АЛ-КОШҒАРИЙ – Кошғар хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Хамса»ни 1245–46/1830–31 йилларда Кошғарда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1934, 395 варақ.

МУҲАММАД ТОҲИРХОЖА ШАҲРИСАБЗИЙ – «Хамса» ва «Маҳбуб ул-қулуб»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2913, 338 варақ. 1245/1829–30 йилларда Шаҳрисабзда китобат бўлган.

ХОЖАНИЁЗ ИБН МУЛЛО МУҲАММАД МЎЪМИН ҚУЛИХОЖА – Навоийнинг 11 та асари («Вақфия», «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси, «Хазойинул-маоний» девонлари, «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи мулуки Ажам», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мезон ул-авзон», «Муншаот») ни бир бутун қўлёзма тўплам ҳолида китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2589, 496 варақ. 1246–47/1830–32 йилларда кўчирилган.

САЙЙИД МАҲМУД ВАЛАДИ МУҲАММАД ТУРДИ САЙЙИД– «Хамса»ни 1247–52/1832–37 йиллар давомида Хивада китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 17, 356 варақ. Аниқ ва равон, чиройли Хоразм настаълиқ хати.

МУҲАММАД РАҲИМ ИБН НЕЪМАТЖОН ТОШКАНДИЙ – Навоийнинг «Терма девон»ларидан бирини Тошкентда 1248/1832–33 йилларда китобат қилган: ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 430, 222 варақ.

МУҲАММАД ШАРИФ ДАБИР –XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда яшаган машҳур санъаткор хаттотлардан бири. Навоий асарларидан бир неча нусхалар кўчирган: 1. «Лайли ва Мажнун». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 726, 144 варақ, 1248/1832–33 йил; 2. «Терма девон», «Сабъаи сайёр». Ўша фонд, инв. № 2223, 96 варақ, 1253/1837–38 йиллар. Котиб қўлёзмаларга «Муҳаммад Шариф ал-мутахаллус ба-Дабир» деб имзо қўйган. Қўлёзмалар нафис настаълиқ хатида битилган ва турли бадиий безаклар билан зийнатланган.

МУЛЛОҚУЛ ИБН СУЛТОНБЕК – Навоийнинг «Терма девон»ларидан иккита нусха кўчирган: 1. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7993, 345 варақ, 1247/1832–33 йил; 2. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 4147, 131 варақ, 1253/ 1837–38 йил. Ҳар иккала қўлёзма Бухорода тайёрланган.

АБДУЛҚОДИР ИБН МУЛЛО БАҲОДИР КОШҒАРИЙ – «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни 1249/1933–34 йилларда Кошғарда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 229, 425 варақ. Аниқ ва равон, йирик чиройли настаълиқ хат.

МУЛЛО САРИМСОҚ ХЎҚАНДИЙ – «Ҳайрат ул-аброр», «Терма девон» ва «Тарихи мулуки Ажам» (парча) ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1711–II, III, IV, 189 варақ. 1249/1833–34 йилларда Қўқон шаҳрида китобат бўлган. Йирик чиройли настаълиқ хат.

МУЛЛО МУҲАММАД ИБН МУЛЛО АШУР МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ – Навоий асарларидан бир неча нусхалар кўчирган. 1. «Арбаин». «Терма девон». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик

институти, инв. № 3622-II, III, 437 варақ, 1250/1834–35 йил; 2. «Терма девон». ЎзССР ФА шарқшунослик институти, инв, № 8241, 506 варақ, 1252/1836–37 йил. Ҳар иккала қўлёзма Қўқонда тайёрланган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУҲАММАД ҒОЗИХОН ИБН ҲОКИМ МУҲАММАДХОН ТОШКАНДИЙ – 1250/1834–35 йилларда «Хамса» («Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр»)ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1177, 492 варақ.

МУҲАММАД САЙЙИДХОЖА ВАЛАДИ ШОҲ САЙЙИДХОЖА – «Хамса»ни Қарши шаҳрида 1250/1834–35 йилларда китобат қилган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 11301, 328 варақ. Аниқ ва равон, чиройли настаълиқ хат. Қўлёзма бадиий лавҳаларга эга.

АБДУРРАСУЛ ИБН ҚУТЛУҚБОЙ СЎФИ ВОФКАНДИЙ – «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб»ни Бухоро шаҳрида 1251/1835–36 йилларда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3020, 193 варақ.

ТОҲИР ИБН МАЪСУМ – «Арбаин», «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси ва «Маҳбуб ул-қулуб»ни биргаликда Тошкент шаҳрида 1252/1836–37 йилларда китобат қилган: Қўқон Адабиёт музейи, инв. № 1132, 103 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

ХУДОЁР – «Мезон ул-авзон»ни 1253/1837–38 йилларда Тошкентда кўчирган: ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 302, 24 варақ.

МУЛЛО ҒАЙБУЛЛОҲ – «Мажолис ун-нафоис»ни 1253/1837–38 йилларда Бухорода китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 5289, 142 варақ.

МУЛЛО МУҲАММАД ЮСУФ ИБН УСТА SАЛАНДАР МАРҒИНОНИЙ – «Терма девон»ни 1253/1837– 38 йилларда Ҳўқандда кўчирган: Тошкент, ЎзССР, ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9397, 386 варақ.

МИРЗО АБДУЛАЗИЗ БУХОРИЙ – «Тарихи мулуки Ажам». Бухоро. 1253/1837–38. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1859–1, 42 варақ.

САЙЙИД НАФАС – «Ҳайрат ул-аброр», «Лисон ут-тайр»ни кўчирган. Бухоро. 1254/1838–39. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4276, 141 варақ.

НАҚИБХОЖА ИБН МЎЪМИНХОЖА ШОШИЙ – «Маҳбуб ул-қулуб»ни Тошканд шаҳрида 1255/1839–40 йилларда кўчирган. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1550, 119 варақ.

АБДУЛМЎЪМИН ИБН МУҲАММАД ШАРИФ САМАРҚАНДИЙ – Самарқанд хаттотлик мактабининг намояндаларидан. «Хазойин ул-маоний»ни Самарқанд шаҳрида 1256/1840–41 йилларда бадиий настаълиқ хати билан кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 11444, 664 варақ.

ФОЗИЛХОНХОЖА ОДИЛХОНХОЖА ЎҒЛИ – «Терма девон»и 1256/1840–41 йилларда кўчирган, Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 11472, 209 варақ.

МУЛЛО МУҲАММАД САИД ТОШКАНДИЙ – «Хамса»ни 1256/1840–41 йилларда кўчирган: ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1036, 296 варақ.

ИБОДУЛЛАХОЖА ИБН ОДИЛХОЖА ШОШИЙ– Навоийнинг «Терма девон»ларидан икки нусха кўчиргани маълум. ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 193, 250 варақ. 1257/1841–42 йил; Ўша фонд, инв. № 900, 321 варақ, 1264/1848 йил. Ҳар иккала қўлёзма Тошкентда китобат қилинган. Аниқ ва равон, чиройли настаълиқ хат.

ҚАРОЧАГИЙ– 1257/1841–42 йилларда Бухорода «Хамса»ни кўчирган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4438, 301 варақ.

МУҲАММАД ТОҲИР ИБН МУЛЛО ТАНГРИБЕРДИ – «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ни 1258/1842–43 йилларда Хўқандда кўчирган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1852-V, 57 варақ.

НИЁЗ МУҲАММАД – «Хамса»ни китобат қилган. Хўқанд. 1259/1843. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9923, 349 варақ.

ОХУНД ИБН МИРҲАСАН ЧАҲОРГЎЙИ – Хоразм хаттотлик мактабининг вакилларидан. «Хазойин ул-маоний»дан икки нусха кўчирган: 1. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9239, 388 варақ, 1259/1843 йил. 2. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 154, 401 варақ, 1260/1844 йил. Аниқ ва равон, йирик, чиройли настаълиқ хат.

НЕЪМАТУЛЛО ИБН МУҲАММАД ЯЪҚУБ – 1260/1844 йилда Хоразмда «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3324–II, IV, 123 варақ.

МУҲАММАД АЛИХОЖА ИБН НАСРИДДИНХОЖА– Самарқандда 1262/1846 йилда «Терма девон», «Вақфия» ва «Маҳбуб ул-қулуб»ни бир бутун қўлёзма ҳолида кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 919, 365 варақ.

МУҲАММАД ЯЪҚУББЕК ИБН МУҲАММАД НИЁЗБЕК ХОРАЗМИЙ–1264/1848 йилда Хивада «Хамса»ни кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3080, 301 варақ.

АБУЛҒОЗИХЎЖА ИБН ТЎРАХОЖА ҲУСАЙНИЙ ХЎҚАНДИЙ– «Хамса»ни Қўқон шаҳрида 1264/1847– 48 йилда аниқ ва равон настаълиқ хати билан китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти инв, № 10034, 277 варақ.

ИБОД МУҲАММАД ШАЙХ ТОШКАНДИЙ – «Терма девон»лардан бир нусхани Тошкент шаҳрида 1264–65/1847–48 йилларда кўчирган: Ленинград, СССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № С 2431, 416 варақ.

МУҲАММАД ЮСУФ ИБН ХОЖАМБЕРДИ РОЖИЙ – хоразмлик истеъдодли шоир ва таржимон, моҳир хаттот. XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган. Рожийнинг Навоий асарларидан кўчирган иккита қўлёзмаси маълум. 1. «Хамса». Ленинград Давлат Халқ кутубхонаси Шарқ бўлимида ТНС 213 рақами билан сақланади, 298 варақ, 1264–65/1847–49 йиллар. 2. «Лисон ут-тайр», Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7346–1, 128 варақ, 1265/1848–49 йил. Чиройли настаълиқ хат.

МУЛЛО ИСМОИЛХОЖА ИБН МУҲАММАД ШАРИФХОЖА УРГАНЖИЙ– 1264–66/1848–50 йилларда «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси, «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб»ни Хўқандда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 163, 399 варақ.

ТЎРАХОЖА ИБН СОБИРХОЖА КЕШИЙ – «Хамса»ни Шаҳрисабзда 1265/1848–49 йилларда кўчириб тугатган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 6128, 280 варақ. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

АБДУРРАСУЛ МУҲАММАД СОЛИҲ ЁРҚАНДИЙ – «Лисон ут-тайр», «Хамса»ни 1265/1848–49 йилларда Ёркандда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 11613, 460 варақ.

МИРЗО АБДУЛҚОДИР НАСАФИЙ – «Хамса», «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб»ни бир қўлёзма ҳолида Бухоро шаҳрида 1266–67/1849–51 йилларда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9287, 344 варақ. Қўлёзма бадиий лавҳа билан безатилган.

МУЛЛО МУҚИМЖОН ВАЛАД УСТО БОБОЖОН САМАРҚАНДИЙ– «Хамса»ни кўчирган. 1266/1849–50 йилларда Самарқандда китобат қилинган. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1708, 302 варақ.

МУҲАММАД ЮСУФ ИБН БЕРДИМУРОД – «Ҳайрат ул-аброр». Хива, 1267/1850–51. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1063, 57 варақ.

НИЕЗ БОҚИЙ ВАЛАДИ МУЛЛО НАВРЎЗ БУХОРИЙ – «Хамса», «Тарихи мулуки Ажам» ва «Лисон ут-тайр»ни яхлит бир қўлёзма ҳолида кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 4440, 336 варақ. Бухорода 1267/1850–51 йилларда китобат қилиб тугатилган.

АЛИХОЖА ИБН САЙЙИД АҲМАДХОЖА ТУРКИСТОНИЙ – «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Хамса»ни Марғилон шаҳрида 1268/1851–52 йилда кўчириб тугаллайди: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9496, 360 варақ.

МУҲАММАД РАФИЪ ИБН ШАЙХ МУҲАММАД СОЛИҲ САМАРҚАНДИЙ – «Хамса»ни китобат қилган. Самарқанд, 1268/1851–52. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти. № 162, 273 варақ.

РАҲМОНҚУЛБЕК МИРОХУР – «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб»ни Бухорода 1269–70/1852–54 йилларда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 186, 269 варақ.

МУЛЛО МУҲАММАД ВАЛАД МИРЗО ДАҲБЕДИЙ – «Терма девон»ни кўчирган. Самарқанд, 1270/1853–54. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7499, 205 варақ.

МУЛЛО ҲУСАЙН (ФАЙЗХОНОВ) – «Терма девон» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан)ни 1853 йилда Петербургда китобат қилган. Ленинград, СССР ФАШИ, инв. № С 788, 213 варақ.

МУЛЛО АБДУШШАҲИДБЕК ИБН МУЛЛО МАҲМУДБЕК – «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб»ни 1272-73/1855-57 йилларда Бухорода кўчирган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7560, 240 варақ.

МУҲАММАД МУРОД ИБН МУҲАММАД КАРИМ ХОРАЗМИЙ – «Хамса»ни кўчирган. Хоразм. 1272/1855–56. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 4614, 386 варақ.

МУЛЛО МУҲАММАД ТОҲИР ИБН УСТА БАРОТ НАМАНГОНИЙ – «Терма девон». 1272/1855–56. Бухоро шаҳар ўлкашунослик музейи, инв. № 10668, 453 варақ.

МУҲАММАД ҚОБИЛ ИБН МУЛЛО АВАЗБАДАЛ АРАБХОНАГИЙ – «Хамса». Бухоро. 1272–73/1855–57. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 142, 323 варақ.

МУЛЛО АБДУССАМАД АЛ-КОШҒАРИЙ – «Маҳбуб ул-қулуб». Ғазалиёт. 1273/1856–57. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 225, 137 варақ.

КАРИМЖОН ИБН РАҲИМЖОН – бутун фаолиятини Навоий асарларини кўчиришга бағишлаган қўқонлик хаттотлардан. XIX аср ўрталарида яшаган. У кўчирган қўлёзмалардан «Хамса»нинг уч нусхаси етиб келган: 1. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1997, 276 варақ, 1273/1856–57 йил. 2. Қўқон, Адабиёт музейи, инв. № 6664, 275 варақ, 1273/1856–57 йил. 3. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 13126, 273 варақ, 1297/1878–80 йил. «Хамса»нинг Қўқон Адабиёт музейидаги нусхаси охирида – варақ 275 а да котиб ўзи ҳақидаги маълумотни ва китобат таърихини келтиради. Бу ерда «Еттинчи «Хамса» анжом» ибораси таърих моддаси бўлиб, ҳарфларнинг сон қиймати ҳижрий 1273 (милодий 1857) йилига тўғри келади. Котиб таърих моддасида яна бир маънога – мазкур қўлёзма «Хамса»нинг ўзи кўчирган еттинчи нусхаси эканлигига ишора қилади.

МУЛЛО УММАТАЛИ – «Терма девон» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан)ни кўчирган. Озарбайжон Шеки вилояти, 1273/1856–57. Боку, ОзФАҚИ, инв. № Б 308, 271 варақ.

МУЛЛО МУҚИМ САМАРҚАНДИЙ ИБН УСТО БОБОЖОН – «Хазойин ул-маоний», Тошканд, 1274/1857–58. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти инв. № 164, 412 варақ.

МУҲАММАДШОҲ ЮНУСХОН ИБН ЭШОНХОЖА –«Лисон ут-тайр», «Хамса», 1274/1857–58. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти. инв. № 447, 448 варақ.

МУҲАММАД ОБИДЖОН ВАЛАД НОСИРЖОН ШАҲРИСАБЗИЙ – «Хамса»ни Шаҳрисабзда 1274/ 1857–58 йилларда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР Шарқшунослик институти, инв. № 3464, 271 варақ.

МУҲАММАД ЮСУФ – «Хазойин ул-маоний» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан). Ўрта Осиё. 1276/1859–60. Ленинград, СССР ФАШИ, инв. № С 140, 429 варақ.

МУСТАФОҚУЛБЕҚ ВАЛАД АБДУЛВАҲҲОББЕК ТЎҚСОБАИ МИНГ – «Хамса» («Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий»). 1277/1860–61. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1810, 391 варақ.

АБДУЛВОҲИД ФОНИЙ – «Терма девон». Ўрта Осиё. 1279/1862–63. Боку, ОзФАҚИ, инв. № С 619, 264 варақ.

МУЛЛО САФАР ИБН АБДУШШАФИЪ – «Хамса»ни 1282/1865–66 йилларда кўчирган. Бухорода китобат қилинган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9495, 235 варақ.

МУЛЛО АБДУЛВАҲҲОБ МАХДУМ БУХОРИЙ ИБН ДОМЛА ЭРНАЗАР – «Хамса». Бухоро, 1282/ 1865–66. Тошкент. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9743, 302 варақ.

МУҲАММАД ШАРИФ ИБН МУҲАММАД РАҲИМБОЙ – «Лисон ут-тайр» ва «Хамса»ни биргаликда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 5984, 368 варақ. Бухорода 1282/1865–66 йилда китобат қилинган. Аниқ ва равон настаълиқ хат.

МУЛЛО ТЎХТА ИБН МУЛЛО НУРМУҲАММАД КОШҒАРИЙ – «Ҳайрат ул-аброр». 1284/1867–68 йилларда Кошғарда китобат қилинган. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2331, 141 варақ.

МУЛЛО САФАРХОН ИБН ҲАЙИТХОН –«Терма девон». Бухоро. 1284/1867–68. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1015, 142 варақ.

ХУДОЙНАЗАР ИБН АМИРНАЗАР – «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса». 1284/1867–68. Душанба, ТожФАШИ, инв. № 1097-I, III, 256 варақ.

МУҲАММАД ЯЪҚУБХОЖА ХОЛИС – хоразмлик шоир, таржимон ва хаттот. XIX аср иккинчи ярмида яшаган. Хива шаҳрида 1286/1869 йилда «Хамса»ни кўчириб тугатган: Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 790, 333 варақ. Аниқ ва равон, нафис настаълиқ хат. Қўлёзма бадиий безаклари жиҳатидан XIX аср Хоразм китобат санъатининг ноёб намунасидир.

МУЛЛО ОТАНИЁЗ ИБН ХОЖА МУҲАММАД – «Терма девон». Хоразм. 1286/1869–70. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7224, 159 варақ.

МУҲАММАД ЮНУС ИБН МУЛЛО БОБОЖОН ШАҲРИСАБЗИЙ – XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган атоқли хаттотлардан. Навоий асарларидан кўчирган иккита қўлёзмаси етиб келган. 1. «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9350, 333 варақ, 1289/1872–73 йил. 2. «Терма девон». Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 1238, 249 варақ, 1296/1879 йил. Ҳар иккала қўлёзма Тошкент шаҳрида китобат қилинган. Аниқ ва равон, чиройли настаълиқ хат.

МУЛЛО МУҲАММАД ШЕРАЛИБЕК ШАҲРИСАБЗИЙ – «Арбаин», «Терма девон»ни 1291/1874–75 йилларда Шаҳрисабзда китобат қилган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 5726, 317 варақ.

МУҲАММАД ЮСУФ ШАҲРИСАБЗИЙ – «Лисон ут-тайр», Шаҳрисабз. 1291/ 1874–75. Тошкент, ТошДУ АК. инв. № 214031-III, 42 варақ.

ЯҲЪЁХОЖА ИБН ЮНУСХОЖА – «Терма девон». Шаҳрисабз. 1294/1877. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 9428, 211 варақ.

МУЛЛО ОМОН –«Терма девон». 1296/1879. Ленинград, ДХК, ТНС 241, 118 варақ.

НУСРАТИЛЛАХОЖА МИР ҲАЙДАРИЙ – «Хамса», 1298/1881. Душанба, ТожФАШИ, инв. № 9, 359 варақ.

ТУРСУН МУҲАММАД ТУРКИСТОНИЙ – «Маҳбуб ул-қулуб». Бухоро. 1300/1882–83. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 6106–II, 72 варақ.

МИРҚОБИЛХОЖА– «Терма девон», «Фарҳод ва Ширин». 1301/1883–84. Бухоро, Ўлкашунослик музейи, инв. № 10377, 365 варақ.

ҚУРБОН МУҲАММАД –«Терма девон». Самарқанд. 1305/1887–88. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3237, 269 варақ.

МИРЗО ИСМОИЛБЕК – «Хамса». Бухоро. 1305/ 1887–88, 1307/1889–90. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1316, 294 варақ.

МУЛЛО МИР АБУЛҚОСИМ БУХОРИЙ – «Терма девон». Бухоро. 1306/1888–89. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 5743, 611 варақ.

МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ – «Маҳбуб ул-қулуб». Хўқанд. 1307/1889–90. Қўқон Адабиёт музейи, инв. № 6666, 82 варақ.

МУЛЛО ИБРОҲИМ ИБН МУҲАММАД ЯЪҚУБХОЖА ХИВАҚИЙ – XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда яшаган моҳир хаттотлардан. «Хамса»нинг икки достонини алоҳида-алоҳида кўчирган. «Ҳайрат ул-аброр», Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 2376, 163 варақ. «Фарҳод ва Ширин», Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1254, 234 варақ. Ҳар иккала қўлёзма Хива шаҳрида 1310/ 1892–93 йилларда китобат қилинган. Майдароқ чиройли настаълиқ хат. Қўлёзмалар бадиий безакларга эга.

МУЛЛО МИРОДИЛ ИБН МУЛЛО МИРОЛИМ – «Лисон ут-тайр»ни китобат қилган. 1313/1895–96, Самарқанд, СамДУ АК, инв. №1008545, 112 варақ.

МУҲАММАДШАРИФ ИБН МУҲАММАДШАФИЪ– «Маҳбуб ул-қулуб»ни 1314/1896–97 йилда Хоразмда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 6776–1, 75 варақ.

МУҲАММАД МАҚСУД – «Терма девон» («Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси билан). Ўрта Осиё. XIX аср. Ленинград, СССР ФАШИ, инв. № Е 2, 497 варақ.

МУҲАММАД РАЖАБ ИБН МИРЗО ШАРИФ МЕРГАН ШАҲРИСАБЗИЙ – «Хамса». Шаҳрисабз. XIX аср. Ленинград, ДХК, ТНС 11, 297 варақ.

АБДУРРАҲМОН ИБН АБДУЛМЎЪМИН – «Хазойин ул-маоний». XIX аср. Тошкент, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти, инв. № 3597, 294 варақ.

МУЛЛО МИРСАЛИМ ПИСАРИ МУЛЛО ТЕМУР– «Терма девон». Бухоро, XIX аср. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти. инв. № 648, 559 варақ.

МУСОХОЖА ИБН ЭШОНХОЖА – «Хамса» («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр»). Самарқанд. XIX аср. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 1674, 393 варақ.

МУЛЛО МИРАЙЮБ ИБН ДОМЛА МИРСАЙЙИД ШАРИФ МАСИҲОЙИ – «Хамса». Хўқанд, XIX аср. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7438, 357 варақ.

МУЛЛО МУҚАРРАБШОҲ ЖОЙТОШИЙ – «Хамса» («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр»), Олтишаҳр, XIX аср. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 11698, 247 варақ.

МУҲАММАД ЯЪҚУБ ДЕВОН ХАРРОТ ИБН УСТА ҚУРБОННИЕЗ – XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган хоразмлик атоқли хаттотлардан. «Хазойин ул-маоний»нинг учта девонини алоҳида-алоҳида кўчирган: «Ғаройиб ус-сиғар». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 2058, 207 варақ, 1318/1900–01 йил; «Бадоеъ ул-васат». Ўша фонд, инв. № 7098, 187 варақ, 1319/1901–02 йил; «Фавойид ул-кибар». Ўша фонд, инв. № 647, 186 варақ, 1319/1901–02 йил. Ҳар уч қўлёзма Хивада китобат қилинган. Аниқ ва равон, чиройли настаълиқ хат. Қўлёзмалар бадиий безакларга эга.

МУҲАММАД ЯЪҚУБ – «Насойим ул-муҳаббат». Хива. 1320/1902–03. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 857, 319 варақ.

СУЛАЙМОНҚУЛ СУЯРҚУЛ ЎҒЛИ РОЖИЙ (1871–1924) –қўқонлик шоир ва хаттот. У «Мажолис ун-нафоис» ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ни бир қўлёзма ҳолида кўчирган: Қўқон адабиёт музейи, инв. № 220, 104 варақ. Котиб қўлёзма сўнгида китобат санасини рубоий-таърих билан берган. Рубоийда «Дафтар юзини тазкири олди қуршоб» мисраси таърих моддаси бўлиб, рақамлар йиғиндисидан ҳижрий 1329 (милодий 1911) йил келиб чиқади. Чиройли настаълиқ хат. Қўлёзма бадиий безакларга эга.

МУҲАММАД ЮНУС РОЖИЙ – бухоролик хаттотлардан. «Мажолис ун-нафоис»ни Бухоро шаҳрида 1330/ 1911–12 йилларда кўчирган: Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 7745-1, 96 варақ. Чиройли настаълиқ хат.

ЮНУСЖОН ДАДАМУҲАММАД ЎҒЛИ ОҒАЛИҚ ХЎҚАНДИЙ – «Вақфия». Хўқанд. 1335/1916–17. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 599-III, 22 варақ.

НОСИРЖОНҲОЖИХЎҚАНДИЙ – «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ни Қўқон шаҳрида 1338/1919–20 йилда чиройли настаълиқ хати билан кўчирган. Тошкент, ЎзССР Шарқшунослик институти, инв. № 693, 70 варақ.

МИРЗО МУҲАММАД ЗИЁЙ ОХУНДЗОДА – «Муҳокамат ул-луғатайн»ни китобат қилган. Боку, 1938, ОзФАҚИ, инв. № Б 495, 27 варақ.

ИБОДУЛЛА ОДИЛОВ – 1872 йилда саҳҳоф оиласида туғилиб, 1944 йилда Тошкентда вафот этган. XX асрнинг атоқли хаттоти. У Бухоро инқилобига қадар хаттотлик ва саҳҳофлик билан шуғулланган. 1920 йилдан Бухоро шаҳар кутубхонасида, 1930 йилдан Самарқанд шаҳар кутубхонасида, 1935 йилдан Тошкентда Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида, 1943–44 йилларда эса ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. Ибодулла Одилов Алишер Навоийнинг қўлёзмалари жуда оз етиб келган бир неча асарларини қайтадан кўчирган. Улар қуйидагилар: «Муншаот», «Мезон ул-авзон». Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 3441, 39 варақ, 1357/1938 йил; «Рисолаи муфрадот». Ўша фонд, инв. № 5667-1, 13 варақ, 1359/1940 йил; «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер». Ўша фонд, инв. № 5733, 23 варақ, 1360/1941 йил; «Муҳокамат ул-луғатайн». Ўша фонд, инв. № 5829, 34 варақ, 1360/1941 йил.

Ибодулла Одилов Навоий асарларидан бошқа бир неча китобларни ҳам кўчирган. Улар орасида «Мажмуаи муросалот ёхуд мураққаъи Навоий» (Хатлар тўплами ёхуд Навоий альбоми) алоҳида аҳамиятга моликдир. Маълумки, мазкур қўлёзма Абдураҳмон Жомий ва XV асрнинг бошқа атоқли кишилари томонидан Навоийга ёзилган хатлар мажмуасидан иборат. Навоий ўзига келган хатларни махсус қоғозларга ёпиштириб, ҳар бирини махсус жадвалларга олиб тўплаб борган ва улардан махсус мураққаъ (альбом) ҳосил бўлган. Мураққаъдаги хатлар форс тилида девоний, риқоъ, насх, таълиқ услубларида ёзилган. Уларнинг кўпчилиги нуқтасиз битилганлиги учун матнларнинг ўқилиши ғоят мураккабдир. Шу қийинчиликни бартараф этиш мақсадида Ибодулла Одилов «Мураққаъи Навоий»ни чиройли настаълиқ хати билан янгидан кўчирган ва бу ишни 1939 йил 13 май куни муваффақиятли тугаллаган. Тошкент, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. № 2178.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТОШБАСМА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

Алишер Навоий асарларини Европада кенг йўлга қўйилган китоб босиш дастгоҳи – матбаачилик усулида нашр этиш XVIII аср охирларидан бошланди. Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг Фаноий томонидан усмонли турк тилига қилинган таржимаси «Тарихи Фаноий» номи билан 1785 йилда Вена шаҳрида матбаа усули билан чоп этилди. Китобнинг сўнгги саҳифасида «Бу марғуб нусха Румийя императорлигининг пойтахти бўлган азим шаҳар Бач (Вена) да ҳижрийнинг 1199 санаси (милодий 1785 йил) да табъ бўлди» деган жумла араб тилида ёзиб қўйилган. Навоий асарларидан Европада биринчи нашр ҳисобланган мазкур китобнинг бир дона нусхаси ҳозирги кунда Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Халқ кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида сақланмоқда.

Париждаги Шарқ жонли тиллари мактабининг туркий тиллар кафедрасини бошқарган француз шарқшуноси Этьен Катремер 1841 йилда Парижда «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси»нинг биринчи қисмини нашр қилган. Хрестоматияга Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Тарихи мулуки Ажам» асарлари киритилган. Этьен Катремер Навоийнинг бошқа асарларини ҳам эълон қилиш ниятида бўлган, бироқ хрестоматиянинг иккинчи қисми нашр этилмаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон халқларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида воқеалар содир бўла бошлади. Шулардан бири Туркистонда типо-литографик корхоналарнинг ташкил этилишидир. Туркистонда китоб босишнинг икки хил усули қўлланди. Биринчиси типография (михбосма) усули бўлиб, унда мих шаклидаги металл ҳарфларни қўлда териш орқали китоб босилган. Бунда араб ёзувининг насх услубидан кенг фойдаланилган. Иккинчиси эса литография (тошбосма) усули бўлиб, унда дастлабки, асосий ишни хаттот бажарган. Хаттот босиладиган китобнинг матнини махсус қоғозга кўчирган. Бу қоғоздаги матн тош қолип сиртига ўтказилган ва унга кимёвий ишлов берилган. Сўнгра ана шу тош қолиплардан нусха олинаверган. Хаттот тошбосмага матн кўчирганда асосан настаълиқ услубидан фойдаланган. Туркистон шаҳарларида ташкил бўлган матбааларнинг аксарияти тошбосма усулида китоб босар эди. Алишер Навоий асарларининг 1879–1917 йиллар давомида Туркистон шаҳарларидаги 20 га яқин матбаада босилган 70 га яқин нашри фақат тошбосма усулида амалга оширилган.

Туркистондаги дастлабки тошбосма матбаа 1291/1874 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II саройида ташкил этилди. Бу матбаада 1297/1879 йилда Муҳаммад Раҳимхон II нинг фармони билан Навоий «Хамса»си тўла ҳолида чоп этилди. «Хамса»ни шоир Муҳаммадниёз ибн Абдулло Охунд Комил Хоразмий нашрга тайёрлайди ва ўзи уч саҳифалик муқаддима ҳам ёзади. «Хамса»ни тошбосма учун хаттот Мулло Муҳаммадюсуф ибн Бердимурод Сўфи Хоразмий кўчирган. 640 саҳифалик бу «Хамса» Навоий асарларининг Туркистонда босилган биринчи мукаммал тошбосма нусхаси (нашри) ҳисобланади. «Хамса» кейинчалик ҳам тўлиқ ҳолда икки марта босилди. 1322/1904 йили Тошкентдаги Порцев матбаасида босилган нусхани хаттот Шоҳмурод Шоҳнеъматуллоҳ ўғли кўчирган. Шу матбаа 1323/1905 йилда «Хамса»ни хаттот Абдуманноф Қори қалами билан битилган матнини ҳам босиб чиқарган. «Хамса»нинг мазкур уч мукаммал нашридан бошқа унинг қисқартирилган насрий варианти ҳам эълон қилинган. 1326/1908 йилда Тошкентдаги Орифжонов матбаасида «Насри «Хамса»и беназир» номли китоб (351 саҳифа) босилиб чиқади. Бу насрий нашрда фақат мақолатлардан иборат бўлиб, яхлит сюжетга эга

бўлмагани учун бўлса керак, «Ҳайрат ул-аброр» достони тушириб қолдирилган. Китобнинг ноширн Мирмахдум ибн Шоҳюнус деб кўрсатилган. Достонларни насрий вариантга ким айлантиргани айтилмаган. Агар ўша вақтдаги ноширларнинг Навоий асарларидан жуда яхши хабардор бўлганлигини назарда тутсак, «Хамса» достонларининг насрий вариантини ноширнинг ўзи – Мирмахдум ибн Шоҳюнус тайёрлаган бўлиши мумкин. «Насри «Хамса»и беназир»да достонлар мазмунига 38 та расм ишланган. Мусаввир ва хаттот Раҳматулло ибн Мулло Абдушшукур.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Навоий достонларининг «Насри «Хамса»и беназир»га қадар ҳам насрий баёнлари – халқ китоби вариантлари яратилган эди. Бунга XVI аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларида Хоразмда яшаган шоир Умар Боқий томонидан ёзилган «Қиссаи Фарҳоду Ширин», «Китоби Мажнуну Лайли», XIX аср шоири Маҳзун яратган «Қиссаи шаҳзода Фарҳод ва Ширин» мисол бўла олади. Ана шу насрий баёнлар – халқ китоби вариантлари ҳам Тошкентда 1908, 1909, 1910, 1912 ва 1915 йилларда тошбосмада қайта-қайта нашр этилди. Умар Боқий асарларини нашрга тайёрлаш, оммалаштириш ва тарғиб этишда Саййид Ҳайбатуллахожа Саййид Орифхожа ўғли Хислат (1880–1945) нинг хизматлари катта бўлди. «Қиссаи Фарҳоду Ширин» мазмунига 13 та, «Китоби Мажнуну Лайли» мазмунига 11 та расм ишланган. Бу расмларни Шавкат Искандарий чизган.

«Хазойин ул-маоний»нинг Туркистонда илк бор нашр этилиши ҳам Хива матбааси билан боғлиқдир. Навоийнинг бу лирик куллиёти халқ орасида машҳур бўлган «Чаҳор девон» номи билан Муҳаммад Раҳимхон II нинг фармонига мувофиқ 1299/1882 йилда Хива матбаасида чоп этилди. Асарни Муҳаммадниёз ибн Абдулла Охунд Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган. Матнни тошбосма учун хаттот Иброҳим Султон Эроний кўчирган. Тўрт девоннинг матнлари мукаммал бўлиб, «Хазойин ул-маоний»нинг тошбосма нусхалари ичида энг тўлиғи шу наср ҳисобланади. Хива матбааси 1300/1882 йилда «Хазойин ул-маоний»нинг учинчи девони «Бадоеъ ул-васат»ни ҳам мукаммал ҳолда алоҳида чоп этган. Бу нусхани ҳам Муҳаммад Раҳимхон II фармонига биноан Муҳаммадниёз ибн Абдулла Охунд Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган. Аммо котиби кўрсатилмаган.

«Хазойин ул-маоний»дан танлаб олинган терма (интихоб) девонлар 1306/1888–1335/1916 йиллар давомида 40 мартадан ортиқ нашр бўлган. Улар Тошкентнинг «Лахтин», «Ака-ука Каменскийлар», «Брейденбах», «Ильин», «Орифжонов», «Туркистон ҳарбий округи штаби», «Туркистон курьери газетаси» матбааларида; Самарқанднинг «Демуров» матбаасида; Янги Бухоронинг «Когон», «Левин» матбааларида чоп этилган. Шунингдек, терма девонларни нашр қилишда Истанбулнинг «Ориф афанди», «Саййид Маҳмудбек» матбаалари ҳам қатнашган. Навоий терма девонларини чоп этишда Тошкент матбаалари алоҳида фаолият кўрсатдилар. Жумладан, терма девонларни «Ака-ука Каменскийлар» матбааси 1311/1893 йилда уч марта, «Брейденбах» матбааси 1315/1897 йилда уч марта, «Ильин» матбааси 1324/1906 йилда уч марта нашр этишга муваффақ бўлган ва ҳоказо. Нашр этилган девонларда ноширлар томонидан қўйилган «Навоий», «Амир Навоий», «Амир Алишер Навоий», «Мавлоно Амир Навоий», «Девон», «Девони Мир Алишер Навоий», «Навоий девонлари», «Амир Навоий девони» ва шунинг каби ўнлаб номларни учратамиз. Ҳатто, ҳажми 150 саҳифа атрофида бўлиб «Орифжонов» матбаасида 1333/1914 ва 1334/1915 йилларда босилган иккита нашрга «Куллиёти девони Амир Алишер Навоий» деган ном қўйилган. Бундай номлар терма девонлар ҳажми ва мундарижасига мутлақо мос келмайди, албатта, Алишер Навоий номини қайд этиб ўтишни ноширлар ўзларига бурч деб билганлар. Навоий терма девонларининг мана шу ўнлаб тошбосма нусхалари мавжуд эски мактабларда ҳамда янги усул мактабларида илми адаб (адабиёт)дан дарслик вазифасини ҳам бажарган.

Алишер Навоийнинг «Арбаин» асари «Чиҳл ҳадис» номи билан тошбосмада ўн мартача чоп этилган, Тошкентнинг «Лахтин» матбаасида 1310/1893 йилда, «Ака-ука Каменскийлар» матбаасида 1311/1894 йилда, «Орифжонов» матбаасида 1328/1910 йилда босилган. «Арбаин» Боғчасарой ва Истанбулда ҳам нашр бўлган. Ҳамма нашрларда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий қитъалари ҳамда уларга асос бўлган ҳадислар ёнма-ён берилган.

Алишер Навоийнинг тошбосмада босилган насрий асарларидан «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис» ва «Муҳокамат ул-луғатайн»гина маълум холос. «Маҳбуб ул-қулуб»ни Бухородаги «Гесинский» матбааси хаттот Муфти Мираҳмад қаламида 1325/1907 йилда; «Мажолис ун-нафоис»ни Тошкентдаги «Орифжонов» матбааси хаттот Абдуманноф Қори қаламида 1336/ 1917 йилда нашр этди. «Муҳокамат ул-луғатайн»ни Ашурали Зоҳирий ўз қалами билан кўчириб, 1336/1917 йилда Қўқондаги «Вайнер» матбаасида чоп эттирди. Ашурали Зоҳирий Навоийнинг «Вақфия» асарини ҳам тошбосма учун кўчириб нашрга тайёрлади. Бироқ номаълум сабабларга кўра бу асар чоп этилмай қолди. («Вақфия»нинг ана шу тошбосма учун кўчирилган нусхаси Қўқон Адабиёт музейида Ашурали Зоҳирийнинг шахсий архивида сақланмоқда). «Маҳбуб ул-қулуб»нинг Истанбул (1289/1872 йил)да, «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг Истанбул (1315/1897–98 йил) ва Боғчасарой (1320/1902 йил)да михбосма (типография) усулида босилган нашрлари ҳам мавжуд. Мазкур уч насрий асарнинг матнлари тошбосма нусхаларда мукаммал сақланган.

Тошбосма китобларнинг хат жиҳатдан чиройли ва саводли нашр этилиши биринчи навбатда хаттотларга боғлиқ бўлган. Агар хаттот матнни нафис хат билан кўчирса, китоб ўқувчилар томонидан тез фурсатда харид қилиниб, ўша асарнинг навбатдаги нашрларига талаб ва эҳтиёж туғилаверган. Ношир ва тожири китоб (китоб билан савдо-сотиқ қилувчи киши)лар эса дурустгина иқтисодий фойда кўрганлар. 1879–1917 йиллар давомида тошбосмада босилган Навоий асарларини кўчирган 25 хаттотнинг номи ҳозирча маълум. Улардан айримлари Навоий асаридан битта нашр матнини кўчирган бўлса, баъзи хаттотлар бир неча нашр матнини кўчирганлар. Масалан, Шоҳмурод Котиб Шоҳнеъматуллоҳ ўғли «Терма девон»ларнинг 1888, 1893, 1900 йилги, «Арбаин»нинг 1894 йилги, «Хамса»нинг 1904 йилги нашрларини тошбосма учун кўчирган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, тошбосмада босилган ҳамма нашрларда ҳам хаттотлар ўз номларини айтиб ўтмаганлар. Шарқ китобат ишининг узоқ асрлик тарихида қўлёзмаларни кўчиришда баъзи ҳолларда котиблар ўз исм-шарифларини қайд этмаслик анъанаси тошбосма китобатчилиги даврида ҳам маълум даражада давом этди. Шунинг учун Навоий асарларининг қатор тошбосма нашрлари қайси хаттот томонидан босмага тайёрлангани бизга номаълум. Булар терма девонларнинг 1300/1882 йили Хивада; 1309/1891–92 йили Ёркандда; 1311/1893, 1314/1896–97, 1315/1897, 1318/1900, 1320/1902, 1321/1903–04, 1324/1906–07, 1329/1911, 1332/1913, 1333/1914, 1334/1915, 1335/1916 йиллари Тошкентда; 1319/1901–02 йили Истанбулда; 1322/1904 йили Самарқандда; 1330/1912, 1332/1913, 1335/1916 йиллари Бухорода чоп этилган нусхаларидан иборат. Шунингдек, «Арбаин»нинг 1310/1893, 1311/1894 йиллари Тошкентда; 1325/1907 йили Боғчасарой ва Истанбулда босилган нашрларида ҳам хаттот номи кўрсатилмаган.

Йирик матбаалар Тошкентда жойлашгани сабабли тошбосма учун қўлёзмалар тайёрловчи хаттотларнинг кўпчилиги ҳам Тошкентда яшаган. Юқорида айтиб ўтилган Навоий асарларини тошбосма учун кўчирган 25 хаттотнинг аксарияти Тошкент хаттотлик мактабининг намояндаларидирлар. Жумладан, мазкур хаттотлик мактаби вакилларига Шоҳмурод ибн Шоҳнеъматуллоҳ, Сирожиддин Махдум Сидқий Хондайлиқий, Мулло Ортуқ Абдурасулбой ўғли, Абдуманноф Қори, Шоҳислом Шоҳмуҳаммад ўғли, Юсуфжон Зокиржон ўғли, Мулло Ўтаб Расулмуҳаммад ўғли, Абдулқодир Муродий ва бошқаларни кўрсатиш

мумкин. Умуман, Тошкент хаттотлик мактаби ва унинг намояндалари XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда тошбосма хаттотлиги ишини йўлга қўйишда ва уни матбаа хаттотлиги санъати даражасига кўтаришда муҳим роль ўйнадилар.

Тошбосмада босилган ҳар бир нашрнинг тиражи (адади) 500–600 нусхадан ошмаган. Камдан-кам ҳоллардагина бир нашрнинг адади 1000 нусхага борган. Хаттот томонидан ёзилиб тошқолипга ўтказилган матндан муайян нусха (кўпинча 500–600 атрофида) олингач, матн сийқаланиб ўча бошлаган. Натижада хаттот ўша нашр матнини янгидан ёзиб берган. Айрим матбааларда бир йилнинг ўзида маълум бир асарнинг бир неча хаттот қаламида қайта-қайта босилишининг сабаби ҳам шундадир.

Навоий асарларини нашр этишда ҳар бир тошбосма матбаа ўз шарт-шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқиб иш кўрган. Шунинг учун Навоий асарларининг баъзи тошбосма нусхалари қоғоз, бўёқ, бадиий безак, муқова жиҳатидан сифатли бўлса, айримлари жуда оддий кўринишга эга.

Алишер Навоийнинг тошбосмада босилган асарлари бошқа китоблар қаторида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг йирик шаҳарларида тарқатилган. Баъзи тожири китобларнинг Тошкентдан ташқари бошқа шаҳарларда ҳам китоб дўконлари бўлган (кўп китобларнинг сўнгги саҳифаси ёки муқовасида шу китобни нашр эттирган ношир ёки тожири китобнинг қайси шаҳарларда китоб дўконлари борлиги ёзиб қўйилган). Бир неча тожири китоблар Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида босилган китобларни Татаристон, Қрим, Озарбайжон ҳамда Кошғар, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Араб мамлакатларига олиб бориб тарқатганлар. Улар ўз навбатида ўша ўлкаларда босилган китоблардан Туркистон шаҳарларига олиб ҳам келганлар.

Шундай қилиб, Туркистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида тош босма матбааларнинг пайдо бўлиши билан ўзбек халқи тарихида китобат маданиятининг янги бир даври бошланди. Тошбосма усулида Навоийнинг шоҳ асарлари «Хамса» ва «Хазойин ул-маоний», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Маҳбуб ул-қулуб» нашр этилди. Умуман, тошбосма китоблар орасида Навоий асарлари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу эса Алишер Навоий ҳамма даврларнинг буюк шоири бўлганлигидан, унинг ўлмас асарларини халқ чуқур идрок этиб, ғоят қадрлаганидан далолат беради. Айни замонда тошбосмада босилган Навоий асарларининг кўриб ўтилган қатор нашрлари Навоий меросини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Биз қуйида Алишер Навоий асарларини тошбосма учун кўчирган хаттотларнинг номини келтирамиз. Баъзи хаттотларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар учун Абдулқодир Муродийнинг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» (Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1971) номли китобига мурожаат этилди.

МУЛЛО МУҲАММАДЮСУФ ИБН БЕРДИМУРОД СЎФИ ХОРАЗМИЙ – «Хамса»и Навоий». Ношири – Муҳаммадниёз ибн Абдулла Охунд Комил Хоразмий. Хива, Муҳаммад Раҳимхон II матбааси, 1297/1879, 640 бет.

ИБРОҲИМ СУЛТОН ЭРОНИЙ – «Чаҳор девон» [«Хазойин ул-маоний»]. Ношири – Муҳаммадниёз ибн Абдулла Охунд Комил Хоразмий. Хива, Муҳаммад Раҳимхон II матбааси, 1299/1882.

ШОҲМУРОД ИБН ШОҲНЕЪМАТУЛЛОҲ (1850–1922) – XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Тошкент хаттотлик мактабини яратган машҳур хаттот, хаттотликнинг тошбосма услуби асосчиларидан. Шоҳмурод Шоҳнеъматуллоҳ ўғли Тошкентда боғбон оиласида дунёга келди. Ёш Шоҳмурод ибтидоий мактабни битиргач, отаси уни Занжиллиқ маҳалласидаги Довудхўжа Котибга шогирдликка топширади. Хатга ғоят истеъдодли бўлган ёш котиб Шоҳмурод тез фурсатда насх, настаълиқ, шикаста услубини ўрганиб

олади ва ўзи мустақил равишда адабий асарларни китобат қила бошлайди. Шу билан бирга Шоҳмурод тўқувчиларга тиғ, тарак ясаб бериш ҳунарини ҳам ўрганади. Шунинг учун бўлса керак, дастлаб кўчирган қўлёзмаларига у «Тиғбанд», «Шоҳмурод тиғбандий» деб имзо қўйган. Шоҳмурод Котиб бир оз муддат Кўкалдош мадрасасида ҳам таҳсил олди. XIX асрнинг 80-йилларидан Тошкентда қатор тошбосма матбаалар ташкил этилиши билан Шоҳмурод Котиб ўзбек ва форс-тожик тилидаги китобларни кўчириш билан шуғулланди. У эллик йиллик хаттотлик фаолияти давомида ўнлаб китобларни тошбосма учун кўчирди. Унинг қаламида Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Амирий ва бошқалар асарлари чоп этилган. Шоҳмурод Котиб ўз даврининг шоирлари, олимлари, санъаткорлари, зиёлилари орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Унга турли шаҳарлардан мактублар келиб турган. Жумладан, қўқонлик шоир Муҳйининг Шоҳмурод Котибга ёзган форсий мактуби сақланиб қолган. Атоқли демократ шоир Муқимий Тошкентга қилган сафарларидан бирида шоир Камий орқали Шоҳмурод Котиб билан танишиб унинг уйида меҳмон бўлган. Шоҳмурод котиб насх ва настаълиқ хатида ўндан ортиқ истеъдодли шогирдлар етиштирган. У Навоий асарларидан тошбосма учун қуйидаги нашрларни кўчирган: 1. Амир Алишер Навоий девонлари [Терма девон]. Ноширн – Раҳимхожа Эшон ибн Алихожа Эшон. Тошканд, Лахтин матбааси, 1306/1888, 288 бет. 2. Амир Алишер Навоий навваралоҳу марқадаҳу девонлари [Терма девон. Тошканд. Ака-ука Каменскийлар матбааси, 1311/1893, 208 бет. 3. Чиҳл ҳадис (Жомий ва Навоий қитъалари бирга берилган). Тошканд. Ака-ука Каменскийлар матбааси, 1311/1894, 24 бет. 4. Амир Навоий [Терма девон]. Ноширн – Ғулом Расулхожа. Тошканд, Ильин матбааси, 1318/1900, 158 бет. 5. Девон [Терма девон]. Ноширн – .Ғулом Расулхожа. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1318/1900, 126 бет. 6. «Хамса»и Амир Алишер Навоий. Ноширн – Ғулом Расулхожа. Тошканд. Порцов матбааси, 1322/1904, 512 бет.

СИРОЖИДДИН МАХДУМ МИРЗОҲИД ЎҒЛИ СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ (1884–1934) Тошкент вилоятининг Хондайлиқ қишлоғида таваллуд топган. Тошкентдаги Бегларбеги ва Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олган. Сирожиддин Махдум истеъдодли шоир бўлиб, Сидқий, Шавкат, Шеван тахаллусларида шеърлар ёзган. У хаттотликда Шоҳмурод ибн Шоҳнеъматуллоҳнинг шогирди ҳисобланган. Унинг қалами билан ўзбек ва форс-тожик тилларидаги кўплаб китоблар тошбосмада босилган. Тошбосма учун Сидқий кўчирган китоблар орасида Жомий ва Навоий асарлари ҳам бор: 1. Чиҳл ҳадис (Жомий ва Навоий қитъалари бирга берилган). Тошканд, Лахтин матбааси, 1310/1893, 24 бет. 2. Чиҳл ҳадис (Жомий ва Навоий қитъалари бирга берилган). Тошканд, 1324/1906.

МУЛЛО МУҲАММАДЮНУС МУЛЛО ҒОЙИБ ЎҒЛИ – Девони Амир Алишер мулаққаб бин-Навоий [Терма девон]. Тошканд. Ака-ука Каменскийлар матбааси, 1311/1893, 180 бет.

АБДУЛ ҚАЙЮМ ХЎҚАНДИЙ–1. Навоий девонлари [Терма девон].

Ноширн – Убайдуллоҳ Ҳожи Асадуллоҳ ўғли. Тошканд. Брейденбах матбааси, 1315/1897, 161 бет. 2. Навоий [Терма девон]. Ноширн – Мулло Хожи Абдулмалик ибн Абдуннаби. Тошканд, Брейденбах матбааси, 1315/1897, 179 бет.

ХОЖА НАЖМУДДИН ХЎҚАНДИЙ – Тошкентнинг маҳоратли хаттотларидан, қўқонлик Атоуллохожа Хўқандийнинг ўғли. Кўп йиллар Ленинобод (Хўжанд)да яшаган. Сўнг Тошкентга келиб Бешёғоч даҳасининг Камолон маҳалласида истиқомат қилган. Хожа Нажмуддин насх ва настаълиқ услубларига, хусусан жали қаламига жуда маҳоратли бўлган. У Тошкентда бир неча истеъдодли шогирдларни тарбиялаб хаттот қилиб етиштирган, 1930 йилда Тошкентда вафот этган. Хаттот томонидан кўчирилган бир неча китоблар Тошкент матбааларида чоп этилган. Улар орасида Навоий асарлари ҳам бор: Амир Навоий [Терма девон]. Ноширн – Мулло Абдуллоҳҳожи Асадуллоҳҳожи ўғли. Тошканд, Брейденбах

матбааси, 1316/1898, 159 бет.

МУҲАММАДСОДИҚ АФҒОН ҚАНДАҲОРИЙ – 1. Амир Алишер Навоий девонлари [Терма девон]. Ношири – Хожа Муҳаммадсиддиқ Хўжандий. Истанбул. Ориф Афанди матбааси, 1318/1900, 208 бет. 2. Девони Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Ҳожи Муҳаммадсиддиқ Хўжандий. Истанбул. Саййид Маҳмудбек матбааси, 1319/1901, 207 бет.

МУЛЛО ОРТУҚ АБДУРРАСУЛБОЙ ЎҒЛИ – 1. Амир Алишер Навоий девонлари [Терма девон]. Тошканд. Ильич матбааси, 1319/1901, 167 бет. 2. Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Зариф Шукурмуҳаммад ўғли. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1333/1914, 96 бет.

АБДУССАМАД ТАБРИЗИЙ – Девони Мир Алишер Навоий [Терма девон]. Ношири – Солиҳхожа Бухорий. Истанбул, Саййид Маҳмудбек матбааси, 1319/ 1901, 223 бет.

МУҲАММАДСОДИҚ АФҒОН ҚАНДАҲОРИЙ – 1. Амир Алишер Навоий девонлари [Терма девон]. Ношири – Ҳожи Муҳаммадсиддиқ Хўжандий. Истай

МУЛЛО ЮСУФ ОХУНД – Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Мирзоаҳмад Мирзокарим ўғли. Тошканд. Ильин матбааси, 1319/1901, 167 бет.

МУФТИ МИР АҲМАД– Маҳбуб ул-қулуб. Ношири – Муҳаммадюсуф ибн Ҳожи Муҳаммадяъқуб Тошкандий. Бухоро. Гесинский матбааси, 1325/1908, 156 бет.

АБДУЛҒАФУР – Девони Навоий [Терма девон]. Ношири – «Хайрия» ширкати. Тошканд, Туркистон ҳарбий округи штаби матбааси, 1320/1902, 166 бет.

АБДУМАННОФҲОЖИ (1880–1945). Бу котибнинг аслий тўла исми Абдуманнон Абдулваҳҳоб ўғли бўлиб, халқ ўртасида Қори Абдуманноф, Абдуманноф Ҳожи номлари билан ҳам машҳур бўлган. Тошбосма учун кўчириб берган қўлёзмаларига ҳам Қори Абдуманноф ёки Абдуманноф Ҳожи деб имзо қўйган. Қори Абдулманноф Тошкентнинг Ҳофиз Кўйки маҳалласида яшаган. У Бухорода таълим олган. Сўнгра Тошкентда машҳур хаттот Абдулҳақ Котиб Алим ўғли(1808–1886)га шогирд тушиб хаттотлик санъатини ўрганган ва тез ёзувчи хаттотлардан бўлиб танилган. Қори Абдулманноф 1945 йилда 65 ёшида поезд остида қолиб ҳалок бўлган. Котибнинг араб ва форс тилларида кўчирган қўлёзмалари сақланиб қолган. У тошбосма учун кўплаб китобларни кўчирган. Жумладан, улар орасида Навоий асарлари ҳам бор: 1. «Хамса» и «Амир Алишер Навоий». Тошканд. Порцев матбааси, 1323/1905, 508 бет. 2. «Мажолис ун-нафоис». Тошканд. Орифжонов матбааси, 1336/1917,

ШОҲИСЛОМ ШОҲМУҲАММАД ЎҒЛИ (1882– 1941)–Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Учинчи Арпапоя маҳалласида тўқувчи оиласида таваллуд топган. Бошланғич таълимни отасидан олиб, сўнгра Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Шоҳислом Тошкентда машҳур хаттот Шоҳмурод Шоҳнеъматуллоҳ ўғлидан ҳуснихат ўрганиб истеъдодли хаттот бўлиб етишади. Шоҳислом Тошкентдаги Абулқосимхон мадрасасининг мударрисларидан бири бўлиб хизмат қилади. У шоир ҳам эди. Шеърда Котиб тахаллусини қўллайди. Шоҳислом Котиб тошбосмага қўлёзмалар тайёрлаб беришда жуда фаол қатнашган. Улар орасида Навоий асарлари ҳам бор: 1. Мавлоно Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Саййид Акбархожа ибн Саййид Умарқори. Тошканд, Ильин матбааси, 1324/ 1906, 140 бет. 2. Амир Навоий [Терма девон]. Тошканд. Ильин матбааси (йили кўрсатилмаган), 157 бет.

ЮСУФЖОН ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ – Тошкентнинг Тўқлижаллоб маҳалласидан бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида яшаган. Бу котиб кўпроқ ўзбек тилидаги катта ҳажмли китобларни тошбосма учун кўчирган. Тошбосмага кўчирган китоблари орасида Навоийнинг бир терма девони ҳам бор: Мавлоно Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Қавомиддинқори Мулло Мусоқори ўғли. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1327/1909, 118 бет.

РАҲМАТУЛЛОҲ АБДУШШУКУР ЎҒЛИ – Насри «Хамса»и беназир [«Хамса»нинг насрий баёни]. Ношир ва насрий баёнга айлантирувчи– Мулло Мир Махдум ибн Шоҳюнус. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1326/ 1908, 339 бет.

МУЛЛО МУҲАММАДУСМОН КОТИБ (1856– 1935) – Муҳаммадусмон Муҳаммадшариф ўғли Наманганда тўқувчи оиласида дунёга келди. Муҳаммадусмон олти ёшда эканида уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Муҳаммадусмон жуда ёшлигидан хат машқига қизиқади. Бу соҳада тезда истеъдод намоён этиб, Усмон Котиб номи билан танилади. У таҳсилни Бухорода давом эттириб мадрасани муваффақиятли тамомлаб қайтади. Усмон Котиб қалами билан тошбосмада чоп этилган китоблар анчагина бор. Навоийнинг бир терма девонини ҳам Усмон Котиб кўчирган: Мавлоно Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Саййидхожа. Янги Бухоро. Когон матбааси, 1328/1910, 118 бет.

САЙЙИД АБДУССАЛОМ МАХДУМ САМАРҚАНДИЙ – Девони Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Қори Абдурауф. Самарқанд, Демуров матбааси 1328/1910, 120 бет.

МУЛЛО ҒАФУРЖОН – Мавлоно Амир Навоий [Терма девон] Тошканд, Орифжонов матбааси, 1328/1910, 120 бет

МУЛЛО ЙЎЛДОШ – Куллиёти девони Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Сиддиқхожа Хўжандий. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1333/1914, 142 бет.

МУЛЛО РИЗҚИБОЙ – Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Мирзоаҳмад ибн Мирзокарим. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1334/1915, 96 бет.

МУЛЛО ЎТАБ РАСУЛМУҲАММАД ЎҒЛИ – Шоҳмурод Котибнинг шогирдларидан ҳисобланади. Мулло Ўтаб тошбосмага қўлёзмаларни китобат қилишда жуда маҳоратли хаттотлардан бўлган. Унинг кўчирган китоблари орасида халқ оғзаки ижоди асарлари ва халқ китоблари салмоқли ўрин эгаллайди. Мулло Ўтаб шеърлар ҳам ёзган. Шеърларига шоир Хислат мухаммаслар боғлаган. Мулло Ўтаб Октябрь инқилобидан кейин педагогика техникумида ҳуснихатдан дарс берган. Мулло Ўтаб 1931 йилда вафот этган. У Навоий терма девонларидан бирини тошбосмага кўчирган: Куллиёти девони Амир Навоий [Терма девон]. Ношири – Мулло Темурхожа ибн Ҳожимуҳаммад Хўжандий. Тошканд. Орифжонов матбааси, 1334/1915, 143 бет.

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ (Ашурали Муҳаммадзоҳир ўғли) (1885–1942)–маърифатпарвар, педагог, журналист, тилшунос, адабиётшунос, хаттот. Ашурали Зоҳирий Қўқон шаҳри яқинидаги Ойим қишлоғида туғилган, дастлаб ўз қишлоғидаги мактабда, сўнг Қўқондаги Муҳаммад Алихон мадрасасида таҳсил кўрган. У талабалик йилларида мустақил мутолаа билан жиддий шуғулланиб, тарих, адабиёт фанларини чуқур ўрганган, араб, форс, рус, озарбайжон, турк, татар тилларини пухта эгаллаган. Ашурали Зоҳирий мадрасада талабалик йилларидаёқ муаллимлик қила бошлаган. Дастлаб Қўқондаги рус-тузем мактабида дарс берган. Октябрь инқилобидан кейин Қўқонда «Дор ул-муаллимин» мактабини ташкил этиб, Тошмуҳаммад Қориниёзий, Муҳаммаджон Холиқий каби атоқли маърифатпарварлар билан бирга ишлаган. Кейинчалик эса Қўқон педагогика билим юртида, саводсизликни тугатиш курслари ва мактабларида муаллимлик қилган. Ашурали Зоҳирий 1914 йилдан «Садои Фарғона» газетасида, сўнгра (инқилобдан кейин) «Фарғона» газетаси ишларида фаол қатнашган. Шу билан бирга Ашурали Зоҳирий инқилобдан аввал ва кейин Туркистонда нашр этилган қатор газета ва журналларда маърифатпарварлик ва илмий руҳдаги мақолалар билан тез-тез кўриниб туради. Ашурали Зоҳирий 1912 йилда «Туркий хрестоматия ёки терма китоб» (С. Оқоев билан бирга) ва 1916 йилда ўзбек тилида биринчи бўлиб «Имло» дарслигини яратди. 1926 йилда Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон билан биргаликда «Адабиёт парчалари» тўпламини нашр эттирди. Хрестоматияда ўзбек классик адабиётидан ва ёш ўзбек совет адабиётидан намуналар берилди. 1927–1928

йилларда Ўзбекистон Давлат нашриёти Ашурали Зоҳирий томонидан тайёрланган икки жилдлик «Русча-ўзбекча мукаммал луғат»ни (690 бет) босиб чиқарди. Маданиятимиз тарихида биринчи марта юзага келган бу луғат рус-ўзбек лексикографияси тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Ашурали Зоҳирий Алишер Навоий мероси бўйича ҳам изланишлар олиб борди. Ўзи тузган хрестоматияларга Навоий асарларидан киритди, Навоий ҳақида мақолалар ёзди. У Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўрганиб чиқиб ҳуснихат билан кўчирди ва тошбосмада нашр эттирди. Ашурали Зоҳирий Навоийнинг «Вақфия» асари устида ҳам изланишлар олиб борди ва уни ҳам тошбосмага тайёрлади. Бироқ, номаълум сабабларга кўра бу асар чоп этилмай қолди. «Вақфия»нинг Ашурали Зоҳирий босмага тайёрлаган қўлёзмаси ҳозир Қўқон Адабиёт музейида сақланмоқда. «Муҳокамат ул-луғатайн». Хўқанд, Вайнер матбааси, «Ғайрат» жамияти, 1917, 39 бет.

АБДУЛҚОДИР МУРОДИЙ (1893–1974) – арабшунос, XX асрнинг атоқли хаттоти, Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихининг йирик билимдони. Абдулқодир Муродий Тошкентнинг иккинчи Арпапоя маҳалласида нонвой оиласида туғилади. Муродий ибтидоий мактабдан сўнг Абулқосимхон мадрасасида таҳсил олади. (1907–1917). Шу билан бирга ўз амакиси (кейинчалик қайнотаси) машҳур хаттот Шоҳмурод Шоҳнеъматуллоҳ ўғлидан хаттотликни ўрганади. Тошкентга келган суриялик олим Муҳаммад ибн Саъид ал-Асалийдан араб тили ва адабиёти бўйича дарс олади. Абдулқодир Муродий инқилобдан кейин ўқитувчилар тайёрлов курсини битириб, ўқитувчи бўлиб ишлайди, нашриёт ва кутубхоналарда турли вазифаларда хизмат қилади. 1940 йилдан 1942 йилгача Навоий юбилей комитетида ишлайди. 1942 йилда Улуғ Ватан урушига жўнаб, 1944 йилда қайтади ва умрининг охиригача ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида илмий ходим вазифасини бажаради. Абдулқодир Муродий арабшунос сифатида Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асарининг 1, 2, 3-жилдларидан айрим қисмларни, Ёқут Ҳамавийнинг «Мўъжам ул-булдон» асарининг Ўрта Осиё тарихи ва географиясига доир қисмларини, Миср ёзувчиси Маҳмуд Таймурнинг баъзи ҳикояларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулқодир Муродий ўз амалий-илмий фаолиятининг асосий қисмини хаттотликка, Ўрта Осиёда хат санъати тарихи ва йирик хаттотларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлади. ЎзССЖ ФА Шарқшунослик институтида қарийб ўн беш минг жилдга яқин қўлёзмалар орасида асрлар ўтиши билан турли тасодифлар туфайли айрим варақлари йиртилган, бошидан, орасидан тушиб қолган ёки бошқа бирор ҳодисага дуч келиб матн ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган саҳифалар бор. Ана шундай нуқсонларни матнни қайта кўчириб тиклаш – таъмирлаш ишида Абдулқодир Муродий катта маҳорат кўрсатди. Абдулқодир Муродий Шарқшунослик институти фондидаги (1974 йилгача ўн бир минг жилддан ортиқ) қўлёзмаларга муаллифлар каталогини тузиб чиқди, 1911 йилдан бошлаб тошбосмага китоблар кўчира бошлади. Инқилобгача ўн тўртта китобни, инқилобдан кейин ўн учта китобни кўчирди. Кўчирган китоблари орасида Алишер Навоий учта асарининг илмий-танқидий матнлари ҳам бор. Абдулқодир Муродий узоқ йиллар қўлёзмалар билан ишлаш жараёнида Ўрта Осиёда яшаган хаттотлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаб борди. Ана шу маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиб Ўрта Осиёда таркиб топган хаттотлик мактаблари ва уларнинг намояндаларини системалаштириб 1967 йилда «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу тадқиқот 1971 йилда ЎзССЖ «Фан» нашриёти томонидан монография ҳолида чоп этилди. 1. «Муҳокамат ул-луғатайн», 1948. 2. «Мезон ул-авзон». Танқидий текст. Тайёрловчи Иззат Султон. Тошкент, 1949, 95 бет. 3. «Мажолис ун-нафоис». Илмий-танқидий текст. Нашрга тайёрловчи Суйима Ғаниева. Тошкент, 1961, 265 бет.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

ДХК – М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат Халқ Кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлими.

ЛДУ – Ленинград Давлат университети Шарқ факультетининг қўлёзма бўлими.

ОзФАҚИ – Озарбайжон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти.

СамДУ АК – Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Асосий Кутубхонасининг қўлёзма бўлими.

СССР ФАШИ – СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими.

Тож ФАШИ – Тожикистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти.

ЎзФАШИ – Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Мундарижа

Алийбег РУСТАМИЙ

ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Тақдим 7
Дебоча 9
Тил ва унинг аҳамияти 9
Тилларнинг қардошлиги ва шаклдошлиги 12
Ҳазратнинг тилшуносликдаги ўрни 17
Тил ва тилшуносликдаги нуқсонлар 19
Нутқ ва калом 23
Балоғат 25
Маъоний илми 26
Баён илми 27
Одоб ва адиб 27
Матн жумбоқлари 29
Ҳазрат шахсийати 42
Мавлиди 42
Номлари 49
Бу китобда тахаллус тағйирининг узри 54
Ҳазратнинг тил хусусиятлари 57
Каф сўзи ҳақида 59
Бир шаклга эга икки кўмакчининг талаффузи ҳақида 60
Ёрдамчи сўзлар 62
Кўмакчилар 71
Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди 77
Эътиқод 77
Ҳазратнинг диёнати 77
Ҳазрат ислом ҳақида 79
Ҳазрат иймон ҳақида 94
Аввалғи мақолат 94
Ҳазрат тарийқат ҳақида 105
Бу тойифа сулу:кида муқаддама тамҳи:ди 112
Бу тоифанинг аъмол-у афъол ва муъамалот-у рийозотидин 114
Баъзини зикр қилмоқ 114
Авлийоу-ллоҳга воқиъ бўлған хаворик-и одот-у каромат байони 118
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қаддаса-ллоҳу таъоло сирру:ҳ 126
Қаноат нақшининг ифшоси-йу нақшбандийа тари:қининг адоси 129
Ҳазрат-и навоийнинг “маст-и аласт”и 132
Сулук ва унинг мартабалари 133
Суварий шароб 147
Маст-и аласт 149

Саидбек ҲАСАНОВ

НАВОИЙНИНГ ЕТТИ ТУҲФАСИ

Кириш 155
Саргузаштнинг ёрқин учқунлари 165
Ибратомуз ҳиқоялар оламида 186
Афсоналарда шаклланган образ 231
Муҳаббатнинг гавҳар қатралари 241
Ҳикояларда яширинган ҳақиқат 247
Рақамларнинг рамзий жилвалари 257
Гўзалликдаги ранглар олами 263
Ишқ достонининг ибрати 282

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар 285
Алишер Навоий асарларининг тошбосма нусхалари ва уларни кўчирган хаттотлар 307

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври навоийшунослиги: 30 жилдлик / Алийбег Рустамий: Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами; Саидбек Ҳасанов: Навоийнинг етти туҳфаси; Муҳаммаджон Ҳакимов: Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. – 320 бет.

Ж.4: Алийбег Рустамий: Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами; Саидбек Ҳасанов: Навоийнинг етти туҳфаси; Муҳаммаджон Ҳакимов: Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – 320 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5–1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Тўртинчи жилд

Алийбег РУСТАМИЙ

ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИНГ
МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Саидбек ҲАСАНОВ

НАВОИЙНИНГ ЕТТИ ТУҲФАСИ

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ
КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 15.07.2021 й. Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табоғи 21.
Нашриёт табоғи 23 Адади 1 000 нусха.